ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ КИМЁ ХАЛҚАРО УНИВЕРСИТЕТИ

Н. ХОЛЙИГИТОВА, Д. ТУРАЕВА

УМУМИЙ ПСИХОЛОГИЯ АСОСЛАРИ

(Дарслик)

Тошкент - 2022

УЎК 159.9
КБК 88.3
Х72

Холйигитова, Н. Тураева , Д.
Умумий психология асослари [Матн] / Н. Холйигитова, Д. Тураева .-Тошкент : Adast poligraf , 2023.-466 б.

Ушбу дарслик бакалавриат таьлим стандартларига киритилган “Умумий психология асослари” фанининг ёритилиши кўзда тутилган мавзуларни ўз ичига олган. Дарсликда психологик билим асослари баён этилган бўлиб, ундаги маълумотлар ёшларни ўз-ўзини, ўзгаларни билиш, турли вазиятлар ва гуруҳларда муомала қилиш сирлари, эркин, мустақил фикрлаш омиллари, психик ҳодисалар, қонуниятларни билган тарзда уларни бошқаришга оид маълумотлар берилган.

Тақризчилар:

1**. Умаров Б.М.** – Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети «Психология» кафедраси профессори, психология фанлари доктори.

2. Лутфуллаева Н.Х. – Тошент Давлат Иқтисодиёт университети “Инновацион таълим” кафедраси доценти, п.ф.н.

ISBN 978-9943-9463-6-1

@ Холйигитова Н.Х., Тураева Д.Р
@ ADAST poligraf

СЎЗ БОШИ

Ўқувчилар эътиборига тақдим этилаётган китоб “Умумий психология асослари” курси бўйича дарслик бўлиб, биринчи навбатда олий таълим муассасалари мактабгача ва бошланғич таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган.

Дарслик икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисм умумий психология мазмунини ташкил этувчи асосий тушунчалар, қонуниятларни очиб беради ва психология тарихидан баъзи маълумотларни ўз ичига олади.

Муаллифлар бўлғуси мактабгача ва бошланғич таълим ўқувчилари олган билимларидан амалда, кейинчалик педагогик фаолиятларида фойдаланишлари мумкинлигини ҳисобга олиб, кўп бўлимларда, умумий маълумотлардан ташқари бошланғич мактаб ёшидаги болаларнинг ривожланиши ҳақидаги материалларни тақдим этишди.

Дарсликнинг иккинчи қисми мактаб ёшидаги болалар ақлий ривожланишининг ўзига хос хусусиятларига бағишланган. У болаларнинг жисмоний, ақлий ва психофизиологик ривожланиши, уларнинг мактабда ўқишга тайёрлиги масалаларини ўрганади, ривожланиш босқичи сифатида бошланғич мактаб ёшининг ўзига хослиги ва қийматини таҳлил қилади. Ихтиёрий хулқ-атворни шакллантириш, моторли кўникмаларни ривожлантириш, ёш ўқувчиларнинг тенгдошлари ва катталар билан мулоқотига, шунингдек, шахслараро муносабатларни шакллантиришда ва ёш ўқувчиларнинг шахсиятини шакллантиришда ўқитувчининг ролига алоҳида эътибор қаратилади.

Тарбия жараёнида болаларнинг руҳий-психологик, эмоционал-иродавий ҳолати, хулқ-атворининг типик динамик ўзгаришлари, айниқса уларнинг интеллектуал ва физиологик ривожланиши батафсил кўриб чиқилади. Шунингдек, болаларнинг ёшга хос бўлган хусусиятлари ва психологик ривожланиши бўйича амалий тавсиялар берилган.

Ушбу дарслик ёшларга айнан психологик билимлар асосларини берсада, умид қиламизки, уларни ўз атрофида рўй бераётган ислоҳотларга холис баҳо бериш, ўзи ва ўзгалар руҳияти сир-асрорларига бефарқ бўлмаслик, ўз лаёқатларини ўстиришнинг элементар воситаларидан бохабар бўлишга ёрдам беради.

Муаллифлар ҳар бир фойдаланувчи китобни мутолаа қилиш жараёнида унда кўтарилган муаммоларга бефарқ қолмайди, жаҳонда ва мустақил юртимизда рўй бераётган оламшумул воқеалар моҳиятини англашда, уларга нисбатан фаол ҳаётий мавқеининг шаклланишида кўмакдош бўлади, деб умид қиладилар.

I БОБ. ПСИХОЛОГИЯГА КИРИШ. ПСИХОЛОГИЯНИНГ ИЛМИЙ, АМАЛИЙ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

1.1 §. ПСИХОЛОГИЯ ФАНИГА КИРИШ

Болалар билан педагогик фаолиятни бошлашдан олдин, биринчи навбатда, бола психологияси, хулқ-атворида туғма, табиатан нима берганини ва ташқи муҳит таъсирида, ҳаёт давомида орттирилиши мумкин бўлган хусусиятларни тушуниш муҳим.

Инсон психологиясини билиш, ўз тараққиёти ва иқтидорини ташкил этишни билиш, ҳар қандай ёш даврда ҳам оптимал равишда ишга яроқлилик, турли ўзгаришларга психологик жиҳатдан тайёрликни таъминлаш, янгича фикрлаш ва тафаккур қилиш, рўй бераётган жараёнларни объектив ва тўғри идрок қилиш қобилиятини ривожлантириш муаммосини ҳал қилишда психологик билимларнинг ўрни катта.

Шундай қилиб, янги давр ҳар бир инсондан ўз ички имкониятларини адекват билиш, шу билимлар захираси билан яқинлари ва ҳамкасблари психик дунёсини билишни талаб қилмоқда. Буюк Суқрот ўз даврида “Ўз-ўзингни бил!” деган шиорни ўртага ташлаган бўлса, янги давр “ўз ёнингдагиларни ва уларнинг қилаётган ишларини ҳам бил”, деган шиорни ҳар қачонгидан ҳам долзарб қилиб қўйди. Айни шу муаммони ечишда ҳозирги замон психология илми ва амалиётининг роли бениҳоят каттадир.

Психологиянинг фан сифатида дунёга келиши ва ривожланиши кўплаб олимларнинг илмий адабиёт ва дарсликларида баён этилган. Франциялик олим Ж. Годфруанинг “Что такое психология” номли 2 жилддан иборат китобида антик дунёдан бошлаб инсон психикаси, унинг қалби, ҳислари, хулқи масалалари диққат марказда бўлганлиги, психологиянинг фан сифатида ривожланишида файласуфларнинг қарашлари, табиий фанлар ривожи, XVII асрдан бошлаб фалсафа фанидан турли фанларнинг ажралиб чиқиши, XVIII ва XIX асрларда Кондильяк, Локк, Юм ёндашувлари асослаб берилган. Психологиянинг фан сифатида ривожланишида немис психологи ва физиологи Вильгельм Вундт (1832-1920)нинг хизмати катта бўлиб, у томонидан махсус тажрибавий синов лабораторияларининг ташкил этилиши бу фанни амалиётга яқинлаштирган. Бундан ташқари, психологиянинг пайдо бўлиши ва фан сифатида эътироф этилишида биологик, ижтимоий, бихевиор (хулқга кўра), когнитив, психоаналитик, гуманистик, социал-психологик йўналишлар ва уларнинг асосчиларининг ҳиссалари ҳам катта[1].

Россиялик психолог олим Р.С.Немов уч жилддан иборат “Психология” китобида психология атамаси XVI асрда биринчи марта қўлланганлиги, онг ва ўзини кузатиш туфайли инсон ўзидаги психик ҳолатларни ўргана

[1] Что такое психология: В 2-х т. Т.1. Пер. с франц. М., Мир, 1992. -496 с. 57-80-б.)

борганлиги, кейинчалик инсоннинг фаолияти соҳасида шу психик жараёнларни ўрганиш зарурати борлигини изоҳлаб берган.[2]

Ўзбек психолог олимлари ўқув дарслигида психология фанининг фалсафа ва табиатшунослик фанлари негизида пайдо бўлганлиги етарлича далиллар воситасида кўрсатиб берилган[3].

Демак, 1879 йилда Лейцпиг университетида немис физиологи ва психологи Вильгельм Вундт томонидан биринчи психологик лаборатория ташкил этилиб, унда илмий асосда турли тажрибалар ўтказиш бошлангандан кейин психология мустақил фан сифатида тан олинган.

«Психология» сўзи иккита грек сўзларидан *«psyche»* – жон, руҳ ва «*logos*» – таълимот, илм сўзларидан иборат бўлиб, анъанавий маънода инсон руҳий дунёсига алоқадор барча ҳодисалар ва жараёнлар унинг предметини ташкил этади. Бошқача қилиб айтганда, психологиянинг предметини ҳар биримизнинг ташқи олам ва ўз-ўзимизни билишимизнинг асосида ётган жараёнлар, ҳодисалар, ҳолатлар ва шаклланган хислатлар ташкил этади. Психология бўйича адабиётларда унинг предметини қисқача қилиб, ***психикадир,*** деб таъриф беришади. Психика – бу инсон руҳиятининг шундай ҳолатики, у ташқи оламни (ички руҳий оламни ҳам) онгли тарзда акс эттиришимиз, яъни билишимиз, англашимизни таъминлайди. Лекин бу қисқа таърифлардан психикага алоқадор жараёнлар онгнинг акс эттириш шакллари экан, деган юзаки хулосага келиш нотўғри бўлади. Чунки инсон психикаси ва унинг руҳий оламига алоқадор ҳодисалар ва жараёнлар шу қадар мураккаб ва хилма-хилки, биз баъзан ўз-ўзимизни ҳам тушунмай қоламиз. Шунинг учун ҳам одамларнинг билимдонлиги нафақат ташқи оламда рўй бераётган объектив ҳодисалар моҳиятига алоқадор билимлар мажмуига эга бўлиш билан, балки ҳаётда муносиб ўрин эгаллаш, ўз ички имкониятлари ва салоҳиятидан самарали фойдаланган ҳолда фаолиятини оқилона ташкил этишнинг барча сирларидан бохабар бўлиш, ўзига ва ўзгаларга таъсир кўрсатишнинг усулларини билиш ва улардан ўз ўрнида унумли фойдаланишни назарда тутади. Психологик билимдонликнинг мураккаблиги айнан шундаки, атрофимиздаги нарсалар ва ҳодисаларнинг моҳиятини бевосита ҳис қилиб билишимиз мумкин, лекин психикага алоқадор бўлган жараёнлар-ни, ўзимизда, миямиз, онгимизда рўй бераётган нарсаларнинг моҳиятини бевосита биламиз. Масалан, ўртоқларимиздан бири бизга ёқади, доимо бизда яхши, ижобий таассурот қолдира олади, лекин унинг у ёки бу хатти-ҳаракатларини бевосита кўриб, баҳолаб, таҳлил қилолсак-да, унга нисбатан ҳис қилаётган меҳримизни, узоқ кўришмай қолганимизда уни соғинаётганлигимиз билан боғлиқ ҳисни бевосита кўриб, идрок қилиш имкониятига эга эмасмиз. Айнан шунга ўхшаш ҳолатлар психология ўрганадиган ҳодисалар ва ҳолатларнинг ўзига хос табиати ва

---

[2] Немов Р.С. Психология: Учебник для студ. Вузов., Кн. 1.: 688 с. 8-12 б.)

[3] Давлетшин М.Г. «Психология тарихи» дастур. Т.-1996й.

мураккаблигидан дарак беради ва улар бошқа турли ҳодисалардан фарқ қилади.

Шундай қилиб, психология фани ўрганадиган жараёнлар ва ҳодисалар мураккаб ва хилма-хил. Уларни ўрганишнинг икки жиҳати бор: бир томондан, уларни ўрганиш қийин, иккинчи томондан осон ҳам. Охирги жиҳати хусусида шуни айтиш мумкинки, бу ҳодисалар билвосита бизнинг ўзимизда берилган, уларни узоқдан қидириш, мавҳум аналогиялар қилиш шарт эмас, бошқа томондан, улар ўзаро бир-бирлари билан боғлиқ бўлган умумий қонуниятлар ва тамойилларга бўйсунади.

Демак, *психологиянинг предмети конкрет шахс, унинг жамиятдаги хулқ-атвори ва турли фаолиятларининг ўзига хос томонларидир*, деб таърифлаш мумкин.

Психология ҳақидаги кундалик ғоялар дунёвий донишмандлик, одатий барқарор қарашлар ва эътиқодларда ҳам ўз ифодасини топган. Уларни кўплаб халқ мақоллари ва ҳикматларида кўриш мумкин: “Яхши сўзга илон инидан пичоқ қинидан чиқмайди”, “киши қўли билан ип эшилмас”, “жаҳл чиқса, ақл кетар” “билаги зўр бирни йиқар, билими зўр мингни”, “Бўлар бўлмас уринма, охирида суринма” ва ҳоказо. Шубҳасиз, бу мақоллар инсон психологияси ҳақидаги жиддий билимларни акс эттиради. Психологиянинг ҳақиқий мутахассислари, албатта, ёзувчилар, шоирлар, рассомлар, актёрлар – ўз қалбининг ғаройиб ҳисларини ўз асарларида кашф этадиган санъат аҳлидир. Кундалик психология ҳам, санъат асарлари ҳам кўп жиҳатдан олдинга силжийди, кўп жиҳатдан ёрдам беради, лекин улар қандайдир фан сифатида психологиядан орқада қоладилар.

Ҳар қандай фаннинг предмети – бу атрофдаги дунё, инсон билан боғлиқ масалалар. Илмий психология ҳаётий психологияга ўхшайди, лекин улар ўртасида сезиларли фарқлар мавжуд. Улар: инсоний ҳаракатни нима аниқлайди? Биз қандай фикрдамиз? Нега баъзида бирор нарсага қараб, биз асосий нарсани кўрмаяпмиз? Нега битта талаба муаммоларни ҳал қилишда яхшироқ, иккинчиси чизишда яхшироқ? Нега кимнингдир кўп дўстлари бор, лекин ёмонроқ кўринадиган одамда улар умуман йўқ? каби саволлар атрофида мулоҳаза юритадилар. Баъзида мазкур масалаларда бир хил жавоб ҳам бўлиши мумкин. Масалан, нега баъзи болалар яхши ўқишади, баъзилари яхши расм чизишади, деган саволга бир хил: уларда қобилиятлар турлича деб жавоб берадилар. Аммо, шу билан бирга, ҳаётий психология инсоннинг у ёки бу қобилияти билан туғилишига асосланади, ҳамма нарса “табиатга” боғлиқ. “У аллақачон шундай туғилган” деган фикрни илгари суради. Илмий психология одамларнинг қобилиятидаги фарқлар ҳақида гапирганда, табиий, туғма мойилликларнинг ролини инкор этмайди. Бироқ, расм чизиш, қўшиқ айтиш, математика, спорт ва бошқаларда муваффақият қозонишнинг асосий қиймати, илмий нуқтаи назардан, инсон фаолиятининг маҳсули сифатида намоён бўлади. Айнан мана шу фаолиятда одамнинг қобилиятлари ривожланади. Бу ҳақда “Қобилиятлар” мавзусида батафсил тўхталиб ўтамиз.

Илмий психологиянинг ҳаётий психологиядан фарқи шундаки, аниқ илмий далиллар асосида хулосалар чиқаради. Ҳаётий психология кузатувлар, стереотиплар, қарашлар, ишончларга асосланади. Илмий психология қатъий илмий тадқиқотлар натижасида олинган ва бир неча бор тасдиқланган фактларга асосланган бўлиб, улар мантиқан тизимлаштирилган ва махсус илмий назарияларда тушунтирилган.

Одамлар психологияси ва хулқ-атворини ўрганиб, олимлар, бир томондан, инсонларнинг биологик мавжудот сифатида, иккинчидан, унинг индивидуал фаолият тажрибаси асосида, учинчидан, жамиятга мувофиқ ишлайдиган қонуниятларга асосланган ҳолда уларнинг изоҳини излайдилар. Психология фани инсоният томонидан кашф қилинган фанларнинг ичида энг мураккаблиги боис биосферик таълимотидан келиб чиққан ҳолда, психика юксак даражада ташкил топган материянинг хусусиятини акс эттирувчи категория сифатида ўрганилиб келинди.

Психика – бу миянинг атрофдаги воқелик ҳақида маълумот олиш, объектив дунё тасвирини яратиш ва шу асосда ўз хатти-ҳаракати ва фаолиятини тартибга солиш қобилияти. Психика иши фақат одам, ҳайвоннинг фаол фаолияти жараёнида амалга оширилади. Фаоллик психика ривожланишининг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Психиканинг турли шаклларда кўринишлари психик жараёнлар, психологик ҳолатлар, хусусиятлар мавжуд бўлиб, психик акс эттириш бир қатор хусусиятлари билан ажралиб туради, яъни шахс индивидуаллиги орқали намоён бўлади, шахснинг фаолияти жараёнида юзага келади, атрофдаги воқеликни тўғри акс эттириш имкониятини беради.

Психика индивидуал хусусиятларга эга. Руҳий хусусиятлар индивидуалликни шакллантиради ва барча таъсирлар индивидуал хусусиятлар орқали юзага чиқади. Эҳтимол сиз, бир хил воқеа бир одамни қандай ҳаяжонга солиб, иккинчисини бефарқ қолдираётганини бир неча бор кузатгансиз. Бирор вазиятли ҳолат ҳар кимга ҳар хил таъсир кўрсатади, кимдир шу таъсир натижасида ўз-ўзини ҳимоя қилиши, бошқаси аксинча, таъсирлардан ўзи ҳам таъсирланишини кўришимиз мумкин.

Илмий психологиянинг предмети – одамлар ва ҳайвонлар психикасининг моҳияти ва ривожланиш қонуниятларини ўрганишдан иборатдир. Мазкур дарсликда инсон психологияси унинг психик тараққиёти, билиш жараёнлари ҳақида фикр юритилади. Ҳайвонларнинг руҳиятини ўрганиш психологиянинг махсус бўлими – зоопсихологияга тегишли. Психология психик жараёнлар, психик ҳолатлар, психик хусусиятлар ва психик ҳодисаларни ўрганади.

Психология фанининг предмети масаласида психика ва унинг намоён бўлиш шакллари замонавий психологиянинг умумий психология соҳасига алоқадор бўлиб, кўплаб олимлар ўз илмий адабиётларида бу жиҳатни муҳим сифатида қарайдилар.

Психика ва унинг намоён бўлиш шакллари

1 - Расм

ПСИХИКАНИНГ НАМОЁН БЎЛИШ ШАКЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ

ПСИХИК ЖАРАЁНЛАР	ПСИХОЛОГИК ҲОЛАТЛАР	ШАХС ХУСУСИЯТЛАРИ

БИЛИШ ЖАРАЁНИ	*ҲИССИЙ - ИРОДАВИЙ*	*ИНДИВИДУАЛЛИК*
Сезгилар	*Эмоциялар*	*Йўналишлар*
Идрок	*Эътиқодлилик*	*Темперамент*
Хотира	*Бардамлик*	*Характер*
Тафаккур	*Тетиклик*	*Қобилиятлар*
Хаёл	*Апатия*	*Иқтидор*
Нутқ	*Қизиқувчанлик*	*Ақлий салоҳият*
Диққат	*Ҳайратланиш*	*Хулқ мотивацияси*
	Ишончлилик	*Иш услуби*
	Ижодий руҳланиш	*Масъулият*

Психик жараёнлар инсон руҳий ҳаётининг учта асосий жиҳатини тавсифлайди: билиш, ҳис қилиш ва ирода. Шунга кўра, психик жараёнлар билиш жараёнлари, ҳис-туйғулар ва иродага ажратилади. Когнитив жараёнларга сезги, идрок, хотира, тафаккур, тасаввур киради, улар ёрдамида биз дунёни ва ўзимизни билиб оламиз. Когнитив жараёнлар орасида алоҳида ўринни барча жараёнларда мавжуд бўлган ва диққатни жамлашга, бирор нарсага қаратишга имкон берадиган диққат эгаллайди.

Ҳис-туйғулар, эмоциялар одамнинг атрофдаги дунё ҳодисалари, ички ҳаётидаги ҳодисаларга бўлган муносабатини акс эттиради, улар учун ҳодисанинг шахсий аҳамияти, унинг ҳаёти учун қанчалик муҳимлигини аниқлайди.

Ирода хатти-ҳаракатни онгли равишда тартибга солишни, қўйилган мақсадга мувофиқ ҳаракат қилиш қобилиятини, қабул қилинган ниятни таъминлайди.

“Психик жараёнлар” концепцияси, биринчи навбатда, ақлий фаолиятнинг динамиклиги, эгилувчанлиги, ўзгарувчанлиги, узлуксизлигини таъкидлайди.

Психик ҳолатлар нисбатан барқарор руҳий ҳодисалардир. Руҳий ҳолатларга қувноқлик, чарчоқ, зерикиш, қувонч, хавотир, бефарқлик, хушчақчақлик, руҳланиш, сиқилиш, зийраклик, қатъийлик, тиришқоқлик ва бошқалар киради. Психик ҳолатлар шахсда маълум даражада барқарор бўлиб, уларнинг муайян хусусиятига ҳам айланиб қолади.

Психик хусусиятлар – бу одамни ёки одамлар гуруҳини бошқалардан ажратиб турадиган энг барқарор ва асосий хусусиятлардир. Ақлий хусусиятларга шахснинг ўзига хос хусусиятлари, унинг йўналиши, шахсият хусусиятлари, феъл-атвор хусусиятлари, темперамент ва қобилият киради.

Психик жараёнлар, психик ҳолатлар ва психик хоссалар бир-биридан алоҳида мавжуд эмас, улар ўзаро таъсир қилади ва бир-бирига ўтиши мумкин. Масалан, қизиқиш билиш жараёнининг ифодаси сифатида қизиқиш ҳолатига айланиши ва қизиқувчанлик каби шахсий фазилат билан мустаҳкамланиши мумкин.

Фаолият – тирик организмларнинг умумий хусусияти, уларнинг мавжуд бўлишининг асосий шартидир. Яшаш – бу фаол бўлиш, ҳаракат қилиш. Бу тирик мавжудотга атроф-муҳит билан ҳаётий алоқаларни сақлаб туришга имкон берадиган фаолият, у ривожланиш ва ўз-ўзини ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Фаолият – инсон хулқ-атворини ташқи (муҳит) ва ички (эҳтиёжлар, мотивлар) шартлари. Хулқ-атворни одам ҳар хил даражада сезиши мумкин, онгли равишда, яъни қўйилган мақсадлар билан белгиланади ёки тўғридан-тўғри хоҳиш, ҳис-туйғуларга мувофиқ амалга оширилади. Инсон фаолиятининг энг муҳим шакли – бу фаолият. **Фаолият** – бу ташқи дунёни ва инсоннинг ўзини билиш ва ўзгартиришга қаратилган онгли равишда тартибга солинадиган фаолиятдир. Инсон фаолиятининг асосий турлари – бу ўйин, ўқиш, меҳнат, ижодкорлик. Айнан шу фаолиятда шахснинг асосий хусусиятлари шаклланади ва унинг қобилиятлари ривожланади.

Психология яхлит ва мустақил фан сифатида одамларда гуманистик менталитетнинг шаклланишига хизмат қилиб, инсон омилига алоқадорлиги унинг шу йўналишдаги муаммоларни маълум маънода ўрганадиган барча фанлар билан билвосита алоқасини тақазо этади. Булар биринчи навбатда ижтимоий-гуманитар фан соҳалари бўлиб, психологиянинг улар орасидаги мавқеи ўзига хос ва етакчидир.

Фалсафа ва унинг охирги пайтларда шаклланиб, ривожланиб бораётган ижтимоий фалсафа қисми билан бўлган алоқа бу иккала фаннинг инсон ва унинг ҳаёти моҳиятини тўла англаш, унинг ривожланиб бориш тенденцияларини белгилашдаги ўрни ва аҳамиятидан келиб чиқади. Табиат, жамият ва инсон тафаккурининг ривожланишига оид бўлган умумий қонуниятлар ва тамойилларни психология фалсафанинг базасидан олади. Шу билан бирга, ўзи ҳам инсон онги ва тафаккури қонуниятлари соҳасидаги ютуқлари билан фалсафани бой маълумотларга эга бўлишига ёрдам беради.

Социология фани ҳам янгича ижтимоий муносабатлар шароитида ўз тараққиётининг муҳим босқичига ўтган экан, психология ушбу фан эришган ютуқлардан ҳам фойдаланади, ҳам уларнинг кўлами кенгайишига баҳоли қудрат хизмат қилади. Айниқса, психологиядан мустақил равишда ажралиб чиққан, бугунги тараққиёт даврмизда алоҳида аҳамият касб этган ижтимоий психологиянинг социология билан алоқаси узвий бўлиб, улар жамиятда ижтимоий тараққиёт ва ривожланишни таъминлашига хизмат қилади.

Педагогика билан психологиянинг ўзаро ҳамкорлиги, алоқаси анъанавий ва азалий бўлиб, уларнинг ёш авлод тарбиясини замон талаблари руҳида амалга оширишдаги роли ва нуфузи ўзига хосдир. Республикамизда амалга оширилаётган “Таълим тўғрисидаги Қонун” ҳамда “Кадрлар тайёрлашнинг Миллий Дастури”ни амалга ошириш ҳам икки фан ҳамкорлиги ва ўзаро алоқасини ҳар қачонгидан ҳам долзарб қилиб қўйди. Миллий дастурда эътироф этилган янгича моделдаги **шахсни** камол топтириш, унинг чуқур билимлар соҳиби бўлиб етишиши, баркамоллигини кафолатловчи шарт-шароитлар орасида янги педагогик технологияларни таълим ва тарбия жараёнларига татбиқ этишда педагогиканинг ўз услуб ва қоидалари етарли бўлмайди. Шунинг учун ҳам психология у билан ҳамкорликда ёш авлод онгининг таълим олиш даврларидаги ривожланиш тенденцияларидан тортиб, токи янгича ўқитиш технологияларини бола томонидан ўзлаштирилиши ва ундаги ақлий ҳамда интеллектуал қобилиятларга нечоғлик таъсир кўрсатаётганлигини ўрганиш, шу асосда ишни ташкил этиш психологиядаги методларни дидактик методлар билан уйғунлаштиришни тақозо этади. Айниқса, маънавий баркамоллик тамойилларини мактабда ва янги типдаги таълим муассасаларида жорий этиш ҳам шахс психологиясини теран билган ҳолда ўқитишнинг энг илғор ва замонавий шаклларини амалиётга татбиқ этишни назарда тутади. Шахсга таълим ва тарбия беришнинг алоҳида эмас, биргаликда қаралишида педагогика ва психология фанларининг ўзаро узвийлиги муҳимдир. Ҳозирги кунларда таълим сифати ва самарадорлигини ошириш учун таълим олувчининг психологик хусусиятларини билган ҳолда, унга педагогик таъсир этиш ва уни янги билимларга йўналтириш технологияси жорий этилганлиги ҳам бу икки фан бир-бирига чамбарчас боғлиқ эканлигини кўрсатади.

Табиий фанлар: биология, физиология, химия, физика ва бошқалар психик ҳодисалар ва жараёнларнинг табиий физиологик механизмларини тушуниш, шу орқали уларнинг кечиши қонуниятларини объектив ўрганиш учун материал беради. Айниқса, бош мия ҳамда марказий асаб системасининг психик фаолиятларини бошқариш ва уларни мувофиқлаштиришдаги ролини эътироф этган ҳолда психология фани табиий фанлар эришган ютуқлар, улардаги тадқиқот услубларидан омилкорона фойдаланади. Масалан, шахс қобилиятларини диагностика қилиш унинг туғма лаёқатлари ҳамда орттирилган сифатларини бир вақтда билишни тақозо этгани сабабли, ўша табиий лаёқатнинг хусусиятларини аниқлашда психофизиологиянинг қатор усуллари-дан (мия асимметрияси қонунлари, мия биоритмларини ёзиб олиш, нейродинамик ҳодисаларни аниқлаш, қон айланиш ва тана ҳароратини ўлчаш методлари) ва биология, анатомия, физиология, нейрофизиология каби фанларнинг шу кунгача эришган ютуқларидан ўз ўрнида фойдаланади. Шунинг учун табиий фанлар соҳасида эришилган барча ютуқлар психологиянинг предметини мукаммалроқ ёритишга ўз ҳиссасини қўшган ҳолда уни бойитади.

Кибернетика фани соҳасидаги эришилган ютуқлар психология учун ҳам аҳамиятли ва зарур бўлиб, у инсон шахсининг ўз-ўзини бошқариш ва психик жараёнларни такомиллаштириш борасида ахборотлар технологияси ва кибернетика томонидан қўлга киритилган ютуқлар, тадқиқот методлари, махсус дастурдан ўз ўрнида фойдаланади. Айниқса, маълумотлар асри бўлган XXI асрда информацион технологиялар ва моделлаштириш борасида психология ҳамда кибернетика ҳамкорлигининг салоҳияти янада ортади. Масалан, оддий мулоқот жараёнини янада такомиллаштириш, ҳар бир сўзнинг шахслараро муносабатлардаги таъсирчанлигини ошириш мақсадида ҳамда ана шундай ижтимоий фаолият жараёнида шахс тизимини такомиллаштиришда турли кибернетик моделларидан ўринли фойдаланиш замонавий психологиянинг жамиятдаги ўрни ва ролини оширади, махсус компьютер дастурларининг кенг қўлланилиши инсон мияси ва руҳий олами сирларини тез ҳамда аниқ ўрганишни кафолатлайди.

Техника фанлари билан психологиянинг ўзаро алоқаси ва ҳамкорлиги яққол сезилмоқда. Бир томондан, мураккаб техникани бошқарувчи инсон онги муаммосини ечишда, иккинчи томондан, психик ҳаётнинг мураккаб қирраларини очишда махсус техник воситалардан фойдаланиш зарурати бу икки йўналишнинг эришган ютуқларини бирлаштиришни назарда тутади. Масаланинг яна бир алоҳида томони ҳам борки, у ҳам бўлса, техника тараққиётига интилаётган бир вақтда мураккаб техника ва машиналар билан "мулоқот" қилаётган шахс фаолиятини янада мукаммаллаштириш ва унинг имкониятларига мослаш масаласи ҳам ана шу ҳамкорликда ҳал қилиниши лозим бўлган масаладир. Айниқса, ҳозирги кунда мураккаб замонавий техника сир-асрорларини билиш, унинг жамият ва фан равнақига хизматини таъминлаш қанчалик долзарб бўлса, ана шу техникага ҳар бир оддий фуқаро онги, тафаккури ва қобилиятларини мослаштириш ва "одам – машина" диалогининг энг самарали йўлларини излаб топиш жуда муҳим. Техника билан бемалол "тиллашадиган" малакали мутахассислар тайёрлаш борасида ҳам техника фанлари педагогика ва психология фанлари методларидан фойдалана олсагина, муваффақиятга эришади.

Иқтисодиёт билан психологиянинг ўзаро алоқаси ва ҳамкорлиги ҳам янгилик бўлиб, айниқса, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш шароитида иқтисодий онг ҳамда иқтисодий хулқнинг ўзига хос намоён бўлиш қонуниятларини ўрганишда иккала фан тенг хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримов мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ фуқароларда, биринчи навбатда, ёшларда янгича иқтисодий тафаккур шаклланишининг жамият иқтисодий тараққиётидаги аҳамиятига эътиборни қаратган эдилар. Демак, янги давр шахсини тарбиялаш ва унинг жамиятга мослашуви масаласида психология иқтисодиёт фанида қўлга киритган ютуқлар, янгиликлар ва иқтисодий самарага эришиш омилларини ҳисобга олса, иқтисодиёт ўз навбатида, иқтисодий ислоҳотларнинг объекти ҳамда субъекти бўлмиш инсон омилидаги барча психологик ўзгаришларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва шу аснода башорат қилиш вазифасини ечиши керак.

Юқорида таъкидланган фан тармоқлари психология билан билвосита узвий алоқада ривожланадиган фанларнинг асосий қисми холос. Бугунги кунда ҳар бир фан ривожи учун инсон омилини ҳисобга олиш зарур экан, психология ўша барча фанлар билан алоқада ва ҳамкорликда ривожланади.

Шунинг учун бугунги кунда психология фанидан алоҳида бўлиб ажралиб чиққан тармоқлар тўғрисида ҳам фикр юритиш мумкин.

1.2 §. ПСИХОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ФАН СИФАТИДА ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ

Инсониятнинг ижтимоий тарихий тараққиёти давомида қадимги одамлар табиий ҳамда ижтимоий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ибтидоий жамоа аъзоларининг психологик хусусиятларини аниқлаш, улардан шахслараро муносабатларда оқилона фойдаланиш, ўзининг хатти-ҳаракати, шахсий фаолияти ва муомалага киришишида уларни ҳисобга олишга интилиб, яшаб келганлар. Кўп минг йиллик ижтимоий ҳаёт тажрибаларига асосланган равишда одамлар шахснинг индивидуал *(лот. "individuum" - алоҳида, яккаҳол одам)* хусусиятларини жон билан боғлаб изоҳлашга ҳаракат қилганлар. Қадимги одамларнинг тасаввурларига қараганда, инсон танасида "жон" жойлашган бўлиб, у шахсга оид хусусиятлар, хислатларни вужудга келтириш имкониятига эга эмиш. Қадимги аждодларимизнинг "жон" тўғрисидаги тасаввурлари шунга боғлиқ, мутаносиб тушунчасини келтириб чиқарди ва бунинг натижасида анимизм *(лот. "anima" - жон)* таълимоти инсоният томонидан кашф қилинади. Бунда уларнинг тасаввурларида руҳ инсоннинг танаси билан узвий боғлиқ ҳолда ҳукм суради, гўёки яшайди. Шунинг учун ижтимоий ҳодисалар, ҳатто онг, шунингдек, реал воқеликлар (ўлим, уйқу, беҳуш бўлиш, бетоблик) кабиларни содда тарздаги моддийлик (мавжудлик) нуқтаи назаридан талқин қилишга уринганлар. Уларнинг тасаввурларида қуйидагича талқинлар кенг ўрин эгаллаган:

- ўлим – уйқунинг бир тури, лекин руҳ баъзи бир сабабларга кўра танага қайтиб келмайди;
- туш кўриш – уйқудаги танани тарк этиб юрган ҳаракатдаги руҳнинг таассуротидир;
- руҳ – инсоннинг айнан ўзидир;
- руҳнинг эҳтиёжлари, турмуш шароитлари тирик одамникидан тафовутланмайди;
- марҳумларнинг руҳлари муайян машғулотлар тизимига, ижтимоий қонун-қоидаларга риоя қилувчи ҳамжамиятни яратар эмиш;
- тирик инсонлар билан марҳумларнинг руҳи бир-бирига боғлиқ бўлиб, моддий жиҳатдан ўзаро алоқадордир.

Инсониятнинг ижтимоий-тарихий тараққиёти давомида меҳнатни режалаштириш, ишлаб чиқариш муносабатлари, ишлаб чиқариш кучлари ва уларнинг табақалашуви, одамлар тафаккурининг ривожланиши туфайли жоннинг (руҳнинг) моддийликдан ташқари хусусияти, кўриниши юзасидан

ғоялар вужудга келиб, натижада анимистик тасаввурлар ўрнини руҳни борлиқнинг натуралистик *(лот. "natura" – табиат)* фалсафий манзараси тарзида изоҳлаш намоён бўла бошлади:

- руҳ оламининг ибтидосини ташкил қилувчи нарсалар (сув, ҳаво, олов)нинг инсонлар ва ҳайвонларга жон бағишловчи шакли (Фалес эрамиздан олдинги VII-VI асрлар, Анексимон V аср, Гераклит VI-V асрлар);
- эрамиздан олдин ижод қилган юнон файласуфларининг илмий изланишлари натижасида материянинг жонлилиги тўғрисидаги ғоя юзага келади;
- материянинг жонлилиги ҳақидаги ғояни ривожлантирган атомизм *(юнон. "atomos" – бўлинмас)* намояндалари (Демокрит эрамиздан аввалги V-IV асрлар, Эпикур IV-III асрлар, Лукриций I аср) бир қанча фикрларни илгари сурдилар, жумладан:

- руҳ танага жон бағишловчи моддий жисмдир;
- моддий асос сифатидаги ақл;
- ҳаётни бошқарувчи идрок вазифасини бажарувчи аъзо;
- руҳ билан ақл тана аъзолари, бинобарин, уларнинг ўзи ҳам танадир;
- улар шарсимон, кичик ҳаракатчан атомлардан иборатдир.

Юқоридаги психолог олимларнинг мулоҳазалари организмнинг анатомик-физиологик тузилиши, миянинг таркиби сингари моддий асосларга суянган ҳолда реал воқеликни тушунтириш имкониятига эга эмаслиги, худди шу омилдан келиб чиққан ҳолда инсон тафаккури, шахсий фазилатлари, унинг мақсад кўзлаши, гавдани идора этишга қобиллигини далиллаш тўғрисида фикр юритиш мураккаб руҳий жараён ҳисобланади.

Жумладан, Афлотун жоннинг таркибий қисмлари тўғрисидаги тушунчани психологияга олиб киради: ақл-идрок, жасорат, орзу-истак кабилардан иборат бўлиб, улар бош, кўкрак, қорин бўшлиғига жойлашгандир. Афлотун психологияда дуализм *(лот. "dualis" – икки мустақил)* таълимотини руҳий оламни, тана билан психикани иккита мустақил нарса деб изоҳласа, унинг шогирди Арасту ўзининг таълимотида психологияни табиий-илмий асосга қуриб, уни биология ва тиббиёт билан боғлаб тушунтиришга эришган. Арастунинг "Жон" тўғрисидаги китоби маълум бир давр учун тараққийпарвар манба вазифасини бажариб, унда одамлар ва ҳайвонларнинг кундалик ҳаётий лаҳзаларини кузатиш орқали яққол воқеликни тасвирлаш, таҳлил қилиш жараёнлари мужассамлашгандир. Арастунинг таъкидлашича, жон қисмларга бўлинмайди, лекин у фаолиятнинг озиқланиш, ҳис этиш, ҳаракатга келтириш, ақл, идрок каби турларга оид қобилиятларда намоён бўлади. Унинг фикрича, сезги билишнинг дастлабки қобилияти, у тасаввур шаклида из қолдириши мумкин экан.

Қадимги дунёнинг кейинги ривожланиш даврларида психологик ғоялар мукаммаллашиб, унга оид таянч тушунчалар вужудга кела бошлади, ҳатто руҳ ҳозирги замон психикаси каби қўлланиш кўлами кенгайди.

Психика категориясининг негизида идрок ва тафаккурдан ташқари онг тушунчаси юзага келиб, бунинг натижасида ихтиёрий ҳаракатлар ва уларни назорат қилиш имконияти туғилди. Масалан, римлик шифокор Гален (эрамиздан олдинги II аср) физиология ва тиббиёт ютуқларини умумлаштириб, психиканинг физиологик асослари тўғрисидаги тасаввурларни янада бойитади.

XVII аср биология ва психология фанлари тараққиёти учун муҳим давр бўлиб, жумладан, француз олими Декарт (1596-1650) томонидан хулқ-атворнинг рефлектор (ғайриихтиёрий) табиатга эга эканлигини кашф этилиши, юракдаги мушакларнинг ишлаши (фаолияти) қон айланишнинг ички механизми билан бошқарилишини тушунтирилиши муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, рефлекс *(лот. "reflexus" – акс эттириш)* организмнинг ташқи таъсирга қонуний равишдаги жавоб реакцияси сифатида талқин қилиниши асаб-мушак фаолиятини объектив тарзда билиш воситасига айланди, сезги, ассоциация, эҳтирос юзага келишини изоҳлашга имкон яратилди. Психология фанининг илмий асосга қурилишида инглиз олими Гоббс (1588-1679) руҳни мутлақо рад этиб, механик ҳаракатни ягона воқелик деб билади ва унинг қонуниятлари психологиянинг ҳам қонуниятлари эканлигини таъкидлайди. Унинг негизида эпифеноменализм *(юнон. "epi" – ўта, "phainomenon" - ғайритабиий ҳодиса)* вужудга келиб, психология танадаги жараёнларнинг сояси сингари рўй берадиган руҳий ҳодисалар тўғрисидаги таълимотга айланди.

Нидерландиялик олим Спиноза (1632-1677) онгни катта кўламга эга материядан сира қолишмайдиган воқелик, яъни яққол нарса деб тушунтириб, у детерминизм *(лот. "demerminata" – белгилайман)* принципининг, яъни табиат, жамият ҳодисалари, шу жумладан, психик ҳодисаларнинг объектив сабаблари билан белгиланиши ҳақидаги таълимот тарғиботчиси ҳамдир.

Немис мутафаккири Лейбниц (1646-1716), инглиз файласуфи Жон Локк (1632-1704), инглиз тадқиқотчиси Гартли (1705-1757), француз адиби Дидро (1713-1784) кабилар ғоялар ассоциацияси (боғланиши) қонуни, идрок ва тафаккурнинг пайдо бўлиши, қобилиятлар психологияси ҳақида муҳим таълимотларини яратиш билан фаннинг ривожланишига муҳим ҳисса қўшдилар.

XVII асрга келиб нерв тизимини тадқиқ қилишда улкан ютуқларга эришилди, натижада эса психика миянинг функцияси эканлиги ҳақидаги таълимот вужудга келди. Инглиз тадқиқотчиси Чарльз Белл ва француз Франсуа Мажанди томонидан ёзувчи ва ҳаракат нервлари ўртасидаги тафовут очиб берилиб, унинг негизида рефлектор ёйи деган янги тушунча пайдо бўлди, буларнинг натижасида ихтиёрий (онгли) ва ихтиёрсиз (онгсиз) рефлектор турлари кашф қилинди. Юқоридаги илмий кашфиётлар таъсирида рус олими И.М.Сеченовнинг (1829-1905) рефлектор назарияси рўёбга чиқди ва ушбу назария психология фанининг физиологик асослари, механизмлари, бош мия рефлексларининг ўзига хос хусусиятлари табиатини

очиб бериш имкониятига эга бўлди.

Психология фанининг экспериментал, психоаналитик, бихевиористик, эмпирик, эпифеноменалистик, гештальт, ассоциатив, психогенетик, редукционизм, гуманистик, биогенетик, социогенетик каби йўналишлари томонидан тўпланган маълумотлар ҳозирги замон психологиясини вужудга келтирди.

1.3 §. Психология фанининг тадқиқот методлари

Аниқ изланиш предметига эга бўлган ҳар қандай фан ўша предметининг моҳиятини ёритиш ва материаллар тўплаш учун махсус усул ҳамда воситалардан фойдаланади ва улар фаннинг **методлари** деб юритилади. Фаннинг салоҳияти ва обрўси ҳам, биринчи навбатда, ўша методлар ёрдамида тўпланган маълумот-ларнинг ишончлилиги ва валидлилигига боғлиқ бўлади. Бу фикрлар билвосита психологияга ҳам алоқадор бўлиб, методлар масаласи бу фанда жуда катта аҳамиятга молик масала сифатида қаралади. Чунки юқорида таъкидлаганимиздек, психик ҳодисаларни бевосита қўл билан ушлаб, кўз билан илғаб, қулоқ билан сезиш қийин. Лекин жуда кўплаб фанлар билан фаол ҳамкорлик шунга олиб келганки, психологиянинг ҳар бир тармоғи ўз вазифаларини ечиш ва маълумотларга эга бўлиш учун кўплаб методларни синовлардан ўтказиб, энг ишончли ва мукаммалларини сақлаб қолган.

Математик статистика ва эҳтимоллар назариясининг психология соҳасида қўлланиши ва унда эришилган муваф-фақиятлар, аввало, ҳар бир методнинг ишончлилик даражасини аниқлаш, қолаверса, тўпланган маълумотларнинг қай даражада асосли ва валид эканлигини исботлашга ёрдам беради.

Психология фанида инсон психикасини тадқиқ қилиш методларининг турлича таснифи мавжуд.

Психология фани методлари ёрдамида тадқиқотчи ёки қизиқ-қан шахс у ёки бу психик жараён, ҳолат ёки шахс хусусиятлари тўғрисида бирламчи маълумотлар тўплайди, тўпланган маълумот яна таҳлил қилинади ва махсус тарзда ишлатилиши мумкин.

Кузатиш методи табиий методлар жумласига киради. Ташқи кузатув моҳиятан кузатилувчи хулқ-атворини бевосита ташқаридан туриб кузатиш орқали маълумотлар тўплаш усулидир. Ўз-ўзини кузатиш эса одам ўзида кечаётган бирор ўзгариш ёки ҳодисани ўзи ўрганиш мақсадида маълумотлар тўплаш ва қайд этиш усулидир.

Эркин кузатув кўпинча бирор ижтимоий ҳодиса ёки жараённи ўрганиш мақсад қилиб қўйилганда қўлланади. Масалан, байрам арафасида аҳолининг қайфиятини билиш мақсадида кузатув ташкил қилинса, олдиндан махсус режа ёки дастур бўлмайди, кузатув объекти ҳам қатъий бўлиши шарт эмас. Ёки дарс жараёнида болаларнинг бирор-бир мавзу юзасидан умумий муносабатларини билиш учун ҳам баъзан эркин кузатиш ташкил этилиши мумкин. Стандартлаштирилган кузатув эса, бунинг акси бўлиб,

нима, қачон, ким ва кимни кузатиш қатъий белгилаб олинади ва махсус дастур доирасидан чиқмасдан кузатув олиб борилади.

2-жадвал

Психологиянинг асосий методлари

АСОСИЙ МЕТОДЛАР	Асосий методларнинг вариантлари
КУЗАТИШ МЕТОДИ	Ташқи (объектив кузатиш) Ички (субъектив, ўз-ўзини кузатиш) Эркин кузатув Стандартлаштирилган Гуруҳ ичида кузатиш Гуруҳ ташқарисида кузатиш
СЎРОҚ МЕТОДЛАРИ	Оғзаки сўроқ Ёзма сўроқ Эркин сўроқ (суҳбат) Стандартлаштирилган сўроқ
ТЕСТЛАР МЕТОДИ	Тест – сўров Тест - топшириқ Проектив тест Социометрик тест
ЭКСПЕРИМЕНТ	Табиий эксперимент Лаборатория эксперименти
МОДЕЛЛАШТИРИШ	Математик моделлаштириш Мантиқий моделлаштириш Техник моделлаштириш Кибернетик моделлаштириш

Ижтимоий ҳамда педагогик психологияда гуруҳий жараёнларнинг шахс хулқ-атворига таъсирини ўрганиш мақсадида бевосита ичкаридан кузатув ташкил қилинади, бунда кузатувчи шахс ўша гуруҳ ёки оила ҳаётига табиий равишда қўшилади ва зимдан кузатиш ишларини олиб боради. Бу бир қарашда контрразведкачиларнинг фаолиятини ҳам эслатади. Шу йўл билан олинган маълумотлар, бир томондан, табиийлиги ва муфассаллиги билан қимматли бўлса, иккинчи томондан, агар кузатувчида конформизм хислати кучли бўлса, ўзи ҳам гуруҳ ҳаётига жуда киришиб кетиб, ундаги айрим ҳодисаларни субъектив равишда қайд этадиган бўлиб қолиши ҳам мумкин. Гуруҳий феноменларни ташқаридан кузатиш бунинг акси, яъни кузатувчи гуруҳга ёки кузатилаётган жараёнга нисбатан четда бўлади ва фақат бевосита кўзи билан кўрган, эшитганлари асосида хулосалар чиқаради.

Умуман, кузатиш методининг ижтимоий ҳаёт, профессионал кўрсаткичларни қайд қилишда, сўзсиз, афзалликлари бор, лекин шу билан бирга, кузатувчининг профессионал маҳорати, кузатувчанлиги, сабр-қаноатига боғлиқ бўлган жиҳатлар, яна тўпланган маълумотларни субъектив равишда таҳлил қилиш хавфи бўлгани учун ҳам бироз

ноқулайликлари ҳам бор, шунинг учун ҳам у бошқа методлар билан биргаликда ишлатилади.

Сўров методи ҳам психологиянинг барча тармоқларида бирламчи маълумотлар тўплашнинг анъанавий усулларидан ҳисобланади. Унда текширилувчи текширувчи томонидан қўйилган қатор саволларга мухтасар жавоб қайтариши керак бўлади.

Оғзаки сўров ёки баъзан уни оддийгина қилиб, суҳбат методи деб аталади, ўтказадиган шахс унга маълум даражада тайёргарлик кўргач, сўроқ ўтказади. Агар мабодо унинг профессионал маҳорати ёки тажрибаси бунга етарли бўлмаса, сўров ўз натижаларини бермаслиги мумкин. Лекин маҳоратли сўровчи ушбу метод ёрдамида инсон руҳий кечинмаларига алоқадор бўлган ноёб маълумотларни тўплаш имконига эга бўлади.

Ёзма сўроқ ёки анкетанинг афзаллиги шундаки, унинг ёрдамида бир вақтнинг ўзида кўпгина одамлар фикрини ўрганиш мумкин бўлади. Унга киритилган саволлар, улардан кутиладиган жавоблар (ёпиқ анкета) ёки эркин ўз фикрини баён этиш имкониятини берувчи (очиқ анкета) сўровномалар аниқ ва равон тилда жавоб берувчилар тушуниш даражасига монанд тузилган бўлса, шубҳасиз, қимматли бирламчи материаллар тўпланади.

Сўроқнинг ҳам эркин ва стандартлаштирилган шакллари мавжуд бўлиб, биринчисида олдиндан нималар сўралиши қатъий белгилаб олинмайди, иккинчи шаклида эса, ҳаттоки, компъютерда дастури ишлаб чиқилиб, минглаб одамларда бир хил талаблар доирасида сўроқ ўтказилиши назарда тутилади.

Тестлар охирги пайтда ҳаётимизга дадил кириб келган текширув усуллари сирасига киради. Улар ёрдамида бирор ўрганилаётган ҳодиса хусусида ҳам сифат, ҳам миқдор характеристикаларини олиш, уларни кўпчиликда қайта-қайта синаш ва маълумотларни корреляцион анализ орқали ишончлиликка текшириш мумкин бўлади. Айни тестга қўйилган талаб ҳеч қачон ўзгармайди, ҳаттоки, шундай тестлар борки, улар турли миллат ва элат вакилларида, турли даврларда ҳам ўзгармаган ҳолда ишлатилаверади. Масалан, Равеннинг ақлий интеллектни ўлчаш, Кэттел ва Айзенкнинг шахс тестлари шулар жумласидандир.

Тест-сўров олдиндан қатъий тарзда қабул қилинган саволларга бериладиган жавобларни тақозо этади. Масалан, Айзенкнинг 57 та саволдан иборат тести шахсдаги интроверсия-экстроверсияни ўлчайди, саволларга «ҳа» ёки «йўқ» тарзида жавоб бериш сўралади. Тест-топшириқ одам хулқи ва ҳолатини амалга оширган ишлари асосида баҳолашни назарда тутади. Масалан, шахс тафаккуридаги креактивлиликни аниқлаш учун кўпинча бир қарашда оддийгина топшириқ берилади: берилган 20 та доира шаклидаги шакллардан ўзи хоҳлаганча расмлар чизиш имконияти берилади. Маълум вақт ва тезликда бажарилиш суръати, расмларнинг ўзига хос ва бетакрорлигига қараб шахс фикрлаши жараёнининг нақадар ностандарт, ижодий ва креактивлигига баҳо берилиб, миқдорий кўрсаткич аниқланади. Бу методларнинг умумий афзаллиги уларни турли ёш, жинс ва касб

эгаларига нисбатан қўллашнинг қулайлиги, бир гуруҳда натижа бермаса, бошқа гуруҳда яна қайта текширув ўтказиш имкониятининг борлиги бўлса, камчилиги баъзан текширилувчи агар тестнинг моҳиятини ёки калитини билиб қолса, сунъий тарзда унинг кечишига таъсир кўрсатиши, фактларни фалсификация қилиши мумкинлигидир.

Тестлар ичида **проектив тестлар** деб номланувчи тестлар ҳам борки, тестнинг асл мақсади текширилувчига сир бўлади. Яъни шундай топшириқ бериладики, текширилувчи топшириқни бажараётиб, нимани аниқлаши мумкинлигини билмайди. Масалан, машҳур Роршахнинг "Сиёҳ доғлари» тести ёки ТАТ (тематик аперцепцион тест), тугалланмаган ҳикоялар каби тестларда бир нарсанинг проекциясидан гуё иккинчи бир нарсанинг моҳияти аниқланади. Ўша 1921 йилда кашф этилган "Сиёҳ доғлари" ва уларга қараб текширилувчининг нималарни эслаётганлиги, доғлар нималарга ўхшаётганлигига қараб, унинг шахс сифатидаги йўналишлари, ҳаётий тамойиллари, қадриятларига муносабати, ишни бажариш пайтидаги эмоционал ҳолатлари аниқланади. Бу тестлар жуда ноёб, қимматли, лекин уни фақат профессионал психологгина қўллаши ва натижаларни моҳирона таҳлил қилиши талаб қилинади.

Психологик экспериментнинг моҳияти шундаки, унда атайлаб шундай сунъий бир вазият шакллантирилади ва ташкил этиладики, айнан шу вазиятда қизиқтираётган психик жараён ёки ҳодиса ажратилади, ўрганилади, таъсир кўрсатилади ва баҳоланади. Агар табиий эксперимент ўша қизиқтираётган феномен текширилувчи учун табиий ҳисобланган шароитларда (масалан, меҳнат жараёнида, таътилда, ёзги лагерда, лицей аудиториясида ва шунга ўхшаш) мақсадли ташкил этилиб, ўрганилса, лаборатория эксперименти махсус жойларда, махсус асбоб-ускуналар воситасида атайлаб ўрганилади. Масалан, диққатингизнинг хусусиятларини билиш керак бўлса, психология лабораториясида махсус тахистоскоп деб аталган мослама ёрдамида ёки "Ландольт ҳалқачалари" деб номланган жадваллар ёрдамида ўрганиш мумкин бўлади. Ҳатто ижтимоий муносабатлар борасида ҳам ўзаро ҳамжиҳатлик, лидерлик ва конформлилик ҳодисаларини текшириш учун *гуруҳий интеграторлар ва гомеостат* деб номланувчи мосламалар яратилган ва улар ёрдамида гуруҳдаги турли хил ҳодисалар ўлчанган.

Моделлаштириш методи кузатиш, сўроқ, эксперимент ёки бошқа усуллар ёрдамида ўрганилаётган ҳодисанинг туб моҳияти очилмаган шароитларда қўлланилади. Бунда ўша ҳодисанинг умумий хоссаси ёки асосий параметрлари моделлаштирилиб, ўша модель асосида тадқиқотчини қизиқтирган жиҳат ўрганилади ва хулосалар чиқарилади.

Моделлар техник, мантиқий, математик ёки кибернетик бўлиши мумкин. Математик модель асосида ўрганилган ҳодисага машҳур тадқиқотчилар Вебер – Фехнерлар томонидан таклиф этилган сезгирликнинг қуйи ва юқори чегарасини аниқлашга қаратилган математик формуласи ва шу асосда тўпланган маълумотлар таҳлилини мисол қилиш мумкин. Мантиқий моделлар ёрдамида кўпинча инсон ақли ва тафаккури

жараёнлари, қонунларини ҳисоблаш машиналари иш принциплари билан қиёслаш орқали тузилган ғоялар ва рамзлар ишлатилади. Кибернетик моделлаштиришда эса ғоялар психологиясини АКТ даги математик дастурлаштириш тамойилларига мослаштириш назарда тутилади. Ҳозир кўпгина мураккаб шахс хусусиятлари ҳам дастурлаштирилган бўлиб, улар алгоритмлар асосида қисқа фурсатда кўплаб сифатларни параметрлар нуқтаи назаридан ҳисоблаб натижаларни умумлаштиришга имкон бермоқда. Кўпинча математик ўйинлар ғояси одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар соҳасини ўрганишда ҳам қўлланмоқда. Маълум бўлишича, одамнинг фикрлаш операциялари билан АКТларнинг ишлаш принциплари ўртасида маълум уйғунлик бор экан, бу эса мураккаб психик жараёнларни моделлаштириш орқали инсон ақлу-заковати чегарасини янада кенгайтириш истиқболини беради.

Умуман, психология ва унинг ҳар бир алоҳида тармоқларининг ўзига хос методлари бор. Улар ижтимоий хулқ ва алоҳида индивид ички дунёсини комплекс тарзда ўрганиш имконини беради. Гап шундаки, уларни ўз вақтида ва профессионал тарзда қўллай билиш, олинган натижалардан тўғри хулосалар чиқара олиш муҳимдир.

Ҳозирги замон илм-фанининг қадри ва аҳамияти унинг нечоғли амалиётга кириб бориб, татбиқий салоҳияти ортиб бориши билан баҳоланади. Психологиянинг охирги йиллардаги тараққиёти ҳам айнан ана шу мезон талабларига жавоб бериши билан характерланади.

1.4 §. ПСИХОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ТАРМОҚЛАРИ

Амалий ҳамда татбиқий психология соҳаларининг ўзига хос жиҳатлари, аввало, шундан иборатки, улар жамиятнинг бевосита бугунги кун талаблари ва буюртмаларига кўра иш юритади. Жамиятимизда эса психологик билимларни бевосита амалиётга татбиқ этишга эҳтиёж катта. Биргина Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш миллий дастурини оладиган бўлсак, унинг бажарилиши ва муваффақиятли амалга оширилиши учун психологиянинг аралашуви зарур. Жойларда ташкил этилган Ташхис марказларида фаолият кўрсатаётган мутахассислар ўқувчилардаги ривожланиш кўрсаткичлари, ақлий ўсиш омиллари ва иқтидорига қараб таълим-тарбияни ташкил этишлари учун қатор диагностик тадбирларни ўтказишлари зарурки, бу тадбирлар охир-оқибат аниқ самара бериши лозим. Таъкидлаш зарурки, татбиқий психологиядаги «самара»ни ўлчаш мезонлари билан назарий психологиядаги самара тушунчалари бироз фарқ қилади. Яъни, бу ерда бевосита буюртманинг бажарилиш сифатига буюртмачининг ўзи баҳо беради. Шунинг учун ҳам амалий психологиянинг алоҳида тармоғи бўлмиш социал психология билимларга амалдаги эҳтиёжни уч асосий сабаб билан тушунтириши мумкин:

а) кичик корхона ёки йирик фирмалардан тортиб, ҳукумат даражасидаги идоралар ҳам ўз фаолияти самарадорлигини ошириш учун тобора инсонлар фаолияти ва улардаги захиралардан омилкорона

фойдаланишнинг психологик манбаларини қидириш лозимлигини тушуниб етмоқдалар;

б) профессионал психологларнинг ўзи ҳам ўз ишларидан келадиган обрў-эътиборнинг амалий соҳаларида ишлай олиш қобилиятларига боғлиқ эканлигини тушуниб етмоқдалар;

в) амалиётда ишлаётган бошқа соҳа вакиллари ҳам агар психологик тайёргарликдан ўтган бўлсалар, ишни ташкил қилишга уқувлари яхшироқ ва ишлари унумлироқ бўлишини тушуниб етмоқда. Шунинг учун ҳам кўплаб янги турдаги марказ ва фирмалар, қўшма корхоналарда амалиётчи психологлар ишламоқда.

Саноат ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳасида татбиқий ишлар, биринчи навбатда, муайян ташкилотда кадрлар захирасини тўғри ва оқилона ташкиллаштиришдан тортиб, ходимлар иш шароитлари ва меҳнат унумдорлигига таъсир этувчи омиллар комплексини илмий равишда ўрганиб, ҳаётда натижа олишга қаратилган ҳаракатлар мажмуидир. Ҳозирги бозор муносабатлари шароитида ушбу йўналишдаги татбиқий ишларнинг икки соҳасини ажратиш мумкин:

■ маркетинг хизматлари

■ ходимлар (персонал) билан ишлаш.

Биринчиси энг замонавий ва муҳим иш бўлиб, бу ерда психологнинг вазифаси «Нимани?» «Ким?» харид қилиб олишга эҳтиёжи борлигини ўрганишга кўмаклашишдир. Чунки талаб билан эҳтиёж билвосита шахс ва унинг психологик муносабатлари тизимига алоқадор категориялар бўлиб, бозор ва рақобат шароитида корхона ёки ташкилотларнинг самарали ишлаб кетиши, энг аввало, харидоргир товар маҳсулотларни ажратиб, уларнинг одамлар талаб-эҳтиёжига қанчалик мослигини аниқ таҳлил қилишдан бошланади. Маркетинг муносабатлари аслида одамлар ўртасидаги соф психологик муносабатлар бўлиб, унинг негизида одамлар ўртасидаги жонли мулоқот, таъб ва дид тарбияси ётади. Шунинг учун биз бугун одамларда тўғри маркетинг тафаккурини шакллантириш воситаларини қидиришимиз ва талаб-таклиф муносабатларини реал ишлаб чиқариш имкониятлари билан мувофиқлаштиришда инсон психологияси хусусиятларини инобатга олиб ишлашга ўрганишимиз керак. Масалан, шундай “Case Study”ни олайлик: психологияни қандай қилиб сотиш мумкин? (яъни, психологик маълумотлар ва билимларни) Биз аниқ ва тўғри жавоблар олишимиз керак бўлган саволлар қуйидагилар бўлади:

нима сотилади? – тест натижалари;

нима учун? – нима қилиб бўлса ҳам, пул ишлаш, ўз имкониятларни текшириш, шахсий иш очиш;

ким ? – фирма ёки муайян кишилар;

нима ? – хилма-хил тестлар базаси;

кимга ? – турли касб эгалари, ўқувчилар, ходимларга;

қаерда? қачон? – зарурат бўлган ҳар қандай жойда;

қандай қилиб? – минимал вақт сарфлаб, тез ва соз;

қанча? – тест ўтказувчиларнинг сони ва имкониятига қараб;

ким билан? – шу фирма ходимлари билан .....

Демак, маркетинг хизматида жавоб берилиши зарур бўлган саволлардан кўриниб турибдики, ҳар бир саволга бериладиган жавобнинг орқасида конкрет одамлар, уларнинг қобилиятлари, манфаатлари ва иш унуми ётади. Шунинг учун бу соҳада психологик хизмат зарур.

Иккинчи соҳа – кадрлар ва улар билан бевосита ишлаш соҳаси. Бу кадрларни ишга жалб этишда билиш зарур бўлган қобилиятлар ва шахсий фазилатлардан тортиб, уларни тўғри йуналтириш, ўз жойига қўйиш, ташкилот доирасида гуруҳларни шакллантириш, ходимларга маълумотларни ўз вақтида етказиш билан боғлиқ кадрлар сиёсатини олиб боришга алоқадор хизматдир. Психолог бу ўринда асосан маслаҳатчи ва эксперт сифатида рол ўйнайди.

Ҳар бир давр ўз кишилари онгида беихтиёр сиёсий онгни шакллантиради ва одамлар унинг тамойилларига бўйсунадилар. Сиёсат борасидаги психологик масалаларга психолог аралашувининг зарурати ҳар доим бўлмаса-да, айрим пайтларда –йирик ислоҳотлар бошланиши арафасида, сайлов олди кампанияларда, янги сиёсий лидерларнинг халқ томонидан қабул қилиниш жараёнлари, кўпчилик аудиторияга зарур маълумотларни етказиш, ижтимоий установкаларни ўзгартириш, сиёсий арбоблар имиджини омма онгига сингдириш пайтларида психологик таъсир воситаларидан ўринли фойдаланиш, маслаҳатлар бериш ва айрим гуруҳлар эътиқодига таъсир этишда керак бўлади.

Сиёсий соҳада ишлаётган психолог ишининг ўзига хос жиҳатлари бўлиб, унга қуйидагилар киради:

а) сиёсатда психолог аралашуви кўпчилик оммага бевосита алоқадор бўлмайди;

б) зарурат туғилганда психолог шундай тез ва ишончли ўлчайдиган методикаларни ишлатадики, уларнинг натижалари сир сақланиб, ўша буюртмачи-сиёсатчининг талабига кўра изланишлар олиб борилади;

в) психолог ҳар бир сиёсатчи учун шундай ишончли шахс бўлиши лозимки, ундан одамларнинг кайфиятлари, реакциялари, ҳис-кечинмалари хусусида аниқ маълумотлар сўралади;

г) ўзига хос қийинчилик шундан иборатки, жамоатчилик психолог қиёфасида кўпинча лидернинг бевосита “одамини” кўришга мойил бўлиб, лидернинг ўзи ҳам баъзан ўта профессионал психологдан ҳадиксираб қолиши мумкин.

Ўзбекистон шароитида сиёсий психологиянинг ўзи жуда заиф ривожланган тармоқ бўлгани сабабли ҳам, уни ривожланган давлатлар тажрибасига таянган ҳолда ривожлантириш муҳимдир.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳаси ва унга алоқадор муаммолар ҳар доим ҳам психолог аралашувини талаб қилиб келган. Чунки жиноятчи ёки ҳуқуқбузар шахси ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди, уни шакллантирувчи омиллар, мотивлар ва болани қайта тарбиялаш, реабелитация масалалари ижтимоий психологик жараёнлар моҳиятини билиш, уларга фаол таъсир кўрсатишни талаб қилади. Шунинг учун ҳам

мамлакатимизда ёшлар ўртасида ҳуқуқий маърифат ва ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга жуда катта эътибор қаратилган ва бу ишда амалиётчи ходим - психологнинг ўрни ва роли катта бўлади.

Тиббиётда психологик билимларни қўллаш амалиёти XIX асрдаёқ бошланган ва бундай амалий ҳамкорлик Ўзбекистонда ҳам кўзга ташланмоқда. Психотерапиянинг ривожи туфайли гуруҳий жараёнларга бўлган қизиқишнинг ортиши, “психодрама гуруҳи”, “гештальт гуруҳ”, “Т-гуруҳлар ”, “арт-терапия” каби амалиёт ва тушунчаларнинг ҳаётга дадил кириб келиши ҳар бир муолажада гуруҳ омилини инобатга олиш лозимлигига одамларни, мутахассисларни ишонтирди. Чунки беморларнинг касаллик тарихида ҳам мулоқотда ўзидан қониқмаслик, ёлғизликни афзал кўриш, ўзгаларнинг уни тушунмаётганликлари, ишончсизлик, хавотирланиш ҳиссининг юқорилиги, ўзига бўлган баҳонинг пастлиги, жанжалкашлик, одамлар билан нормал мулоқотга кириша олмасликдан нолишлар, хафа бўлиш, куюнчаклик кабилар кўпайиб кетди. Бу ҳолат касалликка қарши самарали курашишда шифокорлар билан психологлар ҳамкорлигини тақозо этди.

Айрим тиббиёт муассасаларида, айниқса, болалар касалхоналарида фаолият юритаётган психолог, биринчи навбатда, юқоридаги каби ҳолатларнинг олдини олиш, психологиянинг самарали методлари ёрдамида беморни жамиятга қайтариш, кўнглини хотиржам қилиш чораларини кўрадилар. Масалан, касалхонадаги психолог, аввало, **ассертив тренинг**, яъни беморда ўзига бўлган ишончни шакллантиришга қаратилган муолажалар, машғулотларни йўлга қўйиши лозим. Чунки ассертив тренинг “ижтимоий қўрқув”дан шахсни халос этиш, агрессив хулқни коррекция қилиш орқали ўзгаларга нисбатан жоҳиллик, ёқтирмаслик каби салбий установкаларни бартараф этишда анчагина самара беради.

Ассертив тренингдан сал фарқ қилувчи яна бир ижтимоий психологик муолажа борки, унинг номи “**учрашувлар гуруҳи**” деб юритилади. Бу гуруҳнинг мақсади шуки, ушбу гуруҳга келганлар, аввало, ўзларида ишонч ҳосил қилишдан ташқари ўзгаларга қараб, ўзини қайтадан кашф эта бошлайди, инсондаги иккиланишларга чек қўяди, шахслараро муносабатлар муҳитида ўзини қандай тутишга ўрганиб, ўзига бўлган баҳонинг яхшиланишига хизмат қилади. Айтиш лозимки, бундай ижтимоий психологик амалиётни тажрибаси бор, ижтимоий психологиядан хабардор бўлган мутахассис ўтказиши мақсадга мувофиқдир.

Бугун тиббиёт ходимлари ҳам ўз изланишларида психологик омилларга тобора кўпроқ эътибор бермоқдаларки, бундай уйғунлик инсон саломатлигини тиклашда ҳам, соғлом турмуш тарзига амал қилишни онгга сингдиришда ҳам катта амалий аҳамият касб этади. Бу борада Ўзекистонда ҳам талай ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Махсус тадқиқотларда психолог олимлар ҳам болалар саломатлигини тиклаш, ҳомиладор аёлларни ҳомиладорликка тайёрлаш, туғиш ва фарзанд билан дастлабки мулоқотларга ижтимоий психологик жиҳатдан тайёрлаш масалалари ўрганилмоқда. Айнан шу ва бошқа саломатлик психологиясига оид муаммоларни ечиш – истиқболлидир.

Юқорида эътироф этилган психологиянинг татбиқий соҳалари учун умумий нарса шуки, бу соҳаларда ишлаганлар, аввало, яхши

психодиагнозчи, яъни психология методларини ўз ўрнида самарали ишлатишни билиши ва яхшигина психотерапевт ва психокорректор, яъни аниқланган муаммо ёки “касалликни” тузатувчи моҳир профессионал бўлиши кераклигини тақозо этади.

Психологиянинг алоҳида **тармоқларини** дифференциация қилиш, энг аввало, ишлаб чиқаришдаги инсон фаолияти кечадиган соҳалар ва уларнинг вазифаларидан келиб чиқади. Ҳозирги даврга келиб, психологияни инсон шахси ҳақидаги энг муҳим фанлардан бири сифатидаги аҳамиятини ҳамма тан олмоқда. Инсон шахсининг эса бевосита кириб бормаган соҳасини топиш қийин. Психология иқтисод, педагогика, фалсафа, мантиқ, социология ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар билан алоқадор фан ҳисобланади. Чунки ҳамма соҳада инсон шахси фаолият кўрсатар экан, ҳар бир соҳада ишни самарали ташкил этиш, олиб бориш учун кишилар психологияси, шахслараро муносабатлар психологиясини, одамларнинг турли вазиятлардаги хулқ-атвор мезонларини билиш ва шунга кўра иш олиб бориш муҳимдир. Шунинг учун ҳозирги давр мутахассислари психологик билимлардан бохабар бўлишлари лозимдир.

Психологиянинг 300 дан ортиқ тармоқлари фан сифатида ривожланаётганлиги ҳозирги кунда психологиянинг фанлар тизимида янада мустаҳкамланаётганлигидан далолат беради:

- умумий психология – психологиянинг барча масалаларини ўрганадиган махсус соҳаси;
- педагогик психология – кишига таълим ва тарбия беришнинг психологик қонуниятларини ўрганишни ўз предмети деб билади;
- ёш давр психологияси – турли ёшдаги одамларнинг туғилгандан то умрининг охиригача психик ривожланиш жараёни, шахснинг шаклланиши ва ўзаро муносабатлари қонуниятларини ўрганади;
- ижтимоий психология – одамларнинг жамиятдаги биргаликдаги иш фаолиятлари натижасида уларда ҳосил бўладиган тасаввурлар, фикрлар, эътиқодлар, ҳиссий кечинмалар ва хулқ-атворларини ўрганади;
- меҳнат психологияси – киши меҳнат фаолияти психологик хусусиятларини, меҳнатни илмий асосда ташкил этишнинг психологик жиҳатларини ўрганади;
- инженерлик психологияси – автоматлаштирилган бошқарув системалари операторнинг фаолиятини, одам-техника ўртасида функцияларни тақсимлаш ва мувофиқлаштириш хусусиятларини ўрганади;
- юридик психология – ҳуқуқ системасининг амал қилиши билан боғлиқ масалаларнинг психологик асосларини ўрганади;
- ҳарбий психология – кишининг ҳарбий ҳаракатлар шароитида намоён бўладиган хулқ-атворини, бошлиқлар билан ижро этувчилар ўртасидаги муносабатларнинг психологик жиҳатларини ўрганади;
- савдо психологияси – жамиятда тижоратнинг психологик шароитлари, эҳтиёжнинг индивидуал, ёшга оид, жинсга оид хусусиятларини, харидорга хизмат кўрсатишнинг психологик омилларини аниқлайди, модалар психологияси каби масалаларини кўради;

- тиббиёт психологияси – шифокор фаолияти психологиясини, бемор хулқ-атворининг психологик жиҳатларини ўрганади;

- касбий психология – касб ҳамда касб эгасининг психологик хусусиятларини, турли касбларга оид бўлган умумий психологик қонуниятларни, касбни эгаллаш жараёнида намоён бўладиган шахс хусусиятларини ҳамда профессионал маҳоратга эришишнинг барча ижтимоий, иқтисодий ҳамда психологик шарт-шароитларини ўрганади.

Шунингдек, психологиянинг этнопсихология, оилавий ҳаёт психологияси, бошқарув психологияси, иқтисодий психология, шахс психологияси, раҳбар психологияси, мулоқот психологияси, педагогик психология, интеллект психологияси, психодиагностика каби кўплаб соҳалари мавжуд.

Биз мазкур мавзуга доир маъруза матнини тузишда интернет тармоғида келтирилган маълумотларга ҳам эътиборимизни қаратдик. Бу маълумотлар асосан психика ва унинг намоён бўлиш шакллари, психология фанининг алоҳида фан сифатида ажралиб чиққан соҳалари ва улардаги феноменларни чуқурроқ кўриб чиқишга имкон беради.

Вазиятли масалалар:

1-масала

Қуйида келтирилган ҳолатлардан таркибида

1) табиий эксперимент ва лаборатория эксперименти усулларининг умумий талаблари;

2) фақат лаборатория эксперименти усулига хос бўлган талаблар;

3) фақат табиий экспериментга хос бўлган талаблар мавжуд бўлганларни танлаш лозим:

а) текширувчи психологик жараёнлар давомида аралашмайди;

б) текширувчи уни қизиқтирувчи психологик ҳодисани юзага келтириш учун ўзи шароит яратиб беради;

в) текширувчининг субъектив сифатларига (масалан, фикри, баҳоси ва б.) боғлиқ бўлмаган (у ёки бу даражада) психика ҳақидаги билимларга эришилади;

г) ушбу психик ҳодисага боғлиқ бўлган психиканинг объектив сабаблари ва шароитлари ўрганилади.

2-масала

Келтирилган таърифлар бўйича психологик методларни аниқланг.

а) Киши алоҳида кабинага жойлаштирилади, махсус бош кийимга асбоб-ускуналар ўрнатилади. Ушбу бош кийим билан турли қўзғатувчилар таъсирида ёки организмнинг турли хил ҳолатларида (уйғоқлик, уйқу) мия биотоклари текширилади. Текширилаётган одам тажриба ўтказишдан олдин керакли кўрсатмалар олади. Барча олинаётган кўрсаткичлар аниқ аппарат томонидан ёзиб олинади.

б) Болаларнинг чизган расмига асосланиб, психолог уларнинг предметларни идрок қилиш хусусиятларини аниқлайди; мактаб

ўқувчиларининг ёзма ишларини чуқур таҳлил қилиб, уларни бошқа тажрибаларнинг натижалари билан солиштириб, текширувчи юқори синф ўқувчилари фаолиятининг индивидуал услуби хусусиятлари ҳақида хулоса чиқаради.

3-масала

Қуйида келтирилган ҳар бир ҳолат қайси психик ҳодисалар, психик жараёнлар, шахс хусусиятлари ёки психик ҳолатлар гуруҳига тааллуқли эканлигини аниқланг.

а) Математика ўқитувчиси бир неча бор жисмоний тарбия дарсидан кейин болалар ўқув материалини қийинчилик билан ўзлаштираётганига эътибор берди ва математика дарсидан олдин бошқа фанлар ўтилса, яхши натижа бўлишини таъкидлади.

б) Талаба С. ўтилаётган фанлар бўйича курсдошларининг ўз билимини аъло даражада намоён қилишларини кўриб ҳамиша мамнуният ҳис қиларди.

в) Ўқувчи Ш. ўртоқларининг ўқув жараёнига инсофсизларча муносабатда бўлишини ҳамиша тўғридан-тўғри ва очиқ қоралаган.

г) Ўқувчи М. авиамоделистлар тўгарагига мунтазам қатнашади.

д) Врубельнинг “Иблис ва Тамара” суратини томоша қилаётганда одам беихтиёр Лермонтов қаҳрамонлари образини кўз олдига келтиради.

е) Ўқувчи Н. мактабдан уйга келган заҳоти адабиёт фанидан шеърни ёдлашга қарор қилди. Бироқ қанча ҳаракат қилмасин, охирги тўрт қаторни тўғри ёдлаб ололмади.

Семинар машғулотларида муҳокама қилинадиган саволлар:

1. Психология фанининг предмети нима?
2. Психология сўзининг маъноси қандай?
3. Психология фани ўрганадиган жараёнлар?
4. Психиканинг намоён бўлиш шакллари қандай кўринишга эга?
5. Психологиянинг қандай тармоқлари мавжуд?
6. Психологик билимларнинг ҳар бир инсон учун аҳамияти.
7. Психология фан сифатида, у ўрганадиган ҳодисалар ва қонуниятлар.
8. Психологиянинг алоҳида тармоқлари ва уларнинг вазифалари.
9. Психологиянинг асосий методлари қайсилар?
10. Кузатиш методига қўйиладиган талаблар қандай?
11. Сўроқ методи қандай ўтказилади?
12. Тест методининг бошқа методлардан фарқи нимада?
13. Эксперимент методининг ўтказилиш тартиби қандай?
14. Моделлаштириш методи қачон қўлланилади?
15. Психологияни амалиётда қайси соҳаларда кўриш мумкин?
16. Сиёсат соҳасидаги психология қандай кўринишга эга?
17. Маориф соҳасидаги амалий ишларда психологиянинг ўрни қандай?
18. Психологиянинг тадқиқот методлари ва уларнинг ишончлилиги нимада?

19. Психологик тестлар ва уларнинг имкониятлари қандай?
20. Амалий психологиянинг тиббиёт билан алоқаси?

II БОБ. ПСИХОЛОГИЯНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

2.1 §. ПСИХОЛОГИЯДА БИХЕВИОРИЗМ ТУШУНЧАСИ

XX асрнинг бошида онг психологияси инқирозга учради. Амалий муаммоларни олдинги субъектив методлар орқали ҳал этиш имконияти йўқолди. Янги объектив методлар ишлаб чиқилишига эҳтиёж пайдо бўлди. Невропатология ва психиатрия соҳаларидаги тадқиқот натижалари ҳам онг психологиясининг инқирозига сабабчи бўлди. Бу тадқиқотлар инсон психикасининг онгсизлик соҳаси борлигини исботлади. Шарко (1825-1893) онгсизликни экспериментал тадқиқ қилишни бошлади. Унинг раҳбарлигида машҳур француз психологи Пьер Жане (1859-1937) ва психоанализ асосчиси Зигмунд Фрейд (1856-1939) фаолият юритдилар. Машҳур француз психологи Альфред Бине болалар интеллект даражасини аниқлаш тестларини ишлаб чиқаришни бошлади. Психик функцияларни объектив таҳлил қилиш усули интроспектив методга нисбатан етакчи ўрин эгаллади. Шундай қилиб, XX асрга келиб, психикани экспериментал ўрганиш натижасида психология онг ҳақидаги фан сифатида эътироф этилмаслиги ҳақида хулоса чиқарилди. Бу даврда психологиянинг ривожланишига Ч. Дарвиннинг эволюцион таълимоти катта таъсир кўрсатди. Бу таълимот психик ҳодисаларни атрофдаги олам, тирик мавжудотнинг кўникиш фаолиятидан ажралган ҳолда ўрганиш мумкин эмаслиги кўрсатган. Шу каби хилма-хил ҳодисалар янги психологик оқимларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Бихевиоризм (инглизча behaviour – хулқ-атвор) XX аср бошида АҚШда пайдо бўлган. Бу йўналиш асосчилари Дж. Уотсон, Э. Торндайк ва бошқалар. Уотсон 1913 йилда нашр этган “Психология бихевиорист нуқтаи назаридан” мақоласида психология предметини қайта кўриб чиқиш зарурлигини кўрсатиб, психология онгни эмас, балки хулқ-атворни ўрганиш кераклиги ҳақида фикр билдирди. Шундай қилиб, 1913 йилдан бошлаб психология фани ривожланишида янги давр бошланди. Бихевиоризмнинг негизини психологик тадқиқот предмети сифатида психика ва онгни инкор этиш ётади. Фақат хулқ-атворгина тадқиқот предмети деб тан олинар, психологияга эса хулқ-атвор ва муҳитнинг ўзаро нисбати қонуниятларини тадқиқ этиш тавсия қилинар эди. Бихевиористнинг фикрича, психологиянинг вазифаси ҳиссиёт органларига таъсир қиладиган омил-стимул (S), яъни қўзғатувчини билган ҳолда унга жавоб, таъсир-реакция (R) қандай бўлишини ёки таассуротни билган ҳолда унинг қайси бир омилга жавоб тариқасида юз берганини олдиндан айтиб беришдан иборат эмиш. Классик бихевиоризмнинг формуласи S-R дир. Стимул билан реакция (S-R) ўртасидаги, яъни мияга “кириш” билан “чиқиш”да юз берадиган нарсалар ўртасидаги нисбатни рўкач қилиб, бихевиоризм “кириш” билан “чиқиш” ўртасида нима бору, нима йўқлигини бевосита кузатиш мумкин

бўлмаганлиги сабабли уларни илмий таҳлил қилиб бўлмайдиган (“қора қути”) соҳа деб эълон қилган эди. Бихевиоризм ўргатиш жараёнини ҳам худди шу хилда механистик тарзда таърифлаган эди. Бихевиористлар ҳайвонларнинг хатти-ҳаракатини (масалан, экспериментда лабиринтдан чиқиш йўлини излашини) ўрганиб, муаммонинг ечимига “синаш ва адашиш” йўли билан эришилиши ҳақидаги хулосага (Э. Торндайк ва бошқалар) келишади. Бундай йўл кўпгина вариантлар танлаб чиқилгандан кейин исталганига эришилишини таъминлайдиган битта варианти қолмагунча тусмоллаб қилинган ҳаракатларнинг “кўр-кўрона танланиши” деб талқин қилинарди. Бу хулоса одамнинг ҳайвондан сифатий фарқларини инкор этиш учун инсон ҳақидаги таълимотнинг таърифига ҳам жорий қилинган эди. Онгни инкор этганлиги учун бихевиоризм бир тарафлама йўналишга айланди.

2.2 §. ПСИХОАНАЛИЗ

XX аср ғарб психологиясининг яна бир нуфузли йўналиши психоанализдир. У кўпинча австриялик психиатр ва психолог З. Фрейд (1856-1939) номи билан боғлиқ ҳолда фрейдизм деб ҳам юритилади. Фрейд кўп йиллар давомида инсоннинг олий нерв системасини ўрганиб, бу соҳадаги етакчи мутахассисга айланган. Фрейдизм нуқтаи назаридан олганда, одам амалда ижтимоий ҳодиса. Киши хулқ-атвори иккита тамойилга: “ҳузур-ҳаловат тамойили” ва “реаллик тамойили”га бўйсундирилади. Психоаналитиклар англанилмаган психик қўзғатувчилар билан бошданоқ одамга душман бўлган социал муҳит ўртасидаги доимий қарама-қаршилик тўғрисидаги тасаввурлардан келиб чиқиб, индивид, бир томондан, виждон, номус, қўрқув ва шу кабилар (“онг цензураси”) шаклида ўзи бошидан кечирадиган қатағонларни яратувчи муҳитнинг талаблари, иккинчи томондан, ҳукмини ўтказувчи англанилмаган майлларнинг бир-бирини сиғиштирмаслиги билан боғлиқ ички конфликт ҳолатига муқаррар тушади, деб даъво қилишган эди. Фрейд ўзининг психологик назариясини одам ҳақидаги, жамият ва маданият ҳақидаги умумий таълимотга айлантириб, ғарб мамлакатларида катта эътибор қозонди. Ҳозирги пайтда бихевиоризм ва фрейдизм ибтидоий “классик” шаклидаги ўрнини аниқ-равшан ифодалаган бирон-бир фарқли белгиси бўлмаган турли хилдаги оқимларга (необихевиоризм, неофрейдизм ва шу кабиларга) бўшатиб берди. Улардаги механизм ва идеализм ўз қиёфаларини жуда пухталик ва уддабуронлик билан ниқоблаб олишган. Лекин бу оқимлар ташқи қиёфасини ўзгартирган бўлса-да, ўзларининг идеологик кўрсатмалари характерини сақлаб қолган.

2.3 §. КОГНИТИВ ПСИХОЛОГИЯ

Когнитив психология инсон онгининг когнитив, яъни билиш жараёнларини ўрганадиган йўналишдир. Бу соҳадаги тадқиқотлар одатда

хотира, диққат, ҳис-туйғу, маълумотни қабул қилиш ва узатиш, мантиқий тафаккур, тасаввур, қарор қабул қилиш билан боғлиқ. Когнитив психология соҳасида Норман ва Румельхарт (1975) тадқиқотлар ўтказган. Ўз экспериментларидан бирида олимлар мактаб ўқувчиларидан ўзлари турадиган ётоқхонанинг тепадан кўринишини чизишларини сўрашган. Ўқувчилар архитектура деталларининг (асосий қулайликлар ва мосламалар, хоналарнинг жойлашишини) рельеф жиҳатларини аниқлай олдилар. Шу билан бирга, айрим хатоликларга ҳам йўл қўйилган. Масалан, кўпчилик ўқувчилар балконларни чизганда бинодан ташқарига чиқиб туриш ўрнига ичкарига жойлаштирган (бинонинг ташқи деворидан чиқмаган ҳолда). Бино чизмаларида аниқланган хатолардан инсоннинг ахборотни ички тасаввур қилиши ҳақида кўп нарсани билиш мумкин. Норман ва Румельхарт қуйидаги хулосага келган: “Хотирада ахборотни тасаввур қилиш реал ҳаётдагидек аниқ тасвирланмайди. Ҳақиқатда эса бу ахборотлар, бинолар ва умуман дунё ҳақидаги билимлар асосида реконструкция ва ҳукм чиқаришлар йиғиндисидир. Шуни таъкидлаш лозимки, талабалар ўзлари йўл қўйган хатолардан ҳайратда қолган”. Шу мисоллар ёрдамида биз когнитив психологиянинг муҳим тамойили билан танишдик. Демак, бизнинг олам ҳақидаги тасаввурларимиз унинг ҳақиқий моҳиятига тўғри келмаслиги ҳам мумкин. Юқорида кўриб чиққан йўналишлардан ташқари бошқа йўналишлар ҳам мавжуд. Генетик психология – Ж.Пиаже ва унинг издошлари томонидан ишлаб чиқилган таълимот бўлиб, у инсон интеллектининг келиб чиқиши ва айниқса, ёшликдаги ривожланишини ўрганган.

Индувидуал психология – А.Адлер томонидан ишлаб чиқилган. XX асрнинг 20-йилларида педагогика ва психохотерапия соҳаларида кенг тарқалган. Дифференциал психология – (лот. differentia - фарқ) индивидлар ва инсон гуруҳлари ўртасидаги психик фарқлар ва сабаблари, оқибатларини ўрганадиган психология соҳаси. Танқидий психология – XX асрнинг 60-70-йилларида пайдо бўлган (К.Хольцкапп, П.Кайлер ва бошқалар) ва А.Н. Леонтьевнинг фаолият назариясидан келиб чиққан психология йўналиши. Акмеология – табиий, ижтимоий ва гуманитар фанлар доирасида пайдо бўлиб, инсоннинг етуклик давридаги ривожланиш қонуниятлари ва механизмларини ўрганадиган фан. Акмеология индувидуал ҳамда ижтимоий субъектларнинг ривожланишини табиий-ижтимоий ва техник фанлардан олинган билимлар асосида ўрганади.

2.4 §. ГЕШТАЛЬТПСИХОЛОГИЯ ВА ГУМАНИСТИК ПСИХОЛОГИЯ

Гештальтпсихология (немисча сўздан олинган бўлиб, бир бутун шакл, образ, структура деган маънони англатади). Бу чет эл психологиясининг энг катта йўналишларидан бири бўлиб, XX асрнинг биринчи ярмида Германияда пайдо бўлган. Гештальтпсихологиянинг марказий муаммоси мураккаб психик ҳодисаларни бир бутун ёндашув асосида анализ орқали

ўрганишдир. Гештальтпсихологияда ассоционизм асосий ўринни эгаллайди. Ассоционизм инсон психик ҳаётини психиканинг алоҳида ҳодисалари йиғиндиси сифатида тушунади. Гештальтпсихология инсоннинг олий психик функцияларини (идрок, тафаккур, хулқ-атвор ва бошқалар) ўрганишга алоҳида эътибор қаратади. Немис психологлари М.Вертхеймер, В.Келлерлар бу йўналишига асос солган. Гештальтпсихологияда фон ва фигура энг асосий тушунчалар ҳисобланади.

ХХ асрнинг ўрталарида гуманистик психология пайдо бўлиб, инсонни робот, невротик кўринишида тасвирлаган бихевиоризм ва психоанализга қарши чиққан янги йўналиш сифатида ривожлана бошлади. Гуманистик психологиянинг асосчиларидан бири америкалик психолог К.Роджерс (1902-1990) инсонга такрорланмас шахс сифатида қараш кераклигини таъкидлаган. 1963 йилда Гуманистик психология ассоциациясининг биринчи президенти Джеймс Бьюдженталь мазкур йўналишнинг бешта асосий тамойилини кўрсатди:

1. Инсон бир бутун мавжудотдир. Унинг бир бутунлиги хусусий ҳолатларининг йиғиндисидан устун туради, яъни инсоннинг хусусий ҳолатлари унинг кимлигини кўрсата олмайди.

2. Инсоннинг турмуш тарзи унинг бошқа инсонлар билан муносабатига боғлиқдир, яъни инсоннинг хулқ-атворини тушунтиришда унинг шахслараро тажрибасини ҳисобга олиш зарур.

3. Инсон ўз-ўзини англайди (психология инсоннинг ўз-ўзини англашини ҳисобга олиши керак).

4. Инсон танлаш ҳуқуқига эга (инсон ўз ҳаётининг пассив кузатувчиси эмас, у ўз тақдирини ўзи яратади).

5. Инсон фаолияти мақсадга эга (инсон келажак сари интилади; унинг ҳаётида мақсад, қадрият ва маъно бор).

Гуманистик психологияга А.Маслоу ҳамда В.Франкнинг концепцияларини ҳам киритиш мумкин.

Семинар машғулотларида муҳокама қилинадиган саволлар:

1. Психологиянинг йўналишлари деганда нима тушунилади?
2. Психологиянинг асосий йўналишлари ҳақида гапириб беринг.
3. Бихевиоризм нима? Бу йўналиш қачон ва қаерда пайдо бўлди?
4. Бихевиоризмнинг негизи нима?
5. Психоанализ асосчиси ким бўлган?
6. Психоанализнинг асосий ғоялари нималардан иборат эди?
7. З. Фрейднинг илмий фаолияти ҳақида гапириб беринг.
8. Гештальтпсихология деганда нимани тушунасиз?
9. Гештальтпсихологиянинг асосий тушунчалари нималардан иборат?
10. Гуманистик психология ҳақида фикр юритинг.
11. Когнитив психология нима?
12. Психология йўналишларидан бирини танланг ва бу йўналишга оид керакли маълумотларни тўплаб, реферат тайёрланг.

III БОБ. БОРЛИҚНИ БИЛИШ МЕЗОНЛАРИ

3.1 §. БИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ ВА ПРОФЕССИОНАЛ ФАОЛИЯТ

Профессионал фаолият шахсдан жуда кўп билим ҳамда малакаларни талаб қилади. Нима учун бирор-бир касбни танлаганини англаб етган шахс (мотивлар муаммоси) энди ўз фаолияти ва қобилиятларини бошқара билиши, ўз устида муттасил ишлаб, малакаларини орттириб бориши шарт. ***Профессионал билимдонлик*** шахс умумий маданиятининг шундай йўналишики, унга фақат касбига тааллуқли бўлган билимлардан ташқари шу билимларнинг ҳосил бўлиш йўллари ҳамда малакаларнинг такомиллашувини таъминловчи психологик жараёнлар ва ҳолатларни билишни ҳам тақозо этади. Бу психологияда билиш жараёнлари, уларнинг моҳияти ва кечишини билиш демакдир.

Маълумки, одамлар бир-бирларидан кўп жиҳатлари билан фарқ қиладилар. Масалан, айримлар кўрган-кечирганларини жуда яхши эсда олиб қолиб, керак вақтда аниқ эсга тушира оладилар. Баъзилар кўзи билан кўрган ҳар қандай объектни майда деталларигача баён этиш қобилиятига эга. Яна бирлари эшитган нарсалари хусусида аниқроқ фикрлайди, кимдир содда, равон тилда ўз ҳис-кечинмаларини айта олса, бошқалар ҳар бир ҳикояга, албатта, фантазия элементларини қўшишга мойил бўладилар. Демак, одамларнинг ташқи оламдан оладиган таассуротлари ва уларни онгда тартиблаштириш қобилиятлари ҳар хил бўларкан. Иккинчи томондан, шундай касб-корлар борки, у шахсдаги у ёки бу сифатларнинг мукаммалашиб боришига имкон беради. Масалан, йирик автоматик бошқарув тизимларида ишлайдиган оператор ҳар қандай майда ўзгаришларга ҳам ўз диққатини қаратишга ўрганса, конструктор мавҳум математик ҳисоб-китобларга уста бўлиб боради. Иқтисодчи-молиячи пулнинг ҳар бир тийинидан фойда олишга ўрганса, шоир табиатан барча ҳодиса ва воқеаларни бадиий бўёқларда, ўзига хос идрок қилишга мойиллиги ошади. Демак, одамнинг ташқи олам хосса ва хусусиятларини онгида акс эттириши унинг иқтидори ўсиши ва профессионал малакалари ривожланганлигига боғлиқ тарзда кечади. Шунинг учун онгнинг муҳим акс эттириш шакллари бўлмиш билиш жараёнлари: идрок, сезги, хотира, диққат, тафаккур, ирода ва ҳиссиётнинг инсон ҳаёти ҳамда профессионал ўсишидаги ролига тўхтаб ўтамиз.

Бу жараёнлар инсонга жуда яқин ва таниш. Чунки ҳар биримиз онгимиз борлигини, атрофдаги нарсалар ва ҳодисаларнинг айрим алоҳида ҳамда яхлит хусусиятларини биламиз. Бу нарса ва ҳодисалар бизда ҳар бир алоҳида шароитда ўзига хос ҳиссий кечинмаларни келтириб чиқаришини

ҳам биламиз. Масалан, қорнингиз оч қолганда, егуликка бўлган эҳтиёжингиз ҳақиқатан бор ёки йўқлигини бировлардан сўрамайсиз-ку? Ёки китоб мутолаа қилаётган шахс шу китобни ростдан ҳам ўзи ўқиётганлигини бошқалардан сўрамайди. Бундай ишлар ўз-ўзидан табиий жараёнлардай кечаверади. Фақат имтиҳон пайтида кеча кечаси билан мутолаа қилиб, ўрганиб чиққан материални нега ҳозир ўқитувчи олдида эслай олмаётганлигингиз сизни кўпроқ қизиқтиради ва сиз «Хотирам устида ишлашим керак», деган хулосага келасиз.

Дарҳақиқат, билиш жараёнлари ҳам маълум маънода бошқариладиган жараёнлар бўлиб, агар сиз ўз имкониятларингизни кенггайтириш ёки иқтидор даражангизни орттирмоқчи бўлсангиз, бу жараёнларга оид маълум қоидалар ва хусусиятларни билиб олишингиз керак. Инсон онги бир қарашда яхлит нарса, бироқ аслида у айрим алоҳида жараёнлардан иборат. Шунинг учун ҳам атроф-муҳит, ўзимизни билишимизга имкон берувчи онгни ўрганиш учун уни алоҳида психик жараёнларга бўлиб ўргана бошлаганлар. Бу жараёнлар: сезги, идрок, хотира, диққат, тафаккур, нутқ ва бошқалардир. Булар шу қадар бир-бирлари билан боғлиқки, бирини иккинчисиз тасаввур қилишнинг ўзи қийин. Масалан, кўриб идрок қилиб турган нарсангизни фикрламай кўринг-чи, унинг моҳиятини биласизми? Диққат билан кўрган ёки ўқиган матнингизни эслаб қоласиз. Ёки бирор нарса тўғрисида фикрлаш учун бизга бир вақтнинг ўзида илгариги идрок образлари, эслаб қолиш маҳоратимиз, ички нутқимиз, иродамиз ва диққат керак бўлади. Ҳаттоки, тасодифан қўлимизга кириб кетган зирапчага берган реакциямиз ҳам эмоциялардан ташқари ўша нарсанинг бу ерда қандай пайдо бўлганлиги каби қатор тафаккур жараёнларини келтириб чиқаради. Мураккаб компьютер техникаси чиққандан кейин одамнинг ўз психик жараёнларига қизиқиши янада ортди. Энди маълумотларни қабул қилиш (анъанавий идрок деб аталувчи жараёнга ўхшаш), уларни қайта ишлаш (тафаккурга ўхшаш) ва уни сақлаш (хотира) ҳақида кўп гапирадиган бўлиб қолдик. Лекин бу инсондаги табиий жонли жараёнлар аҳамияти ва тарбияси масаласини янада юқори кўтарди. Психология соҳасида экспериментал ишларнинг муваффақиятли амалга оширилиши аслида инсон психикаси компьютердан кўра мураккаблиги ва одам англаган маълумотларидан кўпроқ нарсаларни идрок қилиб, қабул қилишини исботлади. Масалан, махсус асбоблар ёрдамида аслида одам кўрмаётган, ҳис қилмаётган жуда кучсиз сигналлар ҳам физиологик реакцияларни келтириб чиқараётганлиги қайд этилди. Масалан, шу нарса аниқланганки, одам кино кўраётганда бир секундда 24 кадрни идрок қилади ва бирор тасвир кўз ўнгида гавдаланади. Психологлар шундай эксперимент қилишди: кунларнинг бирида ўзига хос тасвир намоён этилди. 24 та кадр ўрнига 25 кадр бериб, ўша 25-кадрда «Кока-кола ичинг» деган ёзув берилди. Табиий, оддий идрок бу битта кадрни илғамайди. Лекин кинотеатр буфетида ушбу ичимликни ичиш кадрдан кейин 18 фоизга ошган. Демак, аслида онг бу маълумотни қабул қилган, лекин реал англаш, ойдинлашув рўй бермаган экан. Аналогик ҳолат хотирамизда ҳам тез-тез рўй беради. Кимнидир учратиб қоламиз-да,

ўйланамиз: қаерда кўрган эканман? Ҳеч эслолмайсиз, лекин юзи, кўзи ва бошқа сифатлари танишдай. Буни ҳам шундай изоҳлаш лозимки, одам кўрган-кечирганлари аслида мияда сақланади, биз онг соҳасига айримларинигина чиқара оламиз. Касал бўлиб ёки бирор нарсадан қаттиқ ташвишга тушганимизда калламизга ҳар хил уй-фикрлар келаверади. Ўшалар аслида бор нарсаларнинг беихтиёр тикланиши. Онгдаги маълумотларнинг аслида миямиздагилардан камлигининг асосий сабаби – одам ҳар қандай маълумотни *саралаб, танлаб қабул қилади,* ўзи учун "аҳамиятсиз" деб баҳолаган нарсага диққат ҳам қилмайди, эслаб қолмайди ҳам. У ўз онгида барча мавжуд маълумотни ўзига хос тарзда қайта ишлайди, ўзгартиради. Шунинг учун ҳам ҳар бир инсон ўзига хос ва қайтарилмас – индивидуал, дейилади. Билиш жараёнлардаги индивидуаллик сабабларини тушуниш учун энг муҳим билиш жараёнлари билан танишамиз.

3.2 §. СЕЗГИ ВА ИДРОК.

Сезги оддий психик билиш жараёни бўлиб, моддий қўзғатувчиларнинг муайян рецепторларга бевосита таъсир этиши орқали реал оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг айрим хусусиятларини ва шунинг билан бирга, инсон организми (унинг аъзолари) ички ҳолатларини алоҳида-алоҳида акс эттиришдан иборат билишнинг дастлабки босқичидир. Инсон атроф-муҳитдаги моддалар шакли, ҳаракатлар кўриниши, уларнинг хоссалари, ўзига хос хусусиятларини сезги органлари ёрдамида билади, холос. Сезгилар тўғрисидаги илмий таълимотларга биноан нарсалар ва уларнинг хоссалари, таркибий қисмлари, хусусиятлари, шакллари, ҳаракати бирламчи ҳисобланиб, сезгиларнинг ўзи эса ташқи ва ички қўзғатувчиларнинг сезги аъзоларига таъсир этишининг маҳсулидир. Сезгилар моддий (объектив) борлиқ, воқеликнинг ҳаққоний тасвирини акс эттириб, улар қандай кўринишга, шаклга, хусусиятга эга бўлса, худди шундайлигича ҳеч ўзгаришсиз, айнан акс эттириш имкониятига эгадир. Психологияда сезгиларнинг физиологик асоси ва механизмларини анализаторлар таъсири натижасида юзага келувчи асаб (нерв) жараёни, унинг тизими, тузилиши ташкил қилади. Физиолог ва психологларнинг таълимотларига кўра анализатор учта таркибий қисмдан иборат:

1) ташқи куч-қувватни (энергияни) асаб (нерв) жараёнига айлантириб берувчи периферия қисмдан, яъни рецептор;

2) анализаторларнинг периферия қисмини марказий қисм билан боғловчи афферент (марказга интилувчи асаб толаси), ўтказувчи асаб йўллари;

3) периферия қисмларидан келувчи нерв импульслари (ҳаракатлари) қайта ишланувчи анализаторларнинг мия пўстидаги қисмлар.

Периферик нервларнинг учлари (кўз, қулоқ, тери, бурун кабилар), таассуротни элтувчи (афферент), жавоб қайтарувчи (эфферент) нерв толалари, анализаторларнинг орқа ва бош мия марказлари анализаторини ташкил қилади.

Ч.Шеррингтон сезгиларни қуйидагича классификация қилади:

ташқи муҳитдаги нарса ва ҳодисаларнинг хусусият-ларини акс эттиришга мослашган ҳамда рецепторларга тананинг сиртқи қисмига жойлашган ***экстериорецептив сезгилар*** (рецепторлар);

- ички тана аъзолари ҳолатларини инъикос этувчи ҳамда рецепторлари ички тана аъзоларида, тўқималарида жойлашган ***интериорецептив сезгилар***;
- тана ва гавданинг ҳолати ҳамда ҳаракатлари ҳақида маълумот (ахборот, хабар) берувчи, мускулларда, боғловчи пайларда, мушакларда жойлашган проприо-рецептив сезгилар**.**

Экстериорецептив сезгилар кўриш, эшитиш, ҳидлаш, тери туйиш, таъм-маза каби турларни ташкил қилади. Кўриш сезгилари бош мия пўстининг орқа бўлагида жойлашган бўлса, эшитиш сезгилари мия пўстининг тепа бурма қисмида жойлашаган. Тери туйиш, ҳаракат сезгилари эса мия пўсти марказий бурмасининг орқа қисмидан ўрин олган.

Сезгиларнинг хусусиятларига – сифатлари, жадаллиги, давомийлиги ва фазовий локализацияси киради.

Сифат сезгининг асосий хусусияти бўлиб, уни бошқа сезги турларидан фарқлайди ва айни шу сезги тури чегарасини ўзгартиради. Масалан, эшитиш сезгилари товушнинг баландлиги, тембри, қаттиқлиги билан тафовутланади, кўриш сезгилари эса рангларнинг қуюқлиги, жилоси, товланиши, тони ва бошқа шу кабилар билан фарқланади. Сезгиларнинг сифат жиҳатидан кўп турлилиги материя ҳаракати шаклларининг турли-туманлилигини акс эттиришидир. Сезгиларнинг ***жадаллиги*** уларнинг миқдорий тавсифидан иборат бўлиб, таъсир қилаётган қўзғатувчининг кучи ва рецепторнинг функционал ҳолати билан белгиланади. Сезгиларнинг ***давомийлиги*** уларнинг вақтинчалик тавсифланишидан иборат бўлиб, у ҳам сезги аъзоларининг функционал ҳолати билан, шунингдек, қўзғатувчининг таъсир қилиш вақти ҳамда жадаллиги билан ўлчанади. Қўзғатувчи сезги аъзосига таъсир қилиши билан дарҳол сезги ҳосил бўлмайди, балки у бир қанча дақиқадан кейин вужудга келади. Ана шу қисқа вақт сезгининг *латент (яширин*) даври деб аталади. Латент давр сезги турлари учун ҳар хил фурсатда кечади. Масалан, тактил сезгилари учун латент давр 130 миллисекунд, оғриқ сезгилари учун эса 370 миллисекундга тўғри келса, маза-таъм сезгиси эса тил юзасига таъсир этилгандан сўнг 50 миллисекундгача вақт оралиғида ҳосил бўлади.

Сезгилар учун қўзғатувчининг ***фазовий локализацияси*** қўзғатувчининг фазода ўрин эгаллаши билан тавсифланади. Дистант, яъни масофа рецептори томонидан амалга ошириладиган фазовий анализ қўзғатувчининг фазодаги ўрни ҳақида маълумот беради. Контакт сезгилар:

тактил, оғриқ, маза баданнинг қўзғатувчи таъсир қилаётган жойи билан боғлиқдир. Бунда оғриқ сезгиларининг локализацияси, яъни баданда жойлашган ўрни, тактил сезгиларга қараганда баданга анчагина тарқалган бўлиб, улар муайян аниқлик даражасига эга эмас. Бу ҳолатни яққол намойиш қилиш учун қуйидаги кўрсаткичларни келтирамиз:

1 квадрат мм терига нисбатан бармоқлар 120, панжа 14, кафт 15, кўкрак 29, пешона 50, бурун учи 100 ва ҳоказо.

Сезгилар билан боғлиқ ҳодисалар мавжуд ва улар турли ҳолатда ўз ифодасини топади.

1. **Адаптация** *(лот. «adapto»-мосланмоқ)* – сезги органлари, яъни аъзолари (анализаторлар)нинг таассурот кучига мослашуви натижасида муайян сезгирликнинг ўзгаришидан иборат бўлади. Адаптация ҳодисасида сезгирлик ортиши ёки камайиши мумкин. Кучли таъсирдан кучсиз таассуротга ўтганда, сезгирлик аста-секин ортиб боради таассурот кучайганда эса сезгирлик камайиб боради (кўрув, эшитув, ҳид билиш, тери туйиш ва ҳоказо).

Адаптация уч хил хусусиятли негиз (манба) таъсирида вужудга келади:

- Қўзғатувчиларнинг давомли таъсири жараёнида сезгиларнинг тўла йўқолиши, яъни доимий таъсир қилиб турадиган қўзғатувчи таъсир ўтказадиган бўлса, бундай ҳолатда сезги сўниб қолади. Масалан, терига тегиб турадиган енгилгина бир юк тез орада сезилмай қолади ёки ёқимсиз ҳидли бир жойга кириб қолганимизда, бир оздан сўнг бу ҳидни батамом йўқолиб кетгандай ҳис қиламиз.

- Кучли қўзғатувчининг таъсири остида ҳам сезгилар заифлашади. Масалан, қоронғироқ хонадан жуда ёруғ жойга кириб қолсак, биз аввал бошқа ёруғликдан «кўр» бўлиб қолиб, атрофимиздаги нарсаларни ажрата олмаймиз. Маълум фурсат ўтгандан сўнг кўриш анализаторларининг сезгирлиги кескин суръатда пасаяди ва биз мўътадил кўриш имкониятига эга бўламиз. Кўриш сезгирлигининг интенсив ёруғлик қўзғатувчиси билан таъсир қилганда пасайишдан иборат ҳодиса ёруғлик адаптацияси деб юритилади.

- Адаптациянинг юқоридаги икки тури кўпинча психология фанида *негатив адаптация* деб аталади. Чунки, ҳар иккала адаптация натижасида ҳам анализаторларнинг сезгирлиги кескин пасаяди.

- Сезгирлик кучсиз қўзғатувчи таъсири остида содир бўлиб, унинг ортиб бориши *позитив адаптация* дейилади. Қоронғилик адаптациясида кўриш сезгирлиги ортса, сокинликка нисбатан адаптация эшитиш адаптацияси замирида юзага келади.

Тиббиёт психологиясида ***негатив оғриқ*** адаптациясининг мавжудлиги тўғрисидаги гипотеза (укол, игна, иссиқ нурланишга нисбатан) ҳам ҳукм суриши таъкидланиб ўтилди.

Адаптациянинг ҳосил бўлиш хусусиятлари:

- тактил (тери) адаптация жуда тез ҳосил бўлади;

- кўз адаптацияси бир неча минутда;
- ҳид ва таъм адаптациялари ундан ҳам узунроқ вақт талаб қилади.

2. ***Сенсибилизация*** – анализаторларнинг ўзаро муносабати ва машқ қилиш натижасида сезгирликнинг кучайиши.

Сезги органларининг сезгирлигини ўзгартириш қонуниятларига асосланиб, махсус равишда танланган қўшимча қўзғатувчиларни қўллаш ёрдами билан маълум бир рецепторларни сенсибилизациялаш, яъни уларнинг сезгирлигини ошириш имконияти мавжуд.

3. ***Синестезия*** *(юнон.«синестезия»-биргаликда сезиш)* – қўзғатувчининг бирин-кетин анализаторга таъсири билан анализаторларга хос сезгининг пайдо бўлиши. Синестезия ҳодисасини ҳар хил турдаги сезгиларда кузатиш мумкин. Кўриш ва эшитиш синестезияси кўпроқ учраб туради, унда товуш қўзғатувчиларининг таъсири билан одамда кўриш образлари вужудга келади. Бундай табиатли синестезиялар ҳар хил одамларда ўзига хос равишда кечади, лекин улар ҳар қайси шахс учун муайян даражада доимий бўлиши кузатилади.

4. ***Компенсация*** – сезгирликни машқ қилиш орқали ривожлантириб борилиб, бундай ўзгариш ва фаолият мазмунида ўз аксини топа боради. Айниқса, кўр, кар, соқов, ҳайкалтарош одамларда, вибрация сезгиси билан шуғулланувчиларда сезгирлик кескин равишда ошиши мумкин.

Сезги турларининг психологик тавсифи:

Психология фанида учта катта гуруҳ (туркум)га ажратилган сезгилар (экстериорецептив, проприорецептив, интериорецептив) ўз навбатида қуйидаги турларга бўлинади:

1. Кўриш сезгилари. Инсон томонидан ранг ва ёруғликни сезиш кўриш сезгилари таркибига кириб, унинг органи кўз ҳисобланиб, у кўз соҳаси ва ундан чиқиб келадиган кўрув нервларидан ташкил топган.

2. Эшитиш сезгилари товушларни эшитишдан иборат бўлиб, мусиқавий ва шовқинли товушларни акс эттиради. Одатда товушлар оддий ва мураккаб турларга ажратилади, уларнинг биринчиси бир тондан, иккинчиси эса бир неча тонлардан ташкил топади.

Эшитиш сезгилари органи қулоқ бўлиб, ташқи қулоқ (қулоқ супраси билан эшитув йўлидан иборат), ўрта қулоқ (ноғора парда ва унга ёпишган учта суякча: болғача, сандон ва узангидан ташкил топган), ички қулоқ (қулоқ лабиринти ўзаро бирлашган учта бўлакдан тузилган).

3. Ҳид билиш сезгиларига ҳидларни ҳис қилиш киради ва уларнинг органи бурун ковагининг юқори томони ҳисобланиб, бу ерда ҳид билиш ҳужайралари ҳамда сезувчи нерв тармоқлари жойлашган, улар шиллиқ пардага ботиб туради.

Ҳидли моддалар сезувчи нервни қўзғайди, ҳид билиш маркази бош мия ярим шарлари орқа юзасининг пастки қисмида мавжуд деб тахмин қилинади.

4. Таъм билиш (маза) сезгилари ширин, аччиқ, нордон, шўр сингари

мазаларни ҳис қилиш билан тавсифланади. Улар муайян туркумга киритилган ва киритилмаган хилма-хил турларга эга бўлиб, нарсалар, моддаларнинг номлари билан юритилади: ноннинг мазаси, қовуннинг мазаси кабилар.

Таъм билиш сезгилари органи тилнинг юзаси ва танглайнинг юмшоқ қисмидан ташкил топгандир. Тилнинг шиллиқ пардасида махсус таъм билиш сургичлари мавжуд бўлиб, улар таёқсимон ҳужайралардан тузилган махсус таъм билиш «куртаклари»га эга.

5. Тери сезгилари таркиби туйиш ва ҳарорат турларидан иборат бўлиб, бундай номланишининг бош омили – бу рецепторларнинг тери ва организмнинг ташқи шиллиқ пардаларида жойлашганлигидир.

Туйиш сезгилари икки хил ахборотни қабул қилиш имкониятига эга бўлиб, уларнинг биринчиси тегиш ва тарқалишни туйиш сезгилари, иккинчиси эса силлиқ ёки ғадир-будурни туйиш билан тавсифланади.

6. Мускул-ҳаракат сезгилари ва статик сезгилар. Мускул-ҳаракат сезгилари мотор сезгилари, гоҳо кинестетик сезгилар деб номланиб, уларга оғирликни, қаршиликни, органлар ҳаракатини билиш сезгилари киради. Уларнинг органлари – гавда мускуллари, пайлар, бўғимлардан иборатдир. Органларнинг таркибида сезувчи нервларнинг чекка тармоқлари мавжуд бўлиб, уларнинг таъсирида ҳаракат ва статик сезгилар вужудга келади.

7. Органик сезгиларнинг рецепторлари ички органларда қизилўнгач, меъда, ичак, қорин томирлари, ўпка ва шу кабиларда жойлашган.

Ички органлардаги жараёнлар органик сезги рецепторларининг қўзғатувчилари бўлиб, улар қуйидагилардан иборатдир:

а) оғриқ сезгилари;

б) ёқимли туйғулар;

в) нохуш туйғулар.

Сезгининг бузилиши. Сезгилар турли касалликлар ва нерв системасининг шикастланиши натижасида турли хил ўзгаришларга учрайди. Буларга ***гиперестезиялар*** (ўта таъсирланганлик ёки ўта сезувчанлик), ***гипестезия*** (кам таъсирчанлик ёки сезгининг пасайиб кетиши, анестезия), сезувчанликнинг йўқолиши киради. Бундай ўзгаришлар неврит, невралгия, марказий ва периферик фалажланишда кузатилиб, бу касалликларда нерв томирларининг органик бузилишлари ва функционал ўзгаришлари намоён бўлади. Беморлардаги нохуш ва гавданинг ички муҳитини ларзага солувчи оғир сезгилар, яъни сиқилиш, тортишиш ва титроқ босиш, санчиқ ҳис қилишлари ***сенестопатиялар*** деб тушунтирилади. Сезгининг бундай ўзгаришларига тери қичимаси кириб, у кўпгина касалликларнинг даракчиси ва клиник белгиси бўлиб ҳисобланади. Масалан, неврозлар, марказий нерв системасининг органик яллиғланиши, периферик нерв системаси касалликлари, моддалар алмашинуви жараёнининг касалликлари, ички секреция безларининг касалликлари, буйрак, қон касалликлари, дори моддалари, овқатдан заҳарланишлар шулар қаторига киради. Тери қичимаси бемор руҳиятига жуда ёмон таъсир

кўрсатади. Қичима таъсирида бемор жиззаки, тоқатсиз ва дарғазаб бўлиб қолади, атрофдагилар билан муносабати ўзгаради. Тиббиёт ҳамширалари бундай беморларга осойишталик ва сабр-тоқат билан муомалада бўлишлари керак бўлади. Сезгилар ичида беморларга энг кўп азоб берадигани оғриқ ҳисобланиб, унинг пайдо бўлишида бош миянинг пўстлоқ ва ости соҳаси бевосита иштирок этади. Оғриқ баданга ташқи таассуротлар бевосита таъсир кўрсатганда ҳамда организмда вужудга келган патологик ўзгаришлар натижасида кузатилиши мумкин. Оғриқ руҳий жароҳатлар оқибатида ва шартли рефлекс механизми таъсирида келиб чиқиши ва зўрайиши, организмда унга хавф туғдирувчи ўзгаришлар содир бўлаётганидан ҳам дарак бериши мумкин. Танадаги кучли оғриқ беморнинг бутун хаёли, диққати, фикрларини чулғаб олиб, унинг таъсирида шок, кома ҳолатлари юзага келади, уйқу бузилиб, турли невротик реакцияларга сабаб бўлади.

Идрок ва унинг хусусиятлари. Психологларнинг фикрича, инсон нимани идрок қилса, уни *фигура ва фон*да идрок қилади. Фигура шундай нарсаки, уни аниқ англаш, ажратиш, кўриш, эшитиш ва туйиш мумкин. Фон эса аксинча, ноаниқроқ, умумийроқ нарса бўлиб, аниқ объектни ажратишга ёрдам беради. Масалан, гавжум бозорда кетаётган тақдирда ҳам ўз исмимизни биров айтиб чақирса, дарров ўша тарафга қараймиз. Исм – фигура бўлса, бозордаги шовқин – фон ролини ўйнайди. Бошқача қилиб айтганда, биз бирор нарсани идрок қилаётган пайтимизда уни албатта, бирор фондан ажратиб оламиз. Масалан, гул бозорида айнан қип-қизил атиргул сизга ёқиб қолиб, ўшани харид қиласиз, қолган гуллар фондай онгингиз активига ўтмайди.

Шундай қилиб, *идрок – бу билишимизнинг шундай шаклики, у борлиқдаги кўплаб хилма-хил предмет ва ҳодисалар орасида бизга айни пайтда керак бўлган объектни хосса ва хусусиятлари билан яхлит тарзда акс эттиришимизни таъминлайди.* Яъни, идрок асосида нарса ва ҳодисанинг яхлитлашган образи ётади ва бу образ бошқаларидан фарқ қилади. Идрок ўзига нисбатан соддароқ бўлган сезги жараёнларидан ташкил топади.

3.3 §. ИДРОК ҚИЛИШ ҚОНУНЛАРИ.

Шахснинг идрок қилиш жараёнларига хос бўлган бир нечта қонуниятлар психолог олимлар ёзган илмий адабиётларда келтирилган, биз уларнинг айримларини белгилаймиз:

А. **Фигура ва фоннинг илгариги ҳаракатга боғлиқлиги қонуни.** Бу қонуннинг маъноси: одам илгариги тажрибасида бўлган, бевосита тўқнаш келган нарсаларини идрок қилишга мойил бўлади. Агар бирор предметни у илгари фигура сифатида идрок қилган бўлса, демак, кейинги сафар ҳам уни айнан фигурадай идрок қилади, агар фон бўлган бўлса, табиий, фондай қабул қилади. Бу қонуннинг ҳаётдаги ўрни чет давлатларда бўлган сайёҳлар

тажрибасига таяниб тушунтирилиши мумкин. Ўзбекистонликлар Ер куррасининг қайси бурчагида бўлмасин, ўзбек дўпписи ёки атлас кўйлакни жуда тез илғаб оладилар ва суюниб кетадилар ҳам. Ёнидаги шериклари ўзбек бўлса ҳам, айнан дўппили ўзбекни кўриб, кўзлари яшнаб кетади. Бошқа миллат вакиллари, масалан, нигериялик ҳам миллий кўйлагида юрган бўлиши мумкин, лекин ўзбек сайёҳ учун бу кийим фон эди, фонлигича қолади ҳам.

Б. Идрокнинг константлилиги қонуни. Бу қонун маълум маънода олдингисига боғлиқ. Яъни бунда ҳам илгариги тажриба катта роль ўйнайди. Одам ўзига таниш бўлган нарсаларни ўша хосса ва хусусиятлар билан ўзгаришсиз идрок қилишга мойилдир. Масалан, самолёт ичида ўтириб ерга қараганмисиз? Автомобиль йўллари, уларда ҳаракат қилаётган машиналар кичкина кўринади, лекин биз уларни ҳозир кичрайиб қолган, деб идрок қилмаймиз-ку? Аслида кўз корачиғимиздаги акс кичкина бўлса-да, уларни ўзимиз «тўғрилаб» алоҳида предметлар сифатида идрок қилаверамиз.

Бу ўринда бир этнографнинг Африкадаги кузатиши ҳақида мисол келтириш жоиздир. У кунларнинг бирида пигмейлар деб аталувчи қабила вакилларидан бири билан қуюқ ўрмондан чиққан (бу қабиланинг умри қалин ўрмонда ўтади). Рўпарада яйловда сонсиз моллар подаси ўтлаб юрган бўлган. Этнограф уларни оддий моллар подаси сифатида идрок қилган, пигмей эса уларни чумолиларга ўхшатиб, уларнинг кўплиги ва кичиклигидан ҳайратланган. Олимда идрокнинг константлиги намоён бўлган бўлса, унинг шеригида унинг бузилганлиги кузатилган.

Демак, идрокимизнинг константлиги, яъни илгариги тажриба асосида нарсаларнинг хосса ва хусусиятларини ўзгартирмай, турғун ҳолда яхлит тарзда идрок қилиш хусусияти бизга ташқи муҳитда тўғри мослашувимиз, нарсалар дунёсида адашмаслигимизни таъминлайди. Константлик – «constanta» сўзидан олинган бўлиб, ўзгармас, доимий деган маънони билдиради.

В. Кутишлар ва тахминларнинг идрокка таъсири. Кўпинча идрокимиз айни пайтда биз нималарни кутаётганимизга боғлиқ бўлиб қолади. Биз ўзимиз кутгандан ҳам кўп пайтларда ўзимиз кўргимиз келган нарсаларни кўрамиз, эшитгимиз келган нарсани эшитамиз. Масалан, сонлар қаторида пайдо бўлган В ҳарфи узоқдан албатта 13 сонидай идрок қилинади ёки аксинча, ҳарфлар орасидаги 13 «В» га жуда ўхшайди. Кечаси ёлғиз қолиб, кимнидир кутаётган бўлсангиз, ҳар қандай жуда секин шарпа ҳам оёқ товушларига ўхшайверади. Соғинган дўстингизга бирор жиҳати билан ўхшаш бўлган одамни кўрсангиз-чи?

Шундай қилиб, инсон идроки шахсий маъно ва аҳамият касб этган маълумот воситасида онгдаги бўшлиқни тўлдиришга ҳаракат қилади. Бировнинг орқадан чақиришини кутаётган бўлсангиз, негадир, албатта, бош ҳарфи тўғри келган исмни айтса ҳам, тезгинада ўша томонга ўгирилиб қарайсиз. Айнан шундай ҳодисалар баъзан идрокдаги хатоликларнинг келиб чиқишига олиб келади. Америкалик олим Дж.Бэгби стереоскоп орқали америкалик ва мексикалик болаларга шакли унчалик аниқ бўлмаган

слайдларни бирин-кетин кўрсатган. Америкалик болалар уларни бейсбол ўйини, оқ сочли қиз ифодаланган десалар, мексикалик болалар уларни буқалар жанги, қора сочли қиз, деб таърифлаганлар. Кўпчилик болалар эса кўрсатилган иккита расмдан фақат биттасини кўрганини эътироф этганлар. Демак, бизнинг идрокимиз, унинг мазмуни маданий ва маънавий муҳитга ҳам боғлиқ бўлиб, бу кутишлар тизимидан келиб чиқаркан.

Г. Ўзгармас маълумотнинг идрок қилинмаслиги қонуни. Бу қонуннинг моҳияти шундаки, мунтазам таъсир этувчи маълумот онгда узоқ ушлаб турилмайди. Масалан, ўтирганингизда соатнинг тиққиллашини эшитганмисиз? Ҳа, товуш эшитилади, лекин маълум вақт ўтгандан сўнг у йўқ бўлиб қолгандай, эшитилмайди. Ёки эксперимент шароитида ёлғиз битта нуқтадаги ёруғлик манбаи кўзга таъсир этилиб, кўз ҳам шу нуқта билан бир вақтда ҳаракатга келтириб турилганда, 1-3 секунддан сўнг одам ёруғлик манбаини кўрмай қўйгандек бўлади. Шунга ўхшаш экспериментлар барча идрок турларида ҳам синалган. Паст оҳангли куй ҳам маълум вақтдан кейин эшитилмаётгандай ҳисни келтириб чиқаришини синаб кўришингиз мумкин.

Нутқ воситасида бир хил сўзларни қайтараверish психотерапевтик практикада гипнотик ҳолатни келтириб чиқарувчи омил сифатида ишлатилади. Чунки бир хил сўзлар ҳадеб қайтарилаверса, улар ўзининг маъно-моҳиятини ҳам йўқотади. Масалан, кўчаларда юрадиган «фолбинлар»ни кўрганмисиз? Улар автоматик тарзда айтадиган сўзлари аслида уларнинг ўзлари учун умуман маъносини йўқотган («бахтингдан очайми, тахтингдан очайми?» ва ҳоказо шунга ўхшаш сўзлар). Ҳар қандай ҳаракат ҳадеб қайтарилаверса, «психологик тўйиниш» ҳодисаси рўй беради ва ҳаракатлар автоматлашиб, унинг айрим деталлари умуман онг назоратидан чиқади. Масалан, маҳоратли раққоса ҳар қандай рақсга ҳам чиройли, жозибали ҳаракатлар билан ўйин тушиб кетаверади.

Д. Англанганлик қонуни. Идрок қилаётган шахс учун фигуранинг англанганлиги, унинг зарурати ва маъноси катта аҳамиятга эга бўлади. Агар биз кузатаётган предмет, эшитаётган нутқ ёки ҳис қилаётган нарсамиз маъносиз, тушунарсиз, ноаниқ бўлса, биз жуда тез чарчаймиз ва толиқамиз. Масалан, хитой тилини билмайдиган одам шу тилда сўзлашувчилар орасига тушиб қолса, психологик жиҳатдан жуда қийналади. Яъни, *бизга барча нарсаларда бирор маъно ва мазмун керак.* Одам одатда тушунадиган нарсасинигина идрок қилади. Ҳаттоки, маърузачининг бугун тушунтираётган маърузасидаги фактлар сизнинг тушунчаларингиз ва билим доирангиздан узоқ бўлса, профессорга қараб ўтирган бўлсангиз ҳам, унинг гаплари қулоғингизга кирмайди. Шундай пайтларда «Нима деяпти ўзи?» деб қўшнимиздан сўраб қўямиз ҳам, зеро маърузаси ўша биз учун қадрдон бўлган ўзбек тилида бўлса ҳам. Синаб кўриш учун ўртоғингизга бир нечта сўзлардан иборат қаторни беринг. Улар орасида мазмунан бир-бирига боғлиқ бўлмаган сўзлар, ҳаттоки маъносиз (тескарисига ёзилган сўзлар) бўлсин. Орага 2-4 та таниш ўзбек тилидаги сўзлардан аралаштиринг. Бир

дақиқа мобайнида қараб, эслаб қолганини қайтаришни сўрасангиз, ўша 2-4 та сўзлардан бошқаларни деярли «кўрмаганининг» гувоҳи бўласиз.

Е. Тахминларни текшириш жараёнида идрок қилиш. Биз идрок жараёнида илгариги тажрибага таянганимиз билан кўпинча адашамиз, баъзан эса ўзимиз учун янгиликлар очиб, тажрибани янада бойитамиз. Илгариги тажриба ва келажакни башорат қилиш инсонга хос хусусият бўлиб, бизнинг сезги органларимиз орқали келадиган маълумотларнинг кўлами ва имкониятларини янада оширади. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, *идрок – ташқи муҳит тўғрисидаги тахминларимизни исбот қилишга қаратилган фаол жараён*. Биз билвосита идрокимиз «тагига етолмаётган», «тушунмаётган» нарсаларни билвосита ҳис қилгимиз, қўлимиз билан ушлаб кўргимиз, улар билан ишлагимиз келади. Яъни, идрок қилинаётган нарсада ноаниқлик, сир пайдо бўлса, биз «Бу нима бўлди?» деган савол асосида тахмин қила бошлаймиз ва уни текшириш учун ҳаракат қиламиз. Айнан ҳаракатлар, амалий ишлар идрокимиз имкониятлари ва чегараларини кенгайтиради ва англашга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам ҳар бир ишни бошлашдан аввал нимага эгамиз, нима керак ва нима қилсак, тезроқ яхши натижага эга бўламиз, деган савол билан ўзимиздаги тажрибада бўлган билимларимиз билан унчалик аниқ бўлмаган маълумотларни тарозига солиш ва имкон борича нутқимиз, ҳаракатларимиз билан реал тажрибани кенгайтиришга интилишимиз керак. Шундай қилиб, бир қарашда оддийроқ туюлган идрок ҳам инсон билимлари, тушунувчанлиги ва фаоллиги билан боғлиқ психологик жараён бўлиб, у аслида шахсий тажрибамизнинг бирламчи асоси ва базасидир.

Идрок сезгиларга нисбатан мураккаб ва мазмундор психик жараён бўлиб, барча руҳий ҳолатлар, ҳодисалар, хусусиятлар, хоссалар ва инсон онгининг яхлит мазмуни, эгалланган билимлар, тажрибалар, кўникмалар бир даврнинг ўзида намоён бўлади, акс эттиришда иштирок этади.

Идрокнинг *(лот.«perceptio» - қабул қилиш,идрок)* юқори босқичи ***«апперцепция»*** дейилади. Апперцепция идрок жараёнини шахснинг олдинги билимлари, шахсий ва ижтимоий тажрибалари, қизиқишлари, мотивацияси, эҳтиёжлари ва одатлари, умуман, руҳий ҳаёт мазмуни билан белгиланишидир. Апперцепция ҳодисаси туфайли одамлар идрокининг мазмуни билан бир-бирларидан муайян даражада тафовутланадилар, яъни улар айнан бир хил нарсани ўзининг билим савияси, позицияси, дунёқараши ва ижтимоий келиб чиқишига асосланган ҳолда турлича идрок қилади ҳамда акс эттиради. Масалан, «илдиз» тушунчасини биологлар ўсимликларнинг моддий асоси сифатида, математиклар сонларнинг илдиз остидаги кўринишида, ижтимоий нуқтаи назардан қариндош-уруғчилик шаклида кўз олдига келтиради.

Апперцепция ҳодисаси *барқарор* ва *вақтинча* (муваққат) деб юритувчи икки турга ажратилади. Барқарор апперцепция ҳодисаси шахснинг дунёқараши, идеали, мотивацияси, қизиқиши, билим савияси, маданий даражаси, хулқ-атвори, маънавияти ва касбий тайёргарлигига

боғлиқ бўлиб, у ўта мураккаб тузилишга эгадир. Вақтинча апперцепция тури эса шахснинг фақат идрок қилиш жараёнидаги эмоционал ҳолатига, яъни унинг кайфияти, руҳланиши, шижоати, стресс, аффектив кўринишдаги ҳис-туйғуларида, уларнинг суръати, давомийлиги, тезлигида ўз ифодасини топади.

Идрокнинг ***вақт, ҳаракат, фазони идрок қилиш турлари*** мавжуд. Улар ёрдами билан атроф-муҳит, BIOSфера ва ижтимоий турмушнинг моҳияти юзасидан ахборотлар, маълумотлар, хусусиятлар акс эттирилади. Борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг яшаш шакли, узлуксиз равишда ҳаракатда бўлиши, муайян объектив *вақт* бирлигида ҳукм суриши инсон онгида билвосита инъикос қилинади. Одатда инсон томонидан ***вақтни идрок қилиш***, асосан руҳий ҳодисалар, ҳолатлар, вазиятлар, хусусиятларнинг ўзаро ўрин алмашинуви туфайли намоён бўлиб, инсон томонидан акс эттирилаётган вақт бирлигининг объектив (ҳаққоний, холис) мазмунига, шахснинг унга нисбатан муносабатига боғлиқ бўлиб, худди шу мезон орқали унинг маҳсулдорлиги ўлчанади. Масалан, шахснинг эҳтиёжи, мотивацияси, қизиқишлари ва интилишига мос, мутаносиб вақт бирлигини идрок қилган тақдирдагина вақт объектив жиҳатдан (кечинмалар, ҳис-туйғуларга нисбатан шахснинг ижобий ҳаққоний муносабатларида) тез ўтгандай идрок қилинади, одатда ёқтирмаслик идрок майдонига номутаносибликни келтириб, шахсда зерикиш ҳолатини юзага келтиради ва вақт «секин» ўтиши туйғусини уйғотади.

Ҳаракатларни идрок қилиш жисмларнинг (баъзан нисбий жиҳатдан бошқа ижтимоий, сиёсий табиий ҳолатларнинг) фазодаги (ижтимоий ҳаётдаги) ўрин алмашинувини бевосита (билвосита) инъикос эттиришдан иборатдир. Бунда ҳаракат нисбатан (қиёсий) ва нисбатсиз (таққосланмасдан) идрок қилинади. Ҳаракатдаги жисм уни қуршаб турган ҳаракатсиз бошқа жисмларга таққосланган ҳолда идрок қилинса, бундай тоифадаги ҳаракат *нисбатан идрок қилиш* деб аталиб, ҳаракатланаётган жисм ҳеч қандай нарса билан таққосланмасдан идрок қилинса, бу кўринишдаги ҳаракат эса *нисбатсиз идрок қилиш* дейилади.

Фазони идрок қилиш – воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг фазода эгаллаган ўрнини, шаклини, миқдорини ва бир-бирига нисбатан муносабатларидан иборат билиш жараёнининг шакли бўлиб, воқеликни идрок қилиш орқали инсон борлиқ тўғрисида, унинг хусусиятлари, ҳажми, масофаси (ич томони, чуқурлиги) юзасидан муайян маълумотлар, хоссалар, ахборотлар тўплаш, уларни фарқлаш имкониятига эга бўлади. Идрок жараёнида унинг ***феноменлари*** *(юнон.«phainomenon»-ноёб, ғайриодатий ҳолат)* муайян ҳодисаларни акс эттиришда иштирок этади, инъикоснинг турлича аниқликда намоён бўлиши мумкинлиги тўғрисида маълумот беради. Улар ***галлюцинация*** *(лот. «hallucinatio» - алаҳлаш, босинқираш, валдирлаш, йўқ нарсаларнинг кўриниши, эшитилиши, сезилиши)*, ***иллюзия*** *(лот.«illusio»-хато, адашиш, янглишиш)*, ***аттракция*** *(франц. «attraction»-ўзига тортиш, маҳлиё этиш, жалб қилиш)*, ***яққол кўриниш***

(рус.«ясновидение»- яққол олдиндан кўриш, яққол ғойибдан хабар олиш) тушунчалари орқали номланади.

Галлюцинация деб яққол воқеликдаги идрок ва ҳодисаларнинг тана аъзоларини қабул қилиш анализаторларига бевосита таъсир этмасдан инсон онгида турли образларнинг (овозларнинг эшитилиши, шарпаларнинг сезилиши) хаёлан, фикран пайдо бўлишидан иборат идрокнинг психопатологик (рухий хасталик) ҳодисасига айтилади. Галлюцинация ҳодисаси муваққат руҳий хасталикнинг аломати бўлиб, баъзан қўрқинч ҳисси маҳсули ҳисобланиб, бош мия катта ярим шарлари қобиғидаги қўзғалиш жараёнларининг нуқсонли, суст (патологик) ҳаракати натижасида, гоҳо асаб тизимининг заҳарланиши, заифлашуви, ҳаддан ташқари толиқиши туфайли юзага келиши мумкин. Э.Ғ.Ғозиев фикрича, галлюцинация ҳодисаси бир неча хил кўринишга эга:

- йўқ нарсаларнинг кўзга кўриниши;
- у ёки бу овозлар, товушлар, куйлар эшитилиши;
- йўқ шарпалар, ҳидлар сезилиши кабилар.

Иллюзия ҳиссий аъзоларимизга бевосита таъсир этиб турган нарса ва ҳодисаларни нотўғри (ноадекват), янглиш, хато идрок қилишдан иборат жараённинг ноёб ҳодисаси ҳисобланади. Иллюзиялар кўринадиган ҳаракатлар билан боғлиқ, яъни:

а) қоронғиликда ҳаракатсиз ёруғлик манбаидан нурларнинг тартибсиз тарқалиши (автокинетик ҳаракат);

б) фазовий жиҳатдан яқин жойлашган икки ҳаракатсиз стимулнинг тез суръатлар билан намоён этиб туриш ҳаракат таассуротини вужудга келтиради (стробоскопик ҳаракат);

в) ҳаракатсиз объектни уни қуршаб турган фонга қарама-қарши йўналишга қўйиш ҳаракат туйғусини пайдо қилади (индукцион ҳаракат) кабилар.

Аттракция инсонни (ўзи билан ўзга ўртасидаги муносабатда намоён бўлиб) ўзига маҳлиё қилиш, қалбни «жиз» эттиришдан иборат, онгсизликка тааллуқли инсонни инсон томонидан идрок қилиш ҳодисаси бўлиб, бу ҳодиса бир қанча манбалар, қўзғатувчилар, мотивлар таъсирида вужудга келади, жумладан:

1) дастлабки ташқи кўриниш, истаранинг иссиқлиги;
2) субъектга нисбатан риштасиз боғланиб қолишлик, онгсизлик даражасидаги англашилмаган ички ноаниқ мойиллик;
3) шахсларнинг характерида ўхшашликнинг мавжудлиги;
4) шерикларнинг муомала маромидаги яқинлик ва бошқалар.

Яққол кўриниш (ясновидение) деб ҳолат, ҳодиса ва тасодифни яққол олдиндан кўриш, яққол ғойибдан хабар келиш (олиш) сингари парапсихологик муаммодир. Аксарият вазиятларда яққол кўришлик билиш субъектининг шахсий хаёлоти, ўзгаларнинг диққатини тортишга, жалб

қилишга алоқадор ҳиссий кечинмалар бўлиб, унинг яққоллилик эҳтимоли даражаси жуда пастдир. Бироқ шу нарсани рад этмаслик керакки, айрим алломаларнинг башоратлари, яққол олдиндан кўриш имконининг юксаклиги, аниқлиги кишини ҳанузгача ҳаяжонга солади.

Идрок хусусиятлари турли жабҳалар, вазиятлар, шароитларда намоён бўлади. Идрокнинг муҳим хусусиятларидан бири– бу фаол равишда, *бевосита* акс эттириш имкониятининг мавжудлигидир. Одатда инсоннинг идрок қилиш (перцептив) фаолияти унинг ўзлаштирилган билимлари, тўпланган тажрибалари, шунингдек, мураккаб аналитик-синтетик ҳаракатлар тизими замирида вужудга келади. Бу ҳолат босқичма-босқич ўзаро бир-бирини тақозо этувчи таркибий қисмлардан иборатдир.

Идрокнинг яна бир муҳим хусусияти–унинг *умумлашган* ҳолда нарса ва ҳодисаларни акс эттиришидир. Инсон психикасига кириб бораётган кўпқиррали, кўпёқлама аломатлари идрок қилиш билан чекланиб, чегараланиб қолмасдан, балки улар аниқ жисм ёки ҳодиса сифатида баҳоланади. Жисмларнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаш билан қаноат ҳосил қилмасдан, балки мазкур нарсаларни маълум маънавий қисмларга ажратади. Жумладан, «соат», «бино», «ҳайвонот» ва ҳоказо. Идрок этилаётган нарсаларнинг физик ҳолати ўзгарса ҳам, лекин унинг кўз тўр пардасидаги образининг ўзгармаслиги энг муҳим хусусияти бўлиб, у *барқарорлик* ёки *константлик* дейилади. Доимийлик, ўзгармаслик унинг асосий белгилари ҳисобланиб, улар ёрдамида инсон ўзгарувчан оламда тўғри мўлжал олади. Идрокнинг навбатдаги хусусияти – унинг *ҳаракатчанлиги* ва *бошқарувчанлиги*дир. Масалан, тошкўмир ёруғликда ёғду сочади, оқ қоғоздан кўпроқ нур балқийди. Лекин инсон бу нарсаларни «қора» ва «оқ» деб идрок қилади, вужудга келган бевосита субъектив таассуротларга нисбатан ўзгартиришлар ҳамда тузатишлар киритади. Чунки идрок жараёни инсон олдида турган мақсадга, унга берилган установкага (онгли, ихтиёрий кўрсатмага) узвий боғлиқ ҳолда иродавий бошқарилиш хусусиятига эгадир. Шунинг учун инсонни идрок қилиш (перцептив) фаолиятида онгли бошқарилув имконияти мавжуд бўлиб, улар нутқ орқали амалга оширилади. Идрокнинг *яхлитлилик* хусусияти алоҳида намоён бўлувчи айрим аломатларда ифодаланувчи нарсаларни предмет ёки жисм тариқасида инъикос қилиш қобилиятида намоён бўлади. Жисмларнинг аниқлиги, равонлиги предмет ёки жисм сифатида кўзга ташланишида ўз ифодасини топиб, муайян структурани вужудга келтиради. Идрок мазмунига, таркибига кирувчи ҳар қандай ҳодиса, вербал ёки новербал тарзда ифодаланишидан қатъи назар, у предмет ёки жисм сифатида гавдаланади ва яхлитлигини намойиш этади. Нарса ва ҳодисаларнинг яхлит ҳолда акс этишида уларнинг ҳажми, фазода эгаллаган ўрни, ранги, ички моҳияти, кўриниши, вазни тўғрисида муайян тушунчага эга бўлиш талаб этилади. Бунинг учун идрок қилинадиган жисм аниқ тузилишга эга бўлиши лозим. Ана шу муҳим хусусият идрокнинг *структуравийлиги*дир. Идрокнинг структуравийлиги хусусиятисиз унинг яхлитлик хусусияти бўлиши мумкин эмас, чунки структура қисмлардан вужудга келса,

алоҳидалик бирикмасидан яхлит тузилма яратилади. Ҳар қандай нарса ва ҳодисалар инсон томонидан идрок қилинмайди. Чунки у табиий ва сунъий шарт-шароитлар, объектив ва субъектив омиллар текширувидан ўтказилиб, саралаш, танлаш жараёни амалга оширилади, номутаносиблик, меъёрдан ташқари маълумотлар акс эттириш доирасидан четда қолиб кетаверади. Юқоридаги хусусиятларнинг барчаси инсоннинг ёш хусусиятлари, ақлий камолоти, тажрибаси, билим савиясига боғлиқдир. Лекин тўғри (адекват) идрок қилиш учун маълум шарт-шароитлар муҳайё бўлмоғи лозим.

Жаҳон психологлари асарларини таҳлил қилиш натижалари инсон томонидан фаолият мақсадини рўёбга чиқариш режасини ва моделини яратишда ифодаланувчи ***антиципация*** *(лот. «anti-ciratio» -олдиндан сезиш, пайқаш, олдиндан идрок қилиш, ҳодиса моҳиятини очишдаги топқирлик)* бир неча босқичлардан иборат эканлигидан далолат бермоқда. Жаҳон психологлари антиципацияни беш даражага ажратиб ўрганмоқдалар, чунончи: Антиципациянинг ***субсенсор*** (*лот.«sub» ости ва «sensis» - сезиш, яъни идрок қилишнинг онгости ҳолати*) даражасининг ифодаланиши инсон гавдасининг ўзгариши, унинг идеомотор (ихтиёрсиз ҳаракат) жараёни, ташқи таъсирга тезкор жавоб қайтаришида ўз аксини топиб, гавданинг мужассамлашуви ва ҳаракат барқарорлиги инсоннинг ихтиёрий саъй-ҳаракатига тайёргарлик кўриш учун муҳим замин таъминлайди. Антиципациянинг ***сенсомотор*** (*лот. «senses» - сезиш, «motor» - ҳаракат*) босқичи ҳаракатдаги жисмларни ўзаро таққослаш, мураккаб ҳаракатларни мувофиқлаштириш, тезкор ҳаракатнинг муҳитдаги вақт ва фазовий ўзгаришлар мутаносиблигини узлуксиз равишда идора қилиб туришда намоён бўлади.

Перцептив (*лот. «perceptio» - идрок*) босқичда идрок қилиш хотира жараёнлари билан уйғунлашиб кетади. Бунинг натижасида ўтмиш тажрибаларига асосланиб келажакда вақт ва фазовий ўзгаришлар юз бериш эҳтимоли чуқур таҳлил қилинади, унинг образлари яққоллаштирилади.

Антиципациянинг ***тасаввур*** даражаси образларнинг вақт ва фазовий ўзгаришига биноан уларни фикран қайтадан яратиш, бунёд этиш, гоҳо аралашма тасвирлар вужудга келтириш, уларнинг схемаси ва режасини тузиш учун инсонда уқувчанлик, қобиллик ҳамда ижодий фаолликнинг туғилишини намойиш қилади.

Антиципациянинг бешинчи босқичи нутқ ва тафаккур ёрдамида бўлғуси ҳолатлар, ҳодисалар, кескин ўзгаришлар тўғрисида ***башорат*** *(прогноз)* ***қилиш*** хулқ-атвор ҳаракатлари ва амалга оширилувчи фаолиятини режалаштириш жараёнининг юксалиши билан бошқа даражалардан сифат жиҳатидан ажралиб туради. Мазкур босқичда умумлаштириш ва мавҳумлаштиришнинг айрим сермаҳсул даражалари, мантиқий усуллар, оқилона ҳамда мақсадга мувофиқ хатти-ҳаракатларнинг юқори самара берувчи кўрсаткичлари ўзининг чўққисига эришади.

3.4 §. ХОТИРА ВА ШАХС ТАЖРИБАСИНИНГ БОЙЛИГИ.

Одам кўрган, ҳис қилган ва эшитган нарсаларининг жуда оз миқдоринигина эслаб қола олади. Маълум бўлишича, бир вақтнинг ўзида одам онгида 7 тадан ортиқ белгига эга бўлган маълумотнинг қолиши қийин экан экан. Бу еттита сўз, сон, белги, нарсанинг шакли бўлиши мумкин. Агар телефон рақамлари 8 та белгили бўлганда, уни ёдда сақлаш анча қийин бўларкан. Демак, онгнинг танловчанлиги ва маълумотларни саралаб, териб ишлатиши яна бир психик жараённи – хотирани билишимиз лозимлигини билдиради. Одатда биз бирор-бир материални ўқийдиган бўлсак, уни ҳеч бир ўзгаришсиз эслаб қолишга ҳаракат қиламиз. Лекин ажабланарлиси шундаки, борган сари материал маълум ўзгаришларга юз тутиб, хотирада дастлабки пайтдагисидан бошқачароқ бўлиб сақланади. Баъзи бир материал ёки маълумот хоҳласак ҳам хотирадан ўчмайди, бошқасини эса жуда қаттиқ хоҳласак ҳам, керак пайтда ёдимизга туширолмаймиз. Бу каби саволлар инсон билиш жараёнларидаги энг муҳим саволлар бўлиб, баъзан ўз тараққиётимиз ва камолатимизни ҳам ана шундай омилларга боғлагимиз келади.

Маълум бўлишича, инсон мияси ҳар қандай маълумотни сақлаб қолади. Агар шу маълумот бирор сабаб билан одамга керак бўлмаса ёки ўзгармаса, у онгдан табиий тарзда йўқолади. Лекин касбий фаолиятимиз манфаатларига мос маълумотларни эсда сақлаш жуда зарур ва шунинг учун ҳам кўпчилик атайлаб хотира тарбияси билан шуғулланади.

Х о т и р а *– бу тажрибамизга алоқадор ҳар қандай маълумотни эслаб қолиш, эсда сақлаш, эсга тушириш ва унутиш билан боғлиқ мураккаб жараён. Хотира ҳар қандай тажрибамизга алоқадор маълумотларнинг онгдаги аксидир.*

Инсон хотирасининг яхши бўлиши, яъни ҳис-кечинмалар, кўрган-кечирганларимизнинг мазмуни тўлароқ мияда сақланиши қуйидаги омилларга боғлиқ:

- эсда сақлаб қолиш билан боғлиқ ҳаракатларнинг якунланганлик даражасига;
- шахснинг ўзи шуғулланаётган ишга нечоғлик қизиқиш билдираётганлиги ва шу ишга мойиллигига;
- шахснинг бевосита фаолият мазмуни ва аҳамиятига муносабатининг қандайлигига;
- шахснинг айни пайтдаги кайфиятига;
- иродавий кучи ва интилишларига.

Хотира жараёнлари шахснинг фаолиятдаги ютуқларига боғлиқ бўлгани учун ҳам, унинг табиати, қандай кечишига кўплаб олимлар аҳамият берган. Масалан, нима учун одам у ёки бу маълумотни хотирада сақлайди, деган саволга олимлар турлича жавоб берадилар. Масалан, физиологлар унинг сабабини мияда ҳосил бўладиган нерв боғланишлари – ассоциациялар билан боғлашса, биохимиклар – рибонуклеин кислота (РНК) ва бошқа биохимик ўзгаришлар оқибатида, деб тушунтиради.

Психологлар эса хотирани доимо инсон фаолияти, унинг шахс учун аҳамияти ва мотивлар характери билан боғлайди. Чунки шахснинг

йўналганлиги, унинг ҳаётдаги мавқеи ва қобилиятларининг ривожланганлик даражаси айнан хотирасининг мазмунига боғлиқ. Шунинг учун ҳаттоки, шундай гап ҳам бор: «Нимани эслашингни менга айт, мен сенинг кимлигингни айтаман».

Амалий нуқтаи назардан хотиранинг самарадорлиги, уни ўқув ва меҳнат фаолияти жараёнида ошириш катта аҳамиятга эга. Чунки кўпинча одамлар орасида ишчанроғи, ўқувчи ёки талабалар орасида билимлироғи ҳам бир қарашда хотирасининг кучи билан бошқалардан ажралиб туради. Буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг хотираси ҳақида афсоналар юради. Масалан, у ўз қўл остидаги бекларнинг нафақат исмини, балки отасининг исмларини ҳам ёддан биларкан, учрашувларда бевосита номини айтиб мурожаат қиларкан. Бу фазилат ҳам унинг ўз қўл остидагилар орасида обрўсининг баландлигига таъсир кўрсатган. Америкaнинг машҳур Президентларидан Авраам Линкольн ҳам ана шундай феноменал хотирани ўз яқинлари ва иш юзасидан у билан боғлиқ бўлган ходимларга нисбатан намоён этиб, лол қолдирган экан. Демак, хотира тарбияси, уни керакли йўсинда ривожлантириш – керак бўлса, шахсий обрў ҳамда ишдаги самара масаласи билан бевосита боғлиқ экан.

Умуман, ***<u>хотиранинг самарадорлиги</u>*** *эслаб қолишнинг кўлами ва тезлиги, эсда сақлашнинг давомийлиги, эсга туширишнинг аниқлиги билан боғланади.* Демак, одамлар ҳам айнан шу сифатларга кўра ҳам фарқланадилар:

- материални тезда эслаб қоладиганлар;
- материални узоқ вақт эсда сақлайдиганлар;
- истаган пайтда осонлик билан эсга тушурадиганлар.

Баъзи одамларнинг хотирасига хос жиҳатларни туғма деб аташади. Тўғри, олий нерв тизими, унинг ўзига хос ишлаш хусусиятлари хотиранинг ўзига хос индивидуал услубини белгилаши мумкин. Лекин ҳаётда кўпинча шахснинг билиш жараёнлари ва сезги органларининг ишлаш қобилиятларига боғлиқ тарзда ажралиб турадиган типлари ҳақида гапиришади. Масалан, айрим одамлар кўрган нарсаларини жуда яхши эслаб қолади, демак, уларнинг ***хотираси кўргазмали-образли*** бўлиб, кўзи билан кўрмагунча, нарсанинг моҳиятини тушунмайди ҳам. Бошқалар эса ўзича фикрлаб, номини айтиб, мавҳум тарзда тасаввур қилмагунча, эслаб қолиши қийин бўлади. Бундайлар ***сўз - мантиқий хотира*** типи вакилларидир. Яна бир типли одамлар бевосита ҳис қилган, «юрагидан» ўтказган, унда бирор ёркин эмоционал образ қолдира олган нарсаларни яхши эслаб қоладилар, бу - ***эмоционал хотирадир***. Лекин яна бир хотира эгалари борки, уларни ***феноменал хотира*** соҳиблари деб аташади. Психологияга оид китобларда ана шундай хотирага эга бўлган кишилар тўғрисида кўп ёзилган. Бу шундай кишиларки, улар бир вақтнинг ўзида нисбатан жуда катта ҳажмдаги маълумотларни эсда сақлай олади ва эсга туширади. Масалан, тарихий шахслар орасида Юлий Цезарь, Наполеон, Моцарт, Гаусс, шахмат устаси Алехин каби инсонлар хотираси ана шундай ноёб бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор. Таниқли рус психологи ва нейропсихологи А.Р. Лурия

ҳам ана шундай хотира соҳибларидан бири - асли касби журналист бўлган Шерешевский деган шахс хотирасини атайлаб узоқ вақт мобайнида ўрганган. Унинг хотираси шундай эдики, Дантенинг «Илоҳийлик комедияси»дан олинган узундан-узоқ парчани бир марта қараб олгандан сўнг, 15 дақиқадан сўнг сўзма-сўз айтиб бера олган. Шуниси характерли эдики, комедия унга нотаниш бўлган итальян тилида ёзилган эди. Кўпчиликни қандай қилиб яхши, мустаҳкам эсда сақлаб қолиш муаммоси қизиқтирса, Шерешевский учун қандай қилиб унутиш масаласи мураккаб эди. Уни хотира образлари доимо қийнар, кўрган нарсалари кўз олдида гавдаланаверар эди. Қандай қилиб эслаб қоласиз? деган саволга у шундай жавоб берган: мен «материални» ўзимга таниш ва севимли бўлган Москва кўчаларига жойлаштираман. Бир марта бир материалнинг бир бўлаги ўша «кўчанинг» салқин тушган ерига тушиб қолиб, эсга тушириши анча қийин бўлган экан. Шунга ўхшаш ҳар бир феноменал хотира эгаларининг ўзига хос эслаб қолиш услублари бўлар экан. Шотландиялик математик А. Эткин 1933 йили 25 та бир-бири билан боғланмаган сўзлардан иборат икки қаторни эслаб қолиб, ҳеч бир хатосиз уни 27 йилдан кейин эсга тушира олган. «Қилич ва қалқон» кинофильмидаги рус разведчиги И. Вайснинг нацистлар томонидан режалаштирилган биринчи навбатда батамом йўқ қилиниши лозим бўлган объектлар – шифрлари билан кўрсатилган рўйхатини бир карра кўриб чиқиб, бир неча дақиқадан сўнг эсга туширганини эсланг. У ҳам гуёки, кўриб тургандай ўша рўйхатларни қайтадан ўқигандай, такрорлайди. Тарихда бундай кишилар бор ва улар бизнинг орамизда ҳам йўқ эмас. Муҳими шундаки, ана шу феноменал хотирани шахс ва жамият манфаатига мос тарзда унумли ишлата билишдир.

Эсда сақланган маълумотни хотирадан чиқариб олиб, қайта тиклаш ҳам муҳим муаммо. Чунки кўпинча биз хотирамизда кечагина ўқиган ёки яқиндагина ўқитувчимиз айтиб берган маълумотнинг борлигини биламиз-у, лекин керак вақтда уни эсга тушира олмаймиз. Маълумотни хотирада сақлаб қолиш омилларига қуйидагилар киради:

Маъмулотнинг англанганлиги. Биз ўзимиз тўла англаган, тушунган нарсаларни осонроқ эсга туширамиз. Масалан, алифбони жуда осон эсга туширамиз, ёки 1, 2, 3, 4 ва ҳоказо тартибли сонларни бир кўргандан сўнг у миллионгача бўлса ҳам эсга туширишимиз сираям қийин эмас. Лекин шу сонлардан бор йўғи 7-8 таси тескари ёки аралаш тартибда ёзилган бўлса, уларни эсга тушириш анча мушкул бўлади. «Психология» ёзувини эсга тушириш жуда осон, лекин «и п и о х о я с л г» ҳарфлар тўплами айнан ўша ҳарфлардан иборат бўлса ҳам, сира эсга тушира олмаймиз. Демак, материални яхшилаб эсда сақлаш ва эсга тушириш учун уни тушуниш ва англаш керак. Мазмунини ва моҳиятини тушунган ҳолда ўзимиздаги қизиқишларга боғлай олишимиз керак.

Кутилмаган маълумот. Кутилмаганда пайдо бўлган янги ва яхши маълумот ҳам яхши эсга тушади. Масалан, сонлар қаторида берилган битта ҳарф ёки аксинча, ҳарфлар орасидаги битта сон, узун жумлалар орасида пайдо бўлган қисқа жумла эсга тезроқ ва аниқроқ тушади. Бунинг оддий

сабаби – биз кутилмаганда пайдо бўлган маълумот ёки нарсага ҳайратланамиз, жонли эмоциялар билан жавоб берамиз, бу эса яхши эслаб қолишга ва керак бўлганда, ёрқин тиклашга асосдир.

Маълумотнинг мазмун ёки шакл жиҳатдан бир-бирига яқинлиги. Масалан, агар кўплаб бир-бирига боғлиқ бўлмаган сўзлар орасида «эркак» ва «аёл» сўзлари бўлса, биттасининг эсга туширилиши иккинчисининг ҳам хотирада тикланишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам ўқув режасига киритилган барча фанлар шундай бирин-кетинликда бериладики, бирини ўзлаштириш иккинчисининг ҳам ўзлаштирилиши, бир-бирини тўлдиришга хизмат қилади.

Эсда сақлаш вақти билан эсга тушириш вақти ўртасидаги фарқ. Одамда берилган маълумотни идрок қилиш ва шу орқали эсда сақлаш вақти қанчалик кўп бўлса, эсга тушириш ҳам осонроқ бўлади. Шунинг учун ҳам узоқ муддатли хотирада сақланадиган маълумот узоқ вақт мобайнида, кўпинча бир неча марта қайтариб берилади, қисқа муддатлида эса бир марта, қисқа фурсатда берилади ва шу нарсани эсга тушириш керак бўлганда, тикланмайди. Масалан, бирор текстни компьютерга киритиш учун ўртоғингизга бериб, кейин нималарни киритганини сўранг. Жавоб аниқ: «Эсимда йўқ». Яъни маълумотнинг умумий мазмуни ёдда қолса ҳам, асосий тушунчалар ва моҳият эсда қолмайди. Шундай қилиб, хотира фаол жараён бўлиб, у шахснинг у ёки бу тур маълумотлар билан ишлаш малакаси, унга муносабати, материалнинг қимматини тасаввур қилишига бевосита боғлиқ бўлади. Энг характерли нарса шуки, инсон фақат эшитган маълумотининг 10 фоизини, эшитган ва кўрган нарсасининг 50 фоизгачасини, ўзи фаол бажарган ишларининг деярли 90 фоизини ёдда сақлайди. Бу кўплаб психологик экспериментларда исбот қилинган. Шахснинг ўзи ўйлаб топиб, ўзи бевосита бажарган ишлари жуда осон эсга тушади. Бу ҳодиса психологияда *генерация эффекти* деб аталади. Агар талаба ёки ўқувчи ҳам ўзи бирор теоремани мустақил равишда исбот қилган бўлса ёки бирор хулосага мустақил равишда кела олган бўлса, ўқитувчи тушунтирган ҳодисага яқин нарса тўғрисида ўртоқларига сўзлаб берган бўлса, албатта, уни хоҳлаган пайтда осонгина эсга туширади. Шунинг учун ҳам охирги пайтларда ўйин методлари, мунозара методларидан ўқув жараёнида ҳам кенг фойдаланилмоқда. Ҳатто, катталарни қисқа фурсатда ўқитиш ва малакаларини оширишда ҳам турли хил амалий ўйинлар, ижтимоий-психологик тренинглардан фойдаланишнинг маъноси ҳам шунда: яхши ва тез эслаб қолиш, самарали эсга тушириш. Иқтисодий таълим йўналишларида турли хил «кейс стади»ларни таҳлил қилиш ва ўз нуқтаи назарича мақбул ҳаракат шаклларидан фойдаланиш, қарорлар қабул қилиш ҳам мутахассислар малакасини оширишга самарали таъсир кўрсатади.

Хотиранинг қонунлари. Шахсда ўз хотирасини яхшилаш истаги бўлса, у ҳолда хотиранинг саккиз қонунини эслаб қўйишни таклиф этамиз:

1. **Англанганлик қонуни.** Оддий, лекин мураккаб қонун, яъни берилган материални қанчалик чуқур англасак, шунчалик уни мустаҳкам хотирада мухрлаган бўламиз.

2. **Қизиқиш қонуни.** Анатоль Франс: «Билимларни яхши ҳазм қилиш учун уни иштаҳа билан ютиш керак» деганда, албатта, материалга жонли қизиқиш билан муносабатда бўлишимиз ва уни яхши кўришимиз кераклигини назарда тутган.

3. **Илгариги билимлар қонуни.** Маълум мавзу юзасидан билимлар қанчалик кўп бўлса, янгисини эсда сақлаб қолиш шунчалик осон бўлади. Масалан, илгари ўқиган бирор китобни қайтадан ўқиб, уни янгидан ўқиётгандай ҳис қилсангиз, демак, сиз илгариги тажрибангиз етишмаганлигидан уни яхши ўзлаштира олмаганлигингизни ҳис қилишингиз мумкин. Демак, эски билимлар ҳам тажрибага айлангандагина, янгиларига замин бўла олади.

4. **Эслаб қолишга тайёрлик қонуни.** Бирор материални эслаб қолишдан аввал, бўлғуси ақлий ишга қандай ҳозирлик кўрган бўлсангиз, шунга мос тарзда эслаб қоласиз. Масалан, физика ўқитувчисининг барча дарслари сизга доимо маъқул бўлган бўлса, Сиз: «Бугун ҳам янги нарса ўрганиб чиқаман», деб ўзингизни ишонтирасиз ва оқибатда натижа ҳам яхши бўлади. Ёки вақтга нисбатан тайёрлик ҳам шундай. «Бир амаллаб имтиҳон топширсам, кейин қутуламан», деб дарсга тайёрланган бўлсангиз, имтиҳон тугагач, гуёки миянгизни биров «ювиб қўйгандай» тасаввур ҳосил бўлади. Агар материални мутахассис бўлишим учун жуда керак, деб умрингиз охиригача муҳимлигини англасангиз, у нарса хотирада муҳим сақланади.

5. **Ассоциациялар қонуни.** Бу қонун ҳақида эрамиздан аввал Арасту ҳам ёзган эди. Қонуннинг моҳияти шундаки, бир вақтда шаклланган тасаввурлар хотирада ҳам ёнма-ён бўлади. Масалан, айни конкрет хона ўша ерда рўй берган ҳодисаларни ҳам эслатади.

6. **Бирин-кетинлик қонуни.** Ҳарфларни алифбодаги тартибида ёддан айтиш осон, лекин тескарисига айтиш қийин бўлганидек, хотирада ҳам маълумотларни маълум тартибда жойлаштириш ва керак бўлганда, тартиб билан бирин-кетин тиклаш мақсадга мувофиқдир.

7. **Кучли таассуротлар қонуни.** Эслаб қолинадиган нарса тўғрисидаги биринчи таассурот қанчалик кучли бўлса, унга алоқадор образ ҳам шунчалик ёркин бўлади. Бундан ташқари, сиз учун аҳамиятли ва жозибали маълумотлар оқимида эсланаётган материал ҳам яхши эсга туширилади.

8. **Тормозланиш қонуни.** Ҳар қандай муайян маълумот ўзидан олдинги маълумотни тормозлайди. Шунинг учун унинг ўчиб кетмаслиги учун янгини эсда сақлашдан аввал мустаҳкамлаш чораларини кўришингиз керак.

Демак, яхши кучли билимларга эга бўлиш учун ҳар бир предмет ёки фаннинг мавзуларини ўзига хос тарзда ёқтира олиш ва хотирада сақлаш услубларини ишлаб чиқишингиз керак экан. Лекин албатта, математика фанидан кейин физикани, тарихдан кейин адабиёт фанини, шеър ёдлашни уйқу олдидан амалга оширмасликни маслаҳат берамиз.

Билиш жараёнларини бошқариш усуллари. Идрок ва хотира жараёнларининг самарадорлиги ва уларни бошқариш яна бир психик жараён диққатга боғликдир. Диққат – шундай психик жараёнки, у шахс онгининг нарса ва ҳодисаларга йўналганлигини акс эттиради. Ҳосил бўлиш ва амал қилиш хусусиятига кўра диққат икки турли: ихтиёрсиз ва ихтиёрий бўлади. Ихтиёрсиз диққат кишининг англашилган ниятлари ва мақсадларидан мустасно тарзда ҳосил бўлади. Ихтиёрий диққат онгли равишда бошқарилаётган ва тартибга солинган бўлади. Ихтиёрсиз диққатнинг пайдо бўлиши психофизиологик ва психик омиллар билан белгиланади. Ихтиёрий диққат шахс фаолиятида намоён бўлади. Шу диққат тури борлиги туфайли киши хотирадан ўзи учун зарур маълумотларни фаол тарзда танлаб, ажратиб олиш, тўғри қарорларни танлаш, фаолият жараёнида пайдо бўладиган вазифаларни амалга оширишга лаёқатли бўлади. Диққатнинг хусусиятларига – кўчиши, барқарорлиги, тақсимланиши ва кўлами киради. Диққатнинг салбий жиҳати ҳам мавжуд. Бу паришонхотирликдир. Паришонхотирлик диққатни узоқ вақт давомида жадал бир нарсага қаратишга лаёқатсизликда, диққатнинг тез-тез ва осон бўлиниб туришида намоён бўлади. Бу эса ўқиш ва ишда сусайишга олиб келади. Шунинг учун ҳар бир талаба ўз таълим фаолияти самарадорлигини ошириши учун диққат хусусиятларини билиши билан бирга, уни бошқариш ва ривожлантириш омилларини топа олиши керак.

Топшириқлар!

Семинар машғулотларида муҳокама қилинадиган саволлар:

1. Профессионал билимдонлик нима?
2. Билиш жараёнларига нималар киради?
3. Идрок деб нимага аталади?
4. Идрок қандай қонуниятларга эга?
5. Хотира деб нимага аталади?
6. Хотиранинг мустаҳкам бўлиши қандай омилларга боғлиқ?
7. Хотиранинг саккиз қонуни қандай мазмунга эга?
8. Диққат деб нимага аталади?
9. Паришонхотирлик қандай жараён?
10. Мантиқий ва механик хотиранинг бир - биридан фарқи нимада?

Мустақил ишлар мавзулари:

1. Идрокнинг инсон хатти-ҳаракатлари билан алоқаси.
2. Идрок образларининг шаклланишига олиб келувчи омиллар.
3. Идрокнинг англанганлиги. Идрок ва тафаккур.
4. Хотирадаги индивидуал фарқлар.
5. Психологиядаги хотира назариялари.
6. Хотирани ўстирувчи психологик омиллар.

<u>Мустақил бажариладиган машқлар:</u>

1. Экспериментларнинг бирида бир гуруҳ ўқувчиларга бешта арифметик вазифани бажариш топшириғи берилди. Бошқа бир экспериментда шу ўқувчиларга топшириқ берилгач, 15 дақиқа ўтгач аналогик вазифани ўйлаб топиш вазифаси ҳам берилди. Эксперимент тугагач, иккала гуруҳдан ҳам берилган топшириқларни эсга тушириш сўралди. Қайси гуруҳ яхши эслаб қолади ва нима учун?

2. Ўтган материлни хотирада яхши сақлаб қолиш учун ўқитувчилар сизларга қандай маслаҳатлар беришган? Улардан ташқари сизнинг ўзингизнинг индивидуал эсда сақлаш ва эсга тушириш усулингиз борми?

3. Хотирангизни ўстириш учун қуйидаги машқни бажаринг:

Агар ёнингизда бирор ўртоғингиз бўлса, ундан қуйидаги сонлар қаторини бир хил темпда ўқиб беришини сўранг. Сиз унинг орқасидан овоз чиқариб, такрорланг. Агар ўзингиз мустақил бажармоқчи бўлсангиз, қаторларга бирин-кетин оқ қоғоз ёрдамида ўтиб, кейин хотирангизни текширинг. Эсингизда қолган сонларни қоғозга ёзинг ва нечта сонни, қайси қаторларни тўғрироқ эсда олиб қолганлигингизни аниқланг:

972
1406
39418
067285
3516927
58391204
764580129
2164089573
45382170369
870932614280

3.5. ДИҚҚАТ

ДИҚҚАТ – психик фаолиятнинг йўналтирилиши ва шахс учун аҳамиятли бўлган объект устида тўпланишдир. Йўналтирилиш деганда психик фаолиятнинг танловчилик характери, объектни ихтиёрий ёки беихтиёрий танлаш тушунилади. Ўқувчи мактабда ўқитувчининг тушунтиришларига қулоқ солаётганда эшитиш фаолиятини онгли равишда танлаб олган, ўз диққатини эшитиш фаолиятига онгли равишда қаратган бўлади. Ўқувчининг бирор бошқа нарсага чалғимасдан, ўқув материалининг мазмунига зеҳн қўйиб ўтиришида унинг диққатини йўналиши ифодаланади. Психик фаолиятнинг йўналтирилиши деганда фақат ана шу фаолиятни танлаш тушунилиб қолмай, балки ана шу танлаганини сақлаб қолиш ва қўллаб-қувватлаш ҳам тушунилади. Диққат психик фаолиятнинг йўналтирилиши билан бирга унинг тўпланишини тақозо қилади. Психик фаолиятнинг бир жойга тўпланиши – мазкур фаолиятга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган бошқа ҳамма нарсалардан диққатни чалғитиш демакдир.

Диққатнинг бир жойга тўпланиши деганда мазкур фаолиятга бутунлай берилиш, унга озми-кўпми эътибор бериш тушунилади. Диққат ҳар қандай фаолиятнинг муҳим шартидир. Диққатсиз ҳатто энг оддий ишларни ҳам бажариш мумкин эмас. Диққат меҳнатнинг барча жараёнларида, ижодий фаолиятда, ўқишда айниқса, катта аҳамиятга эга. К.Д. Ушинский “Диққат руҳий ҳаётимизнинг шундай ягона бир эшигидирки, онгингизга кирадиган нарсаларнинг барчаси шу эшик орқали киради”, – деб ёзган эди. И.П. Павловнинг ёзишича, диққатнинг нерв-физиологик механизмини ориентировка рефлекси ташкил этади. Буни Павлов “бу нима” рефлекси деб ҳам атаган эди. Бундан ташқари, диққат маълум нерв марказларининг қўзғалиши ва миядаги бошқа нерв марказларининг тормозланиши билан ҳам боғлиқдир. И.П. Павлов томонидан кашф этилган нерв жараёнларининг индукцияси қонуни диққатнинг физиологик асосларини тушуниб олиш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Мана шу қонунга мувофиқ бош мия пўстининг бир жойида пайдо бўлган қўзғалиш бош мия пўстининг бошқа жойларида тормозланишни юзага келтиради. Ва аксинча, бош мия пўстининг айрим бир жойида юзага келган тормозланиш бош мия пўстининг бошқа жойларида кучли қўзғалиш пайдо бўлишига олиб келади. Айни шу пайтнинг ҳар бир онида мия пўстида қўзғалиш учун оптимал, яъни ниҳоятда қулайлиги билан ҳарактерланувчи кучли қўзғалиш ўчоғи мавжуд бўлади. А.А. Ухтомский томонидан илгари сурилган ДОМИНАНТА принципи ҳам диққатнинг физиологик асосларини аниқлашда катта аҳамиятга эга. Шу доминанталик принципига мувофиқ мияда қўзғалишнинг ҳар доим устун турадиган ҳукмрон ўчоғи айни шу дамда мияга таъсир этиб, унда юзага келаётган ҳамма қўзғалишларни қандайдир равишда ўзига тортиб олади ва бунинг натижасида бошқа қўзғалишларга нисбатан унинг ҳукмронлиги янада ошади. Одатда доминанта субдоминантага, субдоминанта эса доминантага ўтиб туради. Бу эса диққатнинг бир нарсадан иккинчи нарсага кўчиб туришининг нерв физиологик механизмини ташкил этади. Кўриниб турибдики, Павлов билан Ухтомский таълимотлари бир-бирига қарама-қарши эмас, балки мазмун жиҳатдан ўхшашдир. Жиддий диққат, одатда ўзига характерли бўлган ташқи ифодалар билан боғлиқ бўлади, нарсани яхшилаб идрок қилишга қаратилган ҳаракатлар билан тикилиб қараш, диққат билан эшитиш, ортиқча ҳаракатларни тўхтатиш, нафас олишни секинлаштириш диққат учун характерли бўлган юз характерлари билан боғлиқ бўлади. Диққат уч турли бўлади: ихтиёрсиз диққат, ихтиёрий диққат, ихтиёрийдан кейинги ёки мувофиқлашган диққат. ИХТИЁРСИЗ диққат мақсадсиз, режасиз юз беради. Бундай ҳолларда фаолият мароқлилиги, қизиқарлилиги ёки кутилмаганда содир бўлиши билан ўзига жалб қилади. Одам ўзига таъсир қилаётган нарсалар, ҳодисалар, бажараётган фаолиятига беихтиёр берилиб кетади. ИХТИЁРИЙ диққат деб онгимизни аниқ мақсад ва идоравий куч ёрдамида керакли объектга йўналтиришга айтилади. Агар ихтиёрсиз диққатда иш ўзига шунчаки жалб қилиб олса, ихтиёрийда диққатимизни қаратиш учун ўз олдимизга онгли сурьатда мақсад қўямиз, қийинчиликларни енгиб, диққатни тўплаш учун курашиб, ҳар қандай бошқа

нарсаларга берилмаслик учун ирода кучини сарфлаб диққатимизни онгли равишда нарсага қаратамиз. Ихтиёрий диққатнинг характерли хусусияти мақсад кўзлаш, иродавий зўр беришда намоён бўлади. Ихтиёрий диққат ироданинг намоён бўлишидир. Қандайдир фаолият билан шуғулланишга қарор қилар эканмиз, диққатимизни ҳатто айни чоғда қизиқарли бўлмаган, лекин шуғулланишни лозим топган нарсаларга онгли сурьатда қаратамиз. Демак, ихтиёрий диққат ихтиёрсиз диққатдан сифат жиҳатдан фарқ қилади. Ихтиёрий диққат ихтиёрсиз диққатдан келиб чиққан. Одамда ихтиёрий диққат меҳнат жараёнида юзага келади. Чунки меҳнат мақсадга мувофиқ фазилатдир. Мақсад кўзлаш эса ўз таркибига диққатни йўналтиришни ҳам олади. Ижтимоий ҳаёт эҳтиёжлари одамда ўз диққатини меҳнат фаолияти учун муҳим аҳамиятга эга бўлмаган нарсаларга қаратмаслик ва меҳнат жараёни билан боғлиқ нарса устида тўплаш руҳида тарбиялайди. Ихтиёрий диққат ихтиёрсиз диққат каби одамнинг қизиқишлари билан мустаҳкам боғликдир. Лекин, агар ихтиёрсиз диққатда қизиқишлар бевосита бўлса, ихтиёрий диққатда бавосита характерга эга бўлади. Фаолиятнинг ўзи бизни қизиқтирмаслиги мумкин, аммо фаолиятни бажаришда юкланган вазифани ҳал қилиш учун зарур бўлгани туфайли ана шу мақсад нуқтаи назаридан фаолият биз учун қизиқарли бўлиб қолади. Ихтиёрий диққатдан ташқари диққатнинг яна бир турини қайд қилиб ўтиш лозим, бу диққат, ихтиёрий диққат каби мақсадга қаратилган бўлиб, лекин доимий иродавий зўр беришни талаб қилмайди. Масалан, ўқувчи уй топшириғини бажаришга киришганда дастлаб бу ишга ўзини мажбур қилади, атайлаб диққатни иш устига тўплайди, иродавий зўр беради. Лекин ишга киришиб олгач, энди иродавий зўр бериш пасаяди, диққат ўз-ўзидан иш устига тўпланади, ўқувчи эса ишни берилиб бажара бошлайди. Ана шу пайтда ўқувчининг диққати ихтиёрий диққатдан мувофиқлашган диққатга айланади. Диққат бир неча хусусиятга эга бўлади:

1. Диққатнинг кўлами.
2. Диққатнинг кучи ва барқарорлиги.
3. Диққатнинг бўлиниши.
4. Диққатнинг кўчиши.
5. Диққатнинг тебраниши.
6. Паришонлик.

Диққатнинг барқарорлиги деганда бирор фаолият устида узоқроқ вақт ушланиб туришини тушунамиз. Диққатнинг барқарорлиги унинг кучи билан чамбарчарс боғланган. Одатда, кучли диққат барқарор ҳам бўлади. Диққат тебраниш хусусиятига ҳам эгадир. Агар жуда кучсиз, зўрға эшитиладиган овозга қулоқ соладиган бўлсак, масалан, соатнинг чиқиллашига қулоқ солсак, диққатимиз жиддий қаратилган бўлишига қарамай, бу овоз гоҳ баланд, гоҳ паст эшитилади. Бир-бирига яқин бўлган ёруғлик фарқини ажратишда ҳам худди шундай ҳодиса юз беради. Диққатнинг бундай тебраниш даврлари ҳисоблаб чиқилган. Маълум бўлишича, диққатнинг тебраниш давомийлиги унча катта бўлмай, 1,5 секунддан 2,5 секундгача етади. Диққатнинг бўлиниши – психик фаолият айнан бир вақтнинг ўзида

диққат иккита ва ундан ортиқ нарсаларга қаратилади. Диққат ҳақиқатан ҳам бўлинадими? Бу соҳада кўплаб тажрибалар ўтказилган. Натижада, айрим тадқиқотчилар диққат бўлинади дейишса, бошқалари у бўлинмайди, аксинча бир фаолиятдан иккинчи фаолиятга тез кўчади, деган хулосага келган. Албатта, диққатнинг бўлиниши учун бажараётган ишларимиз маълум даражада автоматлашган бўлиши лозим. Масалан, рулга янги ўтирган шофёр тормозни босаман деб газни босиб юборади ёки машинани бошқаришга диққат қилган ҳолда йўлдаги чуқурликни кўрмай қолади. Диққат хусусиятларидан яна бири унинг кўчишидир. Диққатнинг кўчиши деганда унинг бир фаолиятдан иккинчи фаолиятга тез ўтишини тушунамиз. Масалан, талабанинг диққати маъруза тинглашдан уни ёзишга, сўнг ёзганини тушунишга, яна маъруза тинглашга тез кўчиб туради. Диққатнинг кўчишини олимлар компликация деган асбоб билан ўлчайдилар. ПАРИШОНХОТИРЛИК – бу диққатнинг керак бўлганида бошқа объектга тез кўчмаслигидир. Паришонхотирлик диққатнинг салбий хусусияти ҳисобланади. Уни икки хил маънода тушуниш мумкин: бири керак бўлганида диққатнинг кўчмаслиги бўлса, иккинчиси, аксинча, унинг бир фаолият устида тўхтаб турмасдан чалғиб кетаверишидир. Биринчи хил паришонхотирлик кўпроқ ёзувчилар, олимларда учрайди. Масалан, ёзувчи фикрга астойдил берилганлиги сабабли атрофидаги нарсаларни, ҳатто ёнидаги кишининг мурожаат қилаётганини ҳам сезмайди. Иккинчи хил паришонхотирликда одам бирор нарса устида диққатини узоқ тўплай олмайди, бир нарсадан иккинчи нарсага, бир ҳодисадан иккинчи ҳодисага тез ўтиб туради. Бу ҳолат ёш болаларда тез-тез учраб туради, яъни улар айтилган гапни тез унутиб қўядилар. Диққатнинг салбий хусусиятларидан яна бири унинг чалғишидир. Диққатнинг чалғиши деганда унинг асосий фаолиятдан иккинчи даражали нарсаларга ўтиб кетавериши тушунилади. Масалан, синфда ўтирган ўқувчи диққатини қўлидан тушиб кетган қалам товуши ҳам, дераза орқасида эшитилаётган одам товуши ҳам чалғитиши мумкин. Диққатнинг хусуситяларига унинг кўламини ҳам қўшиш мумкин. Диққат кўлами жиҳатдан тор ва кенг бўлиши мумкин. Буни биз тахистоскоп деган асбобда ўлчаб билишимиз мумкин. Диққат боланинг биринчи ёшиданоқ тараққий эта бошлайди. Дастлаб ихтиёрсиз диққат намоён бўлади. Чунки бола рангдор нарсалар, шақилдоқ овозига диққат қилади. Ихтиёрсиз диққатнинг ўсиши эҳтиёж ва қизиқишлар билан боғлиқдир. Лекин инсон фаолиятининг асосий қисми ихтиёрий диққат асосида амалга оширилади. Ихтиёрий диққат эса болада икки ёшлардан бошлаб кўрина бошлайди. Унинг шаклланишида катталарнинг роли беқиёсдир. Масалан, улар болага «буёққа қара», «гапимни эшит», «мусиқага қулоқ сол» деб гапирадилар. Диққат катталар томонидан мана шундай йўллар билан ўстириб борилади. 3-5 ёшлардан бошлаб эса диққат боланинг ўз ташаббуси билан ўса бошлайди. Боғча ёшидаги болаларда ихтиёрий диққатнинг ўсишида ўйин катта аҳамиятга эгадир. Чунки ўйин қоидалари ва босқичларини билиб олиш учун бола унга ихтиёрий диққат билан разм солиб туриши лозим. Бундан ташқари, уйдаги баъзи бир ишларга

қатнаштириш, ўз-ўзига хизмат қилиш кабилар ҳам ихтиёрий диққатнинг ўсишига ёрдам беради. Мактаб ёшидан бошлаб эса ихтиёрий диққат жуда тез ўса бошлайди. Таълим жараёнида – дарсни эшитиш, китоб ўқиш, масалаларни ечишда ихтиёрий диққат талаб қилинади. Бундан ташқари, ўқиш ихтиёрий диққатни ўстириб қолмасдан, балки унинг кучи, барқарорлиги ўсишига ҳам ёрдам беради. Ирода диққатнинг барқарорлиги ва кучини сақлаб турувчи асосий фактордир. Шунинг учун диққатга доир бу сифатларнинг кейинги тараққиёти ҳам ирода тараққиёти билан боғликдир.

3.5 §. ХАЁЛ

Жаҳон психологиясида хаёл инсон ижодий фаолиятининг таркибий қисми сифатида талқин қилинади, у тизимий хусусиятли хатти-ҳаракатнинг оралиқ ва якуний маҳсуллари орқали акс этади, муаммоли вазиятда ноаниқлик, номаълумлик аломатлари вужудга келса, у ҳолда фаолият режасини қайта кўриб чиқишни таъминлаш имкониятига эга.

Хаёлнинг асосий вазифаси амалий фаолият бошланмасдан туриб, унинг маҳсулини олдиндан тасаввур қилиш ва уларни тимсоллар тариқасида вужудга келтиришдан иборатдир. Хаёл бошқа билиш жараёнлари билан узвий алоқада бўлиб, уларни акс эттириш имкониятининг тўлароқ рўёбга чиқишига ёрдам беради. Айниқса, у тафаккур билан бевосита алоқада бўлади, худди шу боисдан уларнинг ҳар иккаласида ҳам башорат қилиш, олдиндан пайқаш, сезиш, истиқбол режасини тузиш имконияти мавжуд. Улар ўртасида бир қатор ўхшашликлар ва айрим фарқлар мавжуд, яъни:

- ✓ хаёл тафаккур сингари муаммоли вазиятда, масала ва топшириқлар ечиш жараёнида туғилади;
- ✓ янги ечим, усул, восита қидиришда ва уларни саралашда умумийлик мавжуд;
- ✓ хаёлнинг ҳам, тафаккурнинг ҳам пайдо бўлиши шахснинг эҳтиёжларига бевосита боғлиқ;
- ✓ эҳтиёжларни қондиришнинг дастлаб хаёлий образлари яратилади, унинг натижасида вазиятни ёркин тасаввур қилиш имкони туғилади;
- ✓ хаёлда олдиндан акс эттириш жонли тасаввурлар, яққол тимсоллар шаклида вужудга келса, тафаккурда улар умумлашмалар, тушунчалар, билвоситалик хусусияти орқали рўёбга чиқади. Хаёл жараёни тафаккурдан фарқли ўлароқ, муаммоли вазиятнинг маълумотлари қанчалик ноаниқ бўлса, шунчалик тасаввур образлари яралиши учун қулай имконият туғилади, унинг механизмлари тезкорликда ишга тушади.

Хаёл турлари. Инсон қуйидаги ҳолатларда хаёлот оламига кириб бориши мумкин:

1) инсон ҳеч қандай йўл билан ҳал қилиб бўлмайдиган масалалар, муаммолар исканжасидан беркиниш мақсадида;

2) турмушнинг оғир шароитлари, заҳматларидан ҳимояланиш ниятида;

3) шахсий нуқсонларнинг таркибидан;

4) ушалмаган армондан;

5) патологик ҳолатга (руҳий нуқсонга) учраганда; алкоголизм, наркомания ва бошқа вазиятларда.

Хаёлот (фантазия) турмушда гавдаланиши мумкин бўлмаган, амалга ошириш имконияти йўқ хатти-ҳаракатлар дастурини намоён этиб, у ***пассив (суст)*** хаёл деб номланади. Хаёлнинг бундан ташқари ***актив (фаол), ихтиёрий, ихтиёрсиз, қайта тикловчи ва ижодий*** турлари ҳам мавжуд.

Инсонда пассив хаёлни олдиндан ихтиёрий режалаштириб, ирода билан ҳеч бир боғлиқ бўлмаган, жўрттага «кашф» қилинган, бироқ ҳаётда гавдалантиришга йўналтирилган образлари мажмуаси ***«ширин хаёл»*** дейилади. Одатда «ширин хаёл»да фантазиянинг маҳсуллари билан инсоннинг эҳтиёжлари ўртасидаги алоқа енгиллик билан юзага келганлиги туфайли қувончли, ёқимли, қизиқарли нарсалар ҳақида одамлар хаёл сурадилар. Инсон қанчалик ширин хаёлга берилса, у шунчалик даражада пассив шахс саналиб, бу унинг нуқсони ҳисобланади. Гоҳо пассив хаёл ихтиёрсиз равишда вужудга келиши ҳам мумкин, бунда қуйидаги ҳолат юз беради:

А) онг назоратининг кучсизланиши,

Б) иккинчи сигналлар тизимининг сусайиши,

В) инсоннинг вақтинча ҳаракатсизланиши,

Г) уйқусираш кезида,
Д) аффектив вазиятда,
Е) туш кўришда,
Ё) галлюцинацияда,

Ж) патологик ҳолатларда ва ҳоказо.

Пассив хаёл ихтиёрий ва ихтиёрсиз турларга ажратилганидек, актив хаёл қайта тикловчи ва ижодий кўринишларга бўлинади.

Ўзининг моҳияти билан тасаввурларга мувофиқ келадиган тасвирлар тизимини яратувчи хаёл ***«қайта тикловчи хаёл»*** деб аталиб, у табиатга, жамиятга ва шахслараро муносабатга, билимларга оид маълумотлар ўрганилишида бевосита иштирок этади ҳамда матнлар, расмлар, хариталарда акс эттирилган нарсалар қайта тикланади. Диққат билан, синчковлик билан қараш, тикилиш жараёнида мазкур хаёл тури ривожланади.

Ижодий хаёл тикловчи хаёлдан фарқли ўлароқ оригинал ва қимматли моддий, ижодий маҳсулотларда гавдаланувчи янги образларнинг яратилишидан иборат хаёл туридир.

Хаёлнинг хусусиятлари. Хаёлнинг ижодиёт ва шахс муносабатини *яхлит ҳолда талқин қилиш хусусияти* мавжуд бўлиб, ижодиёт шахснинг ички имкониятлари ва захиралари рўёбга чиқишининг асосий шартларидан биридир.

Шу боис, шахс ўзининг ижодий фаолияти билан, биринчидан, инсоннинг яратувчилик қудратини амалиётда намойиш қилса, иккинчидан, у ижодиёт таъсирида янги фазилатларни эгаллайди, нафосат, бадиий ижод, техник қобилият, кашфиёт, ижтимоий муаммоларни интеграция қилиш ёки мавжуд умумий қонуниятлардан келиб чиқиб, уни дифференциаллаштиради. Учинчидан, жаҳон фанига ўз улушини қўшади ва цивилизацияга ўз таъсирини ўтказади, ижтимоий тараққиёт ҳаракатлантирувчисига айланади. Ижодиёт давомида шахс мотивацияси, эмоционал, иродавий барқарорлиги, характерининг мустаҳкамлиги ва бошқа индивидуал-типологик хусусиятларидаги етуклик ижодиёт маҳсули, унинг самарадорлиги, сифатига муносиб равишда ижобий таъсир ўтказади. Хаёлнинг *аналитик хусусияти* унинг мазмуни, моҳияти, предметини, асосан тубдан янги маҳсуллар, янгича образлар, тимсоллар, тасвирлар яратилишидан, атроф-муҳитнинг ифодаси, янги безакли, жилоли эканлигини қайд қилишдан иборатлигини тан олишдир.

Хаёл *синтетик хусусиятга* ҳам эга бўлиб, у ушбу феноменлар орқали ифодаланади:

агглютинация *(лот. «agglutinare» - ёпиштирмоқ, елимламоқ)* муайян тасаввурларни бир-бирига қўшиб ёки улардан фойдаланиб, нарса ва ҳодисаларнинг янги образларини яратишдан иборат хаёл феномени;

гиперболизация *(юнон. «huperbole» - бўрттириш, кучайтириш)*;

схематизация образ ва шаклни вужудга келтириш демакдир;

типизация *(юнон. «tupos» - из, чизиқ)* ёки типиклантириш – ўхшатма муайян нарсаларга нисбатан қиёслаш орқали муҳим ва номуҳим томонларидан умумийликни танлаб олиш кабилар.

Хаёл мия катта ярим шарлари пўстининг функцияси ҳисобланишига қарамасдан, унинг физиологик механизмлари миянинг бошқа қисмлари билан боғлиқ эканлиги тўғрисида фараз қилишга имкон туғдиради. Миянинг мана шундай чуқурроқ қисмлари гипоталам-лимбик (бу қисм юксак марказлар мажмуасидан иборат бўлиб, ҳар хил функциялар мослашувини таъминлаб туради) *(лот. «limbus» - чегара, чет, ҳошия; юнон. «thalamus» - тепалик)* тизими фантазия образларининг шаклланиши билан уларни фаолият жараёнларига қўшилишда мия ярим шарлари пўсти билан бирга қатнашади. Тизимнинг пўстлоқ билан пўстлоқости қисмлари боғланиши туфайли гипоталамус мия стволининг ярим шарлар билан туташувида «лимб» (чегара) ҳосил бўлади.

Психологияда қўрқинч ҳолати (*юнон.* «*phobos*» - *қўрқув)* ***фобия*** деб номланади. *Фобия* муайян шароитлар ва вазиятларда шахсда вужудга келадиган кучли асосга эга бўлмаган қўрқинч ва ташвишланишдан иборат,

инсон томонидан енгиш имконияти йўқ муттасил психопатологик ҳолат. Мазкур патологик ҳолатнинг баъзи бирлари ҳақида маълумот беришга ҳаракат қиламиз:

1) агарафобия –гавжум майдонлардан, шоҳ кўчалардан ўтишга қўрқиши;

2) каустрофобия –эшигини қулфлаб ёлғиз ўтиришдан қўрқиши;

3) монофобия - ёлғиз қолишдан қўрқиши;

4) атропофобия –кўпчилик давраси, халойиқдан қўрқиши;

5) назофобия –касал бўлиб қолишдан қўрқиши;

6) эйротрофобия –кўпчилик даврасида изза бўлишдан, ўзини йўқотиб қўйишдан қўрқиши;

7) дидактофобия – ўқувчи ёки талабанинг ўқитувчидан қўрқиши;

8) ятрофобия– беморнинг шифокордан қўрқиши ва ҳоказо.

Хаёлнинг асосий турлари ва уларнинг қисқа таърифлари. Хаёл жараёнлари хотира жараёнлари сингари эркинлик даражасига ёки мақсадга мувофиқ фарқланиши мумкин. Тасаввурнинг фаолияти ярим ухлаганда, алаҳсираётган ҳолатда, масалан, ухлаётганда номустақил ҳисобланади. Хаёлнинг асосий турлари ва уларга таъриф ихтиёрий тасаввур инсон учун катта аҳамиятга эга. Тасаввурнинг бу тури, инсон олдида биров томондан келтирилган, ёки инсоннинг ўзи белгилаган аниқ образ яратиш вазифаси турганида пайдо бўлади. Бундай ҳолатларда, тасаввур жараёни инсоннинг ўзи томонидан назорат қилиниб яратилади. Ихтиёрий тасаввурнинг турлари ва формалари ичида яратувчи тасаввур, ишлаб чиқарувчи (ижодий) тасаввур ва орзуни ажратиш лозим. Яратувчи тасаввурда инсон объектини иложи борича унинг тасаввурига мос қилиб яратишга ҳаракат қилгандай бўлади. Бу тасаввур турига инсон, географик жойлар, тарихий ҳодисалар ва адабий қаҳрамонлар ҳақида ўқиганда дуч келинади. Шуни айтиб ўтиш лозимки, яратувчи тасаввур нафақат кўриш тасаввурини шакллантиради, балки сезиш ва эшитиш ҳамда бошқа тасаввурларини ҳам оширади. А.С. Пушкиннинг “Полтава Жанги”ни ўқиганимизда уруш қуролларининг отилиши, аскарларнинг қичқириши, милтиқ ўқининг ҳиди, барабанлар жарангини аниқ тасаввур қила оламиз. Кўп ҳолатларда яратувчи тасаввур билан, сўзлар орқали тасвирланганда, тасаввурни яратиш учун тўқнаш келамиз. Бироқ, шундай ҳолатлар борки, инсон сўзсиз бирор предметни тасаввурида образ яратишнинг муваффақияти, инсоннинг фазовий тасаввури қобилиятларида аниқланади. Яъни, инсоннинг образли ҳажмини жойда ярата олади. Яратувчи тасаввурнинг жараёни инсоннинг фикрлаш ва хотираси билан чамбарчас боғлиқдир.

Ихтиёрий тасаввурнинг кейинги тури – ишлаб чиқарувчи ижодий тасаввурдир. Унинг таърифи шундаки, инсон тасаввурини ўзгартиради ва янгисини пайдо қилади. Берилган намуна бўйича эмас, балки мустақил равишда яратилаётган образнинг чизмалари ҳамда керакли материалларни

танлаган ҳолатда пайдо қилади. Ишлаб чиқарувчи тасаввур яратувчи тасаввур каби хотира билан чамбарчас боғлиқ, чунки уни пайдо қилишда инсон ўзининг тажрибасини ишлатади. Тасаввурнинг бу икки тури ўртасида аниқ чегаралар йуқ. Яратилувчи тасаввурда томошабин, китобхон ёки эшитувчи ўзининг ижодий тасаввурини ишлатган ҳолда образини тўлдиришга ҳаракат қилади. Хаёлнинг алоҳида бир шакли орзу бўлади. Ушбу шаклнинг асл маъноси – мустақил равишда хаёлан янги қиёфа яратишдир. Лекин орзу ижодий тасаввурдан бир неча фарқлар билан ажратилади. Биринчидан, орзуда одам доимо ўзи истаган қиёфани ярата олади, ижодда эса илғор ғояларни гавдалантириб кўрсатиш ҳар доим ҳам яратувчининг хоҳишига бўйсунмайди. Орзуда одам ўзининг хоҳиши ва интилаётган нарсаларини жойлаштиришга эга бўлади. Иккинчидан, орзу ижодий фаолиятни ўз ичига олмаган жараён бўлади, яъни тез ва бевосита объектив маҳсулотнинг ижодий асаридир. Орзунинг асосий фазилати шуки, у фақат келажакка йўналган бўлади, яъни орзу – бу келажакда истаган нарсамизга йўналтирилган тасаввур. Бунинг бир неча турларини фарқлаш лозим. Кўплаб одам ўз режаларини келажакка муносабати ва орзуларини руёбга чиқариш йўллари орқали аниқлайди. Бу ҳолатда орзу фаол, ихтиёрий ва онгли жараён деб аталади. Аммо шундай одамлар борки, улар учун орзу фақат ҳаракатнинг ўринбосаридир. Буларда орзу шунчаки орзулигича қолади. Бунинг сабабларидан бири улар доимо муваффақиятсизликка учрашидир. Оқибатда бир неча омадсизликдан кейин одам ўз режаларини амалиётда бажаришдан бош тортади ва орзуларга берилиб кетади. Агар ихтиёрий ёки фаол тасаввур олдиндан белгиланган бўлса, яъни одамнинг иродавий тарафлари билан боғлиқ бўлса, у ҳолда тасавурнинг пассив томони олдиндан белгиланган ва белгиланмаган бўлиши мумкин. Олдиндан белгиланган пассив тасаввур ўз хоҳиши билан боғланмаган образларни яратади. Бу образлар орзу номини олган. Бунда одамнинг тасаввур ва эҳтиёжлари орасида ёрқин алоқа пайдо бўлади. Ушбу ҳолатда одамнинг у учун муҳим пайтда нима орзу қилаётганини пайқаб олиши жудаям осон. Одамлар учун ёқимли ва жалб этадиган нарсалар ҳақида ўйлашдир. Лекин орзу ҳаракатнинг ўрнини босишни бошласа, бу психологик бузилиш ҳисобланади. Одамнинг психологик жараёнида орзунинг устунлиги унинг ҳақиқатдан узоқлашишига олиб келади ва ўзи ўйлаб чиққан дунёга олиб кетади, бу ҳолатлар эса одамнинг психологик ва социал ривожланишига тўсиқ бўлади. Беғараз қилинган пассив тасаввур онгнинг заифлашган фаолиятида кузатилади. Пассив тасаввурнинг энг катта кўрсаткичи бу – галлюцинация ҳолатидир, бунда одам йўқ нарсаларни кўради, эшитади ва сезади. Галлюцинация психологик тарафдан заифлашган одамларда кузатилади.

Тасаввурнинг қайта ишлаб чиқиш механизмлари. Тасаввур жараёнида пайдо бўлаётган образлар йўқ жойдан пайдо бўла олмайди. Улар орттирилган тажриба, нарса ва объектив ҳаёт ҳақидаги тасаввурлар асосида шаклланади. Инсон томонидан пайдо қилинадиган, таассуротлар ва ҳақиқий хаёл ҳақидаги тасаввурлар ҳар хил шаклда ўтиши мумкин. Образ пайдо

қилувчи тасаввур икки хил даражада ўтади, биринчи босқичда таассуротлар ва тасаввурни асосий қисмларга бўлиш киради. Бошқача айтганда, биринчи босқичда инсон хаёлдан олган таассуротларини шакллантириб таҳлил қилади. Бу таҳлил давомида объектни абстрактлаш, яъни у бошқа объектлардан узоқлашиб, унинг қисмлари ҳам мавҳумлашади. Бу образлар билан кейинчалик бошқа иккита тур пайдо қилинади. Биринчидан, бу образлар янги алоқа ва бирлашувларга ўрнатилади. Иккинчидан бу образларга янги маъно берилиши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам мавҳумлашган объектлар устида операция ўтказилади, уларга “синтез” деб таъриф берилади. Бу операциялар образ шакллантирувчи даража бўлиб тасаввур фаолиятини синтезловчи маънони ташкил қилади. Шунингдек, тасаввур фаолиятини синтезлаш жуда кўп қирралидир. Тасаввур жараёнидаги синтезлашнинг энг оддий шакли бу агглютинация, яъни бир объектдан иккинчи объектга унинг хусусиятлари ва қисмларини тасаввур орқали қўшиб янги образ пайдо қилишдир. Агглютинацияга қуйидагиларни мисол қилиб келтириш мумкин: кентавр шимолий америкадаги ҳиндуларнинг чизмаларидаги қанотли одамлар. Қадимги Египет худолар образи (Думли одам ҳайвонлар ва ҳоказо.) Агглютинация асосида ётган жараён турли хил. Одатда, уларни иккита асосий гуруҳга бўлиш мумкин: қабул қилаётганда танқид ва таҳлилнинг етишмаслиги ва ихтиёрий жараён, яъни онг томонидан назорат қилинадиган фикрлашнинг умумлашуви билан боғлиқдир. Кентавр образи, чавандоз отини катта тезликда чоптириб кетаётган вақтида кўзга ушбу шаклнинг аниқ равишда кўринмаганлиги сабабли ноаниқ мавжудот кўринишида қабул қилинади деб тахмин қилинса, қанотли одам образини ясашга инсон ақлининг идрокан тушуниб, уни ҳавода осон ва тез ҳаракатланишига аҳамият берган. Образни қайта ташкил қилишнинг кенг тарқалган услуби, бу объектни ва унинг қисмларини катталаштириш ёки кичрайтириш ҳисобланади. Ушбу йўл билан турли эртак қахрамонлари яратилади. Агглютинацияни яратилиш, янги контекстга аниқ бўлган образни киритиш услуби билан амалга оширилиши мумкин. Бундай ҳолатда тасаввурлар ўртасида алоқа ўрнатилади ва алоқа ёрдамида образнинг барча яратилган қисмлари янги моҳиятга эга бўлади. Одатда, тасаввурда янги контекст яратилишида бирор фикр ёки мақсад туртки бўлади. Ушбу жараён ҳар томонлама назорат қилинади, албатта, агар у туш бўлмаса, уйқу вақтида инсоннинг идроки назоратга бўйсунмайди. Аниқ образ янги контекстга киритилаётганда, инсон иккита: тасаввурлар ва контекст ўртасидаги мутаносибликка эришади. Шу сабабдан, бутун жараён бошиданоқ аниқ тушунилган алоқага бўйсунади. Тасаввурни қайта ишлаб образ яратиш ва уларнинг жиддий аломатларини умумлаштириш схематизациядир. Схематизация турли шароитда жой эгаллаши мумкин. Бу ҳолатда тасаввур тасодифан схематизацияланиши мумкин ва унда иккинчи даражали қисмлар ажратилади, улар тасодифан предметни қабул қилаётганда пайдо бўлади. Натижада қабул қилишда хатолик рўй беради, бу хатолик реал хаёлдаги образни онгга нотўғри акс эттиради. Бундай ҳодисалар кўп ҳолатларда болаларда учрайди. Иккинчидан, объектни етарли

тўлиқ қабул қилиш вақтида рўй берадиган схематизацияга унинг иккинчи даражали бўлак ва қисмларини ёддан чиқариш сабаб бўлади. Бундай вақтларда тасаввур учун асосий бўлак ва қисмлар биринчи ўринга ўтади. Шу сабабли тасаввур ўзига хослигини йўқотиб, умумлашиб боради. Учинчидан, схематизациянинг сабаби объектнинг иккинчи даражали қисм ва бўлаклардан идрокан алаҳсиб кетиши бўлади. Инсон била туриб ўз эътиборини унинг фикри бўйича объектнинг асосий ҳисобловчи қисмларига қаратади ва натижада тасаввурни аниқ бир схемага олиб келади. Урғу бериш, объектни керакли, асосий ва аниқ ишораларини кўрсатиб ўтишни ўзида ташкил этади. Кўп ҳолатларда бу усул бадиий образларни яратишда қўлланилади. Ушбу қабул қилиш образини тасаввур образига қайта ишлашнинг асосий хусусияти ундаги реал ҳаётни акс эттиради, уни типларга бўлиб, кенг умумлаштириб беради ва ушбу умумлашув доим аниқ бир образда акс этади. Шу билан бир қаторда, тасаввурларни қайта таҳлил қилиш, типик образни яратишда механик йўналиш ёки ҳисоб-китоб билан барпо қилинмайди. Ушбу образни яратиш жараёни ўзида мураккаб ижодий жараённи ташкил этади ва инсоннинг ўзига хос образ яратувчи аниқ фазилатларини акс эттиради. Тасаввурнинг индивидуал хусусиятлари ва унинг ривожланиши. Тасаввур турлари: Тушлар – пассив тасаввур, уларнинг роли (аҳамияти) ҳали белгиланмаган, бироқ бунда кўп ҳаётий эҳтиёжлар бирор сабабларга кўра реал ҳаётда амалга ошмаган. Галлюцинациялар – воқелик билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган фантастик кўринишлар. Бу ақл ва тана фаолиятининг бузилиши натижаси бўлиб, касаллик ҳолатлари билан кузатилади. Хаёл суриш – бу оддий руҳий ҳолат, фантастик шаклда бўлиб, кўпинча идеал келажак билан боғлиқ бўлади. Орзу ҳаммасидан ҳам реалистик ва воқелик билан боғлиқ бўлади (асосан амалга ошади). Тассавурнинг воқеликлиги шахснинг умумий йўналиши билан боғлиқ бўлади. Тассавурнинг турлари: актив тасаввур бундан фойдаланиб инсон ўз иродасини янада мустаҳкамлайди ва ўз истаги билан хоҳишидаги образларни чақира олади. Пассив тасаввур – образлар ўз-ўзидан пайдо бўлади, инсоннинг хоҳиши билан боғлиқ бўлмайди. Унумдор тасаввур – воқелик механик нусхалаштирилмайди, балки воқелик инсон онги билан кўрилади. Репродуктив тасаввур – реал ҳолатни юзага келтириш масаласи қўйилади. Бу тасаввурда фантастик элементлари бўлгани билан бу ҳолат асосан идрок ва хотирага тегишли.

Тасаввур функциялари:

- воқеликни ижодий тассавур қилиш;
- ҳиссий ҳолатларни тартибга солиш;
- билим жараёнларини тартибга солиш;
- ички ҳаракатлар режасини шакллантириш.

Тасаввур образини яратиш йўллари

- Агглютинация – образларнинг қисмлари, сифатлари ва хусусиятларини бирлаштириш.
- Урғу бериш – бирор бутунликнинг қисмларига алоҳида урғу бериш.

• Типлаш – бу мураккаблашган услубдир. Рассом аниқ эпизодни яратади. Шу билан бирга, уни ўзига сингдиради ва унинг воқелигига айланади. Адабий образ ҳам шундай яралади, бу образларда ҳар ҳил даврларнинг турли табақалари ва уларнинг табиатларига аҳамият берилади. Энг чамбарчас боғлиқлик тасаввур ва фикрлаш орасида бўлади;

• Тўхтовсиз қабул қилиш чегараларидан ортиқча фикрларни ажратади;

• Келажак ҳақида ҳайратланишни уйғотади;

• Аввал бўлиб ўтган нарсаларни жонлантиради. Сўз идрокнинг вақтинчалик, янги алоқаларида асосий жой эгаллайди. Тасаввур сезиларлича тушуниш жараёнини чуқурлаштиради ва кенгайтиради. У дунёни яхшилашда катта аҳамият эгаллайди. Тасаввур бу ижодий жараённинг асосий қисми ҳисобланади. Кўп одамлар тасаввур ёрқинлиги даражаси билан фарқ қиладилар. Агар биз бунга тегишли шкала бор деб фараз қилсак, бир қутбда тасаввур ёрқинлиги жуда юқори бўлган одамлар ва бошқа қутбда тасаввур ёрқинлиги жуда хира одамлар бўлади. Одатда, тасаввур ривожланишининг юқори даражаси ижодий меҳнат қиладиган одамлар: ёзувчилар, рассомлар, мусиқачилар ва олимларда кузатилади. Одамлар ўртасидаги муҳим фарқлар хаёл доминант тури табиати билан боғлиқ бўлади. Эшитиш, кўриш, моторика, тасвирлаштириш тасаввури кучли бўлган инсонлар кўп учрайдилар. Бироқ, тасаввурнинг барча турлари ривожланган одамлар ҳам бор. Бу одамлар аралаш тур деб аталмиш турига боғлиқ бўлиши мумкин. Тасаввур бир турга мансуб жуда кўп инсонларнинг индивидуал-психологик хусусиятларини акс эттиради. Мисол учун, одамлар эшитув ёки моторика туридан бўлса, улар вазиятни жуда чуқурлаштиришади ёки рақибни тасаввур қилишади. Таъкидлаш лозимки, инсон ривожланган тасаввур билан дунёга келмайди. Инсон тасаввури онтогенез давомида ривожланади ва биринчи ўринда, аввал йиғилган тасаввурларнинг захирасини талаб қилади, кейинчалик образлар яратиш учун ашё бўлади. Эслатиб ўтиш жоизки, инсон ривожланган тасаввур билан туғилмайди. Тасаввурнинг ривожланиши, биричи навбатда, инсон онтогенези жараёни ёрдамида амалга оширилади ва ўй-хаёл намойиши йиғиндиси талаб этилади. Шу билан бирга, тасаввур образларни яратиш учун муҳим омил ҳисобланади. Тасаввур кишининг ҳар томонлама ривожланиши билан зич боғлиқ бўлиб, у ўқув ва тарбия жараёнида тасаввур, хотира, ирода ва ҳиссиёт билан ривожланади. Тасаввур ривожланиш динамикасини ифодаловчи аниқ бир ёш чегарасини аниқлаш жуда қийиндир. Тасаввурнинг ўта эрта ривожланишига мисоллар мавжуд. Масалан, Моцарт мусиқа тўқишни тўрт ёшида бошлаган. Репин ва Серов олти ёшиданоқ яхши чизар эдилар. Шу билан бирга, кеч тасаввур ривожланиши келажакдаги ривожланишнинг паст даражада бўлишига таъсир этмайди. Тарихга назар соладиган бўлсак, буюк инсонлар, масалан, Энштейн тасаввури ривожлангани билан ажралмаган ва аксинча, уларни гений деб атаганлар. Инсон тасаввурининг ривожланиш этапини аниқлаш жуда қийин бўлса ҳам, унинг шаклланишида муайян қонуниятлар мавжуд.

Шундай қилиб, тасаввурнинг биринчи белгилари идрок жараёнига боғлиқдир. Мисол учун, бир ярим ёшда болалар энг оддий ҳикоя ёки эртакни ҳам эшита олишмайди, улар бошқа бирор нарсага чалғишади ёки ухлаб қолишади, бироқ ўз бошидан кечирган ҳикояларни роҳат билан тинглашади. Бу ҳодиса аниқ тасаввур ва идрок бир-бири билан боғлиқ эканлигини кўрсатади. Бола ўз бошидан кечирган воқеалар ҳақида диққат билан эшитади, чунки унинг тушунчасида бу воқеалар мавжуд. Идрок ва тасаввур ўртасидаги боғлиқлик кейинги даврда ҳам сақланиб қолади. Бола ўйнаётган вақтида аввал олинган таассуротларни янгидан ишлаб чиқаради, кўринишини ўзгартиради. Оддий стул самолёт бортига айланади, коробка – автомашинага. Айтиб ўтиш керакки, боланинг тасаввури, илк образлари унинг хатти-ҳаракатига боғлиқ бўлади. Бола орзу қилмайди, ўша фаолият – ўйинлигига қарамай, у образни қайтадан ишлаб чиқаради ва ўша образни ўз фаолиятида мужассам этади. Бола тасаввури ривожланишининг асосий босқичи боланинг нутқ ривожланиши даври билан боғлиқ. Нутқ болага нафақат муайян образлар, балки хаёлий нарсалар ва тушунчаларни тасаввур қилиш имкониятини беради. Бундан ташқари, нутқ болага оддий тасаввурий фаолиятдан нутқий фаолиятга ўтиш имконини беради. Ўз навбатида, нутқнинг ривожланиши билан бир қаторда, боланинг амалий тажрибаси ва эътибори ўсиб боради. Бунинг натижасида бола предмет қисмларини алоҳида предмет сифатида қабул қилади ва эслаб қолади. Бироқ, синтез реал ҳаётдаги ноаниқликлар билан содир бўлади. Етарлича ҳаётий тажриба ва танқидий қарашга эга эмаслиги натижасида бола образларни реал ҳаётдагидай тасаввур қила олмайди. Бу босқичнинг эътиборга молик жиҳати шундаки, бу пайтда боланинг тасаввурида ўзи билмаган ҳолда хаёлий образларнинг пайдо бўлишидир. Кўп ҳолларда бу образлар вазиятга боғлиқ равишда яралади. Тасаввурнинг кейинги ривожланиш босқичи унинг актив кўринишлари билан боғлиқ. Бу босқичда тасаввур жараёни ихтиёрий равишда амалга оширилади. Тасаввурнинг актив кўринишлари пайдо бўлиши катта ёшлиларнинг ташаббуси билан юзага келади. Масалан, катта одам боладан бирор иш қилишни сўраганда (дарахт чизишни, кубикчалардан уйча ясашни ва ҳоказо), у тасаввур жараёнини активлаштиради. Катта одамнинг илтимосини бажариш учун бола аввал тасаввурида маълум бир образ яратиши керак бўлади. Бунда тасаввур жараёни ихтиёрий ҳисобланади, чунки бола бу жараённи бошқаришга уринади. Кейинчалик бола ихтиёрий тасаввурни катталарнинг иштирокисиз амалга ошира бошлайди. Тасаввурнинг ривожланиши боланинг ўйинларида акс эта бошлайди. Улар маълум бир мақсад ва маънога эга бўлади. Эндиликда атрофдаги предметлар нафақат шунчаки предмет, балки боланинг тасаввурларини амалга ошириш учун объектга айланади. Бола 4-5 ёшдан бошлаб ўз фикрига кўра чизиш, кўриш ва нарсаларнинг жойини ўзгартириш амалларини бажаради. Тасаввурнинг ривожидаги бошқа бир муҳим босқич мактаб ёшида содир бўлади. Мактаб дарсликларини ўрганишга бўлган эҳтиёж боланинг тасаввур жараёнини фаоллаштиришини шарт қилиб қўяди. Мактабдаги билимларни ўзлаштириш учун бола ўзининг

тасаввурини максимал даражада ишга солади, бу эса унда тасаввурий образларнинг қайта ишлаш жараёни ўсишига олиб келади. Мактаб йилларидаги тасаввурлар тезлик билан ривожланишининг яна бир сабаби, ўқиш давомида бола жадаллик билан янги, турли хил объектлар ва ҳақиқий оламдаги ҳодисалар ҳақида тушунчалар ҳосил қила бошлайди. Бу тушунчалар тасаввур учун зарур бўлиб, мактаб ўқувчисини ижодий ғайрат билан рағбатлантириб туради.

3.6 §. ТАФАККУР ВА НУТҚ

Инсон идрок қилган, хотирасида сақлаб қолган нарсаларнинг барчаси унинг учун маълум маъно ва моҳиятга эга бўлади. Акс ҳолда у эслаб қолмайди ҳам, кейинги сафар аналогик объект билан тўқнаш келганда унга диққатини қаратмайди ҳам, фигура фонга айланиб қолаверади. Яъни, биз кўрган, эшитган, ҳис қилган нарсаларимизнинг барчаси ***маъноли***, керак бўлса, ***маънили*** бўлишини хоҳлаймиз. Шуниси характерлики, ана шундай нарса ва ҳодисаларга бериладиган маъно ҳар бир алоҳида шахс томонидан турлича идрок қилинади. Масалан, олим учун ҳар қандай китоб – ҳаёт мазмуни бўлса, дехқон учун ер ва ундан олинадиган ҳосил аҳамиятли ҳисобланади. Ҳаттоки, битта нарсанинг ўзи одамлар учун турли хил маъно ва мазмун касб этади. Ўша китоб мисолини оладиган бўлсак, китоб саноати билан шуғулланувчи муҳандис учун ишлаб чиқариш маҳсулоти, китоб дўкони сотувчиси учун товар – маҳсулот, ўқувчи учун – илм манбаи, муаллиф олим учун ижод меваси, энг қимматли нарсадир. Ҳар бир алоҳида нарсага бўлган муносабатимиз унинг биз учун қадр-қимматига бевосита таъсир этади, у гоҳ ижобий, гоҳ салбий бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан ҳам биз нарса ва ҳодисаларга танлаб муносабатда бўламиз. Тилшуносликни касб этиб танлаган талаба учун кибернетик моделлаштиришга бағишланган маъруза зерикарлидай туюлса, иқтисодчилик касбини эгалламоқчи бўлганлар учун пул, фойда ва даромад олиш йўллари ҳақидаги маълумотлар шунчалик аҳамиятли, оддий сўзнинг морфологик таҳлили шунчалик аҳамиятсиз ҳолатни келтириб чиқаради. Демак, дунёни, унинг сир-асрорларини тушунишимизнинг заминида нарса ва ҳодисаларнинг инсонлар учун шахсий алоқаси, аҳамиятлилиги даражаси ётади. Ана шундай дунёни тушуниш, англаш ва унга онгли муносабатни билдиришга алоқадор билиш жараёни психологияда ***тафаккур, фикрлаш*** деб аталади.

Тафаккур – инсон онгининг билиш объектлари ҳисобланмиш нарса ва ҳодисалар ўртасида мураккаб, ҳар томонлама алоқаларнинг бўлишини таъминловчи умумлашган ва мавҳумлашган акс эттириш шаклидир. Тафаккур муаммолари узоқ вақтгача ўзининг мураккаблиги билан психологлар назаридан четда бўлган, у асосан файласуфлар ва мантиқшунослар фикр юритадиган масала ҳисобланган. Психология илмининг асосчиси ҳисобланмиш немис олими Вильгельм Вундт ҳам психологияни иккига: физиологик психология (экспериментал йўл билан

билиш жараёнларини ўрганувчи фан) ва халқлар психологияси қисмларига ажратган. Халқлар психологиясининг таркибига нутқ ва тафаккур психологиясини ҳам киритган ва уни экспериментал тарзда ўрганиб бўлмайди, уларни тушунтириш мумкин холос, деб ҳисоблаган. Бу хулосалар аслида тафаккур ва фикрлаш жараёнларининг нақадар мураккаб табиатга эга эканлигидан далолат беради. Лекин шундай бўлса ҳам, шуни таъкидлаш жоизки, биринчидан, тафаккур ва фикрлаш жараёнлари – бу билиш жараёнлари;

иккинчидан, улар ҳам шахс томонидан борлиқни акс эттириш шакли, умумлаштириб, билвосита акс эттириш шакли;

учинчидан, бу жараёнлар ҳам экспериментал психология томонидан ўрганилади;

тўртинчидан, тафаккур билишнинг энг олий ва юқори даражадаги шаклидир.

Тафаккурнинг олийлиги ва мураккаблиги шундаки, у идрокдан фарқли, бевосита акс эттириш бўлмай, нарсалар ва уларнинг хоссаларини улар йўқ пайтда ҳам акс эттиришга имкон беради. Масалан, Африканинг субтропик ҳудудлари тўғрисида гап кетганда, умрида бирор марта Африкага бормаган одам ҳам субтропиклик хоссасини б и л г а н и учун ҳам ушбу ахборотни тушуниб, уни қабул қила олади. Синов пайтида талаба кеча ўқиган, лаборатория шароитида синаб кўрган қонуниятлар хусусида худди рўпарасида намоён бўлаётгандай, образли қилиб гапириб бериши, рўй берган ҳодисаларни яна формулалар ва статистик ҳисоб-китоблар воситасида исбот қилиб бериши ҳам мумкин. Бу операцияларнинг асосида тафаккур жараёнлари ётади.

Тафаккур қилишимизни таъминловчи орган – бу мия. Барча ҳисоб-китоб ишлари, энг элементар ҳаракатларни режалаштиришдан тортиб, мураккаб мавҳум теоремаларни исбот қилишга қаратилган операцияларгача мияда содир бўлади. Шунинг учун ҳам, жуда чарчаб турган пайтда одамдан бирор қийинроқ масала хусусида фикр билдиришини сўрасангиз, «ҳозир бошим оғриб турибди, жуда чарчаганман, бироз ўзимга келай, кейин фикрлашамиз», деб жавоб беради. Демак, мия фаолияти билан фикрлаш фаолияти ўзаро узвий боғлиқ экан. Миянинг фикрлаш қобилияти ва имкониятлари шунчалик салмоқлики, айрим олимларнинг фикрича, унинг ишлаш қонунлари ҳозир биз ишлатаётган компьютерлар эмас, яна 100-200 йиллардан кейин пайдо бўладиган мураккаб, ўта «ақлли» компьютерлар фаолиятига яқин экан.

Онгдаги барча уй-хаёллар – бу *фикрлардир.* Нормал инсонни фикрсиз тасаввур қилиб бўлмайди, ҳар он, ҳар дақиқада одам мияси қандайдир фикрлар билан банд бўлади. Уларни тартибга солиш, керагига диққатни қаратиш, ички ёки ташқи нутқ воситасида уни ечиш *фикрлаш* жараёнидир.

Фикрлаш жараёни аслида маълум бир масала, муаммо, жумбоқни ҳал қилиши керак бўлганда пайдо бўлади. Фикрлаш доимо бир нарса хусусида камида битта ечимни бериши шарт, акс ҳолда у бошқа жараён – хаёл, фантазияга айланиб кетиши мумкин. Фикр, ғоя, аниқ ечим бўлмаганда,

инсон миясининг борлиқдаги нарса ва ҳодисалар моҳиятини акс эттириши ***хаёл*** деб аталади. Шунинг учун ҳам дўстлар даврасида баъзан муаммо хусусида тортишув бўлиб қолганда, аниқ билими ёки ғояси йўқлиги туфайли хаёлига келган нарсани айтган болага қараб «Жуда олиб қочишга устасан-да, хаёлпараст», дейишади.

Шундай қилиб, муаммо ёки жумбоқлар фикрлашга мажбур этади. Масалан, шундай масалани олиб кўрайлик. Сизга михлар солинган бир картон қутича ва иккита шам, болғача берилган. Вазифа: эшикка шамни ўрнатиб, ёқиб қўйиш керак. Ким қандай ечади? Албатта, бирданига тўғри ечимга келиш қийин. Агар қутичани бўшатиш мумкинлиги ва уни шамдон сифатида эшикка қоқиш мумкинлиги тўғрисида фикр хаёлга келмагунча, ечимни топиш қийин. Айни шу масала икки хил шарт билан берилган: биттасида қутича михлар билан тўла дейилган, иккинчисида қутича бўш деб берилган. Иккинчи ҳолатда болалар унинг ечимига тезроқ келишган.

Психологларнинг фикрича, ҳар қандай масалани ечиш мобайнида одам унинг шартларини бир неча вариантларда тасаввур қилсагина ечимга келаркан. Агар идрок билан боғлайдиган бўлсак, фигура фонга, фон эса фигурага айланади, уларнинг ўринлари алмашади ва ҳоказо. Бундаги индивидуал фарқ шундаки, баъзи болалар ечимга тўғридан-тўғри фигура асосида келади, бошқалар эса бир неча ечимнинг вариантларини кўз олдига келтириб, сўнг бир қарорга келади. Кимдир жуда тез фикрлайди, кимдир жуда секин. Шунинг учун ҳам тест ечиш жараёнида ёнма-ён ўтирган икки бола бир хил ечимни белгилайди, лекин ўша ечимга келиш йўллари ҳар бирида ўзига хос бўлади. Айнан шу жараённинг қандай кечишини *тафаккур психологияси* ўрганади. Муаммонинг ечими баъзан бирдан, ёрқин юлдуздай ярқ этиб пайдо бўлади. Бундай психологик ҳолат психологияда ***инсайт – ойдинлашув*** деб аталади. Одам қачон ана шундай фикрларда тиниқлик, инсайт пайдо бўлганини ўзи ҳам билмайди. Энг иқтидорли, зукко олимлар ҳам ўз фикр юритиш қонуниятларига эътибор бериб, янги ғоя қачон, қандай йўл билан пайдо бўлганига жавоб тополмаганлар. Ҳаттоки, баъзан шундай ҳам бўладики, янгилик кашф этган олим ўзининг фикри нақадар ноёб эканлигини ҳам англаш имкониятига эга бўлмайди, қолаверса, кашфиёт гўёки уники эмасдай, қаердан келиб қолганини ҳам тушунмайди. Шунинг учун ҳам кўплаб гениал кашфиётларнинг ҳақиқий қадр-қиммати муаллиф ўтиб кетгандан кейин тарих томонидан баҳоланади. Худди шундай қадрга эга бўлган кашфиётлар юртимизда яшаб ўтган юзлаб алломалар ижодига тааллуқли. Масалан, Ибн Сино, Алишер Навоий, Абу Наср Фаробий, Ал-Фарғоний, Хоразмий, Замаҳшарий каби алломалар ўзлари ижод қилган пайтларида яратган ғоялари ва кашфиётларининг қанчалик аҳамиятли ва ўлмас эканлигини кейинги авлод, бутун бир инсоният тарихи исбот қилиб, тан олди. Р. Декартнинг хаёлига аналитик геометрия ғояси келганда, ўзида йўқ хурсанд бўлган ва чўккалаб, йиғлаб шу фикрни унга ато этган Худога сажда қилган экан. Дарҳақиқат, миядаги тиниқлик, ойдинлашув, аввало, Оллоҳнинг иноятн, қолаверса, ўша фикр эгасининг машаққатли меҳнати, тинимсиз илмлар дунёсида тўккан заҳматли терлари

эвазига рўй беради. Умуман янгиликлар очиш, ижод қилишга алоқадор тафаккур тури унинг энг аҳамиятли ва шу билан бирга, энг қийин туридир. Чунки ижодкор ёки кашфиётчи ниманидир кашф қилишни хоҳлайди, тинимсиз изланади, лекин қачон, қандай шароитда, қандай йўл билан уни очиши мумкинлигини ўзи ҳам билмайди. Шу ўринда академик Кедровнинг Менделеев даврий жадвалини кашф қилганлиги хусусидаги эсдаликлари жуда ўринли. Олим узоқ вақт мобайнида барча кимёвий элементларни маълум қонуният асосида жадвалга туширишни ўйлаб юрган. «Миямга келяпти-ю, уни кўролмаяпман», деб ташвишланарди олим. Кунлардан бир кун у жуда толиқиб, ёзув столи устида ухлаб қолганда, тушида даврий жадвални «кўрган». Хурсанд бўлиб кетиб, уйғонган заҳоти моддаларни жадвалга жойлаштира бошлаган. Тушдаги иши билан ўнгидаги ишининг фарқи шу бўлганки, тушида енгил моддалар пастда жойлашган бўлган, Менделеев уларни ўнгида «тўғрилаб» чиққан. Бу ҳам ўша инсайтга бир мисол.

Инсоннинг фикрлаш жараёни таҳлил қилинганда, унинг қандай шаклларда кечиши аҳамиятли бўлиб, бу унинг турлари ва шунга кўра фикрлашдаги индивидуаллик масаласидир. Ҳаёт мобайнида ўқилганлар, маълум шарт-шароитларда конкрет далиллар ва назарий билимлар асосида мушоҳада қилган билим ва ғоялар асосида юритган фикрлаш жараёни ***назарий тафаккурдир***. Ундан фарқли ***амалий тафаккур*** бевосита ҳаётда ва ҳаракатлар мобайнида ҳосил бўлган фикрларга асосланадиган тафаккурдир.

5- жадвал

Тафаккур турлари

Шаклига кўра	Кўргазмали-ҳаракат Кўргазмали-образли Мантиқий
Кўриладиган масаланинг характерига кўра	Назарий амалий
ижодийлик элементига кўра	Конвергент дивергент
янгилиги ва ноёблигига кўра	Репродуктив продуктив (ижодий)

Кўргазмали - ҳаракат тафаккурининг хусусияти шундаки, у ҳам одамнинг реал предметлар билан иш қилаётган пайтдаги фикрлаш жараёнини назарда тутади. ***Кўргазмали - образли тафаккур*** эса кўрган-кечирган нарсалар ва ҳодисаларнинг конкрет образлари кўз олдида гавдаланган чоғда уларнинг моҳиятини умумлаштириб, бевосита акс эттиришдир. ***Мантиқий тафаккур*** – бу мавҳум тафаккур бўлиб, сўзлар, сўзда ифодаланган билим, ғоя ва тушунчаларга таянган ҳолда бевосита идрок доирасида бўлмаган нарсалар юзасидан чиқарилган ҳукмлар, мулоҳазалар мисол бўла олади. Масалан, олам, унинг ноёб ва мураккаб ҳодисаларини фалсафий ўрганиш фақат мавҳум, абстракт тафаккур ёрдамида мумкин бўлади.

Фикрлашнинг яна бир тури ***репродуктив*** бўлиб, унинг моҳияти – кўрган-билган нарсани айнан қандай бўлса, шундайлигича, ўзгаришсиз қайтариш ва шу асосда фикрлашга асосланади. Ундан фарқли ***продуктив ёки ижодий тафаккур*** – фикрлаш элементларига янгилик, ноёблик, қайтарилмаслик қўшилгандаги тафаккурни назарда тутади. Шунга боғлиқ бўлган ***конвергент*** фикрлаш масаланинг ечими фақат битта бўлгандаги фикрлашни назарда тутса, ***дивергент тафаккур*** – фикрнинг шундай турики, у шахсга бир муаммо ёки масала юзасидан бирданига бир нечта ечимлар пайдо бўлишини тақозо этади. Айнан ана шундай ижодий тафаккур дивергент шаклда бўлса, у ижодий парвоз, янгиликларни кашф этишга асос бўлади. Фикрни кашф этиш, янгилик яратишга қаратилган фаолият баъзан унинг *креативлик* сифати билан боғлаб тушунтирилади. Креактивлилик – шундай хислатки, у гуёки йўқ жойдан бор қилади, яъни оддийгина, жўнгина нарсаларга бошқача, бировларникига ўхшамаган ёндашувларни талаб қилади. Масалан, учта сўз берилган: «қалам», «кўл», «айиқ». Учаласини қўшиб, янги жумлалар тузиш керак. Ҳар ким ўзидаги креативлик даражасига кўра турли хил жумлалар тузса бўлади, масалан, «Бола қаламни олиб, кўлда чўмилаётган айиқ расмини чизди». Ёки «Терак қаламчалари экиб чиқилган кўл ёқасида бир айиқ боласини чўмилтирарди». Шунга ўхшаш кўплаб жумлалар тузиш мумкин.

Машҳур олим К.Юнг инсонларни фикрлашларига кўра асосан икки тоифага бўлган эди:

1. ***Интуитив типлилар.*** Бу шундай тоифали кишиларки, уларда кўпинча ҳиссиётлар мантиқдан устун келади ва мия фаолияти бўйича ҳам ўнг ярим шарлар фаолияти чапникидан устунроқ бўлади. Кўриб, ҳис қилиб, ёркин эмоционал муносабат шакллантирилмагунча, бундай одамлар бирор хусусда фикрларини баён эта олмайдилар.

2. ***Фикрловчи типлар.*** Бундай кишиларда доимо мантиқ, мулоҳаза ҳиссиётлардан устун бўлади ва миясининг чап томони ўнгига нисбатан доминанта(устун) ҳисобланади. Бундайлар гапира бошлашса, кўпинча, «Файласуф бўлиб кет-э», деб ҳам қўйишади. Чунки улар ўзларигача бўлган билимлар, мантиқий фикрлаш борасидаги ютуқларга таяниб, доимо тўғри гапиришга, доимо фикрларини мантиқан асослаш – аргументация қилишга ҳаракат қиладилар. Аниқ ва техника, тиббиёт фанлари билан шуғулланувчиларда ана шу тафаккур типига мойиллик ва психологик ҳозирлик бўлса, улар ўз касблари борасида жуда яхши натижаларга эришадилар. Улардан фарқли биринчи тоифа вакилларидан яхши ёзувчилар, шоирлар, тилшунослар, психологлар етишиб чиқади.

Тафаккур қилиш шакллари ёки формасига тушунчалар, ҳукмлар ва хулоса чиқариш киради.

Тушунчалар – тафаккурнинг шундай шаклики, унда нарса ва ҳодисаларга хос бўлган энг умумий ва характерли хусусиятларни ўзида акс эттиради. Улар умумий ва жузъий, конкрет ёки мавҳум бўлиши мумкин. Масалан, «онг» тушунчасини оладиган бўлсак, унинг энг муҳим ва бошқа тушунчалардан фарқ қиладиган жиҳатларини ажратишимиз керак: фақат

инсонга хослик, олий даражадаги акс эттириш, оламни билиш механизми эканлиги ва ҳоказо.

Ҳукмлар – атрофдаги нарса ва ҳодисалар ўртасидаги боғлиқликни акс эттиради. Масалан, «Инсон онгли мавжудот» деган ҳукм – фикр «одам, инсон», «онг» ва «мавжудот» тушунчалари ўртасидаги боғлиқликни ифодалаб турибди. Ана шундай ҳукмлар нутқда ҳар куни жуда кўп ишлатилади ва улар табиатан турли боғлиқликларни ё тасдиқлайди ёки инкор қилади, рост ёки ёлғон бўлади. Шахснинг инсонийлиги аслида у ишлатадиган ибораларнинг қанчалик мантиққа, ҳаётий ҳақиқатларга тўғри келиши, аргументал эканлиги билан баҳоланади. Доимо тўғри, мантиқан фикр юритган одам «бамаъни, гапида жон бор, ҳақиқатгуй» деб таърифланади.

Хулосалар – мантиқий тафаккурнинг яна бир шакли бўлиб, улар фикрлар, ҳукмлар ва тушунчалар ўртасидаги боғланишдан янги бир фикрларни келтириб чиқаришни назарда тутади. Масалан: *1-ҳукм: Ўзбекистон - мустақил давлат.*

2- *ҳукм: Қирғизистон – мустақил давлат.*

3- *ҳукм: Қозоғистон – мустақил давлат.*

4- *ҳукм: Туркманистон – мустақил давлат.*

5- *ҳукм : Тожикистон – мустақил давлат.*

Демак, Барча Марказий Осиё давлатлари – мустақилдир.

Шунга ўхшаш баъзан айрим фикрлардан умумий бир фикр келтириб чиқарилади (бу – индуктив хулоса чиқариш), баъзан эса аксинча, умумийдан жузъий – алоҳида фикр чиқарилади (фикрлашнинг бундай ҳаракати дедукция деб аталади).

Бундан ташқари, психология фикрлаш жараёнини таъминловчи алоҳида ***операцияларни*** ҳам ўрганади. Булар:

2. Анализ;
3. Синтез;
4. Мавҳумлаштириш;
5. Таққослаш;
6. Умумлаштириш.

Фикрлаш операцияларига ***анализ*** (фикран нарса ва ҳодисаларга тааллуқли сифат ва хусусиятларни алоҳида қилиб ажратиш, таҳлил қилиш), ***синтез*** (анализ жараёнида ажратилган қисмларни яна фикран бирлаштириш, қўшиш), ***мавҳумлаштириш*** (алоҳида бирор хусусиятни ажратиб, бошқаларидан фикрни чалғитиш, айрим хоссани мавҳумлаштириш), ***таққослаш*** (предметлар ва уларга хос бўлган хусусиятларни фикран бир-бирига солиштириш, умумий ва фарқ қилувчи жиҳатларини топиш), ***умумлаштириш*** (умумий ва муҳим сифатларига кўра предметларни гуруҳлаштириш, умумийлаштириш) кабилар киради.

Тафаккурни ривожлантириш. Юқорида тафаккурнинг индивидуал хусусиятлари ва ушбу жараёнга хос бўлган умумий қонуниятлар келтирилди. Лекин аслида мақсад шундайки, ҳар бир шахс ўзидаги тафаккур ва фикрлаш жараёнларининг ўзига хос томонини билган ҳолда

уни ўстириш йўлларини билиши керак. Охирги йилларда психологларнинг ўтказган тадқиқотлари ва кузатишлари шуни кўрсатдики, фикрлаш жараёнларини гуруҳ шароитида, дарс пайтида ҳам ўстириш ва бунга қисқа йўллар билан эришиш мумкин экан. Уларнинг фикрича, гуруҳдаги фаолият идрок ва хотиранинг ўсишига ижобий таъсир кўрсатиб, фикрлаш жараёнини тезлаштиради, фаолиятни самаралироқ қилади. Айрим жуда жиддий ва мураккаб ижод онларини инобатга олмаганда, яхши ташкил этилган дарс жараёни, ундаги фаолият шакли индивидуал тафаккурнинг ҳам ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Шу нарса исбот қилинганки, жамоада ишлаш кўплаб ностандарт фикрларнинг туғилиши, улардан энг яхшиларининг сараланиши ва янгидан-янги ғояларнинг пайдо бўлишига сабаб бўларкан.

Ана шундай самара берувчи методикалардан бири «брейнсторминг» деб аталиб, унинг луғавий маъноси «мияни забт этиш»дир («мозговая атака» русча - «brain storming» инг.). Уни ўтказиш қуйидаги тамойилларга асосланган:

1. Баъзи интеллектуал масалаларни ечишда битта ечим билан чекланиб бўлмайди ва шу мақсадда ижодий фикрловчилар гуруҳи ташкил этилади ва бу жараёнда «самара» бўлиши кутилади. Гуруҳ иши тез ва оптимал қарорлар қабул қилишга қаратилган бўлади ва бунда алоҳида айрим индивидуал қарорларга таъсирланишга йўл қўйилмайди.

2. Гуруҳга шундай кимсалар киритиладики, улар бир-бирларидан фикрлаш услубларининг ноёблиги билан фарқ қиладилар. Масалан, кимдадир мантиқийлик устун, кимдир креатив, кимдир танқидчи ва шунга ўхшаш.

3. Гуруҳда шундай ижодийлик руҳи бўлиши керакки, ҳар ким хоҳлаган фикрини бемалол айтаверади, у ёки бу фикр танқид қилиниши мумкин, лекин унинг эгаси танқид қилинмайди. Бундай шароитда ўртача интеллектуал даражага эга бўлган шахс ҳам шундай фикрлар изҳор қила бошлайдики, улар алоҳида қолган пайтида сира ҳам мияга келмаган бўларди.

Бу жараён олий ўқув юртларида ҳам қўлланиши мумкин, фақат унинг юқоридаги тамойиллари инобатга олиниши ва гуруҳда ўзаро ҳамжиҳатлик муҳити бўлиши керак.

Инсон тил ёрдами билан бошқа одамларга ўтмиш, ҳозир замон ва келажакка оид нарсалар, воқелик юзасидан ахборот, хабар, маълумот бериши мумкин. Нутқ – тилнинг фикр ифодалаш ва алмашиш жараёнларида амал қилиши, тилнинг алоҳида ижтимоий фаолият тури сифатидаги муайян яшаш шакли. Нутқ деганда унинг оғзаки (овозли) ва ёзма равишда намоён бўлишидаги жараёнлар, яъни сўзлаш жараёни ва унинг натижаси (хотирада сақланган ёки ёзувда қайд этилган нутқий фикрлар, асарлар) тушунилади.

Одамдаги шахсий индивидуал тажрибанинг умуминсоний тажриба билан боғлиқлиги кишиларда тилнинг мавжудлиги билан изоҳланиб, у

оддий қилиб тушунтирилганда сўз ва белгилар тизими ҳамда йиғиндисидан иборатдир.

Белгилар ва уларнинг аҳамияти инсоннинг юксак психик функциялари (яъни идрок, хотира, тафаккур, хаёл)нинг воситасидир. Одатда белгилар турли-туман бўлишидан қатъи назар уларнинг энг муҳими сўздир. Ҳар бир сўз маълумот, хабар, ахборот вазифасини бажаради ва муайян мазмунни ўзида акс эттиради.

Тилнинг асосий функциялари:

1) тил яшаш воситаси, ижтимоий тажрибани авлоддан авлодга узатиш, бериш ва ўзлаштириш қуроли тарзида вужудга келади;

2) тил восита ёки коммуникация усули, ҳатто одамларнинг хатти-ҳаракатларини бошқарувчи қурол сифатида намоён бўлади;

3) тил интеллектуал фаолиятнинг қуроли сифатида хизмат қилади (муаммоли вазият моҳиятини тушуниш, ечишни режалаштириш, ижро этиш, мақсад билан солиштириш).

Одам ўзи хоҳ амалий, хоҳ ақлий ҳаракат қилишидан қатъи назар уни режалаштириб, бунинг ечими учун восита қидириш ва умумий фикрий масалаларни ҳал қилишнинг асосий қуроли тил ҳисобланади.

Нутқ фаолияти – одам томонидан ижтимоий-тарихий тажрибани ўзлаштириш, авлодларга узатиш ёки коммуникация ўрнатиш, ўз шахсий ҳаракатларини режалаштириш ва амалга ошириш мақсадида тилдан фойдаланиш жараёнидир.

Н.И.Жинкин бўйича нутқ механизмлари қуйидагича изоҳланади:

Бирор-бир фикрни нутқ воситаси ёрдами билан баён қилишдан олдин махсус код орқали бу фикрнинг асосини тузамиз – бу дастурлаштириш механизмидир.

- Ундан кейин режалаштиришдан гапнинг грамматик тузилишига ўтиш билан бир гуруҳ механизмлар келади.
- Эсда олиб қолиш сўзларнинг грамматик хусусиятларини амалда қўллашни таъминловчи механизм.
- Бир хил типдаги тузилишдан бошқа типдаги тузилишга ўтиш механизми.
- Дастур элементларини грамматик тузилишга ёйиш механизми.
- Сўзни маъносига қараб қидиришни таъминловчи механизмлар.
- Синтагмаларни ҳаракат жиҳатидан дастурлаштирувчи механизмлар.
- Нутқ товушларини танлаш ва ҳаракат дастуридан товушларни тўлдиришга ўтиш механизмлари.
- Нутқни амалга оширишни таъминловчи механизм.

Нутқнинг ривожланиши қуйидаги хусусиятларга эга:

а) гувраш.

б) ғўлдираш (сохта сўзлар).

в) парадигматик фонетика (1,3 - 1,5 ёшгача) – буви, бува, ўтир, ўтирди, ўтиради ва ҳоказо.

г) нутқнинг вазиятбоплиги (Ж.Пиаже – ситуатив нутқ).

д) нутқ эгоцентризми (Ж.Пиаже – эгоцентрик нутқ).

Нутқ турларининг психологик тавсифи

Э.Ғ. Ғозиев фикрича, нутқнинг муайян асосларига суянган ҳолда ноанъанавий таснифини бериш унинг қийматини янада оширади, инсон-техника муносабатини амалий жиҳатдан намойиш қилади. У ***новербал ва вербал*** турларга бўлинади.

Новербал нутқ генетик келиб чиқиш жиҳатидан бирламчи ҳисобланади, чунки инсоннинг ижтимоий-тарихий тараққиёти даврида даставвал товушсиз, сўзсиз нутқ турлари пайдо бўлган бўлиб, у ўз ичига шахс камолотининг йирик санасини қамраб олган.

Новербал нутқ турини шартли равишда қуйидаги кўринишларга ажратиш мумкин:

- ✓ имо-ишора,
- ✓ мимика,
- ✓ пантомимика,
- ✓ эхологик, яъни акс-садо,
- ✓ сигнификация,
- ✓ дактологик (бармоқ нутқи).

Имо-ишора инсон ҳаёт ва фаолият кўрсатиш даврининг дастлабки палласида асосий нутқ тури сифатида алоҳида аҳамият касб этган. Этник стереотиплар асосида муайян кечинмалар, маълум ахборотларни шахслараро муносабат жараёнида узатиш ва қабул қилишда ифодаланувчи товушсиз, лекин маъноли, мазмунли нутқ тури ***имо-ишорали*** нутқ дейилади. Масалан, ўзбекларда фикрни тасдиқлаш олд томонга бош силкиш билан ифодаланса, худди шу маънони булғорларда бошни сарак-сарак қилиш англатади. ***Мимика*** юз ҳаракатлари (физиономия) ёрдамида идрок қилиш, ўзгалар фикрига жавоб қайтариш жараёнида шахслараро муносабатга киришишда намоён бўлувчи новербал нутқ (табассум, жилмайиш, мийиғида кулиш, лаб қисиш ва ҳоказо) туридир. ***Пантомимика*** юз, гавда ҳаракатлари, тана аъзолари, қадди-қомат ёрдами билан фикрларни узатиш, сюжетли, қоидали, маъноли, драматик кечинмали новербал нутқ туридир. У ўз моҳияти кўлами билан мимикадан устувор хусусиятга эга бўлиб, ахборотлар, интим ҳолатлар, мураккаб кечинмалар юзасидан ўзгаларга маълумот узатиш тарзида ҳукм суради, юмор ҳисси, қўрқинч туйғуси, заҳмат образи, даҳшат кечинмасини ўзида акс эттириб, кўпинча коммуникатив функция ижро этади, ҳиссий алоқа ўрнатиш орқали таассуротлар мукаммаллиги таъминланади. ***Эхологик*** ёки садо деганда айрим ҳис-ҳаяжонли шартли товушларда мужассамлашган ахборот узатиш ва қабул қилиш мақсадини амалга оширувчи, табиий тўсиқларга урилиб қайтувчи алоқа воситаси тушунилади.

Новербал туркумга кирувчи ***сигнификация*** бошқалардан ўз тузилиши, мазмуни, шакли билан кескин ажралиб турувчи, аниқ шартли белгилар орқали муайян мантиқий юкламани ўзида акс эттирувчи коммуникатив хусусиятли новербал нутқ туридир. У шартли белгилар, сигналлар, моделлар шаклида ифодаланиши мумкин. Ҳар бир «сигнал» ўз

кўлами, такрорланиш суръати, темпи, частотаси билан муайян маълумот узатиш ёки қабул қилиш имкониятига эга бўлиб, шартли аломатлар негизида мазмун ёки моҳият ётади. Морзе алифбоси ва шунга ўхшаш ҳозирги замон алоқа қурилмалари қўл ёрдами билан (асбобни босиш орқали) хабар узатиш ёки қабул қилишга мўлжалланган. Ҳозирги замон рациялари ҳам худди шунга ўхшаш коммуникация қуроли вазифасини бажаради. Новербал нутқнинг яна бир тури ***дактологик (бармоқ) нутқ*** деб аталиб, у инсон тана аъзолари, имо-ишоралар, мимика, хуллас, ҳиссиёт ёрдами билан муомала ўрнатишга қаратилган алоқа воситасидир. Сўз орқали ифодаланувчи нутқ мазмуни маъноли қўл, юз ҳаракатларига, айрим ҳаяжонли садога, қаҳр-ғазаб, илиқ табассум, қаҳқаҳага кўчирилиб, бунда ҳаракатнинг такрорланиши ахборот мазмунини бойитади, кучайтиради, маълумотлар узлуксизлигини таъминлаб туради.

Вербал нутқ туркумини шартли равишда қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

1) оғзаки;
2) ёзма;
3) монологик;
4) диалогик;
5) полилогик;
6) ташқи;
7) ички;
8) экспрессив;
9) импрессив;
10) лаконик (қатра, йиғиқ);
11) эпик (ёйиқ);
12) аффектив (жаҳл ҳолатидаги).

Оғзаки нутқ новербал туркумдан кейин пайдо бўлган нутқ туридан бири ҳисобланиб, у шартли равишда қуйидаги нутқ кўринишларида ифодаланади: монологик, диалогик, полилогик, ташқи, ички, экспрессив, импрессив, лаконик (йиғиқ, қатра), аффектив (ҳис-ҳаяжон, жаҳл). *Оғзаки* нутқ пауза, мантиқий урғу, темп, тембр, частота, ритмика ва бошқа ташкилий қисмлар ҳамда механизмларни ўзида мужассамлаштирган, тилнинг барча қоидалари, қонунларнинг шартли белгилар сифатида хизмат қилишига асосланади. Коммуникатив хусусиятли ахборотлар оддий хабар, сўроқ, ундов маъносини англатувчи маълумотлар оғзаки нутқнинг мураккаб ҳамда ранг-баранг тузилишга эга эканлигидан далолат беради. Оғзаки нутқ ўзининг жарангдорлиги, таъсирчанлиги, ахборотларни қабул қилишдаги қулайлиги, узатилишдаги ихчамлиги, толиқишнинг олдини олиш имконияти мавжудлиги унинг кенг қиррали эканлигини билдиради.

Монологик нутқ оғзаки нутқнинг дастлабки тури бўлиб, у якка шахснинг ички кечинмаларини тил механизмларига асосланган ҳолда акс эттирувчи, унинг ўзига қаратилган (эгоцентрик), таъсирланишини ифодалашга ва ахборот узатишга мўлжалланган нутқ туридир.

Диалогик нутқ икки шахс ўртасида намоён бўлувчи, ахборот узатиш ва қабул қилишга мўлжалланган нутқ туридир. Унинг монологик туридан фарқли томони фикр моҳияти нутқ фаолияти қатнашчиларида англангандан кейин у ёки бу шаклда қисқартириш имкониятига эга.

Полилогик нутқ деб бир нечта кишилар билан амалга оширишга мўлжалланган, триада ва полиада негизига қурилувчи, ахборот узатиш ва қабул қилишга йўналтирилган, баҳс таркиблари иштирок этувчи оғзаки нутқ турига айтилади.

Артикуляцион аппарат орқали вужудга келувчи, вербал ҳолатларда акс этувчи, ўзгаларга йўналтирилган, ҳар хил хусусиятли вазиятларда намоён бўлувчи нутқ турига ***ташқи*** нутқ деб аталади. Унда тилнинг барча қоида ва қонуниятлари мужассамлашган бўлиб, у узатиш ва қабул қилиш, идрок этиш ва тушунишдан иборат муомала қуроли, воситаси вазифасини бажаради.

Муайян ахборотларни тартибга келтириш, ғояларни яратиш, фикрий дастурни ишлаб чиқишга мўлжалланган, лекин латент давридаги маълумотлар мажмуасидан тузилувчи нутқ тури ***ички*** нутқ дейилиб, унинг муҳим хусусиятларидан бири – бу кўлам жиҳатдан ташқи нутқдан кенгроқ эканлигидир. Яна бир хусусияти эса тафаккур механизми функциясини бажаришидир.

Экспрессив нутқ деганда ахборотлар ички моҳиятини ташқи ҳис-ҳаяжон таркиблари билан кучайтирувчи, шахслараро муносабатнинг яққол ифодаланишини акс эттирувчи, овозли, тил воситаларига асосланувчи нутқ тури тушунилиб, у ўзининг тезкорлиги ва вазиятбоплиги билан бошқа нутқ турларидан ажралиб туради.

Ички кечинмалар шахсий фикрлаш билан уйғунлашиши туфайли фикрий боғланишни вужудга келтирувчи ҳолатлар, ҳодисалар моҳиятини ички ва ташқи омилларга асосланиб акс эттирувчи нутқ турига эса ***импрессив*** нутқ дейилади.

Миллат ва элатларнинг тил бойлиги, мақоллар, ҳикматлар, маталлар сифатида шаклланган, юксак мантиқий мазмунга эга бўлган йиғиқ нутқ тури лаконик, яъни ***йиғиқ, қатра*** нутқ дейилади. Масалан, «Етти ўлчаб – бир кес», «Сабрнинг таги – сариқ олтин».

Аффектив нутқ турли омиллар таъсирида бирданига вужудга келувчи, жаҳлнинг маҳсули бўлиб, бунда у тўсатдан суҳбатдош, рақиб томонга узатилувчи, ўта таъсирчан, хавфли, руҳий нишон вазифасини бажариб, зарбаси жиҳатидан альтернативи йўқлиги билан бошқа нутқ турларидан кескин ажралиб туради. Жаҳл, қасос, алам, тажовуз кечинмаларини ўзида акс эттириб, ўта танглик, зўриқиш (стресс) маҳсули бўлиб ҳисобланади («Жаҳл келганда – ақл кетади»; «Ҳиссиёт билан эмас, ақл билан иш тут»).

Ёзма нутқ инсоният тарихининг тараққиёт босқичида пайдо бўлиб, ҳозиргача ўз ривожланишида давом этмоқда. Э.Ғ. Ғозиев таърифича, тилнинг барча қоидаларига (орфографик, морфологик, синтаксик, лексик, орфоэпик, лингвистик, фонематик, флексив ва ҳ.), қонуниятлари,

механизмларига (жонли ифодаларни мужассамлаштирган ҳолда) асосланган тарзда муайян шартли аломатлар (графиклар) ёрдамида шакл, тузилиш, маъно, мазмун ва моҳиятни узлуксиз, тадрижий равишда ахборотларга айлантириб берувчи нутқ тури *ёзма* нутқ дейилади.

Ёзма нутқ турлари:

а) монологик (драма),

б) диалогик (бадиий асар жанрларида),

в) ички,

г) лаконик (йиғиқ, қатра),

д) эпик (ёйиқ, йирик роман, қисса ва бошқалар).

Ёзма нутқнинг ***монологик ва диалогик*** турлари бадиий асарларда ўз ифодасини топган бўлиб, оғзаки нутқдагидан фарқли ўлароқ, тил бойликларига бевосита асосланиб, янгиликлар яратиш, ижод қилиш сўзлар орқали моҳият касб этади, у ёки бу шаклда тартибга келтирилади. ***Лаконик (йиғиқ, қатра)*** нутқ ҳам оғзаки нутқдагидай маъно касб этса, ***эпик (ёйиқ)*** нутқ йирик асарлар, монографиялар моҳиятини тўлақонли акс эттириш билан бошқа нутқ турларидан фарқланади.

Нутқнинг бузилиши. Бош миянинг органик зарарланиш касалликлари, жароҳатлар, калла чаноқ суяклари шикастланиши, истерияларда нутқнинг бузилиши кузатилиб, у ***афазия*** дейилади. Афазиянинг бир неча турлари мавжуд бўлиб, уларнинг кўпгина умумий ва бир-биридан фарқ қиладиган хусусиятлари ҳам мавжуд. Афазия билан оғриган беморларда сўзлар ва уларни ташкил этувчи нутқ товушларини тўғри танлаш бузилади, шунингдек, мустақил нутқнинг грамматик тузилиши ҳам бузилади. Бундай беморларнинг нутқи камбағал, ишлатиладиган сўзлар захираси анча чекланган бўлади. Бир хил сўзлар ва бўғинларни бошқалари билан алмаштириш кузатилиб, гапнинг айрим қисмлари ўртасидаги боғланиш бузилади. Шунингдек, ўқиш ва ёзишнинг ёмонлашуви ҳам кузатилиши мумкин. Афазиялар *мотор, сенсор, амнестик, тотал* афазияларга ажратилади.

Мотор афазия сўзларни талаффуз қилишга қобилиятсизлик ёки бу қобилиятнинг сезиларли равишда пасайишидир. Беморлар гапиришга ҳаракат қиладилар, лекин фақат бир неча сўз ёки бўғинларнигина айта оладилар. Бундай бузилиш калла чаноғининг пешона қисми шикастланганда кузатилиб, бунда беморлар ўзларига қаратилган нутқнигина тушунадилар.

Сенсор афазия атрофдагилар нутқини ёмон тушуниш билан характерланиб, ёзувда кўпол бузилиш кузатилади. Сенсор афазия билан оғриган беморларда ўзларига нисбатан қаратилган нутқни тушуниш кўпроқ ёмонлашган бўлади. Улар кўпинча ўзларига берилган саволларни англаш у ёқда турсин, ҳатто оддий имо-ишораларни ҳам тушунмайдилар. Бундай беморлар эркин гапирадилар, лекин анча бузилган ва бирмунча тушунарсиз бўлган нутқда бир хил сўз ва бўғинларни бошқалари билан алмаштириб қўядилар. Сенсор афазия учун нутқ беқарорлиги *(логорея)* хосдир.

Амнестик афазия нарсаларнинг номларини айтиш қобилияти бузилишида намоён бўлади. Керакли сўз кўпинча сўзнинг нарса билан боғлиқлигидан эмас, балки беморнинг нутқ контекстини англашидан пайдо бўлади.

Тотал афазия нутқнинг барча турлари йўқолиши билан характерланади. Бемор гапиришга ҳаракат қилиб, баъзан у ёки бу товушни талаффуз қилиши мумкин. Бу ҳолат бош мияда қон айланиши бузилганда ва атрофик шикастланишда кузатилади.

Лингвистик назарияда нутқ тушунчаси муайян тил жамоасида қабул қилинган ифода воситалари тизими ҳисобланган мавҳум тил тушунчасига ҳамда ижтимоий борлиқ (ҳаёт)нинг энг характерли кўринишларидан бўлган аниқ, бир қадар умумийроқ тил тушунчасига қарама-қарши қўйилади. Бошқа одамлар хулқ-атвори ва фаолиятига таъсир кўрсатиш мақсадида уларга ахборот, хабар етказишга хизмат қиладиган асл нутқ (ташқи нутқ), яъни га-пириш, тил белгиларининг эшитиш аъзолари томонидан идрок қилинадиган (овоз ёзиб олувчи ускуналар ёрдамида қайд этиладиган ва қайта такрорланадиган) артикуляцияси тарзида ёки ушбу белгиларнинг ёзувда шартли акс этиши тарзида юзага чиқади.

Асл нутқ («ташқи нутқ») билан бир қаторда ички нутқ ҳам бор. У сўзловчи онгида билишга ёрдам берадиган турли хил масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал этишга қаратилади. Ички нутқ ташқи нутқ асосида, товуш ёки ёзув қўлланмаган ҳолда, фақат овозли нутқдаги сўзлар ҳақидаги аниқ тасаввурлар билан кечадиган ақлий жараёнлар тарзида амалга ошади. Ёзма нутқ оғзаки нутқдан бир қадар шаклланганлиги, сўзларнинг ўта синчковлик билан танлаб олиниши, грамматик жиҳатдан аниқ, лекин мураккаб шаклланганлиги, оғзаки нутқ учун хос бўлган оҳанг, мимика ва қўл ҳаракатларининг бевосита қўллана олмаслиги билан фарқланади. Нутқнинг монологик ва диалог турлари мавжуд.

Нутқ алоқа-аралашув вазифасидан ташқари яна бошқа вазифалар, чунончи, поэтик вазифа ҳам бажариши мумкин. Нутқнинг алоҳида кўриниши ўқишдир.

Ҳар бир кишининг нутқи индивидуал, ўзига хос хусусиятларга эга бўлади; ваҳоланки, асосий тил унсурлари – луғат таркиби ва грамматик қурилиши якка шахсларгагина тегишли бўлмай, умумникидир, яъни муайян тил жамоасига тааллуқли бўлади. Нутқ киши тафаккури, унинг онги билан чамбарчас боғлиқдир. Нутқда кишининг ўй-фикрлари шаклланади ва мавжуд бўлади. Нутқ ва у асосида борлиқни умумлашган ҳолда мавҳум акс эттириш, индивидуаллик доирасидан чиқиб, жамоатчилик маҳсулига айланадиган мантиқий тушунчавий фикрлаш мумкин бўлади. Нутқ киши руҳиятининг бошқа жиҳатлари, унинг сезгилари, идроки, хотираси, ўй-хаёллари, ҳиссиёти, иродаси ва бошқаларнинг намоён бўлиши ва амал қилишида, киши онгининг ривожланишида ҳам катта аҳамиятга эга.

Нутқ қўлланиш соҳасига қараб бадиий нутқ, илмий нутқ, расмий нутқ каби шаклларга эга бўлади. Ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай ҳолатда ҳам аниқлик, равонлик, соддалик, таъсирчанлик – нутқнинг энг муҳим

белгилари бўлиб қолиши керак. Тил воситасида олиб бориладиган мулоқот вербал, яъни сўз воситасида бўлади. Мулақот жараёнида новербал воситалардан: турли хил ҳаракат, қилиқ, ҳолат, оҳанг, тўхташ (пауза), ҳиссий ҳолатлар, кулгу, йиғи, кўз қарашлар, юз ифодаларидан фойдаланилади, улар мулоқот жараёнини янада кучайтириб, уни тўлдиради, баъзан эса нутқли мулоқотнинг ўрнини босади. Паралингвистик таъсир – бу нутқнинг атрофидаги нутқни безовчи, уни кучайтирувчи ёки сусайтирувчи омиллар: нутқнинг баланд ёки паст товушда ифодаланиши, артикуляция, товушлар, тўхташлар, дудуқланиш, йўтал, нидолар киради. Психологик таъсирнинг уч воситаси:

Вербал таъсир – бу сўз ва нутқ орқали кўрсатиладиган таъсирдир. Бундаги асосий восита сўз ҳисобланади.

Паралингвистик таъсир – бу нутқнинг атрофидаги нутқни безовчи, уни кучайтирувчи ёки сусайтирувчи омиллар: товушлар, тўхташлар, дудуқланиш, йўтал, тил билан амалга ошириладиган ҳаракатлар, нидолар киради.

Новербал таъсир - бунга суҳбатдошларнинг фазода бир-бирларига нисбатан тутган ўринлари, ҳолатлари (яқин, узоқ, интим), қилиқлари, мимика, пантомимика, қарашлар, бир-бирини бевосита ҳис қилишлар, ташқи қиёфа ва сигналлар киради

Монологик нутқни ташкил этувчилар:

- Мақсадга йўналганлик;
- Мантиқийлик;
- Тугалланганлик;
- Мустақиллик;
- Узлуксизлик;
- Ифодалилик;
- Боғлиқлик.

Нутқ турлари, унинг ривожланиш босқичлари ҳамда ўзига хос хусусиятлари. Шахс қобилиятини клиник ва экспериментал психологик диагностика қилиш методлари. Шахс ривожида ақлий билишнинг аҳамияти. Ҳиссий ва ақлий билиш жараёнларининг узвий боғлиқлиги. «Нутқ»ни таърифлаш. Нутқ ва тилнинг боғлиқлиги, нутқ турлари, хусусияти, ривожланиш босқичи ва уларнинг аҳамияти. Нутқнинг анотомик-физиологик механизмлари. Нутқ, тафаккур, интеллект ва хаёлни диагностика қилувчи методикалар ҳақида тушунча. Нутқ кишиларнинг тил воситаси билан алоқа қилишидан тарихан таркиб топган шаклий ёки ижтимоий ривожланишидаги воқеликни тил орқали акс эттириш жараёнидир. Нутқ кўриниш мезонига қараб иккига бўлинади.

Ички ва ташқи нутқ. Ички нутқ: муайян фикрларнинг ўзларига баён қилгунга қадар онгимизда шаклланишидан иборат нутқ тури. Ички нутқ одатда овозсиз, қисқа ва ихчам бўлиб, шахснинг ўз-ўзи ёки хаёлий суҳбатдоши билан фикр олувчи тариқасида рўй беради (намоён бўлади).

Ташқи нутқ: фикр ҳиссиёт ва интилишларни тил воситаси орқали бевоситаси ўзларига баён қилиш жараёнидан иборат нутқ туридир. Ташқи нутқ тури иккига бўлинади.

1. Оғзаки

2. Ёзма.

Оғзаки нутқ ҳам 2 га бўлинади**: диалогик ва монологик. Диалогик нутқ** – нутқнинг энг содда тури бўлиб, бунда икки ёки ундан ортиқ кишиларнинг (ёки ҳамсуҳбатларни) бирор-бир масалани биргаликда муҳокама қилиш ёки ҳал қилиш каби суҳбатлари киради. **Монологик нутқ** – фикр алмашув жараёнида фақат бир одам сўзлаб, бошқалар уни фақат идрок қилишидан иборат бўлган нутқ туридир. Монологик нутқ тузилиши жиҳатдан жуда ҳам мураккаб бўлиб, фикрнинг тугалланганлигини грамматик қоидаларга қатъий амал қилиниши, монолог айтаётган кишини баён қилмоқчи бўлган фикрда қатъий мантиқ, диалогик ва изчиллик бўлишини талаб этади. Бизга маълумки, инсон воқеликдаги нарса ва ҳодисаларни икки хил йўл билан: ҳиссий – сезги, идрок; ақлий – тафаккур ва нутқ орқали қабул қилади. Ақлий билиш тафаккурда ҳиссий билиш ва тафаккур жараёнлари тўхтовсиз равишда бир-бирига ўзаро боғланиб келади. Тафаккурнинг тил ва нутқ билан ўзаро боғлиқлиги ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Амалий иш

Вазиятли масалалар:

1- масала.

1) Ўқувчиларнинг ҳолатини қайси физиологик механизм билан асослаш мумкин?

Математика ўқитувчиси янги теоремани тушунтиришда ўқувчиларнинг диққатини шундай чуқур эгалладики, улардан ҳеч бири дарс якунланганда чалинган қўнғироқни эшитмади.

2) Тасвирланган тажрибада диққатнинг қандай физиологик механизмлари намоён бўлади?

Синалувчи Н., тажриба ўтказувчининг кўрсатмаларига кўра хира чироқчаларга эътибор бермасдан, ёрқин чироқчаларнинг ёқиш кетма-кетлигини эслаб қолиши керак эди. Тажрибадан маълум бўлдики, мия пўстлоғида чироқчаларнинг ёрқин ёнишига тўғри келадиган қисмида қўзғалувчанлик ошган, хира ёнишига тўғри келадиган қисмида эса пасайган.

2- масала.

Дарсда Ш. ва М.нинг эътиборини тортишга қандай мотив ёрдам беради? Қайси белгиларга қараб буни аниқлаш мумкин?

Болаларни кўчманчи қушлар билан таништира туриб, кўп қушлар тасвирланган расмни доскага осдим. Қалдирғоч ҳақида тушунтираётганда мен Ш. ва М.нинг овозини эшитдим; улар расмни кўрсата туриб, деярли баланд овозда гаплашардилар:

- Қара, думчаси қандай чиройли!
- Анави қушчани қара, унинг тумшуғи қандай узун ва кўкракчаси

яшил!

- Мана бу-чи, қандай жажжигина, қарагин!
- Қайси бири?
- Ана у, шохчадагиси.
- Кўряпман, бу сайроқи қушча бўлса керак.
- Мана бу лайлак!

Қизлар сайроқи қушчани ва лайлакни томоша қилаётган пайтда мен тўрғай ва чуғурчиқ ҳақида гапираб бераётган эдим. Бироқ Ш. ва М. бу қушлар ҳақида ҳеч нарса билмай қолдилар, чунки менинг ҳикоямни эшитмасдан, расмда чизилган бошқа қушларни томоша қилишда давом этаётган эдилар.

3-масала.

Ўқувчининг дарсда ихтиёрий диққатини жалб этишнинг қандай шартлари намоён бўлмоқда? Унда ихтиёрий диққатнинг мавжудлигини қайси белгиларга кўра аниқлаш мумкин?

Ўқувчи ўзининг дарсда қанчалик диққатли бўлишига ҳаракат қилаётгани ҳақида сўзлаб, деди: «Мен геометрияни ўрганишни истайман, лекин бу менга қийинчилик туғдиряпти. Ўқитувчини эшита туриб, баъзида хаёлим бошқа томонга чалғиб кетаётганини сезаман. Шунда мен ўзимга ўзим уйда теоремани ўрганишим янада қийинроқ бўлишини таъкидлайман. Мен ичимда ўқитувчининг ҳар бир сўзини такрорлаб, шу тарзда диққатимни тўплайман».

4-масала.

Бемор суҳбатдошнинг юзини аниқлай олади, уларни аниқ чизиб беради, лекин кўриш образи билан шахсни мувофиқлаштиролмайди (исмини айтгандагина суҳбатдошини таниши мумкин). Бу ҳодисанинг сабаблари ҳақида берилган фикрларнинг қайси бири энг тўғри?

а) кўзнинг тўғрилайдиган аппарати бузилган

б) кўзнинг рецептор аппарати бузилган

в) марказга йўналувчи нерв йўллари бузилган

г) кўрув анализаторининг пўстлоқ қисми бузилган

Семинарларда муҳокама қилинадиган саволлар:

1. Тафаккур қандай билиш жараёни ҳисобланади?
2. Тафаккур қилишимизни таъминловчи орган қайси?
3. Хаёл қандай жараён?
4. Фантазия деб қандай жараёнга аталади?
5. Инсайт – ойдинлашув ҳолати қандай юзага келади?
6. Тафаккурнинг қандай турлари мавжуд?
7. Интуитив ва фикрловчи типли кишиларнинг бир-биридан фарқи нимада?
8. Тафаккур қилиш шакллари ва тафаккур операцияларига нималар киради?
9. Тафаккурни қандай ривожлантириш мумкин?

Мустақил ишлар мавзулари:

- Тафаккурнинг бошқа психик жараёнлар билан алоқаси.
- Тафаккур хусусиятлари: аутистик ва реалистик тафаккур.
- Тафаккур ва фикрлашдаги индивидуал фарқлар.
- Ижодий тафаккур, унинг шартлари ва самарадорлиги.
- Мустақил фикрлашнинг табиий асослари.

IV БОБ. ШАХСНИНГ ПСИХОЛОГИК ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

4.1 §. ПСИХОЛОГИЯДА ШАХС ТУШУНЧАСИ

«Шахс» тушунчаси психологияда энг кўп қўлланадиган тушунчалар сирасига киради. Психология ўрганадиган барча феноменлар айнан шу тушунча атрофида қайд этилади. Инсон руҳий олами қонуниятлари билан қизиққан ҳар қандай олим ёки тадқиқотчи ҳам шахснинг ижтимоийлиги ва айнан жамият билан бўлган алоқаси масаласини четлаб ўтолмаган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, «Homo sapiens» - «ақлли зот» тушунчасини ўзида ифода этувчи жонзотнинг пайдо бўлганига тахминан 40 минг йилдан ошибди. Бу даврда олимларнинг эътироф этишларича, 16 минг авлод алмашган эмиш. Дарвин таъбири билан айтганда, табиий танланиш жараёнида ер юзида сақланиб қолган минглаб миллат ва элатларнинг кейинги даврдаги тараққиёти кўпроқ биологик омиллардан кўра ижтимоий омиллар таъсирида рўй бермоқда. Шунинг учун ҳам ҳар бир индивид ёки шахсни ўрганиш масаласи унинг бевосита ижтимоий муҳити ва унинг ижтимоий нормалари доирасида ўрганишни тақозо этади.

Ижтимоий муҳит – бу инсоннинг аниқ мақсадлар ва режалар асосида фаолият кўрсатадиган дунёсидир. Мазмунан ҳар бир инсоннинг шу ижтимоий олам билан алоқаси унинг инсоният тажрибаси, маданияти ва қабул қилинган, тан олинган ижтимоий хулқ мезонлари доирасидаги ҳаракатларида намоён бўлади. Психология илмининг намояндалари бўлмиш олимларнинг бутун бир авлоди ана шу шахс ва жамият алоқалари тизимида инсоннинг туб моҳиятини англаш, унинг ривожланиши ва камол топиши қонуниятларини излаганлар. Абу Наср Фаробий, А.Навоий, Ибн Сино, Беруний каби юзлаб Шарқ алломалари ҳам ўзларининг энг дурдона асарларини бу ўзаро боғлиқликнинг фалсафий ва ижтимоий сирларини очишга бағишлаганлар. Барча қарашларга умумий бўлган нарса шу бўлганки, одамни, унинг моҳиятини англаш учун, аввало, унинг шу жамиятда тўтган ўрни ва мавқеини билиш зарур. Шахсни ўрганишнинг бирламчи мезони ҳам шундан келиб чиққан ҳолда, унинг ижтимоий мавқеи, ижтимоий муносабатлар тизимидаги ўрни билан белгиланиши керак.

Лекин шахс билан жамият ўртасидаги ўзаро алоқалар масаласи бирданига, бир хил ечимга келинмаган. Бу ўзаро муносабатлар асосан икки нуқтаи назардан келиб чиқади.

Нативизм йўналишининг тарафдорлари инсонлардаги барча хусусиятларни туғма характерга эга, деб эътироф этадилар. (Ленц, Грубер ва бошқалар).

Эмпиризм тарафдорларининг фикрича, янги туғилган бола гўёки «топ-тоза тахта»(tabula rasa), унга ҳаёт ва ундаги талаблар ўзининг

қонуниятларини ёзади ва бола уларга сўзсиз бўйсунишга мажбур. Бу йўналишнинг асосчиларидан бири Ж. Локк бўлиб (1632 - 1704), унинг фикрича, туғма фикрлар ёки ғоялар бўлиши мумкин эмас, улар хохиш, тилак ва оғриқ каби элементар сезгиларнинг қайта ишланиши натижаларидир. Ҳаётда ана шунга ўхшаш турли хил сезгилар ва ғояларнинг ассоциацияси рўй беради.

Г. Лейбниц (1646-1716) Локка эътироз билдириб, ҳаётда умуман тоза, соф досканинг ўзи бўлмайди, ҳаттоки энг яхши силлиқланган мармар юзасида ҳам сезиларли тешиклар, дўнгликлар ёки туғма асоратлар бўладики, улар лаёқатлардек инсон тақдирида маълум рол ўйнайди. Бу иккала йирик йўналиш ўртасидаги тортишувларга чек қўйиш мақсадида **Ф. Гальтон** қатор экспериментал тадқиқотлар ўтказиб, ҳар бир индивидга хос дифференциал хусусиятлар мавжудлигини «эгизаклар методи» ёрдамида асослашга ҳаракат қилди. 3-жадвалда Гальтон томонидан ирсий ва орттирилган сифатлар муносабати юзасидан аниқланган натижалар келтирилган.

3 - жадвал.

Мусиқий қобилиятлардаги ирсий хусусиятлар

Ота-оналар Болалар	Мусиқага мойил	Мусиқага мойил эмас
Мусиқага мойил	85 %	7 %
Мусиқага мойил эмас	25 %	58 %

Эгизаклардаги мусиқага мойилликнинг корреляцион кўрсаткичи ҳам юқори бўлиб ($p< 0.7$), эгизак бўлмаганлардан анча фарқ қилади ($p < 0.3 – 0.4$).

Гальтондан кейинги тадқиқотларда мусиқага бўлган қобилиятга она тилининг хусусияти таъсир қилиши аниқланди: юмшоқ – тонал ёки кескир – тонал бўлмаган тиллар. Масалан, кескинроқ ҳисобланган рус тилида гапирувчи болалардаги мусиқани идрок қилиш юмшоқ, тонал тилларда сўзлашувчи вьетнамликларнинг идрокидан анча паст чиққан.

Лекин юқоридаги фикрлар ва тортишувларнинг келиб чиқиш сабаби тушунарли бўлиши керак: улар инсоннинг асл моҳиятини тушуниш ва унинг хулқини бошқариш эҳтиёжларидан келиб чиқади. Демак, инсон жамият аъзоси сифатида унинг мезонларига бўйсунади, ўз хулқини унинг талабларига монанд қилишга интилади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, шахс феноменига таъриф бериш мумкин.

***Ш а х с** – ижтимоий ва шахслараро муносабатларнинг маҳсули, онгли фаолиятнинг субъекти бўлмиш индивиддир.* Шахсга тааллуқли бўлган энг муҳим тасниф ҳам унинг жамиятдаги мураккаб ижтимоий муносабатларга бевосита алоқадорлик, ижтимоий фаолиятга нисбатан ҳам объект, ҳам субъект бўлишдир.

Шахсга тааллуқли бўлган фазилатлардан энг муҳими шуки, у шу ташқи, ижтимоий таъсирларни онги ва идроки билан қабул қилиб (объектни), сўнгра шу таъсирларнинг субъекти сифатида фаолият кўрсатади. Оддий қилиб айтганда, инсон боласи илк ёшликданоқ «менинг ҳаётим», «бизнинг дунё» деган ижтимоий муҳитга тушади. Бу муҳит ўша биз билган ва ҳар куни ҳис қиладиган сиёсат, ҳуқуқ, ахлоқ оламидир. Бу муҳит – келишувлар, тортишувлар, ҳамкорликлар, анъаналар, удумлар, турли хил тиллар олами бўлиб, ундаги кўплаб қоидаларга кўпчилик мутлоқ қўшилади, баъзилар қисман қўшилади. Бу шундай қоидалар ва нормалар оламики, уларга бўйсунмаслик жамият томонидан қораланади, таъқибланади. Булардан келиб чиқадиган хулоса шуки, шахс жамиятга нисбатан барча тартиб-қоидаларни қабул қилувчи субъект бўлса, *жамият – ижтимоий интизом ва тартиб, маданиятнинг муфассал кўринишидир.*

Шахс ижтимоий хулқига турли ташқи кучлар таъсир қилади: сиёсий, мафкуравий, иқтисодий, маънавий, ахлоқий ва бошқалар. Бу таассуротлар моҳиятан аслида жамият аъзолари бўлмиш шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг алоҳида йўналишларини белгилаб беради.

Шундай қилиб, шахс турли ижтимоий муносабатлар тизими таъсирида бўлади ва кўплаб ижтимоий институтлар (оила, маҳалла, ўқув масканлари, меҳнат жамоалари, норасмий ташкилотлар, дин, санъат, маданият ва бошқалар) билан боғлиқ бўлади. Масалан, шахсдаги турли ғоялар, фикрлар ва мафкура мафкуравий муносабатлар тизими таъсирида шаклланиб, улар бевосита оила, боғча, мактаб, бошқа ўқув ва тарбия муассасалари орқали онгга сингдирилади. Агар бу таъсир унинг эътиқоди даражасида кўтарилса ва унда яна янгидан янги фикрлар ва ғояларнинг пайдо бўлишига олиб келса, шахс тараққиёти жараёнида шундай фаолият соҳасини танлайдики, ўз қобилиятлари, малака ва кўникмаларини ривожлантира бориб, зиёли сифатида ё ўқитувчи, ёки врач, ёки олим, кашфиётчи, муҳандис бўлиб, элу - юртига хизмат қилади.

Иқтисодий муносабатлар ҳам шахс онги ва унинг инсоний хусусиятлари шаклланишида катта роль ўйнайди. Масалан, босқичма-босқич бозор муносабатларига ўтаётган Ўзбекистон шароитини оладиган бўлсак, янгича иқтисодий ўзгаришлар, бозор, рақобат, легализация ва шунга ўхшаш янгиликлар ҳар бир шахснинг моддий бойликлар ва уларга бўлган шахсий муносабатларида акс этиб, унинг иқтисодий онги, тафаккури ва иқтисодий хулқи нормаларини белгилайди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар бир шахс ўзига хос қайтарилмас дунё. Дунёда бир-бирига айнан ўхшаш бўлган икки кишини топиш жуда мушкул. Одам ташқи қиёфаси, бўйи-басти билан бошқа бирор кимсага ўхшаши мумкин, лекин феъли, мижози ва шахс сифатидаги хусусиятлари нуқтаи назаридан айнан бир хил инсонлар бўлмайди. Ҳаттоки, олимлар битта тухумда ривожланган эгизакларда ҳам жуда кўп жиҳатдан айнан ўхшашликни қайд қилишган, шахсий сифатларидаги корреляцияда эса баъзи тафовутлар аниқланган.

Шахс – қайтарилмас, у ўз сифатлари ва борлиги билан ноёбдир. Ана шу қайтарилмаслик ва ноёблик асосида унинг индивидуал-психологик хусусиятлари мажмуи ётади. Шу ўринда биз юқорида таъриф берган шахс тушунчаси билан ёнма-ён ишлатиладиган яна икки тушунчага изоҳ бериш ўринли деб ҳисоблаймиз. Бу «индивид» ва «индивидуаллик» тушунчаларидир. ***«Индивид»*** тушунчаси умуман «одам» деган тушунчани тўлдириб, унинг ижтимоий ва биологик мавжудот сифатида мавжудлигини тасдиқлайди ва уни, бир томондан, бошқа одамлардан фарқловчи белги ва хусусиятларини ўз ичига олади, иккинчи томондан, ўзи ва ўзига ўхшашларга хос бўлган умумий ва характерли хусусиятларни қамраб олади. Демак, индивид – инсонга алоқадорлик фактини тасдиқловчи илмий категориядир.

«Индивидуаллик» юқоридаги иккала тушунчага нисбатан торроқ тушунча бўлиб, у конкрет одамни бошқа бир конкрет одамдан фарқловчи барча ўзига хос хусусиятлар мажмуини ўз ичига олади. Шу нуқтаи назардан шахс тизимини таҳлил қиладиган бўлсак, шахснинг индивидуаллигига унинг қобилиятлари, темпераменти, характери, иродавий сифатлари, эмоциялари, хулқига хос мотивация ва ижтимоий установкалари киради. Айнан шу қайд этиб ўтилган категориялар шахсдаги индивидуалликни таъминловчи категориялардир. Унинг маъноси шундаки, бўйи, эни, ёши, сочининг ранги, кўз қарашлари, бармоқ ҳаракатлари ва шунга ўхшаш сифатлари бир хил бўлган инсонларни топиш мумкин, лекин характери, қобилиятлари, темпераменти, фаолият мотивацияси ва бошқаларга алоқадор сифатлари мажмуи бир хил бўлган одамни топиб бўлмайди. Улар – индивидуалдир.

4.2 §. ШАХС ҲАҚИДАГИ НАЗАРИЯЛАР

Шахс ҳақидаги асосий психологик назариялар узоқ ривожланиш йўлини босиб ўтган. Замонавий психологияда шахс ҳақида шаклланган назарий ва методологик қарашлар таҳлил этилиб, қайта ўрганилмоқда. Шахс ҳақида тўғри психологик билимларни олиш учун чет эл психологиясининг ютуқларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Шахс ҳақидаги назарияларни уч қисмга ажратишимиз мумкин:

I. Шахс ҳақидаги анъанавий назариялар (В.Дильтей, К.Левин, В. Штерн, З.Фрейд, К. Юнг ва б.);

II. Янги назариялар (Г. Айзенк, Д. Кеттел, А. Маслоу, Г. Оллпорт, К. Роджерс, К. Хорни ва б.);

III. Энг янги назариялар (Э. Берн, К. Леонгард, Д. Мид, Г. Салливен, Сире, Э. Фромм ва б.).

I. Шахс ҳақидаги анъанавий назариялар ичида фрейдизм етакчи ўрин эгаллайди. Бу назарияга австриялик олим З. Фрейд асос солган. Фрейдизм шахс ривожланиши ва структурасини онгимиз учун иррационал ва антогонистик бўлган психик далиллар билан тушунтиради ва шу асосида

психотерапия техникасини қўллайди. З. Фрейд ўзи даволаётган кишилардаги касаллик сабабларини уларнинг ёшлигидан қидирган. Маълум бир руҳий касалликлар (ёки комплекслар) инсоннинг ёшлик давридаги воқеа ва ҳодисаларга боғлиқ деб ҳисоблайди. Бу комплекслар инсонлар томонидан англанмайди, лекин уларнинг хулқ-атворига қаттиқ таъсир кўрсатади ва салбий оқибатларга олиб келади. Ҳар хил методлар (эркин ассоциациялар методи, гипноз, хато ҳаракатлар методи ва б.) ёрдамида З.Фрейд психик нуқсонларнинг сабабларини англаш ижобий даволовчи эффектга эга эканлигини исботлаган.

Бу эса Фрейдга шахс психик ҳаётининг уч даражасини аниқлашга ёрдам берган: онгсиз, онг олди, онгли.

Онгсиз – барча инстинктларнинг манбаи.

Онг олди – унинг мазмуни инсон томонидан осон англаниши мумкин.

Онгли – доимий равишда онгсиз билан тўқнашадиган ижтимоий норма ва ижтимоий нормага зид бўлган ҳаракатларни ўз ичига олади.

Фрейд шахс ривожланишида болалик даври муҳим рол ўйнашини кўрсатади. Бу даврда инсоннинг психик хусусиятлари шаклланишини таъкидлайди. Психоанализ вазифаси – кейинчалик психозга олиб келадиган нуқсонларни вақтида аниқлашдан иборат. Шундай қилиб, шахсни ўрганишда З. Фрейднинг тадқиқотларини инобатга олишимиз керак. Лекин фрейдизмнинг фақат бир томонлама ўрганилган ва бугунги кунда ўз ечимини топмаган ғоялари ҳам бор.

Густав Юнг (1875-1961 й.), швециялик психиатр, психолог, аналитик психология асосчиси. Базель университетида таҳсил олган ва 1901-1912 йилларда З. Фрейднинг энг яқин ходими бўлган. Халқаро психоаналитик жамоанинг биринчи раиси (1911-1914 й.) бўлиб сайланган.

Юнгнинг психологик қарашлари инсон психикасида «онгли» ва «онгсиз»ни ажратишга йўналтирилган эди. Унинг фикрича, онгсиз хулқ-атворни белгилашда етакчи рол ўйнайди. Олимнинг фикрича онгсиз икки шаклда мавжуд:

А) индивидуал (шахсий)

Б) жамоавий – олдинги авлодлар тажрибалари сингдирилган психик фонд. Бу фонднинг мазмунини инстинктлар, қизиқишлар, архетиплар ташкил этади.

Агар инстинкт ва қизиқишлар К. Юнг томонидан маълум бир хулқ-атворни келтириб чиқарадиган туғма эҳтиёж ва туртки сифатида кўрилса, архетиплар ижод, тушлар, мифлар асосини ташкил этади.

К.Юнг шахсларни интроверт ва экстравертларга ажратган.

Интровертлар ўз хулқ-атворларининг **ички** сабабларини аниқлашга ҳаракат қилади. Улар камгап, ижтимоий пассив, ўз-ўзини таҳлил қилишга мойил, мулоқотга киришмайдиган бўладилар.

Экстравертлар эса ўз назарларини **ташқи** атрофдаги оламга қаратадилар. Улар импульсив, мулоқотга осон кириб кета оладиган ва ҳар қандай шароитга ҳам осонликча киришиб кета оладиган бўлади.

Психиканинг у ёки бу функциясининг етакчилигига қараб К. Юнг шахснинг қуйидаги типларини аниқлаган:

а) фикрловчи;

б) эмоционал;

в) ҳис этувчи;

г) интуитив.

К. Юнг томонидан олиб борилган юқоридаги тадқиқотлар инсон психикасини тизимли равишда тушунишга ёрдам берди.

Шахс ҳақидаги анъанавий назариялардан яна бири Курт Левин томонидан таклиф этилган «майдон назарияси»дир.

Назариянинг асосий ҳолатлари қуйидагилардан иборат. Биринчидан, субъект ҳодисалар оламини нисбий тушунчалар орқали тизимлаштиради. Бу ерда дунё асосий хусусиятга эга бўлган яхлитлик феномени сифатида тушунилади. Бундан келиб чиқиб, ташқи физик майдон ва шахснинг «психик майдон»ини ажратишимиз мумкин. Психик майдонда (ҳар хил психик валентликка эга бўлган) тортувчи ва итарувчи кучлар мавжуд. Шахсий ядрони турғун истаклар ташкил этиб, мотивацион компонентлар силжиши билан ўзгариб боради. Мотивларни аниқ бир объектлар – «ҳаётий майдон»нинг ҳар хил ҳудудлари ташкил этади.

К. Левиннинг «майдон назарияси» шахс хулқ-атворининг динамик тизими ҳақидаги концепциясини ишлаб чиқишга ёрдам берди. Шунингдек Левин томонидан шахснинг гуруҳдаги ҳолати, лидерлик, низолар ва бошқа муаммолар ўрганилган.

Бу назариялардан ташқари В. Дильтеемнинг (1833-1911 й.) шахс дунёқарашлари турлари ҳақидаги назарияси ҳам диққатга сазовордир.

Шахс ҳақидаги билимларни такомиллаштиришда В. Штерннинг (1871-1938 й.) шахс хулосалари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Шундай қилиб, анъанавий назариялар шахс психологияси ҳақидаги фундаментал билимларга эга. Уларни билиш ҳар бир инсоннинг ички психик хусусиятларини очиб беришга ёрдам беради.

П. Шахс ҳақидаги янги назариялар шахс антропологизацияси ва психологизациясига тааллуқли ғоя, қарашлар ва концепцияларни қамраб олади.

Шахс ҳақидаги янги назариялар ичида кўп олимлар ҳаракатлари билан вужудга келган гуманистик психология етакчи ўрин эгаллайди.

Гордон Олпорт (1897-1967 й.) томонидан шахсни тизимли ўрганиш назарияси таклиф этилган. Бу назария шахсни ривожланувчи ва очиқ психофизиологик тизим сифатида кўриб чиқишга ёрдам беради.

Карл Роджерс (1902-1987 й.) гуманистик психология етакчиларидан бири бўлиб, шахснинг фундаментал компоненти сифатида ўз ҳаётий концепцияси ётади, деб ҳисоблайди. У «Мен-Концепцияси»нинг асосий ҳолатларини таклиф этган. Бу назарияга кўра қуйидаги ҳолатлар муҳим аҳамиятга эга:

– нормал инсонларнинг мулоқоти индеректив, яъни шахсиятга

тегмайдиган, ҳар бир инсоннинг индивидуал ёндашувини ҳурмат қиладиган бўлиши керак;

– шахс маркази ёки илдизи атрофдагилар билан ўзаро ҳамкорлик натижасида шаклланадиган ўз-ўзини баҳолашга асосланади;

– «Мен-концепцияси» организмдаги ва ижтимоий сезгиларнинг келишилган композицияси сифатида шаклланади;

– ижтимоий муҳитда тезлашадиган ва тормозланадиган «Мен»нинг ўсиши шахснинг етакчи мотиви ҳисобланади;

«Мен-концепцияси» ва идеал «Мен» ўртасидаги қаршилик инсонни шахсий ўсишга олиб келади. К. Роджерс «Мен-концепцияси»ни ривожлантирувчи психологик механизмларни ишлаб чиққан.

Гуманистик психологиянинг ёрқин намояндаси Абрахам Маслоу (1907-1970 й.) шахс ва унинг намоён бўлиш шаклларини (севги, ижод, маънавий қадриятлар ва б.) таҳлил қилишга оид яхлит ёндашувни таклиф этган. А. Маслоу инсон мотивациясининг иерархик моделини яратган.

Эҳтиёжлар шажара (пирамида)сига Маслоу қуйидагиларни киритади:

1. Self- actualization needs — ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш, ўз имкониятларини амалга ошириш эҳтиёжи;

2. Esteem needs— бошқалар томонидан тан олиниш эҳтиёжи;

3. Needs for belongingness and love— ижтимоий алоқалар, севилиш ва севишга бўлган эҳтиёж;

4. Safety needs— хавсизликка бўлган эҳтиёж;

5. Deficiency needs — физиологик эҳтиёжлар.

Таклиф этилган концепцияга асосан шахсни ҳар томонлама таҳлил қилиш имконияти мавжуд. Бунда турли хил ҳаракатлар ва хулқ-атворнинг табиати очиб берилади.

Янги назариялар ичида Мэрфи таклиф этган «Инсон уч табиатининг биоижтимоий назарияси» ҳам катта аҳамиятга эга. Мэрфининг фикрича, бу табиатлар қуйидагиларни ўз ичига қамраб олади:

Биринчи табиат – инсон ақлли ва энг муҳим ҳисобланган ижтимоий инстинктга эга бўлган биологик мавжудотдир.

Иккинчи табиат – инсоннинг дунёни идрок қилиш усули маданият билан чекланади.

Учинчи табиат – инсон доим индивидуал ижод қилишга интилади.

Психологлар ичида биоижтимоий назария тарафдорлари кўп. Масалан, Айзенк шахснинг икки ўлчамли моделини яратган. Бунда шахс психобиологик феномен сифатида кўрсатилган. Шахснинг асосий характеристикалари икки ўлчамда аниқланади:

“интровертлик-экстравертлик”, «эмоционал турғунлик нейротизм».

Биоижтимоий назариялар доирасида Д. Кеттел «Шахсий хусусиятларнинг факторли концепцияси»ни таклиф этган. Бу концепцияга

кўра шахсни тадқиқ қилишда энг асосийси инсондаги умумлашган ва бир-бирини тўлдирадиган хусусиятларни ўрганиш деб кўрсатилган.

III. Шахс ҳақидаги энг янги назариялар психологияда кенг кўрсатилган.

Эрик Берн (1902-1970) трансакт таҳлилнинг асосларини ишлаб чиқиб, уни шахс сифатларини такомиллаштиришда назарий ва амалий асос деб таклиф этган.

Эрик Фромм (1900-1980) гуманистик ва радикал-гуманистик психоанализга асос солган.

Жорж Герберт Мид (1863-1931) ижтимоий бихевиоризмни асослаб берган.

Гарри Стэк Салливэн (1892-1949) неофрейдизм доирасида «Психотерапиянинг шахслараро назарияси»ни таклиф этган.

Карл Леонгард «Шахсий акцентуациялар назарияси»ни илгари сурган. У шахс психологиясида манфаатлар йўналганлиги доирасини (эгоизм, альтруизм, манманлик) ва ҳиссий-иродавий доирани (эмоцияларнинг кечиш жараёни, уларнинг пайдо бўлиш тезлиги, чуқурлиги, иродани кучли ёки кучсизлиги, қўзғалувчанлиги) ажратган.

Психологияда янгилик сифатида Сирс томонидан ишлаб чиқилган ва асосланган «Интеракциянинг диадик назарияси» тан олинган. Бу назарияга кўра психологик таҳлилнинг дастлабки бирлиги – диад тизимдир. Бу тизим бир ёки икки кишининг мужассамлашган ҳаракатларини ёритади; шахс фақат диад вазиятларда шаклланади; шахс хусусиятлари «диад вазиятларда ўлчаниши мумкин»; ҳар бир индивид ҳаракатлари бошқа инсон хулқ-атворига йўналтирилган бўлиб, уларга боғлиқ бўлади.

Жорж Александер Келли (1905-1966) «Шахсий конструктлар психологияси»ни яратган. Ушбу концепцияга кўра психик жараёнларнинг ташкил этилиши шахс томонидан келажакдаги воқеаларни кўра билиши («конструкциялаши»)га боғлиқ. Келлининг фикрича, ҳар бир инсон тадқиқотчидир. У ўз «шахсий конструктлари» орқали келажакдаги воқеалар образлари ва фаразларини яратади. Ушбу фаразларнинг амалга ошмаслиги конструктлар тизимининг ўзгаришига олиб келади. Бу ўзгаришлар келажакдаги фаразларнинг аниқроқ бўлишини таъминлайди.

Умуман олганда, шахс ҳақидаги психологик билимларнинг бойлиги инсон ва унинг хулқ-атвори, фаолияти сирларини чуқурроқ ўрганишга ёрдам беради. Чет эл психологияси ютуқларининг инобатга олиниши шахс ҳақидаги тасаввурларни янада бойитади. Бу эса шахснинг психологик структурасини аниқлаш ва унинг самарали ривожланишини таъминлашга хизмат қилади.

Шахс психологик структурасининг пойдеворини унинг психик хусусиятлари ташкил этади: шахснинг йўналганлиги, темпераменти, характери ва қобилиятлари.

Шахснинг йўналганлиги. Шахс ижтимоий мавжудот бўлгани учун

ўзи яшаётган ижтимоий муҳит билан чамбарчас боғликдир. Инсон ўзи учун зарур бўлган барча нарсаларни ўз мақсади ва вазифаларига кўра жамиятдан олади.

Инсон фаолияти, унинг жамиятдаги хулқ-атвори доим субъектив характерга эга бўлиб, ўз эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бўлади. Бу эҳтиёжларда шахснинг ҳаёти ва тарбияси жараёнида шаклланган хусусиятлари акс этиб, шахснинг жамиятга ва ўз фаолиятига бўлган муносабатларини, махсус ижтимоий муҳитдаги хулқ-атворини белгилайди.

Шахснинг йўналганлиги юқоридаги хусусиятларини мужассамлаган ҳолда намоён бўлади. Шахс йўналганлигида шахс эҳтиёжлари, мотивлари, дунёқараши, установкалари, ҳаёт ва фаолият мақсадлари акс этади.

4.3 §. ШАХС ИНДИВИДУАЛ-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ.

Шахснинг индивидуал хусусиятлари унинг туғма, биологик хусусиятларига боғлиқ. Чунки аслида шахс, бир томондан, ижтимоий мавжудот бўлса, иккинчи томондан, биологик – яхлитлик, туғма сифатларни ўз ичига олган индивид ҳамдир.

Қобилиятлар – шахсдаги индивидуал, турғун сифатлар бўлиб, улар одамнинг турли хил фаолиятдаги кўрсаткичлари, ютуқлари ва қийинчиликлари сабабларини тушунтириб беради.

Темперамент – инсоннинг турли вазиятларда нарса, ҳодиса, ҳолатлар ва инсонларнинг хатти-ҳаракатларига нисбатан реакциясини тушунтириб берувчи хусусиятлари мажмуидир.

Характер – шахснинг алоҳида инсонлар ва инсонлар гуруҳи, ўз-ўзига, вазиятлар, нарсалар ва ҳодисаларга нисбатан муносабатларидан орттирадиган сифатларини ўз ичига олади.

Иродавий сифатлар – ҳар биримизнинг ўз олдимизга мақсад қўйиб, унга эришиш йўлидаги қийинчиликларни енгишимизни таъминловчи маълум сифатларимиз мажмуини ўз ичига олади.

Эмоциялар ва мотивация эса атрофимизда содир бўлаётган ҳодисалар, бизни ўраб турган одамлар ва уларнинг хатти-ҳаракатларини руҳан қандай қабул қилиб, уларга билдирадиган ҳиссий муносабатларни билдирувчи сифатлар бўлиб, улар айни вазиятлардаги реал ҳолатлар ва уларнинг онгда акс этишидан келиб чиқади.

Ижтимоий установка – юқоридаги барча хусусиятлар мажмуига эга инсоннинг турли ижтимоий вазиятлардаги фаолият ва ҳаракатларга руҳан ҳозирлиги ҳамда муносабат билдириш услубидан келиб чиқадиган чуқур ички ҳолатидир.

Биз юқорида санаб ўтган индивидуал-психологик хусусиятларнинг аҳамияти катта. Улар жамиятдаги ўрнимиз, обрў-эътиборимиз, ишдаги ва ўқишдаги ютуқларимиз, инсон сифатидаги қиёфамизни, ким эканлигимизни, керак бўлса, ўзлигимизни белгилайди. Ким билан қаерда учрашмайлик, ўша инсоннинг бугунги ҳолати, қайфияти, фикрларга муносабати, ҳамкорликда ишлаш тилак-истакларига доимо эътибор берамиз

ва бу масала биз учун муҳим бўлади. Худди шундай суҳбатдош ҳам суҳбатнинг бошиданоқ, бизни ўргана бошлайди. Чунки агар суҳбатдошлар бир-бирларини билсалар, биргаликдаги фаолиятни самарали ташкил этиш ва ундан фойда олиш имконияти кўпроқ бўлади. Шунинг учун ишда ҳам, дам олишга отланган чоғда ҳам, қаерда бўлса ҳам ўзимизга «қўшни» танлаганда унинг инсон сифатида қандай эканлигига қизиқамиз. Агар суҳбатдош ёки шерик бизга таниш бўлмаса, уни таниганлардан олдиндан сўраб оламиз ва бунда айнан унинг нимага қобиллиги, феъли, ишга, одамларга муносабатини сўраймиз ва у тўғрисида «Жуда хушфеъл, одамгир...» каби таснифларни эшитгимиз келади. Бирор ерга ишга кираётган пайтда ҳам раҳбар, албатта, ўзига яқин одамлардан янги ходимнинг характери, қобилияти ва муҳим нарсаларга муносабатини албатта сўрайди ва шу асосда суҳбатга тайёрланади.

Демак, индивидуал сифатлар онгли ҳаётнинг ажралмас кисми, идрок, хотира ва фикрлар йуналтирилган *муҳим предмет* экан. Чунки айнан улар турли фаолиятларни амалга ошириш ва ишларни бажаришдаги индивидуал услубга бевосита алоқадор. Кимдир жуда чаққон, тез иш қилади, лекин сифатсиз. Кимдир жуда яхши, қойилмақом иш қилади, лекин жуда секин, кимдир ишга юзаки қараб, номига уни бажарса, бошқа бир одам унга бутун вужуди ва эътиқоди билан муносабатда бўлиб, тинимсиз изланади ва жамият учун манфаат қидиради. Шунинг учун ҳам индивидуалликнинг фаолият ва мулоқотдаги самарасини инобатга олиб, энг муҳим индивидуал-психологик хусусиятларни алоҳида ўрганамиз.

4.4 §. ТЕМПЕРАМЕНТ

Шахснинг индивидуал хусусиятлари ҳақида гап кетганда, уларнинг туғма, биологик хусусиятларига алоҳида эътибор берилади. Чунки аслида, бир томондан, шахс ижтимоий мавжудот бўлса, иккинчи томондан, биологик яхлитлик, туғма сифатларни ўзичига олган субстрат-индивид ҳамдир. Темперамент ва лаёқатлар индивиднинг динамик-ўзгарувчан психик фаолияти жараёнини таъминловчи сифатларини ўзичига олади. Бу сифатларнинг аҳамияти шундаки, улар шахсда кейин онтогенетик тараққиёт жараёнида шаклланадиган бошқа хусусиятларга асос бўлади. Одам темпераментига алоқадор сифатларнинг ўзига хослиги шундаки, улар одам бир фаолият туридан иккинчисига, бир эмоционал ҳолатдан бошқасига, бир малакаларни бошқаси билан алмаштирган пайтларда реакцияларнинг эгилувчан ва динамиклигини таъминлайди ва шу нуқтаи назардан караганда ***темперамент*** *– шахс фаолияти ва хулқининг динамик (ўзгарувчан) ва эмоционал-ҳиссий томонларини характерловчи индивидуал хусусиятлар мажмуидир.*

Темперамент хусусиятлари шахснинг ички тузилмаси билан бевосита боғлиқ бўлиб, уларнинг намоён бўлиши унинг конкрет вазиятларга муносабати, экстремал вазиятларда ўзини қандай тутишини белгилаб беради. Масалан, инсон турли вазиятларда ўзини турлича тутади: олий ўқув

юртида талабалар сафига қабул қилганлиги тўғрисидаги ахборотни эшитган боланинг ўзини тутиши ёки ҳаётнинг оғир синовлари (яқин кишининг ўлими, ишдан ҳайдалиш, дўстнинг хоинлиги каби) пайтида одам беихтиёр намоён қиладиган реакциялари унинг темпераментидан келиб чиқади. Шунинг учун иккала вазиятни ҳам кимдир оғир-босиқлик билан, бошқаси эса ўзини йўқотгудек даражада ҳис-ҳаяжон билан бошидан кечиради. Шунинг учун ҳам темпераментнинг шахс шаклланиши ва ижтимоий муҳитда ўзига хос мавқени эгаллашидаги аҳамияти жуда катта. Ўзини босиб олган, ҳаёт қийинчиликларини сабр-бардош билан кўтарадиган инсоннинг одамлар орасидаги обрўси ҳам баланд бўлади. Бу унинг ўз-ўзига нисбатан ҳурматини оширади, ишга, одамларга ва нарсаларга муносабатини такомиллаштириб боришига имкон беради. Темпераментнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, у ҳаётий воқеалар ва вазиятларни, жамиятдаги ижтимоий гуруҳларни «яхши - ёмон», «аҳамиятли - аҳамиятсиз» мезонлари асосида ажратишга имкон беради. Яъни, темпрамент одамнинг ижтимоий объектларга нисбатан «сезгирлигини» тарбиялайди, профессионал маҳорат ва касб малакасининг ошиб боришига ёрдам беради.

Темпераментга хос хусусиятлар аслида туғма ҳисобланса-да, шахсга бевосита алоқадор ва англанадиган бўлгани учун ҳам маълум маънода ўзгариб боради. Шунинг учун ҳам туғилган чоғида сангвиникка ўхшаш ҳаракатлар намоён қилган болани умрининг охиригача фақат шундайлигича қолади, деб бўлмайди. Демак, ҳар бир темперамент хусусиятлари ва унинг шахс тизимга алоқасини билиш, шунга яраша хулосалар чиқариш керак.

Академик И. Павлов темперамент хусусиятларини белгилаб берувчи уч олий нерв тизими хоссаларини ажратган эди:

к у ч, яъни нерв тизимининг кучли кўзғатувчилар таъсирига бардоши, шунга кўра одамларда меҳнатга яроқлилик, чидам каби сифатларнинг намоён бўлиши:

м у в о з а н а т л а ш г а н л и к, яъни асабдаги тормозланиш ва қўзғалиш жараёнларининг ўзаро мутаносиблиги, шунга кўра ўзини тута олиш, босиқлик каби сифатлар ва уларга тескари сифатларнинг намоён бўлиши;

ҳ а р а к а т ч а н л и к, яъни қўзғалиш ва тормозланиш жараёнларидаги ўзаро алмашиниш жараёнининг тезлиги ва ҳаракатчанлиги маъносида. Қуйидаги расмда нерв жараёнлари билан темперамент типлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик асосида темперамент типлари акс эттирилган.

6 - расм

НЕРВ СИСТЕМАСИНИНГ ТИПЛАРИ			
Мувозанатлашган	мувозанатсиз	инерт	Кучсиз
сангвиник	холерик	флегматик	Меланхолик
Т Е М П Е Р А М Е Н Т			

Шундай қилиб, асаб тизими билан боғлиқ индивидуал сифатларни билиш шарт, чунки улар бевосита меҳнат ва ўқиш жараёнларини ҳар бир инсон томонидан, унинг манфаатларига мос тарзда ташкил этишга хизмат қилади. Асабга боғлиқ бўлган табиий хусусиятларни ҳам умуман ўзгармас деб айтолмаймиз, чунки табиатда ўзгармайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Шунинг учун ҳам охирги йилларда ўтказилаётган тадқиқотларда шахс тизимида шундай маъқул, «ҳаётий кўрсаткичли» хусусиятлар тизими ўрганилмоқда ва унда темпераментга алоқадор сифатлар ҳам назарда тутилмоқда. Масалан, В.С. Мерлин темпераментнинг психологик таснифи ва уларнинг ҳаётий вазиятларда намоён бўлишини бошқариш масаласида кўп ишлар қилган. Унинг фикрича, инсонда мавжуд бўлган фаоллик, босиқлик, эмоционал тетиклик, ҳиссиётларнинг тезда намоён бўлиши ва ўзгарувчанлиги, кайфиятнинг турғунлиги, беҳаловатлилик, ишчанлик, янги ишга киришиб кетиш, малакаларнинг тез ҳосил бўлиши каби қатор сифатлар асосида шахсдаги ўша экстроверсия ва интроверсия хоссалари ётади, уларнинг характер хусусиятларини тарбиялаш орқали темпераментни бошқариш мумкин.

Шулардан келиб чиққан ҳолда шахснинг меҳнат қилиш услубини танлаш ва профессионал маҳоратни ўстиришда айни шуларга эътибор бериш керак. Масалан, баъзилар холерикларга ўхшаш қизиққон, тезкор бўлишади. Уларнинг меҳнат жараёнидаги ишини кузатадиган бўлсак, фаоллик, ишни тез бажаришга лаёқат ижобий бўлса, унинг сифати, чала ташлаб кетиш хавфи, баъзи томонларига юзаки қараши кишини ўйлантиради. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, ҳаётда соф темперамент ҳам бўлмайди ва у ёки бу темперамент типи жуда яхши ҳам эмас. Ҳар бир типнинг ўзига хос нозик, кучсиз томонлари ва шу билан бирга кучли, ижобий томонлари ҳам бўлади.

Темперамент типларининг психологик тавсифи қуйидаги муҳим хусусиятлар ёрдами билан аниқланиши мумкин:

1. Сензитивлик *(лот. «sensus» - сезиш, ҳис қилиш)* - инсонда бирорта психик реакцияни ҳосил қилиш учун зарур бўлган ўта кучсиз ташқи таассурот кучига қараб мулоҳаза юритилади. Жумладан, сезгиларнинг пайдо бўлиши учун керак қўзғовчининг озгина кучи (уларнинг қуйи чегараси), эҳтиёжлар қондирилмаслигининг сезилар-сезилмас даражаси (шахсга руҳий азоб берувчи) мужассамлашиши тушунилади.

2. Реактивликда айнан бир хил куч билан таъсир этувчи ташқи ва ички таассуротларга шахс қандай куч билан эмоционал реакция қилишига қараб муносабат билдирилиб, унинг ёркин рўёбга чиқиши – эмоционаллик, таъсирчанликда ифодаланади.

3. Фаоллик – инсон қандайдир фаоллик даражаси билан ташқи оламга таъсир этиши ва мақсадларни амалга оширишида объектив ҳамда субъектив қарама-қаршиликларни фаоллик билан енгишидир.

4. Реактивлик билан фаолликнинг ўзаро муносабатида

одамнинг фаолияти кўп жиҳатдан нимага боғлиқлигига биноан, чунончи тасодифий тарздаги ташқи ва ички шароитларда (кайфиятга, фавқулоддаги ҳодисаларга) ёки мақсадларга, эзгу ниятларга, хоҳиш-интилишларга кўра фикр билдириш назарда тутилади.

5. Реакция темпи **–** турли хусусиятли психик реакциялар ва жараёнларнинг кечиш тезлигига, бинобарин, ҳаракат тезлигига, нутқ суръатига, фаросатлиликка, ақл тезлигига асосланиб хулоса чиқаришдир.

6. Ҳаракатларнинг силлиқлиги ва унга қарама-қарши сифат – ригидлик (қотиб қолганлик) шахснинг ўзгарувчан ташқи таассуротларга қанчалик енгиллик ва чаққонлик билан мувофиқлашишига (силлиқлик билан мослашишга), шунингдек, унинг хатти-ҳаракатлари қанчалик суст ва заифлиги (ригидлиги – қотиб қолганлиги)га нисбатан баҳо беришдан иборатдир.

Экстравертлик ва интравертлик шахснинг фаолияти ва реакцияси кўп жиҳатдан нималарга боғлиқлигига, чунончи фавқулоддаги ташқи таассуротларга (экстравертлик) ёки, аксинча, тимсоллар, тасаввурлар, ўтмиш ҳамда келажак билан уйғунлашган мулоҳазаларга (интровертлик) тааллуқлигига асосланган муносабат ифодасидир.

Сангвиник – жуда фаол, қизиқувчан бўлиб, атрофдаги нарсалар, инсонлар диққатини тез жалб этади. Имо-ишораларни кўп ишлатади, унинг чеҳрасига қараб кайфиятини англаб олиш қийин эмас. Жуда сезгир бўлишига қарамай, кучсиз таъсир(қўзғатувчилар)ни сеза олмайди, серғайрат, ишчан, толиқмасдир. Фаоллик билан реактивлик муносабати мувозанатли бўлади, имтизомли, ўзини тия билади ва бошқара олади. Унинг хатти-ҳаракати жўшқин, нутқ суръати тез, янгиликни тез пайқайди, ақл идроки теран, топқир, қизиқишлари, кайфияти, интилишлари ўзгарувчандир. Кўникма ва малакаларни тез эгаллайди, кўнгли очиқ, дилкаш, мулоқотга тез киришади, унинг хаёлоти (фантазияси) юксак даражада ривожланган, ташқи таъсирларга ҳозиржавоб бўлади.

Холерик – суст сензитивлик хусусиятига эга бўлиб, жуда фаол ва реактивдир. Кўпинча реактивлиги фаолликдан устун келиб, у бетоқатлик, серзардалик ва гиперактивликни намоён қилади. Сангвиникка қараганда қўзғалувчан, лекин кўпроқ ригид, қизиқишлари, интилишлари барқарор, хатти-ҳаракатларда қатъийлик мавжуд бўлса-да, бироқ диққатни бир жойга тўплашда қийналади, нутқ суръати тез ва ҳоказо.

Флегматик – сензитивлиги суст, ҳис-туйғуси (эмоцияси) кам ўзгарувчан, шунга кўра бундай шахсни қулдириш, жаҳлини чиқариш, кайфиятини бузиш қийин бўлиб, кўнгилсиз ҳодиса, хавф-хатар ҳақидаги хабарга хотиржамлик билан муносабатда бўлади. Вазмин, кам ҳаракат, имо-ишораси, мимикаси кўзга яққол ташланмаса-да, лекин серғайрат, ишчан, фаол, чидамли, матонатлидир. Унинг нутқ ва ҳаракат суръати суст, фаросати қийинроқ. Диққатни тўплаши осойишта, ригид кўринишида бўлиб, диққатни кўчириши қийин кечади. Интравертлашган, кам гап, ичимдан топ тоифасидан бўлиб, янгиликни қабул қилиши мураккаб ва ташқи таъсирларга сустлик билан жавоб беради.

Меланхолик – сензитивлиги юксак, тортинчоқ, ғайратсиз, аразчан, хафақон бўлади. У жимгина йиғлайди, кам кулади, қатъийлиги ва мустақиллиги заиф, тез толади, ортиқча ишчан эмас. Диққати барқарор, ҳис-туйғуси суст ўзгарувчан, ригид ва интравертлашган. Психологик маълумотларда эътироф этилишича, ирсият ва турмуш шароитлари темперамент типлари ўртасидаги тафовутларнинг сабабчиси экан. Шунинг учун ирсий физиологик хусусиятлари бир хил ва битта тухумдан яралган (гомозигот) эгизакларнинг темперамент хусусиятларини иккита тухумдан вужудга келган (гетерозигот) эгизакларнинг темперамент хусусиятлари билан қиёсланса, бу омил тасдиқланиши мумкин экан. Маълумотларга қараганда, гетерозигот эгизаклардан фарқли ўлароқ, гомозигот эгизаклар темперамент хусусиятлари шунчалик ўхшар эканки, ҳатто улар ирсият йўли билан берилиш омилларини 85% тасдиқлаш имкониятига эга экан. Тарбиявий муҳит турлича бўлишига қарамай, ўхшашлик сақланиб қолиши тажрибаларда кўп марта текширилган, лекин темпераментнинг айрим хусусиятлари ўзгариши тўғрисидаги маълумотлар инкор этилмайди, унга фавқулоддаги ташқи ҳамда ички шароитлар кескин таъсир ўтказади (масалан, тоғ шароити, хавф-хатар мавжудлиги ва ҳоказо.).

Шуни таъкидлаш ўринлики, олимлар фикрича, темпераментни фаолият талабларига мослаштириш (мувофиқлаштириш) имконияти мавжуд экан. Чунки ҳар қандай фаолият психик жараёнлари динамикасига муайян талаблар тизимини қўяди. Хусусан:

- касб-ҳунарларнинг инсонлар темпераментига мос турини танлаш керак, чунки уларнинг психик хусусиятларига мутаносиб касбни танлаш профессионал танлаш дейилади;
- шахсларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш жоиз;
- темпераментга хос камчиликларни (салбий иллатларни) бартараф этиш лозим;
- инсонларда индивидуал услубни шакллантириш зарур. Чунки шахснинг фаолиятига онгли, фаол ва ижодий муносабатда бўлиши муваффақиятлар гаровидир.

4.5 §. ҚОБИЛИЯТ

Одамларнинг ўқув, меҳнат ва ижодий фаолиятидаги ўзига хосликни тушунтириш учун психология фани, биринчи навбатда, қобилиятлар ва иқтидор масаласига мурожаат қилади. Чунки қобилиятли одамдан, аввало, жамият манфаатдор, қолаверса, ўша инсоннинг ўзи ҳам қилган ҳар бир ҳаракатидан ўзи учун наф кўради.

Қобилиятлар муаммоси, энг аввало, инсон ақлу-заковатининг сифати, ундаги малака, кўникма ва билимларнинг борлиги масаласи билан боғлиқ. Айниқса, бирор касбнинг эгаси бўлиш истагидаги ҳар бир ёшнинг ақли ва интеллектуал салоҳияти унинг малакали мутахассис бўлиб етишишини кафолатлагани учун ҳам психологияда кўпроқ қобилият тушунчаси ақл

заковат тушунчаси билан боғлаб ўрганилади. Ҳар бир нормал одам ўзининг ақлли бўлишини хоҳлайди, «Мен ақллиман» демаса-да, қилган барча ишлари, гапирган гапи, юритган мулоҳазаси билан айнан шу сифат билан одамлар уни мақташларини хоҳлайди. «Ақлсиз, нодон» деган сифат эса ҳар қандай одамни, ҳаттоки, ёш болани ҳам хафа қилади. Яна шу нарса характерлики, айниқса, шарқ ҳалқларида бирор кимсага нисбатан «ўта ақлли» ёки «ўта нодон» иборалари ҳам ишлатилмайди, бу хусусиятлар ўртача таснифлар доирасида ишлатилади: «Фалончининг ўғли анчагина ақлли бўлибди, наригининг фарзанди эса бироз нодон бўлиб, ота-онасини куйдираётган эмиш» деган иборалар аслида «ақллилик» категорияси инсоннинг юрагига яқин энг нозик сифатларига алоқадорлигини билдиради.

Илм-фандаги анъаналар шундайки, ақл ва идрок масаласи, одамнинг интеллектига боғлиқ сифатлар жуда кўплаб тадқиқотлар объекти бўлган. Олимлар қобилиятларнинг ривожланиш механизмлари, уларнинг психологик таркиби ва тизимини аниқлашга, ишончли методикалар яратиб, ҳар бир кишининг ақли сифатига алоқадор бўлган кўрсаткични ўлчашга уринганлар. Кўпчилик олимлар одам интеллектида унинг вербал (яъни сўзларда ифодаланадиган), миқдорий (сонларда ифодаланадиган), фазовий кўрсаткичларни аниқлаб, уларга яна мантиқ, хотира ва хаёл жараёнлари билан боғлиқ жиҳатларни ҳам қўшганлар. Ч. Спирмен факторли таҳлил методи ёрдамида юқорида санаб ўтилган кўрсаткичлар ўртасида боғлиқлик борлигини исбот қилиб, ақлнинг ҳақиқатан ҳам мураккаб тузилмага эга бўлган психик хусусият эканлигини кўрсатди. Бошқа бир олим Ж. Гильфорд эса ақлни бир қатор ақлий операциялар (анализ, синтез, таққослаш, мавҳумлаштириш, умумлаштириш, системага солиш, таснифлаш) натижасида намоён бўладиган хусусият сифатида ўрганишни таклиф этган. Бу олимлар ақл сўзидан кўра интеллект сўзини кўпроқ ишлатиб, бу сўзнинг ўзига хос талқини борлигига эътиборни қаратганлар. Чунки уларнинг фикрича, интеллектуал салоҳиятга эга бўлган шахснигина қобилиятли, деб аташ мумкин. Интеллектуал салоҳият эса, бир томондан, ҳаётдаги барча жараёнларга, бошқа томондан, шахсга бевосита алоқадор тушунча сифатида қаралган ва унинг аҳамияти шундаки, у борлиқни ва бўладиган ҳодисаларни олдиндан башорат қилишга имкон беради. Шу ўринда «интеллект» сўзининг луғавий маъносини тушуниб олайлик. Интеллект – лотинча сўз “intellectus” тушуниш, билиш ва “intellectum” ақл сўзлари негизидан пайдо бўлган тушунча бўлиб, у ақл-идрокнинг шундай бўлагики, уни ўлчаб, ўзгартириб, ривожлантириб бўлмайди. Бу интеллект ва у билан боғлиқ қобилиятлар ижтимоий характерга эга эканлигидан дарак беради. Дарҳақиқат, қобилият ва интеллектга бевосита ташқи муҳит, ундаги инсоний муносабатлар, яшаш даври таъсир кўрсатади. Буни биз бугунги кунимиз мисолида ҳам кўриб, ҳис қилиб турибмиз. Янги авлод вакиллари келажагини XXI аср билан боғлаган ўғил-қизларнинг интеллект даражаси уларнинг ота-боболариникидан анча юқори. Ҳозирги болалар компьютер техникасидан тортиб, техниканинг барча турларини жуда тез ўзлаштириб

олмоқда, жахон тилларидан бир нечтасини билиш кўпчилик учун муаммо бўлмай қолди, минглаб топшириқлардан иборат тестларни ҳам ёшлар ўзлаштиришда қийналмаяптилар. Қолаверса, оила муҳитининг ақл ўсишига таъсирини ҳамма билса керак. Агар бола оилада илк ёшлигидан маърифий муҳитда тарбияланса, унинг дунёқараши кенг, хоҳлаган соҳа предметларидан бериладиган материалларни жуда тез ва қийинчиликсиз ўзлаштира олади. Ҳаттоки, бундай болага олий ўқув юртида бериладиган айрим предметлар мазмуни ҳам ўта тушунарли, улар янада мураккаброқ масалаларни ечишни хоҳлайди. Қобилиятлар туғма ва орттирилган сифатлардир. Баъзан ўта иқтидорли ва қобилиятли бола ҳақида гап кетса, ундаги бу сифат туғма эканлигига ишора қилишади. Талантли, гениал олим, санъаткор ёки мутахассис ҳақида гап кетса ҳам, худди шундай. Умуман қобилиятларнинг туғма ёки орттирилган эканлиги масаласи ҳам олимлар диққат марказида бўлган муаммолардан. Психологияда туғмалик аломатлари бор индивидуал сифатлар *лаёқатлар* деб юритилади ва унинг икки хили фарқланади: табиий лаёқат ва ижтимоий лаёқат. Биринчиси одамдаги туғма хусусиятлардан - олий нерв тизими фаолиятининг хусусиятлари, миянинг ярим шарларининг қандай ишлаши, қўл-оёқларнинг биологик ва физилогик сифатлари, билиш жараёнларини таъминловчи сезги органлари – кўз, қулоқ, бурун, тери кабиларнинг хусусиятларидан келиб чиқса (булар наслий ота-онадан генетик тарзда ўтади), ижтимоий лаёқат – бола туғилиши билан уни ўраган муҳит, мулоқот услублари, сўзлашиш маданияти, қобилиятни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар (улар ота-она томонидан яратилади)дир. Лаёқатлилик белгиси – бу ўша индивидга алоқадор бўлиб, у бу иккала лаёқат муҳитини тайёрича қабул қилади. Қобилиятсизлик ва интеллектнинг пастлиги сабабларидан ҳам бири шуки, ана шу икки хил лаёқат ўртасида тафовут бўлиши мумкин. Масалан, гениал рассом оиласида бола туғилди дейлик. Унда рассомчилик учун туғма, генетик белгилар отаси томонидан ўтган бўлиши мумкин, лекин боланинг онаси фарзандининг ҳам рассом бўлишини хоҳламаслиги, ўзига ўхшаш қўшиқчи бўлишини хоҳлаши мумкин. Аёл болани ёшликдан фақат мусиқа муҳитида тарбиялайди. Табиий лаёқатнинг ривожи учун ижтимоий лаёқат муҳити йўқ, ижтимоий лаёқат ўсиши учун эса табиий, туғма лаёқат йўқ бўлгани сабабли, болада ҳеч қандай талант намоён бўлмаслиги, у оддийгина мусиқачи ёки қўшиқчи бўлиш билан чекланиши мумкин. Интеллект тестлари ва қобилиятдаги туғма ва орттирилган белгиларни ўрганишнинг психологик аҳамияти айнан шунда. Илк ёшликдан боланинг ўзидаги мавжуд имкониятларни ривожлантириш шарт-шароитини яратиш ишини тўғри йўлга қўйиш керак. Орттирилган сифати шуки, бола токи билим, малака ва кўникмаларни ўстириш борасида ҳаракат қилмаса, энг кучли туғма лаёқат ҳам лаёқатлигича қолиб, у иқтидорга айланмайди. Энг талантли, машҳур шахсларнинг энг буюк ишлари, эришилган улкан муваффақиятларининг тагида ҳам қисман лаёқат ва асосан тинимсиз меҳнат, интилиш, ижодкорлик ва билимга чанқоқлик ётган. Шуни ҳам унутмаслик керакки, қобилиятсиз одам бўлмайди. Агар шахс адашиб, ўзидаги ҳақиқий иқтидор ёки лаёқатни

билмай, касб танлаган бўлса, табиий, у атрофдагиларга лаёқатсиз, қобилиятсиз кўринади. Лекин аслида унинг нимага қобилияти борлигини ўз вақтида тўғри аниқлай олишмагани сабаб у бир умр шу тоифага кириб қолади.

Шунинг учун ҳам ҳар бир онгли инсон ўзидаги қобилият ва зеҳнни илк ёшликдан билиб, ўша ўзи яхши кўрган, «юраги чопган» иш билан шуғулланса ва ундан қониқиш олиб, қобилиятини ўстиришга имконият топиб, ютуқларга эришса, ***иқтидорли*** дейилади. Иқтидор – инсоннинг ўз хатти-ҳаракатлари, билимлари, имкониятлари, малакаларига нисбатан субъектив муносабатидир. Иқтидорли одам гениал ёки талантли бўлмаслиги мумкин, лекин у ҳар қандай ишда мардлик, чидамлилик, ўз-ўзини бошқара олиш, ташаббускорлик каби фазилатларга эга бўлиб, ўзлари шуғулланаётган ишни бажонидил, сидқидилдан бажаради. Улар ана шундай ҳаракатлари билан баъзи ўта истеъдодли, лекин камҳаракат кишилардан кўра жамиятга кўпроқ фойда келтиради. Иқтидорли инсонда истеъдод соҳиби бўлиш имконияти бор, зеро ***истеъдод*** ҳар томонлама ривожланган, ниҳоятда кучли ва такрорланмас қобилиятдир. У тинимсиз меҳнат, ўз қобилиятини такомиллаштириб бориш йўлида барча қийинчиликларни енгиш, иродаси, бутун имкониятларини сафарбар қилиш натижасида қўлга киритилади.

Қобилиятлар *умумий* ва *махсус* турларга бўлинади ва ҳар бирининг ўз психологик тизими ҳамда тузилиши бўлади. Шахснинг умумий қобилиятлари ундаги шундай индивидуал сифатлар мажмуики, улар одамга бир қанча фаолият соҳасида ҳам муваффақиятли фаолият кўрсатиш ва натижаларга эришишга имкон беради. Масалан, техника олий ўқув юртининг талабаси ҳам ижтимоий-гуманитар, ҳам аниқ фанлар, ҳам техника фанлари соҳасидаги билимларни ўзлаштира олади. Бунда унга умумий билимдонлик, нутқ қобилиятлари, тиришқоқлик, чидам, қизиқувчанлик каби қатор сифатлар ёрдам беради. Махсус қобилиятлар эса маълум бир соҳада ютуқларга эришиш, юқори кўрсаткичлар беришга имкон берувчи сифатларни ўз ичига олади. Масалан, спорт соҳаси билан бухгалтерлик ҳисоб-китоби бўйича ишлаётган икки кишида ўзига хос махсус қобилиятлар бўлмаса бўлмайди. Ҳар бир қобилият ўз тизимига эга. Масалан, математик қобилиятни оладиган бўлсак, унинг таркибига умумлаштириш малакалари, ақлий жараёнларнинг эгилувчанлиги, мавҳум тафаккур қила олиш каби қатор хусусиятлар киради. Адабий қобилиятларга улардан фарқли, ижодий хаёл ва тафаккур, хотирадаги ёрқин ва кўргазмали образлар, эстетик ҳислар, тилни мукаммал билишга лаёқат; педагогик қобилиятларга эса педагогик одоб, кузатувчанлик, болаларни севиш, билимларни ўзгаларга беришга эҳтиёж каби қатор индивидуал хоссалар киради. Худди шунга ўхшаш қолган барча қобилиятларни ҳам зарур сифатлар тизимида таҳлил қилиш мумкин ва бу катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлади. Амалий психологиянинг бугунги кундаги энг муҳим ва долзарб вазифаларидан бири лаёқат куртакларини илк ёшликдан аниқлаш, интеллект даражасига кўра шахс қобилиятлари йўналишини очиб беришдир. Шунинг учун ҳам ҳозирда кўплаб интеллект тестлари ҳамда қобилиятларни диагностика қилиш

усуллари ишлаб чиқилган ва улар муваффақиятли тарзда амалиётда қўлланмоқда. Қобилиятларни ўлчаш муаммоси XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларига келиб изчил ҳал қилина бошланди. Хорижда бундай ишлар Спирмен, Бине, Айзенк ва бошқалар томонидан ўрганилди. Улар қобилиятлар ва иқтидорни ўрганиш учун махсус тестлардан фойдаландилар. Бу тестларнинг умумий моҳияти шундаки, уларда топшириқлар тизими тобора қийинлашиб борувчи тест-топшириқлар батареясидан иборат бўлади. Масалан, Айзенкнинг машхур интеллект тести 40 та топшириқдан иборат бўлиб, у интеллектуал жараёнларнинг кечиш тезлигини ўлчайди. Бу ерда вақт мезони муҳим ҳисобланади. Бошқа муаллифлар секин ишлаш қобилиятсизлик белгиси эмас деб, бошқачароқ усулларни ўйлаб топганлар. Кўпчилик олимлар учун, масалан, рус олимлари учун қобилиятни ўлчашнинг ишончли мезони – бу шахс ютуқлари ва унинг қобилиятидаги ўзгаришларни бевосита фаолият жараёнида қайд этишдир. Рус олими Е.А. Климов ёшлар иқтидорининг йўналишини аниқлаш мақсадида фаолият ва касб-ҳунар соҳаларини асос қилиб олиб, методика яратди ва уни «Профессионал-диагностик сўровнома» деб атади. Шундай қилиб, у барча касбларни уларнинг йўналтирилган соҳасига кўра 5 тоифага бўлди:

П(Т) - табиат (ўсимлик, ҳайвонлар, микроорганизмлар);

Т - техника (машина, материаллар, энергиянинг турлари) ;

Ч(О)- одам (одамлар гуруҳи, жамоалар);

З (Б)- белгилар (турли маълумотлар, белгили символлар);

Х (И)- бадиий, ижодий образлар (тасвирий санъат, мусиқа).

Сўровнома шу турли касбларга мойилликни аниқлайди. Унга 20 жуфт саволлар киритилган бўлиб, текширилувчи махсус жавоб варақасида қай даражада у ёки бу машғулот тури билан шуғулланишга мойиллигини белгилаши керак. Чунончи, ўша иш унга жуда ёқса, 3 та «плюс», умуман ёқса - 2 та ва сал ёқса - 1 та плюс қўяди. Ёқмаса, мос ҳолда 3 та, 2 та ва 1 та «минус» белгиси қўйиши керак. Қуйида ушбу сўровнома келтирилади.

6-жадвал.

Дифференциал - диагностик сўровнома

1	ҳайвонларни парвариш қилиш	ёки 1б	Машина ва ускуналарга қараш
2а	касал одамларга ёрдам бериш, уларга қараш	ёки 2б	жадвал, схема ва АКТ учун дастурлар тузиш
3а	китоблар, расм ва плакатлар сифатини назорат қилиш	ёки 3б	ўсимликлар ҳолати ва ривожини кузатиш, парвариш қилиш
4а	материалларни қайта ишлаш (ёғоч, мато,металл, пластмасса)	ёки 4б	товарларни харидорга етказиш (реклама, сотиш)
5а	илмий - оммабоп китобларни муҳокама	ёки 5б	Бадиий асар (пьеса, концертлар)ни муҳокама

	қилиш		қилиш
6а	ҳайвон болаларини парвариш қилиш	ёки 6б	Малакаларни орттириш борасида ўртоқлар, кичик ёшлиларни машқ қилдириш
7а	расм ва тасвирлардан нусха кўчириш (ёки мусиқа асбобини тузатиш)	ёки 7б	Юк кўтарувчи воситани (кран, трактор, тепловоз) бошқариш
8а	Одамларга зарур маълумот етказиш (маълумотлар бюроси, экскурсияда)	ёки 8б	Кўргазма, витриналарни жиҳозлаш, пьеса ёки концертлар тайёрлаш
9а	нарсалар, маҳсулотлар, (кийим, техника) уйларни таъмирлаш	ёки 9б	матн, жадвал, расмдаги хатоларни тўғрилаш
10а	ҳайвонларни даволаш	ёки 10б	ҳисоб-китоблар қилиш
11а	Экинларнинг янги навини яратиш	ёки 11б	Янги саноат маҳсулотларини лойиҳалаш, конструкция қилиш
12а	одамлар ўртасидаги баҳс, тортишувларда қатнашиш, уларни ишонтириш, тушунтириш	ёки 12б	чизмалар, схема ва жадвалларни таҳлил қилиш (текшириш, аниқлаш, тўғрилаш)
13а	бадиий ҳаваскорлик тўгараги ишида қатнашиш	ёки 13б	микроблар ҳаётини кузатиш ва ўрганиш
14а	тиббиёт асбоб-ускуналарига хизмат кўрсатиш	ёки 14б	одамларга тиббий ёрдам кўрсатиш
15а	кузатган ҳодиса, воқеалар тўғрисида тафсилот ёзиш	ёки 15б	воқеаларни бадиий бўёқларда акс эттириш
16а	касалхонада лаборатория анализини ўтказиш	ёки 16б	касалларни қабул қилиш, улар билан суҳбатлашиш, ташхис қўйиш
17а	буюмлар ёки деворларни бўяш, расмлар солиш	ёки 17б	биноларни монтаж қилиш, машина ҳамда ускуналарни йиғиш
18а	тенгқурлар ёки кичик болалар билан саёҳатлар уюштириш	ёки 18б	Саҳнада ўйнаш, концертларда иштирок этиш
19а	чизмага қараб машина,	ёки	чизмачилик, чизмалар,

	кийимларни тайёрлаш, уй қуриш	19б	хариталардан нусха кўчириш
20а	ўсимликлар, боғ ва ўрмон ҳашаротларига қарши курашиш	ёки 20б	клавишли машиналарда ишлаш (ёзув машинкаси, телетайп, терув машинаси)

Ушбу сўровномага жавоб варақаси ҳам илова қилинади.

ДДС нинг жавоб варақаси.

П	Т	Ч	З	Х	П	Т	Ч	З	Х
1а	1б	2а	2б	3а	11а	11б	12а	12б	13а
3б	4а	4б	5а	5б	13б	14а	14б	15а	15б
6а		6б		7а	16а		16б		17а
	7б	8а		8б		17б	18а		18б
	9а		9б			19а		19б	
10а			10б		2оа			20б	

Юқорида тавсия этилган сўровнома аслида шахснинг у ёки бу машғулотлар турига қизиқишини аниқлаш орқали унда ривожлантирилиши лозим бўлган малака ва кўникмаларни аниқлаб олишга ёрдам беради. Чунки профессоинал маҳорат фақат билим, юксак малака ва тинимсиз меҳнат ҳисобига ривожланишини унутмаслик керак.

Демак, **қобилиятлар** деб шахснинг фаолиятини муваффақиятли амалга ошириш шарти ҳисобланган, билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш динамикасида юзага чиқадиган фарқларда намоён бўладиган индивидуал психологик хусусиятларга айтилади. Шундай қилиб, қобилиятлар индивидуал- психологик хусусиятлар бўлиши билан бирга:

- ✓ уларни шахсларнинг мавжуд бошқа хусусиятлари, характер фазилатлари, ҳиссий кечинмалари ва бошқаларга қарама-қарши қўйиш мумкин эмас;
- ✓ шунингдек, қобилиятларни шахснинг мазкур хусусиятлари билан бир қаторга қўйиш, уларни айнийлаштириш ҳам нуқсонларни келтириб чиқаради.

Шуни таъкидлаш жоизки, юқоридаги сифатлардан баъзи бири ёки уларнинг йиғиндиси фаолият талабларига жавоб бера олса ёки уларнинг таъсирида вужудга келса, у ҳолда шахснинг мазкур индивидуал хусусиятларини қобилиятлар деб аташ имконияти туғилади. Психологияда кўпроқ қобилият тушунчаси ақл-заковат, яъни ***интеллект*** тушунчаси билан боғлаб ўрганилади.

Психологияда ақл ва идрок масаласи, одамнинг интеллектига боғлиқ сифатлар жуда кўплаб тадқиқотлар объекти бўлиб, унда қобилиятларнинг ривожланиш механизмлари, уларнинг психологик таркиби ва тизимини аниқлашга, ишончли методикалар яратилиб, ҳар бир кишининг ақли сифатига алоқадор бўлган кўрсаткични ўлчашга уринишлар кузатилади.

Кўпчилик олимлар одам интеллектида унинг вербал (яъни, сўзларда ифодаланадиган), миқдорий (сонларда ифодаланадиган) кўрсаткичларни аниқлаб, уларга яна мантиқ, хотира ва хаёл жараёнлари билан боғлиқ жиҳатларни ҳам қўшганлар. Уларнинг фикрича, интеллектуал салоҳиятга эга бўлган шахснигина қобилиятли деб қараш мумкин. Интеллектуал салоҳият эса бир томондан ҳаётдаги барча жараёнларга, бошқа томондан - шахсга бевосита алоқадор тушунча сифатида қаралган. Унинг аҳамияти шундаки, у борлиқни ва бўладиган ҳодисаларни олдиндан башорат қилишга имкон беради. ***Интеллект*** *(лот. «intellectus» - тушуниш, билиш, «intellectum»-ақл)* ақл-идрокнинг шундай бўлагики, уни ўлчаб, ўзгартириб, ривожлантириб бўлмайди. Бу интеллект ва у билан боғлиқ қобилиятлар ижтимоий характерга эга эканлигидан дарак беради. Қобилиятлар ва интеллектга бевосита ташқи муҳит, ундаги инсоний муносабатлар, яшаш даври таъсир кўрсатади. Қобилият сифат ва миқдор жиҳатдан тавсифланиб, унинг ***сифат тавсифи*** шахснинг қайси индивидуал-психологик хусусиятлари фаолият муваффақиятининг мажбурий шарти тариқасида хизмат қилишини англатади. Унинг ***миқдорий тавсифи*** эса фаолиятга қўйиладиган талабларга шахс томонидан қай йўсинда бажариш имконияти мавжудлигини билдириб, яъни мазкур инсон бошқа одамларга қараганда малака, билимлардан нечоғлик тез, енгил, пухта фойдалана олишини намойиш қилади. Қобилият хусусиятларининг *сифат* жиҳатидан талқин қилинишида, биринчидан, мақсадга турлича йўллар орқали эришишга имкон берувчи «ўзгарувчан миқдор» тўплами тариқасида, иккинчидан, фаолият муваффақиятини таъминловчи шахснинг индивидуал психологик хислатлари (фазилатлари) мураккаб мажмуаси кўринишида гавдаланади. У ёки бу фаолиятни амалга оширишда ўзаро ўхшаш ёки бир-бири билан фарқланувчи турлича қобилиятлар туркуми (мажмуаси, бирикмаси) иштирок этиши мумкин экан. Бунда шахсдаги бир хислатнинг ўрнини бошқаси босиши, компенсация қилиши *(лот. «compensatio» - ўрнини босиш, мувофиқлаштириш)* вужудга келиб, мазкур жараёнда инсон ўзи устида сабр-тоқат, чидам билан меҳнат қилиши туфайли юксак кўрсаткичларга эриша олиши мумкин. Қобилиятли шахслар ижтимоий турмушнинг турли соҳалари ҳамда жабҳаларида ўз ўрнини топа оладилар ҳамда юксак ютуқларга эришадилар, ҳатто бир неча фаолият турида ҳам бирдай муваффақиятлар қозониши мумкин. Қобилиятларнинг *миқдорий* тавсифи ва уларни ўлчаш муаммоси психология фанида ўзига хос ривожланишнинг тарихий ўтмишига эга. Спирмен, Кэттелл ва бошқалар XIX асрнинг охирлари XX асрнинг бошларидаёқ муайян ихтисослар учун касб танлашни илмий асосда йўлга қўйиш заруратидан келиб чиқадиган талаблар тазйиқида ўқув юртларида сабоқ олаётган шахсларнинг қобилият даражасини аниқлашга киришган эдилар. Уларнинг тахминларига кўра, инсоннинг лавозимига лойиқлиги, меҳнат фаолиятига лаёқати, шунингдек, олий ўқув юрти, ҳарбий хизмат, раҳбарлик мартабасини эгаллашга нисбатан лаёқатларини аниқлаш имконияти мавжуд экан. Ўтган асрда қобилиятларни ўлчаш усули, мезони тариқасида ақлий истеъдод тестлари

ишлаб чиқилди. АҚШ, Буюк Британия каби мамлакатларда ўқувчиларни саралаш, ҳарбий хизматга зобитларни танлаш, ишлаб чиқаришда раҳбарлик лавозимига тавсия қилишда фойдаланилди. Ҳатто Буюк Британияда университетга кириш ҳуқуқини берувчи тест синови тизими ҳам яратилди. «Ақлий истеъдод» тестлари балл ёки очколар билан баҳоланиб, ечимга сарфланган вақтни ҳисобга олиб натижалар йиғинди ҳолига келтирилди. Тестлар мураккаблиги ортиб бориш тамойили бўйича «Тестлар батареяси» тизими яратилди. Тестлар тузилиши бўйича фақат сўзлардан иборат (вербал) синовлар билан чекланмасдан, балки турлича моҳиятли «лабиринтлар» *(юнон. «labyrinthos» – чигал ҳолат, мураккаб, чалкаш)*, «бошқотирма» ва шунга ўхшаш синовлар киритила бошланди. Одатда синалувчилар «Тестлар батареяси»ни бажариб бўлганларидан сўнг натижалар ҳисоблаб чиқилади ва уларда «ақлий истеъдод коэффиценти» *(инг.л. «intellectual quotient»* ***IQ)*** аниқланади. Мисол учун, 11,5 ёшли ўқувчи тўпланган балларнинг ўртача йиғиндиси 120 га тенг бўлиши лозим. Бунда 120 балл тўплаган ҳар қандай текширилувчи 11,5 ёшида «ақл ёшига» эгадир. Худди шу йўсинда «ақлий истеъдод коэффициенти» ҳисоблаб чиқилади:

Синалувчининг ақлий истеъдоди:

IQ + ақл ёши Х 100 синалувчининг ҳақиқий ёши.

Мазкур йўналиш намояндаларининг эътироф этишларича, «ақлий истеъдод коэффициенти» қандайдир ўзгармас мезон сифатида ***умумий интеллектни*** *(инг.л. «general intelligence»)* рўёбга чиқариш имкониятига эгадир. Шуни таъкидлаш жоизки, «ақлий истеъдод коэффициенти» назариясида баҳсли жабҳалар мавжуд, бунда шахснинг ақлий қобилиятлари намоён бўлади. Рус психологи Л.С.Виготский юқоридаги назарияга ўз эътирофини билдирган ҳолда икки босқич, яъни «энг яқин тараққиёт зонаси», «актуал фаолият зонаси» орқали қобилиятни тўғри аниқлаш мумкинлигини кўрсатиб берган эди.

Қобилиятлар сифатида рўёбга чиқадиган психик хислатлар мажмуасининг тузилиши яққол ва алоҳида фаолият талаби билан белгиланганлиги туфайли ҳар қайси турдаги фаолиятлар учун ўзига хос тарздаги кўринишга эга. Булардан айримлари ҳақида тўхталиб ўтамиз:

Математик қобилиятга математик материалларни умумлаштириш, мулоҳаза юритиш жараёнини қисқартириш, математик иш-амалларни камайтириш, масалани идрок қилиш билан натижаси ўртасида алоқа ўрнатиш, тўғри ва тескари фикр юритишдан енгилга ўтиш, масала ечишда фикр юритишнинг эпчиллиги кабилар киради.

Адабий қобилият эса нафосат ҳисларининг юксак тараққиёт даражаси, хотирада ёркин кўргазмали образларнинг жонлилиги, «тил зеҳни», беҳисоб хаёлот, руҳиятга қизиқувчанлик, ифодалашга интилувчанлик ва бошқаларни ўзида ифодалайди. Ажратиб кўрсатилган қобилиятлар таркибидан кўриниб турибдики, математик ва адабий қобилиятлар ўзаро бир-бирига ўхшамаган талаблари билан тафовутга

эгадир. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, *педагогик, тиббий, мусиқавий, техник* ва шунга ўхшаш қобилиятлар тузилиши махсус хусусиятга эга бўлиб, касбий аҳамият касб этиши мумкин.

Умумий қобилиятлар (сифатлар)ни махсус қобилиятларга (сифатларга) зид тарзда тушунтириш мумкин эмас. Чунки шахснинг умумий қобилиятлари махсус қобилиятларни ҳосил қилувчи омиллардан иборат. ***Махсус қобилиятлар*** кўлам жиҳатдан торроқ бўлишига қарамай, чуқурроқ моҳиятни ўзида мужассамлаштиради.

Рус олими И.П.Павлов ўз таълимотида *«бадиий», «фикрловчи», «ўрта»* типларга ажратилган шахсларнинг ана шу учта типдан биттасига тааллуқли эканлигини тавсифлаб беради. Муаллиф ушбу типологияни яратишда олий нерв фаолиятининг биринчи ва иккинчи сигнал системасидан иборатлиги тўғрисидаги таълимотига асосланади. Биринчи сигналлар ва иккинчи сигналлар системаси эса образлар ҳақида сўзлар орқали сигнал беришдан иборатдир. Иккинчи сигналлар системаси И.П.Павлов томонидан «сигналларнинг сигнали» деб номланган эди. Ушбу типологияни осонроқ қилиб қуйидагича тушунтириш мумкин:

1) шахс психик фаолиятида биринчи сигналлар системасининг сигналлари нисбатан устунлик қилса, инсон ***«бадиий»*** типга тааллуқли бўлиб, улар учун бевосита таассурот, жонли тасаввур, ёрқин идрок, ҳис-туйғулар (эмоциялар) натижасида вужудга келадиган образларнинг ёрқинлиги хосдир;

2) мабодо «сигналларнинг сигнали» нисбатан устувор бўлса – бу шахс ***«фикрловчи типга»*** муносиб бўлиб, улар учун, мавҳум, мантиқий тузилмалар, назарий мулоҳазалар ва методологик муаммоларнинг устунлиги мувофиқдир;

3) агарда ҳар иккала сигналлар аралашиб кетган бўлса (бирортасининг устунлиги сезилмаса), бу инсон ***«ўрта типга»*** мансуб одамдир.

Демак, шахснинг у ёки бу фаолиятига тайёрлиги тариқасида юзага келадиган ҳар қайси яққол қобилиятлар тузилиши ўз таркибига етакчи ва ёрдамчи, умумий ва махсус номдаги мажмуа сифатларни (хислатларни) қамраб олган бўлиб, мураккаб тизимдан иборат экан.

Талант қобилиятлар тараққиётининг юксак босқичи эканлигидан далолат беради. ***Талант*** *(юнон. «talanton» - қимматбаҳо, ноёб нарса, ирсий, табиий хислат)* муайян фаолиятнинг муваффақиятли ва ижодий равишда бажарилишини таъминлайдиган қобилият ҳамда истеъдодлар мажмуасидир. Психологик адабиётларда унга турлича таъриф берилишига қарамай, уларда асосий белгилар таъкидлаб ўтилади, чунончи, шахсга қандайдир мураккаб меҳнат фаолиятининг муваффақиятли, мустақил ва оригинал тарзда бажариш имконини берадиган қобилиятлар мажмуасига *талант* дейилади.

Талант ҳам қобилиятларга ўхшаш ижодиётда юксак маҳоратга, муваффақиятга эришиш имконияти ҳисобланиб, ижодий кутилмаси (ютуқ) инсонларнинг ижтимоий тарихий турмуш шарт-шароитларига боғлиқ

бўлади.

Жаҳон цивилизацияси, фан ва техникаси, санъат ва адабиёт, моддий ва маънавий маданиятини яратишнинг (ички руҳий) имконияти ҳисобланмиш *талант* прогресснинг ҳаракатлантирувчи омилидир. Инсониятнинг ижтимоий-тарихий тараққиёт босқичларида ижтимоий-иқтисодий шароитларнинг етишмаслиги туфайли кўпчилик талант соҳиблари ўз имкониятларини рўёбга чиқаришдан маҳрум бўлганлар. Талантларнинг туғилиши ижтимоий шарт-шароитларга боғлиқ бўлганлиги боис мустақил мамлакатимизда талантли ёшларга нисбатан юксак эҳтиёж сезилмоқда, шундай мезонга лойиқ шахслар мавжуд ва улар келажаги буюк давлатимиз пойдевори ҳисобланади. Талант қобилиятлар йиғиндиси ёки уларнинг мажмуасидан иборат бўлишига қарамай, алоҳида олинган якка қобилиятни ҳатто у тараққиётнинг юксак босқичига эришган, ёрқин ифодаланса ҳам, у билан тенглаштириш мумкин эмас экан. Бу омилга асос бўлиб, XX асрнинг 20-30 йилларида москвалик психологлар томонидан олиб борилган *феноменал,* ғоят ўткир, ноёб (нодир) хотирага эга бўлган инсонларни текшириш натижалари ҳисобланади. Маълумки, шахснинг яратувчанлик фаолиятида ақлнинг эпчиллиги, бой фантазия, кучли ирода, барқарор характер, турғун қизиқишлар, сермаҳсул билиш жараёнлари, мотивация, юксак ҳис-туйғулар ва бошқа психологик сифатлар устувор аҳамият касб этади. Психологик маълумотларни умумлаштирган ҳолда икки хил хусусиятли фикрни алоҳида таъкидлаб ўтиш талант тузилишини енгилроқ тушуниш имкониятини яратади:

1) талант – бу шахс психик хислатларининг шундай мураккаб бирикмасидирки, уни: а) алоҳида, ягона махсус қобилият билан; б) хотиранинг юксак маҳсулдорлиги орқали; в) ҳатто ноёб (камёб, нодир) сифат тариқасида ўлчаб бўлмайди;

2) шахсда у ёки бу қобилиятнинг мавжуд эмаслиги ҳамда етарли даражада тараққий этмаганлиги талантнинг мураккаб таркибига кирувчи бошқа қобилиятларнинг жадал такомиллашуви орқали уларнинг ўрнини босиб юбориши (компенсация қилиши) мумкин.

Москванинг умумий ва педагогик психология институти ходимлари томонидан ўқувчиларнинг таланти истеъдод тушунчаси негизида ўрганилган бўлиб, бунда аниқланган муҳим қобилиятлар йиғиндиси ақлий истеъдод тузилишини вужудга келтирган. Илмий тадқиқотчиларнинг фикрича, юксак истеъдод қуйидагича босқичлардан иборат бўлиши мумкин:

- ✓ бундай шахснинг биринчи хусусияти – зийраклик, шайлик, жиддий фаолиятни бажаришга тайёр туришликдир;
- ✓ шахснинг иккинчи хусусияти - унинг меҳнатга тайёрлиги (меҳнатга мойиллиги, меҳнатга интилиши, меҳнатнинг эҳтиёжга айланиши)дир;
- ✓ инсоннинг учинчи хусусияти – унда тафаккур хусусиятлари ва фикр юритишнинг тезлиги, ақлнинг тартиблилиги, таҳлил ва умумлаштиришнинг юқори имкониятлари, ақлнинг маҳсулдорлигидир.

Маълумотлар таҳлилининг кўрсатишича, махсус истеъдод тузилиши

юқоридаги сифатлардан ташқари аниқ фаолият талабларига мувофиқ келувчи бир қатор қобилиятлар билан тўлдирилади.

Талант ўзининг умумий ва махсус сифатлари йиғиндиси билан ижодий ютуқ имкониятининг айнияти бўлиб, у маҳоратнинг дастлабки шарти ҳисобланса-да, лекин улар бир-биридан муайян даражада тафовутланади. Талант – катта, ижодий ва зўр меҳнат маҳсули бўлса, меҳнат эса ҳаётий тажриба, кўникмаларнинг зарурий мажмуаси манбаидир. ***Ижодиёт***нинг шарти эса ҳаётий тажриба, зарурий кўникма ва малакалар йиғиндисининг мавжудлигидир. Ижодий фаолият талантнинг ажралмас қисми ҳисобланиб, бунда *руҳланиш* деб номланган психологик ҳолат алоҳида аҳамият касб этади, руҳланиш фаолият маҳсулдорлиги ортишига қаратилган ижодий лаҳзадан иборат ҳолатдир. Талант имконият тариқасида психологик ҳодиса ҳисобланса, у ҳолда ***маҳорат*** ҳақиқатга айланган имкониятнинг гавдаланишидир. Психологик нуқтаи назардан ҳақиқий *маҳорат* – бу шахс талантининг фаолиятда намоён бўлиши.

Одатда қобилиятлар инсонга шахснинг барча индивидуал-психологик хусусиятлари каби табиат томонидан туғма равишда тайёр ҳолда берилмайди, балки ҳаёт давомида ва фаолият жараёнида шаклланади. Илмий психология қобилиятларнинг туғмалиги назариясини инкор этиб, шахс қобилиятларининг номаълум табиий омиллар томонидан азалий белгиланиши тўғрисидаги тасаввурларга қаттиқ зарба беради.

Шуни таъкидлаш жоизки, қобилиятнинг туғмалигини инкор қилиш мутлақ хусусиятга эга эмас, албатта. Лекин қобилиятнинг туғма эканлигини тан олмаслик, мия тузилиши билан боғлиқ дифференциал хусусиятларнинг туғмалигини инкор қилади, деган сўз эмасдир. Лаёқат эса қобилиятнинг табиий замини сифатида фаолиятда муҳим роль ўйнайди. ***Лаёқат*** деб қобилиятлар тараққий этишининг дастлабки табиий шарти сифатида намоён бўладиган мия тузилиши, сезги аъзолари ва ҳаракатларнинг морфологик ҳамда функционал хусусиятларига айтилади. Туғма лаёқат жумласига нозик ҳид сезиш, бинобарин, билиш анализаторларининг алоҳида юксак сезгирлиги мувофиқдир. Алоҳида якка шахс маълум табиий лаёқатга эга бўлса, у ҳолда ўзига тааллуқли қобилиятларни ривожлантириш нисбатан енгил кечади. Инсонларнинг касбий қобилияти лаёқатларининг ривожланиши маҳсули бўлиб, лаёқат кўп қиррали психик ҳодиса бўлганлиги туфайли фаолият талабларининг хусусиятига боғлиқ равишда бир хил лаёқатлар негизида ҳар хил қобилиятлар ривожланиши кузатилади.

Қобилият ва лаёқатлар муайян табиий заминга боғлиқ бўлса-да, лекин улар фақат табиатнинг инъоми эмас, балки инсоният тарихий тараққиётининг бебаҳо (қимматли) маҳсулидир. Худди шу боис қобилиятларнинг намоён бўлиши шахслар томонидан ижтимоий эҳтиёжларни қондириш давомида ижтимоий шартланган билимлар ва кўникмаларни таркиб топтиришнинг яққол усулларига бевосита боғлиқдир.

Шахс қобилиятларини ривожлантиришда барқарор, турғун, касбий махсус ***қизиқишлар*** муҳим омиллар, воситалар тариқасида хизмат қилади. Махсус қизиқишлар инсон фаолиятидаги у ёки бу соҳанинг (тармоқнинг)

мазмунига нисбатан интилишидан иборат шахсий фазилат, ички туртки, ҳаракатлантирувчи куч бўлиб, бундай махсус қизиқишлар турлича фаолият билан касбий тайёргарлик сифатида шуғулланиш мойиллигига ўтади. Билишга оид қизиқиш (фан асосларини эгаллашга йўналтирилган ички туртки) фаолият усулларини амалий жиҳатдан ўзлаштириб олишни ва янги вазият, шароитга кўчиришни тақозо қилиб, уни рағбатлантиради ҳамда шахсда ўзини ўзи бошқаришни таъминлашга ёрдам беради.

4.6 §. ХАРАКТЕР

Кундалик ҳаётимизда «характер» сўзи энг кўп ишлатиладиган сўзлардан ҳисобланади. Уни биз доимо бировларга баҳо бермоқчи бўлсак, ишлатамиз. Бу сўзнинг маъносини олимлар «босилган тамға» деб ҳам изоҳлашади. Тамғалик аломатлари нимада ифодаланади ўзи?

Характер – шахсдаги шундай психологик, субъектив муносабатлар мажмуики, улар унинг борлиққа, одамларга, предметли фаолиятга ҳамда ўз- ўзига муносабатини ифодалайди. Демак, «муносабат» категорияси характерни тушунтиришда асосий ҳисобланади. Б.Ф. Ломовнинг таъбирича, характер шахс ички дунёсининг асосини ташкил этади ва уни ўрганиш катта аҳамиятга эга. В.С.Мерлин муносабатларнинг характердаги ўрни хусусида фикрлар экан, уларнинг мазмунида икки компонентни ажаратади:

а) **эмоционал-когнитив** – борлиқ муҳитнинг турли томонларини шахс қандай эмоционал ҳис қилиши ва ўзида шу оламнинг эмоционал манзарасини яратиши;

б) **мотивацион-иродавий** – маълум ҳаракатлар ва хулқни амалга оширишга ундовчи кучлар. Демак, муносабатлар маълум маъно ва мазмун касб этган муносабатлар бўлиб, уларнинг ҳар бирида ҳиссий кечинмалар акс этади ва характер намоён бўлади.

Машҳур рус олими, психология фани методологиясини яратган С.Л. Рубинштейн шахснинг ўзига хослиги ва характерологик тизимида учта асосий тузилмаларни ажратган эди;

Муносабатлар ва йўналиш шахсдаги асосий кўринишлар сифатида бу шахснинг ҳаётдан нимани кутиши ва нимани хоҳлаши.

Характер имкониятларидан фойдаланиш, уларни кенгайтиришга қаратилган турғун, барқарор тенденциялар, яъни бу одамнинг к и м эканлиги.

Бу нуқтаи назардан қараганда ҳам, характер шахснинг «танаси», борлиғи, конституциясидир. Характернинг бошқа индивидуал-психологик хусусиятлардан фарқи шуки, бу хусусиятлар анча ўзгарувчан ва динамик, орттирилгандир. Шунинг учун ҳам мактабдаги таълимдан олий ўқув юртидаги таълимга ўтиш фактининг ўзи ҳам ўспиринда маълум ва муҳим ўзгаришларни келтириб чиқаради.

Умуман, конкрет шахс мисолида олиб қарайдиган бўлсак, ҳар бир алоҳида объектлар, нарсалар, ҳодисаларга мос тарзда характернинг тўғри қирралари намоён бўлишининг гувоҳи бўлиш мумкин. Масалан, уйда (катта

ўзбек оиласи мисолида оладиган бўлсак) катта ёшли ота-оналар олдида ўта босиқ, кўнувчан, ҳар қандай буюрилган ишни эътирозсиз бажарадиган киши, ўз касбдошлари орасида доимо ўз нуқтаи назарига эга бўлган, гапга чечан, керак бўлса, қайсар, дадил бўлиши, кўчада жамоатчилик жойларида беғам, лоқайд, биров билан иши йўқ кишидай туюлиши, ўзига нисбатан эса ўта талабчан, лекин эгоист, ўз-ўзига баҳоси юқори бўлиши мумкин. Демак, характернинг психологик тизимини таҳлил қиладиган бўлсак, унинг борликдаги объектлар ва предметли фаолиятга нисбатан амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун ҳам психологияда характернинг қуйидаги тизими эътироф этилади:

Меҳнат фаолиятида намоён бўладиган характерологик хусусиятлар – меҳнатсеварлик, меҳнаткашлик, ташаббускорлик, ишга лаёқат, ишга қобиллик, масъулият, дангасалик, қўнимсизлик ва бошқалар.

Инсонларга нисбатан бўлган муносабатларда намоён бўладиган характерологик сифатлар – одоблилик, меҳрибонлик, такт, жонсараклик, дилгирлик, мулоқотга киришувчанлик, альтруизм, ғамхўрлик, раҳм-шафқат ва бошқалар.

Ўз-ўзига муносабатга алоқадор характерологик сифатлар – камтарлик, камсуқумлилик, мағрурлик, ўзига бино қўйиш, ўз-ўзини танқид, ибо, шарму - ҳаё, манмансираш ва бошқалар.

Нарсалар ва ҳодисаларга муносабатларда намоён бўладиган хусусиятлар – тартиблилик, оқиллик, саронжом-саришталик, қўли очиқлик, зиқналик, тежамкорлик, покизалик ва бошқалар.

Юқорида санаб ўтилган сифатлар аслида шахснинг ҳаётдаги йўналишларидан келиб чиқади. Чунки йўналиш борлиққа нисбатан танловчан муносабатининг акс этишидир. Бундай йўналиш турли шаклларда: диққатлилик, қизиқувчанлик, идеаллар, маслаклар ва ҳиссиётларда намоён бўлади.

Характер тарихий категория ҳамдир. Бунинг маъноси шуки, ҳар бир ижтимоий-иқтисодий давр ўз кишиларини, ўз авлодини тарбиялайди ва бу тафовут одамлардаги характерологик хусусиятларда ўз аксини топади. Масалан, ўтган аср ўзбеклари, XX асрнинг 50-йилларидаги ўзбеклар ва мустақиллик йилларида яшаётган ўзбеклар психологиясида фарқ, аввало, уларнинг характерологик сифатларида акс этади. Аминмизки, XXI асрнинг ёш авлодлари янада зуккороқ, иродалироқ, маърифатли ва маънавиятлироқ бўлади. Мамлакатимизда ҳозирги кунда амалга оширилаётган саъйи-ҳаракатлар янги аср авлодининг руҳан ва жисмонан соғлом бўлишига замин яратмоқда.

Характер хусусиятларининг нималарда намоён бўлиши, уларнинг белгилари масаласи ҳам амалий жиҳатдан муҳимдир.

Аввало, характер инсоннинг *хатти-ҳаракатлари ва амалларида* намоён бўлади, одамнинг онгли ва мақсадга қаратилган ҳаракатлари унинг **к и м** эканлигидан дарак беради.

Нутқининг хусусиятлари (баланд товуш билан ёки секин гапириши, тез ёки босиқлиги, эмоционал бой ёки жонсиз) ҳам характернинг йўналишини белгилайди.

Ташқи қиёфа – юзининг очиқ ёки тунд эканлиги, кўзларининг самимий ёки жоҳиллиги, қадам босишлари – тез ёки босиқ, майда қадам ёки салобатли, туриши – виқорли ёки камтарона, буларнинг ҳаммаси характерни ташқаридан кузатиб ўрганиш белгиларидир.

Бундан ташқари илм оламида одамнинг турли табиий, туғма хусусиятларига характерни боғлашга уринишлар бўлган. Масалан, ***физиономика*** одам юз қирралари ва уларнинг бир-бирига нисбати орқали, ***хиромантия*** – қўл бармоқлари ва кафтдаги чизиқлар орқали, кўз ранги ва қарашлар, соч ва унинг хусусиятлари орқали ўрганишга ҳаракат қилинган. Жуда катта шов-шувга эга бўлган Ч. Ломброзо, Э. Крэчмер, У. Шелдонларнинг ***конституцион назариялари*** шахс характерини унинг ташқи кўриниши, тана тузилиши билан боғлаб тушунтиришга ўринган. Бу назариялар жуда қаттиқ танқидга ҳам учраган, лекин келтирилган материал, корреляцион таҳлиллар маълум жиҳатдан индивидуал хусусиятлардаги туғма, мавжуд сифатлар билан характерологик сифатлар ўртасидаги боғлиқлик борлигини исбот қилолгани учун ҳам бу назариялар шу вақтгача ўрганилади.

Лекин характер ва унинг ривожланиши, намоён бўлиши учун умумий қонуният шуки, у ташқи муҳит таъсирида турли хил муносабатлар тизимида шаклланади ва шароитлар ўзгариши билан ўзгаради. Ҳар бир касб-ҳунар ўзининг талаблари мажмуи – профессограммасига эгаки, у шу касб билан шуғулланаётганлардан ўзига хос психологик қирралар ва хоссалар бўлишини тақозо этади (психометрия). Шунинг учун ҳам врач, ўқитувчи, муҳандис, ҳарбийлар, артистлар ва бошқаларнинг профессоионал сифатлари ҳақида алоҳида гапирилади. Ана шу касб соҳиблари, уларнинг иш мобайнида кўрсатадиган индивидуаллиги ичида эса характерологик ўзига хослик катта аҳамиятга эга ва буни нафақат шахснинг ўзи, балки уни ўраб турган бошқалар ҳам яхши билишлари керак.

Психология тарихида характерологияга оид дастлабки маълумотлар одамнинг бош суяги, тана ҳамда юз тузилишига боғлаб аниқлаш орқали таркиб топган (Афлотун, Арасту, Абул-Фараж Бар Эбрей, Иоганн Каспар Лафатер, Франц Галл, Чарльз Дарвин). Афлотун ва Арасту киши характерини унинг афт-ангорига қараб аниқлаш назарияси асосчилари ҳисобланадилар. Улар киши ташқи кўринишида бирор-бир ҳайвонга ўхшашлик белгиларини топиб, сўнгра унинг характерини ана шу ҳайвонники билан бир хил, деб тавсифлаганлар. Жумладан, Арастунинг фикрича, буқаники сингари йўғон бурун дангасаликни, чўчқаникига ўхшаш тешиклари, катта ва кенг бурун аҳмоқликни, арслонники каби бурун мағрурликни, қуёнларники сингари тукнинг майинлиги қўрқоқликни, шер ва ёввойи чўчқаники каби тукнинг дағаллиги ботирликни англатади. Шунга ўхшаш назариялар Ўрта аср Сурия ёзувчиси Абул-Фараж Бар Эбрей асарларида ҳам учрайди.

XVIII асрда Иоганн Каспар Лафатернинг физиологик тизими машҳур бўлиб кетди. У инсон бош суягининг конфигурацияси ва имо-ишорасини ўрганиш киши характерини аниқлашнинг асосий йўли, деб ҳисоблайди.

Кейинчалик характерологик таълимот немис шифокори Франц Галлнинг номи билан боғлиқ френология деган ном олди. Франц Галл фикрича, инсон бош суягининг бўртиқ жойларини ушлаб кўриб, унинг руҳий белгиларини аниқлаш мумкин. Чарльз Дарвин юз ифодасининг тавсифланиши, унинг юмшоқ тўқималари ҳолатига боғланган физиогномик таълимоти характерология соҳасида кўпгина психологларнинг изланишлари учун асос бўлди. Характерни ўрганишда ташқи кўриниш маълум аҳамиятга эга бўлса-да, бироқ шахснинг ташқи қиёфаси унинг характерологиясида батафсил маълумотлар манбаи бўла олмайди. Кейинчалик фан олами ривожланишининг турли босқичларида, шахснинг характерологик хусусиятларини ўрганишда фаолият ва муносабатлар тизими ҳамда бошқа психик хусусиятларни тадқиқ этиш борасидаги илмий изланиш ва мунозаралар ҳам характерга оид турли хил ёндашувларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Характер ва характерология муаммоси ўзининг чуқур илдизига эга. Чунки характерологик хусусиятларнинг таҳлили сўзсиз шахснинг намоён бўлишидаги ўзига хос томон (тип)ларини инобатга олишга ундайди. Аксарият психологлар шахснинг намоён бўлишининг ўзига хос томон (тип)ларини «характеристика» ёки «хислат» («черта») тушунчалари тарзида қўллаб келмоқдалар. Ҳар бир шахсга бериладиган психологик характеристика (тавсифнома) маълум бир кишининг ақлий, ахлоқий, иродавий сифатлари, қизиқиши, дунёқараши, эътиқоди, шунингдек, индивидуал характерологик хусусиятлари – характер, темперамент, қобилият ва истеъдодларини объектив равишда тасвирлаб ёзилган шахсий ҳужжатдир.

Дифференциал психологиянинг тарихий асоси ҳам характерология тимсолида акс этади. Характер ўзида ижтимоий-психологик, шахслилик жараёнига психобиологик ва умумпсихологик қонуниятлар орқали ўтишни қайд қилувчи индивидуалликнинг асосий тузилмаси ҳисобланади. Характерда ўзлаштирилаётган ҳаётий тимсоллар шахснинг хулқ-атвори ва фаолиятида ижтимоий-психологик хусусиятлар сифатида таркиб топишни таъминловчи психологик воситалар инсон «Мен»ининг тавсифловчи пойдевори ҳисобланади. Характер темперамент (мижоз)дан фарқли ўлароқ ҳаётда, муомала ва ҳамкорликдаги фаолият жараёнида вужудга келиши ва шаклланишида фарқ қилади. Характер хислатлари тўртта йирик тизимга ажратилади. Бу хусусиятлар инсоннинг муносабатларида акс этган бўлиб, улар қуйидаги 3-жадвалда келтирилган. Бундай характер хусусиятларнинг ўқувчи ва талабаларда шаклланиши, намоён бўлиши ўқиш фаолиятини амалга ошираётган жамоа, оила, норасмий гуруҳларда кузатилади.

1-жадвал

	Муносабатларнинг номланиши	**Характер хислатлари ва хулқ-атвор хусусиятлари**
1.	Одамларга бўлган муносабат	Мулоқотмандлик, очиқлик, аниқлик, меҳрибонлик, тундлик, тортинчоқлик, жоҳиллик, камтаринлик ва б.
2.	Фаолиятга бўлган муносабат	Виждонлилик, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, эҳтиётсизлик, масъулиятсизлик ва б.
3.	Ижтимоий ва шахсий мулкга бўлган муносабат	Бетартиблик, тежамкорлик, озодалик, эҳтиёткорлик ва б.
4.	Ўз-ўзига бўлган муносабат	Вазминлик, талабчанлик, ўзини севиш, ўзига ишонч, худбинлик ва б.

Психологияда характер хислатларининг пайдо бўлиш шартларида организмнинг наслий хусусиятлари (*биологик қонуниятлари*) асос бўлса-да, аммо у *ижтимоий қонуниятлар* билан тавсифланади. Ушбу масалани ирсиятга боғлаб тушунтириш гомозигот эгизакларни ўрганиш орқали инкор қилинади, чунки уларнинг наслий хусусиятлари айнан бир хилдир. Улар темперамент хусусиятлари бўйича тубдан ўхшаш бўлса-да, лекин характер хислатларига кўра бир-биридан кескин фарқ қилади. Шунинг учун характернинг шахс турмуш шароитига боғлиқлигини унинг физиологик асоси ҳам, ташқи таассуротлар тизими туфайли вужудга келадиган шартли рефлектор функционал ҳолати ҳам тасдиқлайди. Характер таркиб топиши муайян қонуниятлар таъсирида амалга ошиб, унинг ҳар бир хислати шахс муносабатларига боғлиқ бўлади, улар ўз навбатида ижтимоий муносабатлар билан белгиланади. Наслий хусусиятлари бир хил эгизакларда турлича ижтимоий муҳитда ҳар хил характер хислатлари шаклланиши тадқиқотларда исботланган. Шу сабабдан ижтимоий тузумни тавсифловчи кенг ижтимоий муносабатлар шахснинг ижтимоий типик хусусиятларигина эмас, балки характернинг индивидуал хусусиятлари (хислатлари) таркиб топишига ҳам катта таъсир ўтказади. Ижтимоий муносабатларга бевосита ёки бавосита боғлиқ тарзда оилада, болалар ва меҳнат жамоаларида хайрихоҳлик, ўртоқлик, ўзаро ёрдамлашиш, ҳамкорлик ёки, аксинча, жоҳиллик, золимлик, баджаҳллик каби шахслараро муносабатлар таркиб топа бошлайди. Оилавий муҳит, ундаги шахслараро муносабатлар, фарзандлар сони, ёшидаги фарқи, низоли вазиятларнинг кўриниши, ота-она муносабатига асосланган ҳолда характернинг ўзига хос хусусиятлари шакллантирилса, болалар боғчасидаги, мактабдаги шахслараро муносабатлар ҳам характернинг махсус хислатларини таркиб топтиради. Меҳнат жамоалари, норасмий гуруҳларда ҳам характер хусусиятларида сезиларли ўзгаришлар юзага келиб, илк ёшлик даврида эса шаклланган характер хислатлари ниҳоят даражада барқарор бўлиб, уларга айрим ўзгаришлар киритиш жуда қийин кечади. Шахсда майлларнинг қондирилиши ёки қондирилмаслиги билан боғлиқ ҳолда таркиб топган

муносабатлар ўзининг мустаҳкамлиги билан ажралиб туради. Характер хислатларининг чуқурлиги, барқарорлиги, доимийлиги кўп жиҳатдан шахс муносабатларининг онглилик даражасига боғлиқ. Инсоннинг ҳаққонийлик, меҳнатсеварлик хислатлари тасодифий таркиб топмаган бўлиб, унинг онгли қарашлари, ишонч ақидаларига мос тушса, у ҳолда ҳар қандай қийин ҳолатларда ҳам намоён бўлаверади. Характер билан темпераментнинг ўзаро муносабати уларнинг *физиологик асослари* билан белгиланади. Характер хусусиятларининг ташқи жиҳатдан намоён бўлиб айнан шу тарзда муайян вақт мобайнида кечиши *динамик* хусусият дейилади. Характер хислатларининг динамик хусусияти темперамент хусусиятларига боғлиқдир. Ана шу ҳолатга мувофиқ равишда темперамент хусусиятлари ҳам, характернинг маълум хислатлари вақт давомида ташқи намоён бўлиши ҳам темперамент типига боғлиқ. Тараққиёт ва тарбиянинг ижтимоий шароитлари ҳамда психиканинг ирсий индивидуал хусусиятлари билан ўзаро муносабати характер хислатларини тўғридан тўғри тавсифламайди, балки шахснинг фаолияти орқали белгилайди. Унинг фаолиятига тааллуқли айнан бир хил ижтимоий шароитда ҳам худди шу бир хил ирсий хусусиятларидан турли характер хислатлари шаклланади. Шу боисдан характернинг ривожланиши шахснинг фаол фаолияти жараёнида унинг хатти-ҳаракатларига боғлиқ тарзда амалга ошади. Характернинг таркиб топишида фаол фаолиятда ҳаракатнинг индивидуал ўзига хос усуллари шаклланади. Ҳаракат усулларининг автоматлашуви муайян динамик стереотип ҳосил қилиниши билан боғлиқ шартли рефлектор функционал ҳолатнинг натижасидир. Автоматлашувнинг бир неча турдаги психологик механизмлари мавжуд бўлиб, улардан бири *одат*лардир. Характер хислатлари таркиб топишининг муҳим шартларидан яна бири – бу хислатларни зарурий хатти-ҳаракатларда чидам билан *машқ қилиш*дан иборатдир. Характернинг таркиб топишида *тақлидчанлик*нинг роли катта бўлиб, у ҳаракат усуллари автоматлашувининг бош манбаи ҳисобланади ва унинг аҳамиятлилиги кўп жиҳатдан ифодали хатти-ҳаракатларнинг шахс эмоционал (ҳиссий) кечинмаларига таъсири билан белгиланади. Тақлидчанлик хатти-ҳаракат намунасига тақлид қилиш учун мўлжалланган шахс муносабатлари томонидан мотивлаштирилгандагина характер хислатларини таркиб топтириш шартига айланади.

Характернинг шаклланишида муайян психик фаолиятга яхлит объектив ва субъектив майллик тарзидаги кўрсатма бериш (установка), психологик механизм негизида юзага келган автоматлашиш муҳим бўлиб, бунда кўрсатма (установка) одатларидан фарқли ўлароқ, муайян ҳаракатларга тайёр туришгина бўлиб қолмай, балки билиш жараёнлари, ҳиссий ва иродавий реакцияларга ҳам тайёр туришдир. Характернинг шаклланишида низоли вазиятлар алоҳида аҳамият касб этиб, бунда характер фақат мураккаб ва кескин вазиятларда (шароитларда) ёрқин намоён бўлибгина қолмасдан, балки мазкур ҳолатларда у таркиб ҳам топади. Одатда характер хислатларининг ўзгаришидаги индивидуал фарқлар шахснинг низоли вазиятлардан чиқиш учун қандай йўл-йўриқ топишига

боғлиқ. Шундай қилиб, шахс ўзининг бутун ҳаёти ва фаолияти давомида ўз хатти- ҳаракатлари, одатлари билан ўз характер хислатларини ўзи яратади ва уларни бошқаришга одатланади. Характер хусусиятларининг вариантлилиги уларнинг фақат сифат жиҳатидан ранг-баранглиги ва ўзига хослигида эмас, балки миқдор жиҳатидан ифодаланганлигида ҳам намоён бўлади. Характер хусусиятларининг миқдорий ифодаланиши, яъни айрим белгиларнинг ҳаддан ташқари кучли намоён бўлиши шахс хулқ-атвори меъёрининг энг охирги маррасига бориб, патологик белгилар билан чегараланиш ҳолатида кузатилади. Бу ҳолат психологияда характер акцентуацияси (меъёрдан ортиши) деб аталади. Бунда бошқаларга нисбатан барқарорлик бўлгани ҳолда баъзи кучли ҳаяжонлантирувчи омилларга заифлик ортиши кузатилади. Характер акцентуацияси турлари олимлар томонидан турли хил кўринишда ажратиб кўрсатилади. Уларнинг айримлари (**К.Леонгард** бўйича) ҳақида тўхталиб ўтамиз:

1. ***Гипертим тип*** – бу тоифадагилар ўта киришимли, сўзамол бўлади, имо-ишоралар, мимика ва пантомимика орқали ўз ҳис-туйғуларини намоён қилади. Улар тўсатдан суҳбатнинг дастлабки мавзусидан четга чиқадилар. Бу тоифадаги одамда ўз хизмат ва оилавий мажбуриятларига етарли тарзда жиддий эътибор бермасликлари оқибатида атрофидаги одамлар билан қисқа келишмовчиликлар юзага келади. Уларнинг ижобий томонлари ишчанлик, оптимистлик, фаолиятлилик, ташаббускорлик каби сифатлари орқали намоён бўлади. Уларнинг салбий хислатлари – енгилтабиат, жиззаки, ўз мажбуриятларига бефарқ муносабатда бўлиш ва ҳокавзо.

2. ***Дистим тип*** **–** бу тоифадагилар камгап, некбин кайфиятли, тортинчоқ бўлишади. Уларнинг аксарияти уйда ўтиришни хоҳлашади. Улар сершовқин давраларни ёқтирмайди ва атрофдагилар билан камдан-кам низога борадилар. Уларнинг ижобий хислатлари: жиддий, ҳақиқатгўй, соф виждонли. Салбий томонлари: сусткаш, шахсиятпараст, фикрлаш доираси тор.

3. ***Циклоид тип*** **–** бу тоифадагиларнинг кайфияти тез-тез даврий ўзгариши, бунинг оқибатида уларнинг атрофидаги одамлар билан бўлган муомаласи ҳам ўзгариб туриши кузатилади. Уларнинг кайфияти чоғ бўлганда яхши ҳамсуҳбат, кайфияти ёмон бўлганда эса тундроқ бўлиб қоладилар.

4. ***Таъсирчан тип*** **–** бу тоифадагилар муомалада тортинчоқ, кўп ҳолларда тунд ва инжиқ бўлиб, ёлғончилик, сурбетлик, низога мойилдирлар. Шунингдек, бундай ҳолатларда улар доим фаол бўладилар. Бу тоифадагилар хотиржам бўлганларида софдил, ҳайвонлар ва кичкина болаларни яхши кўрадилар, кайфиятлари ёмон бўлганида эса инжиқ, жаҳлдор, ўзларини идора эта олмайдилар.

5. ***Тўхталувчан (тиқилувчан) тип*** **–** бу тоифадагилар меъёрида ҳамсуҳбат, писмиқ, ақл ўргатувчи, камгапдирлар. Улар низоли ҳолатларда фаол, ташаббускор бўлиб, танлаган фаолиятини муваффақиятли амалга

оширишга интиладилар. Улар ўзига нисбатан ўта талабчан бўлиб, ижтимоий адолатга хайрихоҳ, шунинг билан бирга аразчи ҳамда қасоскор бўладилар. Баъзида ҳаддан зиёд ўзига бино қўйган, тўғрисўз, рашкчи, яқинларига ва қўл остидаги ходимларга нисбатан ўта талабчан бўлиб қоладилар.

6. ***Синчков (педантик) тип*** можароларга кам аралашиб, хизмат доирасида ўзини қаттиққўлдек тутиб, атрофдагиларга кўп талаблар қўяди. Шунингдек, етакчиликни бажонидил бошқа одамларга беради. Баъзида оила аъзоларига тартиб борасида ўта талабчан. Унинг ижобий хислатлари: софдил, тартибли, жиддий, садоқатли. Салбий томонлари: расмиятчи, писмиқ, қизиққон.

7. ***Ташвишли тип*** **–** бу тоифадагилар паст киришимли, ўзига нисбатан ишончсиз бўладилар. Улар низоларга кам аралашадилар ва бу ҳолатда қўллаб-қувватловчи ва таянч ахтарадилар. Улар дўстликни қадрлайдилар, ўз-ўзига танқид кўзи билан қарайдилар, ўзига топширилган вазифаларни сўзсиз бажарадилар, ўзининг ҳимоясизлиги оқибатида кўп ҳолларда ҳазил-ҳузул учун нишон бўладилар.

8. ***Жўшқин (ҳаяжонли) тип*** **–** бу тоифадагилар тор доирада сараланган одамлар билан алоқа қилишни афзал кўрадилар. Улар кам ҳолларда можароларга аралашиб, хафачиликларини ичларида сақлайдилар. Ижобий хислатлари: самимийлик, раҳм-шафқатлилик, ўзгаларнинг ютуғидан қувонадиган ҳамда бўйсунувчан. Салбий томонлари – йиғлоқи, ўта ҳиссиётли, иззатталаб.

9. Тез муомалага киришувчанлик, етакчиликка интилувчанлик, кўнгилчанлик, бошқаларга тез кўникувчанлик ***намойишкорона тип***га хосдир.

Уларда ҳокимиятни эгаллаш ҳисси устувор бўлиб, мақтовни жуда ёқтирадилар. Бундай кишилар ўзига ишончи ва ўзига тортувчанликлари билан атрофдагиларнинг ғашига тегиб, можароларни ўзлари келтириб чиқаради ва бу ҳолатда фаол тарзда ўзларини ҳимоя қилади. Уларнинг ижобий томонлари – сабр-қаноатлилик, артистлик қила оладиган, бошқаларни ўзига қарата оладиган, тўғрисўзлигидир. Салбий томонлари эса – худбинлик, шахсиятпарастлик, мақтанчоқлик, дангасаликдир.

10. ***Экзалтирлашган тип*** **–** бу тоифадагилар ўта киришимли бўлиб, тез-тез баҳслашадилар, лекин баҳс очиқ можароларга етиб бормайди. Низоли ҳолатларда улар бир пайтнинг ўзида ҳам фаол, ҳам сусткашдирлар. Шу билан бирга, дўстлари ва яқинларига боғланган, уларга жуда ғамхўр. Уларда ачиниш ҳисси юқори, яхши дидли, ҳиссиётлари ёрқин ва самимий бўлади. Салбий томонлари – ваҳимачи, бир онлик кайфиятларга ён босувчи.

11. ***Экстраверсив тип*** **–** ўта киришимли бўлиб, бундай одамларнинг дўстлари ва танишлари жуда кўп бўлади. Бундай одамлар эзмалик даражасигача кўп гапирадилар, ҳар қандай маълумотни улардан очиқчасига билиб олиш мумкин. Бу тоифадагилар дўстлар даврасида, ишда, оилада, кўпинча етакчиликда бошқаларга ён босиб, бошқаларга бўйсунишни ва четда туришни афзал кўрадилар. Улар ўзгаларни диққат

билан эшитишга тайёрлик, сўрашган нарсани бажариш каби ижобий хислатларга эгадирлар. Салбий томонлари: таъсирга берилувчан, енгилтабиат, маишатга ўч, иғво ва ғийбатларни тарқатишда иштирок этадилар.

12. ***Интроверсив типнинг*** бошқалардан фарқли томони шундаки, улар ўта ийманувчан, ҳақиқийликдан йироқлашувчан, ўз туйғуларини ошкор этишни хоҳламаслик, файласуфлик қилишга интилишлари билан характерлидир. Бундай одамлар ёлғизликни ёқтирадилар, атрофдагилар билан кам низога бориб, қачонки уларнинг шахсий ҳаётларига аралашгандагина улар атрофдагилар билан ихтилофга борадилар. Уларда қатъиятлилик, принципиаллик каби ижобий фазилатлар билан бир қаторда қайсарлик, фикрлашнинг торлиги, ўз ғояларини ўта қатъиятлилик билан ҳимоя қилиш каби салбий хислатлар мавжуд. Улар ҳар бир нарсага ўз нуқтаи назарлари билан қарайдилар, ўз фикрларини бошқаларнинг фикрларидан устун қўядилар. Характер акцентуациясига тўғри тарбиявий иш йўлга қўйилганда чек қўйиш мумкин. Агар бу вазият ўз вақтида меъёрий ҳолатга келтирилмаса, турли хил патологик бузилишларга олиб келиши кузатилади.

Вазиятли масалалар:

1-масала. Шахс структурасида биологик ва ижтимоий омиллар нисбати ҳақида турли нуқтаи назарлар мавжуд:

***Биринчиси*:** шахс жамиятда ривожланади, инсоннинг биологик хусусиятлари эса бу жараёнга деярли таъсир кўрсатмайди.

Иккинчиси: шахс биологик, наслий омиллар билан белгиланади, ҳеч қандай жамият инсонга табиат томонидан берилган хусусиятларни ўзгартира олмайди.

Учинчиси: шахс инсоннинг ижтимоий ривожланганлигининг энг юқори чўққиси, шахс шаклланиши ва ривожланишининг мураккаб жараёни биологик ва ижтимоий омилларнинг бирлигига асосланади. Бу жараёнда биологик омиллар табиий шароит сифатида юзага чиқса, ижтимоий инсоннинг шахс сифатида шаклланишида унинг психологик ривожланишини таъминловчи куч ҳисобланади.

Берилган нуқтаи назарларнинг қайси бирини тўғри дейиш мумкин? Нима учун шахс ривожланишини аниқлашда биологик шароит ва шахс тузилишининг ижтимоий томонини ҳисобга олиш зарурлигини исботланг.

1-**масала.** Қуйида инсонларнинг хатти-ҳаракатларида индивид хусусиятлари ва шахс хусусиятларининг намоён бўлишига мисоллар келтирилган.

а) Қиз бола Д. моторикасида, нутқида, тафаккурида ва бошқа билиш жараёнларининг кечишида секинлик кузатилмоқда. У бир фаолиятдан иккинчи фаолиятга секин ва қийинчилик билан ўтади.

б) Талаба М. гуруҳ йиғилишида қандай қилиб ўзининг бўш вақтини спорт билан шуғулланиш ва иш фаолиятига тақсимлаши ҳақида сўзлаб берди.

в) Талаба К. ўзининг маъноли имо-ишораси, кескин харакатлари ва тез юриши билан ажралиб туради.

г) Ўқитувчи таклиф қилган фикрларнинг амалга оширилиши мактабдаги ўзлаштириш даражасини сезиларли равишда оширди.

д) Талаба Ш.да чиройли талаффуз ва ёқимли овоз бор.

1-**масала.** Қуйида инсон хатти-ҳаракатидан шахснинг турлича кўринишлари намоён бўлиши берилган. Матнлардаги мисоллар қайси бирига мос келишини аниқланг.

а) шахс йўналганлиги;

б) мотивларнинг ахлоқийлиги;

в) қизиқиш;

г) темперамент хусусиятларини характерлашини изоҳлаб беринг.

А) 10 синф ўқувчиси А., ўқитувчиларнинг фикрига кўра, дастур материалларини чуқур билади. У шошилмайди, кам эмоционал, лекин мазмунли гапиради. У куч-қувватга тўла, аммо кўп ҳаракат қилмайди. Қизишмайди, ғайрат билан ишламайди. Ўқишда чарчоқ нималигини билмайди, лекин қизиқишлари бир томонлама.

Б) Кун сайин оғир жароҳатлар таъсирида кучдан қолаётган Воробъёв қадрли мамлакатининг қизиқишлари билан жўшқин яшамоқда. У одамларга катта, шу билан бирга талабчан ва меҳрибон муҳаббатини намоён қилади. Воробъёв оёқлари яқинда ампутация қилинган учувчи Алексей Мересьевни биринчи жаҳон уруши даврида оёғидан ажрагач авиацияга қайтган рус учувчиси ҳақидаги ҳикоялари билан янги жасоратга ундайди.

В) 4 синф ўқувчиси А. хушчақчақ, ҳаётсевар, куч-қувватга тўла, шу билан бир вақтда, хотиржам ва тўғри қиз. Унинг дўстлари кўп. У барча нарсани тез ва яхши бажара олади.

Г) Қишлоқ қоровули оиласида иккита ўғил бўлган. Оиланинг моддий таъминланиши юқори эмас эди. Онаси саводсиз. Отаси болаларига нисбатан қўпол ва қаттиққўл. Оиладаги бадиий муҳит ҳақида ҳеч нарса деб бўлмайди. Шундай бўлса ҳам, тўнғич ўғилда расм чизишга мойиллик эрта намоён бўлди, у мактабда кўп ва катта иштиёқ билан чизишни давом эттирди.

Кейин Саратов бадиий билим юртига ўқишга кирди, армия хизматидан кейин Москвада ўқиди. Ҳозирги кунда у таниқли рассом.

1- масала. Ўқитувчилар Ф.Ю. ва В.Ф. услублари қайси темперамент типлари учун характерли эканлигини аниқланг. Уларда қайси услуб хусусиятлари намоён бўлган?

а) 6-7-синфларнинг рус тили ўқитувчиси Ф.Ю. ташқи таассуротларга секин берилади, саволларга дарҳол жавоб қайтармайди. Юз қиёфаси – топшириқ беряптими ёки танбеҳ беряпдими, жиддий саволни ёки қувноқ воқеани эшитяптими, бундан қатъи назар бир хил. Кам ҳолларда кулади, кўпинча юзида ним табассум. Нутқи бир хил темпда, шошилмасдан гапиради. Ҳаракатлари секин. Унинг учун ҳар қандай шароитда ҳам босиқлик ва хотиржамлик хос. Унинг дарслари жуда ҳам зерикарли

ўтадигандек туюлади, лекин бундай эмас экан. Масалан, Ф.Ю. грамматик таҳлил учун эмоционал бой, лирик кўтаринки, баъзида юмор (ҳазил)га тўла гапларни ва матнларни синчковлик билан танлайди. Натижада дарс барча ўқувчиларнинг фаол иштироки билан ўтади, уларнинг кўзлари ёнади, қўллари юқорироқ кўтарилади, юзларида табассум ўйнайди, жавоб беришга хоҳишлари баланд.

Б) 6-7 синфларнинг рус тили ўқитувчиси В.Ф. бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга осон ўта олади. Танаффус вақтида ўқитувчилар хонасида унинг атрофида хурсандчилик ва жонланиш бўлади. В.Ф. қандайдир кулгили воқеани айтиб бераётган эди, лекин қўнғироқ чалингач, ўқитувчининг юз қиёфаси жиддийлашди. Синфда у ҳар доим ҳаракатда, тез ва шиддат билан юради. Ҳеч қачон ўқувчиларнинг тушунмасликларидан жаҳли чиқмайди, ўзини тутади, босиқ ва сабрли. Унинг дарсларда қўллайдиган рус тили бўйича материалларни мустаҳкамлашнинг энг яхши кўрган усулларидан бири мусобақа типидаги қисқа муддатли динамик ўйиндир. Ўйин 5 минут давом этади ва юқори темпда ўтади. У ўқитувчидан катта оперативликни, эпчилликни талаб қилади.

Шундай қилиб, иккала ўқитувчи ҳам педагогик топшириқларни муваффақиятли, лекин турлича ҳал қилишади.

2- масала. Қуйидаги психологик-педагогик характеристикалар бўйича ўқувчиларнинг темперамент типини аниқланг.

1) С., 3-синф. Сусткаш, шошилмасдан, ёйилиб юради, секин, лекин ўйлаб, изчил гапиради. Дарсда етарлича бефарқ қиёфада ўтиради, қўлини кўтармайди, лекин ўқитувчининг саволига одатда тўғри жавоб беради. Ўқитувчи нега қўлини кўтармаганини сўраса: «Шунчаки», – деб жавоб беради. Уни кулдириш ёки жаҳлини чиқариш қийин. Ўзи одатда дўстларини хафа қилмайди, бошқаларнинг жанжалига аралашмайди. Кек сақламайди. Дўстлари учун нимадир қилишга эринади. Мулоқотга кам киришади, кўпинча жим туради. Янги материални дарҳол тушунмайди, уни бир неча марта такрорлашга тўғри келади, лекин вазифаларни тўғри ва тартибли бажаради. Тартиб-интизомни яхши кўради. Ўтган йили ўқишга янги келганда, болалар билан дўстлашишга қийналган эди.

2) Р., 3-синф. Ўта қизиқувчан. Кўпинча кучи етмайдиган ишларни ўзига олади, жуда ҳам ҳаракатчан. Ҳар қандай дақиқада ўрнидан туриб кетиб, истаган йўналишга «учишга» тайёр. Қўллари тинч турмайди. Бошини тез-тез ва кўп ҳамма томонга буради. Жуда жиззаки. Материални тез, тўғри қабул қилади, лекин шошганидан пойинтар-сойинтар жавоб беради. Доимо унга: «Дарҳол жавоб берма, ўйлаб ол, шошилма» дейишга тўғри келади, кулгидан дарҳол жаҳлга ўтади ва аксинча. Ҳарбий ўйинларни яхши кўради. Жуда ташаббускор. Ўқитувчиларни саволлар билан кўмиб ташлайди. Жаҳли чиққанда ўзини тутиб туролмайди. Яхши баҳолар олишни яхши кўради.

3) Д., 2-синф. Жуда таъсирчан, кичкина нохушлик ҳам уни мувозанатдан чиқариб юборади, ҳар қандай арзимаган нарсага ҳам йиғлайди. Бир куни у портфелидан дарслигини топа олмагани учун йиғлаб

юборди, салдан кейин эса дарслик портфелда эканлиги аниқланди. Жуда аразчи. Хафагарчиликни узоқ вақт эслаб юради ва уларни оғриқли ўтказади. Хаёлпараст, дўстлари билан ўйнаш ўрнига ойнага қараб хаёл суриб туради. Ҳамма қоидаларга итоат билан бўйсунади. Болалар жамоасида пассив. Кўпинча ўз кучига ишонмаслигини сезиб қолади. Агар ишида қийинчиликлар учраса, осонлик билан шашти пасаяди, ўзини йўқотиб қўяди, ишини охиригача бажармайди, лекин топшириқни бажариш қатъий талаб қилинса, кўпинча бошқалардан ёмон бажармайди.

4) В., 2-синф. У қиз жуда ҳаракатчан, дарсларда бир дақиқа ҳам жим ўтирмайди, ҳар доим гавда ҳолати ўзгариб туради, қўлида бир нимани ўйнатади, ёнидаги ўртоғи билан гаплашади. Ҳамма янги нарсаларга тез қизиқади, лекин қизиқиши тез сўнади. Кайфияти қувноқ ва тетик. «Ишларинг қалай?» - каби саволга одатда табассум билан, ҳатто олган баҳолари унча яхши бўлмаса ҳам, «Жуда яхши!» - деб жавоб беради. «Беш»лари ҳақида хурсандчилик билан уйидаги ҳаммани хабардор қилади. «Икки»ларини беркитмайди, лекин доимо тетиклик билан: «Бу менда ... тасодифан ...» деб қўшиб қўяди. Айрим ҳолларда хафа бўлади, ҳатто йиғлайди, лекин узоқ вақт эмас. Мимикаси жонли. Ҳаракатчанлиги ва тиниб-тинчимаслигига қарамасдан, уни осон тартибга чақириш мумкин. Қизиқарли дарсларда катта энергияга эга ва меҳнатга лаёқатлилигини кўрсата олади. Дугоналари билан осон келишади, янги талабларга тез кўникади, жуда гапдон.

5) Ф., 3-синф. Камҳаракат, вазмин, жиддий қиз. Бирор-бир топшириқни бажаришдан олдин уни обдон ўйлаб олади. Одатда ишни секин, лекин ҳар доим яхши бажаради. Бу асосан унинг назорат ишларида яққол кўринади. У дафтарини деярли охирида топширади, лекин доимо ҳаммаси тўғри ечилган бўлади. Дарсда жавоб берганда ҳар доим тўғри, аммо бир маромда гапиради.

<u>Семинар машғулотларида муҳокама қилинадиган саволлар:</u>

1. “Индивид” тушунчаси қандай маънони англатади?
2. “Индивидуаллик” тушунчасининг маъноси нима?
3. Шахснинг индивидуал-типологик хусусиятларига нималар киради?
4. Қобилият, иқтидор ва истеъдод бир - биридан қандай фарқланади?
5. Иқтидорли инсоннинг тафовутли томонлари нимада?
6. Қобилиятлардаги туғма ва орттирилган сифатлар нимаси билан фарқланади?
7. Темпераментнинг қандай турлари мавжуд?
8. Инсон характерига таъсир қилувчи омиллар нима?
9. Иродавий сифатлар қандай кўринишга эга?
10. Эмоциялар қандай акс этади?

V БОБ. ШАХС ВА ЖАМИЯТ МУАММОСИ

5.1 §. ШАХСНИНГ ЖАМИЯТГА ТАЪСИРИ

Ижтимоий нормалар, санкциялар ва шахс. *Ижтимоий норма* – шахс ҳаётида шундай категорияки, у жамиятнинг ўз аъзолари хулқ-атворига нисбатан ишлаб чиқилган ва кўпчилик томонидан эътироф этилган ҳаракатлар талабларидир. Масалан, ўзбеклар учун бирор хонага кириб келган инсоннинг ким бўлишидан қатъи назар, «Ассалому алайкум» деб келиши – норма; ўқувчининг ўқитувчи берган топшириқларни бажариши лозимлиги – норма; хотиннинг эр ҳурматини ўрнига қўйиши, қайнонага гап қайтармаслик – норма; автобусда ёки бошқа жамоат транспортида кичикнинг катталарга, ногиронларга ўрин бўшатиши – норма ва ҳоказо. Бу нормаларни айрим – алоҳида одам ишлаб чиқмайди, улар бир кун ёки бир вазиятда ҳам ишлаб чиқилмайди. Уларнинг пайдо бўлиши ижтимоий тажриба, ҳаётий вазиятларда кўпчилик томонидан эътироф этилганлиги факти билан характерланади, ҳар бир жамият, давр, миллат ва ижтимоий гуруҳ психологияда муҳрланади.

Ижтимоий нормаларнинг у ёки бу даврда, у ёки бу тоифа вакили бўлмиш шахс томонидан қай даражада бажарилиши ёки унга амал қилинаётганлиги ижтимоий санкциялар орқали назорат қилинади. *Ижтимоий санкциялар* – нормаларнинг шахс хулқида намоён бўлишини назорат қилувчи жазо ва рағбатлантириш механизмлари бўлиб, уларнинг борлиги туфайли ҳар бир алоҳида вазиятларда ижтимоий хулқ нормаларини бузмасликка, жамоатчиликнинг салбий фикри объектига айланиб қолмасликка ҳаракат қилинади. Масалан, юқоридаги мисолда, агар жамоат транспортида катта мщйсафид кишига ўрин бўшатишни норма деб қабул қилмаган ўсмирга нисбатан кўпчиликнинг айблов кўзи билан қараши ёки оғзаки танбеҳ бериши, жуда кам ҳолларда ўзини бебош тутаётган ўсмирнинг қўлидан тутиб, нима қилиш кераклигини ўргатиб, «кўзини мошдай очиб қўйиш» ижтимоий санкциянинг ҳаётдаги бир кўринишидир.

Ҳар бир алоҳида шахс жамият томонидан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган ижтимоий нормалар ва санкциялар, у ёки бу ижтимоий ролларни бажариши мобайнида хулқида намоён этади. *Рол* – шахсга нисбатан шундай тушунчаки, унинг конкрет ҳаётий вазиятлардаги ҳуқуқ ва бурчларидан иборат ҳаракатлари мажмуини билдиради. Масалан, талаба ролини оладиган бўлсак, уни бажариш – у ёки бу олий ўқув юртида таҳсил олиш, унинг моддий базасидан фойдаланиш, кутубхонасига аъзо бўлиш, стипендия олиб, маъмуриятнинг ижтимоий ҳимоясида бўлиш каби қатор ҳуқуқлар билан биргаликда, ўша олийгоҳ ички тартиб-интизоми нормаларига сўзсиз бўйсуниш, дарсларга ўз вақтида келиш, рейтинг баҳолаш талаблари доирасида кундалик ўзлаштиришни бажариш, амалиётда бўлиш, деканатнинг берган жамоатчилик топшириқларини ҳам бажариш каби қатор бурчларни ўз ичига олади. Бу рол унинг уйга боргач, бажарадиган «фарзандлик» роли (ота-она, яқин қариндошлар олдида) талаб ва имтиёзларидан фарқ қилади. Яъни, конкрет шахснинг ўзига хослиги ва қайтарилмаслиги у бажарадиган турли-туман ижтимоий ролларнинг

характеридан келиб чиқади. Шунга кўра, кимдир «тартибли, баъмани, фозил, ахлоқли ва одобли» дейилса, кимдир беъмани, бебош, ўзгарувчан, икки юзламачи (яъни, бир шароитда жуда қобил, бошқа ерда бетартиб) деган ҳаётий мавқега эга бўлиб қолади. Ҳаётда шахс бажарадиган ижтимоий роллар кўплиги сабабли турли вазиятлардаги унинг мавқеи – статуси ҳам турлича бўлиб қолади. Агар бирор рол шахс ижтимоий тасаввурлари тизимида унинг ўзи учун ўта аҳамиятли бўлса (масалан, талаба роли), у бошқа ролларни унчалик қадрламаслиги ва оқибатда, ўша вазиятда бошқачароқ, ноқулай ва нобопроқ мавқени эгаллаб қолиши мумкин. Қолаверса, ролларнинг кўплиги баъзан роллар зиддиятини ҳам келтириб чиқариши мумкинки, оқибатда шахс ички руҳий қийинчиликларни ҳам бошдан кечириши мумкин. Масалан, сиртдан таҳсил олаётган талаба сессия пайтида ишлаб турган корхонасига комиссия келиши ва унинг фаолиятини текшираётганлигини билиб, руҳий азобга тушади, бир томондан, талабачилик ва унинг талаблари, иккинчи томондан, касбдошлар олдида уялиб қолмаслик учун ҳар куни ишхонага ҳам бориб келиш. Ҳозирги ижтимоий-иқтисодий вазият ва бозор муносабатлари шароитидаги рақобат муҳити шахсдан бир вақтнинг ўзида қатор қобилиятлар ва малакаларни талаб қилмоқдаки, айниқса, ёшлар ўзгарувчан шароитларга тезроқ мослашиш учун баъзан бир-бирига зид хислатларни ҳам хулқда намоён қилишга мажбур бўлишмоқда. Масалан, ёш оила бошлиғи, талаба, ота - оналарга моддий жиҳатдан қарам бўлмаслик учун бир вақтнинг ўзида ҳам итоаткор, интизомли талаба ва ишдан кейин эса чаққон ва уддабурон, тадбиркор, тижоратчилик билан шуғулланишга мажбур бўлиши мумкин. Бу ҳолат, табиий, шахсдан кучли ирода, доимий интилувчанлик ва ўз устида муттасил ишлашни талаб қилади.

Ижтимоий таъсирларнинг шахс томонидан англаниши. Ижтимоий нормалар, санкциялар, роллар ижтимоий механизмлар сифатида шахс хулқ-атворини маълум маънода бошқариб, мувофиқлаштириб туришга ёрдам беради. Лекин инсоннинг омиллиги, унинг ахлоқи, ижтимоий нормалар доирасидаги мақбул ҳаракати унинг ўзига ҳам боғликдир. Одамнинг ўз-ўзини англаши, билиши ва ўз устида ишлаши, аввало, унинг диққати, онги бевосита ўзига, ўз ички имкониятлари, қобилиятлари, ҳиссий кечинмаларига қаратилишини тақозо этади. Яъни, ижтимоий хулқ - шахс томонидан уни ўраб турган одамлар, уларнинг хулқ-атворларига эътибор беришдан ташқари, ўзининг шахсий ҳаракатлари, уларнинг оқибатларини мунтазам тарзда таҳлил қилиб бориш орқали ролларни мувофиқлаштиришни ҳам тақозо этади. Шахснинг ўзи, ўз хулқ-атвори хусусиятлари, жамиятдаги мавқеини тасаввур қилишидан ҳосил бўлган образ «Мен» - образи деб аталиб, унинг қанчалик адекватлиги ва реалликка яқинлиги шахс баркамоллигининг мезонларидан ҳисобланади. «Мен» - образининг ижтимоий психологик аҳамияти шундаки, у шахс тарбияси ва тарбияланганлигининг муҳим омилларидан ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, тарбия шахснинг ўзи ва ўз сифатлари тўғрисидаги тасаввурларининг шаклланиш жараёнидир, деб таъриф бериш

мумкин. Демак, ҳар бир инсон ўзини, ўзлигини қанчалик аниқ ва тўғри билса, тасаввур қилолса, унинг жамият нормаларига зид ҳаракат қилиш эҳтимоли ҳам шунчалик кам бўлади, яъни у тарбияланган бўлади. Ўз-ўзини англаш, ўзидаги мавжуд сифатларни баҳолаш жараёни кўпинча конкрет шахс томонидан оғир кечади, яъни инсон табиати шундайки, у ўзидаги ўша жамият нормаларига тўғри келмайдиган, номаъқул сифатларни англамасликка, уларни «яширишга» ҳаракат қилади, ҳаттоки, бундай тасаввур ва билимлар онгсизлик соҳасига сиқиб чиқарилади (австриялик олим З. Фрейд назариясига кўра). Бу атайлаб қилинадиган иш бўлмай, у ҳар бир шахсдаги ўз шахсиятини ўзига хос ҳимоя қилиш механизмидир. Бундай ҳимоя механизми шахсни кўпинча турли хил ёмон асоратлардан, ҳиссий кечинмалардан асрайди. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, «Мен» - образининг ижобий ёки салбийлигида яна ўша шахсни ўраб турган ташқи муҳит, ўзгалар ва уларнинг муносабати катта рол ўйнайди. Одам ўзгаларга қараб, гуёки ойнада ўзини кўргандай тасаввур қилади. Бу жараён психологияда **рефлексия** деб аталади. Унинг моҳияти айнан ўзига ўхшаш одамлар образи орқали ўзи тўғрисидаги образни шакллантириш, жонлантиришдир. Рефлексия «Мен» - образи соҳибиининг онгига тааллуқли жараёндир. Масалан, кўчада бир танишингизни учратиб қолдингиз. Сиз тинмай унга ўз ютуқларингиз ва машғулотларингиз ҳақида гапирмоқдасиз. Лекин гап билан бўлиб, унинг қаергадир шошаётганлигига эътибор бермадингиз. Шу нарсани унинг бетоқатлик билан сизни тинглаётганлигидан, хаёли бошқа ерда турганлигидан билиб қоласиз ва шу орқали айни шу пайтда «маҳмадона, лақмароқ» бўлиб қолганингизни сезасиз. Кейинги сафар шу ўртоғингиз билан учрашганда, олдинги хатога йўл қўймаслик учун «Ўртоқ, шошмаяпсанми?» деб сўраб ҳам қўясиз. Ана шу илгариги рефлексиянинг натижасидир. Яъни, суҳбатдош ўрнига туриб, ўзингизга ташланган назар («мен унга қандай кўриняпман?») рефлексиядир.

Шахснинг ўзи ҳақидаги образи, ўз-ўзини англаши ёш ва жинсий ўзига хосликка эга. Масалан, ўзига нисбатан ўта қизиқувчанлик, ким эканлигини билиш ва англашга интилиш, айниқса, ўсмирлик даврида ривожланади. Бу даврда пайдо бўладиган «катталик» ҳисси қизларда ҳам, ўсмир йигитчаларда ҳам нафақат ўзига, балки ўзгалар билан бўладиган муносабатларини ҳам белгилайди. Қизлардаги «Мен» - образининг яхши ва ижобий бўлиши кўпроқ бу образнинг аёллик сифатларини ўзида мужассам эта олиши, аёллик хислатларининг ўзида айни пайтда мавжудлигига боғлиқ бўлса, йигитлардаги образ кўпроқ жисмонан баркамоллик мезонлари билан нечоғли уйғун эканлигига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам ўсмирликда ўғил болалардаги бўйнинг пастлиги, мускулларнинг заифлиги ва шу асосда қурилган «Мен» - образи қатор салбий таассуротларни келтириб чиқаради. Қизларда эса ташқи тарафдан гўзалликка, келишганлик, одоб ва аёлларга хос қатор бошқа сифатларнинг бор-йўқлигига боғлиқ ҳолда «Мен» образи мазмунан идрок қилинади. Қизларда ҳам ортиқча вазн ёки терисида пайдо бўлган айрим тошмалар ёки шунга ўхшаш физиологик нуқсонлар кучли салбий эмоцияларга сабаб бўлса-да, барибир, чиройли кийимлар,

тақинчоқлар ёки сочларнинг ўзига хос турмаги бу нуқсонларни босиб кетадиган омиллар сифатида қаралади.

«Мен» - образи ва ўз-ўзига баҳо. «Мен» - образи асосида ҳам бир шахсда ўз-ўзига нисбатан баҳолар тизими шаклланадики, бу тизим ҳам образга мос тарзда ҳар хил бўлиши мумкин. **Ўз-ўзига нисбатан баҳо** турли сифатлар ва шахснинг орттирилган тажрибаси, шу тажриба асосида ётган ютуқларига боғлиқ ҳолда турлича бўлиши мумкин. Яъни, айни бирор иш, ютуқ юзасидан ортиб кетса, бошқаси таъсирида, аксинча, пасайиб кетиши мумкин. Бу баҳо аслида шахсга, бошқаларнинг реал муносабатларига боғлиқ бўлса-да, аслида у шахс онги тизимидаги мезонларга, яъни унинг ўзи субъектив тарзда шу муносабатларни қанчалик қадрлашига боғлиқ тарзда шаклланади. Масалан, мактабда бир фан ўқитувчисининг болага нисбатан ижобий муносабати, доимий мақтовлари унинг ўз-ўзига баҳосини оширса, бошқа бир ўқитувчининг салбий муносабати ҳам бу баҳони пастлатмаслиги мумкин. Яъни, бу баҳо кўпроқ шахснинг ўзига боғлиқ бўлиб, у субъектив характерга эгадир. Ўз-ўзига баҳо нафақат ҳақиқатга яқин (адекват), тўғри бўлиши, балки у ўта паст ёки юқори ҳам бўлиши мумкин.

Ўз-ўзига баҳонинг паст бўлиши кўпинча атрофдагиларнинг шахсга нисбатан қўяётган талабларининг ўта ортиқлиги, уларни уддалай олмаслик, доимий тарзда турли эътирозларнинг билдирилиши, ишда, ўқишда ва муомала жараёнидаги муваффақиятсизликлар оқибатида ҳосил бўлиши мумкин. Бундай ўсмир ёки катта одам ҳам доимо тушкунлик ҳолатига тушиб қолиши, атрофдагилардан четроқда юришга ҳаракат қилиши, ўзининг кучи ва қобилиятларига ишончсизлик қайфиятида бўлиши билан ажралиб туради ва бора-бора шахсда қатор салбий сифатлар ва хатти-ҳаракатларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Ҳаттоки, бундай ҳолат суицидал ҳаракатлар, яъни ўз жонига қасд қилиш, реал борлигидан «қочишга» интилиш психологиясини ҳам келтириб чиқариши мумкин.

Ўз-ўзига баҳо ўта юқорилиги ҳам шахс хулқ-атворига яхши таъсир кўрсатмайди. Чунки у ҳам шахс ютуқлари ёки ундаги сифатларнинг бошқалар томонидан сунъий тарзда бўрттирилиши, ноўрин мақтовлар, турли қийинчиликларни четлаб ўтишга интилиш туфайли шаклланади. Ана шундай шароитда пайдо бўладиган психологик ҳолат «ноадекватлилик эффекти» деб аталиб, унинг оқибатида шахс, ҳаттоки, мағлубиятга учраганда ёки ўзида ночорлик, уқувсизликларни сезганда ҳам бунинг сабабини ўзгаларда деб билади ва шунга ўзини ишонтиради ҳам (масалан, «халақит берди-да», «фалончи бўлмаганида» каби баҳоналар кўпаяди). Яъни нимаики бўлмасин, айбдор ўзи эмас, атрофдагилар, шароит, тақдир айбдор. Бундайлар ҳақида бора-бора одамлар «оёғи ердан ўзилган», «манмансираган», «димоғдор» каби сифатлар билан гапира бошлайдилар. Демак, ўз-ўзига баҳо реалистик, адекват, тўғри бўлиши керак.

Реалистик баҳо шахсни ўраб турганлар – ота-она, яқин қариндошлар, педагог ва мураббийлар, қўни-қўшни ва яқинларнинг ўринли ва асосли баҳолари, реал самимий муносабатлари маҳсули бўлиб, шахс ушбу муносабатларни илк ёшлигиданоқ холис қабул қилишга, ўз вақтида

тўғрилашга ўргатилган бўлади. Бунда шахс учун эталон, ибратли ҳисобланган инсонлар гуруҳи – **референт** гуруҳнинг роли катта бўлади. Чунки кундалик ҳаётда ҳамманинг фикри ва баҳосига қулоқ солавермаймиз, биз учун шундай инсонлар мавжудки, уларнинг ҳаттоки, оддийгина танбеҳлари, маслаҳатлари, мақтаб туриб, берган танбеҳлари ҳам катта аҳамиятга эга. Бундай референт гуруҳ реал мавжуд бўлиши (масалан, ота-она, ўқитувчи, устоз, яқин дўстлар) ёки нореал, хаёлий (китоб қаҳрамонлари, севимли актёрлар, идеал) бўлиши мумкин. Шунинг учун ёшлар тарбиясида ёки реал жамоадаги одамларга мақсадга мувофиқ таъсир ёки тазйиқ кўрсатиш керак бўлса, уларнинг эталон, референт гуруҳини аниқлаш катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлади.

Шундай қилиб, ўз-ўзига баҳо соф ижтимоий ҳодиса бўлиб, унинг мазмуни ва моҳияти шахсни ўраб турган жамият нормаларига, шу жамиятда қабул қилинган ва эъзозланадиган қадриятларга боғлиқ бўлади. Кенг маънодаги йирик ижтимоий жамоалар эталон ролини ўйнаши оқибатида шаклланадиган ўз-ўзига баҳо ўз-ўзини баҳолашнинг юксак даражаси ҳисобланади. Масалан, мустақиллик шароитида мамлакатимиз ёшлари онгига миллий қадриятларимиз, ватанпарварлик, адолат ва мустақиллик мафкурасига садоқат ҳисларининг тарбияланиши, табиий, ҳар бир ёш авлодда ўзлигини англаш, ўзи мансуб бўлган халқ ва миллат маънавиятини қадрлаш ҳисларини тарбияламоқда. Бу эса, ўша юксак ўз-ўзини англашнинг пойдевори ва муҳим шакллантирувчи механизмидир. Демак, ўз-ўзини баҳолаш ўз-ўзини тарбиялашнинг муҳим мезонидир. Ўз-ўзини тарбиялаш омиллари ва механизмларига қуйидагилар киради:

- ўз-ўзи билан мулоқот (ўзини конкрет тарбия объекти сифатида идрок этиш ва ўзи билан мулоқотни ташкил этиш сифатида);
- ўз-ўзини ишонтириш (ўз имкониятлари, кучи ва иродасига ишониш орқали ижобий хулқ нормаларига бўйсундириш);
- ўз-ўзига буйруқ бериш (тиғиз ва экстремал ҳолатларда ўзини қўлга олиш ва мақбул йўлга ўзини чорлай олиш сифати);
- ўз-ўзига таъсир ёки аутосуггестия (ижтимоий нормалардан келиб чиққан ҳолда ўзида маъқул установкаларни шакллантириш);
- ички интизом – ўз-ўзини бошқаришнинг муҳим мезони, ҳар доим, ҳар ерда ўзининг барча ҳаракатларини мунтазам равишда коррекция қилиш ва бошқариш учун зарур сифат.

Юқоридаги ўз-ўзини бошқариш механизмлари орасида психологик нуқтаи назардан ўз-ўзи билан амалга ошириладиган **ички диалог** алоҳида ўрин тутади. *Ўз-ўзи билан диалог* – оддий тил билан айтганда, ўзи билан ўзи гаплашишдир. Аслида бу қобилият бизнинг бошқалар билан амалга оширадиган ташқи диалогларимиз асосида ривожланади, лекин айнан ички диалог муҳим регулятив роль ўйнайди. Е. Климов бундай диалогнинг уч босқичини кўрсатиб ўтади.

4-жадвал.

ШАХС АУТОДИАЛОГИНИНГ МУҲИМ БЕЛГИЛАРИ

Ички диалогнинг шаклланганлик даражаси	Босқичлари	Ички диалогнинг даражавий белгилари (аутокоммуникация)
Олий даража	*6-босқич*	Шахсий мазмундаги диалог (ўзидаги шахсий сифатларни муҳокама қилиш, шахсий мулоҳаза)
	5-босқич	Ҳодиса ва нарсаларга боғлиқ бўлган сифатлар хусусидаги ички диалог
Ўрта даража	*4-босқич*	Шахсий сифатлар муҳокамасига қаратилган саволлар ўзига талаблар
	3-босқич	Бошқаларнинг баҳолари таъсиридаги ички мулоҳазалар, шахсий аҳамият касб этган ўзгалар фикрлари асосида ички диалог
Қуйи даража	*2-босқич*	Шахсий сифатларга алоқадор бўлмаган ўзгалар фикрлари асосидаги диалог (ҳодиса ва нарсаларга алоқадор фикрлар)
	1-босқич	Кимдир нима ҳақидадир гапириш мумкин бўлган ҳолатлар юзасидан тасаввурлар, лекин аниқ фикр ёки муносабат йўқ. Аутокоммуникацияга ҳожат йўқ.

4 - жадвалда шахс ички диалогининг босқичлари ва ҳар бир босқичга хос бўлган белгилар келтирилган.

Демак, шахснинг қандай сифатларга эга эканлиги, ундаги баҳоларнинг объективлигига боғлиқ тарзда ўз-ўзи билан мулоқотга киришиб, жадвалдагига мувофиқ шахс ўзини назорат қила олади. Шунинг учун ҳам ҳаётда шундай кишилар учрайдики, катта мажлисда иши танқидга учраса ҳам, ўзига холис баҳо бериб, керакли тўғри хулосалар чиқара олади, шундай одамлар ҳам борки, арзимаган хатолик учун ўз «ич-этини еб ташлайди». Бу ўша ички диалогнинг ҳар кимда ҳар хил эканлигидан дарак берувчи фактлардир.

5.2 §. ЖАМИЯТНИНГ ШАХС ИЖТИМОИЙЛАШУВИГА ТАЪСИРИ

Шахс, унинг дунёни билиш, ўзини ва атрофидаги инсоний муносабатларни билиши, тушуниши ва ўзаро муносабатлар жараёнида ўзидаги такрорланмас индивидуаллиликни намоён қилиши ҳамда ушбу жараёнларнинг ёшга ва жинсга боғлиқ айрим жиҳатларини таҳлил қилиш умумий равишда шахс – жамиятда яшайдиган ижтимоий мавжудотдир,

деган хулосани қайтаришга имкон беради. Яъни у туғилган онидан бошлаб ўзига ўхшаш инсонлар қуршовида бўлади ва унинг бутун руҳий потенциали ана шу ижтимоий муҳитда намоён бўлади. Чунки агар инсоннинг онтогенетик тараққиёти тарихига эътибор берадиган бўлсак, ҳали гапирмай туриб, одам боласи ўзига ўхшаш мавжудотлар даврасига тушади ва кейингина ижтимоий мулоқотнинг барча кўринишларининг фаол объекти ва субъектига айланади. Шу нуқтаи назардан, ҳар биримизнинг жамиятдаги ўрнимиз, унинг қачон ва қандай шароитларда пайдо бўлгани, жамиятга қўшилиб яшашимизнинг психологик механизмлари фаннинг муҳим вазифаларидан биридир. Бу жараён психологияда *ижтимоийлашув ёки социализация* деб юритилади.

Демак, социализация ёки ***ижтимоийлашув*** – инсон томонидан ижтимоий тажрибани эгаллаш ва ҳаёт фаолияти жараёнида уни фаол тарзда ўзлаштиришдир. Содда тил билан айтганда, ижтимоийлашув – ҳар бир шахснинг жамиятга қўшилиши, унинг нормалари, талаблари, кутишлари ва таъсирини қабул қилган ҳолда, ҳар бир ҳаракати ва муомаласида уни кўрсатиши, шу ижтимоий тажрибаси билан ўз навбатида ўзгаларга таъсирини ўтказа олиши жараёнидир. Ижтимоийлашув, энг аввало, одамлар ўртасидаги мулоқот ва ҳамкорликда турли фаолиятни амалга ошириш жараёнини назарда тутади. Ташқаридан шахсга кўрсатилаётган таъсир оддий, механик тарзда ўзлаштирилмай, у ҳар бир шахснинг ички руҳияти, дунёни акс эттириш хусусиятлари нуқтаи назаридан турлича субъектив тарзда идрок этилади. Шунинг учун ҳам бир хил ижтимоий муҳит ва бир хил таъсирлар одамлар томонидан турлича ҳаракатларни келтириб чиқаради. Масалан, 10-15-та ўқувчидан иборат академик лицей ўқувчиларини олайлик. Уларнинг билимни, илмни идрок қилишлари, улардан ота-оналарининг кутишлари, ўқитувчиларнинг бераётган дарслари ва унда етказилаётган маълумотлар, манбалар ва бошқа қатор омиллар бир хилдай. Лекин барибир ана шу 15 ўқувчининг ҳар бири шу таъсирларни ўзича, ўзига хос тарзда қабул қилади ва бу уларнинг ишдаги ютуқлари, ўқув кўрсаткичлари ва иқтидорида акс этади. Бу юқорида таъкидланган ижтимоийлашув ва индивидуализация жараёнларининг ўзаро боғлиқ ва ўзаро қарама-қарши жараёнлар эканлигидан дарак беради. Ижтимоийлашув жараёнларининг рўй берадиган шарт-шароитларини *ижтимоий институтлар* деб атаймиз. Бундай институтларга оиладан бошлаб маҳалла, расмий давлат муассасалари (боғча, мактаб, махсус таълим ўчоқлари, олийгоҳлар, меҳнат жамоалари) ҳамда норасмий уюшмалар, нодавлат ташкилотлари киради. Бу институтлар орасида бизнинг шароитимизда *оила ва маҳалланинг* роли ўзига хосдир. Инсондаги дастлабки ижтимоий тажриба ва ижтимоий хулқ элементлари айнан оилада, *оилавий муносабатлар* тизимида шаклланади. Шунинг учун ҳам халқимизда «Қуш уясида кўрганини қилади» деган мақол бор. Яъни шахс сифатларининг дастлабки қолиплари оилада олинади ва бу қолип жамиятдаги бошқа гуруҳлар таъсирида сайқал топиб, такомиллашиб боради. Ўзбекчилик шароитида оила билан бир қаторда *маҳалла* ҳам муҳим тарбияловчи –

ижтимоийлаштирувчи рол ўйнайди. Шунинг учун бўлса керак, баъзан одамнинг қайси маҳалладан эканлигини суриштириб, кейин хулоса чиқаришади, яъни маҳалла билан маҳалланинг ҳам фарқи бўлиб, бу фарқ одамлар психологиясида ўз аксини топади. Масалан, битта маҳалладан яхши келин чиқса, айнан шу маҳалладан қиз қидириб қолишади. Яъни шу маҳалладаги ижтимоий муҳит қизларнинг иболи, ақлли, сариштали бўлиб етишишларига кўмаклашган. Масалан, айрим маҳаллаларда саҳар туриб кўча эшикларни супуриш одатга айланган ва барча оилалар шу удумни бузмайдилар. Шунга ўхшаш нормалар тизими ҳар бир кўча-маҳалланинг бир-биридан фарқи, афзаллик ва камчилик томонларини белгилайди, охиргилар эса шу маҳаллада катта бўлаётган ёшлар ижтимоийлашувида бевосита таъсирини кўрсатади. Яна бир муҳим ижтимоийлашув ўчоқларига *мактаб ва бошқа таълим масканлари* киради. Айнан шу ерда ижтимоийлашув ва тарбия жараёнлари махсус тарзда уйғунлаштирилади. Ижтимоий тасаввурларимиз шундайки, мактабни биз таълим оладиган, бола билимлар тизимини ўзлаштирадиган маскан сифатида қабул қиламиз. Лекин аслида бу ер ижтимоийлашув тарбиявий воситаларда юз берадиган маскандир. Бу ерда атайлаб ташкил этилган, охирги йилларда жорий этилган «Маънавият дарслари», «Этика ва психология» каби тарбияловчи фанларни назарда тутмаяпмиз. Гап ҳар бир дарснинг, умуман, мактабдаги шарт-шароитлар, умумий муҳитнинг тарбияловчи роли ҳақида. Масалан, дарс пайтида ўқитувчи бутун диққати билан янги дарсни тушунтириш билан овора дейлик. Унинг назарида фақат дарс, мавзунинг мазмуни ва ундан кўзланган мақсад асосийдай. Лекин аслида ана шу жараёндаги ўқитувчининг ўзини қандай тутаётганлиги, кийим-боши, мавзуга субъектив муносабати ва қолаверса, бутун синфдаги ўқувчиларга муносабати ҳамма нарсани белгиловчи, ижтимоий тажриба учун муҳим аҳамиятга эга бўлган омилдир. Шу нуқтаи назардан ўқувчилар диди, кутишлари ва талабларига жавоб берган ўқитувчи болалар томонидан тан олинади, акс ҳолда эса ўқитувчининг таъсири фақат салбий резонанс беради. Худди шундай ҳар бир синфда шаклланган муҳит ҳам катта роль ўйнайди. Баъзи синфларда ўзаро ҳамкорлик, ўртоқчилик муносабатлари яхши йўлга қўйилган, гуруҳда ижодий мунозаралар ва баҳслар учун қулай шароит бор. Бу муҳит ўз аъзолари ижтимоий хулқини фақат ижобий томонга йуналтириб туради.

Яна бир муҳим ижтимоийлашув муҳити – бу *меҳнат жамоаларидир.* Бу муҳитнинг аҳамияти ва ўзига хослиги шундаки, бу ерга шахс одатда анча ақли пишиб қолган, маълум тажрибага эга бўлган, ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари шаклланган пайтда келади. Қолаверса, эгалланган мутахассислик, орттирилган меҳнат малакалари ва билимлар ҳам жуда муҳим бўлиб, шу муҳитдаги ижтимоий нормалар характерига таъсир қилади. Лекин барибир шахснинг кимлар билан, қандай ўзаро муносабатлар муҳити таъсирида эканлиги унинг етуклик давридаги ижтимоийлашувининг муҳим мезонларидандир. Шунинг учун ишга киришдаги асосий мотивлардан бири – ўша жамоанинг қандай эканлиги, бу ердаги ўзаро муносабатлар, раҳбарнинг кимлиги ва унинг жамоага муносабати бўлиб,

кўпинча маош масаласи ана шулардан кейин ўрганилади. Шунинг учун меҳнат жамоаларида яхши, соғлом маънавий муҳит, адолат ва самимиятга асосланган муносабатлар ҳар бир инсон тақдирида катта роль ўйнайди.

Катта ёшдаги ижтимоийлашувнинг ўзига хослиги шундаки, унда индивидуаллашув жараёни аниқроқ, сезиларлироқ кечади. Чунки катта одам нафақат ташқи таъсирларни ўзлаштиради, балки ўзидаги иқтидор, малакалар билан бошқаларга ҳам тарбиявий таъсир, шахсий ўрнак кўрсатиш имкониятга эга бўлади. Шу нуқтаи назардан, кексанинг ижтимоий моҳияти шундаки, ота-боболаримиз, онахонларимиз асосан ўзларидаги мавжуд ижтимоий тажрибани бошқаларга (фарзандлар, набиралар, маҳалладаги ёшлар ва ҳоказо) узатиш билан шуғулланадилар ва бу нарса, айниқса, Шарқ ҳалқларида жуда эъзозланади. Шу сабабли ҳам мустақил юртимизда қариялар эъзозланади, маҳалланинг бошқарув роли кун сайин оширилмоқда, оила тарбиянинг бош ўчоғи сифатида давлат ҳимоясида бўлиб келмоқда. Бу мустақил давлат ёшларида янгича тафаккур ва онгнинг шаклланишига, юртга садоқат, ватанпарварликнинг ривожига ўз ҳиссасини қўшади.

Шахс дунёқараши ва эътиқодини ўзгартирувчи омиллар. Ижтимоийлашув институтларидан ташқари унинг оқибати масаласи ҳам психологияда муҳим амалий аҳамиятга эга. Шахс ижтимоийлашувининг энг асосий маҳсули – бу унинг ҳаётда ўз ўрнини топиб, жамиятга манфаат келтирувчи фаолиятларда иштирок этишидир. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, шахснинг йўналганлиги масаласига ҳам фанда катта эътибор берилади. *Ижтимоийлашув жараёнида шахс фаолиятини йуналтириб турадиган ва реал вазиятларга нисбатан турғун, барқарор мотивлар мажмуига эга бўлишлик шахснинг* ***йўналганлиги*** *деб аталади.*

Йўналганликнинг энг муҳим таркибий қисмларини қуйидагилар ташкил этади:

Масъулият. Бу ижтимоийлашув жараёнида шахснинг етуклигини белгиловчи муҳим кўрсаткичлардан саналади. Охирги йилларда психологияда *назорат локуси назарияси (теория локуса контроля)* кенг тарқалдики, унга кўра ҳар бир инсонда икки типли масъулият кузатилади. Биринчи типли масъулият шундайки, шахс ўзининг ҳаётида рўй бераётган барча ҳодисаларнинг сабабчиси, масъули сифатида фақат ўзини тан олади. («Мен ўзим барча нарсаларга масъулман. Менинг ҳаётим ва ютуқларим фақат ўзимга боғлиқ, шунинг учун ўзим учун ҳам, оилам учун ҳам ўзим жавоб бераман»). Масъулиятлиликнинг иккинчи тури ундан фарқли, барча рўй берган ва берадиган воқеа, ҳодисаларнинг сабабчиси ташқи омиллар, бошқа одамлар (ота-она, ўқитувчилар, ҳамкасблар, бошлиқлар, танишлар ва бошқалар). Хориж мамлакатларида ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, иккинчи тур масъулият кўпроқ ўсмирларга хос бўлиб, улардан 84%и масъулиятни фақат бошқаларга юклашга мойил эканлар. Бу маълум маънода ёшлар ўртасида масъулиятсизликнинг авж олганлигидандир. Шунинг учун ҳам «назорат локуси» тушунчасини фанга киритган америкалик олим Ж.Роттер (J.Rotter)нинг фикрича, масъулиятни

ўз бўйнига олишга ўргатилган болаларда хавотир, нейротизм, конформизм ҳолатлари кам учраркан. Улар ҳаётга тайёр, фаол, мустақил фикр юритувчилардир. Уларда ўз-ўзига ҳурмат ҳисси ҳам юқори бўлиб, бу бошқалар билан ҳам ҳисоблашиш яшашга сира халақит бермайди. Шунинг учун ижтимоийлашувнинг муҳим босқичи кечадиган таълим муассасаларида ёшларга кўпроқ ташаббус кўрсатиш, мустақил фикрлаш ва эркинликни ҳис қилишга шароит яратиш керак.

Мақсадлар ва идеаллар. Ижтимоийлашувнинг масъулият ҳиссига боғлиқ йўналишларидан яна бири шахсда шаклланадиган мақсадлар ва идеаллардир. Улар шахсни келажакни башорат қилиш, эртанги кунини тасаввур қилиш, узоқ ва яқинга мўлжалланган режаларни амалга оширишга тайёрлигини таъминлайди. Мақсад ва режасиз инсон – маънавиятсиз пессимистдир. Бу мақсадлар доимо ўзининг англанганлиги ва шахс реал имкониятларига боғлиқлиги билан характерланади. Уларнинг шаклланиши ва онгда ўрнашишида маълум маънода идеаллар ҳам роль ўйнайди. Идеаллар – шахснинг ҳозирги реал имкониятлари чегарасидан ташқаридаги орзу-умидлари, улар онгда бор, лекин ҳар доим ҳам амалга ошмайди. Чунки уларнинг пайдо бўлишига сабаб бевосита ташқи муҳит бўлиб, ўша идеаллар объекти билан шахс имкониятлари ўртасида тафовут бўлиши мумкин. Масалан, ўсмирнинг идеали отаси, у отасидай машҳур ва эл суйган ёзувчи бўлмоқчи. Бу орзуга яқин келажакда эришиб бўлмайди, лекин айнан ана шундай идеаллар одамга мақсадлар қўйиб, унга эришиш йўлидаги қийинчиликларни енгишга, иродани сафарбар қилишга ёрдам беради.

Қизиқишлар ва дунёқараш. Қизиқишлар ҳам англанган мотивлардан бўлиб, улар шахсни атрофида рўй бераётган барча ҳодисалар, оламлар, уларнинг ўзаро муносабатлари, янгиликлар борасида фактлар тўплаш, уларни ўрганишга имкон берувчи омилдир. Қизиқишлар мазмунан кенг ёки тор, мақсад жиҳатидан профессионал, бевосита ёки билвосита бўлиши, вақт томондан барқарор, доимий ёки вақтинчалик бўлиши мумкин. Қизиқишларнинг энг муҳим томони шундаки, улар шахс дунёқараши ва эътиқодини шакллантиришга асос бўлади. Чунки *эътиқод* шахснинг шундай онгли йўналишики, унга ўз қарашлари, принциплари ва дунёқарашига мос тарзда яшашга имкон беради. Ҳалқ доимо эътиқодли инсонларни ҳурмат қилади. Эътиқоднинг предмети турлича бўлиши мумкин – Ватанга эътиқод, динга, фанга, касбга, ахлоқий нормаларга, оилага, гўзалликка ва шунга ўхшаш. Эътиқод ва қизиқишлар ҳар биримиздаги дунёқарашни шакллантиради. ***Дунёқараш*** – тартибга солинган, яхлит онгли тизимга айлантирилган билим, тасаввурлар ва ғоялар мажмуи бўлиб, у шахсни маълум бир қолипда, ўз шахсий қиёфасига эга тарзда жамиятда муносиб ўрин эгаллашга чорлайди. Мустақиллик даврида шаклланаётган янгича дунёқараш ёшларда Ватанга садоқатни, миллий қадриятлар, анъаналарни эъзозлашни, ўз яқинларига меҳрибон ва танлаган йўлига – касби, маслаги ва эътиқодига содиқликни назарда тутади. Янгича фикрлаш ва янгича тафаккур айнан мустақиллик мафкураси руҳида тарбия топиб, сайқал топган миллий онг, дунёқараш ва эътиқоддир.

Ижтимоий установкалар. Соф психологик маънода янгича тафаккур ва дунёқарашни шакллантирувчи ва ўзгартирувчи ижтимоий психологик механизм – бу ижтимоий установкалардир. Бу – шахснинг атроф-муҳитида содир бўлаётган ижтимоий ҳодисаларни, объектларни, ижтимоий гуруҳларни маълум тарзда идрок этиш, қабул қилиш ва улар билан муносабатлар ўрнатишга руҳий ички ҳозирлик сифатида одамдаги дунёқарашни ҳам ўзгартиришга алоқадор категориядир.

Рус олими В.А. Ядов ўзининг диспозицион концепциясини яратиб, унда установкаларни тўрт босқич ва тўрт тизимли сифатида тасаввур қилган.

А) элементар установкалар (set) - оддий, элементар эҳтиёжлар асосида кўпинча онгсиз тарзда ҳосил бўладиган установкалар. Уларни ўзгартириш учун моддий шарт-шароитларни ва одамдаги эҳтиёжлар тизимини ўзгартириш кифоя.

Б) ижтимоий устновкалар (attitud) - ижтимоий вазиятлар таъсирида ижтимоий объектларга нисбатан шаклланадиган установкалар. Уларни ўзгартириш учун ижтимоий шарт-шароитлар ва шахснинг уларга нисбатан баҳо ва муносабатлари тизимини ўзгартириш керак.

В) базавий ижтимоий установкалар – улар шахснинг умумий йўналишини белгилайди ва уларни ўзгартириш эътиқодлар ва дунёқарашларни ўзгартириш демакдир.

Г) Қадриятлар тизими – улар авлодлараро мулоқот жараёнининг маҳсули сифатида жамиятда қадр-қиммат топган нарсаларга нисбатан установка. Масалан, саҳиҳ ҳадислар шундай қадриятлардир, биз уларни танқидсиз, муҳокамаларсиз қабул қиламиз, чунки улар ҳам илохий, ҳам энг буюк инсонлар томонидан яратилган ва авлоддан авлодга ўз қадрини йўқотмай келаётган қадриятлардир.

Ижтимоий устновкаларни ўзгартиришнинг энг содда ва қулай йўли – бу айни вазиятлар ва улардаги таъсирларни **қайтаришдир.** Бу қайтариш қайд қилинган образ сифатида инсон онгида узоқ муддатли хотирада сақланади ва вазият пайдо бўлганда, *объективлашади*, яъни ўз кучи ва мавжудлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам, агар чет эл тажрибасига мурожаат қиладиган бўлсак, у ерда бирор ғояни онгга сингдириш учун бир одам ёки бирор гуруҳ ўз сиёсий, мафкуравий ёки бошқа қарашларини бир хил сўзлар ва иборалар, ҳаракатлар билан қайтараверади ва шу йўл билан кўпчиликнинг маъқуллашига эришади. Айниқса, сайлов олди тадбирларида ана шу усул кенг қўлланади. Шулардан келиб чиқиб, ижтимоий установкаларни ўзгартиришнинг усуллари ва психологик воситалари орқали ҳам дунёқарашни ўзгартиришга эришиш мумкин.

5.3 §. Конформизм.

КОНФОРМИЗМ (лот. conformis — ўхшаш, мувофиқ) — мавжуд ижтимоий тартиб, ҳукмрон ғоя ва фикрларга мослашиш, уларни пассив қабул қилиш. Конформистларнинг ўз мавқеи бўлмайди, тазйиқ кучига эга ҳар қандай намунага принципсиз, нотанқидий, кўр-кўрона

эргашаверади. *Конформизм* – бу реал ёки тасаввурлардаги гуруҳнинг шахс эътиқоди ва хулқ-атворига таъсирини тушунтирувчи ҳодисадир. У икки хил намоён бўлиши мумкин:

- *ён бериш* – қалбан қўшилмаса-да, ташқи ҳаракатда кўпчилик фикрига эргашиш;
- *маъқуллаш* – эътиқод ва қарашларнинг ижтимоий тазйиқга тўла мос келиши.

Конформизмнинг табиатини тушунтирувчи экспериментлар (масалан, Музафер Шериф, Соломон Аш, Милграм ва бошқалар) маълум маънода бизга ҳаётда ёқмайдиган нарсаларнинг келиб чиқишини, масалан, жоҳиллик, ўғрилик ёки бошқа иллатларнинг табиатини тушунишга имкон беради, яъни, *жоҳиллик ёки ёмонлик,* албатта ёмон одамларнинг борлиги учун келиб чиқмайди, балки одамларнинг турли вазиятларда ноҳақликка кўникишлари ёки худбинлик, ёвузликни кўриб ўтиб кетавериш, уларга нисбатан *исённи намоён қилмаслик* оқибатидир.

Конформизм ҳодисасини эксперимантал йўл билан ўрганган тадқиқотчиларнинг фикрича, бу маълум шарт-шароитларнинг оқибатидир. Масалан, конформизм гуруҳнинг катта ёки кичиклигига, унинг ***ҳажмига*** боғлиқ. Одамлар ўзлари учун бироз бўлса-да, обрўли ёки ёқимтой бўлган одамлар сони уч ёки ундан ортиқ бўлган шароитда уларнинг гапларига жуда тез ишониб, эргашиб кетаверадилар. Бундан ташқари, юқори даражали конформизм ҳолати бирор масала юзасидан жавоблар кўпчилик ичида берилганда ёки олдиндан бирор жавобга шаъма қилинмаган шароитда тез содир бўлади.

Нима учун одамлар конформизмни намоён этадилар, бу аслида инсон табиатига зид эмасми? деган савол табиий. Ёки бўлмаса, кўпчиликнинг таъсирига ўйламай-нетмай берилавериш яхшими? Бу шахснинг ўзлигига, мустақиллигига путур етказмайдими, деган савол ўринли бўлиб, унинг жавобини икки манбадан – жамиятнинг инсонлар учун ишлаб қўйган нормалари тизимидан, шунга мос тарзда одамнинг ўзгалар томонидан тан олинишига интилиши ва одамларнинг ўзаро коммуникатив маълумотлар алмашишлари жараёнида сўзлар ва иборалар орқали бир-бирларига етказадиган таъсирлари орқали тушунтиришга ҳаракат қилади.

Ким кўпроқ конформли, деган саволга кўпчилик муаллифлар аёлларнинг эркакларга, ёшларнинг катталарга нисбатан анча ишонувчан ва таъсирларга берилувчан эканликларини эътироф этадилар. Бундан ташқари, олимлар бу ҳодисанинг миллий-ҳудудий ўзига хосликларини ва бу каби хулқ-атвор айрим танг, суст вазиятларда одам иродасининг пастлаши сифатида намоён бўлишини айтишган. Нима бўлганда ҳам, бизнингча, шахснинг ташқи тазйиқларга берилиши, танқидсиз у ёки бу ҳаракат типларига эргашиб кетавериши индивидуал хусусиятларга эга бўлиб, у одамнинг дунёқараши, менталитети ва маълумоти даражасига боғлиқдир.

Нонконформизм-чи? Кимлар ўзгалар фикрига эргашмайди? Шундай инсонлар тоифаси борки, улар кўпчиликка, қолаверса, иккиланувчиларга эргашолмайди. Улар ҳақида баъзан лидерлар термини, баъзида эса,

«қўшилмаслар» ибораси ишлатилади. Бу яхшими ёки ёмонми? Ўзбекларда «Подадан ажраганни бўри ейди» деган мақол бўлишига қарамай, айнан ана шундай ягоналар, камчиликни ташкил этувчи «қўшилмаслар» тарихий шахслар ёки жамиятда туб ислоҳотларни бошловчилар бўлиб чиқади. Агар бундай қобилият туғма – харизматик бўлиб, буни одамлар қалбан ҳис қилсалар, улар норасмий лидерларга айланади, агар бундай интилиш атайлаб, бошқаларга кўрсатиб қўйиш учун намойиш этилса, улар расмий лидерларга – раҳбарларга айланиб қоладилар. Нима бўлганда ҳам, лидерлик ва раҳбарлик муаммолари ҳам ижтимоий психологиянинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

5.4 §. ИЖТИМОИЙ СТЕРИОТИПЛАР.

Индивиднинг ижтимоийлашув жараёни ижтимоий роллар ўзлаштирилиши билан бевосита боғлиқ. Мазкур жараён муваффақиятли амалга ошиши у ёки бу ижтимоий ролни бажараётган шахсга эга бўлиши лозим бўлган ижтимоий психологик сифатлар тўғрисидаги инсоннинг субъектив тасаввурлари билан белгиланади. Мазкур тасаввурлар субъект онгида муайян бир андозалар сифатида шаклланади.

Атрофдаги шахсларни баҳолаш пайтида “ўлчов” сифатида фойдаланаётган андозалар унинг инсонларга қўйилаётган ахлоқий-эстетик ва антропологик-психологик талабларининг персонификациялашган ифодасидир. Бу унинг турли мажбуриятларни бажараётган одамлар ўзларини қандай тутишлари лозим бўлганлиги хусусидаги у ёки бу даражада англанилган тасаввурлардир.

Баҳоловчи андозалар конкрет ижтимоий жамоанинг идеал вакили қандай бўлиши кераклиги тўғрисидаги билимлар билан чегараланмайди. Ҳар бир одамда муайян бир ижтимоий бирликни идеал ифодаловчи шахсда у ёки бу даражада фарқланиб турадиган одамлар намунаси шаклланади. Турли касбга тааллуқли ва турли ёшга доир, шунингдек, жинсий гуруҳларга кирадиган одамлар билан мулоқотга кирадиган инсонда долзарблашадиган андозалар ҳамиша бир хил бўлмайди. Улар ўзларида ўз “эгалари”нинг шахс сифатида шаклланиш жараёнида юзага келган ўзига хос тамғага эга бўлади. Одамлар ривожланар экан мазкур андозалар қайта англаниши жараёнида муттасил янги чизгилар билан бойиб боради.

Муайян бир тоифавий аломат билан умумлаштирилган ижтимоий андозалар туркуми “ижтимоий категория” тушунчаси ифодалайдиган бир ҳодисани яхлит тавсифлаш имкониятини беради. Демак, ижтимоий андозалар ва ижтимоий категорияларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш ўзаро шартланган бўлиб, уларнинг манбаси сифатида нафақат инсоннинг шахсий тажрибаси, балки жамият томонидан ишлаб чиқилган ва инсон таълим жараёнида, одамлар билан бевосита мулоқотга киришиш чоғида ўзлаштирадиган нормалар илгари сурилади.

Андозалар, категориялар стереотипларни конкрет тадқиқ этиш В.М.Сенченко, Г.Г. Финикова, В.Н.Кунисиналар томонидан амалга

оширилган. В.М.Сенченко ижтимоий категориялар генезиси билан шуғулланган. Унинг тадқиқотига мактабгача ёшдаги болалар ва юқори синф ўқувчилари жалб этилган.

Мактабгача ёшдаги болаларда аскарлар тўғрисидаги тасаввурларнинг асосий қисмини ташқи жиҳатлар ташкил этиши аниқланган (формаси, қурол-аслаҳалари ва ҳ.).

Катта боғча ёшдаги болалар эса ташқи белгилар билан бирга гавда тузилишига оид аломатларни киритиша бошлашган. 1-синф болаларида юқоридаги аломатлар сақланиши билан бирга функционал белгилар ҳам ўз аксини топа бошлаган (автоматдан отиш, танк ҳайдаш, акопларда ётиш).

Кейинги ёш даврларга тааллуқли гуруҳларда мазкур тушунчанинг мазмуни иродага, хулқ-атвор мотивларига доир сифатлар билан тўлдирилганда аскарларнинг иродавий сифатларига ўсмирлар катта аҳамият берганлар.

Шундай қилиб мактабгача ёш даврида вужудга келган андозалар ва категориялар шаклланиши мактаб ёши даврида тараққий этиб, ўспиринлик ва ундан кейинги ёш босқичларида такомиллашиб бориши исботланган. Кўп сонли тадқиқотларда мазкур шахсга доир баҳоловчи стереотипларда инсоннинг ўз хулқи, жинси, ёши, касбига тааллуқли ҳам назарий, ҳам амалий билимлар захираси акс этиши очиб берилган.

Г.Оллпорт, П.Секорд тадқиқотлари стереотиплар баҳоланаётган одамлар ташқи характеристикалари билан фарқлана бошлаган даврдан ишга тушишини кўрсатиб берган. Масалан, П.Секорд томонидан одамлар юзидаги муайян бир белгилар (юз шакли, кўз жойлашуви, оғиз катта-кичиклиги) билан шахс хусусиятлари ўртасида маълум алоқадорликни хос деб биладиганлар мавжудлиги исботланди. Секорд тадқиқотида баҳолаш учун 24 нафар эркак сурати қўлланган, ўртача корреляцион коэффициент 0,65 ни ташкил қилди. Секорд мазкур натижаларни синалувчилар томонидан ўзлаштирилган баҳоловчи стереотиплар билан тушунтирган.

Д. Брунер ва Х. Перлмуттер америкаликлар, французлар ва немислар катта гуруҳларида ўтказган тадқиқотларида одамларнинг ўзлари учун нотаниш кишини баҳолаш мулоҳазалари мазкур одамларнинг қайси миллий этник гуруҳларга мансублиги тўғрисидаги тасаввурлар билан белгиланишини исботлаган. Агар кишининг миллий мансублик аломати унинг шахсини баҳолашда биринчи ўринга чиқса, улар баҳоланаётган одам тааллуқли миллатга хос характер хусусиятлари билан ассоциация қилинган. Шунингдек, иштирокчилар баҳоланаётган одам қайси миллатга мансублигини билмаган тақдирда ушбу одамни баҳолашда соддалашган гуруҳий стереотипларга камдан-кам мурожаат этишини ҳам тасдиқлашган. Д.Брунер ва Х.Перлмуттер маълумотлари турли даврда турли тадқиқотчилар томонидан тасдиқланган (Э.Кентрил, Г.Оллпорт, К.Содхи).

Бошқа одам тўғрисидаги билимлар шаклланишида баҳоланаётган шахснинг ижтимоий касбий мақоми хусусидаги информация, яъни стереотиплар аҳамияти ҳам кам эмас. Хайри ва Грюнс тадқиқотлари бунинг яққол мисолидир. Уларнинг тадқиқотларида менеджерлар ва малакали

ишчиларнинг катта гуруҳи икки кичик гуруҳга бўлиниб, икки кишини баҳолашган. Баҳоланаётганларнинг биттаси биринчи гуруҳга фабрика мулкдори сифатида, бошқаси ишчи сифатида тақдим этилган. Худди шу шахсларни иккинчи гуруҳга тақдим этаётиб “фабрика мулкдорини” “ишчи” деб, “ишчи”ни эса “фабрика мулкдори” деб таништиришган. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, икки гуруҳга ажратилган синалувчиларнинг бир одам тўғрисидаги фикрлари кескин фарқланишини кўрсатди.

Одам тўғрисидаги умумий таассурот у фабрика мулкдори бўлган ҳолатдан малакали ишчи бўлган ҳолатга ўтишда ўзгарган. Шундай қилиб, ролли стереотиплар мавжудлиги тўғрисидаги фараз ўз исботини топган.

Собиқ иттифоқда ролли стереотипларни З.Ф.Семёнова ўрганган. У телестудияга ишчи, хизматчи, инженер-техник ходимларни, олимлар, шунингдек, ўрта мактабнинг юқори синф ўқувчиларини таклиф этган. Уларга телеянгиликларнинг экспериментал сони намойиш қилинган. Экспериментда иштирок этувчилар (жами 667 нафар, шулардан 291 нафари эркак ва 376 нафари аёл) эфирга трансляция қилинаётган кўрсатувни кўряпмиз, деб ўйлашган. Кўрсатувнинг бир лавҳасида янги кеманинг ишга туширилиши ҳақида гап кетган. Телебошловчи синалувчиларнинг турли гуруҳларига турлича таништирилган: гоҳи олим сифатида, гоҳи журналист сифатида, гоҳи бош конструктор сифатида ва ниҳоят, бригадир сифатида. Яъни экспериментда бир шахс бир маълумот билан иштирок этган ва баҳоланган, бироқ унинг ижтимоий роли ўзгариб борган.

Телевизор янгиликларини кўриб бўлгач, синалувчи телетомошабинлар З.Ф. Семёнова илтимосига кўра янгиликни айтган киши тўғрисида ўз таассуротларини махсус шкалада ифодалаганлар.

Маълумотларни статистик қайта ишланганда баҳоловчи стереотипларда фарқлар мавжудлиги аниқланган. Шу билан бирга, мазкур стереотиплар нафақат шахснинг ижтимоий роли билан, балки синалувчилар тааллуқли бўлган гуруҳларнинг ижтимоий тавсифлари билан ҳам белгиланиши ўз исботини топди.

Юқоридаги фактлардан шу нарса аёнки, стереотиплаштириш ҳодисаси бошқа одамни билиш истагидаги субъект ўша одамнинг ижтимоий роли, мавқеини аниқлагандан кейингина амалга ошишини кўрсатди.

В.Н. Панфёров, Ю.Г. Дамаскинлар турли вербал установкаларни одамни баҳолашда қай тарзда таъсир ўтказишини ўрганган. Уларнинг тажрибаларида синалувчиларга электрон тахистаскоп орқали бир эркак ва бир аёл сурати 0,02 сония давомида тақдим этилган ва уларнинг тавсифини бериш сўралган. Биринчи марта тақдим этилганда синалувчилар фақатгина ушбу шахсларнинг ташқи кўриниши асосида олинадиган маълумотга таяниб, “эркин” тавсиф беришлари зарур бўлган. Иккинчи марта тақдим этилаётганда эса суратдаги шахслар курс сардорлари экани эълон қилинган. Учинчи марта тақдим этилаётганда эса курс сардорлари установкаси яхши дўст установкасига ўзгартирилган. Тўртинчи марта тақдим этилаётганда яхши дўст установкаси аълочи установкасига ўзгартирилган. Сўнгги, бешинчи тақдим этилишда эса улар иккичилар деб эълон қилинган.

Тадқиқот натижалари инсоннинг ижтимоий психологик табиатини акс эттирувчи нутқий установка ёрдамида субъектлар тўғрисидаги фикрни кескин ўзгартириш имконияти мавжудлигини кўрсатди. Яъни установка ёрдамида кишининг акс эттирувчи фаолиятини зарурий йўналишда ўзгартириш мумкинлиги аниқланди. Установка бунда киши хулқига таъсир этиш мумкин бўлган психологик механизм сифатида илгари сурилади. Кишида ҳосил қилинадиган установка унинг онгидаги "андоза-ўлчов" мезонларини фаоллаштиради ва инсон муайян бир баҳоловчи стереотиплар доирасида фикр юрита бошлайди.

Юқорида келтирилган фактлар инсон бошқа одамларни баҳолашда фойдаланадиган стереотиплар ушбу инсоннинг шахс хусусиятлари билан узвий алоқада эканини исботлаган. Инсон ҳаёт давомида ўзлаштирадиган тажрибанинг ўзига хослиги натижасида, меҳнат, мулоқот субъекти сифатида шаклланади. Айни шу жиҳатлар унинг стереотиплари шакли ва моҳиятини белгилайди.

Аниқки, инсон ҳаёти муайян объектив қонунларга бўйсунади. Инсон туғилиши билан бир қатор шартли гуруҳларнинг, ҳаёти давомида эса кўплаб мавжуд гуруҳларнинг аъзосига айланади. Ижтимоийлашув жараёнида у ўзи мансуб бўлган гуруҳдан маълум белгиларга кўра ажралиб турувчи шунга ўхшаш ижтимоий бирликлар хусусидаги билимларга эга бўлиб боради. Бундай билимларда ўша объектларнинг баъзи бир, аксарияти, юзаки хусусиятлари акс этади. Кундалик турмушида инсон муайян ижтимоий объект тўғрисида тезкор хулоса чиқаришга мажбур бўлганда, у индивидуал ва гуруҳий тажриба орқали тўпланган ва шулар билан чекланган билимлардан фойдаланади. Одам, объектив психологик қонунларга биноан, билиш объекти мансуб бўлган ижтимоий бирлик ҳақида кўпчилик онгида шаклланиб қолган тасаввурларга таяниб иш кўради. Шундай тасаввурлар туркуми ижтимоий перцептив феноменлар жумласига кирувчи ижтимоий стереотиплардир.

"Ижтимоий стереотип" тушунчасини америкалик олим У. Липпман ўзининг 1922 йилда нашр этилган "Ижтимоий фикр" асарида илк бор қўллаган. У. Липпман: ижтимоий стереотиплар инсон тафаккури "психик энергияни тежаш тамойили"ни амалга ошириши сабабли вужудга келади, - дейди. Ушбу тамойил моҳияти ҳар сафар янги ҳодисага дуч келар экан, одам унга янгича жавоб қайтармасдан, балки аввал шаклланган категориялар доирасига олиб киришидадир. Гарчи янги ахборот мазмуни бироз ўзгарса-да, билиш жараёни енгиллашади. Этник стереотиплар ижтимоий стереотипларнинг бир кўринишидир.

Этник стереотипларни ўрганиш бўйича илк тадқиқотлар Д. Кас ва К. Брейли томонидан XX асрнинг 30-йил бошларида ўтказилган. XX асрнинг 40-йилларида эса турли этник гуруҳ вакиллари хусусида оммавий ахборот воситаларида, бадиий адабиётларда, санъат асарларида мавжуд тасаввурлар ўрганила бошланди.

Этник стереотиплар – турли этник гуруҳ аъзоларининг жисмоний, ахлоқий ва ақлий хусусиятлари ҳақидаги нисбий барқарор, умумлашган тасаввурларидир.

Замонавий этнопсихологияда этник гетеростереотиплар – бошқа бир этник гуруҳ вакилларининг хусусиятлари тўғрисидаги тасаввурлар билан бирга этник автостереотиплар – одамлар ўзи мансуб бўлган этник гуруҳ аъзолари тўғрисидаги мавжуд тасаввурлари фарқланади. Уларнинг ўртасидаги энг катта тафовут этник автостереотиплар ҳамиша ижобий мазмунга эга бўлишидадир.

Этник автостереотиплар этник ўзликни англаш компонентидир. Уларни ўрганиш этник ўзликни англаш феноменини теранроқ тушунишга ёрдам беради. Миллий характер этник автостереотиплар кўринишида ҳам бўлиши мумкин. Зотан, этнос маълум хусусиятларни ўзига хос деб билар экан, муайян вазиятда ушбу тасаввурига таянган ҳолда хатти-ҳаракат қилиши мумкин. Масалан, Т.Ямамото “япон миллий характерини ўрганиш қўмитаси” томонидан ўтказилган ўттизга яқин тадқиқотни таҳлил қилиб, японлар ўзларига қуйидаги хусусиятлар хос деб ҳисоблашларини қайд этади: озодаликни севиш, табиат билан уйғунликка интилиш, илтифот, шахслараро муносабатларда кўнгилчанлик, муросасозлик, самимийлик, ўз-ўзини идора қилиш, тинчликсеварлик, аммо ғарбда жасурлик, мағлубиятни тан ола билиш, янгиликларни тез ўзлаштириш, уларга тез мослашиш, оригинал ва ижодий фикрлашга қодир эмаслик, интозимлилик ва ҳ. Япон олими Я.Хага ўзининг “Миллий характер ҳақидаги очерклар” асарида японларда ҳукуматга тобелик, ватанпарварлик, аждодлар ёдини ҳурмат қилиш, оила шаънини ҳимоя қилиш, табиатдан завқлана олиш, озодалик, олижаноблик хослигини таъкидлайди.

Этнос автостереотипининг асосий хусусияти этнос вакиллари унинг мазмунига кўпинча идеал сифатларни олиб киришидадир. Этносоциолог З.В.Сикевич эътирофича, “автостереотипда салбий хусусиятнинг мавжудлиги этник авторефлексия учун нотабиий ҳодисадир”.

Этник автостереотипларнинг яна бир ўзига хос жиҳати унинг мазмуни билан этнос вакилларининг ўз тарихи ҳақидаги билимлари ўртасида алоқадорлик мавжудлигидадир. Ижтимоий-иқтисодий вазият барқарор бўлганда автостереотиплар мазмунини шакллантириш учун этнос тарихидаги ижобий ҳодисалар, буюк шахслар ҳақидаги билимлардан фойдаланилади.

Этник стереотиплар ва стереотипизация. Стереотиплаш психологияда муайян ҳодисалар, образлар, одамларнинг барқарор қиёфаси ёки тасвирини шакллантириш жараёнидир. Ҳеч қачон бегона одамга нисбатан нафратни ҳис қилганмисиз? Биринчи муҳаббатга ўхшаган қиз ёки йигитни учратганингизда бутун вужудингиздан иссиқлик тарқалишини ҳис қилганмисиз? Агар шундай бўлса, сиз шахсий стереотипларнинг таъсирини бошдан кечиргансиз. Келинг, ушбу ҳодисага нима хос эканлигини ва нима учун пайдо бўлишини кўриб чиқайлик. Психологияда бу атама воқеани, шахсни ўз эътиқоди ва тажрибасига асосланиб қабул қилишни англатади.

Бундай ҳодиса билан таниш характерли хусусиятлар ўзлаштирилади. Бу шахсни таниб олиш жараёнини осонлаштиради, лекин айни пайтда жуда кўп қийинчиликларни келтириб чиқаради. Стереотип – бу ички идеаллар билан таққослашга асосланган идрок. Улар ҳар доим ҳам ҳақиқатни объектив тасвирлай олмайди. Ҳаётий тажриба натижасида ҳар қандай одам барча танишларини гуруҳларга ажратади. Агар онгни ҳужайралар тўплами сифатида қарайдиган бўлсак, унда ҳар бир ҳужайрада мия томонидан битта гуруҳга ажратилган кўплаб шахслар мавжуд. Улар қайсидир маънода ўхшаш. Бўш ҳужайралар йўқ, уларнинг сони ҳаёт тажрибаси билан ортади. Бегона одам билан учрашгандан сўнг мия сканерлаш жараёнини бошлайди, баъзи хусусиятларни аниқлайди ва мавжуд маълумотлар билан ўхшашликни қидиради ва дарҳол бу одамни маълум бир гуруҳга тайинлайди. Бу ҳаётни осонлаштиради: инсон одам билан қандай муносабатда бўлишни, ундан нимани кутиш кераклигини тахминан билади. Бу ҳодиса ва ҳолатларга ҳам тегишли.

Бир қарашда, механизм ажойиб. Аммо тўсатдан сиз ноёб шахсни учратасиз. Бундай вазиятда мия нима қилади? У маълумотни “дам олиш” камерасига қўяди. У ерда маълумот узоқ вақт сақланмайди, мия уни қандайдир ҳужайрага бириктиради ёки янгисини яратади ва аста-секин маълумот қўшиб боради. Воқеалар ривожланишининг биринчи варианти: одам стереотипларнинг қурбони бўлиши мумкин, чунки унга хос бўлмаган фазилатлар унга тегишли бўлади. Иккинчи вариант: сиз янги нарсага дуч келишга тайёр бўласиз. Каузал атрибут назарияси мавжуд: бизда шахс ёки ҳодиса ҳақида қанчалик кам маълумот бўлса, ёзишмалар шунчалик кам бўлади ва маълум хусусиятларни қўшиш даражаси шунчалик юқори бўлади. Ҳодиса уч хилда бўлади:

-шахсий (ҳаракатни бажарган шахсга нисбатан);

-объектив (ҳаракат йўналтирилган объектга нисбатан);

-вазиятли (сабаб-оқибат муносабати ҳолатларга боғлиқ).

Ижтимоий стереотиплар жамият даражасидаги тасаввур деб аталади. Қоида тариқасида, бундай фикрлар нотўғри, кўпинча мантиқсиз ва соғлом фикрга эга эмас. Ижтимоий стереотиплар нотўғри фикрни яратади. Аммо одамлар улардан фойдаланишга тайёр. Ахир, улар дунёни ўрганиш учун вақтни тежайдилар.

Динамик стереотиплаш тушунчаси ҳам мавжуд. Ушбу ҳодисанинг асосий вазифаси юриш, туриш, позаларнинг автоматизмини шакллантиришдир. Ушбу ҳодиса индивидуал пластика, ҳаракатлар ҳақида ғояларни яратади, бу сизга узоқда юрган таниш одамни ҳатто юзини кўрмасдан таниб олиш имконини беради.

Стереотипларни салбий, ижобий, нейтрал, аниқ ва тахминий, шахсий ва ижтимоий турларга бўлиш мумкин. Гендер стереотиплар жуда машҳур: одам аёл нима қилиши ва эркак нима қилиши кераклиги ҳақида ўз фикрига эга. Стереотиплар ҳаётнинг турли соҳаларини қамраб олган: улар миллатлар, динлар, нутқ, кундалик ҳаёт ва миллий ошхонага нисбатан мавжуд. Мисол учун, халқлар ҳақидаги стереотиплар: рус одами ичишни

яхши кўради, итальян жаҳлдор, яҳудий очкўз, инглиз консерватив. Касблар ҳақида ўйлар эканмиз, эҳтимол шифокорнинг қўлёзмасини ўқиб бўлмайдиган, сотувчи ўғрилик қилади ёки тарозидан уради, дастурчи ўз ишига жуда иштиёқ билан қарайди ва атрофидаги дунёга деярли бефарқ, психолог эса одам ички дунёсини тезда кўради. Бундай мисолларни кўп келтириш мумкин. Эртами-кечми, одам стереотиплардан воз кечиш кераклигини тушунади, чунки улар дунё ҳақида нотўғри ғоялар беради. Ҳар бир шифокор ўқиб бўлмайдиган тарзда ёзмайди. Ва барча яҳудийлар очкўз эмас.

Стереотиплаш ахборотнинг ижтимоий маъносини англаш воситаси сифатида қаралиши керак, бошқача айтганда, у асосан идрок этувчи шахснинг когнитив ресурсларини тежаш учун эмас, балки ижтимоий воқеликни акс эттириш учун мавжуд.

Британиялик психолог А. Ташфел стереотиплар нафақат шахс қадриятларини, балки унинг ижтимоий ўзига хослигини ҳам ҳимоя қилиши мумкинлигини таъкидлайди. Бундан келиб чиққан ҳолда, стереотипларнинг асосий ижтимоий-психологик функциялари сифатида кўпинча ўз гуруҳи фойдасига гуруҳлараро фарқлаш ёки баҳоловчи таққослаш ва унинг ёрдами билан амалга ошириладиган ижобий ижтимоий ўзига хосликни сақлашни кўриб чиқиш керак. Бошқача қилиб айтганда, стереотипларнинг мақсади гуруҳ ўртасида, биринчи навбатда, бошқа гуруҳлар билан эмас, балки ўз ичида муносабатларни ўрнатиш, унинг аъзолари ўзини идентификация қилиш имконини берадиган образ яратишдир. Ижтимоий стереотипларнинг “супер вазифаси” рамзий бўлса ҳам, ижтимоий жамиятнинг яхлитлигини таъминлашдир. Этник озчиликлар каби паст мақомга эга гуруҳлар жамиятдаги нисбатан пастроқ мавқега рози бўлишлари мумкин. Бундай ҳолларда улар салбий автостереотипларни (ўз гуруҳи стереотиплари) ва ижобий гетеростереотипларининг (ўзга гуруҳ стереотиплари) ривожлантиришга мойилдирлар.

А.Ташфел, шунингдек, стереотиплаштиришнинг иккита ижтимоий функциясини ажратиб кўрсатди:

1) гуруҳлар ўртасидаги мавжуд муносабатларни тушунтириш, жумладан, мураккаб ва “одатда қайғули” ижтимоий ҳодисаларнинг сабабларини излаш;

2) мавжуд гуруҳлараро муносабатларни асослаш, масалан, бошқа гуруҳларга нисбатан амалга оширилган ёки режалаштирилган ҳаракатлар.

Бошқача қилиб айтганда, стереотипларнинг мазмуни психологик эмас, балки ижтимоий характердаги омиллар билан белгиланади. Бу ўз-ўзидан стереотиплаш механизми эмас, балки нотўғри қарашларга тўла душман стереотиплари, бу ҳукмронлик ва бўйсунишга асосланган гуруҳлараро муносабатларнинг барқарорлигига ҳисса қўшадиган соф салбий ҳодисадир. Бошқа томондан, этник стереотиплар кўпинча шахс томонидан маълум бир алоқа шериги ҳақида маълумот етишмаслиги билан шахслараро идрок этиш жараёнида фойдаланилганда салбий роль ўйнайди.

Этник стереотипларнинг энг муҳим хусусиятлари орасида уларнинг ҳиссий ва баҳоловчи табиати ажралиб туради. Стереотипларнинг ҳиссий жиҳатлари деганда бир қатор афзалликлар, баҳолашлар ва кайфият тушунилади. Қабул қилинган хусусиятларнинг ўзи ҳиссий жиҳатдан ранг-баранглиқларга эга. Этник стереотипларнинг яна бир муҳим хусусияти уларнинг барқарорлиги, ҳатто ригидлигидир (Т.Г. Стефаненко). Стереотипларнинг барқарорлиги эмпирик тадқиқотларда бир неча бор тасдиқланган бўлса-да, у ҳали ҳам нисбийдир, яъни гуруҳлар ўртасидаги муносабатлар ўзгарганда ёки янги маълумотлар келганда, уларнинг мазмуни ва ҳатто йўналиши ҳам ўзгариши мумкин. Этник стереотипларнинг яна бир хусусияти изчиллик ёки консенсусдир. Айнан изчилликни А. Ташфел стереотипларнинг энг муҳим хусусияти деб ҳисоблаган. Унинг фикрича, ижтимоий жамоалар ичида етарлича кўп сонли шахслар томонидан баҳам кўрилган ғояларгина ижтимоий стереотиплар ҳисобланиши мумкин. Этник гуруҳлар ҳақидаги стереотиплар ва шахсий эътиқодлар, гарчи улар бир-бирига мос келиши мумкин бўлса-да, ҳар хил когнитив тузилмаларни ифодалайди, уларнинг ҳар бири шахснинг ўз ёки чет эл гуруҳлари ҳақидаги билимларининг фақат бир қисмидир. Бундан ташқари, агар стереотиплар асосли бўлмаса, уларни ўрганишнинг маъноси жуда оз бўлар эди. У. Липпман давридан бери стереотипнинг яна бир хусусияти уларнинг ноаниқлигидир. Бироқ, 1950 йиллардан бошлаб, гипотеза тарқалди, унга кўра стереотиплардаги ҳақиқатлар ҳажми ёлғонлар ҳажмидан ошади, яъни “ҳақиқат донаси” гипотезаси дейиш мумкин.

Ҳозирги кунда ҳеч қандай шубҳа йўққи, этник стереотиплар афсонавий ғоялар тўпламига айланиб қолмасдан, балки этник гуруҳларнинг образларини ифодалайди. Улар бузилган ёки ўзгартирилган шаклда бўлса ҳам, объектив ҳақиқатни, ўзаро таъсир қилувчи иккита гуруҳнинг хусусиятларини ва улар ўртасидаги муносабатларни акс эттиради.

<u>Семинар машғулотларида муҳокама қилинадиган саволлар:</u>

1.“ Шахс” тушунчасининг таърифи қандай?

2. Нативизм йўналишининг тарафдорлари қандай ғояни илгари суришган?

3. Ижтимоий норма нима?

4. Ижтимоий санкция нима?

6. “Мен” образи деб нимага аталади?

7. Ўз-ўзига нисбатан баҳо қандай кўринишларга эга?

8. Шахс дунёқараши ва эътиқоди ўзгаришига сабаб бўлувчи омиллар қайси?

<u>Мустақил ишлар мавзулари:</u>

1. Шахс нормал тараққиётининг омиллари.
2. Ўз-ўзини тарбиялаш концепцияси.
3. Ўз-ўзини баҳолаш мезонлари ва уларнинг муҳитга боғлиқлиги.
4. Шахс хусусиятларининг барқарорлиги муаммоси.
5. Шахснинг ижтимоийлашуви жараёнида оиланинг роли.

6. Шахс ижтимоийлашувида мактабнинг ўрни.

7. Расмий ва норасмий ижтимоийлашув институтлари.

8. Шахс йўналишининг шаклланишида масъулиятнинг аҳамияти.

9. Шахс хусусиятларининг барқарорлиги ва ўзгарувчанлиги муаммоси.

Мустақил бажариладиган машқлар

1. Ўзингизга ўзингиз савол-жавоблар тарзида хат ёзишга ҳаракат қилинг. Ёзганда кўп ўйланмай, хаёлга келган саволга мос тарзда жавоб ёзинг. Жавобларни шарҳлаш ўзингизга ҳавола. Ўзингиз холис хулоса чиқаринг.

2. «Яқингача менинг психикам тўғрисида нималарни билмас эдим-у, энди нималарни биламан?» деган саволга ёзма жавоб ёзинг.

3. Иловада келтирилган методикалар орасида ўз-ўзини баҳолаш методикасини топинг ва ўзингизни аввал ўзингиз текширинг, сўнгра ўртоғингиздан илтимос қилинг.

5-масала.

Тадқиқотлардан бирида синалаётган талабаларга электрон тахистоскоп орқали 0,02 секунд ичида бир неча кишининг юзи акс эттирилган фотосуратларни кўрсатганлар, ана шу кишиларга таъриф ёзиш талаб қилинган эди. Фотосуратлар биринчи марта кўрсатилганида тадқиқ этилаётган кишилар ўша суратдаги шахсларнинг фақат ташқи кўринишлари асосидагина идрок этилган ахборот бўйича “эркин” таъриф-тавсиф бердилар. Фотосуратларни такрорий намойиш қилиш вақтида уларга изоҳ бериб, бу «гуруҳ етакчиси (сардори)», учинчи кўрсатишда эса бу «яхши ўртоқ», тўртинчи сафар кўрсатишда – булар «аълочилар», ва ниҳоят бешинчи марта кўрсатиш вақтида – бу «қолоқ» деб таърифланган.

Шу нарса маълум бўлдики, барча ҳолларда синалаётган кишилар бир одамнинг ўзига, яъни идрок этилаётган объектга ҳар хил таъриф берган, уни турли эҳтиёж ва қобилиятларга эга бўлган, ўқишга, ҳаётга нисбатан бир хил муносабатда бўлмаган киши сифатида таърифлаб берганлар.

1. Объект сифатида танлаб олинган кишиларга таъриф беришда синалаётганлар шахсига хос қандай хусусиятлар ҳал қилувчи роль ўйнаганлигини кўрсатинг?

2. Инсон ҳаётида унинг воқеликни идрок этишида бу хусусиятлар қандай ижобий аҳамият касб этади?

3- масала. Бине-Штерн назариясига биноан болаларда кузатишнинг ривожланиши бир қанча босқич ёки даражалардан ўтади. Бу даражалар муайян бир изчилликда бир-бирининг ўрнини алмаштириб туради ва доимий равишда шундай ҳаракатда бўлади:

1. Турли аралаш буюмларни санаб, номма-ном айтиб бера олиш босқичи (3 ёшдан 7 ёшгача)

2. Баён эта олиш босқичи: бунда буюм (нарса)ларга таъриф берилади, улар ўртасидаги баъзи бир алоқалар кўрсатиб ўтилади.

3. Изоҳлаш, тушунтириш босқичлари: бунда манзара умуман тўлиқ идрок этилади, нарса ва ҳодисалар ўртасидаги алоқалар ҳамда муносабатлар очиб берилади.

Ушбу назарияни амалда текшириб кўриш вақтида психолог олимлар (С.Л.Рубинштейн, Г.Т.Овсепян) шундай хулосага келадиларки, юқорида кўрсатиб ўтилган босқич ва даражаларни болаларнинг ёшига нисбатан олмаслик керак. Нарса ва ҳодисаларни қай даражада идрок этишига қараб, бир хил ёшдаги бир қанча болалар турли кузатиш босқичларида бўлиб қолишлари, худди шунингдек, турли ёшдаги болалар айнан шу хил босқичда бўлиб қолишлари мумкин.

4- масала. Қуйидаги мисолларда тафаккурнинг қайси хусусиятлари намоён бўлади:

а) Тиғиз вақтда трамвай бекатига келиб, у ерда кишилар кўплигини пайқайсиз ва трамвай келмаганига анча вақт бўлганини фаҳмлайсиз.

б) Бир куни уйга келгач, мактабгача тарбия ёшидаги ўғлининг ноодатий тинч ва камгап бўлиб қолганини сезиб, онаси беихтиёр унинг касал бўлиб қолгани ёки бир айб иш қилиб қўйгани ҳақида ўйлайди.

VI БОБ. ФАОЛИЯТ ВА МОТИВАЦИЯ

6.1 §. МОТИВАЦИЯ ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Фаолият турлари, шахснинг жамиятдаги ижтимоий хулқи ва ўзини қандай тутиши, эгаллаган мавқеи сабабсиз кузатилмайди. Фаолиятнинг амалга ошиши ва шахс хулқ-атворини тушунтириш учун психологияда *«мотив»* ва *«мотивация»* тушунчалари ишлатилади.

«Мотивация» тушунчаси *«мотив»* тушунчасидан кенгроқ маъно ва мазмунга эга бўлиб, у инсон хулқ-атвори, унинг боғланиши, йўналиши ва фаоллигини тушунтириб берувчи психологик сабаблар мажмуини билдиради. Бу тушунча у ёки бу шахс хулқини тушунтириб бериш керак бўлганда, яъни:

«нега?», «нима учун?», «нима мақсадда?», «қандай манфаат йўлида?» деган саволларга жавоб қидирганда ишлатилиб, хулқнинг мотивацион таснифини ёритишга олиб келади.

Шахснинг жамиятда одамлар орасидаги хулқи ва ўзини тутиши сабабларини ўрганиш тарбиявий аҳамиятга эга бўлган нарса бўлиб, масалани ёритишнинг икки жиҳати фарқланади:

✓ ички сабаблар, яъни хатти-ҳаракат эгасининг субъектив психологик хусусиятлари (мотивлар, эҳтиёжлар, мақсадлар, мўлжаллар, истаклар, қизиқишлар ва ҳ.) назарда тутилса;

✓ ташқи сабабларда фаолиятнинг ташқи шарт-шароитлари ва ҳолатлари, яъни бунда айни конкрет ҳолатларнинг келиб чиқишига сабаб бўладиган

ташқи стимуллар тушунилади.

Шахс хулқ-атворини ичкаридан, ички психологик сабаблар туфайли бошқариш одатда ***шахсий диспозициялар*** деб ҳам аталиб, улар шахс томонидан англаниши ёки англанмаслиги ҳам мумкин. Яъни, баъзан шундай бўладики, шахс ўзи амалга оширган иши ёки ўзидаги ўзгаришларга нисбатан шаклланган муносабатнинг ҳақиқий сабабини ўзи тушуниб етмайди, «Нега?» деган саволга «Ўзим ҳам билмай қолдим, билмайман», деб жавоб беради. Бу англанмаган диспозициялар ёки ***установкалар*** деб аталади. Агар шахс бирор касбга онгли тарзда қизиқиб, унинг барча сир-асрорларини эгаллаш учун астойдил ҳаракат қилса, бунда вазият бошқачароқ бўлади, яъни диспозиция англанилган, онгли ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан ***мотив*** – конкретроқ тушунча бўлиб, у шахсдаги у ёки бу хулқ-атворга нисбатан турган мойиллик, ҳозирликни тушунтириб берувчи сабабни назарда тутади. Машҳур немис олими Курт Левин мотивлар муаммоси, айниқса, шахсдаги ижтимоий хулқ мотивлари борасида катта кенг қамровли тадқиқотлар олиб бориб, шу нарсани аниқлаганки, ҳар бир одам ўзига хос тарзда у ёки бу вазиятни идрок қилиш ва баҳолашга мойил бўлиб, бир конкрет вазият хусусидаги турли шахсларнинг баҳолари ҳам турлича бўлади. Бундан ташқари, бир шахснинг ўзи ҳам ўзидаги ҳолат, кайфиятга боғлиқ ҳолда бир хил вазиятни турлича идрок қилиши мумкин экан. Шунинг учун ҳам одамнинг айни пайтдаги реал ҳаракатларини ўша маълум шароитдаги ички ва ташқи стимулларга унинг берган баҳоси ёки реакцияси сифатида қарамай, балки унда шунга ўхшаш ҳолатларни идрок қилишга ички бир ҳозирлик – диспозициянинг мавжудлиги билан тушунтирилади.

Ҳар қандай мотивларнинг орқасида шахснинг ***эҳтиёжлари*** ётиб, мақсадли ҳаётда шахсда аввал у ёки бу эҳтиёжлар пайдо бўлади ва айнан уларнинг табиати ҳамда заруратига боғлиқ тарзда хулқ мотивлари намоён бўлади. Мисол учун, талабанинг ўқув фаолиятини оладиган бўлсак, билим олиш мақсади илм олиш, қизиқувчанлик эҳтиёжини пайдо қилади. Бу эҳтиёж тараққиётнинг маълум бир даврида, масалан, боғча ёшидан бошлаб қониқтирила бошлайди. Болага олиб берилган китоблар, дафтар ва бошқа ўқув қуроллари, маълум таълим масканида ташкил этилган шарт-шароитлар ва у ердаги бевосита билим олишга қаратилган фаолиятнинг ўзи бола учун мотив ўрнини босади.

Умуман, ҳар қандай шахсдаги мавжуд эҳтиёжларни икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1. *Биологик эҳтиёжлар* – бу физиологик (ташналик, очлик, уйқу), жинсий, мослашув эҳтиёжлари.

2. *Ижтимоий эҳтиёжлар* – бу меҳнат қилиш, билиш, эстетик ва ахлоқий-маънавий эҳтиёжлар.

Шахсдаги ҳар қандай эҳтиёжлар ҳам ижтимоийлашган бўлади, яъни улар ўша жамият ва муҳитдаги қадриятлар, маданий нормалар ва инсонлараро муносабатлар характерига боғлиқ бўлади. Масалан, табиий эҳтиёжни олсак, у ҳам конкрет муҳитга қараб турлича ҳаракатларни

келтириб чиқаради.

Умуман, шахс ижтимоий хулқи мотиви ҳақида гап кетганда, унинг икки томони, яъни элементи ажратилади: ***ҳаракат дастури ва мақсад.*** Ҳаракат дастури мақсадга эришишнинг воситаларига аниқлик киритади. Шунинг учун ҳам дастурда назарда тутилган воситалар мақсадга эришишни оқлаши керак, акс ҳолда дастур ҳеч нарса бермайди. Масалан, баъзи ота-оналар фарзандларини яхши тарбиялаш ва ундан идеаллардаги шахс етишиб чиқишини орзу қилиб, унинг олдига жуда оғир тарбиявий шартларни қўядилар, бола эркинлиги бўғилади, у қатъий назорат муҳитида ушланади. Оқибатда бола кейинчалик бошқариб бўлмайдиган, қайсар, унча-мунча ташқи таъсирга берилмайдиган, ҳар қандай бошқа ижтимоий шароитда қийналадиган бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам мотив ҳар доим англанган, эҳтиёжлар мувофиқлаштирилган, мақсадлар ва унга етиш воситалари аниқ бўлиши керак. Шундагина ижтимоий хулқ жамиятга мос бўлади.

6.2 §. ФАОЛИЯТ ВА МОТИВАЦИЯ. МОТИВАЦИЯ НАЗАРИЯЛАРИ.

Жамият билан доимий муносабатни ушлаб турувчи, ўз-ўзини англаб, ҳар бир ҳаракатини мувофиқлаштирувчи шахсга хос бўлган энг муҳим ва умумий хусусият – бу унинг ***фаоллигидир.*** Фаоллик (лотинча «actus» - ҳаракат, «activus» - фаол сўзларидан келиб чиққан тушунча) шахснинг ҳаётдаги барча хатти-ҳаракатларини намоён этишини тушунтирувчи категориядир. Бу қўлимизга қалам олиб, оддий бирор чизиқча чизиш билан боғлиқ элементар ҳаракатимиздан тортиб, ижодий кўтаринкилик пайдо бўлган пайтларимизда амалга оширадиган мавҳум фикрлашимизгача бўлган мураккаб ҳаракатларга алоқадор ишларимизни тушунтириб беради. Шунинг учун ҳам психологияда шахс, унинг онги ва ўз-ўзини англаши муаммолари унинг фаоллиги, у ёки бу фаолият турларида иштироки ва уни уддалаши алоқадор сифатлари орқали баён этилади.

Фанда инсон фаоллигининг асосан икки тури фарқланади:

А. Ташқи фаоллик – бу ташқаридан ва ўз ички истак-хоҳишларимиз таъсирида бевосита кўриш, қайд қилиш мумкин бўлган ҳаракатларимиз, мушакларимизнинг ҳаракатлари орқали намоён бўладиган фаоллик.

Б. Ички фаоллик – бу бир томондан у ёки бу фаолиятни бажариш мобайнидаги физиологик жараёнлар (моддалар алмашинуви, қон айланиш, нафас олиш, босим ўзгаришлари) ҳамда иккинчи томондан, бевосита психик жараёнлар, яъни аслида кўринмайдиган, лекин фаолият кечишига таъсир кўрсатувчи омилларни ўз ичига олади.

Мисол тариқасида ҳаётдан шундай манзарани тасаввур қилайлик: узоқ айриликдан сўнг она ўз фарзанди висолига етди. Ташқи фаолликни биз онанинг боласига интилиши, уни қучоқлаши, юзларини сийпалаши, кўзларидан оқаётган севинч ёшларида кўрсак, ички фаоллик – ўша кўз ёшларини келтириб чиқарган физиологик жараёнлар, ички соғинчнинг асл сабаблари (айрилиқ муддати, ночорлик туфайли айрилиқ каби яширин

мотивлар таъсири), кўриб идрок қилгандаги ўзаро бир-бирларига интилишни таъминловчи ички, бир қарашда кўз билан илғаб бўлмайдиган эмоционал ҳолатларда намоён бўлади. Лекин шу манзаранинг бевосита гувоҳи бўлсак ҳам, уни ифодалаган расмни кўрсак ҳам, тахминан қандай жараёнлар кечаётганлигини тасаввур қилишимиз мумкин. Демак, иккала турли фаоллик ҳам шахсий тажриба ва ривожланишнинг асосини ташкил этади. Бир қарашда ҳар бир конкрет шахсга ва унинг эҳтиёжларига боғлиқ бўлиб туюлган бундай фаоллик турлари аслида ижтимоий характерга эга бўлиб, шахснинг жамият билан бўладиган мураккаб ва ўзаро муносабатларининг оқибати ҳисобланади.

Инсон фаоллиги «ҳаракат», «фаолият», «хулқ» тушунчалари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, шахс ва унинг онги масаласига бориб тақалади. Шахс айнан турли фаолликлар жараёнида шаклланади, ўзлигини намоён қилади ҳам. Демак, фаоллик ёки инсон фаолияти пассив жараён бўлмай, у онгли равишда бошқариладиган фаол жараёндир. Инсон фаоллигини мужассамлаштирувчи ҳаракатлар жараёни **фаолият** деб юритилади. Яъни, ***фаолият –*** инсон онги ва тафаккури билан бошқариладиган, ундаги турли-туман эҳтиёжлардан келиб чиқадиган ҳамда ташқи оламни ва ўз-ўзини ўзгартириш, такомиллаштиришга қаратилган ўзига хос фаоллик шаклидир. Бу ёш боланинг реал предметлар моҳиятини ўз тасаввурлари доирасида билишга қаратилган ўйин фаолияти, моддий неъматлар яратишга қаратилган меҳнат фаолияти, янги кашфиётлар очишга қаратилган илмий-тадқиқотчилик фаолияти, рекордларни кўпайтиришга қаратилган спортчининг маҳорати ва шунга ўхшаш. Шуниси характерлики, инсон ҳар дақиқада қандайдир фаолият тури билан машғул бўлиб туради.

Ҳар қандай фаолият реал шарт-шароитларда, турли усулларда ва турлича кўринишларда намоён бўлади. Қилинаётган ҳар бир ҳаракат маълум нарсага – предметга қаратилгани учун ҳам, фаолият предметли ҳаракатлар мажмуи сифатида тасаввур қилинади. Предметли ҳаракатлар ташқи оламдаги предметлар хусусиятлари ва сифатини ўзгартиришга қаратилган бўлади. Масалан, маърузани конспект қилаётган талабанинг предметли ҳаракати ёзувга қаратилган бўлиб, у аввало, ўша дафтардаги ёзувлар сони ва сифатида ўзгаришлар қилиш орқали билимлар захирасини бойитаётган бўлади. Фаолиятнинг ва уни ташкил этувчи предметли ҳаракатларнинг айнан *нималарга* йуналтирилганига қараб, аввало, ташқи ва ички фаолият фарқланади.

Ташқи фаолият шахсни ўраб турган ташқи муҳит ва ундаги нарса ва ҳодисаларни ўзгартиришга қаратилган фаолият бўлса, ***ички фаолият*** – биринчи навбатда, ақлий фаолият бўлиб, у соф психологик жараёнларнинг кечишидан юзага келади. Келиб чиқиши нуқтаи назаридан ички – ақлий, психик фаолият ташқи предметли фаолиятдан келиб чиқади. Дастлаб предметли ташқи фаолият рўй беради, тажриба орттириб борилган сари секин-аста бу ҳаракатлар ички ақлий жараёнларга айланиб боради. Буни нутқ фаолияти мисолида оладиган бўлсак, бола дастлабки сўзларни қаттиқ товуш билан ташқи нутқида ифода этади, кейинчалик ичида ўзича

гапиришга ўрганиб, ўйлайдиган, мулоҳаза юритадиган, ўз олдига мақсад ва режалар қўядиган бўлиб боради.

Ҳар қандай шароитда ҳам барча ҳаракатлар ички-психологик, ҳам ташқи – мувофиқлик нуқтаи назаридан онг томонидан бошқарилиб боради. Ҳар қандай фаолият таркибида ҳам ақлий, ҳам жисмоний – мотор ҳаракатлар мужассам бўлади. Масалан, фикрлаётган донишмандни кузатганмисиз? Агар ўйланаётган одамни зийраклик билан кузатсангиз, ундаги етакчи фаолият ақлий бўлгани билан унинг пешоналари, кўзлари, ҳаттоки, тана ва қўл ҳаракатлари жуда муҳим ва жиддий фикр хусусида бир тўхтамга келолмаётганидан ёки янги фикрни топиб, ундан мамнуният ҳис қилаётганлигидан дарак беради. Бир қарашда ташқи элементар ишни амалга ошираётган, мисол учун, узум кўчатини ортиқча барглардан халос этаётган боғбон ҳаракатлари ҳам ақлий компонентлардан холи эмас, у қайси баргнинг ва нима учун ортиқча эканлигини англаб, билиб туриб олиб ташлайди.

Ақлий ҳаракатлар – шахснинг онгли тарзда, ички психологик механизмлар воситасида амалга оширадиган турли-туман ҳаракатларидир. Экспериментал тарзда шу нарса исбот қилинганки, бундай ҳаракатлар доимо мотор ҳаракатларни ҳам ўз ичига олади. Бундай ҳаракатлар қуйидаги кўринишларда бўлиши мумкин:

- ***перцептив*** **–** яъни, булар шундай ҳаракатларки, улар оқибатида атрофдаги предметлар ва ҳодисалар тўғрисида яхлит образ шаклланади;
- ***мнемик фаолият*** **-** нарса ва ҳодисаларнинг моҳияти ва мазмунига алоқадор материалнинг эслаб қолиниши, эсга туширилиши ҳамда эсда сақлаб турилиши билан боғлиқ мураккаб фаолият тури;
- ***фикрлаш фаолияти*** **-** ақл, фаҳм-фаросат воситасида турли хил муаммолар, масалалар ва жумбоқларни ечишга қаратилган фаолият;
- ***имажитив*** - («image» образ сўзидан олинган) фаолияти шундайки, у ижодий жараёнларда хаёл ва фантазия воситасида ҳозир бевосита онгда берилмаган нарсаларнинг хусусиятларини англаш ва хаёлда тиклашни тақозо этади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар қандай фаолият ҳам ташқи ҳаракатлар асосида шаклланади ва мотор компонентлардан иборат бўлиши мумкин. Агар ташқи фаолият асосида психик жараёнларга ўтиш рўй берган бўлса, бундай жараён психологияда **интериоризация** деб аталади, аксинча, ақлда шаклланган ғояларни бевосита ташқи ҳаракатлар ёки ташқи фаолиятга кўчирилиши **экстериоризация** деб юритилади.

Фаолият турлари яна онгнинг бевосита иштироки даражасига кўра ҳам фарқланади. Масалан, айрим ҳаракатлар бошида ҳар бир элементни жиддий равишда, алоҳида-алоҳида бажаришни ва бунга бутун диққат ва онгнинг йўналишини талаб қилади. Лекин вақт ўтгач, бора-бора унда онгнинг иштироки камайиб, кўпгина қисмлар автоматлашиб боради. Бу оддий тилга ўгирилганда, **малака** ҳосил бўлди, дейилади. Масалан, ҳар биримиз шу тарзда хат ёзишга ўрганганмиз. Агар малакалар қатъий тарзда билимларга таянилса, фаолиятнинг мақсади ва талабларига кўра ҳаракатларни

муваффақиятли бажаришни таъминласа, бу **кўникмалар** деб аталади. *Кўникмалар* – доимо аниқ билимларга таянади. Масалан, кўникма ва малакалар ўзаро боғлиқ бўлади, шунинг учун ҳам ўқув фаолияти жараёнида шаклланадиган барча кўникма ва малакалар шахснинг муваффақиятли ўқишини таъминлайди. Иккаласи ҳам машқлар ва қайтаришлар воситасида мустаҳкамланади. Агар, фақат малакани оладиган бўлсак, унинг шаклланиш йўллари қуйидагича бўлиши мумкин:

- оддий намойиш этиш йўли билан;
- тушунтириш йўли билан;
- кўрсатиш билан тушунтиришни уйғунлаштириш йўли билан.

Ҳаётда кўникма ва малакаларнинг аҳамияти катта. Улар жисмоний ва ақлий уринишларни енгиллаштиради. Ўқишда, меҳнатда, спорт соҳасида ва ижодиётда муваффақиятларга эришишни таъминлайди.

Фаолиятни таснифлаш ва турларга бўлишнинг яна бир кенг тарқалган усули барча инсонларга хос бўлган асосий фаоллик турлари бўйича табақалашдир. Бу – мулоқот, ўйин, ўқиш ва меҳнат фаолиятларидир.

Мулоқот – шахс индивидуал ривожланиши жараёнида намоён бўладиган бирламчи фаолият турларидан бири. Бу фаолият инсондаги кучли эҳтиёжлардан бири – инсон бўлиш, одамларга ўхшаб гапириш, уларни тушуниш, севиш, ўзаро муносабатларни мувофиқлаштиришга қаратилган эҳтиёжларидан келиб чиқади. Шахс ўз тараққиётини айнан шу фаолият турини эгаллашдан бошлайди ва нутқи (вербал) ҳамда нутқсиз воситалар (новербал) ёрдамида бошқа фаолият турларини мукаммал эгаллашга замин яратади.

Ўйин – шундай фаолият турики, у бевосита бирор моддий ёки маънавий неъматлар яратишни назарда тутмайди, лекин унинг жараёнида жамиятдаги мураккаб ва хилма-хил фаолият нормалари, ҳаракатларнинг рамзий андозалари бола томонидан ўзлаштирилади. Бола токи ўйнамагунча, катталар хатти-ҳаракатларининг маъно ва моҳиятини англаб етолмайди.

Ўқиш фаолияти ҳам шахс камолотида катта рол ўйнайди ва маъно касб этади. Бу шундай фаолликки, унинг жараёнида билимлар, малака ва турли кўникмалар ўзлаштирилади.

Меҳнат ҳам энг табиий эҳтиёжларга асосланган фаолият бўлиб, унинг мақсади, албатта, бирор моддий ёки маънавий неъматларни яратиш, жамият тараққиётига ҳисса қўшишдир.

Ҳар қандай касбни эгаллаш, нафақат эгаллаш, балки уни маҳорат билан амалга оширишда фаолиятнинг барча қонуниятлари ва механизмлари амал қилади. Оддийгина бирор касб малакасини эгаллаш учун ҳам унга алоқадор бўлган маълумотларни эслаб қолиш ва керак бўлганда яна эсга тушириш орқали уни бажариш бўлмай, балки ҳам ички (психик), ҳам ташқи (предметга йўналтирилган) ҳаракатларни онгли тарзда бажариш билан боғлиқ мураккаб жараёнлар ётишини унутмаслик керак. Лекин ҳар бир шахсни у ёки бу фаолият тури билан шуғулланишига мажбур қилган психологик омиллар – сабаблар муҳим бўлиб, бу *фаолият мотивларидир.*

Юқорида биз танишиб чиқган фаолият турлари ўз-ўзидан рўй бермайди. Шахснинг жамиятдаги ижтимоий хулқи ва ўзини қандай тутиши, эгаллаган мавқеи ҳам сабабсиз, кузатилмайди. Фаолиятнинг амалга ошиши ва шахс хулқ-атворини тушунтириш учун психологияда *«мотив»* ва *«мотивация»* тушунчалари ишлатилади.

«Мотивация» тушунчаси «мотив» тушунчасидан кенгроқ маъно ва мазмунга эга. *Мотивация* – инсон хулқ-атвори, унинг боғланиши, йўналиши ва фаоллигини тушунтириб берувчи психологик сабаблар мажмуини билдиради. Бу тушунча у ёки бу шахс хулқини тушунтириб бериш керак бўлганда ишлатилади, яъни: «нега?», «нима учун?», «нима мақсадда?», «қандай манфаат йўлида?» деган саволларга жавоб қидириш - мотивацияни қидириш демакдир. Демак, у хулқнинг мотивацион таснифини ёритишга олиб келади.

Шахснинг жамиятда одамлар орасидаги хулқи ва ўзини тутиш сабабларини ўрганиш тарбиявий аҳамиятга эга бўлган нарса бўлиб, масалани ёритишнинг икки жиҳати фарқланади:

а) ички сабаблар, яъни хатти-ҳаракат эгасининг субъектив психологик хусусиятлари назарда тутилади (мотивлар, эҳтиёжлар, мақсадлар, мўлжаллар, истаклар, қизиқишлар ва ҳоказолар);

б) ташқи сабаблар – фаолиятнинг ташқи шарт-шароитлари ва ҳолатлари. Яъни, булар айни конкрет ҳолатларнинг келиб чиқишига сабаб бўладиган ташқи стимуллардир.

Шахс хулқ-атворини ичкаридан, ички психологик сабаблар туфайли бошқариш одатда *шахсий диспозициялар* ҳам деб аталади. Улар шахс томонидан англаниши ёки англанмаслиги ҳам мумкин. Яъни, баъзан шундай бўладики, шахс ўзи амалга оширган иши ёки ўзидаги ўзгаришларга нисбатан шаклланган муносабатнинг ҳақиқий сабабини ўзи тушуниб етмайди, «Нега?» деган саволга «Ўзим ҳам билмай қолдим, билмайман», деб жавоб беради. Бу англанмаган диспозициялар ёки установкалар деб аталади. Агар шахс бирор касбга онгли тарзда қизиқиб, унинг барча сир-асрорларини эгаллаш учун астойдил ҳаракат қилса, бунда вазият бошқачароқ бўлади, яъни, диспозиция англанган, онгли ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан *мотив* конкретроқ тушунча бўлиб, у шахсдаги у ёки бу хулқ-атворга нисбатан турган мойиллик, ҳозирликни тушунтириб берувчи сабабни назарда тутади. Машҳур немис олими Курт Левин мотивлар муаммоси, айниқса, шахсдаги ижтимоий хулқ мотивлари борасида катта, кенг қамровли тадқиқотлар олиб бориб, шу нарсани аниқлаганки, ҳар бир одам ўзига хос тарзда у ёки бу вазиятни идрок қилиш ва баҳолашга мойил бўлади. Шуниси ажабланарлики, бир конкрет вазият хусусидаги турли шахсларнинг баҳолари ҳам турлича бўлади. Бундан ташқари, бир шахснинг ўзи ҳам ўзидаги ҳолат, кайфиятга боғлиқ ҳолда бир хил вазиятни алоҳида ҳолларда турлича идрок қилишга мойил бўларкан. Шунинг учун ҳам одамнинг айни пайтдаги реал ҳаракатларини маълум шароитдаги ички ва ташқи стимулларга унинг берган баҳоси ёки реакцияси сифатида қарамай, балки унда шунга ўхшаш ҳолатларни идрок қилишга ички бир

ҳозирлик – диспозициянинг мавжудлиги билан тушунтириш тўғрироқ бўлади. Шу маънода шахс хулқининг мотивацияси турли шароитлардан орттирилган тажрибага таянган, онгли таҳлиллар, ҳаттоки, ижтимоий тажриба нормаларининг таъсирида шаклланадиган сабаблар комплексини ўз ичига олади. Масалан, техника олийгоҳларида: «Материалларнинг қаршилиги» номли курс бор дейлик. Шу курсни ўзлаштириш ва ундан синовдан ўтиш кўпчиликка осонликча рўй бермайди. Ҳали курс бошланмасданоқ, ёш талабаларда шу курс ва унинг талабларига нисбатан шундай установка шаклланадики, албатта, бу курс қийин, уни олиб борувчи ўқитувчи ўта талабчан, қаттиққўл ва ҳоказо деган. Бундай мотивация мана неча авлод талабалар бошдан кечираётган ҳолат. Энди конкрет шахснинг дарс жараёни бошланган кейинги ҳаракатлари конкрет мотивлар билан изоҳланади ва тиришқоқ талаба учун бу фан ҳам бошқа фанлар қатори тинимсиз изланиш, ўз вақтида дарсларни тайёрлашни талаб қилса, бошқаси учун (дангасароқ талаба учун) бу дарсдан кейин дарс йўқ ва у қачон шу семестр тугашини кутиб ҳаракат қилади.

6.4 §. ЭҲТИЁЖ.

Ҳар қандай мотивларнинг орқасида шахс эҳтиёжлари ётади. Яъни, мақсадли ҳаётда шахсда аввал у ёки бу эҳтиёжлар пайдо бўлади ва айнан уларнинг табиати ва заруратига боғлиқ тарзда хулқ мотивлари намоён бўлади. Масалан, талабанинг ўқув фаолиятини олиш мумкин. Билим олиш мақсади – билим, илм олиш, қизиқувчанлик эҳтиёжини пайдо қилади. Бу эҳтиёж тараққиётнинг маълум бир даврида, масалан, боғча ёшидан бошлаб қониқтирила бошлайди. Болага олиб берилган китоблар, дафтар ва бошқа ўқув қуроллари, маълум таълим масканида ташкил этилган шарт-шароитлар ва у ердаги бевосита билим олишга қаратилган фаолиятнинг ўзи бола учун мотив ўрнини босади. Яна бир оддий мисол: қўлингизда китоб бор. Сиз ҳали уни ўқишни бошламадингиз. Лекин ўқиш истаги бор, шу истакнинг ортида эса ўша мазмун ва унинг моҳиятини билиб олиш эҳтиёжи туради. Умуман, ҳар қандай шахсдаги мавжуд эҳтиёжларни икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1. *Биологик эҳтиёжлар* – бу физиологик (ташналик, очлик, уйку), жинсий, мослашув эҳтиёжлари.

2. *Ижтимоий эҳтиёжлар* – бу меҳнат қилиш, билиш, эстетик ва ахлоқий-маънавий эҳтиёжлар.

Эҳтиёжлар биологик ҳамда ижтимоий турларга бўлингани билан шу нарсани унутмаслигимиз лозимки, шахсдаги ҳар қандай эҳтиёжлар ҳам ижтимоийлашган бўлади, яъни, улар ўша жамият ва муҳитдаги қадриятлар, маданий нормалар, инсонлараро муносабатлар характерига боғлиқ бўлади. Масалан, энг табиий ва тушунарли ҳисобланган емишга бўлган эҳтиёжни олсак, у ҳам конкрет муҳитга қараб турлича ҳаракатларни келтириб чиқаради. Яна мисол учун, тўй маросимлари ёки жуда тўкин дастурхон атрофида ўтирган одам нима учун шунчалик кўп овқат истеъмол қилиб

юборганини билмай қолади. Агар бу табиат қўйни ёки пахта даласидаги ҳашар бўлса-чи, бир бурда иссиқ нон ҳам бутун танага роҳат бахш этувчи малҳам бўлиб, очликни билинтирмайди. Камтарона дастурхондан овқат еб ўрганган киши оз-оз ейишга ўрганса, ёшлигидан нормадан ортиқ еб ўрганган одам шифокор олдига бориб, ўзи учун оздирувчи дори-дармон сўраса сўрайдики, лекин уйда ўзи емишини назорат қилиши кераклигини билмайди. Демак, бу ҳам маданиятга, этикага, оила муҳитига бевосита боғлиқ нарса экан.

Умуман, шахс ижтимоий хулқи мотиви ҳақида гап кетганда, унинг икки томони ёки элементи ажратилади: ***ҳаракат дастури ва мақсад.*** Ҳаракат дастури мақсадга эришиш воситаларига аниқлик киритади. Шунинг учун ҳам дастурда назарда тутилган воситалар мақсадга эришишни оқлаши керак, акс ҳолда дастур ҳеч нарса бермайди. Масалан, баъзи ота-оналар фарзандларини яхши тарбиялаш ва ундан рисоладагидай шахс етишиб чиқишини орзу қилиб, унинг олдига жуда оғир тарбиявий шартларни қўядилар, бола эркинлиги бўғилади, у қатъий назорат муҳитида ушланади. Оқибатда бола кейинчалик бошқариб бўлмайдиган, қайсар, унча-мунча ташқи таъсирга берилмайдиган бўлиб қолади, ҳар қандай бошқа ижтимоий шароитда қийналадиган бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам мотив ҳар доим англанган, эҳтиёжлар мувофиқлаштирилган, мақсадлар ва унга етиш воситалари аниқ бўлиши керак. Шундагина ижтимоий хулқ жамиятга мос бўлади.

Турли касб эгалари фаолияти мотивларини ўрганишда мотивлар характерини билиш ва уларни ўзгартириш муаммоси аҳамиятга эга. Шундай мотивлардан бири турли хил фаолият соҳаларида **муваффақиятга эришиш мотиви** бўлиб, бундай назариянинг асосчилари америкалик олимлар Д. Макклелланд, Д. Аткинсон ва немис олими Х. Хекхаузенлар ҳисобланади. Уларнинг фикрича, одамда турли ишларни бажаришни таъминловчи асосан икки турдаги мотив бор: **муваффақиятга эришиш мотиви** ҳамда **муваффақиятсизликлардан қочиш мотиви.** Одамлар ҳам у ёки бу тур фаолиятга киришишда қайси мотивни мўлжал қилишларига қараб фарқ қиладилар. Масалан, фақат муваффақият мотиви билан ишлайдиганлар олдиндан ишонч билан шундай иш бошлайдиларки, нима қилиб бўлса ҳам, ютуққа эришиш улар учун олий мақсад бўлади. Улар ҳали ишни бошламай туриб, ютуқни кутадилар ва шундай ишни амалга оширишса, одамлар уларнинг барча ҳаракатларини маъқуллашларини биладилар. Бу йўлда улар нафақат ўз куч ва имкониятларини, балки барча ташқи имкониятлар – таниш-билишлар, маблағ каби омиллардан ҳам фойдаланадилар.

Бошқача хулқ-атворни муваффақиятсизликдан қочиш мотивига таянган шахсларда кузатиш мумкин. Масалан, улар биринчилардан фарқли, ишни бошлашдан аввал нима бўлса ҳам, муваффақиятсизликка дучор бўлмасликни ўйлайдилар. Шу туфайли уларда кўпроқ ишончсизлик, ютуққа эришишга ишонмаслик, пессимизмга ўхшаш ҳолат кузатилади. Шунинг учун бўлса керак, охир-оқибат улар барибир муваффақиятсизликка учраб,

«Ўзи сира омадим юришмайдиган одамман-да» деган хулосага келадилар. Агар биринчи тоифали шахслар бир ишни муваффақиятли тугатгач, кўтаринки руҳ билан иккинчи ишга киришишса, иккинчи тоифа вакиллари ҳар қандай ишни якунлагандан сўнг унинг натижасидан қатъи назар, руҳан тушкунликка тушадилар ва оғириш ҳисси билан бошқа ишга киришадилар. Бу ўринда *талабчанлик* сифатининг роли катта. Агар муваффақиятга йўналган шахсларнинг ўзларига нисбатан қўйган талаблари даражаси ҳам юқори бўлса, иккинчи тоифа вакилларининг талаблари, аксинча, паст бўлади. Бундан ташқари ҳар реал қобилиятлар тўғрисидаги тасаввурлар ҳам ушбу мотивларнинг фаолиятдаги ўрнига таъсир кўрсатади. Масалан, ўзидаги қобилиятларга ишонган шахс, ҳаттоки, мағлубиятга учраса ҳам, унчалик қайғурмайди, кейинги сафар ҳаммаси яхши бўлишига ишонади. Ишончсиз шахс эса кичкина берилган танбеҳ ёки танқидни ҳам жуда катта руҳий азоб билан бошдан кечиради. Унинг учун ҳам шахснинг у ёки бу вазиятларда қайғуриш сифати маълум маънода мотивлар характерини белгилайди.

Шундай қилиб, мотивлар тизими бевосита шахснинг меҳнатга, одамларга ва ўз-ўзига муносабатларидан келиб чиқади ва ундаги характер хусусиятларини ҳам белгилайди. Уларнинг ҳар биримизда реал шарт-шароитларда намоён бўлишини бирор масъулиятли иш олдидан ўзимизни тутишимиз ва муваффақиятларга эришишимиз билан баҳоласак бўлади. Масалан, масъулиятли имтиҳон топшириш жараёнини олайлик. Баъзи талабалар имтиҳон олдидан жуда кўп қайғурадилар, ҳаттоки, қўрқадилар ҳам. Улар учун имтиҳон топшириш жуда катта ташвишдай. Бошқалар эса бу жараённи босиқлик билан бошдан кечириб, ичидан ҳаяжонланаётган бўлсалар ҳам, буни бошқаларга билдирмайди. Яна учинчи тоифа кишилари умуман беғам бўлиб, сира койимайди. Табиий, шунга мувофиқ тарзда, ҳар бир тоифа вакиллари ишининг муваффақияти ва фаолиятнинг самараси турлича бўлади. Бунга ҳар бир шахсдаги даъвогарлик даражаси ҳам таъсир қилади. Даъвогарлик даражаси юқорироқ бўлганлар билган-билмаганини исбот қилишга уринсалар, ана шундай даражаси пастлар бор билганини ҳам яхши айтиб беролмай, яна ўқитувчи билан тортишмайдилар ҳам.

Шунинг учун ҳам ижтимоий фаолият мотивларидан ташқари, шахсий хислатларни ҳам билиш ва онгли тарзда хулқни бошқара олиш керак.

Юқорида таъкидлаганидек, мотивлар, яъни хатти-ҳаракатларнинг сабаблари шахс томонидан англаниши ёки англанмаслиги ҳам мумкин. Юқорида келтирилган барча мисоллар ва ҳолатларда мотив аниқ, яъни шахс нима учун у ёки бу турли фаолиятни амалга ошираётганлиги, нима сабабдан муваффақиятга эришаётганлиги ёки мағлубиятга учраганини билади. Лекин ҳар доим ҳам ижтимоий хулқ сабаблари аён бўлавермайди. Англанмаган ижтимоий хулқ мотивлари психологияда ижтимоий установка (инглизча «attitud») ҳодисаси орқали тушунтирилади.

Ижтимоий установка шахснинг ижтимоий объектлар, ҳодисалар, гуруҳлар ва шахсларни идрок қилиш, баҳолаш ва қабул қилишга нисбатан шундай тайёргарлик ҳолатики, у бу баҳо ёки муносабатнинг аслида қачон

шаклланганлигини аниқ англамайди. Масалан, Ватанимизни ҳаммамиз севамиз, байроғимиз муқаддас, немис инвесторларга ишонамиз, негрларга раҳмимиз келади, тижорат ишлари билан шуғулланадиганларни, албатта, пулдор, бадавлат, деб ҳисоблаймиз ва ҳоказо. Бу тасаввурлар, баҳо ва ҳиссиётлар қачон ва қандай қилиб онгда ўрнашиб қолганлигига эътибор бермасдан юқорида санаб ўтган ҳиссиётлар бошдан кечирилаверади. Мана шуларнинг барчаси ижтимоий установкалар бўлиб, уларнинг мазмун-моҳияти аслида ҳар бир инсон ижтимоий тажрибаси давомида шаклланади ва узоқ муддатли хотирада сақланиб, конкрет вазиятларда руёбга чиқади.

Америкалик олим Гордон Оллпорт ижтимоий установканинг уч компонентли тизимини ишлаб чиққан:

А. Когнитив компонент – установка объектига алоқадор билимлар, ғоялар, тушунча ва тасаввурлар мажмуи;

Б. Аффектив компонент – установка объектига нисбатан субъект ҳис қиладиган реал ҳиссиётлар (симпатия, антипатия, лоқайдлик каби эмоционал муносабатлар);

В. Ҳаракат компоненти – субъектнинг объектга нисбатан реал шароитларда амалга ошириши мумкин бўлган ҳаракатлари мажмуи (хулқда намоён бўлиш).

Бевосита касб нуқтаи назаридан қаралса, муҳандислик ёки педагоглик касбини нима сабабдан танлаганимизга алоқадор бўлган, тажрибамиздаги билимлар, устозлар ўгитлари, отамизнинг насиҳатлари, билдиргилари касбга нисбатан установканинг когнитив соҳасини ифодаласа, уни ўзлаштириш, танлаш мобайнида бошдан кечирган ҳиссиётларимиз, муваффақиятли синовлардан ўтиб, талаба бўлган чоғдаги эмоциялар – унинг аффектив соҳасини, бевосита ўқиш, касбни ўзлаштириш мобайнида амалга оширган реал хатти-ҳаракатлар унинг конатив ёки ҳаракат компонентини ифодалайди.

Юқорида таъкидланган компонентлар ўзаро боғлиқ бўлиб, ҳаётда у ёки бу вазиятларда у ёки бу компонент устувор келиши мумкин. Ижтимоий установка англанмаган ёки қисман англанган бўлгани билан уни билим, онгли муносабат, ирода кучи ва қатъият, эътиқод билан ўзгартириш ёки бошқариш мумкин. Бу шахснинг ўз олдига қўйган мақсадлари аниқлиги, йўналганлик кучи ва эҳтиёжларнинг табиатига боғлиқдир.

Чунки инсонни фаол бўлишга ундовчи асосий омиллардан бири – бу ундаги шахсий мақсадлари ёки бирор ташкилотда ишлайдиган бўлса, унинг мақсадларини амалга оширишини таъминлашга қаратилган сайъи-ҳаракатларининг мазмун ва моҳиятидан келиб чиқади. Бунда асосий омил **мақсад** бўлиб, ўз навбатида мақсадга эришиш учун одам қатор вазифаларни ҳал қилишига тўғри келади (шахсий ёки корхона, ташкилотнинг вазифалари). Шу боис ҳам фаолият мотивлари ҳақида гап кетганда, кўпинча бирор конкрет вазифаларни бажаришга тўғри келган шароитларда уни бажаришга туртки бўлган омиллар тизими ҳам тушунилади. Нима бўлганда ҳам, ҳар қандай фаолликнинг асосида шахснинг унга нисбатан

муносабатларини таъминловчи сабаб-омил ролини мотивлар ёки мотивация тизими ўйнайди.

Инсоннинг жамиятдаги фаоллиги ҳақида гап кетганда, унинг қандайдир шахсий ташаббуси туфайли ташқи муҳитга, ўзга шахсларга ва ўзига ўзи таъсир эта олиши тушунилади ва бу холатларнинг асосида унга туртки берувчи қандайдир кучлар, омиллар, хулқ мотивлари, дунёқараш, қадриятлар тизими ва темперамент ётади. Шунга кўра инсон фаоллиги турлича бўлиши мумкин: масалан, ижтимоий аҳамиятли, прогрессив ёки аксинча, зарарли, ўзгаларга моддий ва маънавий жиҳатдан ёмон таъсир кўрсатувчи. Аксарият холатларда бу ўринда гап мотивация тўғрисида кетади. Ҳар қандай хатти-ҳаракат ёки хулқ-атворнинг асосини бир эмас, бир нечта мотивлар ташкил этади. Шу боис ҳам шахс хулқ-атворининг сабабларини кўплаб мотивлар ҳосил қилади (полимотивлашган), деб ҳисобланади. Турли мотивлар сабаб бўлган ҳаракатларда ҳам ижобий, ҳам салбий қирраларнинг мавжудлиги айни шу ҳолат билан тушунтирилади.

Вазиятли масалалар:

1- масала. Дарс жараёнида талабалар М. ва К. мавзу бўйича жавоб бериб ўртача баҳо олишди. Кейинги машғулотга талаба М. ўтган машғулотга нисбатан яхшироқ тайёргарлик кўриб, аъло баҳога жавоб берди. Талаба К. эса дарсга умуман тайёрланмасдан келиб, фаолсизликни намоён қилди ва янада паст баҳо олди. Бу икки талабада мотивациянинг қайси тури мавжуд?

2- масала. Инсоннинг объектив абсолют бир хил хатти-ҳаракати орқасида турли хил сабаблар туриши мумкин, яъни бу хатти-ҳаракатларни юзага келтирувчи манбалар, унинг мотивацияси ҳар хил бўлиши мумкин. Талабаларнинг баъзи фанларни ўқишга лаёқат ва хоҳиши йўқлигига нима сабаб бўлиши мумкин?

<u>Семинар машғулотларида муҳокама қилиш учун саволлар:</u>

1. Фаоллик сўзининг маъноси кандай?
2. Инсон фаоллигининг турлари?
3. Ақлий ҳаракат кўринишлари кандай?
4. Интериоризация деб нимага аталади?
5. Экстериоризация қандай жараён?
6. Малака ва кўникмалар қандай ҳосил бўлади?
7. “Мотив” ва “мотивация” тушунчалари қандай маънога эга?
8. Шахсий диспозициялар нима?
9. Мотивларнинг қандай турлари мавжуд?
10. Ижтимоий установка қандай аҳамиятга эга?

<u>Мустақил ишлар мавзулари</u>:

1. Инсон фаолиятининг ўзига хослиги.

2. Шахс фаолияти ва унинг классификацияси.
3. Профессионал малака ва кўникмаларнинг шаклланиши.
4. Мотивацион назариялар ва уларнинг қисқача таърифи.
5. Шахс мотивларини ўрганиш усуллари.
6. Муваффақиятга эришиш мотивларини шахсда ўрганиш.

VII БОБ. ЁШ ДАВРЛАРИ ПСИХОЛОГИЯСИ ВА ПЕДАГОГИК ПСИХОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ, ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ

7.1 §. ЁШ ДАВРЛАРИ ПСИХОЛОГИЯСИ ВА ПЕДАГОГИК ПСИХОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Мамлакатимиздаги мавжуд барча ўқув юртлари таълим-тарбияни тўғри, илмий асосда ташкил этиш учун бу жараённинг ўзига хос психологик қонуниятлари, унинг механизмлари, шунингдек, фаол, мустақил ҳамда ижодий тафаккур жараёнини замонавий билимлар асосида таркиб топтиришнинг самарали усулларини билиши лозим бўлади. Бу борада ёш даврлари психологияси ва педагогик психология ҳозирги замон психология фанининг ривожланган соҳаларидан бўлиб, бу ўринда муҳим ўрин эгаллайди, зеро у инсон руҳий оламининг табиати ва унинг қонуниятларини ўрганувчи соҳадир. Ёш даврлари психологияси ва педагогик психология фанлари муштарак, бир-бирига узвий боғлиқдир, чунки уларнинг ҳар иккиси, битта, умумий жараённи – улғайиб бораётган инсоннинг психик фаолияти ҳамда унинг хулқ-атворини тадқиқ этади. Шундай бўлса-да, бу икки фан психология илмининг мустақил соҳалари ҳисобланиб, уларнинг ҳар бири ўз предмети ва тадқиқот вазифаларига эгадир. Ёш даврлари психологияси онтогенездаги турли ёш даврлари психик тараққиётининг умумий қонуниятларини, психик ривожланишини ҳамда психологик хусусиятларини ўрганади. Онтогенез (юнонча,. ontos-мавжуд, жон, зот; genezis - келиб чиқиш, пайдо бўлиш) - индивиднинг пайдо бўлишидан, умрининг охиригача психик ривожланиш жараёни. Ёшнинг улғайиб бориши, психик жараёнларнинг инсон ривожланишидаги қонуниятлари, ундаги етакчи омиллар ҳамда инсон ҳаёт йўлининг турли босқичларида унинг шахсига хос хусусиятлар – ёш даврлари психология фанининг тадқиқот предмети ҳисобланади. Маълумки, шахс таркиб топиш жараёнининг психологик қонуниятларини, унинг илмий асосларини мукаммал билмай туриб, таълим ва тарбиянинг назарий ҳамда амалий масалаларини муваффақиятли ҳал этиб бўлмайди. Ёш даврлари психологияси фани бу борада ҳам ўзига тегишли масалаларни тор экспериментал равишда ўрганиш билангина чекланиб қолмай, балки ўз муаммоларини инсон ҳаёти ва фаолиятининг табиий шароитларида, болага бериладиган таълим ва тарбиянинг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ўрганса, янада муваффақиятли ривожланиши, табиийдир. Табиат ва жамиятнинг қонунлари сингари камол топаётган инсон шахси ривожланишининг ҳам ўзига хос қонунлари мавжуд. Бу қонунлар ёш даврлари психологияси фанининг турли тармоқларида ўрганилади, чунончи: болалар психологияси, кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар психологияси, ўсмирлар психологияси, ўспиринлар психологияси, катта ёшдаги кишилар психологияси ва қариялар (геронтопсихология) психологияси каби соҳалардир. Ёш даврлари психологияси фанининг

назарий вазифалари шахснинг камол топиш қонуниятлари ва турли ёш даврдаги одамларда намоён бўладиган психик фаолият, ҳолат ва шарт-шароитларининг ўзаро таъсири хусусиятларини ўрганишдан иборатдир. Ёш даврлар психологияси фанининг амалий вазифаларини эса психик жараёнларнинг намоён бўлиши ва ривожланиши, шунингдек, инсон шахси психологик хусусиятларининг таркиб топиш қонуниятларини ўрганишда қўлга киритилган илмий далилларини таълим-тарбия соҳаларига татбиқ этиш ташкил этади. Бу борада, айниқса, педагогик психология бирмунча улкан ютуқларга эришди. Педагогик психологиянинг таълимни янги мазмунда жорий қилиш юзасидан сўнгги йилларда қўлга киритган ютуқлари бунинг яққол далили бўла олади. Маълумки, кейинги ўн йил мобайнида мамлакатимиздаги барча таълим тизимларида ўқув ишларининг мазмуни тубдан ўзгарди. Таълимнинг экспериментал равишда текширилган янги усуллари (масалан, муаммоли интерфаол таълим методлари) кенг жорий қилинмоқда. Педагогик психология психология илмининг тармоғи сифатида таълим ва тарбиянинг шахсга самарали таъсир этувчи омиллари, қонуниятлари ва механизмларини ўрганувчи фандир. Болалар ва ёшларнинг мактабдаги ҳамда таълим-тарбия муассасаларидаги фаолияти, хатти-ҳаракатларининг психологик қонуниятларини ўрганувчи педагогик психология икки фанни, яъни психология ва педагогика фанларининг туташган жойидан ўрин эгаллагандир. Педагогик психологиянинг предмети мактабда билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш қонуниятларини, бу жараёнларда содир бўладиган индивидуал тафовутларни, ўқувчиларда фаол, мустақил ва ижодий тафаккурни таркиб топтириш қонуниятларини тадқиқ этишдир. Шунингдек, педагогик психология таълим-тарбия таъсири оқибатида ўқувчилар психикасида содир бўладиган ўзгаришларни, ўқув материаллари ўқувчиларнинг ёш даврларига мос келишини, турли таълим методларининг психологик жиҳатдан самарадорлигини, дарсликлар, ўқув қуроллари, асбоб-ускуналар ва мактаб ишларининг тартибига нисбатан бўлган психологик талаблар каби муаммоларни ҳам педагогик психология ўрганади. Ҳозирги вақтда педагогик психологиянинг муҳим вазифаларидан бири – мактабдаги таълим жараёнини янада такомиллаштиришнинг психологик асосларини ишлаб чиқишдан иборат бўлиб, бу ҳол янги таълим дастурига ўтиш муносабати билан боғлиқдир. Педагогик психология ўқувчилар шахсининг таркиб топиш жараёнини турли тарбиявий тадбирларнинг ўқувчиларга кўрсатадиган таъсирини ўрганади ҳамда ўқувчилар ўз-ўзини тарбиялашнинг психологик асосларини тадқиқ этади. Шунингдек, «Педагогик-психология» таълим ва тарбия жараёнининг ташкилотчиси бўлган ўқитувчи шахси, унинг педагогик фаолият хусусиятларини ҳам ўрганади. Бунда ўқитувчининг таълим-тарбия ишларидаги ютуқларни таъминловчи сифатларига урғу бериш билан бирга, унинг билим, кўникма, малака ва қобилиятларининг таркиб топиши ҳамда тараққиётининг психологик жараёнлари аниқланади. Ёш даврлари психологияси ҳам педагогик психология сингари умумий психологик қонуниятларни ёритиб берадиган, психик жараёнлар, ҳолатлар ва шахснинг

индивидуал психологик хусусиятларини ўрганадиган умумий психологияга асосланади. Шу боис, ёш даврлари психологияси ва педагогик психология фанини ўрганиш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга бўлиб, у бошқа фанлар сингари тараққиётнинг умумий тамойилларига: олий нерв фаолияти ва психофизиология қонунларига, бу соҳада тўпланган илмий маълумотларга таяниб, инсон психикасининг кечиши, ривожланиши, ўзгариши юзасидан баҳс юритади.

7.2 §. ЁШ ДАВРЛАРИ ПСИХОЛОГИЯСИ ВА ПЕДАГОГИК ПСИХОЛОГИЯНИНГ ФАН СИФАТИДА ВУЖУДГА КЕЛИШИ, УНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ ВА ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ.

Ёш авлоднинг таълим ва тарбия билан боғлиқ психологик муаммолари йирик олимлар, файласуф ва ёзувчиларни ҳам мунтазам жалб этиб келган. Дастлабки педагогик-психологик мазмундаги асарлар XVII-XVIII асрлар диний-ахлоқий таълимотлар замирида ёритилгандир. Россияда психологик тадқиқот намуналари шарқ ва ғарб маданияти таъсирида инсон руҳияти билан боғлиқ турли асарларда шаклланиб келган. В.Н. Татишев, А.Н. Радишев, Н.И. Новиков ва бошқаларнинг асарларидаги дастлабки қарашлар ҳам психик тараққиётнинг ўзига хос хусусиятлари, психик ривожланишдаги тафовутлар билан йўғрилгандир. Рус тарихчиси В.Н. Татишевнинг «Фанлар ва билим юртларининг фойдаси тўғрисида суҳбат» китобида фанларнинг таснифи, билимларнинг аҳамияти, тил ва нутқнинг мавқеи, ёш даврларининг хусусиятлари билан боғлиқлиги кўрсатилган. А.Н. Радишев биринчилар қатори бола психик тараққиётини табиий-илмий йўсинда асослаб беришга уринди. Унинг «Петербургдан Москвага саёҳат» китоби педагогик-психологик асарлар сирасидан муносиб ўрин эгаллайди. Ёзувчининг фикрича, инсон ташқи муҳит ҳақидаги таассуротларини сезгилар орқали идрок этади, шу йўсинда унинг тафаккури улғайиб шаклланади. Н.И. Новиков башарият фаровонлигини кўзлаб, ёшлар ва болалар ўртасида фойдали билимларни кенг тарғибот этиш учун уларни ўзига хос йўсинда тарбияламоқ зарур, деб айтади. Унинг асарларида инсоннинг камолоти учун тафаккур, хотира, ахлоқ, ҳис-туйғу ва тақлидчанлик алоҳида аҳамиятга эга эканлиги таъкидланади. Россияда ёш даврлари психологияси ва педагогик психология фанининг ривожланиш тарихида К.Д. Ушинскийнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Унинг фикрича, психология фанининг асосий вазифаси тарбия мақсадини аниқлаш, таълим-тарбия натижаларини тўғри баҳолаш, шулар асосида янги метод ва усуллар яратиш, педагогик тажрибани таҳлил қилиш ва умумлаштиришда муҳим ўрин тутади. К.Д.Ушинскийнинг «Инсон тарбия предметидир» номли асарида педагогик таъсир жараёни ҳисобланган инсоннинг психологик хусусиятлари, унинг ўзига хос томонлари ўз аксини топган. Шунингдек, Россияда илмий психологияни ривожлантиришда Н.Ф. Каптерев, Н.А. Сикорский, АП. Нечаев, А.Ф. Лазурский, П.Ф. Лесгафт, И.М. Сеченов, И.П. Павлов, П.П. Блонский сингари олимлар бу борада

ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганлар. Таъкидлаш жоизки, айниқса, Л.С. Виготский, С.Л. Рубинштейн, АР. Лурия, А.Н. Леонтьев, М.Я. Басовлар томонидан яратилган янги илмий назариялар, чунончи, психиканинг маданий-тарихий ривожланиш ва тараққиётнинг ўзаро муносабат назарияси, психик тараққиётда фаолиятнинг мавқеи сингари илмий-назарий қарашлари ҳозирги кун ёш даврлари психологияси ва педагогик психология фанининг таянч тушунчаларидандир. Ўтган асрнинг ўрталарида вужудга келган турли назариялар, қарашлар, ўқув фаолияти ва таълимнинг талқинлари (Д.Н.Богоявленский, Н.А.Менчинская, П.Я.Гальперин, З.И.Калмикова, Н.Ф.Тализина, Д.Б.Эльконин В.В.Давидов, Л.В.Занков, Л.Н.Ланда, А.А.Люблинская, Н.В.Кузьмина ва бошқалар) нафақат педагогик тажрибани, балки психология фанининг бу тармоғини илмий-амалий бойитишга асос бўлди. Айниқса, сўнгги йилларда ўқув материалини ўзлаштиришнинг механизмлари (С.Л.Рубинштейн, Н.Кабанова-Меллер, Л.Б. Ительсон); хотира ҳақида (П.И.Зинченко, А.А.Смирнов, В.Я.Ляудис); тафаккур (Н.Ф.Шемякин, А.М.Матюшкин); идрок (Ю.Б.Гиппенрейтер); болаларда нутқнинг ривожланиши (М.И.Лисина, А.А.Венгер); шахснинг ривожланиши (Б.Г.Ананьев, Л.И.Божович, В.С.Мухина); мулоқот ва нутқ (В.А.Артемов, А.А.Леонтьев, В.А.Кан-Калик); психик ривожланиш даврлари (П.П.Блонский, А.С.Виготский, А.Н.Леонтьев, Д.Б.Эльконин, Б.Г.Ананьев, А.В.Петровский); ўқувчиларнинг ақлий фаолияти ва истеъдод муаммолари (А.А.Бодалев, Н.С.Лейтес, Н.Д.Левитов, В.А.Крутецкий)га бағишланган қатор илмий тадқиқотлар бу фаннинг янада ривожланишига муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. XIX аср охири ва XX аср бошларида ғарбий Европа мамлакатлари ва АҚШда инсон психологик хусусиятлари билан боғлиқ тажрибаларга асосланган илмий назария ва йўналишлар вужудга келди. Одам психик табиати турлича талқин қилинишига қарамай, бу назариялар маълум даражада ёш даврлари психологияси ва педагогик психологиянинг ривожланишига туртки бўлди. Бу борада Э.Мейерман, С.Холл, К.Бюлер, Э.Клапаред, Э.Дюркгейм, П.Жане, Ж.Пиаже, А.Валлон, Ж.Брунер ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларини эътироф этиш мумкин. Олмон психологи Э.Мейерман боланинг мактаб даврида унинг руҳи ва танасида кечаётган ўзгаришларни тўлиқ билмай туриб, унга буйруқ ёки тазйиқ ўтказиб бўлмайди, деб таъкидлайди. Унинг фикрича, экспериментал педагогиканинг мақсади айни шу муаммоларга қаратилмоғи даркор. Америкалик психолог-олим С.Холл ҳар қандай бола ўзининг индивидуал тараққиётида филогенезни онтогенезда такрорлайди, шу боис болаларга ибтидоий инстинктларни оғриқсиз, енгил кечиши учун қулай имкониятлар яратиб бериш зарурлигини айтади. С. Холл ўз тажрибалари асосида бой ашёвий далиллар тўплаб, бола ҳақида психологик, физиологик ҳамда педагогик билимларнинг комплекс дастурини яратиш ғоясини олға суради. Филогенез – (юнонча, phyle - қабила, genesis- келиб чиқиш, пайдо бўлиш)- муайян тирик мавжудот турининг ерда ҳаёт бошланганидан кейинги эволюцион тараққиёт жараёни. Швейцариялик психолог Э. Клапаред «Бола психологияси ва экспериментал педагогика» асарида қизиқиш, мотив,

эҳтиёжларнинг методологик асослари, болалар тафаккурининг хусусиятлари ва ривожланиш қонуниятлари, ўхшашлик ва тафовутнинг бола онгида содир этилиши тўғрисида мулоҳаза юритади. Француз психологи Э. Дюркгейм, улғайиш – кишиларнинг ҳис-туйғуларни ўзлаштириши эканлигини, шу боис, идрок қилинган тасаввурлар боланинг руҳий фаолиятини ифодалашини, боланинг тажриба, анъана, урф-одатларни тақлид орқали эгаллашини, биологияда ирсият қанчалик аҳамиятли бўлса, тақлид ҳам жамиятда шундай ўрин тутишини уқтиради. Яна бир француз психологи П. Жане фикрига кўра, инсон психикаси ижтимоий муносабатларга боғлиқ, зотан жамият ва табиат ўртасидага турли алоқалар тизимининг шаклланиши инсоннинг улғайишини белгилайди. У алоқа сифатида хатти-ҳаракатни тушунади, бу эса кишининг атроф-муҳитга шахсий муносабатидан бошқа нарса эмас, албатта. П. Жаненинг таъкидлашича, энг қимматли, аҳамиятли, ижтимоий ҳаракат ҳамкорликдаги фаолиятда ўз ифодасини топади, шахслараро ташқи муносабатлар ривожланишнинг муҳим тамойили ҳисобланади. Америкалик психолог Ж.Брунер шахс таркиб топиши билан таълим ўртасида ўзаро алоқа мавжудлигини таъкидлаб, инсоннинг камолот сари интилиши билим олиш самарадорлигини оширса, ўқитишнинг такомиллашуви унинг ижтимоийлашувини жадаллаштиради, деб уқтиради. Шунингдек, Ж.Пиаже, Э.Торндайк, Ж.Уотсон, Ф.Галгтон, А.Бине, А.Анастази, Т.Симонлар ҳам бола психик тараққиётида таълимнинг мавқеини, уларнинг ақлий хусусиятларини, дастурли таълим, кўникма ва малакаларнинг аҳамиятини, машқларнинг ўрнини илмий-амалий асослаб беришда муҳим ўрин эгаллайдилар. Бу таълимотлар ҳозирги кунда ҳам ўзининг аҳамиятини сақлаб қолмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимизда ҳам ёш даврлари психологияси ва педагогик психология фанининг муҳим муаммоларига доир қатор илмий-амалий тадқиқотлар психолог олимлар томонидан олиб борилмоқда. Республикамиздаги етакчи олийгоҳларнинг кафедра ва лабораторияларида ёш даврлари ва таълим тарбиянинг психологик хусусиятлари билан боғлиқ жараёнларни тадқиқ этиш юқори малакали мутахассислар томонидан махсус техникалар билан жиҳозланган шароитларда илмий тадқиқот ишлари самарали йўлга қўйилган. Мазкур муаммоларнинг ечими ҳозирги замон фанининг методологик тамойиллари асосида яқин ва узоқ хорижий мамлакатларда бу борада олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг ютуқлари ва ғоялари ҳақидаги маълумотларга эга бўлган ҳолда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб бормоқда. Бу борада Т.Қори Ниёзий, С.Ражабов, П.И.Иванов, М.Воҳидов, М.Т. Давлетшин, Э.Ғозиев, Р.Гайнутдинов, Б.Қодиров, Р.И.Суннатова, А.Жабборов ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларини эътироф этиш мумкин. Жумладан, ўқувчиларнинг техник қобилиятлари, ўқув мотивлари, замонавий мактаб ўқувчисининг психологик қиёфаси М.Г.Давлетшин ва унинг издошлари А.Жабборов, Ф.И.Ҳайдаров, М.М.Мавлоновлар томонидан, тафаккур ва таълимни бошқариш муаммоси Э.Г.Ғозиевнинг ташаббусида, истеъдодли ўқувчилар ва касб танлаш муаммоси Б.Р. Қодиров раҳбарлигида, болаларнинг ақлий

фаолият муаммоси Р.И. Суннатовалар томонидан самарали олиб борилмоқда. Фаннинг вужудга келиши ва ривожланиши жараёнида унга таъсир кўрсатиб келган барча назариялар, илмий ва амалий маълумотлар, йўналишлар ҳозирги кунга қадар ўзининг аҳамиятини сақлаб келмоқда ва фаннинг истиқболида муҳим илмий-назарий манба ҳисобланиб қолиши, табиийдир.

7.3 §. КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИ – ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ ТАЛҚИНИДА.

Ёш даврлар психологияси ва педагогик психология алоҳида предмет сифатида XI асрнинг бошларида вужудга келган бўлишига қарамай, унинг мустақил фан сифатида ривожланиши ва қарор топиш йўли анча мураккаб кечгандир. Мазкур илмнинг ривожланишига турли дунёқарашлар ўртасида олиб борилган доимий кураш катта таъсир кўрсатган. Жамият тарихий тараққиётининг у ёки бу босқичида қандай дунёқараш устуворлигига қараб, текширишлар даражаси ва сифати, олинган натижаларни қандай изоҳлаш зарурлиги белгилаб берилган. Ўтмишда аждодларимиз инсоннинг психологик қонуниятларини муайян илмий йўналишда ўрганмаган бўлсалар-да, бироқ алломаларнинг қўлёзмаларида мазкур ҳолатларнинг намоён бўлиши, инсон камолоти борасидаги қимматли фикрлари ҳозиргача юксак аҳамият касб этади. Жумладан, Абу Наср Форобий педагогика масалалари ва улар билан боғлиқ бўлган психологик, физиологик муаммоларни ижобий ҳал этишда инсонни ҳар томонлама яхлит ва ўзаро узвий боғлиқ бўлган қисмлардан иборат, деб айтади. Форобий мавжудотни билишда илм-фаннинг ролини ҳал этувчи омил деб билади, унингча, инсон танаси, мияси, сезги органлари туғилишда мавжуд, лекин ақлий билими, маънавийлиги, руҳи, интеллектуал ва ахлоқий хислатлари, характери, дини, урф-одатлари, маълумоти ташқи муҳит, бошқа инсонлар ва шу кабилар билан мулоқотда вужудга келади, инсон ўз фаолияти ёрдамида уларни эгаллайди, уларга эришади. Унинг ақли, фикри, руҳий юксалишининг энг етук маҳсули бўлади, деб таъкидлайди. Абу Райҳон Беруний таълим ва тарбиянинг мақсади, вазифалари ва мавқеи, инсон, ёш авлоднинг ривожланиши ҳақидаги фикрлари чин маънода инсонпарварлик ва инсоншунослик замирида яратилган. Билим ва тарбиянинг табиатга уйғунлик тамойилларини мутафаккирнинг барча асарларида кузатиш мумкин. У инсонни табиатнинг бир қисми деб таъкидлайди. Беруний таълим жараёнининг табиатига чуқур кириб бориб, болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш асосида қурилган ўқитиш табиатга уйғунлигини уқтиради. Беруний педагогик ижодида инсон ва унинг бахт-саодати, таълим тарбияси, камолоти бош масала бўлган. Ўрта асрда яшаб, ижод этган донишманд, табобат илмининг доҳийси Абу Али ибн Сино инсон руҳияти, тана ва қалбнинг бирлиги, инсон организмининг тузилиши, ундаги нерв фаолияти ва уларнинг тармоқланиши, ҳолатлари ҳақидаги қимматли маълумотлари ҳозирга қадар тиббиётнинг муҳим негизини

ташкил этади. Юсуф Хос Ҳожиб ижодининг бош масалаларидан бири – комил инсонни тарбиялашдир. Адиб ўз асарларида энг комил, жамиятнинг ўша даврдаги талабларига жавоб бера оладиган инсонни қандай тасаввур қилган бўлса, шу асосда у ўз тамойилларини изчил баён этади. «Қутадғу билиг» («Саодатга йўлловчи») асари таълим ва тарбия, маънавий камолотнинг йўл-йўриқлари, усуллари, чора тадбирларини ўзида мужассамлаштирган, ахлоқ ва одобга доир маънавий манбадир. Абдураҳмон Жомийнинг «Баҳористон», «Хирадномаи Искандари», «Туҳфатул аҳрор» ва бошқа асарларида илм-маърифат, таълим-тарбия, касб- ҳунар ўрганиш, инсон ижобий фазилатлари ҳақидаги фикрлари ифодаланган. Алишер Навоийнинг «Хазойинул маоний», «Маҳбубул қулуб» ва бошқа шу сингари асарларида етук, баркамол инсоннинг ахлоқи, маънавияти, ўзгаларга муносабати, истеъдоди ва қобилияти тўғрисида қимматли мулоҳазалар юритилган. Ана шу психологик мезонлар ижтимоий адолатнинг қарор топиши учун муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланган. Шунингдек, Навоий асарларида ёш авлоднинг баркамол инсон сифатида шаклланишида ота-онанинг роли, аёлларнинг иффатлилиги, кишиларнинг камтарлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалари алоҳида ўрин эгаллайди. Навоий «Хамса”сининг ҳар бир достонида енгилмас ирода, қатъиятлилик, итоат, инсонпарварлик туйғулари, ижодий хаёлот, инсоннинг мураккаб ички кечинмалари моҳирона ёритилган. Шунингдек, бу борада Маҳмуд Қошғарий, Улуғбек, Нақшбандий, Огаҳий сингари буюк шарқ мутафаккирларининг ёшлар тарбиясига, ўқитувчи, тарбиячининг жамиятдаги ўрни, ахлоқ-одоб, феъл-атвор, оилавий ҳаёт, кишилараро муносабатларга доир қарашлари уларнинг асарларида равон ва ихчам баён этилганлигини таъкидлаш мумкин.

Ёш даврлари ва педагогик психология фани ҳам психология илмининг бошка соҳалари сингари ўзининг илмий-тадқиқот методларига эга. Психологик конуниятларни муайян режа асосида олиб бориладиган текширишлар туфайлигина холисона аниқлик киритиш мумкин. Психологик тадқиқотлар жараёнини қуйидаги асосий босқичларга бўлиш мақсадга мувофиқдир:

1. Муаммонинг қўйилиши. Ҳар қандай илмий текшириш ишлари каби психологияда олиб бориладиган илмий текшириш ишлари ҳам назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган муаммони аниқлаш, шунингдек, бу муаммо фанда қанчалик ёритилганлигини аниқлаш мақсадида мазкур мавзуга оид илмий ва махсус адабиётларни таҳлил қилишдан бошланади.

2.Тадқиқот методикасини танлаш. Психологик тадқиқотлар турли методлар (бу методлар ҳақида қуйида батафсил фикр юритилади) билан олиб борилади. Текширишларнинг муваффақиятли чиқиши кўп жиҳатдан методни тўғри танлашга боғлиқ бўлади.

3. Маълумотларни тўплаш. Тўпланган маълумотлар ўрганилаётган муаммога мос бўлиши ёки уларни тўплаш мақсадга мувофиқ равишда олиб борилиши зарур. Илмий маълумотларга бўлган асосий талаблар – бу уларнинг холисона, тўла ва изчил бўлишидир. Тўпланган маълумотлар ўрганилаётган муаммони ҳар жиҳатдан тавсифлаб бериши керак.

4. Маълумотларни қайта ишлаш. Тўпланган маълумотларни математик ва мантиқий жиҳатдан ишлаб чиқиш умумийликни, хусусийликни топиш ва уларни тасодифий маълумотлардан ажратиш имконини беради. Бунда тўпланган маълумотларнинг ўртача миқдори (арифметик, квадрат ва ҳоказо), фоизлари аниқланади, сонларга оид маълумотлар жадвалларга жойлаштирилади, график, диаграмма ва чизмаларда ўз аксини топади. Мураккаб мутаносибликдаги маълумотларни топишда эса вариацион статистика методлари қўлланади. Бу тадқиқотнинг бирмунча мураккаб ва масъулиятли босқичи ҳисобланади. Чунки бу босқичда маълумотларнинг моҳияти қанчалик чуқур тушунилганлиги, уларнинг ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олиб, босқич маълумотидан ҳар турли хулоса чиқариш мумкин. Кўпинча чиқарилган хулосалар тахминий характерга эга бўлиб, кейинги текширишлар, аниқлашлар учун асос бўлади. Қонуниятни амалда қўллаш. Аниқланган қонуниятлар маълум бир амалиёт соҳасида қўлланилади. Амалда қўллаш аниқланган қонуниятнинг тўғрилигига батамом ишонч ҳосил қилиш имконини беради. Кўпинча ўқитувчилар ўз амалий фаолиятларида шахсий кузатишлари ва бошқаларнинг тажрибаларини умумлаштиради. Бироқ, бундай умумлаштиришлар илмий жиҳатдан етарли асосланган бўлмайди, яъни муҳимлиги, аниқлиги ва теранлиги билан ажралиб турмайди. Метод – (юнонча, methods -тадқиқот, текшириш) билишнинг назарий ва амалий ўзлаштириш усуллари йиғиндиси. Тажрибада қўлланиладиган методлар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин.

1. Кузатиш методи. Кишининг ҳар кунги психик фаолиятини одатдаги ҳаёт ва шароитларда таҳлил қилишдан иборатдир. Ёш даврлари психологияси ва педагогик психологияда бу методнинг объектив (ташқи) ва субъектив (ўзини-ўзи) кузатиш турлари мавжуд. Инсон психикасидаги ўзгаришларни кузатиш учун қуйидагилар амалга оширилади:

а) кузатишнинг мақсади, вазифаси белгиланади;

б) кузатиладиган объект танланади;

в) синалувчининг ёши, жинси ҳақида маълумотлар тўпланади;

г) тадқиқот ўтказиш вақти режалаштирилади;

д) кузатиш қанча давом этиши қатъийлаштирилади;

е) кузатиш инсоннинг қайси фаолиятида (ўйин, ўқиш, меҳнат, спортда) амалга оширилиши тавсия этилади;

ё) кузатишнинг шакли (якка, гуруҳ, жамоа) тайинланади;

ж) кузатилганларни қайд қилиб бориш воситалари (кундалик, суҳбат дафтари, кузатиш варақаси, магнитофон, видеомагнитофон ва бошқалар) тайёрланади. Кузатиш орқали турли одамларнинг диққати, ҳис-туйғулари, нерв системасининг ташқи ифодалари, темперамент хусусиятлари, имо-ишоралари, сезгирлиги, нутқ фаолияти ва ҳоказолари ўрганилади. Аммо, ўта мураккаб ички психологик кечинмалар, юксак ҳиссиётлар, тафаккур, мантиқий хотира ва ақл-заковатни тадқиқ этишга бу методнинг имкони етмайди.

2. Эксперимент методи. Сунъий ҳосил қилинган психологик шароитда намоён бўлувчи психик фаолиятни таҳлил қилишдан иборатдир.

Экспериментатор ёки тажриба ўтказувчи психик фаолиятнинг ўзига керакли ҳодисасини махсус тарзда ҳосил қилади ҳамда унинг намоён бўлиш шарти, характерини белгилайди. Тажриба методи, ўз навбатида, табиий ва лаборатория методларига ажратилади. Табиий метод психологик-педагогик масалаларни ҳал қилишда қўлланилади. 1910 йилда А.Ф.Лазурский бу методнинг илмий асосларини яратган. Табиий методдан фойдаланишда ишлаб чиқариш жамоалари аъзолари, илмий муассасалар ходимлари, ўқитувчиларнинг иш қобилиятлари, ўзаро муносабатлари, мутахассисликка яроқлилиги муаммоларини ҳал қилиш назарда тутилади. Табиий шароитда инсон психикасини ўрганишда синалувчиларнинг ўзлари бехабар бўлиши, таълим жараёнида берилаётган билимлар тадқиқот мақсадига мувофиқлаштирилиши лозим. Лаборатория (клиника) методи кўпинча индивидуал (баъзида гуруҳ ёки жамоа) шаклда синалувчилардан яширмай, махсус психологик асбоблар, йўл-йўриқлар, тавсиялар, кўрсатма ва иловалардан фойдаланиб олиб борилади. Ҳозир инсон психикаси ўзгаришларини аниқлайдиган асбоблар, мураккаб электрон ҳисоблаш машиналари, қурилмалар, мосламалар мавжуд. Кўпинча электрон ва радио ўлчагичлар, секундомер, рефлексометр, электроэнцефалограмма кабилардан фойдаланилади. Лаборатория методи ёрдамида диққатнинг сифатлари, сезги, идрок, хотира ва тафаккурнинг хусусиятлари, эмоционал ҳамда иродавий, ақлий зўриқиш сингари мураккаб психик ҳолатлар текширилади. Кўпинча лаборатория шароитида кишилар (учувчи, ҳайдовчи, оператор, электронлар) ва кутилмаган тасодифий вазиятлар (ҳалокат, портлаш, издан чиқиш, шовқин кўтарилиши) моделлари яратилади. Асбобларнинг кўрсатиши бўйича ўзгаришлар, ривожланиш динамикаси, жисмоний ва ақлий толиқиш, эмоционал-иродавий зўриқиш, жиддийлик, тажанглик содир бўлаётганини ифодаловчи маълумотлар олинади.

3. Психологик-педагогик эксперимент – ўқувчиларнинг психологик хусусиятларини табиий шароитда махсус усуллар ёрдамида ўрганишдир. Мазкур эксперимент ўқувчиларни махсус уюштирилган таълим шароитида мақсадга мувофиқ, улардан ўзгаришларни кузатишни тақозо этади. Бу эксперимент аниқловчи ва таркиб топтирувчи босқичлардан иборат бўлиб, махсус уюштирилган таълим таркиб топтирувчи эксперимент жараёнида олиб борилади. У қуйидаги тузилишга эга: экспериментатор ёки тадқиқот олиб борувчи, синалувчилар, фараз, режа, йўл-йўриқ, тажрибанинг бир-бирига боғлиқ бўлган ва боғлиқ бўлмаган, ўзгарувчан, назорат қилинадиган ва қилинмайдиган қисмлардан иборат. Экспериментал тадқиқотнинг асосий босқичлари: фаразни илгари суриш, методикани танлаш, экспериментни режалаштириш, олинган маълумотларни ишлаб чиқиш, таҳлил этиш ва изоҳлашдан иборатдир,

4. Анкета методи. Кишилар психикасини оммавий сўроқ асосида ўрганиш демакдир. Бу метод ёрдамида турли ёшдаги одамларнинг психологик хусусиятлари, нарса ва ҳодисаларнинг муносабатлари ўрганилади. Анкета одатда уч турда ўтказилади. Уларнинг биринчи тури англашилган мотивларни аниқлашга мўлжалланган саволлардан тузилади.

Иккинчи турида ҳар бир саволнинг бир нечтадан тайёр жавоблари берилади. Учинчи турдаги анкетада синалувчига ёзилган тўғри жавобларни баллар билан баҳолаш тавсия этилади. Анкетадан турли ёшдаги одамларнинг лаёқатлари, муайян соҳага қизиқишлари ва қобилиятларини ўзига, тенгдошларига, катта ва кичикларга муносабатларини аниқлаш мақсадида фойдаланилади. Тарқатилган анкеталар йиғиб олинади ва электрон ҳисоблаш машиналарида ҳисобланади, атрофлича миқдорий таҳлил қилинади, сўнгра тадқиқотга якун ясалиб, илмий ва амалий йўсинда хулосалар чиқарилади. Анкета методи инсон психикасини ўрганиш учун бой маълумотлар тўплаш имконини беради. Бироқ ундан олинадиган маълумотлар доимо холисона хусусиятга эга бўлавермайди. Бундай камчиликка йўл қўймаслик учун анкета ичидаги назорат вазифасини бажарувчи саволларни пухта ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

5. Суҳбат методи эркин, нутқий муносабат туфайли олинган киши психик фаолиятининг хулосасини текшириш демакдир. Бу метод ёрдамида инсон психикасини ўрганишда суҳбатнинг мақсади ва вазифаси белгиланади, унинг обтьекти ва субъекти танланади, якка шахслар, гуруҳ ва жамоа билан ўтказиш режалаштирилади, ўрганилаётган нарса билан узвий боғлиқ савол-жавоб тартиби тайёрланади. Суҳбатнинг бош мақсади муайян бир вазият ёки муаммони ҳал қилиш жараёнида инсон психикасидаги ўзгаришларни ўрганишдир. Суҳбат орқали турли ёшдаги одамларнинг тафаккури, ақл-заковати, хулқ-атвори, қизиқиши, билим савияси, эътиқоди, дунёқараши, иродаси тўғрисида маълумотлар олинади.

6. Тест методи. Тест – инглизча «синаш», «текшириш» деган маънони англатади, Шахснинг ақлий ўсиши, қобилияти, иродавий сифатлари ва бошқа психик хусусиятларини текширишда қўлланиладиган қисқа стандарт масала, топшириқ, мисол ёки жумбоқлар тест деб аталади. Тест, айниқса, одамнинг қандай касб эгаллаш мумкинлиги, касбга яроқлилиги ёки яроқсизлиги, истеъдодлилар ва ақли заифларни аниқлаш, кишиларни саралашда кенг қўлланилади. Тест методининг қиммати тажрибанинг илмийлик даражасига, текширувчининг маҳоратига ва қизиқишига, тўпланган маълумотларнинг объективлиги ва уларни илмий таҳлил қила олишига боғлиқдир. 1905 йил француз психологлари А.Бине ва А.Симонлар инсоннинг ақлий ўсиш ва истеъдод даражаларини ўлчаш имконияти борлиги ғоясини олға сурганидан кейин психологияда тест методи қўлланила бошланди. Ҳозирги замон нодир тестлар қаторига психологлардан Роршах, Розенцвейг, Кеттел, Векслер, Айзенк, Анастази, Равен ва бошқалар ижодининг намуналарини киритиш мумкин. Энг кенг тарқалган тестлар қаторига ютуққа эришиш (мақсадга етиш) тестлари (улар дарсликларида берилган билим ва малака даражаларини баҳолашга қаратилган), интеллект тестлари (ақлий ривожланиш даражасини ўлчашга мўлжалланган), шахс тестлари (инсон иродаси, эмоцияси, қизиқиши, мотивацияси ва хулқини баҳолашга йўналтирилган диагностик усуллардан иборат), шахс «лойиҳаси» (проектив) тестлари (саволларга битта аниқ

жавоб бериш талаб қилинади, жавобларни таҳлил қилиб, шахс хусусиятининг «лойиҳаси» ишлаб чиқилади) киради.

7. Биографик (таржимаи ҳол) методи. Инсон психикасини тадқиқ қилиш учун унинг ҳаёти, фаолияти, ижодиёти тўғрисидаги оғзаки ва ёзма маълумотлар биографик метод орқали ўрганилади. Бу борада кишиларнинг таржимаи ҳоли, кундалиги, хатлари, эсдаликлари, ўзгалар ижодига берган баҳолари, тақризлари алоҳида ўрин эгаллайди. Шу билан бирга, ўзгалар томонидан тўпланган таржимаи ҳол ҳақидаги материаллар: эсдаликлар, хатлар, расмлар, тавсифлар, баҳолар, магнитафон овозлари, фотолавҳалар, ҳужжатли фильмлар, тақризлар ўрганилаётган шахс ҳақида тўла тасаввур қилишга хизмат қилади. Таржимаи ҳол маълумотлари инсон психикасидаги ўзгаришларни кузатишда, унинг суҳбат ва тажриба методлари билан ўрганиб бўлмайдиган жиҳатларини очишда ёрдам беради. Биографик маълумотлар одамларнинг ўзини ўзи тарбиялаши, назорат қилиши, идора этиши, ўз услубини яратиши, камолот чўққисига эришиш жараёнида намуна вазифасини ўтайди.

8. Социометрик метод. Бу метод кичик гуруҳ аъзолари ўртасидаги бевосита эмоционал муносабатларни ўрганиш ва уларнинг даражасини ўлчашда қўлланилади, унга америкалик социолог Джон Морено асос солган. Мазкур метод ёрдамида муайян гуруҳдаги ҳар бир аъзонинг ўзаро муносабатини аниқлаш учун унинг қайси фаолиятда ким билан бирга қатнашиши сўралади. Тадқиқотнинг социометрик методи шароитга мувофиқлаштирилган кичик гуруҳлардаги шахслараро муносабатни ўлчаш усули ҳисобланади. Бу усулда синалувчиларга бевосита саволлар берилади ва уларга кетма-кет жавоб қайтариш орқали гуруҳ аъзоларининг ўзаро танлаш жараёни вужудга келтирилади. Мактабгача тарбия муассасалари мактабдаги ўқувчилар жамоаси, меҳнат лагерлари, олий мактаблар, меҳнат жамолари ва турли муассасаларнинг ходимлари ўртасидаги муносабатларнинг хусусиятлари, динамикаси, шахслараро зиддиятларнинг сабаби шу метод ёрдамида ўрганилади. Умуман олганда, социометрия методидан турли ёшдаги, икки хил жинсдаги, савияси ҳар хил кишилар гуруҳларидаги психологик қонуниятларни татбиқ этишда унумли фойдаланиш мумкин.

7.4 §. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ЁШ ДАВРЛАРИ ПСИХОЛОГИЯСИ ВА ПЕДАГОГИК ПСИХОЛОГИЯ ФАНИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

Ҳозирги даврда мамлакатимизда, шу жумладан, халқ маорифи тизимида амалга оширилаётган ўзгаришлар ўқитувчилар, барча педагоглар олдига ўқувчининг билимларни юксак даражада ўзлаштириши; ўқувчилар мустақил тафаккури, уларнинг активлигини ривожлантириш; уларда юксак ахлоқий сифатларни тарбиялаш; уларнинг тафаккур, мулоқот, ўқиш, меҳнат қилишга бўлган қобилиятларини тараққий эттириш каби мураккаб ва масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Бу вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш учун фақат педагогика фанининг назарий асосларини, ҳар бир

ўқитувчи предметни ўқитиш методикасини, мактаб ўқувчиларининг физиологияси асослари, мактаб ўқувчилари гигиенаси асосларинигина билиш эмас, балки маълум даражада психологик билимларга ҳам эга бўлиш лозим. Ҳар бир педагог маълум даражада психолог ҳам бўлиши талаб этилади, чунки улар ҳар бири фақат ўзига хос бўлган, турли ёшдаги, турли индивидуал хусусиятларга эга бўлган ўқувчилар билан иш олиб боради.

Ҳар бир бола фақат ўзига хос билиш фаолияти, ирода, характер, хулқ-атвор хусусиятларига эга. Мактабда таълим-тарбия бериш жараёнида мана шу хусусиятларни билиш ва шунга асосланиб уларга индивидуал муносабатда бўлиш лозим. Мана шуларни ҳисобга олгандагина, ҳар бир педагог ўзининг асосий вазифаси, яъни ёш авлодга таълим-тарбия бериш ишини муваффақият*ли амалга* оширади. Шунинг учун ҳам психология фанининг алоҳида соҳалари бўлмиш ёш ва педагогик психология асосларини чуқур билиш ҳар бир педагог учун муҳим ҳисобланади. Психология фанининг бир қатор тармоқлари, соҳалари мавжуд. Улар орасида ёш психологияси алоҳида аҳамиятга эга. Ёш психологияси психик ривожланиш, шунингдек, болалик, ўсмирлик, ўспиринлик, етуклик ва қарилик даврида шахс тараққиётининг хусусиятларини ўрганади. Жуда кўп фундаментал тадқиқотлар ўтказилганига қарамай, бугунги кунда инсон психикасини унинг бутун ҳаётий йўли босқичларида ривожланиш хусусиятларини яхлит ҳолда тавсифлашга эришилмаган. Ёш психологияси ҳар бир ёш даврининг қайтарилмас хусусиятларини, йиллар ўтган сари аста-секинлик билан бола қандай қилиб инсон бўлиб шаклланиши, шахс сифатида ўзини ижтимоий муносабатларда намоён қилиши, касб танлаши, мулоқот жараёнида ўзининг эрк, ҳуқуқ ва мажбуриятларига интилиши, қандай қилиб севиши, ишончли дўст бўлиб таркиб топиши, ўзи ва бошқалар учун масъулиятни ҳис қилиши каби жиҳатларни тадқиқ этади. Билимларнинг ҳар бир соҳаси ўзига хос номланишга эга. Лекин баъзи бир билимлар соҳаси бир неча ном билан ҳам аталиши мумкин. Масалан, ёш психологиясини бошқача қилиб, ривожланиш психологияси деб номлаш мумкин. Аммо бу ерда айнан битта ёки бир-бирига мазмун жиҳатдан жуда яқин бўлган билимлар соҳаси кўзда тутилади ва инсон хулқ-атвори, психик ривожланишнинг ёш хусусиятлари тўғрисида фикр юритилмоқда. Рус психологи Р.С. Немов асарларида улар синоним сифатида қўлланилади.

Ёш психологиясининг ўрганиш объекти — онтогенезда нормал, соғлом инсоннинг ўзгариши ва ривожланишидир.

Ёш психологиясининг предмети — ривожланишнинг ёш даврлари, бир ёш давридан кейингисига ўтиш сабаблари, механизмлари, онтогенезда психик ривожланиш, йўналишлари, темпи, тенденциялари ва умумий қонуниятларидир.

Ёш психологияси турли хил ёш даврларининг психологик хусусиятларига эътибор беради. **Ривожланиш психологияси** — инсон психологиясининг ёш жиҳатдан қайта тузилиши қонунлари ҳақидаги билимлар соҳаси. Ёш психологиясини ривожланишдан ташқарида, ўзгармас

деб қараш мумкин эмас. Худди шундай, ривожланишнинг ёш хусусиятларини ажратиб кўрсатмасдан тасаввур қилиб бўлмайди.

Ёш психологиясининг бир қатор муаммоларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

1. Инсон психик хусусиятлари ва хулқ-атвори ривожланишининг организм ва муҳитга боғлиқлиги муаммоси.

2. Инсон ривожланишига стихияли таълим ва ташкил этилган таълимнинг таъсири муаммоси.

3. Лаёқат ва қобилиятларнинг ўзаро муносабати муаммоси.

Бир томондан психик ривожланиш организмга, яъни инсон организмининг анатомик-физиологик тузилишига боғлиқ. Нерв системаси ва миянинг тузилиши уни онг эгаси, нутқ ва юқори даражадаги интеллект соҳиби сифатида ривожланишига имкон беради. Наслий йўл билан ёки жиддий касаллик оқибатида юзага келувчи организм анатомик-физиологик ҳолатидаги бузилишлар психик тараққиётга таъсир этиши ва ривожланишдан орқада қолишга олиб келиши мумкин. Боланинг мияси етилиб бўлмагунча, унда вербал нутқ ва у билан боғлиқ бўлган қобилиятларни шакллантириш мумкин эмас. Иккинчи томондан, организмнинг психик ривожланиши муҳитга ҳам боғлиқ. Чунки психик тараққиётга таълим-тарбиянинг таъсири жуда беқиёс. Бироқ, психик тараққиётнинг у ёки бу босқичида бу омиллардан қайси бири кўпроқ таъсир этишини аниқ айтиш қийин.

Стихияли таълим-тарбия махсус таълимий мақсадларсиз, ҳеч қандай дастурларсиз, инсоннинг жамиятда бошқа кишилар билан муносабатлари натижасида амалга ошадиган таълим-тарбия. Ташкил этилган таълим-тарбия эса мақсадга қаратилган ҳолда махсус таълимий тизимда олиб бориладиган таълим-тарбиядир. Шак-шубҳасиз, инсон стихияли ва ташкил этилган таассуротлар остида психологик жиҳатдан тараққий этади, лекин улардан қай бири инсон хулқ-атворига кучлироқ таъсир этиши масаласи муаммолигича қолмоқда. Кейинги муаммо — лаёқат ва қобилиятларнинг ўзаро муносабати масаласидир. Боланинг қобилиятлари ривожланишига таъсир этувчи лаёқатларнинг ўзи нима? Лаёқатлар таркиби фақат организмнинг наслий хусусиятлари билан боғлиқми ёки унинг таркибига инсоннинг орттирилган хулқ-атвор ва психик хусусиятларини ҳам киритиш мумкинми? Бола қобилиятларининг тараққиёти кўпроқ мавжуд лаёқатларга боғлиқми ёки унга тўғри ташкил этилган таълим-тарбиянинг таъсири кучлироқми? каби саволлар ҳанузгача тўла-тўкис ўз ечимини топмаган.

Ёш психологияси психика ва хулқ-атворда бир ёш давридан иккинчисига ўтишда юзага келадиган миқдорий ҳамда сифатий ўзгаришларни ўрганади. Одатда бу ўзгаришлар ҳаётнинг муайян босқичларини, бир неча ойдан (гўдаклик даври) то бир қанча йилларни (катта ёш даврида) қамраб олади. Ушбу ўзгаришлар «доимий таъсир этиб турувчи» омиллар — биологик етилиш ҳамда инсон организмининг психофизиологик ҳолати, унинг инсонга хос бўлган ижтимоий

муносабатлар тизимида тутган ўрни, интеллектуал ҳамда шахс ривожланишида эришган даражасига боғлиқ бўлади.

Психика ва хулқ-атворда юзага келадиган бу турдаги ёшга хос ўзгаришлар эволюцион ўзгаришлар деб аталади. Эволюцион ўзгаришларда миқдорий ва сифатий қайта қуришлар нисбатан секинлик билан амалга ошади.

Нисбатан қисқа вақт оралиғида жадал юз берадиган чуқур ўзгаришларни революцион ўзгаришлар деб аташ мумкин. Революцион ўзгаришлар одатда бир ёш даврининг тугалланиши, иккинчи ёш даврининг бошланиши арафасида рўй бериб, ёш тараққиётининг инқирозлари билан боғлиқ бўлади. Ёш тараққиётидаги инқирозлар ва улар билан боғлиқ бўлган психика ва хулқ-атворда рўй берадиган революцион қайта (қуришлар) тузилишлар ёшни даврларга ажратишнинг асосларидан бири сифатида қаралиши мумкин.

Ривожланиш белгиларидан бири бўлган яна бир турдаги ўзгаришлар аниқ бир ижтимоий вазиятнинг таъсири билан боғлиқ бўлиб, уларни ситуацион (яъни вазият билан боғлиқ бўлган) ўзгаришлар деб аташ мумкин. Бундай ўзгаришлар инсон хулқ-атвори ва психикасида ташкил этилган ёки махсус ташкил этилмаган таълим-тарбия таъсирида вужудга келади.

Эволюцион ва революцион ўзгаришлар одатда барқарор ҳамда қайтарилмас бўлиб, систематик мустаҳкамлашни талаб қилмайди. Ситуацион ўзгаришлар беқарор, ўзгарувчан, уларни машқлар орқали мустаҳкамлаш талаб қилинади. Эволюцион ва революцион ўзгаришлар инсон психологиясини шахс сифатида қайта ўзгартирса, ситуацион ўзгаришларда хулқ-атворнинг баъзи кўринишлари, билим, малака ва кўникмалар ҳосил бўлади.

Ёш психологиясининг предмети — инсон психикасининг ёш жиҳатдан тараққиёти, психик жараёнлар ҳамда инсон шахси хислатларининг онтогенезини ўрганишдан иборат.

Ёш психологияси, ўз навбатида, бир қанча соҳаларга бўлинади. Булар:

1. Болалар психологияси.
2. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар психологияси.
3. Ўсмир психологияси.
4. Илк ўспиринлик ёши психологияси.

Ёш психологиясининг умумий вазифалари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1) психик жараёнлар, билимларни ўзлаштиришнинг ёш имкониятларини тадқиқ қилиш;

2) шахс ривожланишининг муҳим омилларини ўрганиш;

3) психик тараққиётнинг умумий қонуниятлари ҳамда босқичларини тадқиқ этиш;

4) ҳар бир ёшнинг психологик ва индивидуал хусусиятларини ўрганиш.

Ёш психологиясининг асосларини билмай туриб, таълим-тарбиянинг ҳеч бир назарий ҳамда амалий масалаларини муваффақиятли ҳал қилиб бўлмайди.

Ёш психологиясининг **назарий вазифалари:**

— инсоннинг бутун ҳаёт йўли давомида психик тараққиёти манбалари, механизмлари ва ҳаракатга келтирувчи кучларини ўрганиш;

— онтогенезда психик ривожланишни даврлаштириш;

— психик жараёнлар кечишининг ёш хусусиятлари ва қонуниятларини ўрганиш;

— турли ёш даврларида билимларни ўзлаштириш, турли фаолиятларни амалга ошириш қонуниятлари, хусусиятлари ва имкониятларини аниқлаш;

— турли ёш босқичларида шахс ривожланишини тадқиқ қилиш.

Ёш психологиясининг **амалий вазифалари:**

— психик функцияларнинг ёш нормаларини аниқлаш, инсоннинг ижодий салоҳияти ва психологик захираларини ишга тушириш;

— болаларнинг руҳий саломатлиги ва психик тараққиётнинг кечишини тизимли назорат қилиш хизматини ташкил этиш, ота-оналарга муаммоли вазиятларда ёрдам кўрсатиш;

— ёш ва клиник диагностика;

— инсон ҳаётининг инқирозли даврларида ёрдам кўрсатиш, психологик қўллаб-қувватлаш функциясини бажариш;

— узлуксиз таълим тизимида ўқув жараёнини оптимал ташкил этиш.

Таълим-тарбия жараёнини тўғри, илмий асосда ташкил қилиш учун таълим жараёнининг ўзига хос психологик қонуниятлари, яъни билимларни ўзлаштириш жараёнини, кўникма ва малакаларни, фаол, мустақил ҳамда ижобий тафаккур жараёнларини таркиб топтиришни яхши билиш лозим бўлади. Психолог **Л.С.Виготский** кўрсатиб ўтганидек, улар маълум ҳодисаларга нисбатан ўзларининг кундалик ҳаётдаги оддий тушунишлари бўлади. Бу эса илмий тушунчаларнинг таркиб топишига маълум даражада таъсир қилади. Бундан кейин тушунчаларни таркиб топтиришда ҳиссий негизга қай даражада таяниш лозимлиги, қайси пайтда кўргазмалиликдан ва якка ҳодисалардан қутулиб, мавҳумлик ҳамда умумийликка ўтиш мақсадга мувофиқлигини билиш керак. Кўргазмали таянчдан эрта воз кечиш ҳам, ана шу босқичда сунъий равишда тўхтаб қолиш ҳам бир хил хатодир. Шунинг билан бирга, кўриб ва эшитиб идрок қилиш хусусиятларини ҳамда уларнинг ўзаро муносабат характерини билиш керак. Ўтилган материалларни қандай йўл билан психологик жиҳатдан самарали қилиб мустаҳкамлаш мумкин? Ўқувчига саволни қандай бериш мумкин: умумий қилибми ёки конкрет шаклдами? Бир хил саволларни бераверіш тўғрими? Ёрдамчи саволларнинг роли қандай? (Психологияда шу нарса маълумки, жавоб бериладиган саволнинг ифодаланишига ҳам боғлиқ бўлади.)

Педагогик психологияни билиш тарбия ишларида ҳам зарурдир. Шахс таркиб топиши жараёнининг психологик қонуниятларини, жумладан, ахлоқий одатлар ва ишонч-эътиқод таркиб топишининг қонуниятларини билмай туриб, тўғри тарбия бериш мумкин эмас.

Маълум ёшдаги болаларнинг психологик хусусиятларини билмай туриб, уларга мақсадга мувофиқ равишда таълим ва тарбия бериб бўлмайди. Боланинг ҳар бир ёши ўз қийинчиликларига эга бўлади ва ўзига нисбатан

махсус муносабатда бўлишни талаб қилади. Кичик мактаб ёшидаги болаларга нисбатан психологик жиҳатдан тўғри келадиган ва яроқли бўлган нарса, кўпинча ўсмирларга нисбатан яроқсиз ва хато бўлиши мумкин. Бироқ ўқитувчи, тарбиячи шунчаки маълум ёшдаги ўқувчи билан эмас, балки конкрет бир ўқувчи билан, индивидуал шахс билан ишлайди. Ўқувчининг билиши мутлақо зарур бўлган индивидуал фарқлар битта ёш доирасида ниҳоят даражада катта бўлади. Таълим ва тарбия жараёнида индивидуал муносабатда бўлишнинг шарти ўқувчининг психологик хусусиятларини ҳар томонлама ва чуқур билишдан иборатдир. Бу нарса ўқувчининг руҳий дунёсидан хабардор бўла олиш, психологик жиҳатдан тўғри кузатиш ташкиллаштири ва табиий эксперимент уюштиришни билишни тақозо қилади. Мана шу юқорида кўрсатилган қонуниятларнинг ҳаммасини билиш ўз-ўзича таълим-тарбия ишларида муваффақиятнинг гарови бўла олмайди. Лекин жуда кўп хатоларнинг олдини олиш имконини беради, чунки бу қонуниятлар ўқитувчини кўр-кўрона ҳаракат қилиш заруратидан қутқаради. Демак, педагогик психологиянинг моҳиятини билиш ҳар бир педагогга таълим-тарбия жараёнини самарали амалга ошириш учун зарур.

Ёш ва педагогик психологиянинг бирлиги ёш ва педагогик психология ўрганадиган объектнинг умумийлигидадир. Бу иккала фаннинг ўрганиш объекти — болалар, ўсмир ва ўспиринлар бўлиб, ёш психологияси уларни ёш тараққиёти бўйича ўрганса, педагогик психология тарбияланувчи ёки таълим олувчи сифатида, яъни педагогнинг таълим-тарбия жараёнида бирор мақсадга қаратилган таъсири сифатида ўрганади. Маълумки, муайян ёшдаги болаларнинг психологик хусусиятларини билмай туриб, уларга мақсадга мувофиқ равишда таълим ва тарбия бериб бўлмайди. Боланинг ҳар бир ёши ўз қийинчиликларига эга бўлади ва ўзига нисбатан махсус муносабатда бўлишни талаб қилади. Таълим ва тарбия жараёнида индивидуал муносабатда бўлишнинг шарти ўқувчининг психологик хусусиятларини ҳар томонлама ва чуқур билишдан иборат. Бу эса ўқувчининг психик дунёсидан яхши хабардор бўлишни, психологик жиҳатдан кузатишни тўғри ташкил қила олишни ва табиий эксперимент уюштиришни билишни тақозо қилади.

Педагогик психология ҳам, ёш психологияси ҳам умумий психологик қонуниятларни очиб берадиган психик жараёнлар, психик ҳолатлар ва шахснинг индивидуал психологик хусусиятларини ўрганадиган фан — умумий психологияга асосланади. Лекин ёш психологияси ва педагогик психология педагогик жараённи ташкил қилиш учун тайёр рецепт ёки тавсияномалар беришни даъво қилмайди. Ёш ва педагогик психологиянинг материаллари ва хулосаларидан таълим-тарбия ишларини тўғри ташкил қилишда фойдаланилади. Бу ҳақда рус педагоги К.Д. Ушинский ҳам таъкидлаб ўтган эди: «Биз педагогларга ундай ёки бундай қилинглар деб айтмаймиз, аммо биз уларга ўзингиз бошқармоқчи бўлган психик ҳодисаларнинг қонунларини ўрганинг ва бу қонунларга амал қилинг ҳамда уларни татбиқ қилмоқчи бўлган шароитларини ҳисобга олиб иш қилинг, деб айтамиз». Болаларнинг психик жиҳатдан ўсишида таълим ва тарбия ғоятда муҳим аҳамиятга эга эканлиги XIX асрларнинг ўрталаридан тобора кўп

таъкидлана бошланди. Болалар психикасининг ўсиши билан таълим ва тарбиянинг ўзаро муносабати ҳақидаги масалаларни ҳал этишга уринаётган назариялар ҳозир кўп топилади. Ҳозирги педагогика ва психологияда шу масалага доир уч хил назария бор. Улардан бирида таълим-тарбия ва тараққиёт жараёнлари бир-биридан мустақил мавжуддир, деган ғоя олға сурилади. Иккинчи назарияда таълим-тарбия айни вақтда тараққиётдир, яъни таълим билан тараққиётнинг ўртасида асос эътибори билан сезиларли тафовут йўқдир, деб даъво қилинади. Ниҳоят, учинчи хил назария бўйича таълим-тарбия ва тараққиёт жараёнлари, гарчи бошқа-бошқа жараёнлар бўлса ҳам, бир-бирига мос келади ва бир-бирига таъсир ўтказади.

Таълим ва психик ўсиш бир-биридан мустақилдир, деган назариянинг намояндалари таълим ва психик ўсишни бир-бирига дуч келмайдиган иккита параллел жараён, деб ҳисоблайдилар. Бу назариянинг намояндалари ақлий қобилиятни аниқлаш учун дастлабки тестларни вужудга келтирган эдилар (Бине ва Симон). Бу намояндалар ва уларнинг ҳозирги издошлари ақлий қобилият «туғма» бўлиб, унга таълим ҳам, муҳит ҳам таъсир этмайди, деган фикрга асосланадилар. Таълим ва психик тараққиёт бир-биридан мустақил деган назария амалда таълим-тарбия ишларининг ҳаммасини болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олмасдан тузишга олиб келди.

Таълим ва психик ўсиш бир-бирига мос келадиган назариянинг намояндалари (америкалик психологлар Джеймс, Торндайк ва инглиз психологи Макдугалл)нинг даъво қилишича:

- иккала жараён бир-бирига яқин ва параллел ҳолда боради — таълим-тарбия билан психик ўсиш қадам-бақадам боради;
- Таълим ва психик ўсиш бир вақтда амалга ошади. Бу назария икки жараённи аралаштириб, бир-бирига тенглаштириб қўяди. Бу таълим жараёни ўрганилса, психик ўсиш жараёни ҳам ўрганилган бўлади, деган хулосага олиб келади. Бу назария бир томонлама назария бўлиб, бутун эътиборни билиш фаолиятига қаратади-ю, бола шахсининг ҳиссиёти ва иродасини эътиборга олмайди. Одам онгининг роли, инсон шахсини таркиб топтирувчи ижтимоий ҳаёт ва амалиётнинг роли камситилади ёки инкор қилинади.

Демак, психологиядаги муҳим масалалардан бири тараққиёт билан таълимнинг ўзаро муносабати ҳақидаги, яъни таълим ўз орқасидан ривожланишни эргаштириб борадими ёки аксинча, ривожланишга мослашиб, суст равишда унинг орқасидан борадими, деган масаладир. Таълим ва тараққиётнинг ўзаро муносабати қандай баҳоланишига қараб, бу масалада 2 нуқтаи назарни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Немис психологи В.Штерн таълим психик тараққиётнинг орқасидан боради ва унга мослашади, деган фикрни илгари суради. Унинг таъкидлашича, бола томонидан нарсалар билан танишиш ва уларни билиб олиш ўз-ўзидан амалга ошади, таълим эса мустақил, автоном равишда амалга ошадиган тараққиётга мослашади («Персоналистик психология»

концепциясини яратган, яъни шахснинг яхлитлиги, психик ва физик бирликларга бўлинмаслиги тўғрисидаги назария).

Бунга қарама-қарши фикрни рус психологи Л.С.Виготский билдиради. У боланинг психик ривожланишида таълим ва тарбиянинг етакчи роли ҳақидаги қоидани биринчи бўлиб илгари сурди. Унинг фикрича, таълим тараққиётдан олдинда боради ва уни ўз орқасидан эргаштиради.

Биринчи фикрга биноан, таълим учун имконият етгунча, ақлий жиҳатдан етилиш жараёни келгунча, пассив равишда кутиб туриш лозим.

Таълим етакчилик ролини бажаради. Иккала жараён бир-бири билан боғлиқ: ривожланиш ва таълим параллел тарзда содир бўладиган икки жараён эмас, улар бир бутун жараёндир, деб таъкидлайдилар. Таълимсиз тўла ақлий ривожланиш бўлиши мумкин эмас. Таълим ривожланишга стимул — туртки беради, ривожланишни ўз орқасидан эргаштириб боради. Лекин ривожланишга стимул бўлиш билан бир вақтда таълим ўзи ривожланишга таянади, эришилган тараққиёт даражасининг хусусиятларини ҳисобга олади.

Шунингдек, тараққиётнинг икки зонаси ҳақидаги Л.С.Виготскийнинг ғояси ҳам ривожланиш жараёнини бошқариш учун катта аҳамият касб этади. Л.С.Виготский бола тараққиётининг икки зонасини ажратиб кўрсатади:

1. Актуал тараққиёт зонаси.
2. Яқин келажак тараққиёт зонаси.

Агар бола бирор ишни катталар ёрдами билан бажара олса, бу унинг яқин ривожланиш даражаси, зонасидан далолат беради. Яқин келажак зонаси бизга боланинг эртанги кунини, ривожланишининг динамик ҳолатини аниқлашга ёрдам беради. Агар бола топшириқни мустақил равишда бажара олса, бу унинг актуал тараққиёт зонасини кўрсатади. Шу билан бирга, Л.С.Виготский таълим-тарбия жараёнида, бир томондан, болага кучи етмайдиган, унинг актуал ривожланиш даражаси ва яқин имкониятларига тўғри келмайдиган талаблар қўймаслик кераклигини таъкидлайди. Бошқа томондан эса, ўқитувчи бугун бола катталар ёрдами билан, эртага эса мустақил тарзда бажара олишини билса, бола тараққиётини жамият талабларига мос равишда, мақсадга мувофиқ тарзда такомиллаштириб бориши мумкин. Ёш психологиясининг асосий тушунчаси «ривожланиш» тушунчасидир. Ривожланиш бу бир ҳолатдан бошқа мураккаброғига ўтиш, эски ҳолатдан янги сифат босқичига ўтиш, оддийдан мураккабга, қуйидан юқорига ўтиш жараёнидир. Психиканинг ривожланиши — психик жараёнларнинг миқдор, сифат ва тузилиши бўйича қайта ўзгаришларда намоён бўладиган вақт бўйича қонуний ўзгаришидир. Ўсиш — ривожланиш жараёнининг миқдор жиҳати. Ривожланишнинг ўсишдан асосий фарқи қуйидагича: ўсиш миқдор ўзгаришларига, ривожланиш эса янги тузилмалар, механизмлар, жараёнлар, структураларнинг пайдо бўлишида намоён бўладиган сифат ўзгаришларига тааллуқлидир.

Ривожланиш ва етилиш тушунчаларини ҳам бир-биридан фарқлаш зарур. Бир қатор ёш психологиясидаги хорижий назариялар учун етилиш — ривожланишнинг муҳим омили, у ёки бу ютуқларнинг сабабидир. Замонавий рус ривожланиш психологиясида етилиш марказий нерв системаси ва бошқа организм системасида кетма-кет ёш ўзгаришларининг психофизиологик жараёни, психик функцияларнинг вужудга келиши ва амалга ошиши учун шароитнинг таъминланиши сифатида қаралади. Камолот, етуклик тушунчалари билан ёш даврлари психологиясининг асосий тамойилларидан бири — гетерохрон ривожланишга боғлиқ. У инсон шарт-шароит, ижтимоий муҳит, индивидуал хусусиятлар таъсирида турли ёш даврларида етукликка эришишни тавсифлайди. Бу эса турли ёш даврлари ўзининг бетакрор психофизиологик тузилишидан дарак беради ва шу ёш даврининг психологик имкониятлари салоҳиятини белгилайди.

Ривожланиш жараёнининг психология ва педагогика учун зарур бўлган хусусиятлари ажратиб кўрсатилган. Улар қуйидагилар:

— сифат жиҳатдан ўзгариш ва янада мукаммалроқ босқичга кўтарилиш;

— ривожланишни қайтара олмаслик (ривожланиш рўй бергандан сўнг аввал мавжуд бўлган нарса-ҳодисаларни тўлалигича ортга қайтаришнинг иложи йўқлиги);

— прогресс ва регресс элементларининг умумлашмаси (бир соҳадаги прогрессив ривожланиш, бошқа бир соҳадаги регресс юз бериши мумкинлигини билдиради);

— нотекис ривожланиш (сифат ўзгаришларининг тезкор ўзгариши, миқдор ўзгариши билан алмашади);

— зигзагсимон ривожланиш (янгиланишларнинг пайдо бўлганида, натижалар олдинги ҳолатларга қараганда сифат жиҳатдан яхши натижа бермаслиги. Масалан, бола эмаклашдан тик туриб юришга ўтган даврда, секин ҳаракатланади ва жароҳатлар олиши мумкинлиги ҳам кузатилади);

— ривожланиш даражаларидан босқичларига ўтиш (янгиланишлар пайдо бўлганда, аввал ўзлаштирилган кўникмалар йўқолиб кетмайди, балки янгиланишлар учун асос сифатида сақлаб қолинади);

— барқарорлик кўрсаткичи.

Психологик ривожланишнинг асосий уч тури мавжуд: филогенетик, онтогенетик ва функционал.

Филогенез психикаси инсоният тарихида инсоннинг психик шаклланиши ва биологик эволюцияси.

Онтогенез психикаси — индивиднинг бутун умри давомида психологик тузилишнинг шаклланиши.

Функционал ривожланиш психикаси — психологик функциялар, янгиланишлар, янги интеллектуал, перцептив, мнемик, ақлий функцияларнинг пайдо бўлиши. Бу онтогенетик тараққиятнинг бир қисми ҳисобланади. Психик ривожланишнинг юқоридагилардан ташқари меъёрий ва индивидуал ривожланиш шакллари ҳам мавжуд. Меъёрий ривожланиш шу ёш давридаги инсонларга хос бўлган ўзгаришларни тавсифлайди. Аксарият ҳолларда меъёр борасида психологик ва шахс ривожланишининг

юқори даражаси деб қаралади. Индивидуал ривожланиш шахснинг алоҳида хусусиятлари вужудга келишини англатади. Психологиянинг асосий тушунчаларидан бири — психологик ёшдир. У индивиднинг онтогенездаги объектив, тарихий ва хронологик жиҳатларини белгилайди.

Шундай қилиб, ушбу бобда психологиянинг тармоқларидан бири бўлган ёш психологиясининг предмети, объекти, умумий, назарий ва амалий вазифалари, психик тараққиёт детерминацияси ҳамда фаннинг асосий тушунчалари бўлмиш, ривожланиш ва психологик ёш тушунчаларига тўхталиб ўтдик. Ёш психологияси алоҳида фан сифатида XIX асрнинг бошларида вужудга келган бўлишига қарамай, унинг мустақил фан сифатида ривожланиши ва қарор топиш йўли анча мураккаб кечгандир.

Ўтмишда аждодларимиз инсоннинг психологик қонуниятларини, муайян илмий йўналишда ўрганмаган бўлсалар-да, бироқ алломаларнинг қўлёзмаларида мазкур ҳолатларнинг намоён бўлиши, инсон камолоти борасидаги қимматли фикрлари ҳозиргача юксак аҳамият касб этади.

Жумладан, Абу Наср Форобий педагогика масалаларини ва улар билан боғлиқ бўлган психологик, физиологик муаммоларни ижобий ҳал этишда инсонни ҳар томонлама яхлит ва ўзаро узвий боғлиқ бўлган қисмлардан иборат, деб айтади. Форобий мавжудотни билишда илм-фаннинг ролини ҳал этувчи омил деб билади, унингча, инсон танаси, мияси, сезги органлари туғилишда мавжуд, лекин ақлий билими, маънавияти, руҳи, интеллектуал ва ахлоқий хислатлари, характери, дини, урф-одатлари, маълумоти ташқи муҳит, бошқа инсонлар ва шу кабилар билан мулоқотда вужудга келади, *инсон ўз* фаолияти ёрдамида уларни эгаллайди, уларга эришади. Унинг ақли, фикри, руҳий юксалишнинг энг етук маҳсули бўлади, деб таъкидлайди.

Ўқитувчи шахсининг психологик хусусиятлари масаласида Абу Наср Форобий: «Ўқитувчи ақл-фаросатга, чиройли нутққа эга бўлиши ва ўқувчиларга айтмоқчи бўлган фикрларини тўла ва аниқ ифодалай олишни билмоғи зарур», «Ўқитувчи ва раҳбарнинг вазифаси доно давлат раҳбари вазифасига ўхшайди, шу сабабли ўқитувчи эшитган ва кўрганларининг барчасини эслаб қолиши, ақл-фаросатга, чиройли нутққа эга бўлиши, ўқувчиларга айтмоқчи бўлган фикрларини тўла ва аниқ ифодалаб беришни билмоғи лозим. Шу билан бирга, ўз ор-номусини қадрлаши, адолатли бўлиши лозим. Ана шундагина у инсонийликнинг юксак даражасига эга бўлади ва бахт чўққисига эришади», — деб таъкидлайди.

Абу Райҳон Берунийнинг таълим ва тарбия мақсади, вазифалари ва мавқеи, инсон, ёш авлоднинг ривожланиши ҳақидаги фикрлари чин маънода инсонпарварлик ва инсоншунослик замирида яратилган. Билим ва тарбиянинг табиатга уйғунлик тамойилларини мутафаккирнинг барча асарларида кузатиш мумкин. У инсонни табиатнинг бир қисми деб таъкидлайди. Беруний таълим жараёни моҳиятига чуқур кириб бориб, болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш асосида қурилган ўқитиш самарали бўлишини уқтиради. Беруний педагогик ижодида инсон ва унинг бахт-саодати, таълим-тарбияси, камолоти бош масала бўлган.

Ўрта асрда яшаб, ижод этган донишманд, табобат илмининг доҳийси Абу Али ибн Синонинг инсон руҳияти тана ва қалб бирлиги, инсон организмининг тузилиши, ундаги нерв фаолияти ва уларнинг тармоқланиши, ҳолатлари ҳақидаги қимматли маълумотлари ҳозирга қадар тиббиётнинг муҳим негизини ташкил этади. Абу Али ибн Синонинг фикрича: «Ўқитувчи матонатли, соф виждонли, ростгўй ва болани тарбиялаш методлари, ахлоқ қоидаларини яхши биладиган одам бўлмоғи лозим. Ўқитувчи ўқувчининг бутун ички ва ташқи дунёсини ўрганиб, унинг ақл қатламларига кира олмоғи лозим». Юсуф Хос Ҳожиб ижодининг бош масалаларидан бири — комил инсонни тарбиялашдир. У ўз асарларида энг комил, жамиятнинг ўша даврдаги талабларига жавоб бера оладиган инсонни қандай тасаввур қилган бўлса, шу асосда ўз тамойилларини изчил баён этади. «Қутадғу билиг» («Саодатга йўлловчи билим») асари таълим ва тарбия, маънавий камолотнинг йўл-йўриқлари, усуллари, чора-тадбирларини ўзида мужассамлаштирган, ахлоқ ва одобга доир маънавий манбадир. Абдураҳмон Жомийнинг «Баҳористон», «Хирадномаи Искандари», «Туҳфат-ул-ахрор» ва бошқа асарларида илм-маърифат, таълим-тарбия, касб-ҳунар ўрганиш, инсон ижобий фазилатлари ҳақидаги фикрлари ифодаланган. Таълим ва тарбия жараёнида тарбиячи ва ўқитувчи шахси энг муҳим омил бўлганлиги туфайли Насриддин Тусий «Ўқитувчиларни тарбиялаш тўғрисида» деган асарида шундай фикрларни ифодалайди: «Ўқитувчи мунозараларни олиб боришни, рад этиб бўлмайдиган даражада исбот қилишни билиши, ўз фикрларининг тўғрилигига ишониши, нутқи эса мутлақо тоза, жумлалари мантиқий ифодаланадиган бўлиши лозим... Ўқитувчи нутқи ҳеч қачон ва ҳеч қаерда заҳархандали, қўпол ёки қаттиқ бўлиши мумкин эмас. Дарс пайтида ўқитувчи ўзини тута олмаслиги ишни бузиши мумкин...». Алишер Навоийнинг «Хазойин-ул-маоний», «Маҳбуб-ул-қулуб» ва бошқа шу сингари асарларида етук, баркамол инсоннинг ахлоқи, маънавияти, ўзгаларга муносабати, истеъдоди ва қобилияти тўғрисида қимматли мулоҳазалар юритилган. Ана шу психологик мезонлар ижтимоий адолатнинг қарор топиши учун муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланган. Шу билан бирга, ўқитувчи меҳнатини холисона баҳолаб: «Агар шогирд подшоликка эришса ҳам, унга (муаллимга) қуллуқ қилса арзийди», дейдики, бу орқали таълим ва тарбия жараёнидаги ўқитувчи шахсини марказий шахс сифатида кўради. Шунингдек, Навоий асарларида ёш авлоднинг баркамол инсон сифатида шаклланишида ота-онанинг роли, аёлларнинг иффатлилиги, кишиларнинг камтарлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалари алоҳида ўрин эгаллайди. Навоий «Хамса»сининг ҳар бир достонида енгилмас ирода, қатъиятлилик, итоат, инсонпарварлик туйғулари, ижодий хаёлот, инсоннинг мураккаб ички кечинмалари моҳирона ёритилган. Шунингдек, бу борада Маҳмуд Қошғарий, Улуғбек, Нақшбандий, Огаҳий сингари буюк Шарқ мутафаккирларининг ёшлар тарбиясига, ўқитувчи, тарбиячининг жамиятдаги ўрни, ахлоқ-одоб, феъл-атвор, оилавий ҳаёт, шахслараро

муносабатларга доир қарашлари уларнинг асарларида равон ва ихчам баён этилганлигини таъкидлаш мумкин.

Болалар психологиясини тизимли ўрганишнинг бошланиши. Ёш ва педагогик психология фаннинг алоҳида тармоғи сифатида ўзининг келиб чиқиш ва ривожланиш тарихига эга. Ёш ва педагогик психология фан сифатида XIX асрнинг иккинчи ярмида таркиб топади. Бунда таниқли рус педагоги К.Д. Ушинскийнинг асарлари, айниқса, унинг «Инсон тарбия предмети сифатида» номли асари катта роль ўйнайди. Бундан ташқари Ч. Дарвиннинг эволюцион ғоялари ҳам ёш психологияси тараққиётига жиддий таъсир кўрсатади. Эволюцион таълимот психик тараққиёт манбалари муаммосига эътиборини қаратишга олиб келади. XX асрнинг бошларига келиб, умумий психологияда ўтказиладиган экспериментал тадқиқотларни педагогика соҳасига шундайлигича ўтказиш мумкин деб қаралди. Аммо ўша даврнинг умумий психология фани педагогика учун етарли билимлар бойлигини бера олмас эди. Психик тараққиётнинг дастлабки концепциялари Ч.Дарвиннинг эволюцион таълимоти, биогенетик қонуни таъсирида вужудга келди. XIX асрда биологлар Э.Геккел ва Э.Мюллер томонидан биогенетик қонун рекапитуляция (такрорланиш) тамойилига асосланиб кашф этилди. Унга кўра организмнинг индивидуал тараққиёти ўша турнинг тарихий тараққиётида акс этади. Организмнинг индивидуал тараққиёти (онтогенез) ўша тур авлодлари тарихий тараққиётини (филогенез) такрорлайди. Рекапитуляция тамойили ўз вақтида психологиянинг ривожланишига муҳим таъсир кўрсатди. Унинг таъсирида америкалик олим Э.Холл (1844-1924) болалар психик тараққиётининг бир бутун назариясини яратди.

Э.Холл АҚШда таълим-тарбия тизимини ва мактабларни қайта ташкил этиш бўйича жамоатчилик талабига кўра болалар психикасини ўрганишга киришди. Бунда у анкета, сўровнома методларидан фойдаланди. Олимни болалар атроф-муҳитни қандай тасаввур қилиши, турли вазиятларда ўзларини қандай ҳис қилишлари, уларнинг дастлабки хотиралари қандай, улар бошқаларга қандай муносабатда бўлиши қизиқтирди. У болалар ўйинлари, қўрқувлари, нутқи, расмларини дастлабки одамларники билан солиштиришга ҳаракат қилди. Олинган материаллар асосида турли ёшдаги болаларнинг психик ҳаётини юқорида таъкидланган рекапитуляция тамойилига асосан “қайта тузишга” уриниб кўрди. Э.Холл аниқ бир бола ва илгари яшаган инсоният ривожланишида ўхшашлик борлигини аниқлади. Масалан, болаларнинг қум билан ўйнашини дастлабки одамнинг ғорларда яшаб, илдизларни тўплашларига ўхшатди. 5-12 ёшли болаларнинг ўйинларини дастлабки одамларнинг овчилик инстинктларига ўхшатди; ўсмирларнинг ўйинларини ҳинд қабилаларидаги ҳаёт тарзига ўхшатди. Холлнинг таъкидлашича, психик ривожланиш босқичларининг кетма-кетлиги генетик жиҳатдан таъминланган. Биологик омил, инстинктларнинг етилиши хулқ-атвор алмашинишида асосий детерминатдир.

Шунингдек, Э.Холл педалогия — бола ҳақидаги махсус фан яратиш ғоясини ҳам илгари сурган. Бунда бола ҳақидаги бошқа фанларнинг ҳам билимлари (педагогика, тиббиёт, биология, социология ва б.) бир жойга тўплашга ҳаракат қилинган. Э.Холл назарияси дастлабки болалар ривожланиши концепцияси сифатида машҳур бўлди, бошқа тадқиқотчиларда ҳам кенг қизиқиш уйғотди.

XIX аср ўрталари ва XX аср бошларида Россияда ёш психологиясининг шаклланиш тарихи. Россияда ёш ва педагогик психологиянинг шаклланиш тарихи XIX асрнинг иккинчи ярмига бориб тақалади. Россияда инқилобгача бўлган даврда маданият гуманизм, шахс ва боланинг ички дунёсига қизиқиш ғоясига асосланган эди. Буни Л.Н.Толстойнинг «Болалик», «Ўсмирлик», «Ўспиринлик» асарларида кўриш мумкин. XIX асрнинг 60-йилларида сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар натижасида маданий ва илмий соҳаларга қизиқиш ортди ҳамда уларни ривожлантиришга эҳтиёж туғилди. Россия психологиясининг доимий эътиборида шахснинг одоб-ахлоқ меъёрлари соҳасининг ривожланиши турарди. Бу давр олимлари Н.И.Пирогов, К.Д.Ушинский, П.Д.Юркевич, Н.Х.Вессел бола шахсининг ўрганилиши ва ривожланишини фанлараро комплекс (психологик, физиологик, тиббий ва бошқалар) тарзда ўрганиш лозимлиги муаммосини илгари сурганлар. Н.И.Пирогов биринчи бўлиб тарбиянинг амалий эмас, фалсафий аҳамиятга эгалиги, инсон руҳини тарбиялаш муҳимлигини эътироф этган. У болалар психологиясини ўрганишни, тушунишни ўзига хослигини ўрганиш шартлигини таъкидлаган. Болалик ўз қонунларига эга ва уларни ҳурмат қилиш керак: «Агар болалар жамият қонун-қоидаларини бузиш ҳуқуқига эга бўлмасалар, бизнинг ҳам ўз навбатида болалар дунёсининг қонунларини бузишга ҳаққимиз йўқ». Шу орқали болалар психологиясини ўрганиш, болаларнинг ёшга боғлиқ хусусиятлари, уларни аниқлаш, таъсир этувчи омилларни ўрганиш муаммосига катта туртки бўлди. Бу даврда ёш ва педагогик психология ўрганилиши шарт бўлган ўз муаммосига эга, мустақил фан сифатида ўрганиладиган, илмий аҳамият касб этувчи фан сифатида шаклланди. Унинг муҳим йўналишларига: умумий қонуниятларни ўрганиш, болалар ривожланишининг индивидуал хусусиятларидаги фарқлар, болалар тарбиясидаги дастлабки шарт-шароитлар, билиш жараёнлари методларини ишлаб чиқиш, болалар психикасидаги ўзига хосликларни ўрганиш киради.

XIX асрнинг 70-80-йилларига келиб, тадқиқотнинг икки йўналиши: ота-оналарнинг ўз болаларини кузатиши (болалар ривожланишини кундаликларга қайд этиш) ва олимлар томонидан болалар ривожланишини (маълум бир дастурга таяниб) ўрганиш вужудга келди. Болаларнинг психологик ва физиологик ривожланиши, ақлий меҳнат қилишнинг зарурий шарт-шароитлари ва билиш фаолиятлари ривожланиши, хулқ-атвор меъёрларининг ўзлаштирилиши кабилар тадқиқ этилди (П.Ф.Каптерев, П.Ф.Лесгафт, И.А.Сикорский, Н.Н.Ланге кабиларнинг ишларида кузатилади).

Болалар ривожланишининг умумий қонуниятларини ўрганиш жараёнида шахснинг билиш жараёнлари: хотира, диққат, тафаккур, хаёл ва бошқаларнинг ривожланишини ўрганишга ёрдам берувчи маълумотлар тўпланган. Алоҳида аҳамият болалар психикасининг ривожланишига катта таъсир кўрсатувчи нутқининг ривожланишига берилди. Энг зарур маълумотлар болаларнинг физиологик ривожланишини ўрганиш натижасида йиғилган (Л.Старков). Ўғил болалар ва қиз болаларнинг психологик хусусиятлари ўртасидаги тафовутларни аниқлашга ҳаракат қилинган (К.В. Едниский). Болалар психикасини ўрганиш ўзини ўзи кузатиш методини инкор этиб, янги методлардан фойдаланишни тақозо этди ва психология соҳасига эксперимент методининг кириб келишига стимул бўлиб хизмат қилди. Биринчи бўлиб 1879 йилда И.А. Сикорский тадқиқот жараёнида эксперимент методидан фойдаланишни бошлади. Лекин ундан фойдаланиш илм-фан дунёсида яхши қарши олинмади. 1880 йиллар ўрталарига келиб психологик лабораториялар жорий этилганидан сўнг эксперимент методи рус психологиясида ўз ўрнига эга бўлди.

Фаннинг ривожланишида генетик ёндашувнинг аҳамияти катта. П.Ф. Каптеревнинг фикрича, «Ҳозирги замонда ривожланиш тушунчаси фан миқёсида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ҳар бир соҳада у ёки бу ҳодисалар ривожланиши ўрганилади, уларнинг келиб чиқишини ўрганмай туриб, маълум воқеа-ҳодисани чуқур ўрганиб бўлмайди. Болалар тарбиясига нисбатан ҳам худди шундай қараш мавжуд. Болаларга нисбатан самарали таъсир кўрсатиш, имкониятларини мустаҳкамлаш учун, аввало, уларнинг ривожланиш тарихини яхши билиш зарур.

Болалар психологиясини билиш, унинг келиб чиқиши ва ривожланиши шахсни билишда фалсафий саволларга жавоб топди. Болалар ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари борасида маълумотлар ва аниқ далиллар тўплангандан сўнг болалар ривожланишининг меъёри, умумий қонуниятларини ўрганиш масаласи илгари сурилади.

Болалар ривожланишининг асосий хусусиятлари ҳақида умумий қоидалар шакллантирилди:

— Ривожланиш босқичма-босқич ва изчил давом этади. Умуман олганда, у ўз ичига фақат олға боришни назарда тутади. Аммо бир чизиқда кетмайди, бу чизиқдан четланиш ва тўхтаб қолишлар ҳам кузатилади.

— Жисмоний ва руҳий ривожланиш ўртасида узвий алоқадорлик мавжуд. Бундай узвий алоқадорлик ақлий, эмоционал ва иродавий сифатлар ўртасида ҳам кузатилади. Тўғри ташкил этилган тарбия ва таълим жараёнлари баркамол ва ҳар томонлама ривожланишга асос бўлади.

— Ривожланиш жараёнида муайян тана аъзолари ва психологик фаолиятнинг баъзи тарафлари иштирок этади, аммо ҳаммаси баробар эмас ва ишлаш тезлиги, темпи ҳам бир хил эмас.

— Ривожланиш ўрта меъёрда кечади, лекин турли сабабларга кўра тезлашиб кетиши ёки аксинча, секинлашиши мумкин.

— Ривожланиш тўхтаб қолиб, касалликка ҳам айланиши мумкин.

— Болаларнинг келажакдаги ривожланиши ҳақида эрта прогноз қилиш мумкин эмас. Махсус қобилиятлар умумий ривожланишга таянган бўлиши лозим.

— Болалар ривожланиши ҳақидаги маълумотларни сохталаштирмаслик керак, ҳар бир ёш даврига ўз ривожланиш босқичларини босиб ўтиш имконини яратиш зарур.

Болаларнинг умумий ривожланиши, соғлом ва касал болаларни парваришлаш учун тавсиялар, болаларни оилада ва мактабда тарбиялаш, жисмоний, ақлий, эмоционал, иродавий ва руҳий ривожланиш борасида маълумотлар берувчи қўлланмалар ишлаб чиқилди.

XIX асрнинг охирига келиб психологлар ва педагоглар ўз уринишларини бирлаштириб, амалий мактаб ҳаётига татбиқ этдилар. А.П. Нечаев: «Биринчилар (психологлар) тадқиқот ўтказиш учун маълумотлар етарли бўлмаса ҳам, тадқиқот ўтказиш учун зарур бўлган нозик методларга эга; иккинчилар эса маълумотлар базасига эгалар, лекин уларни тўлиқ англаш, тадқиқ этиш ва баҳолаш имкониятига эга эмаслар», - дея таъкидлаган ва педагог ҳамда психологларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини маъқуллаган.

XX аср бошларида рус ёш ва педагогик психологияси, бутун дунё психология фанлари билан яқин алоқага киришди. Рус олимлари узлуксиз Ғарб мамлакатларида бўлаётган янгиликларни кузатиб ва ўрганиб бордилар, ўз экспериментал маҳоратларини хориж лабораториялари да ошириб бордилар, кўпгина илмий ишлар рус тилига таржима қилинди ва рус журналларида босиб чиқарилди. Ўз навбатида рус психологларининг тадқиқотлари, кузатишлари хориж журналларида ҳам нашр этилди. Масалан, И.А. Сикорский, А.П. Нечаев ва бошқаларнинг ишлари кенг оммалашди. Рус психологлари бутун дунё олимларини қизиқтираётган муаммолар юзасидан ўз изланишларини олиб бордилар. XX аср бошларида ёш психологияси фанининг ривожланиш муаммоси илмий асосларга таянган ҳолда олиб борилди. Бу соҳадаги тадқиқотлар рус педагогик психологиясида етакчи ўринни эгаллади. Бу муаммони ўрганишга турли соҳа мутахассислари, энг кучли назарий билим соҳиблари, хусусан, В.М. Бехтерев, П.Ф. Лесгафт, Л.П. Павлов ва бошқалар. Муаммони назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш учун кучли психологлар жамоаси шаклланди. Улар қаторига П.П. Блонский, П.Ф. Каптерев, А.Ф. Лазурский, Н.Н. Ланге, А.П. Нечаев, С.Л. Рубинштейн, Н.Э. Румянцев, И.А. Сикорский, Г.И. Челпанов ва бошқалар киради.

Уларнинг ташаббуси билан махсус кадрларни тайёрловчи, илмий тадқиқот ишлари олиб борувчи илмий марказлар ташкил этилди. Жадал назарий ва амалий, методологик, илмий фаолиятлар олиб бориш ишлари бошланди. Баъзи таълим муассасаларида болалар ривожланишини ўрганишга ёрдам берувчи лабораториялар, тўгараклар, алоҳида хоналар ташкил этилди.

Нашриётчилик ишларига асос солинди. XX асрда ёш ва педагогик психология соҳасида нашрлар сони ортди. Болалар ва педагогик психология

фанларига бағишланган илмий анжуманлар ва конференциялар ташкил этилди. Илмий ва ижодий изланишлар натижасида назарий ва объектив методикалар ёрдамида олинган амалий маълумотлар тўпланди.

Ёш ва педагогик психология фанлараро тизимда мустақил фан соҳаси бўлиб шаклланди ва ўзининг илмий тадқиқот методларига эга бўлди. Бир қатор илмий тадқиқот методлари шакллантирилди. Кузатиш методи натижасида олинган маълумотлар «кундалик»ка қайд этилди, боланинг ривожланишини кузатиш борасида махсус дастур ва режа тузилди. Эксперимент методи амалий эмпирик тадқиқотларга асосланади. Табиий эксперимент айнан болалар психологиясини ўрганиш учун мўлжалланган (А.Ф. Лазурский). Тест методи ҳам кенг муҳокамага қўйилди ва бошқа методлар ҳам ишлаб чиқила бошланди. Болаларнинг психологик хусусиятлари ҳақида уларнинг чизган расмлари орқали эга бўлиш имконини берди. Бу даврнинг асосий тадқиқотлари йўналишлари — ҳар томонлама етук ва баркамол шахснинг шаклланиш босқичлари ва мутахассисларни ўқитиш тизимини такомиллаштиришдан иборат эди. XIX-XX асрларда ёш психологияси ҳақида олинган қисқача маълумотлардан шуни англаш мумкинки, рус психологиясида ривожланиш муаммосига илмий ва ижтимоий тарафдан кучли қизиқиш мавжуд бўлган. Ёш авлоднинг таълим ва тарбия билан боғлиқ психологик муаммолари йирик олимлар, файласуф ва ёзувчиларни ҳам мунтазам жалб этиб келган. Дастлабки педагогик-психологик мазмундаги асарлар XVII-XVIII асрларда диний-ахлоқий таълимотлар замирида ёритилгандир. Россияда психологик тадқиқот намуналари Шарқ ва Ғарб маданияти таъсирида инсон руҳияти билан боғлиқ турли асарларда шаклланиб келган. В.Н. Татишев, А.Н. Радишев, Н.И. Новиков ва бошқаларнинг асарларидаги дастлабки қарашлари ҳам психик тараққиётнинг ўзига хос хусусиятлари, психик ривожланишдаги тафовутлар билан йўғрилган. Рус тарихчиси В.Н. Татишевнинг «Фанлар ва билим юртларининг фойдаси тўғрисида суҳбат» китобида фанларнинг таснифи, билимларнинг аҳамияти, тил ва нутқ мавқеи ёш даврларнинг хусусиятлари билан боғлиқлиги кўрсатилган.

А.Н. Радишев биринчилар қатори бола психик тараққиётини табиий-илмий йўсинда асослаб беришга уринди. Унинг «Петербургдан Москвага саёҳат» китоби бу борада педагогик-психологик асарлар сирасидан муносиб ўрин эгаллайди. Ёзувчининг фикрича, инсон ташқи муҳит ҳақидаги таассуротларини сезгилар орқали идрок этади, шу йўсинда унинг тафаккури улғайиб шаклланади. Н.И. Новиков башарият фаровонлигини кўзлаб, ёшлар ва болалар ўртасида фойдали билимларни кенг тарғиб этиш учун уларни ўзига хос йўсинда тарбияламоқ зарур, деб айтади. Унинг асарларида инсоннинг камолоти учун тафаккур, хотира, ахлоқ, ҳис-туйғу ва тақлид алоҳида аҳамиятга эга эканлиги таъкидланади.

Россияда ёш даврлари психологияси ва педагогик психология фанининг ривожланиш тарихида К.Д. Ушинскийнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Унинг фикрича, психология фанининг асосий вазифаси тарбиянинг мақсадини аниқлаш, таълим-тарбия натижаларини тўғри

баҳолаш, шулар асосида янги метод ва усуллар яратиш, педагогик тажрибани таҳлил қилиш ва умумлаштиришда муҳим ўрин тутади. К.Д. Ушинскийнинг «Инсон тарбия предметидир» асарида педагогик таъсир жараёни ҳисобланган инсоннинг психологик хусусиятлари, унинг ўзига хос томонлари ўз аксини топган.

Шунингдек, Россияда илмий психологияни ривожлантиришда Н.Ф. Каптерев, Н.А. Сикорский, А.П. Нечаев, А.Ф. Лазурский, П.Ф. Лесгафт, И.М. Сеченов, И.П. Павлов, П.П. Блонский сингари олимлар бу борада ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшган. Таъкидлаш жоизки, Л.С. Виготский, С.Л. Рубинштейн, А.Р. Лурия, А.Н. Леонтьев, М.Я. Басовлар томонидан яратилган янги илмий назариялар, чунончи, психиканинг маданий-тарихий ривожланиш ва тараққиётнинг ўзаро муносабат назарияси, психик тараққиётда фаолиятнинг мавқеи сингари илмий-назарий қарашлари ҳозирги кун ёш даврлар психологияси ва педагогик психология фанининг таянч тушунчаларидандир. Ўтган асрнинг ўрталарида вужудга келган турли назариялар, қарашлар, ўқув фаолияти ва таълимнинг талқинлари (Д.Н. Богоявленский, Н.А. Менчинская, П.Я. Гальперин, З.И. Калмикова, Н.Ф. Тализина, Д.Б. Элконин В. Давидов, Л.В. Занков, Л.Н. Ланда, А.А. Люблинская, Н.В. Кузьмина ва бошқалар) нафақат педагогик тажриба, балки психология фанининг ушбу тармоғини илмий-амалий бойитишга асос бўлди. Айниқса, сўнгги йилларда ўқув материалини ўзлаштириш механизмлари (С.Л. Рубинштейн, Н. Кабанова-Меллер, Л.Б. Ителсон); хотира ҳақида (Э.Л. Зинченко, А.А. Смирнов, В.Я. Ляудис); тафаккур (Н.Ф. Шемякин, А.М. Матюшкин); идрок (Ю.Б. Гиппенрейтер); болаларда нутқнинг ривожланиши (М.И. Лисина, А.А. Венгер); шахснинг ривожланиши (Б.Г. Ананьев, Л.И. Божович, В.С. Мухина); мулоқот ва нутқ (В.А. Артемов, А.А. Леонтьев, В.А. Кан-Калик); психик ривожланиш даврлари (Р.Р. Блонский, Л.С. Виготский, А.Н. Леонтьев, Д.Б. Элконин, Б.Г. Ананьев, А.В. Петровский); ўқувчиларнинг ақлий фаолияти ва истеъдод муаммолари (А.А. Бодалев, Н.С. Лейтес, Н.Д. Левитов, В.А. Крутецкий)га бағишланган қатор илмий тадқиқотлар бу фаннинг янада ривожланишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқда.

XIX аср охири XX аср бошларида Ғарбий Европа мамлакатлари ва АҚШда инсон психологик хусусиятлари билан боғлиқ тажрибаларга асосланган илмий назария ва йўналишлар вужудга келди. Одам психик табиатининг турлича талқин қилинишига қарамай, бу назариялар маълум даражада ёш даврлар психологияси ва педагогик психологиянинг ривожланишига туртки бўлди. Бу борада Э. Меерман, С. Холл, К. Бюлер, Э. Клапаред, Э. Дюркгейм, Р. Жане, И. Пиаже, А. Валлон, Ж .Брунер ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларини эътироф этиш мумкин.

Фаннинг вужудга келиши ва ривожланиши жараёнида унга таъсир кўрсатиб келган барча назариялар, илмий ва амалий маълумотлар, йўналишлар ҳозирги кунга қадар ўзининг аҳамиятини сақлаб келмоқда ва

фаннинг истиқболида муҳим илмий-назарий манба бўлиб қолиши, табиийдир.

Америкалик психолог олим С.Холл ҳар қандай бола ўзининг индивидуал тараққиётида филогенезни онтогенезда такрорлайди, шу боис болаларга ибтидоий инстинктларни оғриқсиз, енгил кечиши учун қулай имкониятлар яратиб бериш зарурлигини таъкидлайди. С.Холл ўз тажрибалари асосида бой ашёвий далиллар тўплаб, бола ҳақида психологик, физиологик ҳамда педагогик билимларнинг комплекс дастурини яратиш ғоясини олға суради.

Филогенез (юнонча, phele — қабила, генесис — келиб чиқиш, пайдо бўлиш) — муайян тирик мавжудот турининг ерда ҳаёт бошланганидан кейинги эволюцион тараққиёт жараёни.

Швецариялик психолог Э.Клапаред «Бола психологияси ва экспериментал педагогика» асарида қизиқиш, мотив, эҳтиёжларнинг методологик асослари, болалар тафаккурининг хусусиятлари ва ривожланиш қонуниятлари, ўхшашлик ва тафовутнинг бола онгида содир этилиши тўғрисида мулоҳаза юритади. Француз психологи Э.Дюркгейм улғайиш кишиларнинг ҳис-туйғуларни ўзлаштириши эканлигини, шу боис, идрок қилинган тасаввурлар боланинг руҳий фаолиятини ифодалаши, боланинг тажриба, анъана, урф-одатларни тақлид орқали эгаллашини, биологияда ирсият қанчалик аҳамиятли бўлса, тақлид ҳам жамиятда шундай ўрин тутишини уқтиради. Яна бир француз психологи П.Жаненинг фикрига кўра, инсон психикаси ижтимоий муносабатларга боғлиқ, зотан жамият ва табиат ўртасидаги турли алоқалар тизимининг шаклланиши инсоннинг улғайишини белгилайди. У алоқа сифатида хатти-ҳаракатни тушунади, бу эса кишининг атроф-муҳитга шахсий муносабатидан бошқа нарса эмас, албатта. П.Жаненинг таъкидлашича, энг қимматли, аҳамиятли ижтимоий ҳаракат ҳамкорлигидаги фаолиятда ўз ифодасини топади, шахслараро ташқи муносабатлар ривожланишнинг муҳим тамойили ҳисобланади.

Америкалик психолог Ж.Брунер шахснинг таркиб топиши билан таълим ўртасида ўзаро алоқа мавжудлигини таъкидлаб, инсоннинг камолот сари интилиши билим олиш самарадорлигини оширса, ўқитишнинг такомиллашуви унинг ижтимоийлашувини жадаллаштиради, деб уқтиради.

Шунингдек, Ж. Пиаже, Э. Торндайк, Ж. Уотсон, Ф. Галтон, А. Бине, А. Анастази, Т. Симонлар ҳам бола психик тараққиётида таълимнинг мавқеини, уларнинг ақлий хусусиятларини, дастурли таълим, кўникма ва малакаларнинг аҳамиятини, машқларнинг ўрнини илмий-амалий асослаб беришда муҳим ўрин эгаллайдилар. Бу таълимотлар ҳозирги кунда ҳам ўзининг аҳамиятини сақлаб қолмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимизда ҳам ёш даврлари психологияси ва педагогик психология фанининг муҳим муаммоларига доир қатор илмий-амалий тадқиқотлар психолог олимлар томонидан олиб борилмоқда.

Таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларга индивидуал ёндашиш учун уларнинг индивидуал-психологик хусусиятларини, ўқувчилар шахсининг ўзига хослигини билиш, ўрганиш зарур. «Агар педагогика одамни ҳар

жиҳатдан тарбияламоқчи бўлса, у олдин ўша одамни ҳам ҳар жиҳатдан билиб олиши керак», — деб ёзган эди К.Д. Ушинский.

Шунинг учун ҳар бир ўқитувчи ўқувчиларни ўрганиш усуллари билан қуролланиши шарт. Демак, ёш ва педагогик психология асосларини билиш ҳар бир фан ўқитувчиси, ҳар бир педагог учун муҳим аҳамиятга эга.

Ҳар бир фаннинг ўрганиш методлари бўлгани каби ёш ва педагогик психология ҳам психология фанининг алоҳида бўлимлари сифатида ўз тадқиқот методларига эга. Ёш ва педагогик психологиянинг методлари фақат назарий, илмий тадқиқот ишлари учунгина эмас, балки кундалик, амалий вазифаларни ҳал қилиш учун ҳам зарур.

Рус психологи Б.Г. Ананьев тадқиқот методларини 4 гуруҳга ажратади:

I. Ташкилий методлар: таққослаш, лонгитюд ва комплекс методлари киради. Таққослаш — умумий психология, ижтимоий психология, пато-психология ва дефектологияда кенг қўлланади. Ёш ва педагогик психологияда ўрганилаётган психик жараёнларнинг динамикасини аниқлаш учун фойдаланилади. Лонгитюд — (узлуксиз) узоқ вақт давомида айни бир хил кишилар ўрганилади. Комплекс — психологик тадқиқотлар бошқа фанлар методлари иштирокида ўтказилади (шахснинг жисмоний, физиологик, психик ва ижтимой тараққиёти аниқланади).

II. Эмпирик методлар: кузатиш ва ўз-ўзини кузатиш; экспериментал психодиагностика методлари (тест, анкета, суҳбат, социометрия, интервью); фаолият натижаларини таҳлил қилиш; биография методлари.

III. Маълумотларни қайта ишлаш методлари: миқдорий (статистика) ва психологик ёки сифатий таҳлил турларига бўлинади.

IV. Шарҳлаш методлари: генетик ва доналаш методлари. Генетик методда тараққиётдаги босқич, поғоналар, инқироз ҳолатлари ажратиб кўрсатилади (вертикал алоқа). Доналаш методида эса шахснинг барча характеристикалари ўртасидаги «горизонтал» алоқалар аниқланади.

Такрорлаш ва муҳокама қилиш учун саволлар.

1. Абу Наср Форобийнинг «Бахт-саодатга эришув» асарини мутолаа қилинг ва алломанинг қуйидаги қарашларини ёзма баён этинг:

а) Инсоний камолотга эришувда ақлий билишнинг аҳамияти.

б) Иродавий фазилатларни шакллантириш ва одатга айлантиришда инсон қудрати, таълим ва тарбиянинг кучи ҳақида.

в) Ёшларнинг касб-ҳунар ва иш-тажрибани эгаллаши тўғрисида.

2. Ёш даврлари психологияси ва педагогик психология фанининг вужудга келиш сабабларини кўрсатинг.

3. Турли даврларда психик ривожланиш ҳақидаги талқинларнинг моҳиятини ёритиб беринг.

4. Фаннинг предмети, назарий ва амалий вазифалари нималардан иборат? Унинг истиқболи ҳақида нима дея оласиз?

5. Ёш даврлари психологияси ва педагогик психологияда тадқиқотларни ташкил этиш ва илмий методлари ҳақида маълумот беринг.

1-топшириқ.

Маҳаллий ва хорижий психологлар ёш даврлари психологияси бўйича келтирган таърифларини солиштиринг. Мақсадни амалга ошириш учун психологик луғатлар, дарсликларда келтирилган маълумотларга аҳамият беринг ва ўхшашликлар ҳамда фарқларни ажратинг.

2-топшириқ.

Ривожланувчи субъект (бола, катта одам)га бўлган муносабатни ёш даврлари психологияси бўйича олиб борилган илмий тадқиқот ишлари ва амалий психологлар нуқтаи назарларини (вазифаларнинг қўйилиши, методикаларни танланиши) солиштиринг.

---

8 БОБ. ПСИХИК РИВОЖЛАНИШ ВА ТАЪЛИМ.

8.1 §. ПСИХИК РИВОЖЛАНИШ ҲАҚИДАГИ АСОСИЙ НАЗАРИЯЛАР

Илмий психологик адабиётларда қайд этилишига кўра Ёш даврлари психологияси фани 19-асрнинг бошларида вужудга келган, лекин дастлабки илдизи қадимги Юнон маданиятига бориб тақалади. Унинг предмети ва қонуниятлари тўғрисида жаҳон психологияси оламида турли қарашлар ва назариялар мавжуд. Уларнинг жуда кенг тарқалганлари биогенетик (В.Штерн), социогенетик (К.Левин), бихевиористик (Е.Торндайк), психоаналитик (З.Фрейд) назариялардир. Шунингдек, мазкур фан методларга асосланиб тадқиқотлар олиб борган олимлар ҳам жуда кўп. Швециялик психолог Ж.Пиаженинг назарияси ҳам айнан шу ғоялар билан йўғрилган.

Ж.Пиаженинг фикрича, боланинг ақлий ўсиши ўзининг ички қонунлари асосида ривожлана бориб, сифат жиҳатдан ўзига хос бир қатор генетик босқичларни босиб ўтади. Таълим – бу ақлий етилиш жараёнини фақат бир қадар тезлатишга ёки секинлаштиришга қодир, лекин у ақлий жиҳатдан етилиш жараёнига ҳеч қандай жиддий таъсир кўрсата олмайди. Демак, таълим ривожланиш қонунларига бўйсуниши керак. Масалан, болада мантиқий фикр юритишга ўргатиш фойдасиздир. Таълимнинг турли босқичлари боланинг тегишли психологик имкониятлари пишиб етиладиган муайян ёшидан қатъи назар боғлиқлиги ана шундан келиб чиқади. Таъкидлаш жоизки, таълим етакчи ролни бажаради, таълим ва ривожланиш эса ўзаро бир-бирига боғлиқдир; улар алоҳида содир бўладиган икки жараён бўлмай, балки бутун бир жараёндир. Таълимсиз тўла ақлий ривожланиш бўлиши мумкин эмас. Зарур шароит туғилганда таълим мантиқий фикрлаш малакасини таркиб топтиради ва тегишли ақлий ривожланиш учун замин бўлади. Лекин замин ривожланишга туртки бўлган бир вақтда ўзи ривожланишга таянади, эришилган ривожланиш даражасининг хусусиятларини, ривожланишнинг ички қоидаларини, албатта, инобатга олади. Таълимнинг имкониятлари жуда кенг бўлса-да, бироқ чексиз эмас.

Йирик рус психологи Л.С. Виготский таълим ва тараққиёт муаммосига ижтимоий-тарихий жараён нуқтаи назаридан ёндашиб, билимларни ўзлаштириш инсоният тараққиётида яратилган маданиятда иштирок этиш жараёнидир, деб таъкидлайди. У олға сурган психик функциялар тараққиётининг маданий-тарихий назариясига кўра, психик фаолият тараққиёти унинг "табиий" шаклини бевосита қайта қурган ҳолда турли аломатлар билан аввал ташқи, сўнг ички ифодаланишни назарда тутиб, "маданий" шаклини эгаллаш назарда тутилади.

Шу муносабат билан Л.С. Виготскийнинг психологияга киритган **"психик тараққиётнинг энг яқин зонаси"** тушунчаси муҳим аҳамият касб этади. Бунинг асл моҳияти боланинг мустақил фаолияти катталар билан ҳамкорликда, унинг раҳбарлигида амалга оширилишидир. Л.С. Виготский томонидан киритилган "психик тараққиётнинг энг яқин зонаси" тушунчаси "таълим тараққиётдан олдинга боради" деган умумий қоиданинг яққол мазмунини тушуниш учун имконият яратади.

Э. Торндайк ва Ж. Пиаженинг таълим билан тараққиётни айни бир нарса деб тушунтиришига қарамай, Л.С. Виготский: **"Бола тараққиётини ҳеч маҳал мактаб таълимидан ташқаридаги соя деб ҳисоблаш мумкин эмас", -** деб таъкидлайди. Бундан ташқари, таълим ва тараққиёт бир-бирига тобе бўлмаган жараёнлардир, деган йўналишдаги психологларни ҳам у қаттиқ танқид қилади. П.П. Блонский таълимнинг бола тараққиётидаги ўрнига алоҳида аҳамият беради. Шунинг учун ўқувчиларнинг ақлий ривожланиши тўғридан-тўғри мактаб дастури мазмунига боғлиқлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, таълим жараёнида болалар маълум қоида асосида фаолият қилишга одатланадилар. Таълим таъсири натижасида ўқувчиларда ўз-ўзини ва ўзининг ақлий фаолиятини назорат қилиш юзага келади. Психолог олимлардан В.В. Давидов, П.Я. Гальперин, Д.Б. Эльконин, Н.А. Менчинская, А.А. Люблинская, Э.Ғ. Ғозиевлар ўз тадқиқотларида таълимнинг тараққиётдаги етакчи ролини таъкидлашади.

Психик тараққиётнинг омиллари ва шароитлари аниқлаб олинган тақдирда ҳам, психикада юзага келадиган ўзгаришларнинг манбалари, психик ривожланишни ҳаракатга келтирувчи кучлар нималардан иборат, деган саволнинг туғилиши табиийдир.

Боланинг психик ривожланишини ҳаракатга келтирувчи кучлар мураккаб ва турли-тумандир. Ривожланиш моҳиятини қарама-қаршиликлар курашидан, ички зиддиятлар, боланинг психик ривожланишини бевосита ҳаракатга келтирувчи кучлар, таълим ва тарбия жараёнида юзага келадиган ҳамда бартараф қилинадиган эскилик ва янгилик ўртасидаги зиддиятлар, масалан, фаолият томонидан юзага келадиган эҳтиёжлар билан уларни қондириш имкониятлари ўртасидаги зиддиятлар; жамият, жамоа, катта одамлар томонидан кундан-кунга ортиб бораётган талаблар билан психик тараққиётнинг мазкур даражаси ўртасидаги зиддиятлар киради.

Масалан, кичик мактаб ёшидаги ўқувчида мустақил иродавий фаолиятга нисбатан бўлган тайёрлик билан хатти-ҳаракатларнинг мавжуд вазиятга ёки бевосита ички кечинмаларга боғлиқлиги ўртасидаги зиддият

мавжуд, ўсмирларда эса кучли, бир томондан, унинг ўзига ўзи баҳо бериши ва ўз талаблари даражаси ва иккинчи томондан, атрофдагиларнинг унга нисбатан бўлган муносабатлари ҳақидаги ички кечинмаси ўртасида, шунингдек, ўзининг жамоадаги реал мавқеи тўғрисидаги ички кечинмаси ўртасида; катта одамлар ҳаётида тўла ҳуқуқли аъзо сифатида қатнашиши эҳтиёжи билан бунга ўз имкониятларининг мос келмаслиги ўртасида пайдо бўлади.

Кўрсатилган барча зиддиятлар бирмунча юқори даражадаги психик фаолиятларни таркиб топтириш орқали бартараф қилинади. Натижада бола психик ривожланишнинг янада юксакроқ босқичига кўтарилади. Эҳтиёж қондирилади – зиддият йўқолади. Бироқ, қондирилган эҳтиёж янги эҳтиёжни туғдиради. Бу зиддият бошқа бир зиддият билан алмашинади, тараққиёт давом этади.

Ривожланиш фақат соф миқдор ўзгаришлари жараёнидан, яъни қандайдир психик ҳодисалар, хусусият ва сифатларнинг кўпайиши ёки камайишидан иборат бўлиб қолмай, балки сифат жиҳатдан янги хусусиятлар, яъни янгидан ҳосил қилинган сифатларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқдир.

Психологлар психик ривожланишнинг умумий қонуниятлари борлигини қайд этиб кўрсатмоқда. Бироқ муҳит таъсирига нисбатан бу қонуниятлар иккиламчидир, чунки бу қонуниятларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳаёт шароитига, фаолиятга ва тарбияга боғлиқдир. Мана шундай умумий қонуниятларга, биринчи навбатда, **психик ривожланишнинг нотекислиги** киради. Бунинг моҳияти шундан иборатки, ҳар қандай шароитда, ҳатто таълим ва тарбиянинг энг қулай шароитларида ҳам шахснинг турли психик белгилари, функциялари ва хусусиятлари ривожланишнинг битта даражасида тўхтаб турмайди. Боланинг айрим ёш даврларида психиканинг у ёки бу йўналишларида ривожланиш учун ниҳоятда қулай шароитлар пайдо бўлади ва бу шароитларнинг баъзилари вақтинчалик, ўткинчи характерда бўлади. У ёки бу **психик хусусият ва сифатларнинг ривожланиши учун энг қулай шароитлар бўлган ана шундай ёш даврлари сензитив даврлар деб аталади. (Л.С. Виготский, А.Н. Леонтьев).** Бундай сензитивлик даври мавжудлигига миянинг органик жиҳатдан етилиш қонунияти, айрим психик жараёнлар, хусусиятлар, ҳаётий тажриба ҳам сабаб бўлади.

Шундай қилиб, боланинг психик ривожланиши – мураккаб тараққиёт жараёнидир.

XX асрнинг биринчи 10-йиллигида бола шахси ривожланиши муаммоси билан шуғулланган психологлар орасида энг етакчилари сифатида А.Бине, Э.Мейман, Д.Сёлли, Э.Клаперд, В.Штерн, А.Гезелл ва бошқаларни киритиш мумкин. Инглиз олими Ж.Сёлли инсон психикасининг шаклланишига нисбатан ассоциатив ёндашув позициясидан қараган. У ақл ҳис-туйғу ва иродани психиканинг асосий таркибий қисми сифатида ажратиб кўрсатган. Унинг изланишлари болалар тарбияси

амалиёти учун болалардаги биринчи ассоциация ва уларни юзага келишининг кетма-кетлиги таркибини аниқлашдан иборат эди.

М.Монтессори Сёллининг издоши сифатида унинг хулосаларига таяниб, мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг билиш жараёни ривожланиш тизимини ишлаб чиқди. У бола шахсини ўрганишда улар ривожланишининг ички импульсларини билиш ва инобатга олиш ҳақидаги тасаввурларидан келиб чиқади. Болаларнинг бу даври ҳиссийлик даври деб эътироф этилиб, бу вақтда ўзининг мойиллиги мавжуд бўлган билимларини ўзлаштиришга имкон бериши керак. М.Монтессори турли хил ҳис-туйғу ва ҳаракатларни машқ қилдириш орқали уларни секин-аста англашга, мураккаблаштиришга, мукаммаллаштиришга катта аҳамият қаратган. Натижада бу тафаккур жараёнининг ривожланишига олиб келади. Мактабгача ёшдаги болаларнинг таълими ва тарбиясини ташкил этишга нисбатан Монтессорининг ғояси жуда кенг тарқалди ва ҳозирги вақтда Россияда бу тамойиллар бир нечта болалар боғчаси ёки гуруҳларда жорий этилган.

Немис психологи ва педагоги Э.Мейман ҳам болаларнинг билиш жараёнлари ривожланиши муаммоларига, шунингдек, таълимнинг методологик асосларини ишлаб чиқишга асосий эътиборини қаратган. Мейман томонидан даврлаштиришда 3 босқичга, яъни фантастик синтез босқичи, анализ босқичи, фикрий синтез босқичларига ажратилган.

Э.Мейман лабораторияси қошида ташкил этилган экспериментал мактабда болаларнинг таълим дастурларига тайёрлик даражасини диагностика қилиш методлари ишлаб чиқилган. Унга кўра, таълим дастурлари ва синфларни шакллантириш мезонлари синовдан ўтказилган (масалан, интеллект даражаси, қизиқишлари, ўқитувчи билан ҳамкорлик бўйича).

Швециялик психолог Э.Клапаред Холлнинг рекапитулация тасаввурларини танқид қилиб чиққан. Унинг психика филогенези ва онтогенези умумий мазмунга эга ва бу ривожланишнинг биринчи қатори ўхшашлигига олиб келади, аммо уларни бир хил демайди. Клапаред фикрича, бола психикасининг ривожланиш босқичлари инстинктив жиҳатдан аниқланмаган, у қобилиятларни ўзида шакллантириш ғоясини тақлид ва ўйин механизмлари ёрдамида деб ҳисоблаган. Ташқи омиллар ривожланишга таъсир этиб, унинг йўналишини аниқлайди ҳамда темпини кучайтиради. Психик ривожланишни Клапаред тафаккур ривожланишига тенглаштирган ва тафаккур типининг ўзгаришига таяниб 4 босқичга ажратган.

- Биринчи босқичда (2 ёшгача) предметларнинг ташқи кўринишини эслаб қолиш, идрок шаклланиши содир бўлади;
- 2-босқичда (2 ёшдан 3 ёшгача) нутқий – предмет номлари ўзлаштирилади.
- 3-босқичда (3 ёшдан 7 ёшгача) тафаккур – боланинг умумий ақлий қобилиятлари ривожланади.

- 4-босқичда (7 ёшдан 12 ёшгача) махсус қизиқишлар шаклланади ва индивиднинг индивидуал мойилликлари ифодаланади.

Э.Мейман ва Э.Клапаред ишлари болалар ёш даврлари психологиясига асос бўлди ва унинг предметини аниқлаб махсус вазифа ва муаммоларни шакллантирди. Болалар психологияси педагогиканинг ривожланиши, болалар психик ривожланишини тадқиқ этишнинг ишончли методларини ишлаб чиқилишини тақозо этди.

Француз психологи А.Бине болалар психологиясида тестологик ва норматив йўналишларнинг асосчисидир. Бине болаларда тафаккур ривожланишининг даражаларини уларнинг олдига тушунчаларни аниқлаш топшириғини қўйган ҳолда («стул» нима, «от» нима ва бошқалар) экспериментал тадқиқ этди. Турли ёшдаги болаларнинг жавобларини умумлаштириб, 3 ёшдан 7 ёшгача болалар тушунчалари ривожланишининг 3 босқичини аниқлади: саноқ босқичи, тафтишлаш босқичи ва интерпретация босқичи. Ҳар бир босқич маълум ёш билан тенглаштирилган ва Бине интеллектуал ривожланишни маълум нормативлари мавжудлиги ҳақида хулоса қилди.

Таълим вазирлиги талабига кўра Бине ривожланишда нормадан оғишган ва шу тариқа ёрдамчи мактабда таълим олишга муҳтож бўлган болаларни ажратиб олувчи методни ишлаб чиқди. Кейинчалик у 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларнинг интеллектуал ривожланишини умумий диагностика қилиш учун тестлар ишлаб чиқди. Бине ҳар бир ёш даври учун мураккаблик даражаси бўйича вариациялари билан интеллектуал ривожланишнинг турли томонларини тадқиқ этувчи топшириқларни танлаб олди. Уларга сўз бойлиги, саноқ, хотира, умумий билими, маконий мўлжалга олиш, мантиқий тафаккур ва бошқаларни текширувчи топшириқлар киритилган. Бине ғоясига кўра, топшириқлар бу ёшдаги барча болаларга хос бўлган минимал малакага йўналтирилган. Фақат шундагина тенг диагностик шароитда туғма юқори интеллектуал даражали болалар, яъни қобилиятли ва тарбияли болалар бўладилар. Биненинг шогирди Т.Сирнон томонидан тузилган махсус шкала ёрдамида боланинг ақлий ёши ҳисобланган.

Кейинроқ аниқроқ диагностика қилиш учун немис психологи В.Штем интеллект коэффициентини киритишни таклиф этди. Бине интеллект даражаси туғма қобилият сифатида ҳаёт мобайнида ўзгармайди ва турли топшириқларни бажаришга йўналтирилишини аниқлади. Интеллектуал норма 70 дан 130% коэффициент деб ҳисобланган. Шунга кўра ақлан қолоқ болалар 70% дан паст кўрсаткичларни олганлар, иқтидорлилар 130% дан юқори кўрсаткични олганлигини кўриш мумкин.

Болалар психологияси фанининг асосий эътибори туғилганидан етуклик давригача инсон психикаси ва онгининг қандай ривожланишига қаратилган, яъни ҳар бир шахс узоқ болалик даврини бошдан кечирадики, бу даврда унда алоҳида психик жараён ва хусусиятлар юз беради. Шунинг учун ҳам бу давр фанда алоҳида ажратиб ўрганилади ва уни онтогенетик (туғилгандан улғайгунгача ўсиб етилиш даври) тараққиёт йўли дейилади.

Болалар психологияси бола психикасининг тараққиёти ҳамда шахсий хусусиятларининг юзага келишига таъсир қилувчи омилларни ҳам ўрганади. Болалар психологияси бу муаммоларни ҳал қилишда мустақил фан сифатида ўзига хос вазифаларни ҳал этмоғи лозим.

Бугунги кунда болалар психологияси фанининг олдида бир қанча муҳим назарий ва амалий вазифалар туради. Болалар психологиясининг назарий вазифалари унинг назарий муаммоларини ечишга қаратилган. Жумладан, унинг назарий вазифаларига қуйидагилар киради:

1. Турли ёшдаги болаларга хос бўлган психологик хусусиятларни, яъни болаларнинг идроки, сезги туйғулари, диққати ва хотираси, нутқи ва тафаккури, хаёли, иродасига хос хусусиятларни ўрганиш.
2. И.П.Павловнинг олий нерв фаолияти ҳақидаги таълимоти асосида турли ёшдаги болалар психик жараёнлари хусусиятларининг нервфизиологик асосларини ўрганиш.
3. Боланинг психик тараққиётига фаол таъсир қилувчи омилларни аниқлаб бериш.
4. Турли ёшдаги болаларнинг ривожланишига хос бўлган қонуниятларни ўрганиш.
5. Бола шахсига хос бўлган психологик хусусиятларни ўрганиш.
6. Болани мактаб таълимига тайёрлаш.
7. Мактабда муваффақиятли ўқиши учун боланинг ақлий жараёнларини фаоллаштириш.
8. Таълим жараёнида боланинг мустақил, ижодий, фаол тафаккурини шакллантириш.
9. Таълим-тарбия жараёнида боланинг махсус қобилиятларини шакллантириш.
10. Таълим-тарбия ишларининг психологик мазмунини очиб беришдан иборатдир. Унинг амалий вазифаларига турли ёшдаги болаларнинг психик тараққиёти хусусиятларига доир билимларни тарбиячилар, ўқитувчилар, ота-оналар, яъни жамоатчилар ўртасида кенг ёйишдан иборат. Болалар психологиясининг амалий вазифаси — кенг жамоатчилик бола руҳий тараққиётига, ёшлик хусусиятлари орасидаги фарқлар ва уларга индивидуал муносабатда бўлиш йўллари, руҳий тараққиёт қонунларига доир психологик билимлардан баҳраманд бўлмоқларини таъминлашдан иборат. Машҳур австриялик психолог К.Бюлер бир муддат Вюрсбург мактаби доирасида ишлаган бўлиб, ўзининг болани психик ривожланиш концепциясини тузди. У маймундан то катта ёшли маданиятли одамгача ривожланишнинг бутун йўлини кўрсатишга ҳаракат қилган. Бюлер бўйича тадқиқот вазифаси ривожланишда доимий асосий ташқи таъсирларга боғлиқ бўлмаган қонуниятларни соф ҳолда топиш эди. Бюлернинг фикрича, болалик ривожланишининг биринчи йилларини ўрганиш учун экспериментнинг мос шакли зоопсихология соҳасидан олиниши мумкин. К.Бюлер бола ривожланишидаги уч босқич назарияси муаллифи сифатида машҳур.

Америкалик психолог ва социолог Ж.Болдуин ўзининг даврида нафақат билиш, балки эмоционал ва шахсий ривожланишни ўрганишга

ундаган. Ижтимоий муҳит туғма қобилиятлар билан бир қаторда ривожланишнинг муҳим омили сифатида киритилган, чунки одамнинг нормалари, қадриятлари ва ўзига бўлган баҳоси тизимли жамият ичида содир бўлади. Болдуин биринчилардан бўлиб ўйиннинг ижтимоий ролини келтириб ўтди ва уни ижтимоийлашув воситаси сифатида кўрган. У одамни мураккаб ижтимоий муносабатлар тизимидаги ҳаётга тайёрлашни келтириб ўтади. Болдуин болаларнинг билими ривожланиш концепциясига асосланади. Унинг таъкидлашича, билишнинг ривожланиши туғма ҳаракатлар рефлекслари ривожланиши билан бошланувчи бир неча босқичларни ўз ичига олади. Сўнгра нутқнинг ривожланиш босқичи ва бу жараённи мантиқий тафаккур босқичи якунлайди. Тафаккур ривожланишининг махсус механизмларини ажратган ассимиляция (муҳит таъсири интероризацияси) Болдуин назариясининг бу ҳолатлари Ж.Пиаженинг қарашларига таъсир этди.

Болалар ривожланишидаги иккита омил конвергенцияси назарияси. Конвергенция назарияси ёки уни яна **икки омил** назарияси деб номлайдилар, биологик ва ижтимоий омилларнинг ўзаро муносабатини кўриб чиқувчи дифференциал психологик соҳаси мутахассиси, немис психологи В.Штерн (1975-1938) томонидан ишлаб чиқилган. Бу назариянинг моҳияти шундан иборатки, боланинг психик ривожланиши насл ва муҳит таъсири остида шаклланадиган жараён сифатида кўриб чиқилади. Конвергенция назариясининг асосий масаласи ахлоқнинг эгалланган шакллари қандай юзага келиши ва уларга наслийлик ҳамда атроф-муҳитнинг қандай таъсир кўрсатишини ўрганишдан иборат.

Психологияда иккита назарий концепция мавжуд бўлган: эмпиризм («инсон» — тоза доска») ва нативизм (туғма ғоялар мавжуд). Штерн агар бу икки қарама-қарши нуқтаи назарнинг мавжуд бўлиши учун асос бор бўлса, унда ҳақиқат уларнинг бирлашувидан иборатлигини тахмин қилди. У психик ривожланиш ташқи шароитлар билан ички маълумотларнинг бирлашувидир, бироқ етакчи аҳамият барибир туғма омил ортида қолади, деб ҳисоблайди. Бунга мисол сифатида қуйидаги факт хизмат қилиши мумкин: атроф-олам болага ўйин учун материал етказиб беради, унинг қандай ва қаерда ўйнаши эса ўйин инстинктининг туғма компонентларига боғлиқ бўлади.

В. Штерн рекапитуляция концепцияси тарафдори бўлган ва бола гўдакликнинг биринчи ойларида сут эмизувчилар босқичида бўлишини: бу рефлекторли ва импульсив ахлоқ билан тасдиқланиши; ҳаётининг иккинчи ярим йиллигида у предметларни тутиб олиш ва тақлид шарофати билан олий сут эмизувчи (маймун)лар босқичига эришиши; келгусида тўғри юриш ва нутқни эгаллагач, инсоний ҳолатнинг дастлабки поғонасига чиқиши; ўйин ва эртакларнинг биринчи беш йилида у ибтидоий аҳоли поғонасида туриши; янги босқич — мактабга бориш — хийла юқори даражадаги ижтимоий мажбуриятларни эгаллаши билан боғлиқ эканини айтади. Дастлабки мактаб йиллари антик ва қадимги дунёнинг энг оддий мазмуни билан, ўрта синфлар — христиан маданияти, етуклик йиллари эса — янги

вақт маданияти билан боғлиқ. Ривожланиш конвергенциясининг назарияси «олма олмадан йироққа тушмайди» ва «ким билан бўлсанг, ўшандан орттириб оласан» деган *мулоҳазаларни* тасдиқлайди. Инглиз психологи Г.Айзенк (1916-1997) интеллект 80% га насл ва 20% га муҳитнинг таъсири билан белгиланади, деб ҳисоблайди.

Австриялик психолог З.Фрейд шахснинг асоси инсон маънавий ҳаётининг инстинктив соҳаси ва жамият талаблари ўртасидаги низодан иборат бўлган тузилмавий назариясини яратди. У ҳар бир инсон оқибатда «Бошқа Мен» ва «У» назорати остида турадиган туғма жинсий майл билан туғилади, деб ҳисоблайди. «У» - бу тақиқлар таъсири остида ўзидан «Мен»нинг кичкина бўлагини ажратадиган ички психик инстанция. «Бошқа Мен» - инсоний майлни чекловчи инстанция. Демак, «Мен»га «У» ва «Бошқа Мен» босим ўтказади. Бу ривожланишнинг иккита омили схемаси.

Психологлар эгизакларни кузатиб, олинган натижаларни таққослаб, ривожланиш жараёнидаги биологик ва ижтимоий омилларнинг таъсирини аниқлай олдилар. Бу усулни эгизаклар усули деб номладилар. Д.Б. Элконин кўрсатдики, методологик нуқтаи назардан эгизаклар тадқиқотида жиддий нуқсон бор: наслий фонд муаммолари айнанлик ёки айнан эмаслик нуқтаи назаридан, муҳитли таъсир муаммоси эса ҳамиша айнанлик нуқтаи назаридан кўриб чиқилади. Бироқ эгизаклар тарбияланадиган бир хил ижтимоий муҳит мавжуд эмас — бола муҳитнинг қандай элементлари билан ўзаро фаол ҳаракат қилишини, албатта, инобатга олиш зарур. Шу сабаб ишончли натижа олиш учун икки номаълумли тенглама бўлган вазиятларни танлаш керак. Шундан хулоса келиб чиқади, ушбу усул ёрдамида ривожланиш муаммолари эмас, балки индивидуал фарқлар ўрганилиши мумкин.

З.Фрейднинг классик психоанализида психик ривожланиш масаласи. Зигмунд Фрейд 1856 йилда Фрейбургда, ўша пайтдаги Австрия, Венгрия империясининг ҳозирги кунда Чех республикасига тааллуқли қисмида туғилди. У тиббиётни Венада ўрганди ва 1938 йилда нацистлар Австрияни аннекция қилгунларига шу ерда қадар яшади.

Яҳудий сифатида у ватанини ташлаб кетишга мажбур бўлди ва Лондонга бориб ўрнашди, ўша ерда 1939 йилда вафот этди. Узоқ йиллар давомида у бедаво саратон касаллиги билан курашиб яшади.

Унинг энг машҳур асарлари қуйидагилар: «Тушлар таъбири», «Психоанализга кириш бўйича маърузалар», «Лаззат тамойили ортида», «Бир иллюзиянинг келажаги», «Маданиятдан норозилик», «Мусо ва монотеизм».

Онтогенезда ривожланиш психикаси тушунчасига психоаналитик ёндашув асослари З.Фрейд томонидан киритилган. Психик ривожланиш психоанализида қизиқишлар, мотивлар ва туйғулар соҳасининг мураккаблашиш жараёни билан шахс ривожланиши ҳамда унинг тузилиши, функцияларининг такомиллашиши билан тенглаштирилади.

З.Фрейд инсон психикаси 3 босқичга, яъни психик жараёнларни принципиал англаш имконияти мезони бўйича онг, онгости ва онгсизликка

ажратади. Унинг илмий қизиқишлари, биринчи навбатда, жинсий ва агрессив қизиқишларнинг мажмуасига қаратилган. Айнан онгсизлик биринчи бўлиб жамиятга қарши туради. Фрейд шахс ривожланишини индивидни ташқи ижтимоий дунёга мослашиши сифатида киритган ҳамда унга бегона, лекин жуда ҳам зарур деб ҳисоблайди.

Инсон шахси З.Фрейд бўйича ўз таркибига тузилмавий таркибий қисмларни қамраб олади: У; Мен; Олий Мен.

У (Ид) – шахснинг примитив ядроси, у туғма характерга эга, онгсизлик жойлашган ва қониқиш тамойилига бўйсунади. Идда туғма импульсив қизиқишлар мавжуд (ҳаёт инстинкти Эрос ва ўлим инстинкти Танатос) ва психик ривожланишнинг энергетик асосини ташкил этади.

Мен (Эго) шахснинг рационал ва англанувчи қисми. У биологик етилишга кўра ҳаётнинг 12 ва 36 ойлари орасида юзага келади ва реаллик принципи билан бошқарилади. Эгонинг вазифаси содир бўлаётганларни тушунтириш ва инсоннинг хулқини шундай тузиш керакки, унинг инстинктив талаблари қондирилиши, жамият ва онгнинг чекловлари бузилмаслиги керак. Эгонинг ҳамкорлигида индивид ва социум ўртасидаги низо ҳаёт мобайнида сустлашиши керак.

Олий Мен (Супер Эго) шахснинг тузилмавий таркиби сифатида энг охирида 3-6 ёшлар орасида шаклланади. Супер Эго инсоннинг мослашишини ифодалайди ва бу жамиятда қабул қилинган нормаларга амал қилишини қаттиқ назоратга олади.

Ид ва Супер Эго тарафидаги анъаналар одатда низоли характерга эга бўлиб, бу хавотирланиш, асабийлашишни келтириб чиқаради. Бунга жавобан Эго бир қатор ҳимоя механизмларини яратади ва қўллайди. Улар сиқиб чиқариш, рационаллаштириш, сублимация, проекция, регрессия ва бошқалар.

8.2 §. ПСИХИК ТАРАҚҚИЁТ ВА ТАЪЛИМ ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО МУНОСАБАТ

Психология фани замонавий таълимотга асосланган ҳолда инсон шахсининг таркиб топтирилишини асосан учта омилнинг таъсирига боғлиқлигини далиллар асосида изоҳлаб беради.

Улардан биринчиси – инсон туғилиб вояга етадиган ташқи ижтимоий муҳит таъсири;

Иккинчиси – одамга узоқ муддат давомида мунтазам тарзда бериладиган наслий хусусиятлар таъсиридир.

Маълумки, ҳар бир одам ўзига хос, бошқаларда айнан такрорланмайдиган ижтимоий муҳитда, аниқ ижтимоий муносабатларда, яъни оила, жамоа ва жамиятда, одамлар орасида яшаб улғаяди, шаклланади.

Бу ижтимоий муносабатларга одам жамият аъзоси сифатида маълум синф, у ёки бу ижтимоий гуруҳнинг намояндаси сифатида ва ниҳоят, ташкил қилинганлик ва уюшқоқлик даражаси турлича бўлган муайян жамоаларнинг фаол аъзоси сифатида қатнашади.

Шахс моҳияти ўз табиати жиҳатидан ижтимоий характерга эгадир. Шахснинг барча психик хусусиятлари, ижодий фаоллигининг ривожланиш манбалари унинг теварак-атрофидаги ижтимоий муҳитда, жамиятдадир. Инсон шахси сабабий боғлиқликда бўлиб, унинг ижтимоий турмуши билан белгиланган бўлади. Мана шу маънода шахс тараққиёти одамлар билан муносабатда юзага келадиган ижтимоий тажрибани эгаллаш жараёнидан иборатдир. Бунинг натижасида инсоннинг психик хусусиятлари, ахлоқий фазилатлари, характери, иродавий сифатлари, қизиқишлари, эътиқоди ва дунёқараши таркиб топади.

Муҳит, маълум мақсадга қаратилган таълим ва тарбия, азалдан берилган, генетик жиҳатдан қатъий белгиланган ниманидир намоён қилиш учун шароитгина бўлиб қолмай, балки инсон психик хусусиятларини таркиб топтиради.

Бу борада, **биринчидан,** одам муҳит таъсири остидаги пассив объект бўлмай, балки фаол мавжудотдир. Шу боис ташқи ҳаёт шароити, ташқи таъсир инсон психикасини белгиламайди, балки одамнинг муҳит билан бўлган ўзаро таъсири, унинг муҳитдаги фаолияти орқали белгиланади. Шу сабабли муҳитнинг таъсири ҳақида эмас, балки одамнинг теварак-атрофдаги муҳит билан фаол ўзаро таъсири ҳақида гапириш мақсадга мувофиқдир.

Иккинчидан, психиканинг ривожланиши пировард натижада ташқи шароитларга, ташқи таассуротларга боғлиқдир. Лекин бу ривожланишни бевосита ташқи шароитдан ва ташқи вазиятдан келтириб чиқариб бўлмайди. Бу шароитлар ҳамда вазиятлар ҳамиша одамнинг ҳаётий тажрибаси, унинг шахси, индивидуал-психологик хусусиятлари ва психик қиёфаси орқали таъсир қилади.

Учинчидан, одам фаол мавжудот сифатида ўзи ҳам онгли равишда ўз шахсини ўзгартириши, яъни ўз-ўзини тарбиялаш билан шуғулланиши мумкин. Лекин, бу жараён атроф-муҳитдан ажралган ҳолда эмас, балки муҳит билан мослашган ҳолда ва муҳит билан ўзаро муносабатда содир бўлади. Юқоридагилардан хулоса чиқариб шуни айтиб ўтиш мумкинки, одамнинг (боланинг, ўқувчининг) ижтимоий ташкил топган фаолияти унинг психик ривожланишининг асоси, воситаси ҳам шартидир.

Ўз-ўзидан маълумки, одамнинг психик ривожланиши учун табиий, биологик имкониятлар жуда муҳимдир. Инсон психик хусусиятлари меъёрида таркиб топиши учун муайян даражадаги биологик тузилиш, инсон мияси ва нерв системаси бўлиши шарт. Бу табиий хусусиятлар психик ривожланишни ҳаракатга келтирувчи кучлар, омиллар эмас, балки фақат дастлабки шароитлардир, холос.

Табиий хусусиятлар тараққиётни ҳаракатга келтирувчи куч эмаслигига қарамай, инсон психик тараққиётига таъсир кўрсатади.

Биринчидан, табиий хусусиятлар психик хусусиятлар тараққиётининг турли йўллари ва усулларини белгилаб беради. Инсон нерв системасининг хусусиятлари шахснинг ҳеч қандай психик хусусиятларини белгиламайди. Ҳеч бир меъёрдаги бола дадил ёки қўрқоқ, иродали ёки иродасиз, меҳнатсевар ёки ялқов, интизомли ёки интизомсиз бўлиб туғилмайди.

Агарда тарбия тўғри ташкил этилса, нерв системасининг исталган типи асосида характернинг барча ижтимоий қимматли хислатларини шакллантириш мумкин. Масалан, сабот, матонат ва ўз-ўзини тута билиш хислатини нерв системасининг типи шиддатли бўлган болаларда ҳам тарбиялаш мумкин ва тарбияласа бўлади. Бироқ, биринчи ҳолдаги болаларни тарбиялаш иккинчи ҳолдаги болаларни тарбиялашга қараганда қийинроқ бўлади. Ҳар иккала ҳолда керакли сифатларни тарбиялаш йўллари ва усуллари ҳам турлича бўлади.

Иккинчидан, табиий хусусиятлар одамнинг бирор соҳага эришган юутқлари даражасига ҳам таъсир қилиши мумкин. Масалан, қобилият куртакларида туғма индивидуал фарқлар мавжуд. Шу сабабли баъзи одамлар бошқа одамлардан маълум бир фаолиятни эгаллаш имконияти жиҳатидан устун туришади. Баъзида эса аксинча, бирор-бир фаолият турини эгаллаш имконияти жиҳатидан эса улардан ортда қолишлари мумкин. Мана шу маънода олганда одамлар ўз қобилиятларини баравар ривожлантириш имкониятига эга эмаслар. Гарчи, табиий куртаклар ўқувчиларнинг психик ривожланиши учун маълум аҳамиятга эга бўлса ҳам (шу сабабли, масалан, таълим жараёнида айрим ўқувчилардан бошқа ўқувчиларга нисбатан кўпроқ зўр бериш талаб қилинади, айрим ўқувчига ўқитувчи кўпроқ куч сарфлайди, эътибор беради ва кўпроқ вақт ажратади), бу куртакларнинг ўзи психик тараққиётда ҳал қилувчи роль ўйнамайди. Турли йўналишга эга бўлган психологлар, бир томондан, таълим ва тарбия, иккинчи томондан эса ривожлантириш ўртасидаги ўзаро муносабат муаммосини кенг доирада муҳокама қилмоқда.

Ривожланиш деганда, одатда ҳодисаларнинг ҳар икки тури тушунилади ва бу тушунчалар бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир:

1) миянинг биологик, органик етилиши, унинг анатомик-физиологик тузилиши жиҳатидан етилиши;

2) психик (ақлий) ривожланишнинг маълум ўсиш даражаларидаги ўзига хос ақлий етилиш сифатидаги психик ривожланиши.

Ўз-ўзидан маълумки, ақлий ривожланиш мия тузилишининг биологик ечилиши билан боғлиқ ва бу хусусият таълим-тарбия ишларида, албатта, ҳисобга олиниши лозим, чунки таълим миянинг органик жиҳатдан етилишини инкор эта олмайди. Бироқ, мия тузилишининг органик жиҳатдан етилишини муҳитга, таълим-тарбияга мутлақо боғламаган ҳолда ўзининг қатъий биологик қонунлари асосида содир бўлади, деб бўлмайди. Муҳит, таълим-тарбия ва тегишли машқ, мия тузилишининг органик жиҳатдан етилишига ёрдам беради.

Бу жараёнда таълим қандай мавқега эга? Таълим ривожланишига нисбатан етакчи вазифани бажарадими ёки аксинча? Бу муаммонинг ҳал қилиниши таълим жараёнининг мазмуни ва методикасини, ўқув дастурлари ва дарсликларнинг мазмунини белгилаб беради.

Бу борада немис психологи В.Штерн: таълим психик ривожланишнинг орқасидан боради ва унга мослашади, деган фикрни олға сурган эди. Бу фикрга қарама-қарши рус психологи Л.С. Виготский

боланинг психик ривожланишида таълим ва тарбиянинг етакчилик роли бор, деган қоидани биринчи бўлиб илгари сурди ва уни: таълим ривожланишдан олдинда боради ва уни ўз орқасидан эргаштириб олиб боради, деб аниқ ифодалаб беради. Юқорида баён қилинган биринчи фикрга мувофиқ таълим фақат ривожланиш томонидан эришилган нарсалардан фойдаланади. Шунинг учун ақлий жиҳатдан етилиш жараёнига аралашмаслик, унга халақит бермаслик, балки таълим учун имконият етилгунча чидам билан пассив кутиб туриши керак.

8.3 §. ЁШ ДАВРЛАРИ ПСИХОЛОГИЯСИ ВА ПЕДАГОГИК ПСИХОЛОГИЯДА ЁШ ДАВРЛАРИНИ ТАБАҚАЛАШ МУАММОЛАРИ

Фаолият психик ривожланишнинг шарти эканлиги. Бола психик тараққиётини ҳаракатга келтирувчи кучлар. Психик тараққиётнинг шарт-шароитлари. Таълим ва психик тараққиётнинг ўзаро боғлиқлиги. Психик тараққиёт жараёнида ташқини ичкига айланиши. Ёш тараққиётининг даврларга бўлиниши.

Психик ривожланиш ва бу ўзгаришларга сабаб бўладиган кучлар ўртасидаги муносабат қонунларини ўрганиш ёш даврлари психологияси фанининг муҳим ва долзарб муаммоларидан биридир.

Инсон шахсининг психик ривожланиши ва унинг шаклланиши мураккаб тадқиқот жараёнидир. Зеро, унинг ўзига хос хусусиятлари ва қонуниятларини асосли илмий билиш, ўқувчи шахсига педагогик жиҳатдан таъсир кўрсатишнинг зарур шартидир.

Инсон биосоциал мавжудотдир. Унинг бирлиги, бир томондан, кишининг психик, туғма равишда ташкил топган хусусиятлари (масалан, кўриш ёки эшитиш сезгилари, шунингдек, олий нерв тузилишининг ўзига хос хусусиятлари), иккинчи томондан эса фаолиятнинг онгли субъекти ва ижтимоий тараққиётнинг фаол иштирокчиси сифатида хулқ-атвор (масалан, ахлоқий одатлар) хусусиятларида намоён бўлади.

Хўш, одам психикаси ва хатти-ҳаракатларида намоён бўладиган бу хусусиятларни нималар сирасига киритиш мумкин? Инсон психикасининг табиати биологик ёки инқилобий характерга эгами?

Инсон шахсининг таркиб топиши ва психик ривожланишига таъсир этувчи омилларнинг муаммоси ўз моҳияти жиҳатидан ғоявий характерга эга. Шу боис, бу масалани ҳал қилишда бир-бирига қарама-қарши бўлган турли оқимлар, йўналишлар майдонга келган. Инсон шахсининг таркиб топишини тушунтиришда майдонга келган биринчи оқим биогенетик концепция, назария бўлса, иккинчи оқим социогенетик концепциядир.

Шахснинг таркиб топишини тушунтиришга интилувчи биогенетик оқим XIX асрнинг икинчи ярмида майдонга келган.

Бола психик хусусиятларининг туғма табиати ҳақидаги маълумот шу вақтга қадар аксарият психология мактабларининг асосини ташкил этиб келмоқда. Мазкур таълимот инсон психикасининг барча умумий ва

индивидуал хусусиятлари табиат томонидан белгиланган, унинг биологик тузилишига тенглаштирилгандир, психик ривожланиш эса, ирсий йўл билан азалдан белгиланиб, инсон организмига жойлаштирилган, шу хусусиятларнинг маромига етилиш жараёнидан иборат деб таъкидлайди. Маълумки, наслий хусусиятлар туғма йўл билан наслдан наслга тайёр ҳолда берилади, бироқ шундай бўлишига қарамай, бу оқим намояндалари инсон шахси ва унинг барча хусусиятлари “ички қонунлар” асосида, яъни наслий хусусиятлар негизида майдонга келадиган нарса, биологик омилларга боғлиқдир, деб таъкидлайдилар.

Биогенетик таълимот, инсон қобилиятларининг ривожланиш даражаси (чунончи, имкониятларнинг чегараси, унинг энг юксак нуқтаси) тақдир томонидан белгилаб қўйилганлигини, ўқувчи имкониятлари ва қобилиятларини махсус тестлар ёрдамида аниқлаб, ундан сўнг таълим жараёнини унинг ирсият томонидан белгиланган тараққиёт даражасига мослаштириш, уларнинг ақлий истеъдод даражаларига қараб турли мавқедаги мактабларда таҳсил олиш зарур, деб таъкидлашади.

Чунончи, бу йўналиш тарафдорларидан америкалик психолог Э.Торндайк ўқувчиларнинг “табиявий кучлари” ва “туғма майллар”ини психик ривожланишнинг етакчи омили қилиб кўрсатиб, муҳит, таълим-тарбиянинг таъсири - иккинчи даражалидир, дейди.

Австралиялик психолог К.Бюлер болаларнинг фақат ақлий тараққиётини эмас, балки ахлоқий ривожланиши ҳам наслий томондан белгиланган, деб таъкидлайди. Америкалик педагог ва психолог Ж.Дюи

инсон табиатини ўзгартириб бўлмайди, одам ирсият воситасида ҳосил қилган эҳтиёжлари ва психик хусусиятлари билан туғилади. Бу эҳтиёжлар ва психик хусусиятлар тарбия жараёнида намоён бўлиб, баъзида ўзгариши, тарбиянинг эса миқдорини белгилаб берувчи мезондир, деб ҳисоблайди.

Веналик врач-психолог З.Фрейд психоанализ оқими намояндаси сифатида шахснинг фаоллигини, уни ҳаракатга келтирувчи кучларни қуйидаги тарзда тушунтиришга интилади. Одам ўзининг қадимий ҳайвон тариқасидаги аждодларидан наслий йўл билан ўтган инстинктив майлларнинг намоён бўлаётгани туфайли фаолдир. З.Фрейднинг фикрига кўра, инстинктив майллар асосан жинсий инстинктлар шаклида намоён бўлади. З.Фрейд шахс фаоллигини даставвал жинсий майллар билан боғлайди. Бироқ инстинктив майллар жамиятда худди ҳайвонот оламидагидек эркин намоён бўлавермайди. Жамиятдаги жамоа ҳаёти одамни, ундаги мавжуд инстинктив майлларни (яъни, жинсий майлларни) жуда кўп жиҳатдан чеклаб қўяди. Оқибатда одам ўзининг кўп инстинктлари ва майлларини босишга, тормозлашга мажбур бўлади. Унинг таълимотига кўра, тормозланган инстинкт ва майллар йўқолиб кетмайди, балки бизга номаълум бўлган онгсизлик даражасига ўтказилиб юборилади. Онгсизлик даражасидаги бундай инстинктлар ва майллар ҳар турли “комплекстив бирлашадилар, гўё инсон шахси фаоллигининг ҳақиқий сабаби айни шу “Комплекслар”нинг намоён бўлишидир. З.Фрейднинг таълимотидан унинг очиқдан-очиқ биологизаторлик тарғиботчиси эканлигини, инсон шахсининг

фаоллигини жинсий майллардан иборат эканлиги ҳақидаги назарияси илмий асосга эга эмаслигини эътироф этиш мумкин.

Бундай таълимотлардан, хусусан, дин ҳомийлари кенг фойдаланиб, инсоннинг тақдири ана шу илмлар билан чамбарчас боғлиқдир, деб таъкидлашади. Инсон шахсининг таркиб топишини ўрганиш давомида юзага келган яна бир таълимот – социогенетик концепция қобилиятларнинг тараққиётини фақат теварак-атрофдаги муҳитнинг таъсири билан тушунтиради. Бу йўналиш ўз замонаси учун илғор ҳисобланган XVIII аср француз олими К.Гелветсий таълимотидан бошланган. К.Гелветсийнинг таълимотига кўра, барча одамлар ақлий ва ахлоқий ривожланиши учун туғилишданоқ мутлақо бир хил табиий имкониятга эга бўладилар, шунинг учун одамларнинг психик хусусиятларидаги фарқ, фақатгина муҳит ва тарбиянинг турлича таъсир қилиши билан вужудга келади, деб тушунтирилади. Бу назария одамларнинг психик, руҳий, оқибатда ижтимоий тенгсизлиги уларнинг тўла хусусиятлари деган таълимотга қарши қаратилган эди. Бу назариянинг хорижий мамлакатлардаги турли намояндалари психиканинг ривожланишида ижтимоий муҳитнинг ғоят даражада муҳим роли борлигини эътироф этадилар.

Инсон шахсининг таркиб топишини ўрганиш давомида юзага келган социогенетик концепция фанда экспериментларнинг ривожланиши билан боғлиқдир. Маълумки, XVII асрнинг охири ва XVIII асрнинг бошларида табиий фанлар жадал суръатлар билан ривожлана бошлади, ўша пайтда ҳамманинг диққат-эътибори мўъжизакор тажрибага қаратилган эди. Бу ҳодиса инсон шахсининг таркиб топиши масаласига ҳам таъсир қилмай қолмади.

Социогенетик концепция намояндалари инсоннинг бутун тараққиёти, шу жумладан, шахсий хусусиятларнинг таркиб топиши, асосан, тажрибага боғлиқдир. Бу назарияда шахсда рўй берадиган ўзгаришларни жамиятнинг тузилиши; ижтимоийлашиш усуллари, атрофидаги одамлар билан ўзаро муносабат воситалари асосида тушунтирилади. Бу таълимотга кўра инсон биологик тур сифатида туғилиб, ҳаётдаги ижтимоий шарт-шароитларнинг бевосита таъсири остида шахсга айланади.

Чунончи, англиялик олим Жон Локк дунёга келган янги чақалоқнинг руҳини топ-тоза пахтага ўхшатади. Унинг фикрича, боланинг “топ-тоза пахта” тарзидаги руҳига нималарни ёзиш катта одамлар ихтиёридадир. Шунинг учун боланинг қандай одам бўлиб етишиши, яъни унда қандай шахсий фазилатларнинг таркиб топиши бола ҳаётдан оладиган тажрибага, ўзгалар билан мулоқот жараёнида оладиган ҳаётий тушунча ва тасаввурларига боғлиқдир, деб таъкидлайди.

Ҳар иккала йўналишнинг намояндалари, ўз манфаатларининг ташқи жиҳатдан бир-бирига қарама-қарши бўлишига қарамай, инсоннинг психик хусусиятларини наслий, биологик омиллар таъсири остида ёки ўзгармас муҳит таъсирида аввалдан белгиланган ва ўзгармас нарса, деб эътироф этадилар.

Маълумки, одам шахс сифатида мунтазам, қандайдир фаолиятда таркиб топиб боради, ривожланади, унинг фаоллиги намоён бўлади. Агарда ҳайвонлар теварак-атрофдаги ташқи муҳитга пассив мослашиб, ҳаёт фаолиятларида табиатдаги, яъни ташқи муҳитдаги тайёр нарсалардан фойдалансалар, одам эса теварак-атрофидаги ташқи муҳитга фаол таъсир кўрсатиб, уни ўз иродасига бўйсундиради ҳамда ўзгартириб, ўз эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилдиради.

Кузатишлар жараёнида шу нарса маълум бўлдики, одамдаги туғма, ирсий механизмлар унинг психик ривожланишига таъсир кўрсатади-ю, бироқ унинг мазмунини ҳам, шахсий фазилатларини ҳам белгилаб бера олмайди, Таъкидлаш зарурки, муҳит ҳам бола психикасини ривожлантиришда муайян роль ўйнайди. Фақат, бунинг учун болани ўқитаётган кишиларнинг таъсири натижасида бола ана шу муҳитни фаол равишда ўрганиб олиши, табиийдир.

Психология фани замонавий таълимотга асосланган ҳолда инсон шахсининг таркиб топишини асосан учта омилнинг таъсирига боғлиқлини далиллар асосида изоҳлаб беради. Улардан;

- биринчиси – инсон туғилиб вояга етадиган ташқи ижтимоий муҳит таъсири;

- иккинчиси – одамга узоқ муддат давомида мунтазам тарзда бериладиган таълим тарбиянинг таъсири;

- учинчиси – одамга туғма равишда тайёр ҳолда бериладиган наслий хусусиятларнинг таъсиридир.

Маълумки, ҳар бир одам ўзига хос, бошқаларда айнан такрорланмайдиган ижтимоий муҳитда, аниқ ижтимоий муносабатларда, яъни оила, жамоа ва жамиятда, одамлар орасида яшаб улғаяди, шаклланади.

Бу ижтимоий муносабатларга одам жамият аъзоси сифатида, маълум синфнинг, у ёки бу ижтимоий гуруҳнинг намояндаси сифатида ва ниҳоят, ташкил қилинганлик ва уюшқоқлик даражаси турлича бўлган муайян жамоаларнинг фаол аъзоси сифатида қатнашади.

Шахснинг моҳияти ўз табиати жиҳатидан ижтимоий характерга эгадир. Шахсдаги барча психик хусусиятлар, ижодий фаоллигининг ривожланиш манбалари унинг теварак-атрофидаги ижтимоий муҳитда, жамиятдадир. Инсон шахси сабабий боғлиқликда бўлиб, унинг ижтимоий турмуши билан белгиланади. Мана шу маънода шахснинг тараққиёти одамлар билан муносабатда юзага келадиган ижтимоий тажрибани эгаллаш жараёнидан иборатдир. Бунинг натижасида инсоннинг психик хусусиятлари, ахлоқий фазилатлари, характери, иродавий сифатлари, қизиқишлари, эътиқод ва дунёқараши таркиб топади. Муҳит, маълум мақсадга қаратилган таълим ва тарбия, азалдан берилган, генотик жиҳатдан қатий белгиланган ниманидир намоён қилиш учун шароитгина бўлиб қолмай, балки инсон психик хусусиятларини таркиб топтиради.

Бу борада, биринчидан, одам муҳит таъсири остидаги пассив объект бўлмай, балки фаол мавжудотдир, Шу боис ҳаёт шароити, ташқи таъсир инсон психикасини белгиламайди, балки одамнинг муҳит билан бўлган

ўзаро таъсири, унинг муҳитдаги фаолияти орқали белгиланади. Шу сабабли муҳитнинг таъсири ҳақида эмас, балки одамнинг теварак-атрофдаги муҳит билан фаол ўзаро таъсири ҳақида гапириш мақсадга мувофиқдир.

Иккинчидан, психиканинг ривожланиши пировард натижада ташқи шароитлар ҳамда ташқи таассуротларга боғлиқдир. Лекин бу ривожланишни бевосита ташқи шароитдан ва ташқи вазиятдан келтириб чиқариб бўлмайди. Бу шароитлар ҳамда вазиятлар ҳамиша одамнинг ҳаётий тажрибаси, унинг шахси, индивидуал психологик хусусиятлари ва психик қиёфаси орқали таъсир қилади. Учинчидан, одам фаол мавжудот сифатида ўзи ҳам онгли равишда ўз шахсини ўзгартириши, яъни ўзи-ўзини тарбиялаш билан шуғулланиши мумкин, лекин, бу жараён атроф-муҳитдан ажралган ҳолда эмас, балки муҳит билан мослашган ҳолда ва муҳит билан ўзаро муносабатда содир бўлади.

Юқоридагилардан хулоса чиқариб шуни айтиш мумкинки, одамнинг (боланинг, ўқувчининг) ижтимоий ташкил топган ва фаол фаолияти унинг психик ривожланишининг асоси, воситаси ҳамда шартидир.

Ўз-ўзидан маълумки, одамнинг психик ривожланиши учун табиий, биологик имкониятлар ниҳоятда зарурдир. Инсон психик хусусиятлари меъёрида таркиб топиши учун муайян даражадаги биологик тузилиш, инсон мияси ва нерв системаси бўлиши шарт. Бу табиий хусусиятлар психик ривожлангани ҳаракатга келтирувчи кучлар, омиллар эмас, балки фақат дастлабки шароитлардир, холос. Табиий хусусиятлар тараққиётни ҳаракатга келтирувчи куч эмаслигига қарамай, инсоният психик тараққиётига таъсир кўрсатади.

Биринчидан, табиий хусусиятлар психик хусусиятлар тараққиётининг турли йўлларини ва усулларини белгилаб беради. Инсон нерв системасининг хусусиятлари ўз-ўзига шахснинг ҳеч қандай психик хусусиятларини белгиламайди, ҳеч бир меъёрдаги бола дадил ёки қўрқоқ, иродали ёки иродасиз, меҳнатсевар ёки ялқов, интизомли ёки интизомсиз бўлиб туғилмайди. Агарда тарбия тўғри ташкил қилинса, нерв системасининг исталган типи асосида характернинг барча ижтимоий қимматли хислатларини шакллантириш мумкин. Масалан, сабот-матонат ва ўз-ўзини тута билиш хислатини нерв системасининг типи шиддатли бўлган болаларда ҳам, ёки нерв системасининг типи вазмин бўлган болаларда ҳам тарбиялаш мумкин ва тарбиялаб бўлади. Бироқ биринчи ҳол болаларни тарбиялаш иккинчи ҳолдагиларни тарбиялашга қараганда қийинроқ бўлади. Ҳар иккала ҳолда керакли сифатларни тарбиялаш йўллари ва усуллари ҳам турлича бўлади.

Иккинчидан, табиий хусусиятлар одамнинг бирор соҳада эришган ютуқлари даражасига ҳам таъсир қилиши мумкин. Масалан, қобилият туғма индивидуал фарқлар мавжуд. Шу сабабли баъзи одамлар бошқа одамлардан маълум бир фаолиятни эгаллаш имконияти жиҳатидан устун туришади. Базида эса аксинча, бирор-бир фаолият турини эгаллаш имконияти жиҳатидан эса улардан ортда қолишлари мумкин. Мана шу маънода олганда, одамлар ўз қобилиятларини баробар ривожлантириш имкониятига

эга эмаслар. Гарчи табиий кўринишлар ўқувчиларнинг психик ривожланиши учун маълум аҳамиятга эга бўлса ҳам (шу сабабли, масалан, таълим жараёнида айрим ўқувчилардан бошқа ўқувчиларга нисбатан кўпроқ,зўр бериш талаб қилинади, айрим ўқувчига ўқитувчи кўпроқ куч сарфлайди, эътибор беради ва кўпроқ вақт ажратади), бу кўринишларнинг ўзи психик тараққиётда ҳал қилувчи роль ўйнамайди.

Турли йўналишга эга бўлган психологлар, бир томондан, таълим ва тарбия, иккинчи томондан эса ривожланиш ўртасидаги ўзаро муносабат муаммосини кенг доирада муҳокама қилмоқдалар.

Ривожланиш деганда, одатда ҳодисаларнинг ҳар икки тури тушунилади ва бу тушунчалар бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир: 1) миянинг биологик, органик етилиши, унинг анатомик-физиологик тузилиши жиҳатидан етилиши; 2) психик (ақлий) ривожланишнинг маълум ўсиш даражалари, ўзига хос ақлий етилиш сифатидаги психик ривожланиши, ўз-ўзидан маълумки, ақлий ривожланиш мия тузилишининг биологик етилиши билан боғлиқдир ва бу хусусият таълим-тарбия ишларида, албатта, ҳисобга олиниши лозим, чунки таълим миянинг органик жиҳатдан етилишини инкор эта олмайди. Бироқ мия бузилишининг органик жиҳатдан етилишини муҳитга, таълим-тарбияга мутлақо боғламаган ҳолда ўзининг қатъий биологик қонунлари асосида содир бўлади, деб бўлмайди. Муҳит, таълим-тарбия ва тегишли машқ, мия тузилишининг органик жиҳатдан етилишига ёрдам беради.

Бу жараёнда таълим қандай мавқега эга? Таълим ривожланишга нисбатан етакчи вазифани бажарадими ёки аксинча? Бу муаммонинг ҳал қилиниши таълим жараёнининг мазмуни ва методикасини, ўқув дастурлари ва дарсликларнинг мазмунини белгилаб беради.

Психология фанида ёш даврларини табақалаш бўйича турлича усуллар мавжуд. Бу инсон шахсини тадқиқ қилишга турли нуқтаи назардан ёндашиш ва муаммонинг моҳиятини турлича ёритиш имконини беради.

Маълумки, ҳар бир давр ўзининг муҳим ҳаётий шароитлари, эҳтиёжлари ва фаолияти, ўзига хос қарама-қаршиликлари, психикасининг сифат хусусиятлари ва психик жиҳатдан характерли сифатларнинг ҳосил бўлиши билан ажралиб туради. Ҳар бир давр ўзидан олдинги давр томонидан тайёрланиб, унинг асосида шаклланиши ва ўз навбатида, ўзидан кейинги даврнинг пайдо бўлиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Шу ўринда психологияда мавжуд ёш даврларини табақалаш назарияларига урғу бериб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Швецариялик психолог Ж.Пиаженинг ақл-идрок назарияси ақл-идрок функциялари ҳамда унинг даврлари ҳақидаги таълимотни ўз ичига олади. Ақл-идрокнинг асосий вазифалари, мослашиш ва кўникишдан иборат бўлиб, бу унинг доимий вазифалар туркумини ташкил этади.

Муаллиф бола ақл-идрокини қуйидаги психик ривожланиш даврларига таснифлайди:

1. Сенсомотор интеллекти – туғилгандан 2 ёшгача;
2. Операциягача тафаккур даври – 2 ёшдан 7 ёшгача;

3. Аниқ операциялар даври – 7,8 ёшдан 11, 12 ёшгача;

4. Расмий операциялар даври.

Француз психологи А.Валлон эса ёш даврларини қуйидаги босқичларга ажратади:

1) ҳомиланинг она қорнидаги даври;

2) импульсив ҳаракат даври – туғилгандан 6 ойликкача;

3) ҳис-туйғу даври (эмоционал) – 6 ойликдан 1 ёшгача;

4) сенсомотор (идрок билан ҳаракатнинг уйғунлашуви) даври – 1 ёшдан 3 ёшгача;

5) персонологизм (шахсга айланиш) даври – 3 ёшдан 5 ёшгача;

6) фарқлаш даври – 6 ёшдан 11 ёшгача;

7) жинсий етилиш ва ўспиринлик даври – 12 ёшдан 18 ёшгача.

Рус психологиясидаги ёш даврларини табақалаш муаммоси дастлаб Л.С.Виготский, П.П.Блонский, Б.Г.Ананьев сингари йирик психологларнинг асарларида ўз аксини топа бошлаган. Кейинчалик бу муаммо билан шуғулланувчилар сафи ортиб борди, шу боис ёш даврларини таснифлаш муаммоси ўзининг келиб чиқиши, илмий манбаи, ривожланиш жараёнларига ёндашилиши нуқтаи назаридан бир-биридан кескин фарқ қилади, Ҳозирги вақтда ёш даврларини табақалаш юзасидан мулоҳаза юритишда олимларнинг илмий қарашларини муайян гуруҳларга ажратиш ва уларнинг моҳиятини очиш мақсадга мувофиқдир.

Л.С. Виготский психологларнинг ёш даврларини табақалаш назарияларини танқидий таҳлил қилиб, муайян ривожланишни вужудга келтирувчи руҳий янгиланишларга таяниб, ёш даврларини қуйидаги босқичларга ажратади:

1. Чақалоқлик даври инқирози.

2. Гўдаклик даври - 2 ойликдан 1 ёшгача, бир ёшдаги инқироз.

3. Илк болалик даври – 1 ёшдан 3 ёшгача – 3 ёшдаги инқироз.

4. Мактабгача давр – 3 ёшдан 7 ёшгача – 7 ёшдаги инқироз.

5. Мактаб ёши даври – 8 ёшдан 12 ёшгача – 13 ёшдаги инқироз.

6. Пубердат (жинсий етилиш) даври - 14 ёшдан 18 ёшгача, ёшдаги инқироз.

Л.С. Виготский ўзининг ёш даврларини табақалаш назариясини илмий асослаб, таърифлаб бера олган. Олим энг муҳим психик янгиланишлар ҳақида илмий ва амалий аҳамиятга молик мулоҳазалар билдирган. Бироқ, бу мулоҳазаларда анча мунозарали, баҳсли ўринлар ҳам мавжуд. Умуман Л.С. Виготскийнинг ёш даврларини табақалаш назарияси илмий тарихий аҳамиятга эга, унинг ривожланишни амалга оширувчи инқирозлар тўғрисидаги олға сурган мулоҳазали ғоялари ҳозирги куннинг талабларига мосдир.

Д.Б.Эльконинниng таснифи етакчи фаолият (А.Н.Леонтьев) назариясига, ҳар қайси ривожланиш палласида бирор фаолиятнинг устунлик қилиши мумкинлигига асосланади. Етакчи фаолиятнинг инсон шахс сифатида камол топишидаги роли, назариянинг асосий моҳиятини ташкил қилади.

Д.Б.Эльконин ёш даврларини қуйидаги босқичларга ажратишни лозим тошди:

1. Гўдаклик даври – туғилгандан 1 ёшгача – етакчи фаолият –бевосита эмоционал мулоқот;

2. Илк болалик даври – 1 ёшдан 3 ёшгача – етакчи фаолият – предметлар билан нозик ҳаракатлар қилиш;

3. Мактабгача давр – 3 ёшдан 7 ёшгача - ролли ўйинлар;

4. Кичик мактаб ёши даври – 7 ёшдан 10 ёшгача - ўқиш;

5. Кичик ўсмирлик даври – 10 ёшдан 15 ёшгача - шахснинг интим (дилкаш, самимий) мулоқот;

6. Катта **ўсмир**лик ёки илк ўспиринлик даври – 16 ёшдан 17 ёшгача; - етакчи фаолият - ўқиш, касб танлаш даври.

Д.Б. Эльконин таснифи кўпчилик психологлар томонидан эътироф этилса-да, бироқ унинг бирмунча мунозарали томонлари мавжуд. Умуман, олимнинг мазкур назарияси психология фанида, айниқса, ёш даврлари психологиясида муҳим урин тўтади.

Болалар психологияси фанининг йирик намояндаси А.А. Люблинская инсон камолотини ёш даврларга ажратишда фаолият нуқтаи назаридан ёндашиб, қуйидаги даврларни атрофлича ифодалайди;

1. Чақалоқлик даври – туғилгандан бир ойликкача;

2. Кичик мактабгача давр – 1 ойликдан 1 ёшгача;

3. Мактабгача тарбиядан аввалги давр – 1 ёшдан 3 ёшгача;

4. Мактабгача тарбия даври – 3 ёшдан 5 ёшгача;

5. Кичик мактаб ёши даври – 7 ёшдан 11, 12 ёшгача;

6. Ўрта мактаб ёши даври (**ўспирин**) – 13 ёшдан 15 ёшгача:

7. Катта мактаб ёши даври – 15 ёшдан 18 ёшгача.

Педагогик психологиянинг таниқли намояндаси Б.А. Крутецкий инсоннинг онтогенетик камолотини қуйидаги босқичлардан иборатлигини таъкидлайди:

1. Чақалоқлик (туғилгандан 10 кунликкача);

2. Гўдаклик (10 кунликдан 1 ёшгача);

3. Илк болалик (1 ёшдан 3 ёшгача);

4. Боғчагача давр (3 ёшдан 5 ёшгача};

5. Боғча ёши (5 ёшдан 7 ёшгача);

6. Кичик мактаб ёши (7 ёшдан 11 ёшгача);

7. Ўсмирлик (11 ёшдан 15 ёшгача);

8. Илк ўспиринлик ёки катта мактаб ёши (15 ёшдан 18 ёшгача). Юқоридаги ҳар иккала тасниф пухталиги, уларга қандай нуқтаи назардан ёндашилганлигидан қатъи назар инсон камолотини тўла ифодалаб беришга ожизлик қилади.

Мазкур назариялар инсоннинг шахс сифатида шаклланиш босқичлари ҳақида кўпроқ маълумот беради, холос. Уларда ёшлик, етуклик қарилик даврларининг хусусиятлари, қонуниятлари туғрисида назарий ва амалий маълумотлар етишмайди. Шунга қарамай, улар мактаб педагогик психология фани учун алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳозирги замон психологиясининг йирик вакили А.В. Петровский инсон камолоти, шахснинг таркиб топишига ижтимоий-психологик нуҳтаи назардан ёндашиб, шахснинг шаклланишини қуйидаги босқичларда амалга ошишини таъкидлайди:

1. Илк болалик (мактабгача тарбия ёшидан олдинги давр) - туғилганидан 3 ёшгача.

2. Болалик даври – 3 ёшдан 7 ёшгача.

3. Кичик мактаб ёши даври – 7 ёшдан 11 ёшгача.

4. Ўрта мактаб ёши (**ўсмир**лик) даври – 11 ёшдан 15 ёшгача.

5. Юқори синф ўқувчиси (илк ўспиринлик) даври – 15 ёшдан 17 ёшгача.

А.В. Петровскийнинг таснифи мукаммал бўлса-да, камолотнинг оралиқ босқичлари, уларнинг ўзига хос хусусиятларини ифодаламайди. Ваҳоланки, ўсиш ижтимоий қоидаларга мувофиқми ёки аксинча, қандай бўлишидан қатъи назар, ҳар иккала йўналишнинг ҳам оралиқ жабҳалари бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Маълумки, ҳар бир ёш давр, ўзига хос хусусиятлар билан белгиланади, буларга: оилада ва мактабда бола ҳолатининг ўзгариши, таълим ва тарбия шаклларининг ўзгариши ҳамда боланинг янги фаолият турлари, организмдаги айрим хусусиятларнинг етилиши сингари жараёнларни киритиш мумкин.

Ҳозирги замон психологиясида ёш даврларини шу нуқтаи назардан табақалаш мақсадга мувофиқдир:

1. Илк болалик даври – туғилгандан 3 ёшгача;

2. Боғча даври – 3 ёшдан 6, 7 ёшгача;

3. Кичик мактаб ёши даври – 6, 7 ёшдан 10, 11 ёшгача;

4. Ўрта мактаб ёши (**ўсмир**лик даври) – 10, 11 ёшдан 14, 15 ёшгача;

5. Илк ўспиринлик (мактаб ва лицей ўқувчилари) 14, 15 ёшдан 17, 18 ёшгача.

Умуман, психологлар томонидан ёш даврларини табақалаштиришнинг пухта, илмий-методологик негизга эга бўлган қатор назариялари ишлаб чиқилган. Ҳозирги кунда улар онтогенетик қонуниятларни ёритишга катта ҳисса қўшиб, унинг назарий ва амалий муаммоларини ҳал қилишда муҳим ўрин эгаллаб келмоқда. Бироқ, шундай бўлса-да, ҳозир онтогенезни тўла ёритишга хизмат қила оладиган назарияни яратиш зарурати мавжуддир.

ТАКРОРЛАШ ВА МУҲОКАМА ҚИЛИШ УЧУН САВОЛЛАР.

1. Психик тараққиётнинг омиллари, шартлари ва ҳаракатлантирувчи кучлари ҳақида маълумот беринг?
2. Психик тараққиёт ва таълимнинг ўзаро муносабати дейилганда нимани тушунасиз?
3. Психик тараққиёт қонуниятлари нималардан иборат?
4. Етакчи фаолият дейилганда нимани тушунасиз?
5. Ёш даврларини таснифлаб беринг?
6. Ёш даврларини табақалаш ҳақидаги турли назариялар ҳақида маълумот беринг?
7. Болалар психологияси предмети.
8. Болалар психологиясининг методлари.
9. Болалар психологияси фанида кузатишнинг қандай турлари қўлланилади?
10. А.Геззелнинг етилиш назариясида тадқиқот методлари қайсилар?
11. К.Бюлернинг 3 босқичли назариясида тадқиқот методлари қайсилар?

Топшириқлар

a. Болалар тараққиёти характеристикаси билан боғлиқ тадқиқотларни олиб борган, маҳаллий психологлар томонидан шакллантирилган даврларнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилинг.

b. Келтирилган хулосалар ва вазиятлар бўйича мисоллар келтиринг.

c. Болалар ривожланиши характеристикасини тасвирловчи юқоридаги мисоллардан қандай таклифлар ва тавсияларни шакллантириш мумкин, деб ўйлайсиз?

IX БОБ. ОНТОГЕНЕЗНИНГ ИЛК БОСҚИЧЛАРИДА ИНСОННИНГ ПСИХИК РИВОЖЛАНИШИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАР

9.1 §. ОНТОГЕНЕЗ ДАВРИДАГИ ПСИХОФИЗИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАР

Боланинг она қорнида пайдо бўлгандан туғилгунга қадар бўладиган ўзгаришлар ҳомиланинг перинатал ички ривожланишини ташкил этади. Ҳар бир давр она қорнида бўлажак фарзанднинг ривожланиш босқичига тегишли атама билан номланади. Она қорнида ривожланиш ўртача 38 ҳафта давом этади ва 3 босқичга, яъни зигота босқичи, эмбрион босқичи ва ҳомила босқичига бўлинади. Зигота босқичи (1-2 ҳафталик). Биринчи ҳафтанинг охирига келиб, зигота онанинг қон томирлари билан бирлашади, бу ҳодиса имплантация деб аталади. Имплантация жараёнининг тугалланиши учун икки ҳафта керак бўлади, шундан сўнг гармонал ўзгаришлар бошланади, бу ҳайз кўришнинг вақтинчалик тўхташига олиб келади, аёл кишига бу белги унинг ҳомиладорлигидан дарак беради. Зиготанинг айлана ўлчамлари 1 ммдан камроқ бўлади, унинг ҳужайралари бўлинишни бошлайди. Ҳомила танаси муртак диски ҳужайраларидан ривожланади, бу босқичда муртак диски зигота марказида жойлашган ҳужайралар тўплами кўринишида бўлади. Бошқа ҳужайралар ривожланаётган организмни ҳимоя қилувчи ва озиқлантирувчи асосли тўқималарни ҳосил қилиши зарур. Имплантация ва ҳужайраларнинг ажралиб ҳосил бўлиши зигота босқичининг тугалланиши белгилари бўлиб ҳисобланади. Зигота 36 ҳафта давомида муртакдан бола туғилишигача бўлган йўлни босиб ўтишга тайёр ҳолга келади. Эмбрион босқичи (3-8 ҳафта). Бу она қорнида ривожланишнинг янги эмбрионал даври одатда муртак ҳосил бўлгандан кейин учинчи ҳафтадан бошланиб, саккизинчи ҳафтанинг охиригача давом этади. Бу вақт давомида тана тузилиши ва ички органлар ривожланади. Давр бошида эмбрионда уч қават ҳужайралар тикланади. Ташқи қаватда эктодермадон сочлар, терининг ташқи қавати ва нерв тизими ривожланади. Ўрта қаватда мезодермадон, мускуллар, суяклар ва қон томирлари тизими ҳосил бўлади. Ички қаватда ёки эндодермадон овқат ҳазм қилиш тизими ва ўпкалар ривожланади. Уч ҳафталик эмбрион билан саккиз ҳафталик эмбрион солиштирилганда унинг кўринишида сезиларли ўзгаришларни кўришимиз мумкин. 3 ҳафталик эмбрион узунлиги 2 миллиметрдан ошмайди. Ҳужайраларнинг даражаларга бўлиниши бошланиб, организм кўпроқ саламандрани эслатади. Ўсиш ва ривожланиш тезлик билан амалга ошади, 8 ҳафталик эмбрионда кўзлар, оғиз, қўл ва оёқларни кўриш мумкин, мия ва нерв тизими ҳам жуда тез ривожланади, эмбрион юраги бир ой аввал ўз фаолиятини бошлаб юборган бўлади.

Эмбрионда одамга хос органлар у ёки бу шаклда мавжуд бўлади, лекин унинг ўлчамлари онага сезиларли даража бўлмайди. Эмбрионга амнион суюқлиги билан тўлган амнион қобиғи жойлашади. Амнион қобиғи эмбрионни ҳимоя қилиб, доимий ҳароратини таъминлаб туради. Эмбрион она билан икки тизимча орқали боғланган. Киндик тизимчаси эмбрионни йўлдош билан боғловчи қон томирларидан иборат. Йўлдошга қон томирлар

киндик тизимчаси орқали онанинг қон томирларигача етиб боради, лекин бевосита улар билан бирлашмайди.

Қон киндик қон томирларининг бармоқсимон ўсимталари–қилчалар орқали оқади. Қилчалар она қон томирларига бевосита яқин жойлашган, бу витаминларнинг ўтиши, шунингдек, она қорнига алмашинув маҳсулотларининг диффузия механизми ҳисобига ажралиш имконини беради. Тана қисмлари ва организм тизимлари эмбрионал даврда шаклланади ва ҳомила босқичида ўз вазифаларини самарали бажара бошлайди. Тана қисмлари ва ички органлар ҳосил бўлиши билан она қорнида ривожланишнинг иккинчи муҳим босқичи ниҳоясига етади. Органларнинг ўз вазифасини бажара бошлаши навбатдаги охирги босқичга тўғри келади. Ҳомила босқичи(9- 38 ҳафта). Ҳомила босқичи охирги ва энг узоқ давом этадиган босқич бўлиб, тўққизинчи ҳафтасидан бошлаб, туғруқ билан тугалланади. Бу вақтда ҳомиланинг тана ўлчамлари катталашади ва организм тизимлари фаолият юрита бошлайди. 4 ойликдан ҳомиланинг оғирлиги 113,4 граммдан 226,8 граммгача етади. Охирги 5 ойда ҳомиланинг оғирлиги 1984,5 граммдан 2268 граммгача ўлчамлари катталашиб боришини кўриш мумкин.

Бола ҳаётининг ҳар бир ойи унинг жисмоний ва психик имкониятлари шаклланишидаги муҳим даврдир. Икки, уч ойлик бола ҳам янги туғилган чақалоқдан анча фарқ қилади, уч яшар бола эса ўз тараққиёти билан бир яшар боладан бирмунча устун туради. Илк болалик даврда боланинг шахси, характери, хулқ-атвори маълум даражада таркиб топади. Шу сабабли боланинг маълум даврдаги ривожланиши хусусиятларини таҳлил қилганда, бу ривожланишнинг олдинги босқичларда қандай бўлганлигини билиш керак. Бу фақат боланинг ривожланиш жараёнини такомиллаштириш ва тезлаштириш учун эмас, балки ана шу жараённинг бола кучига яраша ва ёш имкониятига мос келадиган бўлишини таъминлаш учун ҳам керакдир. Бола психикаси тараққиётининг мана шу кўрсатилган даврлари умуман қабул қилинган бўлса ҳам, бу даврларни абсолют давр деб ҳисоблаш мумкин эмас. Ёш даврларига ажратишда қатъий чегара йўқ. Ҳеч ким йил фаслларининг алмашинув ойи ва соатини кўрсата олмаганидек, одам ҳаётининг даврлари ўртасидаги чегарани ҳам аниқ ажратиш мумкин эмас. Шунинг учун юқоридаги даврларга ажратишни абсолют деб бўлмайди.

9.2 §. ЖИСМОНИЙ ВА ПСИХИК ТАРАҚҚИЁТНИНГ КЕЧИШИ

Бола бир ёшгача бўлган даврда жисмоний ва психик жиҳатдан тез ўсади. Бу даврда бола кўп жиҳатдан ожиз бўлиб, катталарнинг доимий ва тўғри парвариш қилишига муҳтождир. Боланинг келгусида соғлом бўлиши ва психик жиҳатдан нормал ўсиши унинг бир ёшгача бўлган даврда тўғри парвариш қилинишига боғлиқ бўлади. Янги туғилган боланинг жисмоний қиёфаси ўзига хос бўлиб, катталарнинг жисмоний қиёфасидан анча фарқ қилади. Янги туғилган бола гавдасининг сондан бўйингача бўлган қисми жуда узун, оёқлари калта, боши нисбатан катта, бўйни қисқа бўлади.

Катта ёшдаги кишининг боши гавдасининг саккиздан бир қисмини, янги туғилган боланинг боши эса гавдасининг тўртдан бир қисмини ташкил этади. Янги туғилган боланинг гавдаси юқори қисми пастки қисмига қараганда анча узун бўлади. Янги туғилган боланинг бўйи ўрта ҳисобда 48-52 см бўлади. Унинг юзи жуда кичкина бўлади.

Гўдак бир минутда 50-60 марта нафас олиб, нафас чиқаради. Аммо катта ёшдаги киши эса бир минутда 16-14 марта нафас олади. Янги туғилган боланинг нафас олиш йўли ҳали жуда тор бўлади. Бундан гўдакнинг дастлабки кунларда тоза ва соф ҳавога, айниқса, муҳтож эканлиги равшан кўриниб туради. Бола ўрнига ўнғай ҳолатда ётқизилмаса, қисиб йўргакланса, унинг нафас олиши учун қўшимча кийинчилик юзага келади. Агар бола гўдаклик даврида нотўғри парвариш қилинса, унинг скелетидаги турли қисмлар турлича, баъзан боланинг бирор ери қийшиқ бўлиб ўсиши мумкин. Кўпинча бундай қийшиқ ўсиш умуртқасида содир бўлади,чунки умуртқа суяги жуда элатсик ва юмшоқ бўлади. Бир ёшгача бўлган даврда боланинг жисмоний қиёфасида катта ўзгаришлар рўй беради. Унинг вазни ва бўйи сезиларли ўзгаради. Кейинроқ бориб, вазнининг ортиши бир мунча секинлашади ва ёши қанчалик улғайса, вазнининг ортиши шунча секинлашади. Бола бир ёшгача унинг вазни тахминан 6 кгга ортса (бир ёшли болада вазн тахминан 9 кг бўлади.), кейинги 2 йил давомида яъни бир ёшдан уч ёшгача унинг вазни 5 кг га ортади.(3 ёшли боланинг вазни тахминан 14 кг бўлади.) Бола бир ёшга тўлгунча, унинг гавда қисмларининг нисбатида ҳам катта ўзгаришлар рўй беради. Унинг қўл-оёқлари, айниқса оёғи тез ўсади. Кўкрак қафаси узаяди, кўкрак қафасининг ҳажми кенгаяди, бўйни узаяди, боши гавдасига нисбатан кичикроқ бўлиб қолади.

Бола бир ёшга тўлиш олдидан унинг жисмоний ўсиши атроф-теваракдаги шароитга анча мослашиб қолади ва ташқи муҳитнинг ноқўлай таъсирига камроқ бериладиган бўлади.

Маълумки, боланинг психикаси, хулқ-атвори катта ёшдаги кишининг психикасидан анча фарқ қилади. Бунинг сабаби шуки, бола психикасининг моддий негизи бўлган нерв системаси ўзига хос хусусиятга эгадир.

Боланинг, айниқса, туғилганига бир неча ойгина бўлган бола нерв системасининг қуйи бўлимлари катта ёшдаги кишилар нерв системасининг қуйи бўлимларига қараганда беқиёс катта роль ўйнайди. Нерв системасининг қуйи бўлимлари анча илгари пайдо бўлади ва тезроқ етилади. Шартсиз рефлекслар нерв системасининг мана шу қисмлари орқали вужудга келади. Шу туфайли чақалоқнинг дастлабки тамшаниш, ютиш, сўлак чиқариш ва шу каби рефлекслари қондирилади.

9.3 §. ИЛК БОЛАЛИК ДАВРИДА ПСИХОФИЗИОЛОГИК РИВОЖЛАНИШ

Бола туғилганиданоқ унда бир қатор анализаторлар нормал яхшилаб туради. Бадан анализатори ана шулар жумласидандир. Янги туғилган бола баданининг сезгирлиги катта ёшдаги киши баданининг сезгирлигидан кучлироқ бўлади. Шу сабабли янги туғилган болага баданига қаттиқ ботмайдиган кийимлар кийдириш керак. Танасига тегилса, бола турли ҳаракатлар билан жавоб беради. Тўғри бу ҳаракатларнинг кўпчилиги тартибсиз тарзда, лекин жуда муайян шартсиз рефлектор реакциялар ҳам бўладики, бундай реакциялар фақат янги туғилган болаларгина хос характерли реакциялардир. Чақалоқнинг лабига тегишингиз билан унда дарҳол эмиш ҳаракатлари содир бўлади. Кафтига қўлингизни тегизсангиз, у бармоқларини юмиб олади. Чақалоқни кўтарсангиз ҳам у қўлига ушлаб олган бармоқларингизни қўйиб юбормайди.

Робинзон рефлекси деб аталувчи бундай рефлекс бола бир неча ҳафталик бўлганида пайдо бўлади ва у икки ойга тўлганидан кейин йўқ бўлиб кетади. Бола туғилган кундан бошлаб, тъам билиш анализатори ишлай бошлайди. Янги туғилган бола ширинликни, аччиқни, нордонни, шўрни сезади. Чақалоққа бирор нарсанинг мазаси ёқмаса, афтини бужмайтиради. Бола таъми ёқмаган нарсадан тотинмасликка ҳаракат қилади, яъни юзини ўгиради. Бола туғилгандан бошлаб, унинг ҳид билиш анализатори нормал ишлай бошлайди ва шу туфайли ҳидни фарқ қила бошлайди. Таъм билиш ва ҳид билиш анализаторларининг фаолияти боланинг овқатга бўлган муҳим эҳтиёжни қондириш билан чамбарчас боғланган.

Кўриш анализаторининг такомиллашмаганлиги шу нарсада ҳам намоён бўладики, бола туғилганидан кейин дастлабки вақтда унинг кўз тўр пардасидаги марказий қисмларгина сезиш қобилиятига эга бўлади. Кўз пардасида эса рангни ажратиш аппарати бор. 6 ойлик бўлганида бола асосий рангларни ва энг оддий шаклдаги нарсаларни фарқлай бошлайди. Эшитиш ва кўриш анализаторларининг фаолияти мукаммал эмаслигининг сабаби шундаки, бола туғилган пайтида унинг бош мия пўсти ҳали етарли равишда ривожланмаган бўлади, анализаторларнинг марказий қисмлари эса бош мия пўстида жойлашган.

Бола ўса борган сари унда жуда кўп янги шартли рефлекслар пайдо бўлади. Бу шартли рефлекслар тобора мураккаблашиб, бола психикасининг ўсишида физиологик негиз бўлиб қолади. Боланинг бир ёшлик даври психикасининг тез суръатлар билан ўсиши давридир. Бола туғилган кунларда унинг фаолияти фақат энг зарур эҳтиёжларни қондириш билан чекланади. Янги туғилган бола суткасига 20 соатга яқин ухлайди. Фақат қорни оч қолганида, чанқаганида, совуқни сезганида уйғонади. Эҳтиёжи қондирилганидан кейин яна уйқуга кетади. Бу даврда ухлашни боланинг нормал ҳолати дейиш мумкин. Узоқ ухлаш туфайли бола энергиясининг асосий қисми унинг тез ўсишига ва жисмоний жиҳатдан чиниқишига сарф

бўлади, чунки юқорида айтиб ўтилганидек, бола туғилганидан кейинги дастлабки вақтларда жисмоний жиҳатдан айниқса тез ўсади. Бола тобора камроқ ухлайдиган бўлади ва атрофдаги нарсаларнинг таъсирига кўпроқ қизиқадиган бўлади. Бир ойлик бола нарсаларнинг ҳаракатига қараб, бошини буриши мумкин, иккинчи ойга ўтганда у товуш келган томонга қараб бошини буради, кейинроқ эса овозни эшитиб, гапирган кишини кўзи билан қидира бошлайди. Боланинг мияси тобора кўпроқ таассурот оладиган бўлиб қолади, бу эса янада ривожланишга ёрдам беради.

Бу вақтларга келиб болада ҳамма анализаторларнинг шартли рефлекслари мутсаҳкамланади. Айрим бир бутун қилиб боғлайдиган шартли рефлекслар вужудга келиши натижасида бола нарсани яхлит ҳолида идрок қиладиган бўлиб қолади. У теварак-атрофдаги нарсаларни идрок қила бошлайди. Чунончи, бола туғилгандан бошлаб, онасининг овозини эшитади. Баданига онасининг қўли текканини сезади, онасининг юзини кўради.

Боланинг идроки билан ҳаракатлари ўртасидаги боғланиш тобора мутсаҳкамроқ бўла боради. Бола актив ҳаракат қилиш орқали ўзининг хилма-хил ҳаракатлари билан теварак-атрофидаги нарсаларни билиб олади.

Болада ихтиёрсиз диққат ҳам ўсади. Бола туғилган пайтларда унинг эътиборини асосан ўзининг органик эхтиёжларини қондирадиган нарсалар жалб қилар эди. Энди боланинг диққатини унга яқинроқ бўлган хилма-хил нарсалар жалб қилади. Ҳаракатда бўлган, товуш чиқарадиган нарсалар боланинг диққатини кўпроқ жалб қилади.

Бу янги ҳаракатларнинг пайдо бўлиши боланинг теварак-атрофдаги нарсаларни билишини янада активлаштиради. Бола ўзининг қўлларини, бошини тимискилаб, ушлаб кўради. Оёғини қўли билан ушлаб, оғзига тортади. Ўзига яқин турган нарсага қизиқиб қарайди, қўл узатиб, уни ушлаб олади. Бундай ҳаракатларни қила олиш болани қувонтиради, у оёқларини питирлатади, кулади, гув-гувлайди. Ушлаб олган нарсасини силкитиб кўради, сўнгра уни оғзига солмоқчи бўлади.

9.4 §. ИЛК БОЛАЛИК ДАВРИДА АҚЛИЙ РИВОЖЛАНИШ

Бола уч-тўрт ҳафталик бўлганидаёқ, унда ҳаракат хотирасининг дастлабки кўринишлари пайдо бўлади. Биринчи шартли рефлекснинг вужудга келиши ана шундан далолат беради. Агар болани эмизган вақтидагидек қўлига олинса, у тамшаниб, эмишга ҳаракат қилади. Бола ҳаракатининг ўса бориши билан унинг ҳаракат хотираси ҳам ўсади. Уч-тўрт ойлик болада яққол образли хотира пайдо бўлганлигини кўрамиз.

Катталарнинг айтган сўзларини тушуниш болада хотиранинг ўсиб бораётганлигини кўрсатади. Олти-етти ойлик бола оти айтилган нарсани билади ва уни кўрсатиб беради.

Беш ойлик бола ёнбошлаб ағдарилиши, сўнгра эса қорнини ерга бериб ёта олиши мумкин. 7-8 ойлик бола одатда тўшакни ёки бошқа бир нарсани ушлаб тик тура олади. Энди мураккаброқ ҳаракатлар қила

бошлайди. Тўшакнинг сеткасини ушлайди, сўнгра унга осилиб чўккалаб туради. Олдинги бир оёғини қўйиб олади ва ниҳоят, ўрнидан туради.

Жисмоний жиҳатдан яхши ўсган бола 9-10 ойлик бўлганидан юра бошлайди. Дастлаб бола бирор нарсани ушламай, ўзи мустақил равишда тик туради, қийинчилик билан бўлса ҳам, ўз мувозанатини сақлайди. Сўнгра қўрқа-писа биринчи қадамларини қўйиб алпиниб-толпиниб юра бошлайди.

Бола 6 ойга тўлганидан кейин ҳали гапирмаса ҳам, лекин унда нутқсиз тафаккур элементлари пайдо бўлади. Аслини олганда, бола бирор нарсани ёки кимсани танишни ўрганган вақтдан бошлаб унда тафаккур элементлари бўлади. Ҳар бир нарсани таниб олиш ўтган тажриба асосида шу нарсани фикрлашни тақозо қилади. Бола бирор янги нарсани билиши билан уни илгари кўрган нарсалари билан таққослайди, уларнинг бир-бирига ўхшашлигини ёки бир-биридан фарқини белгилаб олади. Нутқ пайдо бўлиши ва ўсиши билан боланинг тафаккури янада ўсади.

Бола нутқининг ўсиши учун керакли асос унинг гўдаклик даврида вужудга келади. Чинакам нутқ гўдаклик давридан ўтгандан кейин шаклланади, лекин шунга қарамай, гўдак болада нутқнинг дастлабки белгилари унинг психикасини ўстиришда жуда катта роль уйнайди.

Бола 8 ойлик бўлганида катталарнинг гапини тушуна бошлайди. Датслаб у интонация ва мимикага кўпроқ эътибор беради. Интонацияни, яъни овоз оҳангини ўзгартириш биланоқ, бола катталарнинг гапини тушунмай қолади.

Тўғри, бир ёшга тўлгунча боланинг сўзлари ўзига хос бўлади, асосан тақлид тариқасидаги ва товушга тақлид қилиб айтилган сўзлар бўлади.

Бола нутқининг бундан кейинги ўсиши кўп жиҳатдан катталарнинг гапига тақлид қилиш йўли билан боради. Бола катталарнинг сўзига тақлид қилиб, янги сўзларини ўрганиб олади, шу сўзларни жумла тариқасида боғлаб ифодалашни ўрганади. У катталар билан гаплашиш ва муомала қилиш йўли билан янги-янги сўзларни ўргана боради. Бола бир ёшга тўлгунча нутқ ва тафаккурни эгаллашга биринчи қадамларнигина қўяди. Бола боғча ёшига етгунча, унинг тафаккури ва нутқи янада ўса бошлайди.

Организмнинг ҳаёти ва тараққиёти учун мутлақо зарур бўлган табиий эҳтиёжлар туфайли болада дастлабки ҳислар пайдо бўлади ва дастлабки пайтларда унинг ҳислари шу табиий эҳтиёжлар доираси билан чекланади.

Тўйиш ёки очлик, иссиқлик ёки совуқ қотиш, қаноатланиш, роҳатланиш ёки норозилик туғдиради. Булар боланинг туғма ҳислари бўлиб, бу ҳисларнинг физиологик асоси, табиий, ўз-ўзидан сақлаш шартсиз рефлекслари кўринишларнинг ҳиссий формасидир.

Туғилгандан кейин дастлабки ойларда болада чўчиш ҳисси ҳам пайдо бўлади. Бола гавдасининг ҳолати тўсатдан ўзгартирилса, тўсатдан биров бақириб юборса ёки бирор нарса тақиллаб кетса, бола биғиллаб йиғлай бошлайди. Нафаси қисилиб қолади. Мимика характерли тусга киради. Физиологик жиҳатдан қараганда боланинг бу ҳолатини шу билан изоҳлаш мумкинки, бу ҳолат бош мия пўстида тормозланиш жараёнининг кенг ёйилганлигини ифодалайди, бунинг натижасида бош мия пўстининг

тартибга солувчи фаолияти тўхтаб қолади ва энди боланинг ҳаракатини нерв системасининг қуйи бўлимлари бошқаради.

Боланинг ҳаракатини сиқиб қўйиш унда норозилик ва ҳатто ғазаб ҳиссини туғдиради. Аксинча, боланинг актив фаолиятда бўлиши учун имконият берадиган ҳаракат эркинлиги, унга ҳузур бахш этади, уни қувонтиради. Бола янги нарсага қизиқиб қарайди, сўнгра уни қўли билан ушлаб кўрмоқчи бўлади, ўйинчоқларни ўйнайди, ўйинчоқларни ташлаб юбориб, уларнинг тақиллаб тушган товушини эшитиб ҳузур қилади.

Гўдак даврида болада келажак ирода жараёнларининг бошланғич элементлари пайдо бўлади. Биз бу ерда тўла маънодаги ирода жараёнлари тўғрисида ҳали гапира олмаймиз. Булар ирода жараёнларининг фақат айрим элементлари бўлса ҳам, лекин бола иродасининг ўсиши катта аҳамиятга эга.

Бола 6 ойга тўлганидан кейин унинг ҳаракатларида катталарнинг ҳаракатларига тақлид қилиш катта роль ўйнайдиган бўлиб қолади. Бу вақтда бола ўз ҳаракатларининг мақсадини унчалик англай олмайди. Олдинига англаб, сўнгра ҳаракат қилмайди, балки ҳаракат билан мақсад айни вақтда пайдо бўлади. Бир ёшга тўлиш олдидан боланинг нутқи ўса борган сари ақли ҳам тез орта боради. Натижада иродавий жараёнларнинг янада тараққий этишига йўл очилади. Энди у ўз ҳаракатларининг мақсадини яхшироқ англайдиган бўлиб қолади, катталарнинг айтганини қилади, унчалик мураккаб бўлмаган илтимосларини бажаради. Мана шуларнинг ҳаммаси ироданинг ўсишига ёрдам беради. Бола бир ёшга етгунча унда дастлабки ҳам ижобий, ҳам салбий одатлар пайдо бўлади. Муайян вақтда эмишга одатланиш жуда эрта пайдо бўлади. Бола 6 ойга тўлганидан бошлаб, ювинишга одатланади. Шу билан бир қаторда, болада салбий одатлар ҳам «қўлга ўрганиш», фақат тебратгандагина ухлаш, бармоғини оғзига солиб сўриш каби салбий одатлар ҳам жуда эрта пайдо бўлади. Шартли рефлекслар одатланишнинг физиологик асосидир.

Болада ёшлик чоғидан бошлаб ўзига хос хусусиятлари борлигини кўрамиз. Бу хусусиятлар темперамент билан боғлиқ бўлади. Боланинг ҳаракатчанлиги, таъсирларга тез берилиши, янги ҳаракатларни тез ўрганиб олиши, боланинг кайфияти – мана шуларнинг ҳаммасида бола темпераментининг хусусиятлари сезилиб туради.

Маълумки, темперамент билан боғлиқ бўлган индивидуал хусусиятларга тарбиявий таъсир ўтказиш жуда қийин бўлади. Бироқ боланинг ёшлигидан бошлаб бу иш тўғри йўлга қўйилса, ҳар қандай темпераментли бола характерида ижобий сифатларни тарбиялаш мумкин.

Биринчи давр – янги туғилган чақалоқ (тахминан 2 ойгача бўлган) даврдир. Бу даврда бола жисмоний жиҳатдан ҳали жуда заиф бўлади, шу билан бирга, у жисмоний жиҳатдан ниҳоят даражада тез ўсади ва ривожланади. Бу даврда энг асосий вазифа, болани парвариш қилиш, унинг жисмоний жиҳатдан нормал ўсиши ва ривожланишини таъминлаш, уйқу, овқатлантириш ва шу каби соҳаларда режимга риоя қилишдан иборат.

Иккинчи давр – гўдаклик (тахминан икки ойликдан то юра бошлагунча) даврдир. Бу даврда боланинг психикаси ниҳоят даражада тез

ўсади. Катталар бу даврда бола психикасини ўстиришга муттасил ҳаракат қилиши керак. Мана шу икки даврнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, боланинг ўсишида биз юқорида айтиб ўтган жуда катта муваффақиятларга эришмоқ учун бутун шарт-шароитни яратиб бера оламиз.

Шуни алоҳида кўрсатиш жоизки, 1,6-3 ёшлар нутқнинг ривожланиши учун сензитив давр ҳисобланади. Бу давр ақлий ривожланишнинг асосини, идрок ва тафаккур ҳаракатларининг янги кўринишларини ташкил этади. 1 ёшли бола предметларни изчил, системали равишда кўриб чиқа олмайди. У асосан предметнинг қандайдир бир кўзга ташланиб турадиган белгисига ўз эътиборини қаратади ва предметларни шу белгиларига кўра танийди. Кейинчалик янги идрок ҳаракатларининг эгалланиши боланинг предметли ҳаракатларини бажаришдан кўз билан чамалаб, ҳаракат қилишига ўтишда намоён бўлади, энди у предметнинг бўлакларини ушлаб кўрмасдан, балки чамалаб идрок эта олади. 2,5-3 ёшли бола катталарнинг кўрсатган намунаси, ранги, шакли ва катталигига кўра айнан шундай предметларни чамалаб, идрок этган ҳолда тўғри топа олади. Болалар аввал шаклига, сўнгра катталигига ва ундан кейингина рангига қараб ажрата оладилар. Бу жараёнда бола бир хил хусусиятга эга бўлган жуда кўп предметлар мавжудлигини тушуна бошлайди. Лекин, бола расм чизишни бошлаган даврида предметларнинг рангини эътиборга олмайди ва ўзига ёқадиган ранглардан фойдаланади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, 2,5-3 ёшли бола 5-6 та шаклни (доира, квадрат, учбурчак, тўғрибурчак, кўпбурчак) ва 8 хил рангни (қизил, қовоқ сариқ, сариқ, яшил, кўк, сиёҳранг, оқ, қора) идрок этиши мумкин. Ранг ва шаклларнинг мақсадга мувофиқ ишлатилиши жиҳатидан турли хил нарсаларда турлича намоён бўлиши сабабли, бу ёшдаги болалар уларни идрок этганлари билан уларнинг номларини аниқ билишлари ва ўз нутқларида ишлата олишлари бирмунча қийинроқ. Катталарнинг бу ёшдаги болалардан ана шу ранг ва шаклларни эслаб қолишини талаб этишлари бирмунча нотўғридир, бунинг учун мос давр 4-5 ёшлар ҳисобланади.

Илк болалик даврининг бошларига келиб, болада биринчи тафаккур операциялари юзага келади. Буни бола бирор предметни олишда ҳаракат қила олганидан сўнг, уни синчиклаб ўрганишида кўришимиз мумкин. Уларнинг тафаккури, асосан, кўргазмали-ҳаракатли бўлиб, у атроф-оламдаги турли боғлиқликларни ўрганишга хизмат қилади. Ўзидан узоқроқ турган коптокни бирор-бир узунроқ нарса билан итариб юбориш мумкинлигини кўрган бола, энди мустақил равишда диван тагига кириб кетган коптокни таёқча ёрдамида олиш мумкинлигини тафаккур эта олади. Бу даврдаги болалар тафаккурида умумлаштириш катта ўрин тутади. Умумлаштиришда нутқ муҳим аҳамият касб этади. Масалан, соат дейилиши билан бола қўл соатини ёки девордаги осма соатни ҳам тушуниши мумкин. Лекин, улар турлича бўлганлиги боис, уларда умумийликни топиш бола учун бирмунча қийинроқ ҳисобланиб, бу борада фикрлаш ёрдамга келади ва умумлаштиришни ташкил этади.

2-3 ёшли болалар маълум бир предметларнинг ўрнига уларнинг ўрнини босиши мумкин, деб ҳисоблаган бошқа нарсалардан ҳам фойдаланадилар. Масалан, ўйин жараёнида бола қошиқдан ёки термометр ўрнида, ёғочдан ясалган кроватдан машина ўрнида фойдаланиши мумкин. Бир предмет бошқаси ўрнида қўлланилади.

Такрорлаш ва муҳокама қилиш учун саволлар.

1. Чақалоқлик даврида жисмоний ривожланиш хусусиятлари нималардан иборат?
2. Чақалоқлик даврида психологик ривожланиш хусусиятларини сўзлаб беринг?
3. Гўдаклик даврининг психологик хусусиятлари нималардан иборат?
4. Гўдаклик даврида нутқнинг вужудга келиши, когнитив ва перцептив жараёнлар ривожланиши учун шарт-шароитлар ҳақида нималарни биласиз?

“Ақлий ҳужум” технологияси

Чақалоқлик даврида психологик ривожланиш – бу?

3х4 технологияси

Жонланиш комплекси – бу?

Эмоционал тараққиёт – бу?

Гўдаклик даври – бу?

X БОБ. МАКТАБГАЧА ЁШ ДАВРИДА ПСИХИК РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

10.1 §. МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИНГ ПСИХИК ТАРАҚҚИЁТИ

Мактабгача ёш – бу боланинг атроф-оламни фаол ўрганадиган даври. Мактабгача ёшдаги болалар ўзларининг психологик ривожланиш хусусиятларига эга. Юришни бошлаганида, бола жуда кўп кашфиётлар қилади, хонада, кўчада, болалар боғчасида жойлашган нарсалар билан танишади. Турли нарсаларни йиғиш, уларни ўрганиш, предметдан келиб чиққан товушларни тинглаш, бу объектнинг қайси фазилатлари ва хусусиятлари борлигини билади.

Онтогенезда 3 дан 7 ёшгача бўлган давр боғча ёши даври ҳисобланади. Мактабгача ёшдаги болалар психологиясида жуда тез сифат ўзгаришлари бўлишини инобатга олган ҳолда 3 даврга: (3-4 ёш) кичик боғча ёши, (4-5 ёш), ўрта мактабгача давр (ўрта боғча ёши) 6-7 ёш ва катта мактабгача давр катта боғча ёшиларга ажратиш мумкин. Бола ривожланиш жараёнида кишилик авлоди томонидан яратилган предмет ва ҳодисалар олами билан муносабатга киришади. Бола инсоният қўлга киритган барча ютуқларни фаол равишда ўзлаштириб, эгаллаб боради. Бунда предметлар оламини, улар ёрдамида амалга ошириладиган хатти–ҳаракатлар, тил, одамлар орасидаги муносабатларни эгаллаб олиши, фаолият мотивларининг ривожланиши, қобилиятларнинг ўсиб бориши, катта ёшли кишиларнинг бевосита ёрдамида амалга оширилиб борилмоғи керак. Асосан шу даврдан бошлаб боланинг мустақил фаолияти кучая бошлайди. Боғча ёшдаги болаларга бериладиган тарбия, уларнинг мураккаб ҳаракатларини ўзлаштириш, элементар гигиена, маданий ва меҳнат малакаларини шакллантириш, нутқини ривожлантириш ҳамда ижтимоий ахлоқ ва эстетик дидининг дастлабки куртакларини ҳосил қилиш давридир. Машҳур рус педагоги Лесгафтнинг фикрича, инсоннинг боғча ёшидаги даври шундай бир босқички, бу даврда болаларда характер хислатларининг намуналари шаклланиб, ахлоқий характернинг асослари юзага келади. Боғча ёшдаги болаларнинг кўзга ташланиб турувчи хусусиятларидан бири, уларнинг ҳаракатчанлиги ва тақлидчанлигидир. Бола табиатининг асосий қонунини шундай ифодалаш мумкин: бола узлуксиз фаолият кўрсатишни талаб қилади, лекин у фаолият натижасидан эмас, балки фаолиятнинг бир хиллиги ва сурункалилигидан толиқади. Катталар ва тенгдошлари билан бўлган муносабат орқали бола ахлоқ меъёрлари, кишиларни англаши, шунингдек, ижобий ва салбий муносабатлар билан таниша бошлайди. Боғча ёшидаги бола энди ўз гавдасини яхши бошқара олади. Унинг ҳаракати мувофиқлаштирилган ҳолда бўлади. Бу даврда боланинг нутқи жадал ривожлана бошлайди. У янгиликларни эгаллашга нисбатан ўзи билганларини мустаҳкамлашга эҳтиёж сезади. Ўзи билган эртагини қайта-қайта эшитиш ва бундан зерикмаслик, шу даврдаги болаларга хос хусусиятдир. Боғча ёшидаги болаларнинг эҳтиёжлари ва қизиқишлари

жадал равишда ортиб боради. Бу, аввало, кенг доирага чиқиш эҳтиёжи, муносабатда бўлиш, ўйнаш эҳтиёжларининг мавжудлигидир. Боғча ёшидаги болалар нутқини бир мунча тўла ўзлаштирганлари ва ҳаддан ташқари ҳаракатчанликлари туфайли уларда ўзларига яқин бўлган катта одамлар ва тенгдошлари билан муносабатда бўлиш эҳтиёжи туғилади. Улар тор доирадан кенгроқ доирадаги муносабатларга интила бошлайдилар. Улар энди қўни-қўшниларнинг болалари билан ҳам жамоа бўлиб ўйнашга ҳаракат қилади. Ҳамма нарсани билиб олишга бўлган эҳтиёж кучаяди. Боғча ёшидаги бола табиатига хос бўлган кучли эҳтиёжлардан яна бири – унинг ҳар нарсани янгилик сифатида кўриб, уни ҳар томонлама билиб олишга интилишидир. Боғча ёшидаги болалар ҳаётида ва уларнинг психик жиҳатидан ўсишида қизиқишнинг роли каттадир. Қизиқиш худди эҳтиёж каби болани бирор фаолиятга ундовчи омиллардан биридир. Шунинг учун ҳам қизиқишни билиш жараёни билан боғлиқ бўлган мураккаб психик ҳодиса деса бўлади. Боланинг камол топишида қизиқишнинг аҳамияти шундаки, бола қизиққан нарсасини мумкин қадар чуқурроқ билишга интилади ва узоқ вақт давомида қизиққан нарсаси билан шуғулланишдан зерикмайди. Бу эса ўз навбатида, боланинг диққати ҳамда иродаси каби муҳим хислатларни ўстириш ва мустаҳкамлашга ёрдам беради.

10.2 §. БОҒЧА ЁШИДАГИ БОЛАЛАР ЎЙИНИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўйин – мактабгача ёш даврининг фаолияти сифатида. Мактабгача ёшдаги болаларнинг етакчи фаолияти ўйиндир. Боғча ёшидаги болаларнинг ўйин фаолиятлари масаласи асрлар давомида жуда кўп олимларнинг диққатини ўзига жалб қилиб келмоқда. Боғча ёшидаги болалар ўзларининг ўйин фаолиятларида илдам қадамлар билан олға қараб бораётган сермазмун ҳаётнинг ҳамма томонларини акс эттиришга интиладилар. Маълумки, боланинг ёши улғайиб, мустақил ҳаракат қилиш имконияти ошган сари унинг атрофидаги нарса ва ҳодисалар бўйича дунёқараши кенгайиб боради. Боғча ёшидаги бола атрофидаги нарсалар дунёсини билиш жараёнида шу нарсалар билан бевосита амалий мунособатда бўлишга интилади. Бу ўринда шу нарса характерлики, бола билишга ташналигидан атрофдаги ўзининг ҳадди сиғадиган нарсалари билангина эмас, балки катталарга мансуб бўлган, ўзининг кучи ҳам етмайдиган, ҳадди сиғмайдиган нарсалар билан ҳам амалий муносабатда бўлишга интилади. Масалан, бола автомашина ёки трамвайни ўзи ҳайдагиси, ростакам отга миниб юргиси, учувчи бўлиб, самолётда учгиси ва ростакам милиционер бўлгиси келади. Табиийки, бола ўзидаги бундай эҳтиёжларнинг бирортасини ҳам ҳақиқий йўл билан қондира олмайди. Бу ўринда савол туғилади. Болаларнинг тобора ортиб бораётган турли эҳтиёжлари билан уларнинг тор имкониятлари ўртасидаги қарама-қаршилик қандай йўл билан ҳал қилинади? Бу қарама-қаршилик фақатгина биргина фаолият орқали, яъни боланинг ўйин фаолияти орқалигина ҳал қилиниши мумкин. Буни қуйидагича изоҳлаб бериш

мумкин: биринчидан, болаларнинг ўйин фаолияти қандайдир моддий маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган фаолият эмас. Шунинг учун болаларни ўйинга ундовчи сабаб (мотив) келиб чиқадиган натижа билан эмас, балки шу ўйин жараёнидаги турли ҳаракатларнинг мазмунига боғлиқдир; иккинчидан эса, болалар ўйин жараёнида ўз ихтиёрларидаги нарсаларни, ўзларини қизиқтирган, аммо катталаргагина мансуб бўлган нарсаларга айлантириб, хоҳлаганларича эркин фаолиятда бўладилар. Болаларнинг ўйин фаолиятлари уларнинг жисмоний ва психик жиҳатдан гармоник равишда ривожланиши учун бирдан-бир воситадир. Ўйин болалар ҳаётида шундай кўп қиррали фаолиятки, унда катталарга мансуб бўлган меҳнат ҳам, турли нарсалар ҳақида тафаккур қилиш, хомхаёл суриш, дам олиш ва хушчақчақлик жараёнларининг барчаси ўйин фаолиятида аниқ бўлади. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, ўйин фақат ташқи муҳитдаги нарса-ҳодисаларни билиш воситасигина эмас, балки қудратли тарбия воситаси ҳамдир. Ижодий ва сюжетли ўйинларда болаларнинг барча психик жараёнлари билан биргаликда уларнинг индивидуал хислатлари ҳам шаклланади. Демак, боғчадаги таълим тарбия ишларининг муваффақияти кўп жиҳатдан болаларнинг ўйин фаолиятларини мақсадга мувофиқ ташкил қила билишга боғлиқдир. Шундай қилиб, ўйин болалар хаёли томонидан яратилган нарса эмас, аксинча, болалар хаёлининг ўзи, ўйин жараёнида юзага келиб, ривожланадиган нарсадир. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, фан-техника мислсиз ривожланаётган ҳозирги даврда ҳайратда қолдирадиган нарсалар болаларга, гўё бир мўъжизадек кўринади. Натижада улар ҳам ўзларининг турли ўйинлари жараёнида ўхшатма қилиб (яъни, аналогик тарзда), ҳар хил хаёлий нарсаларни ўйлаб топадилар (учар от, одам машина, гапирадиган дарахт кабилар). Бундан ташқари, болаларнинг турли хаёлий нарсаларни ўйлаб чиқаришлари яна шуни англатадики, улар ўзларининг ҳар турли ўйин фаолиятларида фақат атрофларидаги бор нарсаларни эмас, балки айни чоғда эҳтиёжларини ҳам акс эттирадилар. Болаларнинг ўйин фаолиятларида турли хаёлий ва афсонавий образларни яратишлари одамнинг (шу жумладан, болаларнинг ҳам) ташқи муҳитдаги нарса ва ҳодисаларни акс эттириши пассив жараёни эмас, балки фаол, ижодий яратувчанлик жараёни эканлигидан далолат беради. Болалар ўйин фаолиятларининг яна бир хусусияти, ўйин жараёнида боланинг қиладиган хатти-ҳаракатлари ва бажарадиган ролларининг кўпинча умумийлик характерига эга бўлишидир. Буни шундай тушуниш керакки, бола ўзининг турли-туман ўйинларида фақат ўзига таниш бўлган ёлғиз бир ҳайдовчи, шифокор, милиционер, тарбиячи, учувчининг хатти ҳаракатларнигина эмас, балки умуман ҳайдовчи, шифокор, тарбиячилар ҳамда учувчиларнинг хатти-ҳаракатларини акс эттиради. Албатта, турмуш тажрибалари ва фаолиятлари доираси чекланган кичик ёшдаги болалар (баъзан кичик гуруҳ болалари ҳам) ўзларининг ўйинларида конкрет одамларни ва уларнинг ҳаракатларини акс эттирадилар, холос. Масалан, онаси, отаси, акаси, тарбиячиси ва шу кабилар. Ўрта ёки катта боғча ёшидаги болаларнинг ўйинларида эса бундай образлар умумийлик характерига эга бўла

бошлайди. Боғча ёшидаги болаларнинг ўйинлари атрофдаги нарса ва ҳодисаларни билиш қуроли бўлиши билан бирга, юксак ижтимоий аҳамиятга ҳам эга. Ўзгача қилиб айтганда, ўйин қудратли тарбия қуролидир. Болаларнинг ўйинлари орқали уларда ижтимоий фойдали, яъни юксак инсоний хислатларни тарбиялаш мумкин. Агар биз болаларнинг ўйин фаолиятларини ташқаридан кузатсак, ўйин жараёнида уларнинг барча шахсий хислатлари (кимнинг нимага кўпроқ қизиқиши, қобилияти, иродаси, темпераменти) яққол намоён бўлишини кўрамиз. Шунинг учун болаларнинг ўйин фаолиятлари, уларни индивидуал равишда ўрганиш учун жуда қулай воситадир. Кичик мактабгача ёшдаги болалар одатда ўзлари ёлғиз ўйнайдилар. Предметли ва конструкторли ўйинлар орқали бу ёшдаги болалар ўзларининг идрок, хотира, тасаввур, тафаккур ҳамда ҳаракат лаёқатларини ривожлантиради. Сюжетли-ролли ўйинларда болалар, асосан, ўзлари ҳар куни кўраётган ва кузатаётган катталарнинг хатти-ҳаракатларини акс эттирадилар. 4-5 ёшли болаларнинг ўйини аста-секинлик билан жамоа шаклидан хислатларга эга бўлиб боради. Болаларнинг индивидуал хусусиятлари, хусусан, уларнинг жамоа ўйинлари орқали кузатиш қулайдир. Бу ўйинларда болалар катталарнинг фақат предметларга муносабатини эмас, балки кўпроқ ўзаро муносабатларини акс эттирадилар. Шунингдек, жамоа ўйинларида болалар бир гуруҳ одамларнинг мураккаб ҳаётий фаолиятларини акс эттиради. Масалан, «поезд» ўйинини олайлик. Бунда машинист, паровозга кўмир ёқувчи, проводниклар, контролёр, кассир, станция ходимлари ва йўловчилар бўлади. Болаларнинг мана шу каби жамоа ўйинлари артистларнинг фаолиятига ўхшайди. Чунки жамоа ўйинидаги ҳар бир бола ўз ролини яхши адо этишга интилиши билан бирга, ўйиннинг умумий мазмунидан ҳам четга чиқиб кетмасликка тиришади. Бу эса ҳар бир боладан ўзининг бутун қобилиятини ишга солишни талаб этади. Маълум ролларга бўлинган жамоа ўйин, болалардан қатъий қоидаларга бўйсунишини ва айрим вазифаларни талаб доирасида бажаришни тақозо этади. Шунинг учун болаларнинг бундай жамоа ўйинлари психологик жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Чунки бундай ўйинлар болаларда иродавийлик, хушмуомалалик, ўйин қоидаларига, тартиб-интизомга бўйсуниш ва шу каби бошқа ижобий хислатларни тарбиялайди ва ривожлантиради. Катта боғча ёшида сюжетли-ролли ўйинлар эса энди ўз мавзусининг бойлиги ва хилма-хиллиги билан фарқланади. Бу ўйинлар жараёнида болаларда сардорлик хусусияти юзага кела бошлайди, уларда ташкилотчилик кўникма ва малакалари ривожлана бошлайди. Мактабгача ёшдаги болалар шуғулланадиган ижодий фаолиятлар орасида тасвирий санъатнинг ҳам аҳамияти жуда каттадир. Боланинг тасаввур этиш характерига кўра унинг атроф ҳаётни қандай идрок этиши, хотира, тасаввур ва тафаккур хусусиятларига баҳо бериш мумкин. Катта боғча ёшидаги болалар чизган расмлар уларнинг ички кечинмалари, руҳий ҳолатлари, орзу, умид ва эҳтиёжларини ҳам акс эттиради. Бу ёшдаги болалар расм чизишга ниҳоятда қизиқадилар. Расм чизиш болалар учун ўйин фаолиятининг ўзига хос бир шакли бўлиб ҳисобланади. Бола, аввало, кўраётган нарсаларини,

кейинчалик эса ўзи биладиган, хотирасидаги ва ўзи ўйлаб топган нарсаларни чизади. Катта мактабгача ёшдаги болалар учун мусобақа жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, айнан шундай ўйинларда муваффақиятга эришиш шаклланади ва мустаҳкамланади. Бу ёшдаги болаларнинг учун энг яхши дақиқалари ва муваффақият билан боғлиқ бўлган мусобақа ўйинларининг аҳамиятлигидир. Катта мактабгача ёшдаги болалар учун мусобақалар жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, айнан шундай ўйинларда муваффақиятга эришиш мотивлари шаклланади ва мустаҳкамланади. Бу ёшдаги болалар учун энг ёқимли вақт – ютиш ва муваффақият бўлган мусобақа ўйинларининг ҳам аҳамияти жуда катта. Катта боғча ёшида конструкторлик ўйинлари аста-секинлик билан меҳнат фаолиятига айланиб боради. Ўйинда бола содда меҳнат кўникма ва малакаларини эгаллай бошлайди, предметларнинг хоссаларини англай бошлайди, амалий тафаккур намуналари ривожлана боради. 3-7 ёшли болаларнинг психик ривожланишида бадиий-ижодий фаолият тури бўлган мусиқанинг аҳамияти ҳам жуда каттадир. Мусиқа орқали болалар ашула айтиш, мусиқа оҳангига мос ритмик ҳаракатлар қилишга ўрганадилар. 3-7 ёшлик даврида болаларнинг асосий фаолияти қуйидаги кетма-кетликда кечади: - предметларни ўрганиши; - индивидуал предметли ўйинлар, жамоа сюжетли-ролли ўйинлар; - индивидуал ва гуруҳий ижод; - мусобақа ўйинлари; - мулоқот ўйинлари; - уй меҳнати. Боғча ёшидаги болаларнинг ўйин фаолиятлари ҳақида гапирар эканмиз, албатта, уларнинг ўйинчоғи масаласига ҳам тўхтаб ўтиш керак. Болаларга ўйинчоқларни беришда уларнинг ёш хусусиятлари, тараққиёт даражалари ва айни пайтда уларни кўпроқ нималар қизиқтиришини ҳисобга олиш керак. Маълумки, 1-3 ёшдаги болалар ҳали ташқи муҳитни жуда оз ўзлаштирган бўладилар. Улар ҳали кўп нарсаларнинг ранги, ҳажмини ҳам яхши ажрата олмайдилар. Шунинг учун уларга қўғирчоқ билан бирга ҳар хил рангли қийқим, лахтак матолар ҳам бериш керак. Айниқса, қиз болалар ўз қўғирчоқларини ҳар хил рангли матоларга ўраб, рўмол қилиб ўратиб машқ қиладилар. Ўғил болаларга эса ҳар хил рангли, бир-бирининг ичига сиғадиган қутича ўйинчоқларни бериш фойдалидир. Ўйин фаолияти болаларни инсониятнинг ижтимоий тажрибасини эгаллашнинг фаол шакли бўлган таълим фаолиятига тайёрлайди. Одам бирданига ижтимоий тажрибани ўзлаштиришга кириша олмайди. Ижтимоий тажрибаларни фаол эгаллаши учун одам, аввало, етарли даражада нутқни эгаллаган бўлиши, маълум малакалар, ўқувлар ва содда тушунчаларга эга бўлиши керак бўлади. Буларга бола юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, ўйин фаолияти орқали эришади

10.3 §. БОҒЧА ЁШИДАГИ БОЛАЛАР БИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Мактабгача ёшдаги болаларда сезги, идрок, диққат, хотира, тасаввур, тафаккур, нутқ, хаёл, ҳиссиёт ва ироданинг ривожланиши жадал кечади. Бола рангларни ҳали бир-биридан яхши фарқ қила олмайди. Унга

рангларнинг фарқини билишга ёрдам қиладиган ўйинчоқлар бериш лозим (болаларнинг қўғирчоқлари учун ҳар хил рангли қийқимлар бериш, ҳар хил рангли ҳалқалар, қутичалар ва шунинг сингари нарсалар жуда яхши бўлади). Мактабгача ёшдаги болалар турли нарсаларни идрок килишда уларнинг кўзга яхши ташланиб турувчи белгиларига (ранги ва шаклига) асослансалар ҳам, лекин чуқур таҳлил қилмайдилар.

Мактабгача ёшдаги болалар катталарнинг ёрдами билан суратларни аналитик равишда идрок қилиш қобилиятига эга бўладилар. Бунинг учун болалар суратларни идрок қилаётганларида катталар турли хил саволлар билан уларни таҳлил қилишга ўргатишлари лозим. Бунда асосан болалар диққатини:

1. суратнинг мазмунини(сюжетини) тўғри идрок қилишга,

2.суратнинг умумий кўринишида ҳар бир тасвирланган нарсаларнинг ўрнини тўғри идрок қилишга,

3.тасвирланган нарсалар ўртасидаги муносабатларни тўғри идрок қилишга қаратиш керак.

Диққат ҳар қандай фаолиятнинг доимий йўлдошидир. Шунинг учун диққатнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти ҳам бениҳоят каттадир. Мактабгача ёшдаги болалар диққати асосан ихтиёрсиз бўлади. Мактабгача ёшдаги болаларда ихтиёрий диққатнинг ўсиб бориши учун ўйин жуда катта аҳамиятга эга. Ўйин пайтида болалар диққатларини бир жойга тўплаб, ўз ташаббуслари билан маълум мақсадларини илгари сурадилар.

Бу ёшдаги боланинг хотираси янги фаолиятлар ва боланинг олдига қўйилган янги талаблар асосида такомиллаша боради.

Мактабгача ёшдаги болалар ўзларининг фаолиятлари учун қандайдир аҳамиятга эга бўлган, уларда кучли таассуротлар қолдирган ва уларни қизиқтирган нарсаларни беихтиёр эсларида олиб қоладилар.

Мактабгача ёшдаги болалар тафаккури ва унинг ўсиши ўзига хос хусусиятга эга. Тафаккур боланинг мактабгача ёшдаги даврида жуда тез ривожлана бошлайди. Бунинг сабаби, биринчидан, мактабгача ёшдаги болаларда турмуш тажрибасининг нисбатан кўпайиши, иккинчидан, бу даврда болалар нутқининг яхши ўсган бўлиши, учинчидан эса, мактабгача ёшдаги болаларнинг жуда кўп эркин мустақил ҳаракатлар қилиш имкониятига эга бўлишларидир.

Мактабгача ёшдаги болаларда ҳар соҳага доир саволларнинг туғилиши улар тафаккурининг фаоллашаётганидан дарак беради. Бола ўз саволига жавоб топа олмаса ёки катталар унинг саволига аҳамият бермасалар, ундаги қизиқувчанлик сусая бошлайди.

Одатда, ҳар қандай тафаккур жараёни бирор нарсадан таажжубланиш, хайрон қолиш ва натижада турли саволларнинг туғилиши туфайли пайдо бўлади. Жуда кўп ота-оналар ва айрим тарбиячилар ҳам болалар ортиқроқ савол бериб юборсалар, «кўп маҳмадона бўлма», «сен бундай гапларни қаердан ўргандинг», деб жеркиб ташлайдилар. Натижада бола ўксиниб, ўз билганича тушунишга ҳаракат қилади. Аммо айрим пассив ва тортинчоқ болалар ҳеч бир савол бермайдилар. Бундай болаларга турли машғулотлар

ва саёҳатларда катталарнинг ўзлари савол беришлари ва шу билан уларни фаоллаштиришлари лозим.

Ҳар қандай тафаккур, одатда бирор нарсани таққослаш, анализ ва синтез қилишдан бошланади. Шунинг учун биз ана шу таққослаш, анализ ва синтез қилишни тафаккур жараёни деб атаймиз. Саёҳатлар болалардаги тафаккур жараёнини фаоллаштириш ва ривожлантиришга ёрдам беради. Болалар табиатга қилинган саёҳатларда турли нарсаларни бир-бири билан таққослайдилар, анализ ҳамда синтез қилиб кўришга интиладилар. Мактабгача ёшдаги болалар нутқи ва унинг ўсиши агар 2 яшар боланинг сўз захираси тахминан 250 тадан 400 тагача бўлса, 3 яшар боланинг сўз захираси 1000 тадан 1200 тагача ва 7 яшар боланинг сўз захираси 4000 тага етади. Демак, мактабгача ёш даврида боланинг нутқи ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатидан анча такомиллашади. Мактабгача ёшдаги болалар нутқининг ўсиши оиланинг маданий савиясига боғлиқ.

Катталар болалар нутқини ўстириш билан шуғулланар экан, мактабгача ёшдаги болалар баъзи ҳолларда ўз нутқ сифатларини тўла идрок эта олмасликларини унутмасликлари керак. Бундан ташқари, болаларда мураккаб нутқ товушларини бир-биридан фарқ қилиш қобилияти ҳам ҳали тўла такомиллашмаган бўлади. Тили чучукликни тузатишнинг энг биринчи шартларидан бири – бола билан тўла ва тўғри талаффуз этиб, равон тил билан гаплашишдир.

XI БОБ. КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАР ПСИХОЛОГИЯСИ

11.1 §. КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРНИНГ ХУЛҚ-АТВОР ХУСУСИЯТЛАРИ

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар 7 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар бўлиб, улар бошланғич синф ўқувчилари ҳисобланади. Бу даврларда боланинг ҳаёти ва фаолиятида муҳим ўзгаришлар юз беради. Уларнинг психикаси ҳамда жисмоний ривожланишида сезиларли даражада ўзгаришлар вужудга келади. Кичик ёшдаги ўқувчи мактабгача ёшдаги болаларга ва ўзидан каттароқ ёшдаги болаларга нисбатан бир қанча жисмоний хусусиятларга эгадир. Кичик мактаб ёшида суяк тизими мустаҳкам бўлиб қолган бўлса-да, бироқ суякларнинг қотиши жараёни ҳали якунланмайди. Шунинг учун болалардан машғулотлар давомида партада тўғри ўтиришини талаб қилиб, ана шу ҳолга эътибор бериш керак. Болаларни кўп ёзиш билан чарчатиб қўймаслик керак, чунки ҳали улар қўл бармоқлари ва панжани аниқ ҳаракат қилдиришда қийналадилар. Уларнинг юрак-томир тизими ҳали етарли даражада ривожланмаган бўлади, шунинг учун ўқув машғулотлари ва ўйинлар двомида толиқтириб қўйишга йўл қўймаслик керак. Кичик ёшдаги ўқувчида олий асаб тизими олдинги ёш даврларга нисбатан анча юқори даражада ривожланган бўлади. Бола миясининг оғирлиги 7 ёшдан кейин бирмунча ортади. Агар 3–6 ёшда мия ўртача 1100 г келса, 7 ёшга бориб у 1250 г, 9 ёшгача 1300 г га етади. Шу билан бирга, 7 ёшдан 11 ёшгача бош миянинг пешана қисмлари ўсаётганлиги, айниқса, сезиларли бўлади. Бола 7 ёшдан 11 ёшгача жисмоний жиҳатдан нисбатан осойишта ва бир текисда ривожланади. Миянинг функционал такомиллашиши юзага келади – мия пўстининг аналитик ва синтетик функцияси ривожланади, қўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг ўзаро муносабати секин–аста ўзгаради; тормозланиш жараёни устунлик қилади, шунинг учун кичик мактаб ёшидаги бола юксак даражада қўзғалувчандир.

7 ёшдаги боланинг жисмоний тараққиётини унчалик зўр бермаслик, толиқтирмаслик керак, 3–5 соат дарс машғулот ўтиш ва уй вафаларини бажариш имконини беради. Бола мактаб остонасига қадам қўйиши билан янги ҳаёт фаолиятига, янги муҳит шароитига кириб келади. Бу даврдан бошлаб бола фаолиятининг мазмуни ҳам, теварак атрофдаги нарсаларга муносабати ҳам ўзгаради. Энди у ўқувчи деган шарафли номга эга ,унинг муайян вазифалари ва ўқувчилик бурчи бор. Бу ёшдаги бола мактаб қоидаларига риоя қилиши, дарс машғулотларига кечикмай ўз вақтида етиб келиши, дарсда ўқитувчининг тушунтираётган материалларини тинглаб, уқиб олиш, топшириқларни ўзи бажариши лозим. Дарсда ўзини қандай тутиши, гигиена ва тозаликка риоя қилиши, ўқитувчи ва катталар томонидан берилган буйруқ ва кўрсатмаларни сўзсиз бажариш, жамият орасида ўзини қандай тутиши лозимлигини билиши керак. Яшаш шароитидаги бундай ўзгаришлар бола психикасининг ўсишига, хулқ

атворига, шахснинг таркиб топишига таъсир кўрсатади. Мактабга кириш боланинг ҳаётида унинг фаолиятида бурилиш даври ҳисобланади.

Катталар ва тенгдошлар билан янги муносабатлар майдонга келади. Бола бутун бир янги жамоалар тизимига қўшилади. Ўқувчи олдига бир қатор жиддий талабларни қўядиган ўқишга – янги фаолият турига қўшилиши ўқувчиларнинг ўз ҳаётини қатъий тарзда ташкил қилишдаги қонун ва тартибга бўйсунишга мажбур қилади. Ўқувчи таълим жараёнида ахлоқий нормалар ва хатти-ҳаракат қоидаларини ўзлаштира бошлайди. Кичик мактаб ёши даврида ахлоқий хатти-ҳаракатларга пойдевор қўйилади.

11.2 §. КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРНИНГ АҚЛИЙ РИВОЖЛАНИШИ

Таълимнинг бошланиши билан бола психикасида кескин ўзгаришлар рўй беради. У психик томондан қайта қурилишга дуч келади. Психологик қайта қурилиш бошланғич синф ўқувчиларида, айниқса, 1-синф ўқувчиларида қийинчиликларни пайдо қилади.

Бу қийинчиликлар:

1. Биринчи синф ўқувчилари кўп ҳаракатларни интизом қоидалари талаб қилган даражада чаққонлик билан, сифатли қилиб бажара олмайдилар. Лекин ўқиш фаолияти доимий равишда интизом қоидаларига риоя қилишни, 35-45 минутлик дарсларда сабр–тоқат билан ўтиришни, ўзини-ўзи тута билишни талаб қилади.

2. Таълимнинг бутун мазмуни боладан ихтиёрий жараёнларни: ихтиёрий диққат, ихтиёрий идрок, хотиранинг ривожланган бўлишини тақозо қилади. Лекин болада ҳали бундай жараён етарли ривожланган бўлмайди.

3. Ўқувчи мустақил фикр юритиши, вазифаларни мустақил бажариши лозим. Бу хусусият ҳамма болаларда ҳам бирдек ривожланмайди.

4. Бола ўз бурчини англаган бўлиши, яхши ўқиши ва яхши интизомга эга бўлиши, интизом қоидаларига риоя қилиш, уйга берилган вазифаларни бажариши унинг бурчи эканлиги ҳис қилиши керак.

5. Диққат-эътиборни ўқитувчи айтганларига қаратиш, уни идрок қилиб эсда олиб қолиш ва керак вақтда уларни бошқара олиш қобилиятига эга бўлмоғи талаб қилинади. Бундай талабларга жавоб қайтариш сўзсиз ўқувчига қийиндир. Бундай қийинчиликларни мустақил равишда енга билиши аста- секин ва мунтазам ўқиш жараёнида материални осондан қийинга, оддийдан мураккабга қараб тушунтириш, болаларни ўқиш фаолиятига қизиқтириш, дарсларни қизиқарли эмоционал ва образли баён қилиш орқали бартараф қилинади.

Кичик мактаб ёшида таълим жараёнини тизимли ташкил қилиш, болада беғамлик даврининг тугаганлигидан далолат беради ва ўқишга бўлган муносабатлар тобора ўзгариб боради. Бу даврда боланинг қизиқишлари ўйин фаолиятидан ўқув фаолиятига аста-секин кўчиб ўтади. Ўқишга хос қизиқишлар кўпинча болаларнинг ўйин фаолиятига таъсир

этади, ўқишга хос қизиқишлар кўпинча ўйинлар характери ва мазмунига таъсир қилади. Ҳар қандай ишининг муваффақияти кўп жиҳатдан мотивларга боғлиқ бўлиб, одам ана шу мотивлар ёрдамида иш билан шуғулланади. Ўқиш мотивлари ҳар хил бўлади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар ўзларининг бўлажак меҳнат фаолиятига тайёрлашларида мотивларга камроқ амал қиладилар. Бола ҳали мотив ҳақида ўйлаб кўришдан анча узоқда. Кичик мактаб ёшидаги бола ўз билим доирасини кенгайтириш, фойдали билимлар олиш, шунингдак, жамият олдидаги ўз бурчини бажариш ҳақида ҳам унча бош қотирмайди. Барча мана шу мотивлар унда иккинчи даражали нарсага айланади. Аммо, юқорида айтиб ўтилганидек, унинг ўзи нима қилаётган ва мактабда билиб олаётган нарсага бевосита қизиқиши, шунингдек, ўқитувчи, ота–оналар талабларини бажаришга интилиши, мақтов эшитиши, қилган ишининг маъқул топилиши, яхши баҳолар олиши ва ҳоказолар ўқишга нисбатан қизиқиш уйғотишнинг энг муҳим воситаларига айланиб қолади.

Ўқув жараёни 1-синф ўқувчиларини ўзига жалб қилади. Чунки ўқув фаолиятида завқли ўқувчи бўлиш, мактаб талабларини адо этиш мароқлидир. Сўнгра ўқиш жараёнининг ўзига бўлган қизиқиши ўқиш самарасига кўчади. Ўқитувчи болаларнинг муайян мақсадга қаратилган фаолиятга қизиқишларини ривожлантиради. Таълим жараёнида ўқув амалларини ўқитувчи томонидан назорат қилиб борилиши ўқувчини ўқишга бўлган қизиқишларини ривожлантиради ва ўқиш фаолияти мотиви муайян бир мақсадга аниқ йўналтирилмаган бўлса, 3-4-синф ўқувчиларининг ўқув мотивлари аниқ бир мақсадни кўзлашга қаратилади. Улар нима учун яхши ўқиш, билим олиш, аълочи бўлишнинг мотивларини ҳис қилади. Улар яхши ўқиса, билим олса, келгусида муҳандис, ўқитувчи, шифокор бўлишини билади. Мактабга кирган давридан бошлаб унинг асосий фаолияти ўқиш эканлигини тушунган ўқувчи муҳим ижтимоий вазифа – ўқиш, билим орттириш вазифасидан иборат эканлигини билиб олади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ўқиш фаолияти қатъий равишда мақсадга мувофиқлаштирилгандир.

Боланинг мактабга кириши билан бутун ҳаёт тартиби, ижтимоий ҳолати, жамоадаги, оиладаги аҳволи кескин ўзгариб кетади. Мактабга кирган давридан бошлаб унинг асосий фаолияти ўқиш бўлиб қолади. Муҳим ижтимоий вазифа – ўқиш, билим орттириш вазифасидан иборат бўлиб қолади.

Боланинг мактаб ўқувчиси бўлиши унинг ҳаётида “бурилиш”ни юзага келтиради. Унинг асосий фаолияти, биринчи ва энг муҳим вазифаси ўқиш, яъни янги билимлар, кўникма ва малакаларни орттириш, табиат ҳамда жамият ҳақида системали маълумотлар тўплашдан иборат бўлиб қолади. Ўз-ўзидан маълумки, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ўқишга нисбатан юксак жавобгарлик муносабати бирданига таркиб топиб қолмайди. Бунда анчагина индивидуал фарқлар кузатилса ҳам, ўқишга бўлган муносабатлар ва мотивларининг ривожланиш динамикаси одатда қонуний характерга эга бўлади. Етти ёшли болалар таълимнинг бошланғич даврида мактаб

машғулотларининг яқин келажакдаги истиқболларини ижобий идрок қиладилар. Болаларда ҳатто характерли хусусиятларни жиҳатлардан фарқ қиладиган ўзига хос эҳтиёж ҳам пайдо бўлади. Бу аслида ҳали ўқишга билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришга бўлган эҳтиёж эмас, бирор янги нарсани, теварак-атрофдаги воқелик ҳодисаларни билишга бўлган эҳтиёждир. Бу эҳтиёж ўзининг кичкина болалик ҳолатини ўзгартириш, мустақилликнинг навбатдаги босқичига кўтарилиши, оилани катта ва иш билан банд аъзоси бўлиши истагидир. Бунда ўқишнинг ташқи белгилари янги форма кийиш хоҳиши, ўз шахсий папкасига эга бўлиш, машғулотлар учун ўз жойига эга бўлиш, китобларини қўйиш учун жавончага эга бўлиш худди отаси ёки онаси ишга борганларидек ҳар куни мактабга бориш хоҳиши катта аҳамиятга эга. Шу билан кичкина болалар кўзи олдида юксакликка кўтарилишдек ёқимли истиқбол уларни мафтун этади. Мактабга бўлган бундай муносабатнинг мустаҳкамланишига иккинчи сентябрдаги тантанали байрам шароити мактаб ўқувчиси деган ном бериш анъанаси ҳам анчагина ёрдам беради.

Бола ҳали мактабга бормасдан олдиноқ, яъни оиладан ва боғчада ижтимоий ҳаётимизнинг турли соҳалари билан, айниқса мактаб ҳаёти, уларнинг хилма-хил фаолиятлари билан танишади ва унда юксак ижтимоий қизиқиш – ҳавас куртаклари пайдо бўла бошлайди.

Бола мактаб ёшига кириб мактаб боришга, ўқувчи бўлишга ғоят қизиқади. Бу унинг гап-сўзларидан ва қилаётган ҳаракатлридан ҳам кўриниб туради. Шу кезлари бола мактаб ва мактабда ўқиш учун керак бўладиган нарсалар тўғрисида кўпроқ гапиради. Сумка, “Алифбе”, қалам, дафтар ва саноқ чўпларини тезроқ тайёрлаб қўйиш устида кўпроқ бош қотиради. Шу билан бирга, у ўзининг тўплаган ўқув қуролларини ниҳоятда авайлаб сумкасига солиб, қайта-қайта сумкасидан олиб кўриб, буларни мактабга кўтариб боришга ошиқади ва бунга жуда ҳам ҳавас қилади. Бироқ ўқишга бўлган дастлабки бундай ҳавас унинг табиатга хос бўлган “Бу нима?” тарзидаги текшириш рефлекси асосида юзага келадиган фаолиятдан иборат бўлса ҳам, лекин уларда кўрина бошлаган бундай қизиқиш таълим-тарбия жараёнида такомиллаша боради. Ўқиш бўлса, боладан маълум уюшқоқликни, интизомлиликни, анчагина иродавий зўр беришликни талаб қиладиган жиддий меҳнатдир.

Мактаб таълимининг биринчи кунидан бошлаб кичик мактабгача ёшдаги боланинг ривожланишини ҳаракатга келтирувчи куч бўлган асосий қарама – қаршилик юзага келади. Бу қарама – қаршилик бола шахсига, унинг диққати, хотираси, тафаккурига нисбатан ўқув ишлари, ўқитувчилар ҳамда жамоа томонидан қўйилаётган ва доимо орттириб бораётган талаблар билан ўқувчининг мавжуд психик ривожланиш даражаси ўртасидаги қарама-қаршиликдир. Талаблар ҳамма вақт ўсиб бораверади ва боланинг мавжуд психик ривожланиш даражаси ана шу ўсиб бораётган талабларга тенглашишга тўхтовсиз равишда интилаверади. Тўғри ташкил этилган таълимда бу турдаги болалар ўрта мактаб дастурида кўрсатилган билимларга нисбатан кўпроқ билимларни тушунишлари ва

ўзлаштиришлари мумкин. Кичик мактабгача ёшдаги болаларнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундаки, шу даврдан бошлаб, ўқув материалини ўзлаштирмасликнинг дастлабки белгилари кўзга ташланади. Ўзлаштирмасликнинг асосий сабаблари: бу ақлий тараққиёт ва уқувчанликнинг бир мунча орқада қолишидир. Н.С.Лейтес мулоҳазаларига кўра инсон ёши улғайган сари ақлий ривожланиш даражаси бир мунча кўтарилади, уқувчанлик эса бир мунча пасаяди. Кичик мактабгача ёшдаги болаларнинг уқувчанлиги, албатта, ўсмир ва ўспиринларга нисбатан юқори, лекин ўсмир ва ўспиринларнинг ақлий ривожланганлиги бошланғич синф ўқувчиларига нисбатан юқоридир.

Орадан маълум вақт ўтгач, шодиёна лаҳзаларининг таассуроти камайиши билан мактабнинг ташқи белгилари ўз аҳамиятини йўқота боради ва ўқишнинг кундалик ақлий меҳнат, иродавий зўр бериш, ёқтирмаган нарса билан шуғулланиш, диққатни тақсимлаш, ўз хулқини идора қилиш эканлигини англайди. Шундай ақлий меҳнат кўникмасига эга бўлмаса, унинг ўқишдан кўнгли совийди, унда умидсизлик ҳисси вужудга келади. Ўқитувчи эса бундай ҳолнинг олдини олиш учун болага таълимнинг ўйиндан фарқи, қизиқарлилиги ҳақида маълумотлар бериши ва уни шу фаолиятга тайёрлаши керак. Биринчи синф ўқувчисида ўқиш фаолиятининг айнан ўзига қизиқиш кўзга ташланади. Психолог олимлар ўтказган махсус тадқиқотларда болалар билан кераксиз машқлар ўтказилган ва уларга олдиндан бу машқлар кейинчалик керак бўлмаслиги айтилган, лекин болалар уларни бажаришга киришганлар. Ўқувчи шахсий фаолиятида эришган дастлабки яхши натижа уни бошқа натижаларни эгаллашга ундайди. Унинг ўқиш фаолиятидаги биринчи меҳнат маҳсули шодлик ва қувонч ҳис-туйғусини келтириб чиқаради.

Масалан, айрим ўқувчилар у ёки бу матнни бир неча марта ўқишга ҳаракат қилади. Ўқиш фаолиятига қизиқиш, унинг мазмунига ҳам қизиқишини вужудга келтиради, билим олиш эҳтиёжини туғдиради ва ўқиш мотивларини таркиб топтиради.

11.4 §. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ШАХСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ.

Шахс шаклланишида кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар фаолиятини баҳолаш ва унда ўқишга ижобий муносабат шаклланишида муҳим аҳамиятга эгадир. 7 яшар бўлган болаларда мактабга, ўқишга бўлган бу хилдаги дастлабки қизиқиш – ҳаваслар, асосан улардаги ихтиёрсиз диққат жараёнида рўй берадиган бевосита қизиқиш – ҳаваслардир.

Кичик ёшдаги ўқувчиларда кейинроқ бориб ўз диққат-эътиборини муайян бир нарсага, воқелик ва ҳаётнинг маълум бир соҳасига, маълум бир фаолиятга бирмунча узоқ вақт ва барқарор қаратилишида ифодаланадиган бавосита қизиқишлар секин-аста юзага кела бошлайди.

Дарс жараёнида ва дарсдан ташқари машғулотларда ўқувчилар теварак – атрофдаги нарса ва ҳодисаларни кенгроқ тушуниб борадилар.

Ҳар хил нарсаларга қизиқа бошлайдилар, уларнинг қизиқишлари борган сари такомиллашиб, барқарор тус ола боради. Энди мактаб ўқувчиларини теварак-атрофдаги айрим ҳодисаларгина эмас, балки ўша ҳодисаларнинг содир бўлиш сабаблари ҳам кўпроқ қизиқтира бошлайди. Шунинг учун ҳам бу даврда бола томонидан бериладиган ҳар хил "Нега бундай?", "Нимадан қилинган?", "Бу нима учун керак?" сингари сўроқлар янада кўпайиб кетади.

Болада таълим-тарбия жараёнида кўпроқ нарсаларни билиб олишга, юқорироқ баҳоларга эришишга муайян даражада эҳтиёж ва зарурат пайдо қилиш керак. Шундагина у ўзидаги бундай талабни қондиришга ҳаракат қилади ва актив фаолият кўрсатади. Дарс материалларини билиб олишга, ўқитувчининг топшириқларини яхшилаб бажаришга интилади. Бунинг учун эса болани муайян кун тартибига одатлантириш ва доимо дарс тайёрлашга ўргатиш лозим. Шундагина у ўқишда муайян даражада муваффақиятларга эриша оладиган бўлади ва унда ўқишга ҳавас уйғонади.

Ўқишнинг дастлабки кунларида болалар синфдаги дарс машғулотларига жуда ҳам қизиқадилар. Уларни кўпроқ расм чизиш, ёзиш, доскага чиқиш, қўл кўтариб ўқитувчи саволларига жавоб бериш сингари ишлар қизиқтиради. Кейинроқ бориб улар фақат дарсдаги машғулот жараёнининг ўзигагина эмас, балки машғулотларнинг мазмунига ҳам қизиқа бошлайдилар. Шу кезлари бола ўзининг синф ва уйида бажариб келган ишларини, ёзма нарсаларни ўқитувчига тезроқ кўрсатишга ошиқади. Ўқитувчининг ўқувчи бажарган вазифани оғзаки мақуллаши ҳам уни ғоятда қувонтиради.

Болаларнинг бу хусусиятларини яхши билган моҳир ўқитувчилар эътиборини кўпроқ ёзишга ва берилган топшириқларни тезроқ бажариш лозимлигигагина эмас, балки топшириқларни сифатли қилиб бажариш, тўғри ва чиройли қилиб ёзиш кераклигига ҳам жалаб этадилар ҳамда топшириқларни яхшилаб бажарган, тўғри ва чиройли ёзган ўқувчиларни ўз вақтида рағбатлантириб борадилар. Натажада ўқувчилар секин-аста дарс машғулотларининг мазмунига қизиқадиган ва уларни сифатли қилиб бажаришга ҳаракат қиладиган бўлиб қоладилар. Ўқувчилар ўқитувчиларнинг "яхши ёзибсан", "тўғри бажарибсан", "баракалла" сингари оғзаки маъқуллашигагина эмас, балки унинг ўзларининг дафтарларга қўйиб берадиган баҳоларига ҳам қизиқа бошлайдилар. Бу ёшдаги болаларда ўқишга қизиқишнинг ортиб боришида уларнинг ўз билим ва тушунчаларининг такомиллашиб бораётганлигини сезиб боришлар, ўз имкониятларининг ўсиб бораётганлигини тушунишлари катта аҳамиятга эгадир.

Маълумки, мактабларда болаларни оғзаки баҳолаш одат тусига кириб қолган, чунки биринчи синф ўқувчиси ана шу баҳо таъсирида ўз фаолиятини кучайтиради, ижодий изланишга ҳаракат қилади. Ҳатто, ўқувчи дастлабки пайтларда "яхши" ёки "ёмон" баҳонинг фарқига ҳам бормайди, уни кўпроқ нечта баҳо олгани қизиқтиради. Ўқитувчининг рағбатлантириши унинг учун энг муҳим аҳамиятга эга.

Кўпчилик мутахассис олимлар кичик мактаб ёшдаги ўқувчиларни баҳолаш салбий оқибатларга олиб келади деб ҳисоблайдилар. Маълумки, фақат баҳо учун ўқиш билимнинг ижобий аҳамиятини пасайтириши мумкин. Шунга кўра билимни текширишнинг бошқа усулларини топиш ҳамда қўллаш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Ўқувчиларнинг олган баҳоларига катталарнинг муносабати ҳам уларнинг ўқишга қизиқишларига муайян даражада таъсир кўрсатади. Чунончи, ўқувчининг олган баҳоларига ўқитувчи ва ота-оналарнинг бепарволик билан қарашлари ундаги ўқишга бўлган қизиқишнинг пасайишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам ўқитувчилар ва ота-оналарни болаларнинг оладиган баҳоларига алоҳида эътибор беришлари, улар олган юқори баҳоларини маъқуллаб туришлари ва ҳаракат қилинса, ҳамма фанлардан ҳам юқори баҳо олиш мумкинлигини айтиб, уларни рағбатлантириб туришлари жуда муҳимдир.

Кичик ёшдаги ўқувчиларда юқорида кўрсатиб ўтилган хилма-хил қизиқишлар билан бирга индивидуал қизиқишлар ҳам туғила бошлайди. Баъзи ўқувчилар рассомлик ишларига кўпроқ қизиқсалар, бошқалари мусиқага ёки шеъриятга муҳаббат қўядилар. Шунингдек, айрим ўқувчилар математика ёки техникага қизиқсалар, баъзилари она тили ёки тиббиётни яхши кўрадилар. Булардан ташқари, айрим ўқувчиларда ҳар хил касбларга бўлган индивидуал қизиқишлар ҳам кўрина бошлайди. Лекин бу ёшдаги ўқувчиларнинг орзу-ҳаваслари ҳали тез-тез ўзгариб турадиган бўлади. Шуни ҳам унутмаслик керакки, баъзи ўқувчилардаги айрим нарсаларга бўлган қизиқиш умрбод сақланиб қолиши ҳам мумкин. Муайян ва доимий қизиқиш – ҳаваслар ўқувчиларда асосан айрим ўсмирлик даврида таркиб топиб бораётган идеаллар билан боғлиқ равишда вужудга келади ва ўсади.

Бошланғич синф ўқувчисининг билиш жараёнлари мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг билиш жараёнларидан кескин фарқ қилиши билан бирга, у сифат жиҳатидан ҳам ўзгара бошлайди ва тез ривожланади. Маълумки, диққат ўқиш жараёнининг зарур шарти бўлиб ҳисобланади. Идрокнинг тўлалиги, тўғрилиги, тезлиги, эсда қолдиришнинг тез ва аниқлиги диққатга боғлиқдир. Фикрлаш жараёнлари диққат туфайли аниқ, мантиқли, мазмунли бўлади. Чунки ўқувчиларнинг мустақил равишда масала ечиши ва бу масалани тушунтириши энг олдин улар диққатининг кучи ва барқарорлигини таъминлайди. Ўқувчиларни ақлий фаолиятининг зарур шартлари билан таъминлаш учун ўқитувчи кичик ёшдаги ўқувчилар диққатининг хусусиятларини яхши билиши керак. Қўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари кичик ёшдаги ўқувчиларнинг бош мия ярим шарлари пўстида жуда тез пайдо бўлади. Шу сабабли, агар бир қўзғовчи боланинг мия қобиғида қўзғалишни вужудга келтирса, унда иккинчи қўзғовчи бош мияда жуда тезлик билан янги қўзғалиш ўчоғини тормозлаб қўйиши мумкин. Бу кичик ёшдаги болаларнинг диққатини жуда тез ва осон чалғитиш мумкинлигини кўрсатади. Ўқувчилар диққатининг бу хусусияти уларнинг дарсда ўқиш материалларини ўзлаштиришларига халақит беради. Шу сабабли ўқитувчи бола диққатининг бундай хусусиятларини доимо эсда

тутган ҳолда, дарсни унинг бир мазмуни билан иккинчисини боғлаб усталик билан ўтказиши ва булар бир-бирини тормозлаб қўймаслиги учун дарснинг ҳар бир босқичини яхшилаб ўйлаб кўриши керак.

Ўқиш жараёнининг таъсири остида кичик ёшдаги ўқувчилар диққатининг барча хусусият ва сифатлари интенсив равишда ўсиб боради ва бу билан ихтиёрсиз диққатдан ихтиёрий диққатга кўчиш жараёни осонлаша боради. Кичик ёшдаги ўқувчилик даврида диққат тез ўсади мактабдаги таълим–тарбия ишлари синфларда олиб борилади. Ишлар боланинг диққатини шакллантирувчи ва тарбияловчи янги шароитдир. Ихтиёрсиз диққат қизиқиш билан мустаҳкамланиши сабабли ҳар бир ўқитувчи ўз дарсини қизиқарли ва мароқли қилишга интилади. Лекин шу нарсани ёдда тутиш лозимки, ўқувчиларнинг диққатини бевосита қизиқарли ва мароқли бўлмаган нарсаларга ҳам қаратишга ўргатиш керак. Акс ҳолда нозик ва инжиқ диққат пайдо бўлиб қолади. Ўқувчи фақат қизиқ нарсаларга диққатини қаратишга ўрганиб қолса, ундай ҳолда фаолиятининг қандайдир элементлари бевосита қизиқиш уйғотмаса, ўқувчи ихтиёрий диққатини бу элементларга сафарбар эта олмайди. Диққат барқарорлигининг нисбатан кучли бўлмаслиги унинг ёш хусусиятидан иборатдир. Бу асосан I ва II синф ўқувчилари учун характерлидир. Кичик мактаб ёшдаги ўқувчилар диққатининг беқарорлиги тормозланиш жараёнининг ёш билан боғлиқ бўлган заифлиги натижасидир. I синф ўқувчилари, баъзан эса II синф ўқувчилари ҳам бирор ишга ўз диққатини узоқ вақт давомида тўплай олмайдилар. Уларнинг диққати осонлик билан чалғиб кетади. Шу сабабли улар вазифани ўзлари бажара олмасликлари, фаолиятининг темпи ва ритмини йўқотиб қўйишлари, сўзларда ҳарфларни, гаплардан сўзларни тушириб қолдиришлари мумкин.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, I ва II синф ўқувчилари 30-35 минут давомида жим ўтиришлари ва ўз диққатларини сақлаб туришлари мумкин. Бундан ортиқ сақлаб тура олмайдилар. Дарсни ташкил қилишда буни ҳисобга олиб, ишда кичкина танаффуслар қилиш лозим. Бошланғич синф ўқувчилари диққатининг ўзига хос хусусиятларига асосланиб диққатни тарбиялашнинг айрим усулларини кўрсатиб ўтамиз.

1. Диққатни ривожлантиришда ўқув машғулотларини самарали ўтиш учун қулай бўлган ташқи шароитлар катта аҳамиятга эгадир. Ўқувчи шуғулланаётган хонада унинг диққатини чалғитувчи, қўзғатувчи (шовқин–сурон, ортиқча гап–сўз, ишга кераксиз буюм)лар бўлмаслиги тегишли гигиена шароитларига соф ҳаво, ёруғликнинг етарли бўлишига риоя қилиниши керак.

2. Ихтиёрсиз диққатни тарбиялаш учун мактаб ўқувчиларининг билимига оид қизиқишларини ривожлантириш, унинг тасаввурлари доирасини кенгайтириш керак. Боланинг умумий ақлий ривожланиши қанчалик юқори бўлса, унда ихтиёрсиз диққат шунчалик кучли ривожланган бўлади.

3. Мактаб машғулотларининг дастлабки ҳафталарида ўқитувчининг ҳикоя ва эртаклар ўқиб бериши диққатни тарбиялаш учун яхши восита бўлиб хизмат қилади.

4. Дарсни яхши ташкил этиш диққатни жалб қилиш ва сақлаб туришнинг муҳим шартидир. Бунинг учун ўқитувчи дарсга виждонан тайёргарлик кўриши, машғулотлар режасини ва уларни тўғри тақсимлаш ва бошқаларни атрофлича ўйлаб иш кўриши зарур.

5. Дарснинг бошланишида ўқитувчилар ўз вазифаларини тушуниб олишлари, нима билан шуғулланишларини билишлари учун дарснинг мақсадини маълум қилган фойдалидир.

6. Ихтиёрсиз диққатни ихтиёрий жалб қилиш учун ўқув материалларининг мазмуни ва уни баён қилиш шакллари ўқитувчининг жонли, ёркин, иложи борича таъсирли ҳикояси, аниқ масалалар келтириши, расмлар кўрсатиши, кўрсатмали қуролларнинг қўлланилиши катта аҳамиятга эгадир.

7. Диққатнинг иккиланиши ва чалғишнинг мавжудлиги, болаларнинг чарчаб қолиши бот–бот дам олишини, дам олиш дақиқаларини ўтказишни, шунингдек, машғулотларни бир-бири билан ўзгартириб туришни талаб қилади.

8. Материални баён қилишнинг ўзи бир оҳангда ва бир хилда бўлмаслиги, балки жонли, жўшқин характерда бўлиши зарур.

9. Диққатни жалб қилиш учун болаларнинг ўқув ишларини фаолаштириш зарур. Улар кўпроқ ўйлашлари, ўз кучлари етадиган ишларнинг ҳаммасини ўзлари мустақил бажаришлари керак.

10. Диққатни ривожлантиришда ўқувчининг ўзига ўргатилаётган нарсани тушуниши катта аҳамиятга эгадир. Агар бирор нарса унинг учун ноаниқ бўлиб қолса, диққати сусайиши мумкин.

11. Ўқувчининг ихтиёрий диққатини ривожлантириш учун унда ўқишга онгли муносабатини, бурч туйғусини, ўз иши ва хулқ-атвори учун масъулиятни тарбияламоқ керак. Ихтиёрий диққат боланинг характери ва иродасига, айниқса, боғлиқ бўлади.

12. Болаларда паришонхотирликни барҳам топтириш, ҳатто иш ёки дарс қизиқ ва осон бўлмаган вақтда ҳам сабот–матонат ва тиришқоқлик кўрсатишга интилишини ҳам тарбиялаш керак.

Болалар билан ишлашда диққатнинг икки турини жалб қилиш учун иложи борича уларни бир-бири билан алмаштириб, ихтиёрий диққатдан кейинги диққатни вужудга келтиргандагина ўқитувчи таълим вазифасини ҳам, тарбиявий вазифани ҳам муваффақиятли ҳал эта олади. Шунингдек, ўқитувчи болани қайси диққат тури билан банд бўлса, ундан унумли фойдаланиши лозим. Чунки агар болани доимо ихтиёрий диққат билан ўтириши талаб қилинса, бола тез толиқади. Бошланғич синфлардаги ўқиш фаолияти даставвал психик жараёнларнинг ривожланишини, яъни теварак-атрофдаги оламни бевосита билишини – сезги ва идрокнинг ривожланишини стимуллаштиради.

11.5 §. КИЧИК МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИДА БИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ.

Мактаб ёшидаги болаларда анализаторлар батомом таркиб топган бўлади, бироқ уларнинг ривожланиши мактаб ёшида ҳам давом этади. Анализаторлар бир хилда ривожланмайди. Кичик мактаб ёшида кўзнинг ўткирлиги бирмунча секинроқ суръат билан ортади, ўсмирларда эса бу суръат яна кучаяди. Шу билан бирга, кичик мактаб ёшидаги ўқувчида кўриш ва эшитишга оид қўзғатувчиларни фарқлаш қобилияти тез ривожланади. Бу даврда яқин жойда турган предметларга (дафтар, китоб) ва бир мунча узоқроқда турган нарсаларга (синф доскаси, девордаги карта) қараш учун кўриш аппаратини тезда бошқача тўғрилаш кўникмаси ҳам сезиларли даражада такомиллашади. Болалар мактабга асосий рангларни билган ҳолда келадилар. Қиз болаларда рангларни сезиш хусусияти ўғил болаларга қараганда бирмунча кучлироқ ривожланган бўлади. Бунга сабаб ўйин фаолиятида қизлар нарсаларнинг ранги билан ўғил болаларга қараганда кўпроқ қизиқадилар.

Эшитиш қобилиятининг ўткирлигига келганда шуни айтиш керакки, бу қобилият кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда мактабгача ёшдаги болаларга нисбатан бир мунча ўсган бўлади. Мактабдаги таълимнинг дастлабки йилларида сўзларни эшитиш қобилияти, айниқса, ривожланади, бунга ўқиш ва ёзишни ўрганиш ёрдам беради. Ўз навбатида, фонематик эшитиш қобилияти етарли даражада ривожланади, ўқиш муваффақиятлироқ боради.

Мактабдаги бошланғич синфлар ўқитувчисининг муҳим вазифаларидан бири – ўқувчиларнинг сезгиларига хос бўлган хусусиятларга диққат билан қараш ва уларнинг сезгирлигини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилишдир. Ўқитувчи ўз ўқувчиларидан қайси бирининг кўзи равшан кўра олмаслигини (яқиндагини ёки узоқдагини равшан кўришини), қайси бири етарли даражада яхши эшитмаслигини билиши лозим. Сезги органларида нуқсонлари бўлган болаларни шифокорга кўрсатиши зарур, синфда эса уларни яхшироқ кўрадиган ва эшитадиган қилиб ўтқазиш керак. Шу билан бирга, ўқитувчи болаларда сезгиларнинг ривожланиши тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилиши лозим. Расм чизиш, мусиқа, қўшиқ айтиш билан шуғулланиши, табиат қучоғига, музейларга, сурат кўргазмаларига экскурсиялар уюштириши ва бошқалар сезгиларнинг ривожланишига маълум даражада ёрдам беради.

Кичик мактаб ёшидаги болалар идрокининг ўткирлиги ва софлиги билан фарқ қиладилар. Ўқувчиларнинг идроки ўзига хослик билан фарқ қилади. Буни олий асаб фаолиятининг ёш хусусиятлари ва биринчи сигнал тизимининг нисбатан устунлиги билан тушунтириш мумкин. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчи ўзининг олдида ҳар куни қандайдир бирорта янгилик очиб берадиган теварак-атрофдаги оламни жонли қизиқиш билан идрок қилади. Бироқ ўқувчининг бу идроки ўқув йили бошларида ўзига хос хусусиятлар унинг ёш жиҳатдан бўлган камчилиги ҳақида гапиришга имкон беради.

Кичик мактаб ёшидаги болалар идрокининг энг характерли томони – унинг кам дифференциаллашганидир. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар ўхшаш объектларни ноаниқ ва хато дифференциялаштиради: баъзан ёзилиши жиҳатидан ёки талаффуз қилиниши жиҳатидан ўхшаш ҳарфлар ва сўзларнинг ўхшаш предметлар тасвирининг ва ўзаро ўхшаш предметларнинг фарқига бормайдилар ва уларни аралаштириб юборадилар. Бу ҳол идрок қилишдаги таҳлил қилиш функциясининг ёшга хос заифлиги билан боғликдир. Идрокнинг юзакилиги шунга олиб келадики, кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар предметнинг айрим белгиларини яхши сезмайдилар, уларни бир-бири билан боғламайди ва унинг энг муҳим сифатларини кўрмайдилар. Ёрқин, катта, ҳаракатланадиган ҳамма нарсалар уларнинг диққатини ўзига тортади. Шунинг учун кўзга яққол кўриниб турадиган нарсаларни болалар мавҳум материалга қараганда яхшироқ идрок қиладилар. Аммо йил сайин кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг идроки анча етук, тўлиқ бўлиб боради. Идрок қилинадиган предметдаги иккинчи даражали нарса кейинги режага ўтиб, муҳим, асосий нарса аниқ кўзга ташланади. Болалар идрокида кўпинча анализ ва синтезнинг етишмаслиги кўриниб туради, уларнинг ёшида идрок қилиш ҳис-туйғулар билан маҳкам боғланган бўлади. Бола атрофдаги муҳитни бефарқ идрок этмайди: кўп нарса уни қувонтиради ёки хафа қилади. Ўқувчиларда идрок қилиш кўпинча ноаниқ бўлади. Улар бир-бирига ўхшаш нарсаларни айнан бир хил нарсалар, деб қабул қиладилар. Масалан, шаҳарлик болалар читтакни қарға деб қабул қилишлари мумкин. Идрок қилишнинг ноаниқлиги 1-синф ўқувчиларида китоб ўқиш фаолиятида ўз таъсирини кўрсатади, улар бу вақтда ўқилаётган сўз ўрнига унга ўхшаш бўлган бошқа сўзни айтиб юборадилар. Масалан: “ўйлади” ўрнига “ўйнади” ёки “баҳор” ўрнига “баҳо” деб ўқишлари мумкин.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда маконни идрок қилиш ҳам етарли даражада ривож топмаган. Улар асосий узунлик ўлчовларининг номини билдирадилар-у, лекин уларда, масалан, бир километрга тенг бўлган масофанинг қанча бўлиши тўғрисида аниқ тасаввури йўқ. Ўқувчиларда вақтни идрок қилиш ҳам суст ривож топган. Баъзи болалар дарс ва соат вақт жиҳатидан бир-бирига тенг деб ҳисоблайдилар. Болалар идрокини заиф томонларига шу нарса сабаб бўладики, уларда билим ва тажриба етишмайди. Лекин ана шу билим ва тажриба пайдо бўлиб боргани сари бола дунёни тобора аниқроқ ва тўғрироқ идрок қила бошлайди.

Ўқиш фаолияти кичик мактаб ёшидаги ўқувчининг ақл-идрокни сезгирлиги, кузатувчанлиги, эслаб қолиши ва эсга тушириш имкониятларининг ривожланиши учун муҳим шарт-шароитлар яратади, ҳисоблаш малакаларини шакллантиради. Таълим жараёнида уларнинг билимлари кўлами кенгаяди, қизиқишлари ортади, ижодий изланиш қобилияти ривожланади, уларда тафаккурнинг фаоллиги, мустақиллиги ортади, ақлий имкониятини ишга солиш вужудга келади. Мазкур ёшдаги болалар ўз идрокларининг аниқлиги, равшанлиги ўткирлиги билан бошқа ёш давридаги инсонлардан кескин фарқ қилади. Улар ҳар бир нарсага

берилиб, ўта синчковлик билан қарашлари сабабли идрокнинг муҳим хусусиятларини ўзлаштириш имкониятига эга бўладилар.

Кичик мактаб ёшида ўқувчиларда хотира таълимнинг таъсири билан икки йўналишда ривожлантирилади. Сўз-мантиқ хотираси ва маъносига тушуниб эсда олиб қолишнинг роли ва унинг салмоғи кучаяди. Бола ўз хотирасини онгли равишда бошқариш ҳамда хотиранинг намоён бўлишини, тартибга солиш имкониятига эга бўлади. Биринчи сигнал тизими фаолиятининг нисбатан устунлиги туфайли кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда сўз-мантиқ хотирага нисбатан кўргазмали-образли хотира кўпроқ ривожланган бўлади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар қоида ва тушунтиришларга қарорларда аниқ нарсаларни маълумотлар, воқеалар, қиёфалар, нарсалар ва фактларни яхши, тез эсда олиб қоладилар ва хотираларида мустаҳкам сақлайдилар. Айниқса 1-2-синф ўқувчилари эсда олиб қолинадиган материалнинг ички маънавий боғланишларини англамаган ҳолда механик тарзда эсда олиб қолишга мойил бўладилар. Улар кўпинча ўқув материалини қайта кўрмай, ҳеч ўзгартирмай, унинг мазмунини бошқа сўзлар билан айтиб беришга интилмай, сўзма-сўз ёдлашга ва қайта тиклашга интиладилар. Буни қуйидаги ҳолатлар билан тушунтириб ўтамиз:

биринчидан, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда механик хотира яхши ривожланган бўлади ва улар кўпинча ортиқча меҳнат сарф қилмай, материални сўзма–сўз эсда олиб қоладилар;

иккинчидан, кичик мактаб ёшидаги ўқувчининг олдида эсда олиб қолиш вазифасини ажратади, дифференциация қила олмайди. Ўқитувчи бўлса, бу хусусда кўпинча ўқувчига ёрдам бермай, материални тўғри ва етарли даражада тўла қайтариб беришни талаб қилиш билан чекланади;

учинчидан, кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар, айниқса, 1-2-синфларда ҳали нутқни яхши эгалламаган бўладилар. Уларга материалнинг умумий маъносини ўз сўзлари билан айтиб бериш осонроқ бўлади;

тўртинчидан кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар кўплари ҳали маъносига тушуниб, эсда олиб қолишни ташкил қила олмайдилар: улар материални маъносига қараб гуруҳларга бўлишни, мантиқий жадваллардан фойдаланишни, эсда олиб қолиш учун таянч пунктларни ажратишни ва материалларни қайта ўзгартириш билан боғлиқ бўлган текстнинг мантиқий режасини тузишни билмайдилар.

Мантиқий хотира, яъни материалнинг маъноси, моҳияти, фикрлар, далиллар, асослар, мантиқий жадваллар ва мулоҳазаларини эсда олиб қолиш ҳамда қайта эсга тушириш қобилияти таълим жараёнида ривожланиб, аста–секинлик билан юзага келади. Мантиқий хотиранинг ривожланишини ҳар томонлама стимуллаштириш, болаларни материални яхши эсда олиб қолиш учун унинг маъносини англашга ундаш, материални қайта қуриш ва унинг асосий мазмунини сақлаб қолган ҳолда ўз сўзлари билан изоҳлаб беришга ўргатиш ўқитувчиларнинг бурчидир. Ихтиёрий эсда олиб қолишнинг самарадорлиги кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг интеллектуал фаоллиги даражаси билан белгиланади.

Интеллектуал фаоллик даражаси кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг эсда олиб қолишини ташкил қилиш ва бошқариш воситаларини эгаллаш билан бевосита боғлиқдир. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, эсда олиб қолишнинг самарали усуллари ўқишда ўзини назорат қилиш, ўзини текшириб туриш орқали эсда олиб қолинаётган материални қайта тиклашга уриниши билан алмаштириб олиб боришдан иборатдир. Кузатишлар шу нарсадан далолат берадики, кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар озми–кўпми мустақил эсда олиб қолишнинг фақат биргина оддий усули – такрорлаш усулидан фойдаланадилар. Болаларда хотиранинг индивидуал фарқлари ҳам кўзга ташланади. Бир хил болаларнинг хотираси юқори даражада тайёрлиги сабабли улар бирор нарсани тезда эслаб, зарур жавобларни беришлари мумкин. Бошқалари эса секин ўзлаштирадилар, тез ҳамда осонлик билан эсга туширмайдилар. Ўқитувчининг шошма–шошарлиги, унинг сабр–тоқат қила олмаслиги ва ўқувчига ўйлаб кўриш, фикрларини бир жойга тўплаш учун имкон бермаслиги боланинг билимларини нотўғри баҳолашга олиб келиши мумкин. Бу эса унда ўқитувчига нисбатан салбий муносабатни келтириб чиқаради ва ўз кучларига бўлган ишончига путур етказиши мумкин.

Мактабдаги таълим жараёнида болалар ҳали ўзлари бевосита идрок қилмаган борлиқ ва ҳодисалар ҳақидаги билимларини ўзлаштира бошлайдилар. Ўқувчилар бундай маълумотларни, албатта, хаёлнинг фаол фаолияти орқали ўзлаштириб оладилар. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг хаёли ўқув фаолиятининг таъсири ва талабларидан таркиб топади. Шунинг билан барча бевосита таассуротлар ҳам хаёлни ривожлантиради. Бу даврда хаёлнинг ривожланишидаги асосий фикрларни (ғояларни) кўриш мумкин. Даставвал илгари идрок қилинган образларни тасаввур қилиш билан ёки мазкур тасвир, схема, сурат ва шу кабиларга мос келадиган образлар яратиш билан боғлиқ бўлган қайта тикловчи хаёл такомиллашади. Болаларнинг тетиклик, ёркинлик ва конкретлиликдан маҳрум бўлмаган тасаввурлари секин–асталик билан янада аниқлашади, ўқув предметлари, болалар ўқиган китобларнинг мазмунини борган сари тўғри акс эттиради ҳамда узуқ–юлуқлик ва фрагментарликдан озод бўлиб, бир системага бирлашади. Ўтмишдаги тажрибалардан олинган таассуротларини қайта ишлаш ва ўзгартириш билан боғлиқ бўлган ҳамда уларни янги образлар, комбинацияларга бирлаштиришдан иборат янги образлар ҳосил қилиш сифатидаги ижодий хаёл ҳам янада ривожланади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчи хаёлида воқеликка зид бўлмаган образлар борган сари кўпроқ пайдо бўлади. Бу эса болада танқидий баҳолаш қобилиятининг ривожланиши билан боғлиқдир. Шундай қилиб, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг хаёли, бир томондан, бевосита таассурот таъсиридан секин–аста озод бўлади, мана шунинг ўзи бола ҳаётига ижодий характер бағишлайди. Иккинчи томондан, мазкур ўқувчилар хаёлининг ривожланиши, яъни унинг реаллиги хаёл образларини мантиқий равишда объектив олам қонунлари асосида

назорат қилиш ҳамда баҳолаш қобилияти ривожланиши билан боғлиқ бўлган реаллиги кучаяди.

Ўқитувчи ўқиш материалини ўқувчиларнинг хаёл хусусиятига мувофиқ берилишида қайси билим бойлигига таяниши кераклигини, мавжуд тасаввур бойликларидан қайси бирини танлаб олишни ва ундан фойдаланиши кераклилигини ҳамда уларнинг хаёл оқимини қайси томонга қараб ўзгартириш мақсадга мувофиқроқ бўлишини билиши керак. Бунда ўқитувчининг эпитет[4] ва ўхшатишларни ўз вақтида тўғри ишлатиши муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки эпитет ва ўхшатишлар ўқувчилар онгидаги тасаввурларнинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда эҳтиёткорлик билан ёндашиш керак. Маълумки хаёл фаолияти тафаккур билан чамбарчас боғланган бўлади. Фикрлаш жараёнлари хаёл тасаввурларига таянади.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар тафаккурининг хусусиятларини ўрганган олимлар боланинг тафаккурини қуйидаги уч йўналишда тадқиқ қилганлар: биринчидан, тафаккурнинг ёш даврига хос хусусияти, иккинчидан, унинг ривожланиши, учинчидан, тушунчаларнинг шаклланиш омиллари.

Болалар нарсаларнинг ўзгармайдиган баъзи белгилари доимийлигини пайқай олмаслиги улардаги тафаккурнинг энг муҳим хусусиятларидан биридир. Таълимнинг дастлабки босқичида болани умумлаштириши жуда содда бўлади ва фақат ўхшашлик белгисига асосланади. Кейинчалик эса бола нарса ва ҳодисаларнинг ташқи сифат ва хусусият белгиларини гуруҳларга ажратиш ва таснифлаш, нарса ва ҳодисаларнинг хоссалари, қонуниятлари, мураккаб ички боғланиш ва муносабатларнинг муҳим белгилари бўйича умумлаштиришга ўтади.

1-2-синф ўқувчилари ўқув фаолиятларини буюмларнинг жозибадор ташқи белгиларига таяниб фикрлайдилар: қуёш, момақалдироқ, автомобиль, қуш ва бошқалар тўғрисида фикр юритишда “Қуёш иситади, ёритади” “Момақалдироқ гулдирайди” “Автомобил юк ташийди” “Қуш сайрайди” каби ҳукмлар чиқарадилар, шунинг учун агар ўрганилаётган материалларнинг муҳим белги ва аломатларини бевосита аниқлаш зарурати туғилса, дарров кўринадиган мисолга мурожат қиладилар. Ўқувчилар III синфга ўтгандан сўнг умумлаштиришдан моддий дунёдаги воқеликнинг энг муҳим муносабат ва боғланишларни акс эттирувчи ички белгиларига таянадилар. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар таълим жараёнида илмий тушунчаларни ўзлаштирсалар-да, олдинги дарсларда ўзлаштирилган турли аломатлар, белгилар, хусусиятларини қориштириб, чалкаштириб ҳам юборадилар. Чунки уларда тушунчалар таркибига кирадиган нарса ва ҳодисалар билан уларнинг белгилари ўртасида узвий боғланиш таркиб топмаган бўлади. I ва II синф ўқувчилари узунлик ўлчов

---

[4] эпитет — стилистика ва поэтика термини; антик даврдан маълум бадиийтасвирий воситалардан. Нарса ва хрдисаларга, тушунча ва ҳ. к. га хос хусусиятларни образли тавсифлаш.

бирликларини ўзлаштиришда ҳам қийналадилар, чунки улар узунлик ўлчовининг асосий белгиси унинг узунлигини ажратишни билмайдилар .

III синфга ўтганларидан кейин мураккаб фазовий муносабатларни эгаллашга кучлари етади. Чунки таълим жараёнида уларнинг фазо тўғрисидаги тасаввурлари, тушунчалари кун сайин режа, масштаб, ер шари ва қатор шартли белгилар ҳақидаги билимлар билан бойиб боради. Ўқувчиларнинг билим доираси кенгайгани сари улар қатъий ҳукмлардан тахминий ҳукмларга кўча бошлайдилар. Нарса ва ҳодисаларнинг турли хусусиятларига эгалигини воқелик атиги бир ҳаракатдан, бир сабабдан эмас, балки кўп сабаблардан пайдо бўлишини англаш босқичига кўтариладилар. Тахминий ҳукмлар II синфдан бошлаб пайдо бўлади. III синфдан бошлаб ўқувчиларда тушунча ва ҳукм ривожланиши билан бирга турли нарса ва ҳодисалар ҳақида юритилган муҳокамалар асосида хулоса чиқариш ҳам ўзгариб боради. Ўқувчиларда индуктив ва дедуктив хулоса чиқариш алоҳида аҳамият касб этади. Хулоса чиқариш аввал бевосита идрок қилинаётган нарсалар асосида вужудга келади. У бевосита кузатиш, идрок қилиш жараёнида нарса ва ҳодисаларнинг муносабати боғланишини акс эттирадиган хулоса чиқариш бўлиб, боланинг тафаккурида асосий ўрин эгаллайди. Чунки бунда яққол образли тафаккурга таяниб хулоса чиқарилади. Кейинчалик мавҳум шарт-шароитлардан вужудга келадиган хулоса чиқариш тури пайдо бўлади.

Таълим жараёнида тафаккурнинг аналитик-синтетик фаолияти муҳим роль ўйнайди. Ўқувчилар таҳлил қилиш жараёнида яхлит муносабатни ёки нарсани бўлакларга ажратиб уларнинг, узвий боғланишини аниқлайди, синтезда эса бунинг аксини бажаради, яъни бўлакларнинг яхлит буюмга боғланишини аниқлайди.Ўқувчилар таҳлил ва синтезни, таққослашни машқ қилиш орқали нарса ва ҳодисаларнинг муҳим белгиларини тасодифий билишларидан ажратишни ўрганадилар ва шу тариқа ўзларининг мавҳумлаштириш фаолиятларини такомиллаштирадилар. Бошланғич синф ўқувчиларининг умумлаштириш фаолиятини ривожлантириш мақсадида амалга оширилган тадқиқотлардан маълумки, йил охирига бориб, болаларнинг ўзлари мустақил равишда нарсаларни муҳим белгиларига асосан умумлаштириш имкониятига эга бўладилар. Уларда маҳаллий тушунчалар, атамалар, тушунчалар миқдори кескин камаяди. Болаларда мавҳумлаштириш ва умумлаштириш усулларини ўргатиш болалар тафаккурининг ривожини янги босқичга кўтаради. Уларнинг тафаккури мантиқий фикрлаш, мулоҳаза юритиш, ҳукм ва хулоса чиқариш, таққослаш, таҳлил қилишнинг турли усуларини қўллашдан ўзига хос хусусиятлари билан мактабгача ёшдаги болалар ва ўсмирлар тафаккуридан кескин фарқ қилади. Болалар тафаккурида маълум даражада устун туради ва уларнинг тафаккури ёш хусусиятига мутлақо мослигини кўрсатади. Таълим жараёнида тафаккур операциялари, мустақил фикирлашни ўргатиш кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни камол топтириш гаровидир.

11.6 §. КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ ЎҚУВЧИЛАРДА НУТҚНИНГ РИВОЖЛАНИШИ.

Мактабга келиш арафасида боланинг сўз бойлиги ўз фикрини баён эта оладиган даражада ортади. Агар бу ёшдаги нормал ривожланаётган бола ўз нутқида 500–600 сўзни ишлатса, олти–ёшли бола 3000–7000 сўзни ишлатади. Бошланғич синф ёшидаги болалар нутқи асосан от, феъл, сифат, сон ва боғловчилардан иборат бўлади. Бу ёшдаги болалар ўз нутқларида қайси сўзларни ишлатгани афзал-у, қайсиларини ишлатиш мумкин эмаслигини фарқлай оладилар. 6–7 ёшли бола ўз жумлаларини мураккаб грамматик тизимда туза олади. Бола бутун болалик даврида нутқни жадал равишда эгаллаб боради ва нутқни ўзлаштириш маълум бир фаолиятга айлана боради. 7–9 ёшли болаларнинг ўзига хос яна бир хусусияти бола нутқида ўз фикрини баён этибгина қолмай, балки ўз суҳбатдошининг диққатини ўзига жалб қилишни ҳам биладилар. Бу даврда ёзма нутқ ҳам шакллана бошлайди. Ёзма нутқ жумлаларини тўғри, тизимли, сўзларни тўғри ёзилган маълум талаблар қўйилганлиги билан характерланади. Бола сўзларни қандай эшитган бўлса, шундайлигича ёза олмаслигини билиши учун тўғри талаффуз этиш ва ёзишга ўргатиш зарур. Ёзма нутқни эгаллаши асосида болаларда турли матнлар ҳақидаги маълумотлар юзага келади. Бу даврда ёзма нутқ эндигина шакллана бошлаганлиги боис болада ҳали ўзи ёзган фикрларни, сўз ва ҳарфларни назорат этиши малакаси ҳали ривожланмаган бўлади. Лекин унга ижод қилиш имконияти берилади. Ушбу мустақил ижодий иш мактаб ёшидаги ўқувчиларда берилган мавзуни англаш, унинг мазмунини аниқлаш, фикрини баён этиш учун маълумот тўплаш, муҳим жиҳатларини ажратиб олиш, уни маълум кетма-кетликда баён этиш, режа тузиш малакасини юзага келтиради. Жумлаларни тўғри тузиш, айнан шу мазмунга мос сўзларни топиш ва уларни тўғри ёзиш, тиниш белгиларини тўғри қўйиш, ўз хатоларини топа олиш ва тўғрилаш ақлий ривожланишнинг кўрсаткичларидан ҳисобланади.

Мактабдаги таълим ўқувчилар нутқининг мазмунига катта таъсир кўрсатади. Ўқувчиларнинг луғати янгидан-янги сўзлар ва тушунчалар билан бойиб, нутқи эса махсус сўзлар, терминлар ва янги иборалар билан тўлиб боради. Ҳар хил ўқувчи предметлари ўқув нутқи олдига янги талаблар қўйди. Математикада қисқа аниқ нутқ керак бўлса, ўқув дарсларида ўқувчиларга кенг, образли иборалар билан тўлдирилган гаплар керак бўлади. Болалар монологик нутқдан фойдаланишда катта қийинчиликларга дуч келадилар. Болаларнинг оғзаки ва ёзма нутқлари ўртасида катта фарқ борлигини кўрамиз. Бу фарқ шундан иборатки, мактабгача ёшдаги болалар бир-бирлари билан оғзаки нутқ ёрдамида муносабатда бўладилар, ёзма нутқ эса кичик ёшдаги ўқувчилар учун янги нотаниш соҳадир. Шу сабабли ёзма нутқни ўқувчилар қийинчилик билан эгаллайдилар. Ўқувчилар нутқини такомиллаштириш учун актив нутқ билан доимий равишда машқ қилиш талаб этилади, буни таълим жараёнида ҳар доим эсда тутиш керак.

11.7 §. КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ ЎҚУВЧИЛАРДА ИРОДАВИЙ-ЭМОЦИОНАЛ ҲОЛАТЛАР.

Мактабдаги таълим жараёнида билимларни эгаллаш ўқувчидан иродавий зўр беришни талаб қилади. Чунки ўқиш материали ҳар қачон ҳам эмоционал характерга эга бўлавермайди, унинг маълум қисми зерикарли ва завқсиз бўлиши мумкин. Мана шундай материал ўқувчидан иродавий зўр беришни талаб қилади. Маълумки, I синф ўқувчиларида диққатнинг ривожланиши узоқ давом этмайди, лекин ўқиш материалини ўқишдаги иродавий зўр беришнинг такрорланиши таъсири натижасида ирода аста-секин ривожлана боради, мустаҳкамланади: ирода ўқув материалини ўзлаштиришда катта ўрин эгаллайди. Ўқувчиларга кўп нарсаларни ўқиб олиш, дарсда ва уйда кўп нарсаларни эсда қолдиришга тўғри келади, кўпинча ўқувчига шеър ва грамматика қоидаларини ёдлаш топширилади. Мана шу ҳолларнинг барчасида ўқувчилардан ирода талаб қилинади. Ихтиёрий ақлий жараёнларнинг муваффақиятли бўлиши ўқувчининг иродасига боғлиқдир, ақлий жараёнлар ирода билан биргаликда ривожланади. Шу вақтнинг ўзида ироданинг ўзи ҳам фаолиятда, ўқиш жараёнида таркиб топа боради. Ироданинг ўсишида мактабдаги интизомга, ахлоқ қоидаларига риоя қилишнинг зарурлиги катта аҳамиятга эга. Мактабда ўрнатилган интизом ва тартиб ўқувчиларда ихтиёрсиз ҳаракатларнинг вужудга келишига йўл қўймайди. Ўқувчининг ўзида мана шу ихтиёрсиз фаоликка ундаб туриши учун ундан иродавий зўр бериш талаб қилинади. Иродавий акт фаол ҳаракатлардагина эмас, балки бирор ҳаракатни қилишдан ўзини тийишда ҳам ифодаланиши мумкин. Ироданинг асаб-физиологик асослари қўзғалиши ва тормозланиш жараёнлари мувозанатлигининг тараққий этиши билан боғлиқдир. Бу асаб жараёнлари мувозанатлигининг ўсишига синфдаги ўқувчиларнинг жамоаси билан ўрнатилган ўзаро нормал муносабат ҳам таъсир этади. Қўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари мувозанатлигининг, маълум мақсадга қаратилган онгли ҳаракат тариқасида ироданинг ўсиши, бирор қийинчиликни ечиш учун иродавий зўр бериш – буларнинг барчаси асаб тизими тез қўзғалувчи бола учун қийин жараёндир. Чунки бу ёшдаги болаларда қўзғалувчанлик кучли бўлади, улар ўз ҳаракатларида эмоционаллик ва импульсивликка тез берилиб кетадилар. Кичик ёшдаги ўқувчилар уйга берилган топшириқларни кўпроқ ўқитувчиларнинг мақтовига сазовор бўлиш мақсадида бажаришга интиладилар. III – IV синфларда эса ўқувчилар улар билан олиб борилган тарбиявий ишлар натижасида ўқишга ижтимоий аҳамият бера бошлайдилар. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда иродавий ҳаракатларнинг мотиви ва бу ҳаракатдан кўзда тутилган мақсад жуда беқарор бўлади. III – IV синф ўқувчилари ўз мулоҳазаларида бурч ҳиссига амал қиладилар. Яхши тарбияланган болалардаги ирода талаб қилинадиган ҳаракатларида бурч ҳисси катта роль ўйнай бошлайди. Тиришқоқ ўқувчиларда бурч ва жавобгарлик ҳислари кучли намоён бўлади. Бу ҳислар уларда иродани ўстириш воситаларидан биридир. Баъзан бурч ҳиссининг барқарор

кўриниши беқарорликка ўтиб кетади. Бу кўпинча болаларда узоқ вақт иродавий зўр бериш натижасида толиққанда рўй беради. Ўқувчида ироданинг ўсиши унинг кичик мактаб ёшидаги характернинг иродавий хислатлари таркиб топишининг бошланишидир. Болаларнинг ўқиш фаолияти ва ўсишидаги ёш хусусиятлари билан боғлиқ бўлган ўзига хос типик хислатлар ҳам пайдо бўлади.

Кичик мактаб ёшдаги ўқувчида қатъийлик каби муҳим шахс хислати шаклланади. Ёзиш, ўқиш ва санаш каби янги таълим малакаларининг пайдо бўлиши ирода хислатларининг шаклланишига ёрдам беради. Шахснинг муҳим хислати бўлган қатъийлик III синф ўқувчиларининг кўпчилик қисмига хосдир. III синф ўқувчилари масалаларни мустақил ечган ҳолда, қандай қилиб бўлмасин мақсадга эришадилар. Болалар орасида ўз ҳаракатларини тўғри ёки нотўғрилигига ишонмайдиганлар учрайди. Улар ўзлари учун нотаниш янги шароитга, янги жамоага тушиб қолганларида, айниқса, қўрқоқ бўлади. Бунга боланинг ўз кучига ишонмаслиги, ўз ҳаракатларида тез-тез муваффақиятсизликка учраб туриши ҳам сабаб бўлиши мумкин. Мана шунинг учун ҳам, бола кўпроқ иродавий хислатларини ўстирадиган ва мустаҳкамлайдиган шароитда бўлиши, вазифаларни бажариши муҳимдир. Қийинчиликларни ва тўсиқларни ўқувчилар енга оладиган бўлиши керак, ўқувчи бу қийинчиликларни бартараф этиб, эришган ютуқларидан қувонсин. Боланинг кучи етмайдиган, унинг ёш хусусиятига тўғри келмайдиган тўсиқлар бола олдида берк кўча пайдо қилади ва бола иродасини чиниқтириш ўрнига заифлаштиради. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ҳис- туйғулар анча вазминлашиб катталарнинг туйғуларига анча ўхшаб қолади. Аммо туйғуларнинг ўз характерига бутунлай қарама-қарши ҳолда кескин ўзгаришини ҳам кузатиш мумкин. Бу ҳолатлар ўқиш фаолиятларидан бирортасининг ёки бир хилдаги меҳнат ва ўйинининг узоқ вақт давом этиб, таъсир этиши натижасида пайдо бўлади. Кичик ёшдаги ўқувчиларга хос бўлган жуда кўп эмоционал кечинмалар мустаҳкамланиб, ҳатто характер хислатларига ҳам айланади. Ўқувчининг ҳали кичик пайтида, таркиб топган характер хислатлари катта ўзгаришларга учрайди. Тасаввур, тушунча, хоҳиш ва ҳис-туйғулар, сўзсиз, ўзгара боради ёки улар ижобий хислатлар даражасига кўтарилиб, мустаҳкамланиши ёки аксинча, йўқолиб кетиши мумкин. Таълим-тарбия жараёнида болаларнинг ҳаёти ва фаолиятини шундай уюштириш лозимки, бунда болаларда шахснинг кичик ёшда – ўқувчилигида таркиб топган ижобий хислатлар тобора бойиб ва мустаҳкамланиб борсин.

11.8 §. КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ ЎҚУВЧИЛАРДА ИНДИВИДУАЛ ХИСЛАТЛАР.

Ўқувчилардаги темперамент ва характер хусусиятлари бир-бирига жуда ҳам яқиндан боғлиқ бўлиб улар ўйин, ўқиш ва меҳнат фаолиятлари жараёнида тарбия таъсири билан ўзгариб, тараққий қилиб боради. Бола темпераментини тараққий эттириш учун, аввало, унинг ижобий ва салбий,

кучли ва заиф томонларига эътибор берилиши керак. Тажрибали ўқитувчи ўз ўқувчиларининг темпераментидаги индивидуал хусусиятларни аниқлаб олади ва улар билан қилинадиган ишни тегишли тарзда йўлга қўяди. Темперамент типи туғма сифат бўлганлиги сабабли темпераментни тарбиялаш ишини иложи борича эртароқ бошлаш керак. Бундай иш учун кичик мактаб ёши жуда қулай даврдир. Мактабда тўғри йўлга қўйилган таълим-тарбиявий иш болалар темпераментидаги баъзи салбий хусусиятларни тузатади. Холериклар анча ўзини тутган, сангвиниклар ўзларига анча ишонадиган ва атрофдагилар билан кўпроқ муомала қиладиган бўлиб қоладилар. Мактаб интизоми, шунингдек, жисмоний тарбия ва бошқа соғломлаштириш тадбирлари темпераментнинг ҳамма типларига фойдали таъсир кўрсатади. Темперамент устида ишлаш одамда ўз темпераментининг қулига айланиб қолмаслик, балки уни идора қила билиш имкониятларини берадиган ирода ва мустаҳкам характерни тарбиялаш билан узвий равишда боғланиб кетади.

Кичик мактаб ёшдаги даврида характер эндигина таркиб топа бошлайди. Болалардаги характериологик хатти-ҳаракатлар ўзининг беқарорлиги ва қарама-қаршилиги билан фарқ қилиши мумкин. Шу муносабат билан баъзан улардаги ўткинчи психик ҳолатларни хато равишда характер хислатига қўшиб юбориш мумкин. Бу даврда ўқувчиларнинг хатти-ҳаракатларида олий асаб фаолиятининг типологик хусусиятлари анча аниқ ва ёрқин намоён бўлади. Бу хусусиятлар кейинчалик одатда ҳаётда таркиб топган хатти-ҳаракатларнинг одатдаги шакллари билан қоришади. Уятчанлик, тортинчоқлик асаб тизими кучсизлигининг бевосита кўринишида бўлиши мумкин. Импульсивлик, ўзини тута билмаслик – тормозланиш жараёнининг кучсизлиги натижасида намоён бўлиши мумкин. Реакциянинг бир фаолиятдан бошқа бир фаолиятга кўчишнинг сустлиги – асаб тизимининг кам ҳаракатчанлиги натижасида намоён бўлиши мумкин. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчи характери ўзининг айрим хусусиятлари билан фарқ қилади. Даставвал улар характернинг импульсивлиги (беихтиёрлилиги), уларнинг ўйламасдан ва барча ҳолатларини ҳисобга олмай бевосита импульслар, майллар ва тасодифий сабаблар таъсири остида дарҳол ҳаракат қилишга мойиллиги ёш муносабат билан хатти-ҳаракатларни ирода орқали бошқаришнинг сустлиги ва фаол ташқи вазиятга бўлган эҳтиёждир. Шунинг учун кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар томонидан мактабнинг ички тартибини бузиш ҳодисаларини интизомсизлик деб тушунтириб бўлмайди.

Кичик мактаб ёшдаги ўқувчилар характеридаги кўп учрайдиган камчиликлар, яъни уларнинг инжиқлиги ва қайсарлиги оила тарбиясидаги нуқсонлар оқибатидир. Бундай бола ўзининг барча талаб ва хоҳишлари қондирилишига одатланиб қолган бўлади. Болаларнинг характерига хос ёш хусусиятларига меҳрибонлик, билимга қизиқувчанлик, тўғрилик, ишонувчанлик каби ижобий хислатлар ҳам киради. Кичик мактаб ёшдаги ўқувчиларнинг муҳим ёш хусусиятларидан бири тақлидчанликдир. Улар катта ёшли кишиларга ва баъзи тенгқурларига, шунинг билан бирга, яхши

кўрган китоблари ва кинофильмлардаги қаҳрамонларга тақлид қилишга интиладилар.

Кичик мактаб ёшдаги давр характерининг ижобий хислатларини тарбиялаш учун катта имкониятларга эгадир. Ўқувчиларнинг тез кўникувчанлиги ва маълум даражада таъсирчанлиги, улардаги ишонувчанлик, тақлид қилишга мойиллик, ўқитувчининг улар орасида жуда катта обрўси борлиги тарбиявий ишнинг асосини ташкил қилади ва ўқитувчи ўз иши фаолиятида буларга амал қилиши зарур. III синф таълимнинг бошларига келиб тобора ортиб бораётган талаблар таъсири ва тўғри ташкил қилинган таълим-тарбия ишларининг таъсири билан кичик мактаб ёшдаги ўқувчиларда меҳнатсеварлик, тиришқоқлик, интизомлилик ҳамда тартиблилик таркиб топади. Секин-асталик билан ўз хатти-ҳаракатларини иродавий томондан бошқариш қобилияти ривожланади. Ўзини тута билиш ва ўз хатти-ҳаракатларини назорат қилиш ҳамда бевосита турли ножўя таъсирларга берилмаслик малакаси юзага келади, қатъийлик ва қийинчиликларни енгиш малакаси ўсади. Ўқувчиларда III – IV синфлардан бошлаб бурч ҳиссини англаш сезиларли равишда намоён бўла бошлайди. Аммо бу ёшдаги бурч ҳисси ҳали етарли даражада барқарор ва батамом мустақил бўлмайди. Мактаб таълими бошидан бола икки томонлама ҳам оилада, ҳам мактабда тарбиявий таъсир остида бўлади. Шу сабабли тарбиявий таъсирларнинг бир хил йўналишда бўлиши комил шахсни тарбиялашга асос бўлади. Мактаб ва ўқитувчининг вазифаси ўқувчиларга таълим беришгина эмас, балки уларнинг қобилиятларини ҳам ўстиришдир. Қобилиятларни ўстиришда ўқув ишининг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Болалардаги қобилиятларнинг борлиги ҳақида, аввало, уларнинг қандай ўқишлари, ўқув материалини қандай тушунишлари, эслаб қолишлари, ўз билимларини қўллай билишлари, масалаларни ечишда қанчалик пухта фикр юритишлари, ёзма ва оғзаки нутқни қанчалик эгаллаганликларига қараб ҳукм чиқариш мумкин. Қуйидаги сифатлар: зийраклик, тез ва пухта эслаб қолиш, ўйлай олиш, топқирлик, ривожланган хаёл, ишда ташаббускорлик, мустақиллик ва унинг маҳсулдорлиги болалар қобилиятларининг баъзи бир кўрсаткичлари бўлиши мумкин. Ўқитувчи болалар билан ҳар бир ишда ташаббус ва ижодкорлик кўрсаткичларида уларни ҳар жиҳатдан рағбатлантириб туриш керак. Ўқувчи қийналиб қолганда унга ёрдам беришга шошилиш ярамайди, қийинчиликларни аста-секин ошириб бориш муҳим аҳамият касб этади. Ўқувчи олдига қўйилган вазифалар ундан ақлни зўр бериб ишлатишни талаб этиши даркор. Бироқ мактаб ўқувчиларига индивидуал тарзда ёндашиш, улардаги тафовутларни ҳисобга олиш, уларга дифференцияланган топшириқлар бериш зарур. Кучли ўқувчиларнинг дарсда зерикиб қолмасликлари ва уйда етарлича иш билан банд бўлишлари учун уларга қўшимча иш бериш зарур. Бўш ўқувчиларга кўпроқ ёрдам бериш, уларнинг олдига қўлларидан келадиган талаблар қўйиш, уларга муваффақият билан бажара оладиган енгиллаштирилган турдаги топшириқларни бериш керак. Бундай ўқувчиларни тез–тез мактаб туриш, ишда эришган арзимаган

ютуқларини ҳам назарда тутиш лозим бўлади, бу уларни ўз кучларига ишонадиган ва ўқишни истайдиган қилади. Ота-оналар ва катта болаларни бўш ўқувчиларга мунтазам равишда ёрдам кўрсатиш ишига жалб этиш даркор. Одатда бундай тадбирлар яхши ёрдам беради, болалар бошланғич синфни муваффақият билан тугаллайдилар ва ўрта мактабда қониқарли ўқийдилар. Истеъдодли ўқувчиларга нисбатан эҳтиёж бўлиши уларни ҳаддан ташқари мақтаб юбормаслик уларда ўзбилармонлик, манманлик, кеккайиш хислатларини тарбиямаслик учун уларнинг ажойиб болалар эканликларини таъкидлаб ўтмаслик керак.

Истеъдодли бола одатда ўзининг бошқалардан қобилиятлироқ эканлигини тушунади, лекин шу муносабат билан унда иш учун юксак масъулият ҳиссини ҳам тарбиялаш лозим.

Кичик мактаб ёшдаги баъзи болалар фаолиятнинг бирор турига: нафис санъат, мусиқага қобилиятли эканликларини кўрсатадилар. Бундай қобилиятларни янада ўстиришга ёрдамлашиш даркор, лекин бу шахснинг бошқа томонлари ҳисобига бўлмаслиги керак. Шуни унутмаслик лозимки, мактабнинг вазифаси болани ҳар томонлама ўстириш, унинг маънавий ва жисмоний кучларини авж олдиришдир.

Ўқув фаолияти кичик мактаб ёшидаги ўқувчи учун нафақат билиш жараёнларининг юқори даражада ривожланиши, балки шахсий хусусиятларни ривожлантириш учун ҳам имконият яратади ва бола шахси шаклланади. Етакчи бўлган ўқув фаолиятидан ташқари бошқа фаолиятлар ўйин, мулоқот ва меҳнат фаолияти ҳам ўқувчи шахси ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади. Бу фаолиятлар асосида муваффақиятга эришиш мотивлари билан боғлиқ бўлган шахсий хусусиятлар таркиб топа бошлайди. Ўқув фаолияти кичик мактаб ёшидаги болаларда ўқишда маълум ютуқларга эришиш эҳтиёжини қондиришга, шунингдек, тенгдошлари орасида ўз ўрнига эга бўлишига имконият ҳам яратади. Бу ёшдаги болалар доимий равишда ўзлари эришган муваффақиятини бошқа тенгдошлари муваффақияти билан солиштирадилар. Улар учун доимо биринчи бўлиш ниҳоятда муҳим. Кичик мактаб даврида болалардаги мусобақага киришиш мотиви психик эҳтиёж ҳисобланиб, бу мотив уларга кучли эмоционал зўриқишни беради. Бу хусусиятлар аслида бошқа даврдан бошлаб юзага кела бошлайди ва кичик мактаб даврида, шунингдек, ўсмирлик даврида ҳам яққол кўзга ташланади. Кичик мактаб ёшидаги болалар катталарнинг у ҳақидаги берган фикр ва баҳоларига қараб ўзларига-ўзлари баҳо берадилар. Ўқувчининг ўз-ўзига берадиган баҳоси, асосан тўғридан-тўғри ўқитувчининг берадиган баҳосига ва турли фаолиятлардаги муваффақиятларига боғлиқ. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ўз-ўзига берадиган баҳолари турлича – юқори, адекват, мос ёки паст бўлиши мумкин. Бу ёшдаги болаларда мавжуд бўлган ишонувчанлик, итоаткорлик каби хусусиятлар уларни шахс сифатида тарбиялаш учун яхши имконият яратади. Кичик мактаб ёши даврини боланинг турли фаолиятларида муваффақиятга эришишни белгилаб берувчи асосий, шахсий хусусиятларининг юзага келиши ва мустаҳкамлаш даври деб ҳисоблаш

мумкин. Бу даврда муваффақиятга эришиш мотивлари таркиб топиши билан бир қаторда, меҳнатсеварлик ва мустақиллик каби сифатлар ривожланади. Болаларда мустақиллик хусусиятининг шаклланиши асосан катталарга боғлиқ. Агар бола ҳаддан зиёд ишонувчан, итоаткор, очиқ бўлса, унда аста-секинлик билан бўйсунувчанлик, тобелик хусусияти мустаҳкамлана боради. Бироқ болани вақтли мустақилликка ундаш унда баъзи салбий хусусиятларнинг шаклланишига ҳам олиб келиши мумкин, чунки ҳаётий тажрибаларини асосан кимларгадир тақлид қилган ҳолда ўзлаштиради. Мустақилликни шакллантириш учун болага мустақил бажарадиган ишларни кўпроқ топшириш ва унга ишонч билдириш ниҳоятда муҳимдир. Шунингдек, шундай бир ижтимоий психик муҳит яратиш керакки, унда болага бирор-бир масъул вазифани мустақил бажаришни топшириш, бу ишни бажариш жараёнида бола ўзини тенгдошлари, катталар ва бошқа одамларнинг лидери деб ҳис қилсин, ана шу ҳис болада мустаҳкам бўлишга ундовчи мотивларни юзага келтиради. 7-11 ёшли болалар ўзларининг индивидуал хусусиятларини англай бошлайдилар. Боланинг ўз-ўзини англаши ҳам жадал ривож беради ва мустаҳкамлана бошлайди. Бу даврда болалар ўзларининг исмларини тенгдошлари ва атрофдагилар томонидан ижобий қабул қилинишига ҳаракат қиладилар. Бола ўзининг ташқи кўриниши ва гавда тузилишига берадиган баҳоси ҳам ўз-ўзини англашда аҳамияти жуда катта. Кичик мактаб даврининг охирига бориб болалар, айниқса, қизлар ўзларининг юз тузилишларига алоҳида эътибор бера бошлайдилар. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ўқув фаолияти жараёнида ўзидаги хулқ-атвори ва фаолиятини ўзи томонидан мувофиқлаштириш қобилияти ривожланади, онгли равишда бир фикрга кела олиш қобилияти ривожланади, ўз фаолиятини ўзи уюштиришга ҳамда билим олиш жараёнига бўлган қизиқишнинг қарор топишига ёрдам беради, ўқувчи хулқ-атворининг мотиви ҳам ўзгаради. Бунда дўстлари ва жамоанинг фикрлари асосий мотивлар бўлиб қолади. Ахлоқий ҳис-туйғулар ва шахснинг иродавий хусусиятлари шаклланади.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг етакчи тури ўқиш ҳисобланиб, уларнинг ҳаётида меҳнат камроқ ўрин тутади. Бу ёшдаги ўқувчилар ҳаракат билан боғлиқ бўлган ўйинларни яхши кўрадилар. Бу ўйинлар ҳаракатларнинг уйғунлашувини такомиллаштиради, куч-қуввати ва чаққонлигини ўстиради, ички органларнинг фаолияти – нафас олиш, қон айланишини яхшилайди, болалар соғлигини мустаҳкамлайди. Ўйин идрок, диққат, хаёл, қизиқиш, таффаккурни ўстиришга ёрдам беради, ташаббус ва активликни ўстиришга кўмаклашади, ўйин фаолиятини уларсиз тасаввур этиб бўлмайдиган ижобий эмоцияларни келтириб чиқаради. Бундан ташқари, ўйин ўқувчининг ўқиш жараёнида ақлий ишдан жуда яхши дам олиши учун хизмат қилади. Ўйин болаларни ҳаётга таёрлайди, ҳолбуки улардан бирортаси ҳам ўйиннинг бу ҳақидаги аҳамиятини ўйламайди. Болалар ўзларининг бирдан-бир эҳтиёжларини қондириш – хурсанд бўлиш учун ўйнайдилар. Ўйин жараёнида болалар муайян ишларни бажарадилар. Улар иморат қилади, саёҳат қилади, даволайди, бир-бирларига иш ўргатади,

хўжалик ишлари билан шуғулланадилар. Ватанни душманлардан ҳимоя қиладилар, қахрамонлик кўрсатадилар ва ҳоказо. Ўйиндан кўзланадиган мақсад ўйин натижаси эмас, ўйин фаолиятининг ўзидир. Кўпгина ўйинларда бир киши эмас, балки кўпчилик иштирок этади. Бу болаларда жамоатчилик ҳиссини тарбиялашга ёрдам беради. Улар биргаликда, уюшган ҳолда ҳаракат қилишни ўрганадилар, гоҳ бошқаларга бошчилик қиладилар, гоҳ ўзлари уларга бўйсунадилар, муайян қоидаларга амал қилиб, уларнинг бажарилишини қаттиқ назорат қиладилар. Буларнинг ҳаммаси иродани тарбиялашга, интизомга одатланишга имкон беради, ўз хатти-ҳаракатлари ва хулқ-атвори учун жавобгарлик ҳиссини юзага келтиради, бола шахсининг маънавий сифатларини таркиб топтиришга ёрдам беради, маълумки ҳар бир ўйинда болалар ўйинни ўйналадиган муайян шартлар ҳақида келишиб оладилар, борди-ю бирор бола ана шу мажбуриятни бузса, уни ўйиндан чиқариб юборадилар ёки ўйинни давом эттиришдан бош тортадилар. Ўйинларнинг кўп қисми мусобақалар билан боғлиқ, бу нарса боланинг жисмоний ва психик жиҳатидан зўр беришни кучайтиради, камол топишга ёрдамлашади.

Ўйиннинг амалий натижалари эмас, балки унинг қатнашчиларга бахш этадиган мамнунияти ўйин фаолияти учун мотивлар бўлиб хизмат қилади. Ўйинда кўп нарса хаёл асосида қурилади. Болалар мутлақо реал буюмларсиз ёки унча-мунча буюмлардан фойдаланган ҳолда ўйнашлари мумкин. Шунинг учун ўйлаб юзага келтирилган вазиятлар реал ва кўпинча кучли таъсир этувчи ҳис-туйғулар бўлиши мумкин. Кичик ёшдаги ўқувчиларнинг ўйинлари жуда хилма-хил бўлади.

1. Ҳаракатли ўйинлар: ҳаракатли ўйинларнинг баъзилари спорт ўйинларига яқинроқ бўлади. Бу ўйинлар соғлик учун жуда фойдалидир. Бундай ўйинларнинг кўпларида шахсий биринчилик ёки жамоатчилик биринчилиги учун курашилади. Уларда жисмоний сифатлардан ташқари шахснинг жасурлик, ўзини қўлга ола билиш, қатъиятлилик сингари хусусиятлари ўстирилади.
2. Ролларга бўлиниб ўйнайдиган ўйинлар. Бундай ўйинларда болалар кузатадиган ёки катталардан эшитадиган ҳодиса ва жараёнларни акс эттиради. Бу ўйинларда ҳар бир бола ўзига муайян ролни, масалан врач, ўқитувчи, ўт ўчирувчи ролини олади ва тегишли фаолият турини тасвирлаб ўйнайди. Баъзан ўйин сюжети олдиндан белгилаб қўйилади, воқеа ва ҳаракатлар муайян режа асосида авж олиб боради. Бошланғич синфларда ҳам улар ҳали кўғирчоқ ўйнайдилар, уни аллалайдилар, даволайдилар, унга таълим берадилар. Баъзан улар ўйинчоқларсиз ҳам ўйнайверадилар, бунда кўпинча қўғирчоқ ўрнини укалари ва сингиллари эгаллайди, ўзлари эса оналик бурчини адо этган бўладилар. Кичик мактаб ёшидаги болаларда техникага қизиқиш пайдо бўлади. Уларнинг ўзлари самолётлар, автомашиналар ясаб уларни ўйнайдилар. Қизлар ўйинларида маиший характердаги ишлар билан шуғулланишни ёқтирадилар: қўғирчоқ учун кийим-кечак тикадилар, стол тузайдилар, идиш-товоқни, қўғирчоқ учун тикилган кийим-кечакни ювадилар ва дазмоллаб қўядилар. Бунга ўхшаш

ўйинлар кейинчалик аста-секин меҳнат фаолиятига айланади, стол устига қўйиб ўйналадиган ўйинлар: бу ўйинлардан баъзилари билишга қизиқишни ошириш ва ақлий камолотни ўстириш учун жуда фойдалидир. Расмли ва ҳар хил топишмоқлар, ребуслар, ўйлашни талаб қиладиган ўйинлар киради. Айни шу вақтда кўпчилик болалар шашка, шахмат ўйнай бошлайдилар. Бошланғич синф ўқитувчилари ўқувчиларнинг ўйин фаолиятидан бир четда турмасликлари керак. Ўқитувчилар танаффус пайтида ўйинларни кузатиб турадилар, баъзан эса болаларнинг дам олишларини йўлга қўйиб, ўйинларда ўзлари ҳам иштирок этадилар. Ўқитувчининг роли, биринчи навбатда, болаларга фойдали ўйинларга қизиқиш уйғотиш, зарарли ўйинлар ўйналишига, болаларнинг уришиб қолишларига йўл қўймаслик ва ҳоказолардан иборат. Лекин ўйинга зўр назорат, эҳтиёткорлик билан раҳбарлик қилиш лозим. Болалар мустақиллигини, уларни мустақилликка бўлган табиий интилишларини бўғиш ярамайди: болаларни оқилона ўйинлар ўйлаб топишлари ва ўзлари учун ўйинда кўп имкониятлар яратадиган ижодиётнинг бошқа формаларини рағбатлантириб бориш даркор.

Болалар мактабга борганларида меҳнат учун ҳали жисмоний ва техник жиҳатдан етарлича таёргарлик кўрмаган бўладилар. Улар ҳали ўз ҳаракатларини ҳамиша ҳам қисмларга ажратиб ва бир-бирига мувофиқлаштира олмайдилар, уларда кўз билан қўл етарлича бир-бирига мувофиқ тарзда ишлай олмайди, кинестетик (мускул) сезгилари унча ўсмаган бўлади. Аммо 9 ёшга кирганда боланинг унча мураккаб бўлмаган ишларга жисмоний таёргарлиги анча ортади.

Бошланғич синфларда болалар меҳнат фаолиятига таёрланадилар. Улар 1-синфдан бошлаб қоғоз, картондан жуда оддий буюмлар тайёрлайдилар, шуни ҳам айтиш керакки, бу машғулотларга улар жуда қизиқадилар. Биринчи синф ўқувчилари иш жараёнининг ўзи билан меҳнат натижаларига қараганда кўпроқ қизиқадилар, бироқ кейинчалик улар ўз ишларининг сифатига ҳам қизиқиб қарайдиган бўладилар. Улар ўзлари ясаган буюмларни намуна билан таққослаб кўрадилар ва ишни аниқ бажаришга интиладилар. Агар биринчи синфда болалар ўз хатоларидан кўра кўпроқ ўртоқларининг ишидаги камчиликларини сезсалар, иккинчи ва учинчи ўқув йилида ўз меҳнатлари маҳсулига ҳам анча танқидий муносабатда бўладилар, унинг сифатини баҳолашга объективроқ ёндашадилар. Қўлидан келадиган меҳнат машғулотлари болаларда, аввало, бу машғулотлар ҳаракатланиш билан боғлиқ бўлгани учун қувонч ҳисларини юзага келтиради. Лекин тез орада мақсадсиз меҳнат кичик ёшдаги ўқувчини қизиқтирмай қўяди. Агар у, масалан, тайёрлаган ўйинчоқлардан энг яхшилари болалар боғчасидаги кичкинтойларга берилишини билса, ўз ишига зўр масъулият билан киришиб кетади ва уни яхшилаб бажариш учун бор кучини ишга солади.

Ўқишнинг дастлабки йиллариданоқ меҳнат болаларда шахснинг эҳтиёжи тариқасида юзага келади. Бунда катталарга тақлид қилиш ҳам фойдали бўлиши истаги катта рол ўйнайди. Бу жиҳатдан кичик ёшдаги

ўқувчининг маиший меҳнати, оилада ўзидан кичик болаларга қараб туриши, синфни йиғиштиришда иштирок этиши, гуллар ва тирик бурчак жониворларига қараши муҳим аҳамият касб этади. Ўқитувчи ўқувчиларни фақат ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилибгина қолмасдан, ота-оналар болаларда меҳнатга меҳр-муҳаббат ҳамда одатланишни қунт билан тарбиялаб боришлари учун уларга таъсир кўрсатиб туриши ҳам керак. Болаларнинг меҳнат тарбиясига синф жамоаси ҳам таъсир кўрсатади. Ўқитувчи бир ўқувчининг ишига баҳо берар экан, умуман, бутун синфнинг фикрига мурожаат этади. Бундан ташқари кўпгина ишлар жамоат тарзда бажарилади.

Ўқитувчи болаларда ижтимоий фойдали меҳнатга меҳр-муҳаббат ва ишлай олиш қобилиятини тарбиялашда уларни қизиқтиришга интилади. Бироқ айни вақтда ўқувчиларни айрим меҳнат операцияларини бажаришда уюшқоқлик ва изчилликка ўргатиш зарур. Болалар янги ишга берилиб киришадилар-у, лекин уни нимадан бошлаш кераклиги, қандай материал олиш, қандай меҳнат қуролларидан фойдаланиш ва ҳоказолар ҳақида ўйлаб ўтирмайди. Улар ўз ишларини режалаштиришга, ишни белгиланган муддатда тугаллаш учун вақтларини тўғри тақсимлашга унча қодир эмаслар. Шундай ҳам бўладики, болалар ишда тартибга риоя қилмай, ҳамма нарсани сочиб ташлайдилар, натижада меҳнат ўнгидан келмайди, муваффақият кўзга кўринмай қолади. Бундай ҳолларда ўқитувчи болаларга ўз меҳнатларини дурустроқ йўлга қўйиш, уни ўйлаб режалаштиришда ёрдамлашиш керак. Агар иш юришиб кетадиган бўлса, унда ўқувчиларда ўз кучларига ишониш ҳисси ва уни охиригача муваффақият билан етказиш истаги пайдо бўлади. Ўқитувчи болаларга бошчилик қилар экан, уларни мустақилликка ўргатиши лозим. Ташаббус, ижодиёт, оқилона равишда ўйлаб олинган ишлар рағбатлантирилиб борилиши даркор.

Талабаларнинг ижодий фикрлаши учун саволлар:

1. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ўзига хос психологик хусусиятлари.
2. Мактабга ижтимоий-психологик мослашув йўллари қандай?
3. Болаларнинг интеллектуал (ақлий) ривожланишида кичик мактаб даврининг аҳамияти.
4. Ўқув жараёни давомида юзага келадиган муаммолар:
5. Кичик мактаб давридаги болалар шахси ривожида юзага келадиган янгиликлар.
6. Ўқиш фаолияти хусусиятлари нимадан иборат?
7. Ўқув фаолияти мотивларини изоҳлаб беринг?
8. Ўқувчиларнинг ўйин ва меҳнат фаолияти хусусиятлари тафсифномасини беринг?
9. Ўқувчиларнинг ўз-ўзини англаши ва қизиқишлари қандай шаклланади?
10. Кичик мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилар орасидаги ўзаро муносабатлар қандай характерга эга бўлиши лозим?

XII БОБ. ЎСМИРЛИК ДАВРИ ПСИХОЛОГИЯСИ

12.1 §. ЎСМИРЛИК ЁШИДАГИ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ХУЛҚ-АТВОР ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўқитувчи ва тарбиячи учун болаларнинг ўсмирлик даври психологиясини билиш психологик нуқтаи назардан ҳам педагогик нуқтаи назардан ҳам муҳимдир. Бу даврни биз яна ўтиш даври ҳам деб атаймиз. Ўсмирлик 11-12 ёшдан 14-15 ёшгача бўлган даврни ўз ичига олади. Аксарият ўқувчиларда ўсмирлик ёшига ўтиш, асосан 5-синфдан бошланади. «Энди ўсмир бола эмас, бироқ катта ҳам эмас», айни шу таъриф ўсмирлик даврининг муҳим характерини билдиради. Ўсмир ўқувчиларга таълим ва тарбия бериш ишларида учрайдиган айрим қийинчиликлар бу ёшдаги болаларнинг психик ривожланиши ва хусусиятларини баъзан етарли даражада билмасликдан ёки инкор қилишдан келиб чиқади. Кичик ва катта ёшдаги мактаб ўқувчиларига қараганда ўсмирлик ёшидаги болаларни тарбиялашда жуда кўп қийинчиликлар бўлади. Чунки, кичик боланинг катта одамга айланиш жараёни жуда қийин кечади. Бу жараён ўсмирлар психологиясининг одамлар билан бўлган муносабат формаларининг жиддий равишда ўзгариши ҳамда ҳаёт шароитининг ўзгариши билан боғлиқдир.

Ўсмирлик болаликдан катталикка ўтиш даври бўлиб, физиологик ва психологик жиҳатдан ўзига хос хусусиятлари билан характерланади. Бу босқичда болаларнинг жисмоний ва психик тараққиёти жуда тезлашади, ҳаётдаги турли нарсаларга қизиқиши, янгиликка интилиши ортади, характери шаклланади, маънавий дунёси бойийди, зиддиятлар авж олади.

Ўсмирлик балоғатга етиш даври бўлиб, янги ҳислар, сезгилар ва жинсий ҳаётга тааллуқли чигал масалаларнинг пайдо бўлиши билан ҳам характерланади. Булар таъсирида ўсмирнинг характери, атрофдаги кишилар билан муомаласи, жамиятда содир бўлаётган воқеаларга муносабати тез ўзгариб боради. Баъзан ижтимоий масалалар тўғрисида нотўғри тассаввур ва янглиш фикрлар ҳосил бўлиши туфайли у муайян тартиб-қоидаларга танқидий кўз билан қарайди.

Бола камолотининг бу даврини кўпинча «қийин», «мураккаб», «муҳим» давр дейилади. Ота-оналар ҳамда ҳали тарбиявий иш соҳасида етарли тажрибага, шунингдек, ўсмирлик ёшидаги болаларнинг ёш ва индивидуал хусусиятлари ҳақида зарур билимларга эга бўлмаган ёш педагоглар, одатда, ўсмирларни тарбиялаш жуда қийин деб ўйлайдилар. Лекин ҳозирги кунда ўсмирларни тарбиялашни ўзига хос хусусиятлари, қонуниятлари, имкониятлари, хатти-ҳаракат мотивлари вужудга келишининг мураккаб механизмлари фанга маълумдир.

Ўсмирлик даври ўзининг тақлидчанлиги, муҳим нуқтаи назарнинг шаклланмагани, ҳиссиётга берилувчанлиги, мардлиги, тантилиги билан фарқланади. Бу ўсмирларга хос хусусиятдир. Шунинг учун ташқи

таъсирларга берилувчан ўсмир ўғил-қизларга алоҳида эътибор бериш талаб қилинади.

Бу ёшда ўсмир ривожида кескин ўзгаришлар рўй беради. Бу ўзгаришлар биологик, физиологик ҳамда психологик ўзгаришлардир. Физиологик ўзгариш жинсий етилишнинг бошланиши ва бу билан боғлиқ равишда танадаги барча аъзоларнинг мукаммал ривожланиши ва ўсиши, ҳужайра ва организм тузилмаларининг қайтадан шакллана бошлашидир. Организмдаги ўзгаришлар бевосита ўсмир эндокрин системасининг ўзгаришлари билан боғлиқдир. Ўсмирлик ёшида болаликдан катталикка ўтиш жараёни содир бўлади. Ўсмирда психик жараёнлар кескин ўзгариши билан ақлий хусусиятида ҳам бурилишлар содир бўлади. Бу ўзгаришлар жараёнида қийинчиликлар туғилади. Булар, аввало, таълим жараёнида рўй беради: янги ахборот, маълумотларни баён қилиш шакли, услуби ва услублари ўсмирни қониқтирмай қўяди. Кўпгина ўсмирларда ўзидан қониқмаслик ҳолати кузатилади. Шунингдек, ўзи ҳақидаги мавжуд фикрларнинг бугун унда содир бўлаётган ўзгаришларга тўғри келмаётганлиги ўсмирнинг асабийлашишига олиб келади. Бу эса ўсмирда ўзи ҳақида салбий фикр ва қўрқувни юзага келтириши мумкин.

Ана шунга ўхшаш ўзгаришлар кўпинча ўсмир руҳиятига ўз таъсирини ўтказади. У тажангроқ, баъзида ҳуда-беҳудага инжиқлик қиладиган, серзарда, гап кўтармас бўлиб қолади.

Ўсмирлик даврида етакчи фаолият – бу ўқиш, мулоқот ҳамда меҳнат фаолиятидир. Ўсмирлик даври мулоқотининг асосий вазифаси бу – дўстлик, ўртоқликдаги элементар қоидаларни аниқлаш ва эгаллашдир.

Ўсмирда психик жараёнларнинг кескин ўзгариши билан ақлий фаолиятида ҳам бурилишлар сезилади. Шунинг учун шахслараро муносабатларда, ўқувчи билан ўқитувчи мулоқотида, катталар билан ўсмирларнинг муомаласида қатъий ўзгаришлар жараёнида қийинчиликлар пайдо бўлади, булар, аввало, таълим жараёнида рўй беради, янги ахборотлар, маълумотларни баён қилиш шакли, услуби ва усуллари ўсмирни қониқтирмай қўяди.

Бутун аъзоларида кескин физиологик ўзгаришлар содир бўлади. Унда ўпка, юрак, жигар, талоқ, буйрак ҳажмлари катталашади. Бундан ташқари гавда тузилиши ҳам ўзгаради.

Катталарнинг ўсмир ёшидагиларга таъсир кўрсатиши, тарбия бериши учун энг қулай шароит бу – меҳнат билан шуғулланишидир. Агар кичик ёшдаги болалар ёрдамчи бўлиш ролларидан қониқсалар, ўсмирлар, айниқса катта ўсмирлар катталар билан тенг равишда фаолият кўрсатаётганларидан, лозим бўлганда уларнинг ўринларига ҳам ишлай олишларидан қониқадилар. Энди ўсмирлар ўйин фаолиятига камроқ вақтларини ажратган ҳолда кўпроқ жиддий ишлар билан шуғуллана бошлайдилар ва уларнинг билиш жараёнлари жадал ривожлана бошлайди.

Ўсмирнинг психик ўсишини ҳаракатга келтирувчи куч унинг фаолиятини вужудга келтирган янги эҳтиёжлар билан уларни қондириш имкониятлари ўртасидаги қарама-қаршиликлар тизимининг намоён

бўлишидир. Вужудга келган зиддиятларни психологик камолотни таъминлаш, фаолият турларини мураккаблаштириш орқали ўсмир шахсида янги психологик фазилатларни таркиб топтириш билан аста-секин йўқотиш мумкин.

Ўсмир ўқувчи руҳий дунёсида пайдо бўладиган бундай ҳолатлар балоғат даври ўтиши билан бир меъёрга келиб қолади. Лекин фарзанд ўстираётган ҳар бир ота-она боланинг ўсиши тўғрисида, унинг ўзига хос хусусияти ҳақида зарур тушунчага эга бўлсалар, фойдадан холи бўлмайди, албатта.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, бу ёшдаги ўсмирлар ўта таъсирчан, айниқса, ташқи таъсирга, ташқи воқеаларга берилувчан бўладилар. Ишқий китоблар ўқиш, шунга ўхшаш кинофильмларни томоша қилишга жуда қизиқадилар. Ўзларининг ташқи қиёфаларига кўпроқ эътибор бера бошлайдилар. Ўғил болаларда соч қўйиш, дурустроқ кийиниш иштиёқи туғилади, қизлар эса ойнага кўпроқ қарайдиган бўлиб қоладилар. Улар ўзларига оро беришни, маликалардай гўзал кўринишни истайдилар, ораста кўринишга уринадилар. Бу табиий ҳолдир.

Юқори синф ўқувчилари ўзларининг маънавий хусусиятлари билан бошқа ёшдаги болалардан кескин фарқ қиладилар. Улар ҳам жинсий, ҳам жисмоний, ҳам ақлий жиҳатдан етилган бўладилар. Шу туфайли улар вазмин табиатли, мулоҳазали, катталарга ҳурмат-эҳтиром билан қарайдилар.

Ота-оналар фарзандлари билан муомала қилишда уларнинг шахсий хусусиятлари, ёш даврлари хислатларини ҳисобга олган ҳолда иш тутсалар, оилада ўзаро тушуниш, тотувлик, ҳамжиҳатлик, умуман, яхши маънавий вазият вужудга келади. Отанинг онага ёки онанинг отага қилган муносабатлари ҳам шу вазият шарт-шароитларига мос тушиши керак. Чунки ота-онанинг ўзаро тотув ҳаёт кечиришлари, иноқ ва барқарор, мустаҳкам оиланинг бош омилидир.

Ўсмирлик ёшининг ўзига хос хусусиятлари катталардан уларга нисбатан жиддий муносабатда бўлиш лозимлигини тақозо қилади. Катталар улар фаолиятини назорат қилишлари, фаолият мотивларини доимо эътибордан чиқариб қўймасликлари лозим, акс ҳолда ўсмир ҳаётида нохуш хусусиятлар пайдо бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун ўсмирлик ёши бола тараққиётида муҳим аҳамиятга эга.

Ўсмир организмида рўй берадиган ўзгаришлар бола ривожланишининг айни шу даврида биологик, физиологик етуклиги борасида амалга ошади. Физиологик ривожланиш ва жинсий балоғатга етиш жараёнининг янги босқичи бошланади. Ўсмирлик ёшида қизлар ва ўғил болаларнинг жисмоний қиёфасида муҳим ўзгаришлар рўй беради. Бу даврнинг бошланишида қизлар ўғил боларга нисбатан тезроқ ривожланадилар. Бу нарса қиз болаларнинг эртароқ жинсий балоғатга етишишига боғлиқдир. 7-8- синфларда ўғил болалар тез ўсиб, қиз болалар билан тенглашиб оладилар. 9-10-синфга ўтганларида бу босқич ўғил болаларда юқорилаб кетади. Қизлар 14 ёшда, ўғил болалар 15 ёшда

балоғатга етадилар. Ўсмирлик даврида ўғил болаларнинг бўйи 25-30 см, қиз болаларники 18-20 см ўсади.

Ўсмирлик ёшининг 2-даврида юз суяклари, айниқса унинг ўрта қисми (бурун, юқори жағ, ёноқ) жуда тез шакллана бошлайди. Оғиз бўшлиғи ва ҳалқум ўзгаради, бўғизда ҳам ўзгариш рўй беради: овоз пайлари узаяди ва кўпаяди. Натижада ўсмирларнинг, айниқса, ўғил болаларнинг овози йўғон ва паст бўлиб қолади. «Овознинг бузилиши» ёш болаларга хос ўткир, жаранглаган овознинг нисбатан паст, катталарга хос овоз билан алмашинишидир. Қиз болаларнинг овози ўғил болаларникидек кескин ўзгармайди, шундай бўлса ҳам қизчаларга хос ўткир, жаранглаган овоз аста-секин, текис ва нозик, салгина пасайган овозга ўз ўрнини беради.

Ўсмирлик ёшида мускул тизимининг ўсиши ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Мускуллар тез ўсиб, мустаҳкамланиб борса-да, лекин оёқ ва қўл суякларининг ўсишидан орқада қолади. Натижада ўсмир гавдаси номутаносиб, ҳаракатлари, юриши нотекис, бесўнақай бўлади, оёқлар узун, мускуллар нозик бўлганидан ўсмир юришидаги бесўнақайлик кўзга ташланиб туради.

Қўл-оёқ ўсиб, ҳатто ота-онанинг кўзига бесўнақай кўринади. Шундай пайтларда айрим ота-оналар боладаги бу ўзгаришни кузатиб, унинг юриш-туришига разм солиш, сўнг тўғри муомала қилиш ўрнига гоҳида, «Эй мунча қўпол, беўхшов бўлиб кетяпсан, хеч нарсага қовушмайсан» деб уни ранжитиб қўядилар.

Кўкрак қафаси тананинг бўйига ўсишига нисбатан секинроқ ўсади. Натижада ўсмир кўкраги тор бўлади. Бу эса ўз навбатида муайян даражада кислородга кўпроқ эҳтиёж сездиради. Кислородга эҳтиёж ўсмирнинг психик фаолиятига таъсир этиб, мия мускул системасидан фарқли равишда кислородни бир неча марта кўп исътемол қилади.

Юрак ва қон айланиш тизимининг ўсиши нисбатан ўзига хос характерга эга. Ўсмирлик ёшининг биринчи давридаёқ юрак ўсиб боришининг ҳамма цикллари асосан тугалланган бўлади. Қон айланиш системаси юрак ўсишидан бирмунча орқада қолади. Натижада у ўсмирларда, айниқса, қизларда юрак уриш тартиби бузилади.

Мия ва асаб тизимининг ўсиши 13-18 ёшларда такомиллашади. Ўсмирлик ёшининг иккинчи ярмида миянинг энг мураккаб психик жараёнлар содир бўладиган пешона қисмида асаб толалари миелинизациялашиб бўлади.

Бу ёшда ҳужайралар ичидаги мураккаб ўзгаришлар натижасида бош мия илон изи чизиқлари асосан шаклланиб бўлади. Бош мия пўстлоғининг айрим қисмлари ва мия ярим шарларини бирлаштириб турувчи ассоциатив ўзгаришлар ўсмирнинг тез улғайиши ва уларнинг бутун психик ҳаётининг мураккаблашувига асос бўлади.

Ўсмирлик даврида кўзғалиш жараёни тормозланишга нисбатан кучлироқ бўлади. Ўсмирларнинг ўзини идора қила олмаслиги, муддатлилиги, таъсирланувчанлиги, қизиқиш ва ҳавасларининг

беқарорлиги, фаол фаолиятдан бирданига пассивликка тушишининг боиси ҳам кўп жиҳатдан ана шунда.

Ўсмирнинг жисмоний жиҳатдан ўсишида жинсий балоғатга етиш катта роль ўйнайди, жинсий балоғатга етиш ўсмир организми фаолиятида жиддий ўзгаришлар ясайди. Жинсий балоғат натижасида ўсмирларда ўзига хос психик ҳолат вужудга келади. Шунинг учун бу даврда мактаб ва оилада таълим-тарбия ишлари тўғри йўлга қўйилмаса, ўсмирнинг ёш физиологик хусусиятлари ҳисобга олинмаса, унинг хулқ-атворидаги салбий сифатлар ортиб бориб, бола характерининг таркиб топишига салбий таъсир кўрсатиши ва кейинги ҳаёти давомида ҳам ўзгартириш қийин бўлган чуқур из қолдириши мумкин.

Ўқитувчилар, тарбиячилар, синф раҳбарлари даставвал шуни чуқур англашлари лозимки, жинсий етилиш организмнинг жисмоний тараққиётига таъсир қилишдан ташқари ўсмирнинг психик тараққиётига ҳам, албатта, таъсир қилади. Ўсмирларда жинсий етилиш муносабати билан шу пайтгача уларга номаълум бўлган ва қандайдир маънода улар учун кутилмаган жинсий мойиллик ва тегишли фикрлар, ҳислар, кечинмалар, қарама-қарши жинсга специфик қизиқиш, маълум мазмундаги китоблар, кинофильмлар, катталарнинг гапларига бўлган қизиқишларнинг пайдо бўлиши мутлақо зарур, табиий ва меъёрий ҳолдир.

Жинсий тарбиянинг муҳим воситаларидан бири ўсмирлар диққатини одамлар ўртасидаги интилиш муносабатлар доирасидан бошқа объектларга кўчиришдир.

12.2 §.
ЎСМИРЛАРНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНИШИ

Кичик ёшдаги ўқувчилардан фарқли равишда ўрта ёшдаги ўқувчиларнинг ҳаёт кечириш тарзида жиддий ўзгаришлар рўй беради. Оилада, мактабда ва ўқувчилар жамоасида ўсмирнинг мавқеи сезиларли даражада ўзига хос хусусиятларни юзага келтиради. Ўсмирларнинг оила аъзолари билан ҳам янгича муносабат ўрнатишлари лозим бўлади.

Ўсмир шахсининг такомиллашуви ва шаклланишига туртки бўлган омиллардан бири ўқув фаолияти мотивларидаги сифат ўзгаришлардир. Ўсмир энди фақат билимлар тизимига эга бўлиш, ўқитувчининг мақтовини эшитиш ва «5» баҳоларни кўпайтириш учун эмас, балки тенгқурлари орасида маълум ижобий мавқени эгаллаш, келажакда яхши одам бўлиш учун ўқув мотивлари устувор бўлиб боради, лекин ўқув фаолияти мотивлари орасида билиш, янги билимларга эга бўлиш мотиви кучсиз бўлгани сабабли, улар мактабга боргиси келмайди, ўқишга оғриниб келиб, салбий ҳис-туйғулар ва хавотирлик ҳисларини бошдан кечиради. Катталар томонидан ўсмирнинг юриш туриши, хулқига жавоб бериш талаб қилинади. Ўсмирга унинг илгари қондирилиб келинаётган эҳтиёж ва хоҳишлари энди қондирилмаслиги, уларнинг кўпидан воз кечиш лозимлиги уқтирилади.

Ўсмир қийинчилик билан бўлса-да, ўзининг янги мавқеини тушуна бошлайди, ўз хулқини ўзгартириб унга мослаша боради.

Мактабда ўсмирнинг мавқеи янада кескин ўзгаради. Уни энди бир неча ўқитувчи ўқитади. Ўсмир олдида ҳар бир ўқитувчининг ўзига хос метод ва усулларига мослашиш, уларнинг талабларини англаб, билиб олиш каби мураккаб вазифа туради. Энди ўсмир кўпгина янги ўқув фанларини ўрганиб олиши керак бўлади.

Ўсмирнинг болалар жамоасига бўлган муносабати ҳам мураккаблашади. Ўсмирга ўзининг ўқиши, меҳнати ва хатти- ҳаракатларига масъулият билан қараш, жамоат топшириқларини аниқ бажариш, билим ва кўникмаларни эгаллашда режа бўйича системали равишда кўтарила бориш каби аввалгидан кўра жиддийроқ талаб қуйилади.

Ўсмирнинг оиладаги мавқеи ўзгариши, мактабда ўқишнинг янги шароити, болаларнинг ижтимоий ҳаётида мураккаб муносабатлар ўрта ёшдаги ўқувчилар олдига кўпгина янги талаблар қўяди ва уларнинг бутун психик ҳаётида янги қийинчиликлар туғдиради. Аввал мустаҳкам ўрнашиб қолган кўникма ва малакалар янги ҳаёт кечириш тарзига кўп жиҳатдан мос келавермайди. Шунинг учун ўсмирларнинг психик жиҳатдан нормал ҳаёт кечириши ва ўсишини таъминлаш учун ўсмирлик ёшининг ўзига хос психологик хусусиятлари эътиборга олинган таълим-тарбиявий тадбирлар қўлланиши зарур.

Ўсмирлик даври қарама-қаршиликларга бой даврдир. Уни баъзи олимлар «кризислар», «таназзуллар» даври ҳам деб атайдилар. Сабаби ўсмир руҳиятида шундай инқирозий ҳолатлар рўй берадики, у бу инқирозни, бир томондан, ўзи ҳал қилгиси келади, иккинчи томондан, ўзи ҳал қилишга имконияти, кучи ва ақли етмайди.

Психологик жиҳатдан ўсишида унинг руҳиятида кескин бурилишлар юз беради. Бу кўринишларни биз уларнинг ҳарактер хусусиятидаги «оғиш»ликларда кўришимиз мумкин ва бу оғишликлар уларнинг хатти-ҳаракатларидаги «портлаш» ва агрессияга (тажовузкорликка) мойил бўлган аффектив қўзғалувчанликдир. Маълумки аффектив қўзғалувчанлик кўп жиҳатидан ўсмирлик даврига тўғри келади. Бу ҳолат меъёрда ҳам кузатилади. Унинг вужудга келиши бу ёш фазасининг вегетатив эндокрин системанинг қайта қурилиши бўлса, психологик ўзгариш портлаш ва агрессияга (тажоввузкорлик) мойил бўлган аффектив қўзғалувчанликдир. Бу ҳолат кўпинча ижтимоий адаптациянинг (мослашишнинг) бузилиши, жумладан, қонунбузарликнинг сабабларидан бири бўлиб ҳисобланади. Аммо психик соғлом атроф-муҳитнинг қулай шароитларида тарбияланаётган ўсмирларда аффектив қўзғалувчанлик адаптациянинг бузилишига олиб келмайди.

Ўсмир шахси характеридаги оғишларнинг шаклланиши уларнинг типларини аниқлаш, тиббий психлогик ва тиббий педагогик ишларни актив олиб бориш учун зарурдир.

Хулқ-атвори оғир ўсмирларнинг шахси шаклланишига кўпчилик ҳолларда оилавий шарт-шароитлар, ота-онанинг ёки қариндошларнинг

ичкиликбозлиги, уларнинг ахлоққа зид хулқ-атворлари салбий таъсир кўрсатади. Тарбияси оғир ўсмирлар учун одатда ўқишга, умумэътироф этган қоидаларга нисбатан зид муносабат бўлиб, охир-оқибатда бу унинг синфига, мактабга, билим юрти жамоасига қарама-қарши қилиб қўяди. Аксарият ҳолларда тарбияси қийин ўсмирлар ички салбий муносабатлар натижасида мактаб жамоасида ўз ўрнини топа олмаган ўқувчилар бўлиб чиқади. Ўсмирлик ёшида катта ёшдагилар, ота-оналар ва ўқитувчилар билан келишмовчиликлар рўёбга чиқадики, бу фақат табиий ўсиш жараёни билангина эмас, балки ўсмирнинг катта ёшдагилар ва тенгдошлараро муносабатлари ўзгариши билан изоҳланади. Тенгдошлар билан доимий мулоқотга эҳтиёжнинг кучайиши, ўзлигини тасдиқлашга интилиш, тенгдошларининг ўзи ҳақидаги фикр-мулоҳазаларига таъсирчанлик ўсмирлик даврига хос хусусиятлардир.

Психолог тадқиқотчилар тарбияси қийин ўсмирларнинг вужудга келишига ижтимоий муҳитдан ташқари педагогик, психологик сабаблар ҳам борлигини кўрсатади. Назарий мулоҳазалар анализи, ўсмирларнинг хатти-ҳаракатлари мотивини системали ўрганиш жараёни тарбияда меъёрдан четга оғиш сабаблари хилма-хил эканлигини кўрсатади.

Балоғат даврида ўқитувчилар, ота-оналар ва жамоатчилик ўсмирни назоратсиз қолдириши, бўш вақтини тўғри уюштирмаслиги, ўқишга нисбатан салбий муносабат, синф жамоаси билан алоқани ёмонлашуви, спиртли ичимликка ўрганиш, тажовузкор, серзардалик тарбияси қийин ўсмирларни келтириб чиқарувчи муҳим омиллардан бўлиб ҳисобланади.

Тарбияси қийин ўсмирларни ўрганишда ижтимоий муҳитдан ташқари педагогик-психологик сабаблар мавжудлигини ҳисобга олиш, қонунбузарликнинг келиб чиқиш сабабларини диагностика ёрдамида аниқлаш, тарбияси қийин ўқувчилар шахсини аниқлаш, уларнинг психологик муносабатларини инобатга олган ҳолда типологиясини тузиш, типологик хусусиятларга биноан индивидуал иш олиб бориш, қонунбузарликнинг олдини олиш, тарбияси қийин болаларни қайта тарбиялаш методларини амалга татбиқ қилиш бу муаммонинг ечилишига ёрдам беради.

Юқорида таъкидланган номақбул оилавий шарт-шароитлар билан бирга тарбияси қийинликни келтириб чиқарувчи мактаб, қариндош-уруғ, маҳаллаларни болалар тарбиясига эътиборсизлигини ҳам киритишимиз мумкин. Бироқ ёмон ота-онанинг боласи, албатта, ёмон бўлади деб ҳисоблаш хатодир. Ўсмир номақбул ташқи таъсирларни ўз истаганича ранг-баранг тарзда идрок этади ва ўзлаштиради. У салбий таъсирларни қабул қилмаслиги, рад этиши, уларга қарши курашиши ҳам мумкин.

Шахснинг ахлоқий жиҳатдан таркиб топиши, ахлоқий онгнинг таркиб топиши, хатти-ҳаракатларининг ахлоқий - этик тушунчаларини ўзлаштириши ўсмирлик ёшининг муҳим психологик характеристикасидир.

Ўсмирлик ёшида фақат жисмоний тараққиёт юзага келмай, балки боланинг шахси ҳам сезиларли ривожланади. Бола шахсининг ривожланиши теварак-атрофдаги воқеликнинг таъсири остида мактабдаги

таълим-тарбия жараёни таъсирида жамоа ва тарбиячиларнинг ғоявий раҳбарлиги остида амалга ошади. Ота-она ва тарбиячи шуни назарда тутиши лозимки, худди ана шу ёшда ахлоқий онг тараққиётига замин қўйилади. Ўсмирнинг қандай ахлоқий тажриба орттиришига, қандай ахлоқий фаолиятни амалга оширишига қараб унинг шахси ҳам таркиб топа бошлайди.

Лекин худди мана шу ўсмирлик ёши ахлоқий жиҳатдан тез ривожланиш ёши бўлганлиги туфайли шуни эсдан чиқармаслик керакки, кўпинча ўсмир онгида, тарбиячи ўқувчи онгига сингдирмоқчи бўлган хислатларга қарама-қарши унда ахлоқий тушунчалар таркиб топиши мумкин.

Ўсмирларда ўзини англашнинг ривожланиши уларнинг ўз хатти-ҳаракатларини англашдан, ундан сўнг ўзларининг ахлоқий сифатларини, характерларини ва ўз қобилиятларини англашдан бошланади.

Даставвал таълим фаолиятини бажариш билан боғлиқ бўлган сифатлар (меҳнатсеварлик, матонат, диққатлилик, тиришқоқлик) англана бошланади. Ундан сўнг бошқа кишиларга бўлган муносабатларни ифодаловчи сифатлар (ўртоқлик ҳисси, меҳрибонлик, вазминлик, қайсарлик ҳисси) англанади. Ундан ҳам кейин ўз-ўзига нисбатан бўлган муносабатларни ифодаловчи сифатлар (камтарлик, ўз-ўзини танқид қилиш, мақтанчоқлик, такаббурлик) англанади. Ниҳоят, шахснинг кўп томонлама муносабатларини ифодаловчи мураккаб сифатлар (бурч ҳисси, қадр-қиммат ва виждон ҳисси, мақсадга интилиш ҳисси) англанади.

Ўсмирлик даврининг оғир, мураккаб давр эканлиги кўплаб психологик, физиологик, ижтимоий омиллар билан боғлиқ. Бу даврда ривожланишнинг барча жиҳатлари, яъни жисмоний, ақлий, ахлоқий, ижтимоий ва бошқаларнинг мазмун-моҳияти ўзгаради. Ўсмир ҳаётида унинг руҳияти, организмининг физиологик ҳамда ижтимоий ҳолатида жиддий ўзгаришлар содир бўлади. Аксарият ҳолатларда уларда бир-бирига қарама-қарши бўлган турли хил ҳолатлар кузатилади. Бу даврга келиб бола энди «бола» эмас ва шу билан бирга ҳали «катта» ҳам эмас. Унинг ўз-ўзига ва атрофдагиларга нисбатан бўлган муносабатлари бутунлай бошқача характер кашф этиб боради. Унинг қизиқишлари, ижтимоий йўналганлиги қайтадан шаклланади, ўз-ўзини англаши, ўз-ўзини баҳолаши, қадриятлари тизими ўзгаради. Унинг учун ўз «мен»и ва шу «мен»нинг аҳамияти ортади. Ўсмир энди « ёш бола» эмас, энди у «катта одам», катта одам эса мустақил бўлиши, ўз муаммоларини ўзи ҳал қилиши кераклигини тушунади. Бу даврда катталар ёрдамига мурожаат қилиш тенгдошлар томонидан қораланади ва буни ўсмирнинг ўзи ҳам хоҳламайди. Бу даврда ўсмирларга катталар томонидан олдингидек кўрсатиладиган илтифот, эркалашлар эриш туюлади. Энди улар ўзларини эркалаб, силаб-сийпалашларини, «арзимаган нарсалар» учун катталар томонидан билдириладиган олқишларни ёқтирмайдилар. Улар атрофдагиларни ҳиссий қўллаб-қувватлашларидан холироқ бўлишга, ўз муаммоларини ўзлари шахсан ҳал қилишга интиладилар. Олдинлари кўчада, боғчада, мактабда юз берган воқеалар

ҳақида уйидагиларга шикоят қилиб, ота-онасидан ёрдам сўраган бўлсалар, энди оиладан ташқарида бирортасидан дакки эшитиб, калтак еб келган тақдирда ҳам, бу ҳақда ота-онасига билдармасликка ҳаракат қилади ва имкон қадар ота-оналарини унинг «ишларига» аралашмасликларини хоҳлайдилар. Буларнинг барчаси ўсмирларда кузатиладиган «катталик ҳисси»нинг таъсиридир. Ўсмир тенгдошлари билан тенглик асосида қилинган муаммолар муносабат асосида алоҳида бир ижтимоий муносабатлар мактабини ўтайди. Ўзаро қизиқишлар, атроф-дунёни, бир-бирларини англашлари ва тушунишлари улар учун жуда қимматлидир. Ўсмир ўз ишларини, сирларини энди ота-оналарига эмас, балки тенгдошига кўпроқ ишонади. У ўз тенгдошлари билан мулоқот ва муносабат жараёнида ўз шахсини эркинлик билан тўла намоён эта олади. Шахсий эркинликни у катта бўлиш ҳуқуқи деб англайди. Ўсмирлар ўзини ҳурмат қилишини, ўз фикрини ва қизиқишини ҳимоя қилишни билмаган тенгдошларига жуда паст баҳо берадилар.

Балоғат даврида ўғил-қизлар ўзларини катталардек ҳис этиш билан бирга, бошқалар ҳам уларни ақлли, ҳушли, ор-номусли, катта одам деб ҳисоблашларини хоҳлайдилар. Катта ёшдаги бегона кишиларга тақлид қилиш одати кучаяди. Атрофдагиларнинг нима билан шуғулланаётганлиги, нимага эътибор бераётганлиги, ўзларини қандай тутаётганлигига разм соладилар. Табиийки, ўсмирда ўзига ёқиб қолган, кўнглига маъқул тушган шахсдай бўлиш ҳаваси туғилади. Аммо, афсуски, катталар боладаги ана шундай ўзгаришларни ёки пайқамай қолишади, ёки сезишса ҳам у нарсаларга етарлича аҳамият беришмайди. Катталар томонидан ўринсиз танбеҳ бериш, кесатиш, дўқ-пўписа қилишлар ўсмир ҳиссиётида нохуш кечинмаларни вужудга келтиради. Мазкур даврда у ўта таъсирчан, ҳамма нарсани кўнглига яқин оладиган бўлиб қолади. Турмуш жараёнида таълим ва тарбияда буни ҳисобга олиш даркор. Юқорида айтиб ўтилганидек, ўзини катталардек ҳис қилаётган ўсмирга бирор юмуш буюрганда уддалай олишига ишонч билдирган йўсинда «сен энди катта боласан, бу иш қўлингдан келади» каби сўзлар билан мурожаат қилиш унинг қувончига қувонч қўшади.

Ўзимиз сезмаганимиз ҳолда ўсмир тарбиясида катта ва қўпол хатога йўл қўямиз. Бу бепарволик оқибатида завқ-шавққа тўлиб, вояга етиб келаётган ўсмир нотўғри йўлга кириб кетиши ҳам мумкин. Негаки, худди шу ёшда яхшидан кўра ёмон одатларга берилиш майли унда кучлироқ бўлади. Шунинг учун ўсмир бола шахсига жуда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш керак.

Шундай қилиб, ўсмирлик ёшида болада катталик ҳисси таркиб топишида ўз-ўзини англашнинг аҳамияти ва роли кучая боради. Демак, мана шу даврда бола муҳит ўртасидаги муносабатнинг янги типини белгиловчи тараққиётнинг ички факторлари борган сари кўпроқ аҳамият қозона бошлайди. Ўсмир ўз-ўзини тарбиялаш ва ўз-ўзини ўстириш орқали мустақил ўсиш қобилиятига эга бўлиб қолади.

Ўсмирлик даврида асосан билиш жараёни юқори даражада ривожланади. Ўсмирнинг идроки кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар идрокидан сифат жиҳатидан фарқ қилади. Ўсмир воқеликдаги билиш жараёнларининг ташқи томонларинигина идрок қилиш эмас, балки нарса ва ҳодисаларни анча мураккаб таҳлил ва синтез қилиш қобилиятига ҳам эга бўлиб қолади. Кўргазмали материални идрок қилишда ўсмирларда фикрлаш жараёни катта ўрин ола бошлайди.

Мантиқий идрок қилиш кичик мактаб ўқувчилари идрокидан фарқ қилади. Ўсмирни ўқиш жараёнида кузатиш маълум мақсадга қаратилган ташкилий идрок сифатида катта ўрин эгаллай бошлайди, аммо ўсмирлик ёшидаги ўқувчиларни мустақил кузатиш ҳам ҳали унга етилмаган ва агар ўсмир олдиндан белгиланган мақсадга таянмаса, унинг кузатиши кўпинча атайин четдан уюштирилган характерга эга бўлиб қолади, атайин уюштирилган кузатиш кўпинча атайин ўқитувчи томонидан ташкил этилади ва у ўсмир фаолиятига қўшилади ва бу орқали ўсмир борлиқни фаол равишда била бошлайди. Ўсмирлар нарса ва ҳодисаларни таҳлил қилишга, уларни ўзаро таққослашга, муҳим ўхшаш томонларини, фарқларини аниқлашга ҳаракат қилади. Ўсмирларни кузатувчанликка ўргатиб бориш зарур, бу билан уларда кузатувчанлик сифатларини тарбиялаш мумкин.

Ўсмирлик даврида хотира, диққатда муҳим ўзгаришлар юз беради. Ўз психик функцияларини уюштириш, анализ қила олиш, уларни идора қила олиш ўсиб боради. Бу иккинчи сигналлар системасини бошқаришнинг ўзига хос кўринишидир. Хотира ва диққат аста-секин уюшган, идора қилинадиган ва бошқариладиган жараёнлар характерини касб этади.

Гарчи ўсмирлик ёшида сўз ва мавҳум материални эсда олиб қолиш анча тараққий этганлиги сезилиб турса-да, ўсмир хотираси кичик мактаб ёшидаги боланинг хотирасига қараганда “умуман” яхши тараққий этган деб бўлмайди. Бироқ ўсмирлар бирор материални эсда олиб қолиш юзасидан фикрлаш ишини уюштира олиш, эсда олиб қолиш воситаларини эгаллаш, кичик мактаб ёшидаги болалардагига қараганда анча тараққий этган бўлади. Эсда олиб қолиш тезлиги ва хотирада сақланадиган материал ҳажми ортади. Механик эсда олиб қолиш борган сари мантиқий тушуниб эсда олиб қолишга ўз ўрнини бўшатиб боради, хотиранинг маҳсулдорлиги ортади. Агар ўқувчилар илгари одатда материални сўзма-сўз эсда олиб қолишга интилган бўлсалар, эндиликда ўсмир ўқитувчининг ёдлаб олишдан иборат (таърифни, қонунни) талабига қарши кўпинча эътироз билдириб, материални “ўз сўзлари билан” айтиб беришга мойил бўладилар. Ўсмирлик ёшида хотира хусусиятлари сезиларли даражада ўзгаради. Уларда кўпроқ мантиқий хотира асосий ўрин тутади. Мавзуларни ўзлаштириш ва тартибга солиш, нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини билиш натижасида ўсмир мантиқий эсда олиб қолиш ва мантиқий эсга тушуришнинг афзаллигини тушуниб олади. Эсда қолдириш ихтиёрий ва ихтиёрсиз бўлиши мумкин. Ўсмирлик ёшида, хусусан, мактабда ўқиш таъсирида ихтиёрий эсда қолдириш ривожланади. Ёркин, нотаниш ва янги нарсани эсда олиб қолаверадиган ёшдаги болалар (мактабгача тарбия ва кичик ёшдаги

болалар)дан фарқли равишда ўсмирларда эсда қолдириш ва ёдлаб олиш тобора онгли ва тушунган ҳолда бўлади. Уларнинг ўзлари матнни эсда қолдириш ва ёдлаб олиш учун қатор усулларни ишлатадилар.

Ўсмирларда эсга тушириш устидан ўтказилган тажрибалар эсга туширилган материал ҳажми кичик ёшдаги ўқувчиларга нисбатан кичик ўсмирларда икки марта, катта ўсмирларда эса тўрт марта ортиқлигини кўрсатади. Ўсмирларда хотиранинг сифати ҳам ўзгаради, яъни улар кичик ёшдаги ўқувчиларга нисбатан ўқув материалини кўпроқ эсга туширадилар. Бу улардаги тафаккур тараққиёти билан боғлиқ бўлади.

Ўқувчилар тассаввурини бойитиш учун дарсни кўрсатмали ва таъсирчан қилиб олиб бориш лозим. Тўғри, кичик ёшдаги ўқувчиларга нисбатан ўсмирлар билан дарсларни камроқ кўрсатмали қилиб олиб бориш мумкин. Чунки ўсмирлар кўп умумий ва аниқ тассаввурларга таянмай туриб, мураккаб илмий фикрларни тушуна олмайдилар. Ўсмирлар эса етарли даражада тасаввур ва тушунчалар захирасига эга. Шунинг учун ҳамма илмий фикрлар кўрсатмалилик талаб қилавермайди. Ўқитувчининг ҳали ўсмир зарур тассаввурларга эга бўлмаган соҳада мураккаб материални баён қилиши лозим бўлиб қолган ҳолларда кўрсатмалилик керак бўлади.

Ўсмирларда бошқа билиш жараёнларига боғлиқ ҳолда хаёл ҳам ривожланади. Уларда хаёл икки кўринишда намоён бўлади. Тассаввур хаёли ва ижобий хаёл. Тассаввур хаёли ўсмирларда анча ривожланган ва таълим билан боғлиқ ҳолда содир бўлади. Ўсмирларда тасаввур хаёли билан бирга, ижодий хаёл тез ривожлана боради. Бу хаёл тури ўсмирлардаги қизиқишларда намоён бўлади.

Ўсмирларда ўқув ва меҳнат фаолиятининг муваффақиятли бўлиши кўп жиҳатдан уларнинг диққатини тўғри йўлга солиб боришга боғлиқ. Диққатини йўлга солишга одатланадиган ўсмир ўқишда ҳам, меҳнатда ҳам яхши натижаларга эришади, улгурмайдиган болалар кўпинча паришонхотир бўладилар. Ўсмирлик ёшида қўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг алоҳида нисбати қўзғалиш жараёни тормозланишга нисбатан анча кучли. Уларнинг диққатидаги алоҳида хусусиятларни туғдирувчи сабаблардандир.

Диққатнинг тараққий этиши маълум зиддиятлари билан, бир томондан, ўсмирлик ёшида барқарор, ихтиёрий диққатнинг таркиб топиши билан, бошқа томондан, ўсмирдаги таассуротлар, кечинмалар, жўшқин фаолликка импульсивлик кўпинча беқарор диққатга олиб бориши билан, унинг тез чалғиши билан ажралиб туради. Диққатнинг танловчанлик қобилияти, яъни турлича характеристикаси ўша нарсага бўлган кизиқиш кўлами, даражасига боғлиқ бўлиши ўсмирда жуда яққол ифодаланган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ўсмирлик ёшида диққатнинг кўлами, шунингдек, диққатни бир операциядан бошқа операцияга қаратиш, фаолиятнинг бир туридан бошқа турига жалб этиш қобилияти сезиларли даражада ортади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилардан фарқли ўлароқ, ўсмир учун одатда ўз фаолиятини ўзгартиришга қандайдир алоҳида психологик тайёргарлик кўриш талаб этилмайди.

Болалар бошланғич синфларданоқ ўқитувчининг мунтазам талаби таъсирида «диққатли бўлиб кўринишга» ўрганадалар. Лекин бу кўриниш ўсмирларда ҳамма вақт ҳам чинакам диққат мавжудлигидан дарак бермайди. Кўп ҳолларда ўсмир диққат қилиб турган кишидек ўтиради, лекин дарсни тушунмайди, чунки унинг фикри бошқа ёқда сайр қилиб юради. Ўсмирларнинг таъсирчанлиги, ҳаракатчанлиги ва қизиқарли ажойиб нарсаларга интилиши улар диққатининг чалғишига сабаб бўлади. Натижада диққат дарсга ёки бажарилаётган уй ишига тааллуқли бўлмаган бошқа объектларга кўчади.

Ўсмирлар улғайган сари уларда масъулият ҳисси ортиб боради, диққатнинг барқарорлиги ўсади. Ўсмирлар иродасининг мустаҳкамлана бориши улар диққатининг кичик ёшдаги ўқувчилар диққатидан фарқли равишда 40 дақиқа давомида барқарор бўлиб туришига имкон беради. Кичик ёшдаги ўқувчилар диққати 15-20 дақиқа давомида барқарор бўлади, бу нарса иш шаклини дарс давомида 2-3 марта ўзгартириб туришни талаб қилади. Диққатни кўчириш, яъни бир ишдан бошқасига онгли равишда ўтиши муҳим аҳамиятга эга, жозибадор, қизиқарли ва жонли ишдан кейин мураккаб ишга ўтишда диққатни кўчириш қийин бўлади. Бундай ҳолларда ўсмирлар анча вақтгача «янги тартибга» туша олмайдилар. Дарс жадвалларини тузишда диққатни кўчиришнинг қийинлигини назарда тутиш муҳим роль ўйнайди.

Диққатни ташкил этишнинг энг яхши усули ўқитувчининг қандайдир алоҳида усулларни қўллашига эмас, балки ўқиш фаолиятини ўсмирда диққатни узоқ вақт мобайнида бирор нарсага чалғитиш учун на вақт, на истак ва на имконият қолмайдиган қилиб уюштира олишга боғлиқдир. Қизиқарли иш, қизиқарли дарс ўсмирни шунчалик қамраб олишга қодирки, у жуда узоқ вақт давомида зўр иштиёқ билан ишлайди. Ўсмирлик ёшида фикрлаш фаолиятида муҳим силжишлар юз беради. Кичик мактаб ёшида эришилган тафаккур тараққиётининг даражаси ўсмирга фан асосларини муваффақиятли ва системали ўрганиш имконини беради. Ўрганиладиган фанларнинг мазмуни ва ўқув курслари тузилиши мантиқий билимларни ўзлаштиришнинг янги характери мустақил тафаккурга таянишни талаб этади. Мавҳумлаштириш ва умумлаштириш, таққослаш, мулоҳаза юритиш, хулосалар чиқариш, исботлаш қобилияти зарур бўлади.

Ўсмирларнинг тафаккури умумлашган чуқур ва анча мавҳум бўлади. Улар илмий тушунчаларни ўзлаштириб, деярли умумий ҳукмлардан фойдаланади. Умумлаштирилган ва муҳокамали тафаккурни ривожлантириш учун математика ўқитиш жуда муҳимдир.

Мактаб талими ва мустақил билим олиш фаолияти таъсири остида ўсмирда аналитик-синтетик фаолият жадал суръатлар билан ривожлана бошлайди. Шунинг учун унда сабаб ва натижани изоҳлаш уқуви мустаҳкамланиб боради. Ўқувчи материалларнинг муҳим белгиларини ажратишга, кенг маъноли умумлаштиришни амалга оширишга ҳаракат қилади.

Ўсмирлик даврида ўқувчиларда аналитик-синтетик фаолият етарлича ривожланмаганлиги ҳам учраб туради. Шунинг учун математика, физикадан масалани ечиш усуллари ёки исботлаш йўли кўрсатилмаса, қийинчиликлар туғилади.

Ўсмир фикрлаш фаолиятининг асосий хусусияти мавҳум тафаккур қоблиятининг йилдан-йилга ўсиб боришидан, аниқ образли ва мавҳум тафаккур ўртасидаги нисбатнинг мавҳум тафаккур фойдасига ўзгаришидан иборат.

Ўсмирнинг энг муҳим хусусиятларидан яна бири мустақил фикрлаш, ақлнинг танқидийлиги тез ривожланишидир. Мактаб таълимининг бевосита таъсири билан ўсмирда ўзини англаш жараёни ривожлана бошлайди. У ўзининг фикрига мустақил, қарашига бирор масала юзасидан ўз мулоҳазасига эга бўлиши учун ҳаракат килади. Шунинг учун ўқитувчи ва ота-онанинг айтганларига танқидий нуқтаи назар билан қарайди. Тафаккурнинг мустақиллиги инсон учун жуда катта аҳамиятга эга. Ўқитувчи дарс жараёнида ва дарсдан ташқари вақтларда, ҳар қандай оғир шарт-шароитларда ҳам турли усуллар билан бу хислатни қўллаб-қувватлаши лозим, акс ҳолда ўсмир ақлининг ажойиб сифати барбод бўлади.

Ўсмирларнинг ақл-заковатини камол топтириш учун уларга доимо мантиқий тафаккур усулларини ўргатиб бориш зарур. Ушбу ёшнинг энг муҳим хусусияти фаол, мустақил, ижодий тафаккурнинг таркиб топиши ҳамдир. Психологлар айтганидек, ўсмирлик ёши ана шундай тафаккурнинг тараққий этиши учун сензитив (қулай) ёшдир.

Ўсмирларнинг ўсиш ёши даври ироданинг ўсиш даври бўлиб ҳам саналади. Ирода маълумки, белгиланган мақсадга эришишдаги қийинчиликларни енгишда намоён бўлади. Ўсмирнинг олдида жуда кўп вазифалар туради, бунда ўсмир қийинчиликлари енгишга қодир бўлсагина, ана шу вазифаларни тўла ҳал қила олади. Ўсмирларнинг чиниқиши ҳам, вояга етиши ҳам фаолиятни бажариш орқали намоён бўлади. Демак, вазифа фаолиятни тўғри ташкил этишдан иборатдир. Ўсмир мактабда ўқир экан, унинг олдида кўпгина вазифалар туради, у шу вазифаларни қанчалик қийин ва мураккаб бўлмасин, бажариши керак. Шунинг учун ўсмирларда иродани таркиб топтиришга шундай раҳбарлик қилиш зарурки, ўсмир ҳар қандай мақсадга эришиш мумкинлиги тўғрисидаги ишончни йўқотмасин. Қийинчиликларни енгишда ўсмирга ёрдам бериш зарур. Ирода сифатларининг таркиб топиши асосан қўйилган мақсадга эришиш учун кишининг қандай ҳаракат қилиши билан боғликдир. Ирода сифатларининг таркиб топишида фаол ҳаракат қилиш, ҳаракатларнинг уюшганлиги ва барқарорлиги катта аҳамиятга эгадир. Демак, ҳаракатларнинг фаоллиги дадиллик, мустақиллик ва ташаббускорлик каби ирода сифатларини ҳосил қилади, ҳаракатларнинг уюшганлиги эса ўсмирда ўзини тута билиш, матонат, ўз-ўзини назорат қилиш, интизомлиликни ўстиради. Уларда чидамлилик ва жасурликни ўстиришга ёрдам беради. Ўсмирларда ирода шаклланиши билан бир қаторда, ҳиссиёт ҳам шаклланиб боради. Ўсмирнинг

эмоционал ҳаётида янги босқич бошланади. Ўсмирнинг ўз эмоционал ҳолати ўзгаради. Бу умумий эмоционал тонусга ҳамда кайфият ва руҳий ҳолатнинг ўзгаришига тааллуқлидир. Ўсмирда янги ижтимоий боғланишлар, ижтимоий ҳаёт ҳодисалари ва бошқа одамларнинг хатти-ҳаракатларига нисбатан янги муносабатлар вужудга келади. Мана шу муносабатлар асосида ўзи учун аҳамиятсиз бўлган нарсаларга нисбатан унда эмоционал муносабатлар туғилади.

Яна бу ёшда характернинг иродавий хислатлари, яъни матонат, мақсадни амалга оширишда қатъийлик, бунда учрайдиган тўсиқлар ва қийинчиликларни енга олиш каби хислатлари сезиларли даражада ривожланади. Ўсмир кичик мактаб ёшидаги ўқувчидан фарқ қилиб фақат айрим иродавий ҳаракатларгагина эмас, балки иродавий фаолиятга ҳам боғлиқдир.

Агарда кичик мактаб ёшидаги ўқувчи қиз олдига амалга оширилиши керак бўлган, иродани талаб қиладиган мақсад ва вазифалар ҳамиша ҳам мустақил тарзда қўйилмаса, ўсмир бундай мақсадларни кўпинча ўзи қўяди ва бу мақсадларни амалга ошириш учун фаолиятларини ўзи ривожлантиради.

Аммо ўсмирларда ироданинг етишмаслиги қисман уларнинг ҳамма фаолият турларида ҳам ўз иродаларини ҳамма вақт намоён қила олмасликларида кўринади: фаолиятнинг бир турида матонат намоён қилсалар (масалан; спорт фаолиятида) бошқа турларида ирода, чидам намоён қила олмайдилар. Масалан, ўқиш фаолиятида математикани ўзлаштиришда иродани кўрсатсалар, чет тилини ўзлаштиришда уни кўрсата олмайдилар ва шу кабилар. Бундай муносабатларга, энг аввало, ўсмирнинг катталар билан муносабати ва улар билан боғли бўлган кечинмалар, ундан ташқари ўз тенгқурлари билан боғлиқ бўлган кечинмалар киради. Улар ўзаро муносабатларда юрак сирларини изҳор этиш эҳтиёжини сезади, ўзига энг яқин дўст ахтаради, бундай дўст тополмаса, юракдаги гапларини хотира дафтарига ёзиб боришга одатланади. Ўсмирнинг кечинмалари ичида жамоа ҳаёти билан боғлиқ бўлган кечинмалар катта ўрин ола бошлайди. Жамоа ўсмирга шунинг учун ҳам керак бўлиб борадики, ўсмир жамоада ўз тенгқурлари билан муносабатда бўлиш истагини қондира олади, умумий ҳаяжонланиш, маълум кечинма, ташаббус ёки ўйланган ишдан келиб чиқадиган умумий эмоционал ҳолатларни жамоа билан бирга бошидан кечиради.

Жисмоний ривожланиш хусусиятлари муносабати билан ўсмирлик ёши учун характерли бўлган характернинг баъзан мувозанатсизлигини, кучли қўзғалувчанлигини, кайфиятнинг нисбатан тез ва кескин ўзгарувчанлигини қайд қилиш мумкин, бу хислатлар жўшқин ҳаракат ва фаоллик билан қўшилиб интизом ва вазминликнинг ёпишмаслиги асосида кўпинча болалар жамоасида шовқин-суронга, енгилтак қилиқларга, қий-чув тўполонга ва шу кабиларнинг намоён бўлишига олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, ўсмирлик ёшида ижтимоий характерга эга бўлган туйғулар пайдо бўлади, ўсмирнинг ҳаммага яхшилик қилгиси келади.

Характер шахснинг хулқ ва ҳаракатларида намоён бўладиган қатор сифатлари йиғиндисидир. Бола улғайиши билан унинг характери таркиб топа бошлайди. Характер хусусиятларининг шаклланишига турмушнинг ижтимоий-тарихий, оилавий тарбия шароитлари, таълим-тарбия ишларининг шакл ва мазмуни таъсир қилади.

Ўсмирнинг характер сифатларини била олиш ва қандай сифатлар мустаҳкамланган, қайсилари йўқолиб кетяпти ва ниҳоят, қайсилари пайдо бўлаётгани ва мустаҳкамланаётганини аниқлаб олиш педагоглар учун жуда муҳимдир. Характер сифатларини чуқур ва аниқ билиш учун уларни гуруҳларга ажратиш лозим. Характер сифатларини икки катта гуруҳга бўлиш мумкин. Интелектуал иродавий ва эмоционал сифатлар 1-гуруҳни ташкил қилади. Характер сифатларининг 2-гуруҳи ўсмирнинг моддий дунёга, жамият ва кишиларга, фаолиятга ва ўз-ўзига муносабати хусусиятлари билан боғлик ҳолда шаклланади. Такрорланиб турадиган, воқеликка бирор муносабатни акс эттирувчи ҳаракатлар аста-секин характер сифатларига айланиб боради. Доимий, одат тусига кириб қолган ўйинчоқларга, китобларга, мактаб буюмларига, кийимга, мактаб мулкига ва бошқаларга муносабат, характернинг саранжомлик, тежамлилик, режалилик ёки эътиборсизлик, хасислик, бепарволилик каби сифатларига айланади.

Ўсмирларни муваффақиятли тарбиялаш кўп жиҳатдан ўқитувчининг болалар жамоасида дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашига боғлиқлигини эсда тутиш лозим. Баъзан ўсмирлар ўртоқлик ва дўстлик ҳиссини нотўғри тушунадилар. Бундай ҳолларда ўсмирлар орасида «бир-бирини ҳимоя қилиш» вужудга келади. Ўртоғининг нотўғри хатти-ҳаракатини катталардан яширади, гуноҳларини турли йўллар билан беркитади.

«Бир-бирини ҳимоя қилиш» одатига қарши кураш ўқитувчидан хушмуомалалик ва ўсмирлар психологиясини тушуна олишини талаб қилади.

Ўсмирларнинг ахлоқий-ҳиссий ҳисларини яхши билиш ва улардан таълим-тарбияда тўғри фойдаланиш ўсмирларни ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда яхши натижалар беради.

А.С.Макаренко болаларни тарбиялашда болалар жамоасининг ҳал қилувчи ролига катта эътибор берган. Ўсмирнинг жамоада яшаши ва ишлаши унда масъулият, бурч ҳисси каби энг қимматбаҳо ҳиссиётларни ўстиради. Ўсмирлар ўз ютуқлари, хатти-ҳаракатлари учун масъулиятни, ота-оналари, мактаб ва Ватан олдидага вазифа ва бурчларини яхши тушунадилар. Шу билан бирга, ўсмирларнинг масъулият ва бурч ҳақидаги гаплари билан хулқларининг бир хил бўлмаслиги каби ҳолларни ҳам учратиш мумкин. Ўсмир бирор айб иш қилиб қўйиб, бундай қилиш ярамаслигини яхши англайди, айби учун афсусланади. Бундай сўз билан хулқ-атвор ўртасидаги зиддият одатда ташқи таъсирларга тез

берилувчанлиги ва жўшқинлигини ҳисобга олмаслик, фақат оғзаки насиҳатгўйлик билан чекланиш натижасидир.

Инсонга, жамоага, жамоат ташкилотларига нисбатан доим такрорланиб турадиган муносабат меҳрибонлик, дўстона муносабат, инсонпарварлик, дилкашлик ёки одамлардан узоқлашиш, сирни яшириш, одамларга аралашмаслик каби характер сифатларга айланади. Шунингдек, фаолиятга муносабатдаги доимийлик характернинг ижобий ёки салбий сифатларига айланади. Бундай сифатларга тиришқоқлик, мустақиллик, масъулиятлилик, ташаббускорлик ёки шошқалоқлик, ҳовлиқмалик кабилар киради. Характернинг бу сифатлари боланинг кичиклигидан тарбиялана бошлайди. Кейинчалик ўз-ўзига муносабатни акс эттирадиган характер сифатлари пайдо бўлади.

Ўсмир шахсининг тараққиётида энг муҳим кўринишлардан бири унда ўзини англаш, ўзини шахс сифатида англаш эҳтиёжининг таркиб топишидан иборатдир. Кичик мактаб ёшидаги даврда ўзига баҳо бериш истаги бўлмайди: Мен қандай одамман?. Мен қандай фойда келтиришим мумкин? Менинг қандай яхши ва ёмон томонларим бор? деган савол туғилмайди. Ўсмирда бўлса, ўз-ўзига нисбатан, ўзининг ички ҳаётига, ўз шахси сифатларига қизиқиш юзага келади. Ўзини бошқа кишилар билан таққослаш, ўзига баҳо бериш эҳтиёжи пайдо бўлади. Ўсмир ўзига назар сола бошлайди, ўзи учун қандайдир тарзда ўз «мен»ини очади (кашф этади), ўз шахсининг кучли ва кучсиз томонларини билишга интилади.

Ўзини англашнинг дастлабки таркиб топиши ва бундан кейинги тараққиёти ўсмирнинг бутун психик ҳаёти, ўқиш фаолияти характери, теварак-атрофга бўлган муносабатларининг таркиб топиши, унинг бошқа одамлар билан бўлган муносабатларига таъсир қилиб, чуқур из қолдиради. Ўзини англашни воқеликдан узилиб, ўз ички кечинмалари оламига кетиб қолиш деб тушуниш тўғри келмайди. Ўзини англаш ўз-ўзини билишга, бефойда ва чексиз равишда ўз-ўзини анализ қилишга қаратилган ўзига хос интилишнинг намоён бўлиши деб тушуниб бўлмайди. Ўзини англаш эҳтиёжи ҳаёт эҳтиёжларидан ва амалий фаолиятлардан келиб чиқади. Ўзини англаш эҳтиёжи катталарнинг, жамоанинг ўсиб бораётган эҳтиёжлари билан белгиланади.

Ўсмирларда ўзини англашнинг ривожланиши уларнинг ўз хатти-ҳаракатларини англашдан бошланади (олдин айрим қилиқларини, ундан сўнг барча хатти-ҳаракатларини бутунлигича англашларидан бошланади), ундан сўнг ўзларининг сифатлари, характерлари ва ўз қобилиятларини англашдан бошланади. Дастлабки пайтларда ўсмирларнинг ўзини англаши асосида у ҳақида бошқа одамларнинг, катталарнинг (ўқитувчилар, ота-оналарнинг), жамоанинг ва ўртоқларининг мулоҳазалари ётади. Кичик ёшдаги ўсмир ўзига гўё атрофдаги одамларнинг кўзи билан қарайди. Ёши улғайиши билан ўз шахсини мустақил таҳлил қилиш ва баҳолаш ҳолатлари бошланади. Ўтказилган тадқиқотлардан маълум бўлишича, ўсмир ўзининг ҳамма сифатларини ҳам бир вақтнинг ўзида англай бошламайди. Даставвал таълим фаолиятини бажариш билан боғлиқ бўлган сифатлар

(меҳнатсеварлик, матонат, диққатлилик, тиришқоқлик.) англана бошланади. Ундан сўнг бошқа кишиларга бўлган муносабатларни ифодаловчи сифатлар (ўртоқлик ҳисси, меҳрибонлик, вазминлик, қайсарлик ҳисси) англанади. Ундан ҳам кейин ўз-ўзига нисбатан бўлган муносабатларни ифодаловчи сифатлар (камтарлик, такаббурлик) англанади. Ниҳоят шахснинг кўп томонлама муносабатларини ифодаловчи мураккаб сифатлар, бурч ҳисси, қадр-қиммат ва виждон ҳисси, мақсадга интилиш ҳисси англанади. Ўсмирларда ўзини англашнинг муҳим хусусиятларидан бири ўзини билишга бўлган эҳтиёж билан шахснинг намоён бўлишини етарли даражада тўғри таҳлил қила олмаслиги, ўзи ҳақида етарли даражада билимларга эга эмаслиги ўртасидаги қарама-қаршиликдир. Мана шу асосда баъзан ўсмирдаги тиришқоқлик даражаси билан унинг жамоадаги ҳақиқий мавқеи ўртасида, унинг ўз-ўзига нисбатан, ўз шахсининг сифатларига нисбатан бўлган муносабати билан унга ҳамда шахсининг сифатларига нисбатан катталарнинг ва тенгдошларининг муносабатлари ўртасида ихтилоф юзага келади. А.Г.Коволёв адолатли равишда таъкидлайдики, ўсмирларда 2 та бир-бирига қарама-қарши, аммо ҳар иккиси ҳам айни бир вақтда салбий бўлган кечинмаларни, яъни бошқалардан устунлик ва бошқалардан камлик ҳиссини туғдирмаслик учун ўсмир шахсига тўғри баҳо бериш муҳимдир. Ўсмирларда ўзини англашни ривожланишининг янги босқичи ўзига бир намунани, ўзига хос ахлоқий эталонни ажратиш билан боғлиқдир. Ўсмир ўзига намуна бўлган эталон билан ўзини солиштириб, ўз хатти-ҳаракатларига баҳо беради. Мана шундай намуна бўладиган эталонлар ўсмирнинг хатти-ҳаракатларини йўлга сола бошлайди. Ўсмирлик ёшида психологик жиҳатдан энг муҳим ҳисобланган янги хислатларнинг таркиб топиши унда ўзига хос катталик ҳиссининг юзага келишидир. Ўсмир бу ҳиссиётни ўз-ўзига катта ёшли одам сифатида бўлган шахсий муносабатларни катталар жамоасида улар ҳаётининг тўлақонли ва тўла ҳуқуқли аъзоси сифатида яшашга тайёр эканлигини субъектив тарзда ичидан кечиради. Катталик ҳисси ўсмирларда мустақилликка ва маълум даражада эркинликка интилишни юзага келтиради. Мана шунинг натижасида улар катталарнинг баҳоларига ғайритабиий ҳолда жавоб берадилар ва катталар уларнинг қадр-қимматларини камситишларига, уларнинг эркинликларини инкор қилишларига, уларнинг ҳуқуқларига етарли баҳо бермасликларига жуда ўткир реакция билан жавоб берадилар.

Худди шу даврда ўсмир шахси шаклланишида турли хил қизиқишлар юзага келади. Бу қизиқишлар психологиянинг алоҳида категориясини ташкил этиб, у, бир томондан, майл, бошқа томондан, иштиёқ ва ҳавас ўртасида жойлашади.

Ўсмирлик ёшида мактаб ва мактабдан ташқари муассасалар таълим-тарбия иши, фан асосларини ўрганиш таъсири остида ўсмирларда фаолиятнинг у ёки бу турига қобилиятлар таркиб топа бошлайди. Кичик мактаб ёшида ҳам, ҳатто мактабгача тарбия ёшида ҳам қобилиятларнинг намоён бўлиш ҳоллари юз беради, албатта. Лекин бу қобилиятлар (тегишли кўникма ва малакаларни нисбатан тез ҳамда осон эгаллаш, объектив тарзда

юқори натижаларга эришиш назарда тутилади) айниқса, ўсмирлик ёшида чинакамига ривожлана бошлайди. Бунинг сабаби шуки, айниқса ўсмирлик ёшида чуқур, таъсирчан, барқарор қизиқишлар юзага келади, теварак-атрофга онгли, актив муносабат шаклланади, мустақил ижодий тафаккур тараққий этади.

Биринчи навбатда, мусиқа, бадиий-тасвирий, адабий-ижодий қобилиятлар яққол намоён бўла бошлайди. Математикани жиддий ва системали ўргана бошлаганлиги муносабати билан математикага доир қобилиятлар таркиб топади. Математика ва физикани ўрганиш асосида ўсмир ўғил болаларда конструкторлик, техник қобилиятлар жуда сезиларли даражада таркиб топади.

Ўсмирлар турли билимлар тўгараклари ва ижодий тўгаракларнинг фаол иштирокчиларидир. Уларда унча мураккаб бўлмаган мусиқа асарлари ва қўшиқларни мустақил равишда ижод қилиш, бўёқлар билан расмлар чизиш, унча катта бўлмаган ҳикоялар ва айниқса тилнинг ифодали воситаларидан фойдаланиб, шеърлар тўқиш эҳтиёжи яққол намоён бўлади. Ўсмирларнинг адабий ижоди уларда таркиб топган ҳаётга муносабат ва дунёни ҳис этиш қобилиятларида, уларнинг табиатни ҳайрон қоларли даражада яққол идрок қилишларида ифодаланади.

Бизнингча, бу қизиқишларнинг қуйидаги таснифини олишимиз мумкин.

1. Интеллектуал-эстетик қизиқишлар предметга (мусиқа, тасвирий санъат, радиотехника ва адабиёт ва ҳоказо) нисбатан чуқур қизиқиш билан ифодаланади. Атрофдагилар учун бундай қизиқишлар аҳамиятсиз, ҳатто ғалати туюлиши мумкин. Лекин ўсмир учун аҳамияти беқиёсдир.

2. Жисмоний қизиқишларга ўз кучи, чидамлилиги, чаққонлиги ва моҳирлигини оширишга бўлган ҳаракатлар киради. Бунга, шунингдек, турли жисмоний, автомобиль ёки мотоциклни бошқаришга қизиқишлар тааллуқлидир.

3. Информацион коммуникатив қизиқиш янги, енгил ахборотларга эга бўлишга интилишда мавжуд бўлади. Ушбу қизиқиш тасодифан учраб қолган суҳбатдош билан бўлиб ўтадиган кўп соатлик қуруқ гапга мосланган суҳбатда намоён бўлади. Шунингдек, турли саргузашт фильмларни кўриш орқали ҳам кўриш мумкин.

Ўсмирлик даври хусусиятлари ҳақида сўз борганда, албатта, уларнинг меҳнат фаолиятига ҳам алоҳида эътибор беришимиз зарур. Чунки меҳнат фаолияти ўсмир шахси шаклланишига катта таъсир кўрсатади.

Одатда, ўсмирлар меҳнат жараёнида зўр ҳафсала билан шуғулланадилар. Биринчидан, бунда ўсмирларнинг фаоллик сингари яққол ёш хусусияти ифодаланади. Иккинчидан, жиддий меҳнатда улар ўзларида таркиб топадиган катталикни ҳис этиш туйғусини амалга ошириш имкониятига эга бўладилар, бундай имкониятни эса ўсмирлар жуда қадрлайдилар. Учинчидан, меҳнат одатда жамоа ичида қилинади, ўсмир учун эса жамоадаги турмуш ва фаолиятнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Шундай қилиб, ўсмирларнинг меҳнат фаолияти уларнинг ёш хусусиятлари

ва эҳтиёжларига тўла жавоб берадиган фаолиятдир. Учраб турадиган (кўпроқ учрайдиган) ялқовлик, меҳнатдан бўйин товлаш, ўз меҳнат мажбуриятларини назарга илмаслик, меҳнат топшириқларига бепарволик билан қараш ҳоллари фақат нотўғри тарбия самарасидир.

Ўсмирлар меҳнатини уюштиришга алоҳида эътибор бериш лозим. Бу мактаб устахоналарида меҳнат қилишга ҳам, мактаб ҳузуридаги ўқув-тажриба участкасида ишлашга ҳам, уйда қилинадиган меҳнатга ҳам, ижтимоий фойдали меҳнатга ҳам (унинг турли ҳислари ва формаларида) тааллуқлидир. Афсуски, кўпчилик мактабларда сўнгги йилларда болалар меҳнатини уюштиришга эътибор берилмай қолди. Бу ҳол ўқувчиларга ҳам таъсир этмоқда: ўсмирлар бир қанча мактабларда меҳнатнинг уюштирилишидан норози, уларда меҳнатга бўлган қизиқиш йўқолиб бормоқда, улар меҳнатга бефарқ ёки ҳатто салбий муносабатда бўлмоқдалар. Бунга қисман сабаб шуки, педагоглар жамоаларининг бутун куч ва эътибори янги дастурларни ўзлаштириб олишга қаратилган, бироқ баъзан меҳнатнинг тарбиявий аҳамиятига етарлича баҳо бермаслик ҳам таъсир қилмоқда. Шуни унутмаслик керакки, мактабларимизни ихтисослаштиришдан воз кечиш болаларни меҳнатга ошно қилишдан воз кечишни англатмайди.

Психологлар ва педагогларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатдики, меҳнат ўсмирлик ёшида тегишли тарзда уюштирилган, хусусан, у ўсмир учун ижтимоий фойдали, жамоа ижодий, қизиқарли ва ўсмирга мос қилиб уюштирилган тақдирдагина тарбиявий аҳамиятга эга бўлади.

Юқоридаги ўсмирларда учрайдиган қизиқишлардан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, ўсмир ўз-ўзини англашида, ўз-ўзига баҳо беришида, ўз-ўзини тарбиялашда ушбу қизиқишлар муҳим ўрин тутади.

Хулоса қилиб айтганда, ўсмирлик даври бола шахси шаклланишида асосий босқичлардан бири бўлиб ҳисобланади. Шундай экан, ота-оналар, педагоглар, атрофдагилардан ўсмирларга эътиборли бўлиш талаб этилади.

Назорат саволлари.

1. Ўсмирлик даврининг психологик хусусиятлари деганда нимани тушунасиз?
2. Ўсмирлик ёшидаги болаларнинг жисмоний хусусиятлари нималардан иборат?
3. Ўсмирнинг ҳаёт кечириш тарзи ва унинг психик тараққиётга таъсирини изоҳлаб беринг.
4. Ўсмирларда ўз-ўзини тарбиялашга интилиш.
5. Ўсмирларнинг билиш жараёнлари шаклланиши қандай?.
6. Ўсмирларнинг ирода ва ҳиссиёт ўсиши ҳақида нималарни биласиз?
7. Ўсмирларнинг характер хусусиятлари шаклланиши нималардан иборат?
8. Ўсмирлик даврида ўсмирнинг шаклланиши қандай кечади?

XIII БОБ. ИЛК ЎСПИРИНЛИК ДАВРИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

13.1 §. ИЛК ЎСПИРИНЛИК ДАВРИНИНГ ПСИХИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Илк ўспиринлик даври «камолот бўсағаси” деб таърифланади. Бу камолот босқичи физиологик, психологик ва ижтимоий чегараларни ўз ичига олади. Психология фани ўспиринлик муаммосини комплекс ўрганишни даъват этади.

Бу жуда қийин масала, чунки психофизиологик тараққиёт суръати билан унинг босқичлари ижтимоий етилиш муддати билан ҳамма вақт ҳам тўғри келавермайди. Акселерация натижасида бугунги илк ўспиринларнинг тараққиёти аввалги авлодларга нисбатан ўртача икки-уч йил аввал етилмоқда.

Акселерация муносабати билан ўспиринлик ёшининг чегараси энди 15-16 дан 18 ёшгача бўлмоқда. Демак, ўспиринлик ҳам олдин бошланади. Лекин, бу тараққиёт даврининг қонкрет мазмуни, биринчи навбатда, ижтимоий шароитлар билан белгиланади. Ёшларнинг жамиятда тутган ўрни, уларнинг мавқеи, улар эгаллайдиган билимларнинг ҳажми ва бир қатор бошқа факторлар ижтимоий шароитларга боғлиқдир.

Илк ўспиринлик ёшидаги болалар бу 15 ёшдан 17-18 ёшгача бўлган академик лицей ва касб-ҳунар мактаблари ўқувчиларидир. Ўспиринлик – бу одамнинг фуқаро сифатида шаклланиши, унинг ижтимоий жиҳатдан етилиши, ўз тақдирини ўзи ҳал қилиши, ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиши даври, фуқаро ва ватанпарварнинг маънавий сифатлари таркиб топадиган даврдир. Фаол ижтимоий ҳаёт, ўқишнинг янги характери (мустақил билим олиш) йигит ва қизларда дунёқарашнинг шаклланишига, уларда мустақиллик ва бурч ҳиссининг таркиб топишига, билимнинг турли соҳаларида уларнинг ижодий қобилиятини авж олдиришга катта таъсир кўрсатади.

Рус психологи Л.И.Божович илк ўспиринлик даврида шахс мотивацион соҳасининг ривожланишига урғу беради: ўқувчиларнинг ҳаётда ўз ўрнини ва ички позициясини аниқлаши, дунёқарашнинг шаклланиши ва унинг билиш фаолиятига, ўз-ўзини англашга ва ахлоқий онгга таъсири назарда тутилади.

Илк ўспиринлар мустақил ҳаёт соҳасида яқин истиқболга эга бўлар эканлар, ўзларининг ҳаёт йўлларини белгилаб олишга, бундан буёнги меҳнат фаолиятларининг аниқ истиқболларини аниқлаб олишга, ўзларининг келгуси ихтисосларини танлашга интиладилар. Шу муносабат билан касб-ҳунарга оид қизиқишлар таркиб топади ва янада барқарорроқ бўлиб қолади, йигит ва қизлар ўз келажаклари ҳақида жиддийроқ ўйлай бошлайдилар.

Илк ўспиринлик давридаги жисмоний ривожланиш устида тўхталиб ўтамиз, бу нарса қуйидаги сабабларга кўра муҳимдир. Жисмоний ривожланишнинг айрим хусусиятлари илк ўспирин шахсининг айрим сифатлари ривожланишига маълум даражада таъсир кўрсатади ва унинг

бундан кейинги ҳаёт фаолияти соҳасидаги имкониятларини бир қадар белгилаб беради. Биринчидан, бу ўринда касб танлаш назарда тутилади, бу эса маълум даражада йигит ва қизларнинг индивидуал жисмоний тузилиши хусусиятларига ҳам боғлиқдир. Иккинчидан, жинсларнинг ўзаро майли таъсир кўрсатадики, бунда жисмоний ривожланиш хусусиятлари анча муҳим роль ўйнайди. Ўзининг жисмоний кучини ва жозибадорлиги, соғломлиги ва мукаммаллигини ҳис этиш йигит ва қизларда ўзига ишонч, дадиллик, тетиклик, оптимизм ва хушчақчақлик сингари сифатларнинг таркиб топишига таъсир кўрсатади.

Бўйнинг ўсиши ўспирин қизларда 15-16 ёшгача, ўғил болаларда 17-18 ёшгача давом этади. Бу ёшда мускуллар кучи тез ўсади. Масалан, 18 ёшли бола мускул кучи 12 ёшли болага нисбатан 2 баравар кўп бўлади. Жисмоний тараққиёт, асосан, тўғри овқатланиш режимига ва жисмоний тарбия билан шуғулланишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Жинсий тараққиёт жиҳатдан бу ёшдаги кўпчилик йигит ва қизлар постпубертат (тугалланувчи) даврда бўладилар. Буларнинг жисмоний ривожланиши катта ёшдаги одамнинг жисмоний ривожланишидан кам фарқ қилади. Бўйнинг ва организмнинг нотекис ўсиши ва ривожланиш даври тугалланади ҳамда жисмоний ривожланишнинг нисбатан бирмунча текис даври бошланади. Ўспиринлик ёшида жисмоний сифатлар (бўй, оғирлик) нисбатан барқарор даражага етган бўлади. Шунингдек, мускул кучи ва ишчанлик қобилияти сезиларли даражада ортади.

Кўкрак қафасининг ҳажми кенгаяди, скелет, найчасимон суяклар қаттиқлашади, тўқималар ва аъзоларнинг шаклланиши ва функционал тараққиёти тугалланади. Одатда, бу ёшда юрак ва қон томирларнинг ривожланишида ўсмирларга хос бўлган нотекислик энди текислашади, қон босими бараварлашади, ички секреция безлари бир меъёрда ишлай бошлайди. Нерв системаси ва хусусан, мия ривожланишидаги ўзгаришлар маълум бўлиб қолади. Лекин, бу ўзгаришлар мия ҳажмининг ортиши ҳисобига эмас, балки мия ички ҳужайралари тузилишининг мураккаблашуви ҳисобига рўй беради.

Катта ярим шарлар қатламидаги ҳужайраларнинг тузилиши секин-аста катта ёшдаги киши миясининг ҳужайраларига хос бўлган хусусиятларга эга бўлади. Бош мия пўстининг қисмларида ассоциатив тўқималарнинг миқдори кўпаяди. Натижада ўқиш ва меҳнат жараёнида катта (ярим шарлар) қатламининг аналитик-синтетик фаолияти мураккаблашади. Баъзан бу ёшдаги ўқувчиларда нерв қўзғалувчанлигининг ортиши, нерв системаси нормал ишлашининг бузилиши кўпинча нотўғри яшаш режими: тунги машғулотлар, тўйиб ухламаслик, толиқиш, чекиш, норационал овқатланиш, зарарли одатлар ва бошқа айрим сабаблар натижасида рўй беради.

Илк ўспирлик ёшининг бошланишида одатда жинсий етилиш тугалланади, иккиламчи жинсий белгилар ривожланади, бу ҳол йигит ва қизларнинг ташқи кўринишида ҳам сезиларли ўзгариш ҳосил қилади. Жинсий етилиш даврининг тугалланиши ҳали жисмоний етукликни ҳам,

бунинг устига психик ва маънавий етукликни ҳам англатмайди. Фақат 18 ёшга бориб, никоҳдан ўтишга рухсат бериладиган даврда, шу ёш учун минимал даражада зарур бўлган жисмоний, маънавий, фуқаролик етуклик даражаси бошланади. 18 ёшли йигит ва қизлар жамият томонидан катта ёшли кишилар деб эътироф этилади. Илк ўспиринлик даврини иккинчи ўтиш даври деб ҳисоблаш мумкин. Агар биринчи ўтиш даври кўпроқ болаликка яқин бўлса, иккинчи ўтиш даврида бўлган ўспирин кўпроқ ёшлик даврига яқиндир ва шу жиҳатидан ўрганилади ҳамда тадқиқ этилади. Илк ўспиринлик даври, асосан, унда мустақил ҳаётнинг бошланиши (ўрта мактабни тамомлаб, лицей, мактабларга кириши) билан характерланади. Ҳаётдаги бу ўзгаришлар илк ўспирин шахсига, ўз-ўзини англашига таъсир кўрсатади. Ўсмирлардан фарқли ўлароқ илк ўспиринлар катта ҳаётни тасаввур этмайдилар, балки унда иштирок этадилар.

Илк ўспиринларнинг мустақиллиги ортиши билан катталарнинг унга муносабатлари ҳам ўзгаради. Катталар ўсмирга кўпроқ бола деб қарасалар, илк ўспирин ёшдагиларга катта одамдек муносабатда бўладилар. Илк ўспиринлар ҳаётда ўз ўрнини топишга нисбатан интилиши англанган ҳолатда бўлади. У ўз ҳаётий режаларини амалга ошириш учун ҳаракат қила бошлайди ва маълум бир касбни эгаллай бошлайди ёки шу соҳа бўйича академик лицейларда ўқишини давом эттиради. Ўспиринлар танлаган соҳалари ёки касбларида жуда катта янгиликлар, кашфиётлар қилгилари келади, лекин аста-секинлик билан янгилик ва кашфиётлар қилиш учун уларда билим ва тажриба етишмаётганлигини, бунинг учун кўпроқ ўқиш ва ўрганишлари кераклигини англай бошлайдилар.

Ҳаёт фаолияти кенгайгани сари ўспиринларда ижтимоий роллар кенглиги фақат миқдор томондангина кенгайиб қолмай, балки сифат томонидан ҳам ўзгариб боради. Масалан, 16 ёшда паспорт олади; 18 ёшидан фаол сайлаш ҳуқуқига ва оила қуриш имкониятига эга бўлади. Ўспирин жиноий ишлар учун жавобгар бўлади. Баъзи ўспиринлар бу ёшдан бошлаб ишлай бошлайдилар. Касб танлаш ҳақида ўйлай бошлайдилар. Лекин, шунга қарамай ўспиринларда катталарга қарамлик хусусиятлари сақланиб қолади.

Ўспиринлар (16-18 ёшлар) ўзларининг психологик хусусиятлари билан бошқа ёш даврдаги болалардан кескин фарқ қиладилар. Жисмоний ҳамда ақлий жиҳатдан вояга етган, камолотга эришган, дунёқараши, ўз-ўзини бошқариши каби етук инсоний хусусиятлари таркиб топган бўлади. Улар вазмин, мулоҳазали бўладилар, катта ёшдагиларга ҳурмат-эҳтиром билан қарайдилар. Улар узоқни кўзлайдиган, келажак учун қайғурадиган, ота-оналарининг яқин ёрдамчисига айланадилар. Ўқув фаолияти ўспириннинг асосий фаолияти бўлиб қолаверади, ўқишга нисбатан масъулият ўсмирлик ёшига қараганда ўспиринликда бир мунча юқорироқ бўлади. Мустақил ҳаётга тайёргарлигини ўз-ўзини англаши билан боғлиқ мотивлар бу даврда етакчи ўринни эгаллайди. Мотивлар тизимида жамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлишга интилиш, инсонларга наф келтириш каби ижтимоий мотивлар устунлик қилади. Бу даврда ўспиринларнинг

келгуси ҳаёти ва танлаётган касбий режаларига кўра фанларга нисбатан қизиқишлари ўзгаради. Ўспиринниng фанларга ҳамда шу фан ўқитувчиларига нисбатан муносабати ўзгаради. Ўспиринлик даврида ўзи кўзлаган мақсадларига эришишга асосланган мотивлар биринчи ўринга кўтарилади. Ўсмирлар ўзларининг ўқишга бўлган муносабатлари ва уларнинг ўқиш-ўрганишга ундовчи сабабларни яхши англайдилар. Ўспиринлик ёшида бошдан кечириладиган ҳис-туйғуларнинг бойлиги, хилма-хиллиги, ҳаётнинг турли томонларига эмоционал муносабатда бўлиши билан ажралиб туради.

7.2. ХОРИЖИЙ ПСИХОЛОГИЯДА ИЛК ЎСПИРИНЛИК ҲАҚИДА НАЗАРИЯЛАР

Рус психологи Л.С.Виготский 1920 йиллардаёқ илк ўспиринлар ҳақида назариялар кўплигини таъкидлаган эди. Илк ўспиринлар ҳақида 3та йирик йўналишларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Биринчи йўналиш биогенетик йўналиш деб аталади, унинг асосида етилишнинг биологик жараёнлари ётади. Иккинчи йўналиш социогенетик йўналиш деб аталади, унда асосий эътибор ижтимоийлашувга қаратилади. Учинчи йўналиш психогенетик деб аталиб, унинг асосида психик жараёнлар ва функцияларнинг ривожланиши ётади. Тараққиётнинг биогенетик назарияларида ривожланишнинг биологик детерминантларига асосий урғу берилади. Ривожланиш жараёнининг босқичлари универсал бўлган етилиш сифатида талқин этилади. Бу йўналишнинг ёрқин намояндаларидан бири XX аср америкалик психологи С.Холлдир.

Унинг таъкидлашича, ривожланиш психологиясининг асосий қонуни биогенетик “рекапитуляция қонуни” ҳисобланади, унга кўра индивидуал ривожланиш, онтогенез филогенезнинг асосий босқичларини такрорлайди. Гўдаклик ривожланишнинг ҳайвонот фазаларини такрорлайди. Болалик қадимги одамларнинг асосий машғулотлари овчилик ва балиқ овлаш бўлган даврга тўғри келади. 8 ёшдан 12 ёшгача бўлган давр ўсмирликдан олдинги давр деб аталади, ёввойилик тугалланиб, маданиятнинг бошланиши деб таърифланади. 12-13 ёшдан 22-25 ёшгача бўлган давр ўспиринлик деб аталади, катталикнинг бошланиши, романтизм даври деб аталади. Бу даврда ташқи ва ички низолар авж олиб, инсонда “индивидуаллик ҳисси” пайдо бўлади. Холлнинг бу назарияси психологлар томонидан танқид қилинади.

Биогенетик назариянинг бошқа варианти немис “конституционал психология” вакиллари томонидан ишлаб чиқилди. Э.Кречмер ва Э.Йенш баъзи биологик омиллар асосида (тана тузилиши типлари ва бошқалар) шахс типологиялари муаммоларини ишлаб чиқиб, инсоннинг жисмоний типлари ва унинг ривожланиш хусусиятлари орасида қандайдир боғланиш мавжуд бўлса керак деб тахмин қиладилар. Э.Кречмернинг фикрича, барча инсонларни икки томонга жойлаштириш мумкин, бир томонда циклоид (осон қўзғалувчан, кайфияти ўзгарувчан) иккинчи томонда шизоид (камгап, ҳиссиётлари ёрқин бўлмаган) типларни жойлаштириш мумкин.

Кречмернинг шогирди К.Конраднинг таъкидлашича, бу тавсифларни ёш босқичларига ҳам қўлласа бўлади: Ўсмирликдан олдинги давр “циклоид”, илк ўспиринлик эса “шизоид” даврига тўғри келади. Шизоид шахснинг ўспиринлиги мураккаб ва оғир кечади, унинг хислатлари индивидуал-типологик хусусиятлар билан янада чуқурлашади. Циклоид шахс илк ўспиринлик хавотирланишларини енгил шаклда бошидан кечиради, бу ёшнинг хусусиятлари унинг типологик хусусиятлари билан мувозанатлашади.

Немис олими В.Целлер “Конституция ва ривожланиш” асарида (1952) таъкидлашича, психик ва соматик ривожланиш орасидаги боғловчи бўғин бола тана тузилишининг ўзгариши ва уни англаш ҳисобланади.

Биогенетик йўналиш намояндалари олимлар эътиборини тараққиётнинг психик ва жисмоний ўзаро боғлиқлигини ўрганишга қаратдилар. Бу психофизология учун катта аҳамиятга эга бўлди. Психика тараққиётини фақат биологик қонунлар асосида тушуниш муваффақиятга эриштирмади. Улар тараққиётнинг ижтимоий омиллари ролини йўққа чиқариб, фақат биологик омилларнинг ролини бўрттирмоқчи бўлдилар. Шундай назариялардан бири машҳур америкалик психолог А.Гезелл назариясидир. У тараққиётда биологик омилларга урғу беради. Гезеллнинг фикрича, илк ўспиринлик ёши 11 ёшдан 21 ёшгача давом этади, улардан биринчи беш йил (11ёшдан 16 ёшгача) бўлган давр жуда муҳимдир. Унинг таъкидлашича, ўн йил олтин давр бўлиб, бола мувозанатли, ҳаётни осон идрок этади, ота-онаси билан муомаласи яхши, ташқи кўриниши ҳақида қайғурмайди. 11 ёшдан организмда қайта қуриш бошланади; бола таъсирчан бўлиб қолади, қаршилик кўрсатиш (негативизм), кайфиятнинг тез ўзгариши, тенгдошлари билан жанжаллар, ота-онага қарши исён пайдо бўлади. 12 ёшда ҳаётга муносабат ижобийлаша бошлайди, ўсмирнинг оиладан узоқлашиши ҳамда тенгдошларининг таъсири кучая боради. Бу ёшдаги асосий хислатлар: ақллилик, чидамлилик ва ҳазил; ўсмир бажону-дил ташаббус билан чиқади, ташқи кўриниши ҳақида қайғура бошлайди ва қарама-қарши жинс вакилларига қизиқиши ортади. 13 ёшлиларнинг асосий хислатлари – ўсмир ўзи билан ўзи бўлиб, интровертлик хислатлари кучаяди; ўз-ўзини танқид қилади, танқиддан тез хафа бўлади, психология билан қизиқа бошлайди, ота-онага ҳам танқидий муносабатда бўла бошлайди, дўст танлаши ҳам ўзгариб боради, соматик ўзгаришлар кучайганлиги сабабли кайфиятнинг тез ўзгариши намоён бўлади.

14 ёшда интроверсия экстроверсия билан алмашади, ўсмир мулоқатчан, куч-қувватга тўла, ўзига ишончи ортган, инсонларга ва улар орасидаги фарқга қизиқиш ортади. У ўзини бошқалар билан солиштиришни, кино ва адабий қаҳрамонларга ўзини ўхшатиб, муҳокама қилишни ёқтиради. Гезеллнинг таъкидлашича, 15 ёшлиларнинг хусусиятларини ягона шаклда ифодалаш қийин, чунки индивидуал фарқлар ортиб боради. Бу ёшдаги янги психологик тузилма мустақиллик руҳининг ортиши бўлиб, бунда ўсмирнинг мактаб ва оилага муносабати кучаяди, ташқи назоратдан қочиш, ўз-ўзини назорат қилиш ва онгли ўз-ўзини тарбиялаш билан

уйғунлашади. Буларнинг барчаси ўсмирнинг салбий таъсирларни идрок қилиш ва тез хафа бўлишини орттиради.

16 ёшда яна осойишталик бошланади: исёнчилик хушчақчақликка айланади, ички мустақиллик, ҳиссий барқарорлик, мулоқотчанлик, келажакка интилиш кучаяди. Шундай қилиб, Гезеллда биогенетик концепция тараққиётнинг турли жиҳатларини, хронологик бирлаштирилган тавсифлашга айланади.

Социогенетик назарияларда илк ўспиринлик хусусиятлари жамиятнинг тузилиши, ижтимоийлашув усуллари, бошқалар билан ўзаро таъсир хусусиятларидан келиб чиқади. Илк ўспиринликни ўрганишда социогентик йўналиш ижтимоий психология таъсири билан боғлиқ. Немис психологи К.Левиннинг "майдон назарияси" бўйича инсоннинг хулқ-атвори, бир томондан, шахснинг, иккинчи томондан, уни ўраб турган муҳитнинг функциясидир. Лекин шахс хусусиятлари ва муҳит хислатлари ўзаро боғлиқ. Бола оиладан, мактабдан ташқарида мавжуд бўла олмайди, чунки бу ижтимоий институтлар алоҳида олинган индивидларсиз бўлиши мумкин эмас. Левин шахсий ва муҳит компонентларининг бирлиги ва ўзаро таъсирини ҳаётий ёки психологик фазо деб атайди. Ўтиш даврининг муҳим жараёнлари сифатида Левин шахс ҳаётий дунёси, мулоқот доирасининг кенгайиши деб ҳисоблайди. Илк ўспириннинг хулқ-атвори ўзгарувчандир. Болаликдан катталикка ўтган ўспирин, тўлиқ унисига ҳам, бунисига ҳам кирмайди. Унинг ҳаётий дунёси ва ижтимоий вазиятдаги бу хусусияти интилиш даражасининг ноаниқлиги, ички қарама-қаршилик, кучли тортинчоқлик ва агрессивлик каби ҳолатларида намоён бўлади. Бундай низолар қанчалик кўп бўлса, болалар дунёси ва катталар дунёси орасида фарқ шунчалик кўп бўлади. Левин концепциясининг ютуғи шундаки, у ўспиринликка ижтимоий-психологик ҳодиса сифатида қарайди, шахснинг психик тараққиётини унинг ижтимоий ҳолатининг ўзгариши билан боғлайди.

Илк ўспиринлик биогенетик ва социогенетик йўналишларининг умумий хусусияти шундаки, тараққиётнинг манбалари ва ҳаракатга келтирувчи кучларини улар психик омиллардан ташқарида излайдилар. Биринчи ҳолда организмда рўй берадиган биологик жараёнларга урғу берилади, иккинчисида шахс иштирок этадиган ижтимоий жараёнларга урғу берилади.

Психогенетик йўналиш ҳар иккала йўналишнинг аҳамиятини камайтирмаган ҳолда психик жараёнларнинг ривожланишини биринчи ўринга қўяди. Бу йўналишни учга бўлиб ўрганиш мумкин. Улар: хулқ-атворни ҳиссиёт, майл ва бошқа психиканинг рационал бўлмаган таркибий қисмлари билан тушунтирувчи назария психодинамик назария деб аталади. Билиш қобилиятлари ва интеллектнинг ривожланишига урғу бериладиган концепция когнитив ёки когнитив-генетик концепция деб аталади. Шахснинг ривожланишига урғу бериладиган концепциялар персонологик концепциялар деб аталади.

Илк ўспринлик ҳақида психодинамик назариянинг йирик намояндаси машҳур америкалик психолог Э.Эриксон ҳисобланади. Унинг фалсафий-методологик қарашлари фрейдистик-психоанализнинг давоми ҳисобланади. З.Фрейд шахс тараққиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи биологик жинсий майл (“либидо”) деб ҳисоблайди. Эриксоннинг таъкидлашича, инсоннинг ривожланиши, ўзаро боғлиқ уч жараёндан иборат: биология ўрганадиган жисмоний тараққиёт, психология ўрганадиган онгли “Мен”нинг ривожланиши, ижтимоий фанлар ўрганадиган ижтимоий ривожланиш. Тараққиётнинг асосий қонуни – “эпигенетик принцип;” бўлиб, ривожланишнинг ҳар бир янги босқичида олдинги босқичларда бўлмаган янги ҳодиса ва хислатлар пайдо бўлади. Тараққиётнинг янги фазасига ўтиш “норматив инқироз” шаклида ўтади, у ташқаридан патологик ҳодисага ўхшайди, лекин ўсишнинг нормал қийинчиликларини ифодалайди.

Тараққиётнинг янги босқичига ўтиш олдинги босқичга хос бўлган асосий қарама-қаршиликни ҳал қилиш асосида мумкин бўлади. Агар қарама-қаршилик ҳал қилинмаса, у албатта, кейин намоён бўлади.

Эриксон ҳаётий циклни саккиз босқич (фаза) га бўлади.

Биринчи босқич – гўдаклик. Унинг асосий мақсади – ташқи дунёга “ишониш” ҳиссини ҳосил қилишдир. Унинг асосий воситаси ота-онанинг муҳаббати ва ғамхўрлигидир. Агар гўдакда “асосли ишониш” вужудга келмаса, унда дунёга “асосли ишонмаслик”, хавотирланиш ҳисси пайдо бўлади.

Иккинчи босқич – илк болалик; болада уят ва шубҳаланиш каби ҳислар пайдо бўлади. Болада мустақиллик, масъулият, тартиб ва интизомни ҳурмат қилиш каби хислатлар пайдо бўлади.

Учинчи босқич – ўйин ёши (5-7 ёш) ташаббус ҳисси, нимадир қилиш ҳисси пайдо бўлади. Бу ёшда гуруҳий ўйинлар, тенгдошлари билан мулоқот, хаёлнинг ривожланиши муҳим ҳисобланади. Бу ёшда адолат, қоидага мослигини тушуниш ҳисси пайдо бўлади.

Тўртинчи босқич – мактаб ёшидаги янги психологик тузилма мақсадга эришиш қобилияти, ташаббускорлик ҳиссидир.

Бешинчи босқич – ўспиринлик бўлиб, бошқаларга ўхшамаслик, индивидуаллик ҳиссининг пайдо бўлиши билан характерланади. Эриксон ўз-ўзини англаш, вақтни янгича ҳис қилиш, жинсий қизиқишлар шаклланиши механизмларини тўлиқ тавсифлайди.

Олтинчи босқич – ёшлик бошқалар билан интим психологик яқинлик, жумладан, жинсий яқинлик эҳтиёжи ва қобилияти пайдо бўлади.

Еттинчи босқич – етуклик даврида ҳаётий фаолиятнинг барча соҳаларида (меҳнатда, ижодда, ғамхўрликда, пушт қолдиришда, тажриба узатиш ва бошқаларда) маҳсулдорлик туйғуси узлуксиз ҳамроҳ бўлади ва эзгу ниятларнинг амалга ошишида туртки вазифасини бажаради.

Саккизинчи босқич, яъни қарилик – инсон сифатида ўз бурчини уддалай олганлигидан, турмушнинг кенг қамровлилигидан қаноатланиш туйғулари билан характерланади.

Персонологик йўналиш вакиллари, жумладан, Э.Шпрангернинг таъкидлашича, бу даврдаги асосий ўзгаришлар: шахсий “Мен”ни кашф қилиш, рефлексиянинг ўсиши, ўзининг индивидуаллигини англаш ва шахсий хусусиятларини эътироф этиш, ҳаётий эзгу режаларнинг пайдо бўлиши, ўз шахсий турмушини онгли ҳолда қуришга интилиш ва ҳоказолардир. Шранген ўспиринликни икки даврга бўлади. Биринчи давр 14-17 ёшларда вужудга келадиган инқироз ўспиринларда ўзларини катталарнинг болаларча муносабати доирасидан қутулиш туйғуси пайдо бўлишидан иборатдир. 17-21 ёшлиларнинг асосий хусусияти уларда тенгқурларидан “ажралиш” инқирози ва танҳолик истагининг пайдо бўлишидир. Бу ҳолат тарихий шарт-шароитлардан келиб чиқади. Шпрангер илк ўспиринларда ўз-ўзини англаш ва қадриятлар йўналганлигига асос солган. Бу йўналишни кейинчалик К.Бюлер, А.Маслоу ва бошқалар давом эттирганлар.

Когнитивистик йўналишнинг асосчилари қаторига Ж.Пиаже, Ж.Келли, Л.Колберг, Д.Бромлей, Ж.Биррер, А.Валлон, Г.Гримм ва бошқаларни киритиш мумкин. Ж.Пиаженинг интеллект назарияси ақл-идрок функциялари ҳамда унинг даврлари ҳақидаги таълимотни ўз ичига олади. Интеллектнинг асосий функциялари уюшқоқлик ва мослашиш, кўникишдан иборат бўлиб, ақл-идрокнинг функционал инвариантлиги деб юритилади.

У интеллектни қуйидаги ривожланиш даврларига ажратади: 1) сенсомотор интеллект (туғилишдан 2 ёшгача); 2) операциялардан илгариги тафаккур даври (2 ёшдан 7 ёшгача); 3) конкрет операциялар даври 7-8 ёшдан 11 -12 ёшгача); расмий операциялар даври.

13.2 §. ИЛК ЎСПИРИНЛИК ДАВРИДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ВА ЭМОЦИОНАЛ РИВОЖЛАНИШ

Илк ўспиринларнинг билиш жараёнлари шундай даражага етадики, катталар бажарадиган барча ақлий ишларни бажаришга амалий жиҳатдан тайёр бўладилар. Уларнинг билиш жараёнлари мураккаб ва эгилувчан бўлиб боради. Улар бу ёшга келиб жиддий ишларга кўп вақтларини ажрата бошлайдилар, дам олиш ва ўйин-кулгуга жуда кам вақт ажратадилар. Уларнинг барча билиш жараёнлари, жумладан, хаёл, хотира, нутқ, тафаккур ривожланади. Илк ўспиринлик ёшидаги ўқувчиларининг билиш жараёнлари турли нуқтаи назарларни таҳлил этишга ва бу масала бўйича ҳар томонлама фикр юритишга ёрдам бера олади. Билишга қизиқишнинг ривожланиши, ўқишга онгли муносабатда бўлишнинг ўсиши билиш жараёнларининг ихтиёрийлигини, уларни бошқара олиш маҳоратини янада ривожлантиришга ундайди.

Бу ёш даврининг охирига бориб, ўқувчилар ўзларининг билиш жараёнларини тўла-тўкис эгаллаб оладилар, уларни ҳаёт ва фаолиятнинг муайян вазифаларига бўйсундирадилар. Улар ахлоқий, сиёсий ва бошқа мавзулар бўйича эркин фикрлайдилар. Илк ўспиринларга умумийдан

хусусийга, хусусийдан умумийга хулоса чиқариш, яъни индукция ва дедукция хосдир.

Илк ўспиринлар кўплаб илмий тушунчаларни ўзлаштирадилар, турли масалаларни ечиш жараёнида улардан фойдаланишни ўрганадилар. Бу эса уларда назарий ёки сўз мантиқ тафаккурнинг ривожланганлигини билдиради. Кузатиш аниқ мақсадга қаратилган ва янада системали бўлиб боради. Шахснинг кузатувчанлик хусусияти ривож топади. Шу билан бирга Н.Д. Левитов кўрсатиб ўтганидек, ўспиринлар ўз кузатишларида паришонхотир бўлмасликларини, кузатишни ўз олдиларига қўйилган вазифаларга бўйсундиришларини, етарли даражада тўпланган фактлар тўпланмагунча хулоса чиқаришга шошилмасликларини назорат қилиб бориш зарур. Илк ўспиринларнинг ўқув фаолияти уларнинг фаоллиги ва мустақиллигига анча юқори талаблар қўяди. Академик лицей ва касб-ҳунар мактаби дастурида белгиланган материалларни ўзлаштириш учун назарий тафаккур ривожланган бўлиши ҳамда мустақил таълим олиш кўникмаларини эгаллаш зарур.

Хотирани ривожлантиришда мавҳум сўз-мантиқ, хотира, маъносига тушуниб эсда олиб қолишнинг роли сезиларли даражада ортади. Гарчи ихтиёрий хотира устунлик қилса-да, ихтиёрсиз эсда олиб қолиш ҳам илк ўспиринлар тажрибасидан чиқиб кетмайди. У фақат ўзига хос хусусиятга эга бўлади, илк ўспиринларнинг қизиқишлари, хусусан, уларнинг билишга оид ва касб танлашга оид қизиқишлари билан кўпроқ боғланади. Шу билан бирга, фаол равишда билим эгаллаш, ўқиш ва жамоат фаолиятида ҳар ҳолда ихтиёрий хотира етакчи роль ўйнайди.

Сўзма-сўз ёдлаб олиш алоҳида ҳолларда зарур эканлигини ўқувчилар яхши тушунадилар. Илк ўспиринлар эсда олиб қолиш усулларидан – режаларни ва матннинг схемаларини, конспектларни тузиш, асосий фикрларни ажратиб кўрсатиш ва остига чизиш, илгари маълум бўлган фикрларга таққослаш, солиштириш усулларидан ўсмирларга қараганда бекиёс даражада кенг суръатда фойдаланадилар. Улар эсда олиб қолишга алоҳида-алоҳида ёндошадилар.

Қизиқишларнинг дифференциялашганлиги диққатнинг танловчанлигини, ихтиёрий диққатдан кейинги диққатнинг роли анча ортишини белгилаб беради. Илк ўспиринларда ихтиёрий диққатдан кейинги диққат билан бир қаторда, ихтиёрий диққатнинг ҳам аҳамияти ортадики, улар ўқув материали билан бевосита қизиқмасдан, ўрганилаётган ҳосидисаларнинг ҳаётий аҳамиятини тушуниб, унга диққатларини қаратадилар.

Диққатни кўчириш ва тақсимлаш қобилияти сезиларли равишда ривожланиб, такомиллашиб боради. Хусусан, диққатни тақсимлаш бир вақтнинг ўзида ўқитувчининг тушунтирган нарсаларини ҳам тинглаш, ҳам ёзиб бориш, ўз жавобининг мазмунини кузатиб бориш маҳорати шаклланишида ўз аксини топади. Илк ўспиринлар ўқув ишлари жараёнида ўзларига таъсир қиладиган чалғитувчи нарсаларга ўсмирлардан кўра кўпроқ қарши туришга, бардош бериб енгишга қобилдирлар.

Илк ўспиринларнинг айримларида диққатнинг танловчанлиги шу нарсада ҳам кўринадики, улар ўқув материалини идрок қилар эканлар, ҳамма вақт унинг аҳамиятига баҳо беришга, уни амалий жиҳатдан, аҳамиятлилиги нуқтаи назардан идрок қилишга ҳаракат қиладилар. Агар унга материал муҳим бўлиб туюлмаса, у ўз диққатини сусайтиради. Шуниси қизиқки, диққатнинг бу ўзига хос ҳаракати кўпинча атайин рўй бермайди. Одатда илк ўспириннинг диққати шу соҳадаги муайян билимларни амалда татбиқ этиш ҳақида гап борган вақтдагина ихтиёрсиз ана шу предметга қаратилади.

Бу ёшдаги ўспиринлар атрофдаги турли воқеа-ҳодисалардаги ҳақиқатни билишга интилади. Уларни тайёр ечимлар, маълумотлар эмас, балки шу ечим ва маълумотларни ўзлари мулоҳаза юргизиб, қидириш жараёнининг ўзи кўпроқ қизиқтиради. Бу борада турли масалалар бўйича баҳс ва мунозаралар юритишга ва ўзларининг фикрларини исботлашга жуда қизиқадилар. Бу даврда билиш жараёнларининг ривожи фаол равишда давом этади. Бу ривожланиш ўспириннинг ўзига ва унинг атрофидаги кузатувчиларга кам сезилади. Бу даврга келиб, ўспиринлар тўла равишда мантиқий тафаккурга эга бўладилар, назарий фикр юритиб, ўзларини ўзлари таҳлил эта оладилар. Улар энди бемалол ахлоқий, сиёсий ва бошқа мавзуларда баҳслаша олиб, ўз муносабатларини билдира оладилар. Ўспиринлик даврида болалар жуда кўп илмий тушунчаларни ўзлаштириб, улардан турли масала ва муаммоларни ечишда фойдалана оладилар. Ўспириннинг ўз-ўзини англаши ўқув, меҳнат ва мулоқот мотивациялари ўзгаришида ўз аксини топади. Бу даврда болада янги фаолиятлар юзага келиб, психик ривожланишида янги босқич бошланади.

Ўспиринлик ёши ўқиш, меҳнат, мулоқот сингари етакчи фаолиятлар асосида умумий ва махсус лаёқатларнинг ривожланаётганлиги билан характерланади. Лекин бу ривожланиш ўспириннинг ўзига ва унинг атрофидаги кузатувчиларга кам сезилади. Ўспиринлик даврига келиб, жуда кўп болаларда ўз фаолиятларини олдиндан режалаштириш лаёқати яхши ривожланган бўлади. Шунингдек, ўз-ўзини бошқариш ҳам ўспиринлик ёшидаги болаларда яққол кўзга ташланади.

Ўспириннинг ўқув машғулотига муносабати ўз хусусияти ва мазмуни жиҳатидан бошқа ёшдаги ўқувчиларнинг таълим жараёнидаги муносабатидан тубдан фарқ қилади. Улар вояга етиб борадилар, тажрибаси ортади; мустақил ҳаёт бўсағасида турганликларини англайдилар. Ўқувчиларнинг ўқишга онгли қараши кучаяди, бу қараш бевосита ҳаётий маъно касб этади. Илк ўспиринлар жамиятнинг келажакдаги меҳнат ҳаётида тўлақонли иштирок этишнинг зарурий шарти билим, кўникма ва малакаларнинг мавжуд фонди эканлигини, ҳосил қилинган мустақил билим эгаллаш кўникмалари эканлигини аниқ равшан ҳис қиладилар. Билимларга эҳтиёж сезиш ҳозирги вақтда илк ўспиринларнинг характерли хусусиятларидан биридир. Ўқув режаси ва дастурнинг мураккаблашуви, янги фан ва мавзуларнинг киритилиши, ўзлаштирилиши назарий тафаккур ёрдамида амалга оширишни тақозо этади. Ана шундан келиб чиққан ҳолда,

ўқувчиларнинг ўқишга муносабати ҳам ўзгаради, улар айрим фанларга танлаб муносабатда бўла бошлайдилар. Ўспирин ўқувчиларнинг ўқув фанларига муносабатлари қуйидаги ҳолатларга боғлиқдир:

Ўспиринлик даврида билишга оид қизиқиш кўлами тобора амалий хусусият касб эта бошлайди. Жумладан, ижтимоий-сиёсий масалаларга, техника, табиат, осмон жисмлари, спорт ва ҳоказоларга қизиқиши кучаяди. Ўспиринларда сезгирлик, кузатувчанлик янада такомиллашиб боради, мантиқий хотираси, эсда олиб қолишининг оқилона йўли сифатида таълим жараёнида етакчи вазифани адо эта бошлайди. Мазкур паллада ўспиринларнинг тафаккури тобора мантиқий, фаол, мустақил ва ижодий хусусият касб эта бошлайди. Тафаккур ривожланиши билан биргаликда ўқувчиларнинг нутқ маданияти ривожланади. Ўспирин турли жанрдаги адабий асарларни ўқиши, тушуниши орқали мустақил фикр юритиш, мулоҳаза қилиш ва мунозарага киришиш, назарий фикрлаш ҳамда ўз-ўзини таҳлил қилишга ўрганиб боради. Ўспиринлик тафаккурининг сифатига унинг мазмундорлиги, чуқурлиги, кенглиги, мустақиллиги, самарадорлиги, тезлиги кабилар киради. Тафаккурнинг мазмундорлиги деганда, ўспирин онгида теварак-атрофдаги воқелик тўғрисида қанча миқдорда мулоҳазалар, муҳокамалар ва тушунчалар жой олганлиги назарда тутилади.

Тафаккурнинг чуқурлиги деганда эса, моддий дунёдаги нарса ва ҳодисаларнинг асосий қонунлари, хоссалари, сифатлари, уларнинг ўзаро боғланиш ва муносабатлари ўспириннинг фикрлаш фаолиятида тўлиқ акс этганлиги тушунилади. Тафаккурнинг кенглиги ўзининг мазмундорлиги ва чуқурлиги сифатлари билан боғлиқ бўлади. Тафаккурнинг мустақиллиги деганда ўспириннинг шахсий ташаббуси билан ўз олдига янги вазифалар қўя билиши, бу вазифаларни ҳеч кимнинг ёрдамисиз, оқилона усуллар билан мустақил ҳал қилиш хусусиятини тушуниш керак. Тафаккурнинг тезлиги қўйилган саволга тўлиқ жавоб олинган вақт билан белгиланади.

Айрим қиз ва йигитлар ақлий ривожланишдан орқада бўлиб, ўқув материалларини ўзлаштиришга улгурмайдилар ёки қийналадилар, улар теварак-атрофдаги воқеликни билиб олиш мақсадида умумлаштирувчи тушунчалардан фойдаланишни билмайдилар, бу тушунча, хулоса, фикрлар, ҳодиса ва фактларни ёдлаб оладилар. Болаларни ақлий жиҳатдан ривожлантириш учун ўқиш фаолиятларида фаоллаштириш ва уларнинг билимларини онгли равишда ўстириб бориш керак.

Таълимда онглилик ўқувчининг юқори даражадаги фаоллиги билан таъминланади. Билимларини фаол фаолият кўрсатиб ўзлаштирганда, ўқувчилар бу билимларни яхши тушунибгина қолмай, уларни амалий фаолиятда қўллашга ҳам ўрганадилар. Ўқувчиларга ижтимоий масалалар, иқтисодий ҳамда ижтимоий фактлар ва ҳодисаларни мустақил равишда илмий таҳлил қилиш ва уларга баҳо бериш усулларини махсус ўргатиш муҳим ва зарурдир. Бу ўринда ўқувчиларнинг мустақил фикрлашларини фаоллаштириш, тўғри раҳбарлик қилган ҳолда ривожлантириш лозим. Ўспиринларнинг ақлий жиҳатдан ривожланишида назарий тафаккурнинг роли каттадир.

Ўспирин адабий асарларни ўқиш ва тушунтириш орқали мустақил фикрлаш, мулоҳаза юритиш ва мунозараларга киришишга ўргана боради. Унда аста-секин табиат ва жамият ҳақида ўзининг нуқтаи назари, эътиқоди, қараши шаклланади. Маълумки, шахснинг ана шу фазилатлари унинг фикрлаши, мустақил ўйлаши, тўғри ҳукм ва хулосалар чиқариши, қатъий қарорга кела олиши натижасидир.

Ўспиринларнинг адабий асарни баҳолаши, у ҳақда шахсий фикрларни билдириши, муаммо юзасидан баҳслашуви инсоний хислатларнинг муайян даражада иштирок этиши танқидий тафаккурнинг айнан ўзгинасидир. Турмушда учрайдиган ноўрин танқидийлик эса ўспириннинг бадиий диди ва ҳаётий тажрибаси заифлигидир. Ўқитувчининг асосий вазифаси ўқувчилар тафаккуридаги танқидийликни ҳаққонийлик даражасига кўтаришдан, уларга воқеликка одилона, оқилона, танқидий нуқтаи назардан қарашни ўргатишдан иборат. Ўспиринларда моддий дунё тўғрисида шахсий фикрлар, мулоҳазалар, илмий дунёқараш таркиб топганидан кейингина тафаккурнинг танқидийлик хусусияти ривожлана бошлайди. Танқидий тафаккурнинг ривожланиши ўқув материалларини пухта ўзлаштиришга, таълим жараёнида ташаббускорликка, воқеликни исботлаш ва асослаш кўникмалари таркиб топишига имкон яратади. Ҳодисалар тўғрисида ҳукм ва хулоса чиқариш, тасдиқлаш ёки инкор қилиш қобилиятини ривожлантиради. Ўспириннинг қобилияти ва истеъдоди таълим жараёнида, меҳнат фаолиятида ривожланади. Қобилиятнинг ўсиши билимлар, кўникмалар, малакаларнинг сифатига боғлиқ бўлиб, шахснинг камол топиш жараёнига қўшилиб кетади. Демак, мактабда ўтиладиган дарслар, лаборатория ишлари, амалий машғулотлар, реферат, конспект ёзиш каби фаолият турлари ўспиринлар ўзлаштириши учун зарур материалларни мустақил ҳолда тушунишга олиб келади.

Шахснинг билиш жараёнлари унинг эмоциялари билан боғлиқ. Ўсмирлик давридаги кучли эмоционал реакциялар гармонал ва физиологик жараёнларга боғлиқ. Болгариялик психологлар Г.Д. Пиров ва бошқалар 5 ёшдан 17 ёшгача бўлган болаларни кўндаланг кесим методи орқали ўрганиб, нерв фаолиятининг энг қўзғалувчан типи 5 ёшлилар орасида учрашини аниқлашган. Бола катта бўлган сайин қўзғалувчанлик камайиб, мувозанатлиларнинг сони ортган. Пубертат ёшда (11-13 ёш қизларда ва 13-15 ёш ўғил болаларда) қўзғалувчанларнинг миқдори ортади, бу даврнинг охирига бориб қўзғалувчанлик яна камаяди.

Эмоционал зўриқишнинг физиологик манбалари қизларда аниқ сезилади, уларда депрессия, жиззакилик, хавотирланиш ва ўз-ўзини ҳурмат қилишнинг пасайиши ҳайз кўришнинг маълум даврларига боғлиқ. Бунга ўз вақтида Ш.Бюллер ҳам эътибор берган эди.

Ўғил болаларда аниқ физиологик боғлиқлик кўзга ташланмайди, лекин пубертат давр улар учун ҳам қийин кечади. Рус психологи П.М. Якобсон катталар ва тенгдошларига салбий реакциялар 12,5 -13, 5 ёшда энг кўп учрайди, деб таъкидлаган эди. Ўсмир ва ўспиринлардаги эмоционал реакциялар фақат гормонал ўзгаришларга боғлиқ бўлиб қолмай,

балки ижтимоий омиллар ва тарбия шароитлари, индивидуал-типологик фарқларга ҳам боғлиқ. Катта бўлишдаги психологик қийинчиликлар, “Мен” образи ва интилиш даражаси орасидаги қарама-қаршилик каби ўсмирга хос бўлган эмоционал зўриқиш, илк ўспиринлик даврида ҳам сақланиб қолади.

Психолог В.Р. Китловская проектив тестлар ёрдамида хавотирланишнинг ёш динамикасини ўрганиб, боғча ёшидаги болалар тарбиячилар билан мулоқотда энг кўп хавотирланишларини, ота-оналар билан камроқ хавотирланишларини аниқлаган. Кичик мактаб ёшидаги болалар тенгдошлари билан камроқ, бегона катта одамлар билан мулоқотда кўпроқ хавотирланиши маълум бўлган. Ўсмирлар бўлса, бегона катта одамлар ва ўқитувчилар билан камроқ, ота-оналари ва тенгдошлари билан мулоқотда кўпроқ хавотирланиши аниқланган. Илк ўспиринларда эса барча соҳадаги мулоқотда энг юқори хавотирланиш намоён бўлган, айниқса, ота-оналар ва улар боғлиқ бўлган катталар билан мулоқотда кучли хавотирланиш намоён бўлган. А.Е.Личконинг таъкидлашича, 14-18 ёшда характернинг баъзи хусусиятларига ортиқча урғу берилади. Илк ўспиринликдаги типологик ўзи билан ўзи бўлиб қолиш, баъзан инсондаги тўлиқ эмаслик ҳисси билан бирга кечадиган яккаланиб қолишга олиб келади.

Ёш улғайган сайин инсонда эмоционал қўзғалиш ҳосил қилувчи омиллар кўпайиб боради. Агар катта одам ёш болаларга ўхшаб ҳар бир қўзғатувчига жавоб қайтараверса, у кўп қўзғалиш ва эмоционал беқарорликдан оламдан ўтган бўлур эди. Катталарни хавотирланишдан ташқи таъсирларга танлаб жавоб қайтариш ҳамда ички тормозланиш ва ўз-ўзини назорат қилишнинг маҳсулдор ички механизмлари қутқаради.

Америкалик олим Г.Джонс 12 ёшли ўсмирлар ва 17 ёшли илк ўспиринларнинг эмоционал роеакцияларини (тери–галваник реакциялари) солиштирди. У сўзли қўзғатувчиларни ёқимли, ёқимсиз ва бефарқларга ажратган. Тажриба натижаларидан маълум бўлишича, умумий эмоционал реакция ўсмирларга нисбатан илк ўспиринларда юқори бўлган. Лекин улар орасидаги асосий фарқ танлаш даражасида кузатилган: илк ўспиринлар ўсмирларга нисбатан бефарқ ва ёқимсиз сўзларга жавоб қайтарганлар. Шундай қилиб, илк ўспиринларнинг эмоциялари, интеллект сингари аниқ қўзғатувчи бу синалувчи учун қандай аҳамиятга эгалигини ҳисобга олмасдан ўлчаш мумкин эмас. Илк ўспиринлик давридаги эмоционал қийинчилик ва муаммоларни аниқ қараб чиқиш лозим, чунки уларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳар хил. Ўсмирлик давридаги дисморфофобия – ўз танаси ва ташқи кўринишидан ташвишланиш илк ўспиринлик даврида ўтиб кетади. Илк ўспиринларда намоён бўладиган хавотирланиш белгилари бу ёшдаги махсус қийинчиликларга реакция эмас, балки илгари олинган руҳий жароҳатланишнинг кейин намоён бўлишидир.

Кўпчиликда ўсмирликдан илк ўспиринликка ўтишда мулоқотчанлик ва умумий эмоционал кайфият яхшиланади. Е.А. Силинанинг лонгитюд тадқиқотларидан маълум бўлишича, у болаларни 7- ва 9- синфларда

кузатиб, ўсмирларга нисбатан илк ўспиринларда камроқ импулсивлик ва эмоционал қўзғалувчанлик, кўпроқ экстравертлик ва эмоционал барқарорлик кузатилишини аниқлашган. А.В. Кучменко тадқиқотларида ҳам 16-18 ёшли илк ўспиринлар ўсмирларга қараганда, ўзларининг нерв системаси типига боғлиқ бўлмаган ҳолда босиқлик ва барқарорлик кузатилган.

Америкалик психолог Р.Кэттел тадқиқотларида ҳам илк ўспиринларда ўсмирларга нисбатан мулоқотчанлик, одамлар билан киришимлилик, бошқарувчанлик каби хислатлар ортишини, умумий қўзғлалувчанлик камайишини аниқлашган.

Шундай қилиб, илк ўспиринлик ёши эмоционал ҳолатларни ифодалаш усуллари ва эмоционал реакцияларнинг дифференциаллашишини ҳамда ўз-ўзини назорат қилиш, ўз-ўзини бошқаришнинг ортишини кузатиш мумкин. Илк ўспиринларнинг кайфияти ўсмирларга нисбатан барқарор ва англанган ҳамда ижтимоий шароитнинг кенг доирасига мос бўлади.

Доимо ҳиссиёт вужудга келтирадиган шахсий муҳим муносабатлар доирасининг кенгайиши олий ҳисларнинг ривожланишида намоён бўлади. Ахлоқий норма ва тамойилларнинг маълум тизимини ўзлаштириш жамият ва бошқа одамлар олдида масъулият ҳисси, ҳамдардлик қобилияти, дўстлик ва муҳаббат эҳтиёжи, ўртоқлик ҳисси ва ахлоқий-сиёсий ҳислар каби юксак ахлоқий ҳисларга айланади.

Илк ўспирин томонидан қабул қилинган хулқ-атвор нормаларининг бузилиши унда айбдорлик ҳиссини вужудга келтиради. Шу билан бирга, унда эстетик ҳислар доираси ҳам кенгаяди. Илк ўспиринларда интеллектнинг ривожланиши билан бирга ҳазил-мутойиба ҳиссининг ҳам ривожланишини таъкидлаш жоиз. Интеллектуал ва праксис ҳислар ҳам сезиларли ривожланади. Содда, болаларча қизиқувчанлик тафаккур жараёнидан онгли завқланиш, қийинчиликларни енгишдан қувониш, ижодга онгли интилиш ва бошқаларга айланади.

Шунга кўра ҳар ким қобилиятига яраша касб-ҳунар танласа, бу соҳада муваффақиятли меҳнат қилса, ижтимоий турмуш тараққиётига муҳим ҳисса қўшган бўлади. Ўспиринлар у ёки бу касбни ўз ихтиёрлари билан онгли равишда танлашлари учун улар мустақиллик, дадиллик, қатъийлик, ўзини тута билиш, чидамлилик, сабр-тоқат каби иродавий хислатларга эга бўлишлари керак. Меҳнат қилишда муқаддас бурчни бажариш истаги, мақсаднинг аниқлиги, ҳунар ўрганишга иштиёқмандлик мазкур фазилатларнинг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Ўспиринлар ақлий ривожланишида тасаввурнинг аҳамияти жуда катта, чунки инсон бирор-бир ишни қилишга киришар экан, албатта, унинг натижасини тасаввур эта олиши керак. Тасаввурсиз ҳеч қандай ишни тўғри режалаштириш мумкин эмас. Ўспиринда тасаввур қила олиш лаёқати яхши ривожланган бўлсагина, у ўз ҳаётидаги идеални тасаввур эта олади, шунга кўра узоқ ва яқин режаларини тузади.

Ҳозирги йигит ва қизларни 30-40 йил аввалги тенгқурлари билан солиштирганда, уларнинг умумий савиялари нақадар ўсганлигини кўриш

мумкин. Ўспиринларнинг интеллектуал қизиқишлари доираси кенг ва кўп қирралидир. Ўспиринларнинг қизиқишлари аксарият ҳолларда ўзи танлаган касб ва йўналиш шунингдек, ҳаётий режаларига асосланган дир. Ўспиринлик ёшига келиб, йигит ва қизларнинг дунёқарашлари юксак поғонага кўтарила бошлайди. Бу эса ўспириннинг ташқи оламни тушунишига, баҳолашига бўлган муносабатларини аниқлашга ёрдам беради. Ўспиринларнинг дунёқараши энди уларнинг илмий, фалсафий, сиёсий ва диний қарашлари тизимидан иборатдир.

Маълум бир касбда фаолият кўрсатишни бошлаётган ўспирин унга интеллектуал, ижтимоий-психологик ҳамда ахлоқий жиҳатдан тайёр бўлиши керак. Ўсмирлик даврининг охирлари ва ўспиринлик ёшига келиб, уларда меҳнат кўникма ва малакалари ривожланади. Бу кўникма ва малакалари уларнинг келгусидаги касбий фаолиятлари билан тўғридан-тўғри боғлиқ. Ҳар қандай касбий кўникма ва малакаларнинг ўсиши, аввало, ўспирин интеллектининг умумий ривожланганлик даражасига боғлиқ. Шунинг учун ҳам бу даврдаги ўспиринлар интеллектининг ривожланишига алоҳида эътибор бериш лозим.

Ўзбекистонда Э.Ғ.Ғозиев раҳбарлигида Ж.С.Искендеров томонидан педагогика мактаби ўқувчиларида характернинг интеллектуал ва иродавий хусусиятларини шаклланишини баҳолашда тест-рейтинг тизимидан фойдаланишнинг самарали йўллари ишлаб чиқилди. Педагогика мактаби ўқувчиларида характернинг интеллектуал ва иродавий хусусиятлари шаклланиш жараёни шасхнинг умумий йўналганлиги, касбий установкалари, касбий тасаввурлари ва имкониятлари мутаносиблиги омиллар асосига қурилиши тадқиқот давомида далилланди.

Бу ёшдаги болалар учун мулоқотга киришиш эҳтиёжининг мавжудлиги ҳам жуда муҳим, лекин у етакчи эмас, фақат танлаган касб ва йўналишлари бўйича машғул бўлмаган ўспиринларгина кўпроқ тенгдошлари билан мулоқотда бўлишга эҳтиёж сезадилар. Бу ёшдаги болалар меҳнат фаолияти билан худди катталардек шуғуллана оладилар. Илк ўспиринлик даврини касбий билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланиши учун сензитив давр деб ҳисоблаш мумкин. Ўзининг касбий тақдирини тасодифан ёки нотўғри ҳал этилиши мураккаб ички кечинмаларга, иккиланишларга, зиддиятларга олиб келиши мумкин. Бу эса йигит ва қиз ҳаёти учун ҳам, жамият учун ҳам катта зарар келтиради. Касб танлаш вақтида илк ўспиринлар ўз мойиллиги ва қобилиятларини шахсий сифатлар, хусусан, нерв системасининг типи, анализаторлар хусусияти, эмоционал-иродавий сифатларини ҳам ҳисобга олишлари зарур.

13.3 §. ИЛК ЎСПИРИНЛИК ДАВРИДА ДЎСТЛАШИШ МУАММОСИ

Ахлоқий ва ижтимоий, сиёсий ҳисларнинг ривожланиши айниқса характерлидир. Улар одатда муайян ахлоқий талаблар билан ўзаро тўғри муносабатда бўладилар. Бошдан кечирган ҳис-туйғуларни англаб етиш маҳорати ҳам ривожланади.

Дўстлик – илк ўспиринлик давридаги шасхлараро муносабат ва ҳиссий боғланишнинг муҳим туридир. Ўспиринлик ёшида ўқувчиларда ўртоқлик ҳиссининг ривож топиши характерлидир. Россия психологлари И.В.Страхов билан А.Л.Шнирман тадқиқотларининг кўрсатишича, ўспиринлик ёшидаги дўстлик, ўсмирлик ёшидаги дўстликдан баъзи бир хусусиятлари билан фарқ қилади.

Биринчидан, ўспиринларда дўстлик мотивлари анча чуқурроқ бўлади. Дўстликнинг ўзига юқори талаблар қўйилади, булар: ошкоралик, ўзаро ишонч, талабчанлик, садоқат, биргаликда доимий ёрдам кўрсатиш, камчиликларни тугатиш, дўстига ёрдам бериш, ўзаро ҳурмат, бир-бирини тушуниш ва ҳоказо.

Иккинчидан, дўстлик ҳислари анча сермазмун бўлиб, қизиқишлар фаолиятнинг кенг доирасини қамраб олади.

Учинчидан, дўстлик эмоционал бўлиб, дўсти кечираётган ҳисларга жавоб бера олиш қобилиятига эга бўлади.

Ўспиринлик ёшидаги дўстлик кўпинча бутун умр бўйи давом этади. Илк ўспиринлик давридаги дўстликнинг психологик қонуниятлари ўзининг барқарорлиги билан ажралиб туради. Ҳар хил инсонларнинг дўстлиги бир хил бўлмайди, ёш, жинс, ва индивидуал-типологик хусусиятларга эга бўлади. Ўртоқлик муносабатлари жамоани жипслаштиришга ёрдам беради, унинг ҳаётий фаолиятини оширади. Ёнингда ўртоғинг борлигини ҳис қилишнинг ўзиёқ қийинчиликларни енгишга ёрдам беради. Ўспиринлар дўстлик, самимийлик, эмоционал софдиллик каби хислатларни биринчи ўринга қўйишади. Дўстлар бир-бирлари билан юракларини бўшатадилар. Дўстларга самимий меҳрибонлик шахсининг рефлективлик даражасига ҳамда унинг эмоционал ҳаёт хусусиятларига боғлиқдир.Ўспирин ҳамма вақт ростгўй, самимий бўлишни истайди.

Илк ўспиринлик давридаги дўстликнинг мезонларини аниқлаш учун уларга қуйидаги бир неча тугалланмаган гаплар таклиф этилади: “Дўст – бу” Дўстим билан мен кўпинча, “Дўст ва ўртоқ бир эмас, чунки улар”. Бунда дўстликнинг иккита бош мезони аниқланди: биринчиси ўзаро ёрдам кўрсатиш ва содиқлик; иккинчиси – психологик яқинлик (“мени тушунадиган”; “ мени яхши кўрадиган”, “ҳамма нарса ҳақида гаплашиш мумкин” ва ҳоказо). Биринчи типдаги жавоблар кўп учраса-да, ёши улғайиши билан, айниқса, 18-19 ёшлиларда психологик яқинлик эҳтиёжи ортади. Бу эҳтиёж қизларда ўғил болаларга нисбатан, шаҳардаги илк ўспиринларда қишлоқдаги тенгдошларига нисабатан кучли намоён бўлади.

Илк ўспиринларнинг дўстлашиши ўз табиатига кўра кўп функциялидир, бу эса унинг кўп шакллари мавжудлигини: оддий биргаликда вақт ўтказишдан, то бир-бирларига сирларини очиқ айтишгача кузатиш мумкин. Асосида биргаликдаги фаолият ётадиган гуруҳий муносабатлардан фарқли равишда дўстлик бу, энг аввало, ҳиссий боғланишдир. Дўст учун шахсий яқинлик муҳимдир.

Илк ўспиринлик давридаги дўстликнинг психологик аҳамияти шундаки, у бир вақтнинг ўзида ўз-ўзини очиш мактаби ва бошқа инсонни

тушуниш мактабидир. Шунинг учун илк ўспиринлар alter ego (иккинчи “Мен”)нинг қандай типини танлашлари қизиқиш уйғотади. 15-16 ёшли йигит ва қизлар ўзларидан катталарни дўст сифатида танлашади, уларнинг гапларини жон деб эшитишади, уларнинг хулқ-атворини кузатишади. Катталар билан дўстлашиш улар учун қадрлидир. Катталар билан эмоционал алоқага кириш эҳтиёжи баъзан ўз ҳаётий идеалларини топгандек, уларга берилиб кетишга ҳам олиб келиши мумкин.

Лекин тенгдошлари билан дўстлашиш эҳтиёжи унданда кучли намоён бўлади. “Ким билан дўстлашишни хоҳлардинг, ўзингдан катталар биланми, тенгдошларинг биланми, ёки ўзингдан кичиклар биланми?” деган саволга илк ўспиринларнинг кўпчилиги (75-85 %) тенгдошларини танлашган, катталарни (11-20%), ҳамда кичикларни жуда кам (1-4 %) танлашган. Қизлар ҳам кўпинча тенгдошларини танлашган, лекин кўпинча катталарни ҳам танлашган (39-50%), ўзларидан кичикларни ҳеч танлашмаган. (И.С.Кон ва В.А.Лосенков тадқиқотлари натижалари).

Дўст танлашдаги бундай фарқларнинг психологик моҳияти нимада? Француз психологи Б.Заззо ҳам ўз тадқиқотларида юқоридагидек натижаларни қўлга киритган. “Идеал дўст” ёши баъзи ҳар доим англанмайдиган психологик эҳтиёжларни очади. Бунинг учун тенгдошларни танлаш тенг муносабатларга интилишни билдиради. Тенгдоши билан дўстлашиш ўхшашлик ва тенглик тамойилларига асосланади: “Мен билан тенг йигит билан мулоқот қилиш осон”, “Устимдан кулади, деб қўрқмасдан унга ҳамма нарсани айтиш мумкин”, “Ўзимни ақлли кўрсатишга интилмасдан, қандай бўлса шундай ўзимни кўрсатишим мумкин, у билан ўзимни эркин тутаман”. Ўзидан каттароқ дўстни танлаш ғамхўрлик, раҳбарлик эҳтиёжини билдиради: “Мен билмайдиган нарсаларни айтиб бериши мумкин”.

Дўстларча яқинлик баъзи дўстларнинг ўхшашлигини билдиради. Лекин бундай ўхшашлик ҳар доим ҳамма нарсада кўринмайди. Америкалик психолог Д.Кэндел 1900 нафар дўстларни ўрганиб, баъзи объектив характеристикаларида (ижтимоий келиб чиқиш, жинс, ёш ва бошқаларда) ўхшашликни аниқлаган; дўстларнинг психологик хусусиятларида ва ижтимоий установкаларидаги ўхшашлик аҳамиятсиз бўлган.

Илк ўспиринлик давридаги дўстлик психологияси шахс хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқ. Бунда аввало жинс фарқлари кузатилади. Қизларда ўғил болаларга нисбатан 1,5-2 йил олдин яқин дўстликка эҳтиёж пайдо бўлади, уларда дўстлик ҳиссиётларга бой. Қизларда дўстликнинг мезонлари йигитларга нисбатан психологик мотивларга бой бўлиб, улар ёзилиб гаплашиб, бир-бирларига сирларини айтишга эҳтиёж сезишади.

Дўстликнинг индивидуал-психологик хусусиятлари кам ўрганилган. Ўспириннинг эмоционал ҳаётида янги бир ҳолат севги пайдо бўлади. Ўспиринлик севгиси соф, покиза, беғубор, хилма-хил кечинмаларга бой, ёқимли, хаёлга берилиш ва самимият белгиларига эга бўлади. Йигит ва қизларнинг севгини бошдан кечиришида бир-бирларини ҳурмат қилиш,

дўстлик, ўзаро ёрдам, бир-бирини тушуниш каби хислатлар характерли бўлиб, улар бир-бирларидаги юксак маънавий сифатларни қадрлайдилар. Йигит ва қиз болалар ўртасидаги муносабатлар ўспиринлик ёшида фаоллашган бўлади. Ўртоқларига нисбатан муносабатлар доираси кенгаяди. Айниқса, қизларда аралаш дўстлик эҳтиёжлари кенгаяди. Болаларга хос 16-17 ёшларда биринчи жинсий мойиллик ва севги эҳтиёжлари кўрина бошлайди. Икки жинс ўртасидаги ўзаро муносабат масаласи асосий муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади.

Илк ўспиринларда кучли ва чуқур ҳис бўлган севги ҳисси акс эттирилган, кишига яхши таъсир кўрсатадиган бадиий адабиёт, кинофильм ва театрларга зўр қизиқиш пайдо бўлади. Ўз ҳиссиётларини ўзи ҳам қоғозда баён қилиш, кўпинча шеърий шаклда изҳор этиш эҳтиёжи туғилади.

Мабодо ана шундай ҳислар академик лицей ва касб-ҳунар мактаби ўқувчиларида пайдо бўлса, унга қандай муносабатда бўлиш керак? Айрим ўқитувчилар ўқувчиларда ана шу ҳиснинг пайдо бўлишидан кўпинча чўчийдилар ва асабийлашадилар. Улар бу туйғуда "ёмон берилиб кетишлик"ни, "бемаврид ва зарарли севгини" кўрадилар, бу ўқишга ва жамоат фаолиятига салбий таъсир кўрсатади, деб ҳисоблайдилар. Таъналар, бошқача назар билан қараш ва масхара қилишлар, "балонинг олдини олиш", "таъқиқ этилган муносабатларга чек қўйиш", "йўл қўймаслик" каби ножўя уринишлар бошланади. Бу ҳисга кўпинча салбий муносабатда бўладилар.

Ваҳолангки, 16-17 ёшда бошқа жинсдаги кишига майл қўйиш ва қизиқиш билан қараш нормал ҳодисадир. 18 ёшда йигит ва қизлар никоҳдан ўтиш ҳуқуқига эга бўладилар. Ўспирин севгиси ўз асос эътибори билан соғлом севги бўла олади. Самимий кечинмалар оламига қўполлик билан бостириб кириш сира ҳам мумкин эмас, бунинг устига йигит ёки қизнинг ана шу туйғуга берилгани учун унинг устидан кулиш, ҳақорат қилиш ва койишга йўл қўйиб бўлмайди. Биринчи севги аломатларини авайлаш, уларга сезгирлик ва эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш керак. Лекин бу ана шу туйғуларга бепарво ва бефарқ қараш керак, деган маънони билдирмайди.

Бу туйғуларнинг қандай характер касб этиши, йигит ва қиз ўртасида қандай муносабатларни келтириб чиқариши ўқувчилар шахсининг маънавий даражасига боғлиқ. Кўп ҳолларда севги туйғуси йигит ва қизларга яхши таъсир кўрсатади. У йигит ва қизларга ўз камчиликларига барҳам беришга, шахснинг ижобий фазилатларини ҳосил қилишга интилишни вужудга келтиради, ўқиб-ўрганишга, қийинчиликларга қарши курашга ўргатади. Бу туйғу илк ўспиринларни покиза, мулойим қилади, уларда олийжаноб туйғулар ва интилишларни тарбиялайди. Ундай бўлса, нега бу туйғуга чек қўйиш керак? Аксинча, тарбиячи бундай туйғуни қадрлаши ва ҳурмат қилиши, унинг вужудга келишидаги софликни авайлаши, бу туйғунинг келгусида ҳам ҳар иккала томонга яхши таъсир кўрсатиши учун қўлидан келган ҳамма чорани кўриши (ҳеч бўлмаганда, халақит бермаслиги) керак.

Ўспиринларда севги ҳисси бир қанча ҳолатларга боғлиқ. Биринчидан – жинсий етилиш; иккинчидан – ишонадиган, суянадиган ва ҳар қандай нозик масалалар бўйича гаплашиш мумкин бўлган дўстга эҳтиёж; учинчидан – бу табиий инсоний эҳтиёж ҳисобланиб, инсон кўпинча ўзини ёлғиз ҳис қилганида кучли эмоционал боғлиқликка интилади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, бундай туйғу кучайган шаклда биринчи бор илк ўспиринлик даврида юзага келади. Илк ўспиринлар ёлғиз бўлишни истамаганликлари учун ўзлари фаол равишда ўзаро яқин мулоқот, бир-бирлари билан интим муносабатни излайдилар. Баъзан ўспиринлар бу ҳисларга шунчалик берилиб кетадиларки, бошқа нарсалар мавжудлиги ҳақида мутлақо унутиб қўядилар. Бу даврда ўспиринларда севиш мумкин бўлган қиз ёки йигит идеали пайдо бўлади ва кўп йиллар давомида бу идеал сақланиб туради. Ўспиринлар тасаввуридаги идеал кимнидир ёқтиришига, севишига туртки бўлади. Ўспиринларнинг идеал образлари баъзан реал бўлмайди, яъни улар ҳеч кимни «унга» ўхшатмайдилар. Бу эса уларда ишончсизлик ҳамда ёлғизлик ҳиссини ҳам юзага келтириши мумкин. Илк ўспиринларга шу мавзуда бадиий адабиётлар ўқиш, кинофильмлар, театрлар томоша қилишни тавсия этиш ҳамда ёши улуғ кишилар билан суҳбатлар ўтказиш, уларга ўзларини келгуси ҳаётларини ўзларига мос турмуш ўртоқлар топиш масаласига жиддийроқ ёндашишларига ёрдам беради.

Республикамизда илк ўспиринлик даврида дўстликнинг психологик хусусиятларини ўрганишга бағишлаган тадқиқотларни проф. Ғ.Б. Шоумаров раҳбарлигида Ф.А. Акромова ўтказган. Унинг тадқиқотларида ҳам дўстликка доир юқоридаги натижалар олинган.

13.4 §. ИЛК ЎСПИРИНЛИК ДАВРИДА ЎЗ-ЎЗИНИ АНГЛАШНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Ўспиринларни ҳали тўла катта деб ҳисоблаб бўлмайди, чунки уларнинг шахс хусусиятларида ҳали болаликни кузатиш мумкин. Бу уларнинг фикрларида, бераётган баҳоларида, ҳаётга ва ўз келажакларига муносабатларида кўзга ташланади. Кўпчилик ўспиринлар мактабни тугатиш вақтига келиб ҳам касб танлашга нисбатан масъулиятсиз ёндашадилар. Бу давр ўспириннинг ахлоқан ўз-ўзини англаши ва барқарор “Мен” образининг шаклланиши, шунингдек, ахлоқнинг янги босқичига ўтиши билан характерланади. Бу англаш оддийгина ўсишдан иборат бўлиб қолмасдан, у сифат жиҳатдан ўзига хос характерга эга бўлади, бу ҳол ўз шахсининг маънавий-психологик хусусиятларини конкрет ҳаётий мақсадлар ва интилишлар нуқтаи назаридан англаш ва уларга баҳо бериш эҳтиёжи билан боғлангандир.

Илк ўспириннинг ўзини ўзи англаши ўсмирнинг ўзини-ўзи англашидан худди шу томонлари билан фарқ қилади. Худди ана шу нарса илк ўспиринларда ўзининг психик ҳаётига, ўз шахсининг сифатларига, ўз қобилиятларига чуқур қизиқиш уйғотади, худди шунинг учун ҳам ўз хатти-

ҳаракатларига назар ташлаш, ўз ҳис-туйғуларини ва кечинмаларини билиб олиш эҳтиёжи пайдо бўлади.

Ўз-ўзини англаш ўқувчининг ички кечинмалар дунёсига кириши билан боғлиқ эмас ва фойдасиз, мақсадсиз ўз-ўзини таҳлил қилишдан ҳам иборат эмас. Ўз-ўзини англаш ҳаёт ва фаолият талабларидан келиб чиқади. Жамоадаги янги вазият, теварак-атрофдагилар билан бўладиган янгича муносабатлар ўқувчини ўз имкониятларини баҳолашга, ўзининг шахсий хусусиятларини, ўзига нисбатан қўйилаётган талабларга жавоб бера олиши ёки жавоб бера олмаслиги нуқтаи назаридан англашга мажбур қилади.

Илк ўспиринниng ўз-ўзини англашига оид бу қизиқарли хусусият қуйидагилардан иборат. Илк ўспирин ўзининг кучли ва ожиз томонларини, ўзининг устунлиги ва камчиликларини ўсмирга қараганда яхшироқ ва чуқурроқ баҳолай олади. Бироқ ўсмир кўпинча илк ўспирингa қараганда ўзига тўғрироқ баҳо беради. Ўсмирда ўз-ўзини англашнинг ривожланишига бошқа кишиларнинг фикрлари таъсир қилади. Ўсмир гўё ўзига теварак - атрофдагилар кўзи билан қарайди, унинг айнан ўзи ҳақидаги фикрлари кўпинча ота-оналари, ўқитувчилари ва ўртоқларининг фикрларини такрорлайди. Табиийки, унинг ўз-ўзига баҳо бериши ҳам анча объектив бўлади, чунки у теварак-атрофдагиларнинг объектив баҳосини такрорлайди. Бу ҳол академик лицей ва мактаб ўқувчиларида бошқача бўлади.

Ёшининг ортиши билан унда ўз шахсини, ўз хатти-ҳаракатлари ва фаолиятини мустақил таҳлил қилиш ва баҳо бериш тенденцияси кучаяди. Ўз-ўзига баҳо бериш эса ҳамиша ташқаридан берилган баҳога қараганда қийинроқдир. Шунинг учун илк ўспирин ўзининг шахсий хусусиятлари ва хатти-ҳаракатларини ўсмирга қараганда яхшироқ таҳлил қила олмаса ҳам, ўзига айрим ҳолларда объектив баҳо бера олмайди. Шунинг учун улар кўпинча ўз шахсларига ортиқча баҳо берадилар, ғайритабиий манманлик, кеккайиш, такаббурлик, кибрланиш ҳолларига йўл қўядилар, теварак-атрофдаги кишиларга менсимасдан муносабатда бўладилар; бошқалар эса ўзларига ғайри-табиий равишда етарли баҳо бермайдилар, ўзларини “ўртамиёна”, “арзимас”, “оддий ва кўзга ташланмайдиган одам” деб ҳисоблайдилар.

Интеллекти яхши ривожланган ўспиринлар катталарни ташвишга солаётган масала муаммоларини тушуна оладилар ва уларни муҳокама эта оладилар. Ўспиринлар жуда кўп муаммоли саволларга жавоб ўйлайдилар. Уларнинг диққатини кўпроқ ахлоқий масалалар тортади. Илк ўспириннинг ўз-ўзини англаши ўсмирнинг ўз-ўзини англашидан шу жиҳатлари билан фарқланади. Худди ана шу нарса илк ўспиринни ўзининг психик ҳаётига, ўз шахсининг сифатларига, ўз қобилиятларига чуқур қизиқиш уйғотади, худди шунинг учун ҳам ўз хатти-ҳаракатларига назар ташлаш, ўз ҳис-туйғуларини ва кечинмаларини билиб олиш эҳтиёжи пайдо бўлади. Агар ўсмирнинг тушунчасида сезгир киши ҳамиша бошқаларга ёрдам кўрсатса, илк ўспирин ёшидаги ўқувчилар эса бунда анча нозик тафсилотларнинг ҳам фарқига борадилар, улар сезгирлик – айниқса қандай ёрдам зарурлигини ҳис қила

билиш ва у ана шу ёрдамни усталик билан кишини хафа қилмасдан, кўрсата олишдан иборат деб ҳисоблайдилар.

Ўсмир ўзининг ҳозирги аҳволига мувофиқ равишда ўзига баҳо беради, катта мактаб ёшидаги ўқувчи ўзининг келажагига мувофиқ равишда ўзига баҳо беради. Ўсмир ўзича: “Мен мактаб жамоасининг аъзоси сифатида қандайман?” деб савол беради. Илк ўспирин эса ўзига: “Мен келгуси мустақил ҳаёт учун қандайман? Мен унга яроқлиманми?” –деб савол беради.

Илк ўспирин шахсга, умуман? унинг барча хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда баҳо бера олса, ўсмир ўзининг шахсига айрим ишлар, хатти-ҳаракатларга қараб баҳо беради ва бу баҳони умуман шахсга татбиқ этади.

Илк ўспиринда ўзи, ўз шахси тўғрисида тўғри, объектив тасаввур ҳосил бўлиши учун унга кўп ўйлаб, усталик билан ёрдам кўрсатиш керак. Агар ўқитувчининг берган баҳоси дўстона ва тўғри бўлса, унинг фикрлари илк ўспириннинг имкониятларига чуқур ишонч билан, унинг шахсини чуқур ҳурмат қилиш билан айтилган бўлса, ҳатто ўқитувчининг билдирган кескин танқидий мулоҳазалари ҳам одатда етарли даражада диққат-эътибор ва миннатдорчилик билан қабул қилинади.

Агар кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар учун ахлоқий масалаларни ечиш манбаи - ўқитувчилар бўлса, ўсмирлар бу саволларга жавобни кўпроқ тенгдошлари даврасидан қидирадилар. Ўспирин ёшдагилар эса саволларга тўғри жавобни топишда кўпроқ катта кишилар фойдаланадиган манбаларга мурожаат этадилар. Бундай манбалар асосан реал, кўп қиррали, мураккаб инсоний муносабатлар ва илмий-оммабоп, бадиий, публицистик адабиётлар, санъат асарлари, матбуот, радио, телевидение бўлиб ҳисобланади. Бугунги ўспиринларга ҳаётга нисбатан ҳушёр, ақлий-амалий қараш, эркинлик ва мустақиллик хос. Улар ҳаққоний бўлиш тушунчасига ҳам реал тарзда ёндашадилар. Лицей ва мактабни тугаллаш вақтига келиб, жуда кўп ўспиринлар ахлоқий жиҳатдан шаклланган ва маълум ахлоқ нормалари қатъийлашган хусусиятларга эга бўладилар. Ўспиринларда ахлоқий дунёқараш билан бир қаторда, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, илмий, маданий, диний ва бошқа соҳалар бўйича маълум бир қарашлар вужудга келади. Жуда кўп йиллардан бери ўспиринларни яхшилик ва ёмонлик, ҳақиқат ва ноқонунийлик, ахлоқийлик ва ахлоқсизлик масалалари ташвишлантириб келади. Ҳозирги давр ўспиринлари ҳар бир нарсага ишонувчан ёки салбий муносабатда бўлмай, балки ҳаётга реал, ақлий, амалий қарайдиган, кўпроқ эркин ва мустақил бўлишга интилувчи ёшлардир.

Ўспиринлар онгли равишда эгалланган ахлоқ нормалари асосида ўз хатти-ҳаракатларини йўлга солишга интиладилар. Бу эса, аввало, ўспирин ўзини англашининг ўсишида намоён бўлади.

Ўзини англаш мураккаб психологик структура бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади: Бу нарса уларнинг алоҳида шахс эканлигини тан олишга интилишида ўз ифодасини топади. Бунинг учун айрим ёшлар турли модаларга майл қўйиш, тасвирий санъат, мусиқа, касб-ҳунар, табиатга

қизиқишларини намойиш қилишга ҳаракат қиладилар. Ўқув ва меҳнат жамоалари таъсирида матонат, жасурлик, сабр-тоқат, камтарлик, интизомлилик, ҳалоллик каби инсоний фазилатлар такомиллашади. Худбинлик, лоқайдлик, мунофиқлик, лаганбардорлик, дангасалик, қўрқоқлик, ғайирлик сингари иллатларнинг барҳам топиши тезлашади.

Ўспиринлар шахсининг шаклланиш жараёнида жамоат ташкилотларининг роли алоҳида аҳамият касб этади. Уларда фаоллик, ташаббускорлик, мустақиллик, қатъиятлилик, масъулиятлилик, ўз ҳаракатларини танқидий баҳолаш сингари фазилатлари барқарор хусусият касб этиб боради. Ўспирин йигит ва қизларнинг жамоатчиликда фаол иштирок этиши орқали муайян ташкилотчилик қобилияти намоён бўлади. Ўзининг кимлиги, қандайлиги, қобилиятлари, ўзини нимага ҳурмат қилишини аниқлашга интиладилар. Дўст ва душманларининг кимлиги, ўз истаклари, ўзини ва теварак-атрофни, оламни яхши билиши учун нима қилиш кераклигини англашга ҳаракат қилади. Маълумки, ўспиринларнинг ҳамма саволлари англанган бўлмайди. Баъзан ўспиринлар ўзларидан ҳеч қаноатланмайдиган, ўз олдиларига ҳаддан ташқари кўп вазифалар қўядиган, лекин унинг уддасидан чиқа олмайдиган бўлади. Мана булардан кўриниб турибдики, ўспиринлар ўз-ўзини анализ қилиш теранлиги ва юксак талабларни бажариш кераклигини ўзида акс эттира борадилар. Бу эса ўспиринларнинг келгуси ютуқлари шартларидан биридир.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, шахснинг илк ўспиринликдаги энг муҳим хислатларидан бири ўз-ўзига ҳурмат, ўз-ўзига баҳо бериш ҳамда ўзини шахс деб тан олиш ёки олмаслик даражасидир. Ўспиринлар ўзларида шахснинг муайян комплекс сифатларини ҳосил қилишга интиладилар. Уларни ўз-ўзини тарбиялаш борасида бир бутун маънавий психологик қиёфани шакллантириш масаласи қизиқтиради. Бунда шахс идеали ва намунанинг мавжудлиги катта аҳамиятга эга. Масалан: ўғил болалар – қаҳрамонлик, яхши ота, тадбиркор, ўқитувчи, врач ёки бадиий асар ҳамда кинофильмдаги образларни ўзларига идеал деб билсалар; қизларимиз меҳнаткаш аёл, жозибали жамоат арбоби, назокатли уй бекаси ёки илмий ходим ва бошқаларни идеал деб биладилар. Ўзаро муносабат ва эмоционал ҳаёт ўз мавқеини белгилашнинг мураккаб муаммоларини ўспириннинг ўзи ҳал қила олмайди. Бу масалани ўспириннинг ота-онаси, ўз тенгқурлари, ўқитувчилар иштирокида уларнинг қўллаб-қувватлашида ҳал қилиши мумкин.

Ўспиринларни минг йиллаб ташвишлантираётган ахлоқий муаммолар бу – яхшилик ва ёмонлик, адолат ва қонунга хилофлик, тартиблилик ҳамда масъулиятсизлик ва ҳоказо. Ҳозирги илк ўспиринлар кўп асрлар олдин яшаган йигит ва қизлардан фарқ қилмасалар-да, уларга ҳаётга амалий нуқтаи назардан қараш хос бўлиб, кўпроқ мустақиллик ва эркинлик хос.

Дунёда ва мамлакатимизда рўй бераётган жўшқин ижтимоий ҳодисалар, ўзгаришлар ёш авлодга мустақил танлаш, барча нарсада шахсий йўналганлик, мустақил қарор қабул қилиш имконини бермоқда. Замонавий йигит ва қизларнинг психологиясини ҳаётнинг ўзи бир неча ўн йиллар

илгари яшаган тенгдошларидан фарқ қиладиган психологияни шакллантирмоқда. Бу хислатлар қуйидагилар: ахлоқий характерга эга бўлган кўп муаммоларни қўйиш ва ҳал қилиш, мустақиллик, фикрларнинг ҳар доим тўғри эмаслиги, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва диний муаммоларни ҳал қилиш.

Республикамиз психологлари томонидан илк ўспиринлар шахсининг психологик хусусиятларини ўрганишга бағишланган қатор тадқиқотлар ўтказилган. Шундай тадқиқотлар сирасига А.Жабборов раҳбарлигида ўтказилган О.У.Авлаевнинг таянч-ҳаракат аъзолари бузилган илк ўспиринларнинг шахс хусусиятларини ўрганишга бағишланган тадқиқотини келтириш мумкин. Тадқиқот натижасида муаллиф қуйидагиларни аниқлаган: таянч-ҳаракат аъзолари бузилган контингентлар шахсининг мотивациялари мазкур ёшдаги соғлом тенгдошлари сингари бир хилдаги муносабатни намоён қилганига қарамай, уларнинг имкониятлари шахслилик позициясидан чекланиб қолади. Ички мотив, билиш мотиви, мусобақалашув мотивларидаги натижалар нисбий маънода тенгликни ифодаласа-да, аммо уларнинг ўзини ўзи ҳурматлаши соғлом тенгдошларига қараганда анча паст кўрсаткичли мотив даражасини намоён этади. Демак, илк ўспиринлик даври катта мустақил ҳаётга қадам қўйиш бўсағасидир.

13.5 §. ИЛК ЎСПИРИНЛИК ДАВРИДА ЎҚУВ КАСБИЙ ФАОЛИЯТНИНГ ЕТАКЧИ ФАОЛИЯТГА АЙЛАНИШИ ВА КАСБ ТАНЛАШ МУАММОСИ

Илк ўспиринлар шахсининг тараққиётида ижтимоий фойдали меҳнатнинг роли катта. Илк ўспиринлар меҳнати фақат ўзининг моддий натижа бериши томони билангина муҳим эмас. Бу ёшдагиларнинг меҳнатини тўғри ташкил этиш шахснинг коллективизм, умум фойдаси учун қилинадиган меҳнатга муҳаббат, ташаббускорлик, мақсадга интилувчанлик, интизомлилик, қатъиятлилик сингари сифатларини таркиб топтиришга ёрдам беради. Ўқувчилар умумий меҳнатда қатнашар эканлар, меҳнат ва меҳнат кишиларини ҳурмат қилиш туйғусини ҳосил қиладилар, уларда меҳнат қилиш эҳтиёжи ва истаги пайдо бўлади.

Меҳнат жараёнида ўқувчиларда янги туйғулар – ўз меҳнатидан қувониш, яратилган нарса билан фахрланиш туйғуси, кўп куч-ғайрат сарфлагандан кейин эришилган ғалабадан қаноат ҳосил қилиш туйғуси вужудга келади. Ана шу янги қувончли эмоция ўқувчини яна бир марта бу туйғуларни бошдан кечириш учун тағин меҳнат вазиятига жалб қилади. Меҳнатнинг ижтимоий аҳамияти ва унинг натижаларига ижтимоий баҳо бериш – ўқувчини меҳнатга психологик жиҳатдан тайёрлашнинг зарур томонларидан биридир.

Жамоада меҳнат қилишда унинг тарбиявий аҳамияти кучли бўлади. Жамоавий меҳнат, ўзаро меҳнат масъулияти илк ўспирин шахсини таркиб топтиришда катта роль ўйнайди. Жамоа бўлиб меҳнат қилиш ўқувчиларнинг меҳнатда ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам кўрсатиш тажрибасини,

бир-бирларини назорат қилиш тажрибасини ҳосил қилишларига имкон беради, меҳнатнинг умумий натижаларидан шахсий манфаатдорликни, ўз хатти-ҳаракатларини жамоа манфаатларига бўйсундириш одатини таркиб топтиради. Илк ўспиринлик ёши – меҳнат ҳаётида ўз-ўзини аниқлаб олиш ёши бўлиб, бу вақтда ўқувчи ўзининг меҳнатдаги истеъдодини жиддий равишда излай бошлайди, унда ўзининг келажакдаги касбини белгилаб олиш интилиши пайдо бўлади. Ўсмирлардан фарқли равишда илк ўспиринлар касбни ўйлаб танлайдилар, нима учун шу касбни танлаганликларини асослаб берадилар. Уларнинг кўплари ўзларининг индивидуал жисмоний ва психик хусусиятларини бирор касб кишисига қўйиладиган талаблар билан таққосламоқчи бўладилар. Бунинг натижасида илк ўспиринлар амалий жиҳатдан масалага яқинлашиб қоладилар ва ўз қизиқишлари ҳамда имкониятларини ҳисобга олиб, ҳақиқий касбларни тилга ола бошлайдилар.

Минг-минглаб касблар бор, лекин муайян меҳнат турига индивидуал мойиллик билан унга бўлган қобилият ва унинг ижтимоий аҳамиятига юқори баҳо бериш бирга қўшилиб кетган вақтда чин юракдан танланган касбгина кишига маънавий қониқиш ва жамиятга фойда келтиради. Илк ўспиринлар учун характерли хусусият – касбларни кескин танлаб муносабатда бўлишдир. Улар айрим касбларни юксак баҳолайдилар, ўқувчиларнинг кўз ўнгида бу касбларнинг ижтимоий мавқеи улуғдир. Бошқа касбларнинг ижтимоий мавқеи жуда паст.

Касбий ниятларнинг барқарорлигини ўрганиш юзасидан Н.И. Крилов ўтказган текшириш шуни кўрсатдики, ҳатто ўз ниятларини амалга ошириб, олий ўқув юртига кирган талабалар орасида ҳам кўплари ўзларининг ким бўлишларини охиригача ҳал қилмаганлар. Бунга сабаб ёшларни мазкур олий ўқув юртига олиб келган касб ҳақидаги тасаввур билан бу касбнинг ҳақиқий, амалий мазмуни ўртасидаги номувофиқликдир. Ўзининг касб танлаш бўйича тақдирини тасодифан ҳал этиш мураккаб кечинмаларга, танлаган касби соҳасида иккиланишларга, оғир ички низоларга олиб келиши мумкин. Бу эса йигит ва қизлар учун ҳам, жамият учун ҳам катта зарар келтиради.

Касб танлаш ниманинг таъсири остида рўй беради? Бундай танлашнинг мотивлари нима?

Кўпдан-кўп материаллар мактаб ўқувчиларида ўзларининг келажакдаги касбларига қизиқишни тарбиялашда мактаб ва ўқитувчиларнинг маълум даражада роль ўйнашини кўрсатади. Бир қанча тадқиқотларнинг берган маълумотларига қараганда, сўраб чиқилган ўқувчиларнинг 40-50 % келажакдаги касбни танлашга бирор ўқув предметига бўлган қизиқишлари сабаб бўлганлигини айтади. Кўпгина ўқувчилар халқ хўжалиги учун зарур бўлган касбларни танлайдилар, бунга Ватанга фойда келтириш истагини сабаб қилиб кўрсатадилар, лекин бу касбларни ўзларининг индивидуал хусусиятларига, қобилиятларига мувофиқ келади, деб ҳисобламайдилар. Илк ўспиринларнинг кўпчилиги касб танлашга мотив қилиб ўз қобилиятларини кўрсатадилар. Кўп

ўқувчилар эса оилавий анъаналарнинг мавжудлигини, моддий-маиший таъминланганлик сабабини, дўстлар ва ўртоқларидан намуна олганлигини мотив қилиб кўрсатиб ўтадилар. Айрим ҳолларда иш жойи ёки олий ўқув юртининг уйдан яқинлиги ва бошқалар мотив бўлган.

Илк ўспиринларнинг қизиқишларини характерлаганда, аввало, шуни айтиш керакки, йигит ва қизлар одатда худди шу ёшда бирор фанга, билим тармоғига, фаолият соҳасига бўлган ўзларининг қатъий специфик қизиқишларини белгилаб оладилар. Илк ўспирин ёшидаги бундай қизиқиш шахснинг билиш-профессионал йўналишининг таркиб топишига олиб келади, йигит ёки қизнинг мактабни тамомлагандан кейин қандай касб танлашини, ҳаёт йўлини белгилаб беради. Ана шундай махсус қизиқишнинг мавжудлиги муайян соҳадаги билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга доимий интилишни рағбатлантиради: катта мактаб ёшидаги ўқувчи зарур адабиёт билан актив равишда танишиб боради, тегишли тўгаракларда бажонидил шуғулланади.

Илк ўспиринлик ёшида билишга оид қизиқишлар тобора кенг, қатъий ва амалий характер касб этади.Ўқувчиларнинг қизиқишлари кенг ва хилма-хил бўлиб боради: техника, табиат, ижтимоий-сиёсий, фалсафий-ахлоқий масалалар, спортга қизиқиш ортади.

Илк ўспиринларга хос хусусиятлардан бири ҳаётий режаларнинг шаклланишидир. Бир томондан, ҳаётий режалар шахс ўз олдига қўйган мақсадларни умумлаштириши ва мустаҳкамлаши натижасида вужудга келади. Бошқа томондан, мақсад ва мотивларнинг конкретлашиши жараёни рўй беради.

Ҳаётий режа – бир вақтнинг ўзида ижтимоий ва ахлоқий ҳодисадир. Ким бўлиш (касбий ўзликни англаш) ва қандай бўлиш (ахлоқий ўз-ўзини англаш) муаммолари ўсмирлик даврида фарқланмайди. Ўсмир ва ўспиринларнинг ҳаётий режалари тарқоқ бўлиб, уларнинг амалий фаолиятига мос келмайди. Илк ўспиринлар “Ҳаётий режаларингиз борми?” деган саволга “ҳа” деб жавоб беришган, лекин кўпчилик ҳаётий режа сифатида ўқиш, келажакда қизиқарли иш билан шуғулланиш, содиқ дўстларга эга бўлиш ва кўп саёҳат қилиш деб таъкидлашган.

Ҳаётий режа фақат сўнгги натижагина эмас, унга эришиш усул ва йўллари, унга зарур бўладиган объектив ва субъектив имкониятлар эътиборга олингандагина, бу сўзнинг асл маъноси вужудга келади. Фаол ва хаёлотга берилувчан орзудан фарқли равишда, ҳаётий режа – бу фаолият режасидир, у биринчи навбатда касб танлашга боғлиқ.

Илк ўспирин учун касб танлаш, аввало, ахлоқий муаммодир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам шахс меҳнат қилиш ҳуқуқи билан бирга, ўз қобилияти, лаёқати ва қизиқишига кўра касб танлаш ҳуқуқига эгалиги таъкидланган.

Бугунги кунда касб танлаш ҳар хил нуқтаи назардан қараш мумкин бўлган кўп ўлчовли ва кўп даражали жараёндир. Биринчидан, жамият шаклланаётган шахс олдига қўйган вазифалар серияси сифатида, уларни шахс маълум вақт давомида кетма-кет ҳал қилиши зарур. Иккинчидан,

индивид ўз қизиқиш ва лаёқатларини шакллантирадиган қарор қабул қилиш жараёни сифатида намоён бўлади. Учинчидан, ҳаётнинг индивидуал услубини шакллантириш жараёни сифатида, касбий фаолият унинг бир қисми сифатида намоён бўлади. Бу уч нуқтаи назар ўзаро бир-бирини тўлдирадиган ишнинг ҳар хил томонларидир.

Ёш даврлари психологиясида касб танлаш бир неча босқичдан иборат.

Биринчи босқич – болалар ўйинлари бўлиб, унда бола ўзига ҳар хил касбий ролларни қабул қилади ва шу билан боғлиқ хулқ-атворнинг алоҳида элементларини “ўйнайди”.

Иккинчи босқич – ўсмирлик хаёли бўлиб, ўсмир орзуларида, ўзини у ёки бу қизиқарли касбнинг намояндаси сифатида кўради.

Учинчи босқич - илк ўспиринлик даврини қамраб олади – дастлабки касб танлашдир. Ҳар хил фаолият турлари ўсмирнинг қизиқишлари томонидан сараланади ва баҳоланади (“Мен тарихий романларни ёқтираман, тарихчи бўламан”), кейин қобилиятлари нуқтаи назаридан касб танлашга ҳаракат қилинади (“Мен математикани яхши ўзлаштираяпман, математик бўлсаммикан?”, энг сўнггида қадриятлар тизими нуқтаи назаридан қараб чиқилади (“Мен касал одамларга ёрдам беришни хоҳлайман, врач бўламан"; “Кўп пул топишни хоҳлайман, қайси касб бу талабга жавоб беради?”). Қизиқишлар, қобилиятлар ва қадриятлар касб танлашнинг ҳар бир босқичида намоён бўлади. Фанга қизиқиш ўқувчини у билан кўпроқ шуғулланишга ундайди, бу эса унинг қобилиятларини ривожлантиради, қобилиятлар эса фаолият муваффақиятини таъминлайди ва қизиқишларни мустаҳкамлайди.

Тўртинчи босқич – амалий қарор қабул қилиш, касб танлаш босқичи бўлиб, ўз ичига икки бош таркибий қисмни олади: аввал бирор фаолият билан шуғулланиш истаги пайдо бўлади, кейин эса конкрет соҳа танланади (“Ўқитувчи бўламан”, “Математика ўқитувчиси бўламан”). Касб танлаш кўп босқичли жараён. 9-синф ўқувчилари академик лицейга ёки қайси касб –ҳунар мактабига топширишларини танлашлари зарур. Қизиқишлар, қобилиятлар ва қадриятлар йўналганлигидан ташқари қарор қабул қилишда ўзининг имкониятларини – оиланинг моддий шароити, ўқув тайёрлиги даражаси, соғлиғи ва бошқаларни ҳисобга олиш ҳам муҳим роль ўйнайди.

Касб танлаш илк ўспиридан икки хил маълумотни талаб қилади: касб дунёси ва ҳар бир касбга қўйиладиган талаблардан хабардорлик; ўз қобилиятлари ва қизиқишларини билиш. У маълумот ҳам бу маълумот ҳам илк ўспиринларга етишмайди. Илк ўспиринларнинг ҳаётий режаларини амалга ошириш ва касб танлаши ижтимоий шароитларга, айниқса ота-онанинг умумтаълим даражасига боғлиқ. Ота-онанинг таълим даражаси қанчалик юқори бўлса, фарзандларининг олий-ўқув юртида ўқишни давом эттириши ва бу режаларни амалга ошириш эҳтимоли шунчалик юқоридир. Ҳаётий режаларни амалга ошириш эҳтимоли йигитларда қизларга нисбатан юқоридир.

Касбий йўналганлик нафақат ижтимоий, балки психологик муаммо ҳамдир. Психологияда касбий йўналганлик бўйича уч назарий нуқтаи назар мавжуд. Биринчи нуқтаи назар фаолиятнинг муваффақияти ва усуллари боғлиқ бўлган индивидуал хусусиятлар-нинг амалий ўзгармаслиги ва барқарорлиги ҳақидаги ғояга асосланган. Бунда биринчи томондан, у ёки бу ишга мос инсонларни касбга йўналтириши ва танлашга урғу берилади, иккинчи томондан у ёки бу касбга мойиллик назарда тутилади.

Иккинчи нуқтаи назар қобилиятларни мақсадга мувофиқ шакллантириш ғоясидан келиб чиқади, бунда ҳар бир инсоннинг муҳим хислатларини ривожлантириш назарда тутилади. Юқорида келтирилган бу икки нуқтаи назар ҳам ҳар хил шакллантирилиши мумкин, лекин уларнинг умумий методологик камчилиги шундаки, индивидуаллик ва меҳнат фаолияти ўзаро боғлиқ бўлмаган, бир-бирига қарама-қарши, бири иккинчисини, албтата, бўйсундирадиган катталиклар сифатида қаралади.

Учинчи нуқтаи назар психологиядаги онг ва фаолиятнинг бирлиги тамойилидан келиб чиқади, фаолиятнинг индивидуал услубини шакллантиришга йўналтирилган. Ушбу қонцепция Е.А. Климов илгари сурган қуйидаги қарашларга асосланади:

1.Фаолиятнинг муваффақияти учун муҳим бўлган амалий тарбияланмайдиган шахсий (психологик) хислатлар мавжуд.

2.Касбий фаолият шароитларига мослашишнинг меҳнат маҳсулдорлиги бўйича бир хил бўлган, ҳар хил усуллари мавжуд.

3.Алоҳида қобилиятларнинг кучсиз ифодаланганлигини машқ қилиш ёки бошқа қобилиятлар ёки иш усуллари ёрдамида бартараф этишнинг кенг имкониятлари мавжуд(секин жавоб қайтариш қобилиятини тайёрланиш тадбирларидаги ўта диққатлилик билан тўлдириш мумкин; бир шароитдаги фаолиятнинг сусайишини, инсон сунъий равишда фаолиятни ўзгартириши мумкин – ҳаракатлар тартибини ўзгартириши ёки объектлар рангларини ўзгартиради деб тасаввур қилиши мумкин).

4. Шахснинг индивидуал ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда қобилиятларни шакллантириш зарур, ташқи шароитларни ҳисобга олган ҳолда ички шароитларни ривожлантириш.

Касб танлашда касбий маслаҳат жуда муҳим ҳисобланади. Бу жиддий тайёргарликни талаб қиладиган қийин ишдир. Ҳозирги вақтда ҳар бир мактаб психологи томонидан ўтказиладиган 9-синф ўқувчилари билан олиб бориладиган касбга йўналтириш ишлари бўйича диагностик ва маслаҳат ишлари бунга яққол мисол бўла олади.

Касб танлашда – касб танлаш амалга ошириладиган ёш, илк ўспиринниг маълумотлилик даражаси ва унинг интилиш даражаси муҳим омиллар ҳисобланади.

Биз юқорида кўриб ўтганимиздек, касб танлаш мураккаб ва узоқ жараён. Муаммо фақат умумий давомийликда эмас, балки босқичларнинг кетма-кетлигида ҳамдир. Бу ерда иккита хавф мавжуд. Улардан биринчиси илк ўспиринларнинг касб танлаш жараёнини аниқ ва барқарор қизиқишлари бўлмаганлиги учун кейинга қолдиришидир. Бу кейинга

қолдириш умумий етук эмаслик, хулқ-атворнинг инфантиллиги билан қўшилади. Бу ҳолат касб танлаш жараёни катталик ва барқарор “Мен” образининг, ўз-ўзини ҳурмат қилишнинг асосий компонентларидан бири эканлигини эсга олсак тушунарли бўлади.

Ота-оналарнинг уринишлари (айниқса, зиёли оилаларда кўп учрайди) тўғридан-тўғри психологик таъсир кўрсатиш ёрдамида бу жараённи тезлаштирмоқчи бўладилар (“Сен қачон касб танлайсан? Мен сенинг ёшингда”). Бу эса болаларда хавотирланишни кучайтириб, баъзан ҳеч қандай касб танламасдан, турли севимли машғулотларни танлашгача бўлган салбий натижаларга олиб келади. Бунда ўз вақтида ўқиш давомида болаларнинг қизиқишлари ва дунёқарашини кенгайтириш, ҳар хил фаолият турлари билан таништириш, амалий меҳнат кўникмаларини шаллантириш сифатида ёрдам кўрсатиш мумкин.

Эрта касб танлаш ижобий омил ҳисобланса-да, унинг ҳам ўзига яраша камчиликлари бор. Ўсмирларнинг қизиқишлари тасодифий, вазиятли омилларга боғлиқ. Ўсмир фақат фаолиятнинг мазмунига қараб иш тутади, унинг бошқа жиҳатларини пайқамайди.

Илк ўспиринларнинг бўлажак касблари ҳақида хабардорлик даражаси ҳам муҳим ҳисобланади. Йигит ва қизлар улар танлайдиган касблар доирасини, ҳар бир касбнинг аниқ хусусиятларини билмаганликлари учун касбни тасодифан танлайдилар. Касб ҳақида маълумотга эга эмаслик олий ўқув юртига кирганлар орасида ҳам учрайди. “Бўлғуси касбингизнинг характери, мазмуни ва шароитидан хабардормисиз?” деган саволга талабаларнинг тўртдан бир қисмигина “ҳа” жавобини беришган. Инсон касб танлаётган вақтида қанчалик кичик бўлса, унинг касб танлаши шунчалик мустақил бўлмайди, шахсий қадриятлар тизими асосида эмас, маълумотларнинг етарли бўлмаганлиги туфайли кимнингдир тавсиясига кўра амалга оширилади.

Касб танлаш маълум шахсий интилиш даражасини акс эттиради. У ўз объектив имкониятлари ҳамда қобилиятларини баҳолашдан иборат. Бундан ташқари унга субъект томонидан англанмайдиган касбга қўйиладиган талаблар ҳам таъсир қилади. 15-17 ёшли йигит ва қизларнинг интилиш даражаси кўпинча юқори бўлади. Бу нормал ва фойдали ҳолат бўлиб, ёшларни янада изланишга ва қийинчиликларни бартараф этишга ундайди. Дастлабки ҳаётий муваффақиятсизлик туфайли, масалан? олий ўқув юртига топширишга уринишдан келиб чиқадиган жароҳатдан қандай қутулиш мумкин?

Баъзи конкурсдан ўта олмаган ёшлар уларнинг барча ҳаётий режалари пучга чиққанлиги, тўғрилаб бўлмайдиган ҳалокат рўй берди, деб ўйлайдилар. Лекин социологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, олий ўқув юртида ўқишни жиддий хоҳловчилар ўзларининг ҳаётий режаларини кейинроқ ҳам амалга ошириши мумкин.

Инсоннинг ёши улғайган сайин ҳаётий қадриятлари ва ҳаётий режалари ўзгариб боради. Олий ўқув юртига киришни хоҳлаганлар дастлаб ўқишга кирганлари учун хурсанд бўладилар. Касбни тўлиқ ўйлаб

танламаганлар учун кейинчалик қийинчиликлар вужудга келади: уларнинг айримлари ўқишни эплай олмайди, бошқа бирлари танлаган мутахассисликдан кўнгли тўлмайди, яна бошқалари олий ўқув юртини тўғри танлаганига шубҳаланади. Л.В.Лисовский тадқиқотларидан маълум бўлишича, ”Яна касб танлашга тўғри келса, яна шу касбни танлармидингиз?” деган саволга сўралганларнинг учдан бир қисми рад жавобини беришган. Юқори курсларда танлаган касбидан қониқадиганлар камаймасдан, аксинча ортиб боради.

Буни ҳар хил сабаблар билан тушунтириш мумкин: олий ўқув юртидаги ўқитиш даражаси билан, ўқувчилик вақтида пайқамаган бўлғуси касбнинг салбий жиҳатларини кўриш билан ва ҳоказо. Кўпчиликда қониқмаслик ривожланишдаги инқирозли оддий нуқта бўлиб, амалиёт бошланганда буларнинг бари йўқолиб кетади. Ёш мутахассис ишга тушганда янги қийинчиликлар вужудга келади. Уларнинг баъзилари юқори масъулият ҳиссига жавоб бера олмайди, баъзиларда эса талаблар олинган билим даражасидан анча қуйида бўлади. Шундай қилиб, ривожланишнинг олий ўқув юртидаги варианти низолардан холи эмас.

Инсоннинг ҳаёт йўли турли-тумандир. Илк ўспиринликда инсон ҳаёт йўлини ўзи танлайдигандек туюлади, лекин унинг касб танлашига тарбия, муҳит ва бошқалар ҳам таъсир қилади. Касб-ҳунар мактаби ёки лицейни битиргандан сўнг шахсий бўлмаган ташқи омилларнинг таъсири янада кучли бўлади. В.Н.Шубкиннинг таъкидлашича, биз танлайдиган йўллардан бошқа бизларни танлайдиган йўллар ҳам мавжуд. Олий ўқув юртини тугаллаган ёшлар таълимни ҳаётни мазмунли ва қизиқарли қилиш воситаси сифатида ҳамма нарсадан устун қўйишади. Ишлайдиган ёшлар эса таълимнинг моҳиятини жамиятга кўпроқ фойда келтиришда деган фикрдалар.

Ўспиринлар турли касбларни турлича баҳолайдилар. 17 ёшлилар касбларни контраст “оқ-қора”, мавҳум деб баҳоласалар, 25 ёшлилар ўзларининг ҳаёт йўллари билан баҳолайдилар. Муваффақиятли касбга йўналтиришнинг муҳим шартларидан бири ўқувчиларнинг меҳнатга тўғри муносабатда бўлиши ва уларнинг фаоллигидир.

Касбга йўналтириш – шахснинг ижтимоий тақдирини белгилашнинг таркибий қисмидир. Касб танлаш - ҳаёт мазмуни ҳақидаги ўйлари ва шахсий “Мен” табиати билан мос келганда муваффақиятли ҳисобланади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти талаба-ларида З.Т.Нишанова раҳбарлигида ўтказилган Д.Ходжакулова тадқиқотларида сўралганларнинг ярмиси яна шу касбни танлашларини таъкидлаб, тасдиқ жавобини беришган, учдан бир қисм талабалар эса иккиланишларини баён этишган. Талабаларда касбий йўналганликнинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнига фаол мақсадга мувофиқ таъсир кўрсатиш учун қуйидагиларни тавсия этиш мумкин:

1.Олий ўқув юртидаги таълим жараёнида ҳар бир талабанинг барқарор касбий йўналганлиги шаклланишига ёрдам бериш учун таълимнинг

муваффақиятини таъминлайдиган психологик феноменлар мажмуини ҳисобга олиш зарур.

2.Олий таълим давомида ҳар бир талабага индивидуал ёндашувни амалга ошириш, касбий йўналганлик имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш лозим.

3. Талабаларнинг анчагина қисми касбни англамай тасодифан танлаганликларини ҳисобга олиб, олий ўқув юртидаги таълим жараёнида талабаларда дунёни касб нуқтаи назаридан кўришни шакллантиришга йўналтирилган тадбирлар тизимини тавсия этиш мумкин.

4. Кўпчилик талабалар ҳозирги замон масалалари билан алоқаси борлиги, илмийлик, муаммолилик, билимининг чуқурлиги, таълимда кўрсатмалик ва техника воситаларининг қўлланилишини мутахассислик фанларини ўқитишдаги ижобий жиҳатлар сифатида таъкидлангани боис дарсларни жонли, янги педагогик технологияларга асосланган ҳолда қизиқарли қилиб ўтишларини ўқитувчиларга тавсия этамиз.

5. Талабаларда касбий йўналганликни шакллантириш учун касб профессиограммаси ва психограммаси билан таништириш ҳамда касбий муҳим хислатларни психология дарсларида амалий машғулотларда ҳамда тарбиявий соатларда гуруҳ мураббийлари ёрдамида ривожлантиришни тавсия этамиз.

Шу ўринда Н.Х.Холйигитова тадқиқотларида ўқувчиларда касб танлш мотивациясининг гуруҳий жипсликка таъсири ролини ўрганиб, гуруҳдаги статус, эмоционал экспансивлик, ўзаро ҳамжиҳатлик (социометрик), гуруҳ аъзоларининг ўрни, ўзаро бир-бирини эътироф этиши, қўллаб-қувватлаши (референтометрик), оиланинг нуфузи, ота-онанинг касбга қизиқтириш лаёқати ва қўллаб-қувватлашлари (касб-танлаш қадриятлари) каби ўқувчиларда касбий мотивларнинг шаклланишига таъсир кўрсатувчи ижтимоий-психологик омилларни таъминлаш масаласи устувор эканлиги кўзга ташланади.[5]

Э.Н.Саттаров раҳбарлигида С.Н.Жўраева томонидан талаба шахсига касбий шаклланиш таъсирининг психологик жиҳатлари ўрганилди. Тадқиқотда шахснинг касбий фаолиятга мутаносиблигини белгиловчи психологик хусусиятлар ва омиллар аниқланди, талабаларнинг олий ўқув юртига киришида таълим йўналишларини танлашларига сабаб бўлувчи психологик омилларнинг роли аниқланди, шахс хусусиятларининг касбий фаолиятга мутаносиблигини таъминлашга хизмат қилувчи касбий мотивлар, установкалар ва йўналганликнинг ўрни аниқланган.

Такрорлаш ва муҳокама қилиш учун саволлар.

1. Илк ўспиринлик даврида психологик жараёнларнинг шаклланиш хусусиятлари.

---

[5] Н.Х.Холйигитова “Ўқувчилардаги касб иотивлари барқарорлигига гурҳий жипсликнинг таъсири” Монография, Т; 2021й

2. Ўспиринликдаги ақлий ривожланиш билан етакчи фаолиятлар ўртасидаги боғлиқлик.
3. Умумий ва махсус лаёқатларнинг ривожланиши.
4. Ўспиринлик даврида касб танлашнинг ўзига хос хусусиятлари.
5. Ўспиринлик ижтимоий жиҳатдан етилиш даври эканлигини изоҳлаб беринг.
6. Ўспиринлик даврида жисмоний ривожланиш хусусиятларини кўрсатинг.
7. Ўспиринларда билиш жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари қандай?
8. Ўспиринлар мустақил фикрлашда қандай камчиликларга йўл қўядилар?
9. Ўспириннинг мустақил фикрлашини ривожлантириш омилларини санаб беринг.
10. Лицей ва касб-ҳунар мактаблари ўқувчиларининг ўқув фаолиятидаги характерли хусусиятлар қайсилар?
11. Ўспиринларда ўз-ўзини англаш қандай намоён бўлади?
12. Ўспирин ёшларда илмий дунёқарашни шакллантириш, деганда нималар назарда тутилади?
13. Ўспиринлар касб танлашга қандай ёндашадилар?

XIV БОБ. ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ
14.1 §. ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИНГ ПСИХОЛОГИК МОҲИЯТИ, МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Тарбия доимий категориядир. Инсон ўзини шахс сифатида тан олганидан бошлаб, уни шахс сифатида ривожлантириш ва тарбиялаш зарурати пайдо бўлди. Тарбия жамият борлиги ва узлуксизлигини таъминлаш учун зарурдир. Юқорида айтиб ўтилганидек, тарбия тушунчасини кенг ва тор маъноларда ишлатиш мумкин. Тор маънодаги тарбия – инсонларда маълум бир ижтимоий аҳамиятга эга бўлган шахсий сифатлар ва ривожланган қарашларни шакллантиришга қаратилган тарбиявий фаолиятдир. Кенг маънодаги тарбия деганда инсоннинг жамиятда ҳар томонлама ривожланиши учун шароитлар (моддий, маънавий, ташкилий) яратиш бўйича амалга ошириладиган ишлар тушунилади.

Тарбия доим маълум бир мақсадларга қаратилади. Бугунги кунда бу мақсадларни қуйидагича изоҳлаш мумкин.

1. Шахснинг атрофдаги оламга ва ўз-ўзига бўлган муносабатларини шакллантириш. Бундай тарбия натижасида инсон атрофдаги олам, жамият ва бошқа инсонлар билан ўз муносабатларининг характерини тасаввур қилади, ўзининг индивидуал, ақлий-билиш, ҳиссий-иродавий, коммуникатив хусусиятлари ва хулқ-атворини тўғри англайди, жамиятда ўз ўрнини билади.

2. Ҳар томонлама ривожланган баркамол шахсни тарбиялаш ўзида маънавий бойлик, поклик ва жисмоний баркамолликни намоён этадиган, ўз ахлоқий ва психологик сифатларини рационал намоён этадиган, ҳар хил қийинчиликлар ва муаммоларни ёнга оладиган инсонни тарбиялашни назарда тутади.

3. Ижтимоий билимга эга бўлган шахсни тарбиялаш. Тарбиянинг ушбу мақсади шахснинг ўз муносабатлари характерини тўғри тушуниш, бошқа инсонлар билан бўлган алоқаларини адекват баҳолаш ҳамда бошқалар билан низосиз муносабатлар тузиш, жамоада тушунмовчиликка йўл қўймасликка қаратилган.

4. Инсонни маданият орқали тарбиялаш, яъни шахснинг эстетик ва маънавий баркамоллигини шакллантириш, ижодий индивидуаллигини ривожлантириш.

Тарбия таълим жараёни билан чамбарчас боғлиқ бўлса ҳам, таълим жараёнидан ўз хусусиятлари, аниқ вазифалари, ўзига хос функциялари, мазмуни, шакллари ва таъсир этиш усуллари билан фарқ қилади.

Тарбия функциялари тарбия жараёни мазмунининг йўналганлигини таъминлайди. Уларга қуйидагилар киради:

− ўз-ўзини тарбиялашга ундаш;
− профилактик;
− шакллантирувчи, ривожлантирувчи;
− аниқ масалаларни ечишга бор кучни жамлаш;
− қайта тарбиялаш.

Тарбия мазмуни унинг мақсади, вазифалари ва мотивларидан келиб чиққан ҳолда тарбия жараёнида тарбия берувчи ва тарбияланувчининг бутун ҳаракатлари ва ўзаро таъсирини ўз ичига олади. Тарбия таълим каби икки томонлама хусусиятга эга бўлган жараёндир. Бу жараён тарбия берувчи ва тарбияланувчиларнинг ўзаро фаол ҳамкорлигида амалга оширилади. Бунда тарбия берувчи тарбия жараёнининг ташкил этувчиси ва раҳбари сифатида намоён бўлади, жараённинг ўзи эса қуйидаги қисмлардан иборат бўлган модел сифатида акс этади.

1. Тарбия берувчининг таъсири тарбия мақсади ва вазифаларига эришиш учун зарур бўлган ҳаракатлар мажмуи сифатида.

2. Тарбия таъсири объекти бўлган ва тарбияловчининг тарбиявий таъсири натижасида маълум бир ўзгаришлар акс этадиган тарбияланувчи шахс.

3. Тарбияланувчининг тарбия берувчига муносабати, яъни тарбиявий таъсирларига реакцияси.

4. Шахсда шакллантирилаётган сифатлар.

5. Мотив, яъни тарбия жараёнида шаклланган ундовчи кучлар.

6. Хулқ-атвор, яъни тарбия жараёни ва натижасида шахс томонидан амалга оширилаётган хатти-ҳаракатларнинг ўзига хослиги.

Тарбия маълум бир умумий ҳолатларга асосланиб, бир қатор тамойиллар тизими орқали амалга оширилади:

−индивидуал ва табақалаштирилган ёндашув;

−гуруҳда ва гуруҳ орқали тарбиялаш;

−фаолият жараёнида тарбиялаш;

−тарбияловчиларга нисбатан талабчан бўлиш ва шу билан бирга, уларни ҳурмат қилиш;

−шахс ва гуруҳдаги ижобийликка асосланиш;

−тарбияда бирлик ва узлуксизликка риоя қилиш.

Ушбу тамойилларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиб ўтамиз. Тарбияда индивидуал ва табақалаштирилган ёндашув қуйидагиларни назарда тутади:

−тарбияланувчилар индивидуал-психологик хусусиятларини чуқур ва ҳар томонлама билиш ва ҳисобга олиш;

−тарбияланувчилар шахсий характеристикаларига мос равишда тарбия мақсадларини ишлаб чиқиш;

−тарбиявий иш натижаларини доимий равишда таҳлил қилиш;

−ҳар бир тарбияланувчининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тарбия методикасига ўз вақтида ўзгартиришлар киритиш.

Гуруҳда ва гуруҳ орқали тарбиялаш тамойили қуйидагиларни назарда тутади:

−барча тарбияланувчилар фикр ва ҳаракатларини умумлаш-тирадиган ва гуруҳ ривожланишини таъминлайдиган ғоялар ишлаб чиқиш;

−тарбияланувчиларда ўз жамоасига ғурур туйғусини шакллантириш, шахсий манфаатларни гуруҳ манфаатларига боғлаш;

−салбий ҳодисалар билан курашишга оид билдирилган гуруҳ фикрини қўллаб-қувватлаш. Тарбия ҳар қандай жамиятнинг табиий, муҳим

вазифасидир. Тарбия психологияси ўрганадиган муҳим масалалар қаторига онтогенезда шахс шаклланишининг асосий манбалари, қонуниятлари, босқичлари, шартлари, механизмлари ва хусусиятларининг намоён бўлишини киритиш мумкин. Мазкур масалалар ўсаётган инсон фаолияти, онги ва шахсининг туб муаммолари ривожланиши доирасида тадқиқ этилади. Тадқиқотчиларни бир неча масаланинг ечими қизиқтиради.

1. Шахсни фаол мақсадли шакллантириш иложи борми? Бу ерда шахс моҳияти ва асосан, ижтимоий ва биологик ибтидоларга нисбатан олимларнинг қарашлари аниқ чегараланади.

2. Шахснинг ахлоқий-руҳий муҳитини шакллантиришнинг қонуниятлари ва механизмлари қандай? Бу ерда жамият роли, фуқароликнинг умуминсоний, маънавий қадриятлари, инсонпарварлик, меҳнат, маданият, билим, маънавиятга муносабат ҳақида сўз юритилади.

3. Шахс шаклланиши жараёнига таъсир қилиш тизимини ўрганиш ва ташкил этиш асослари ва шартлари қандай? Бу ерда психологик ривожланишнинг ёш бўйича даврлаштирилиши ва ҳар бир даврга хос етакчи фаолият турлари кўриб чиқилади.

4. Тарбиявий жараённи ташкил этишнинг оптимал шакллари, шарт ва воситалари қандай? Тарбия психологияси педагогик жараённи мақсадли ташкил этиш шароитида инсоннинг шахс сифатида шаклланиши психологик қонуниятларини ўрганади. Онтогенезда шахс мақсадли шаклланишининг маълум бир қонунлари ўрнатилиши болалар тарбиясининг илмий асослари қурилишини таъминлайди ва шу билан биргаликда, психологик назарияларнинг ривожланиш базасини ташкил этади. Психологик билимларнинг асосий соҳаси сифатида психологик тарбиянинг бош ташкилий жиҳати – бу онтогенезда шахснинг мақсадли фаол шаклланиши мумкинлиги ҳақидаги қоидадир.

Конфуций «Эскини ўзлаштирган ва янгини тушунишга қодир инсонгина тарбиячи бўла олади» деган эди. Бугунги кунда тарбия жараёнида ҳам қатор ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Шуни таъкидлаш лозимки, маърифат халқимиз, миллатимиз қонидадир. Анъанавий шарқона қарашга кўра, маърифат фақат билим ва малака эмас, айни пайтда чуқур маънавият ва гўзал ахлоқ дегани ҳамдир**.**

Бир ижтимоий жамиятнинг иккинчисига алмашиши, шунингдек, миллий мустақиллик ва унинг неъматлари республикамиз фуқароларида туб ўзгаришларни вужудга келтирмоқда. Миллий туйғу, қиёфа, характер, таъб, куй, рақс, маънавият, қадрият ҳамда руҳият таъсири остида ўзининг туб моҳиятини акс эттира бошлади. Ўтмишнинг бой мероси, унинг анъаналари миллий истиқлол туфайли ўз эгаларига қайтариб берилди. Фуқароларнинг ижтимоий онги аста-секин ўзгариб бориши натижасида этнопсихологик хусусиятлар тиклана бошлади. Миллий умумбашарийлик хислатлари ўртасида адолатлилик, тенг хуқуқлилик алоқалари ўрнатилмоқда.

XXI асрда шахс шаклланишида унинг тарбияланганлик даражасида диний, хусусан, «Ҳадис» илмининг аҳамияти каттадир. Шахслараро муносабатда тенглик, ғамхўрлик, самимийлик, ўзаро ёрдам, семпатия,

антипатия, ҳамдардлик, севги-муҳаббат сингари миллий хусусиятларни таркиб топтиришда ҳадисларнинг роли янада ортмоқда.

Ўзбек оиласида тарбия моҳияти мазмуни, тарбиянинг кундалик ва истиқлол режаси болаларга таъсир ўтказиш воситасини танлаш ва ундан унумли фойдаланиш ўзига хос хусусиятга эга, чунки унинг асосида халқ анъаналари ётади. Ўзбек халқининг этнопсихологик хусусиятларидан унумли фойдаланиш ҳар томонлама тараққий этган инсон шахсини таркиб топтиришда муҳим рол ўйнайди. Абдулла Авлоний айтганидек: «Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир».

Ёш авлод тарбиясида миллий руҳият, умуминсоний, халқчил миллий қадриятлар, урф-одатлар, анъаналар етакчи ўрин тутмоғи лозим (Тарбия этнопсихологик ва этнопедогогик муносабат). Булар орқали ёшларда қуйидаги фазилатларни тарбиялаш лозим.

Одам ўз теварак-атрофидаги оламни билувчи ва шу оламга таъсир этувчи субъектдир. Одамнинг идрок этадиган, тасаввур қиладиган нарсалари унинг учун объектдир. Ана шу нуқтаи назардан олганда, одамнинг ўзини англаши субъектив равишда ўзини «Мен» деб ҳис қилишида ифодаланади.

Одам ижтимоий зот бўлганлигидан унга ўзлигини англаш қобилияти хосдир. Фақат ижтимоий ҳаётда ўзга кишилар билан қиладиган ҳар турли муносабатларда одамнинг ўзини англаши, ўзини «мен» деб билиши вужудга келади ва тараққий этади. Одам ўзини алоҳида шахс сифатида ким деб билиши, ўзининг ўтмиши ва келажаги, ўз ҳуқуқ ва бурчини ва ниҳоят, ўзининг фазилати ҳамда камчиликларини англаши ўзини англашига киради.

Инсоннинг табиатини ўзгартирадиган, унинг шахсини таркиб топишига таъсир қиладиган куч ижтимоий омиллар ёки бошқача қилиб айтганда, жамият ишлаб чиқариш кучлари ҳамда ишлаб чиқариш муносабатларининг ўсиши ва ўзгаришидир. Бундан ташқари яна инсон орттирган тажрибаларнинг тарбия воситаси орқали болаларга берилишидир. Инсон шахси жуда мураккаб психологик категория бўлиб, у кишининг индивидуал ҳаёти давомида маълум конкрет омилларнинг таъсири остида секин-аста таркиб топади.

Инсоннинг писхик тараққиётида ва шахсий сифатларининг таркиб топишида ташқи, ижтимоий муҳит ва тарбиянинг роли ҳал қилувчи аҳамитга эгадир. Лекин, инсон шахсининг таркиб топиши, юқорида айтиб ўтганимиздек, учинчи бир факторга ҳам боғликдир. Бу фактор наслий йўл билан айрим анатомик ва биологик хусусиятларнинг таъсиридир. Одамга наслий йўл билан айрим анатомик ва биологик хусусиятлар берилади. Масалан, танасининг тузилиши, соч ва кўзларининг ранги, овози, гапириш услублари, айрим ҳаракатлари туғма равишда берилиши мумкин. Лекин, шуни ҳеч қачон эсдан чиқармаслик керакки, одамга ҳеч вақт тарбия унинг психик хусусиятлари, яъни унинг ақлий томонлари билан боғлиқ бўлган сифатлари наслий йўл билан берилмайди. Ниҳоят, нодир хаёлларда айрим қобилиятлар, масалан, мусиқа, математика наслий йўл билан берилиши мумкин. Бундай имкониятларнинг амалга оширилиши, яъни руёбга чиқиши

учун албатта, маълум шароит бўлиши керак. Ҳозирги кунда халқимиз орасидан етишиб чиққан истеъдодли олимлар, муҳандис-ихтирокчилар, ёзувчи ва шоирлар, давлат ва жамоат арбоблари, артистлар, рассомлар ва бошқа кишиларга наслий йўл билан берилган барча имкониятларнинг рўёбга чиқиши учун ҳар қандай шароит майдонга келганлиги далил бўла олади.

Болалар мактаб ёшига етгач, шахс шаклланишининг янги мазмуни бошланади. Кичик мактаб, ўсмирлик ва катта мактаб ёши даврларида шахс шаклланишининг юқори босқичи намоён бўлади. Инсонни шахс сифатида тавсифлашнинг муҳим лаҳзаси унинг динамик хусусиятлари ҳисобланиб, жамиятдаги мақоми (иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, мафкуравий, яъни унинг жамиятда эгаллаган ўрни) орқали ифодаланади. Мақом негизида доимий ўзаро алоқалар тизими ётади. Ролнинг ижтимоий функцияси муайян мақсадлар ва қадриятларга йўналганлик шахсни фаоллаштиради. Мақом, рол, қадриятга йўналганлик шахс хусусиятларининг бирламчиларини ташкил этади ва унинг тузилишида асос бўлиб хизмат қилади.

Шахс таърифи хулқ мотивацияси хусусияти ва ижтимоий феъл-атвор тузилишини белгилайди. Шахснинг бирламчи ва иккиламчи сифатларининг ўзаро таъсирини бирлаштирувчи юксак самара тарзида инсон характери ва майллари юзасига келади. Инсоннинг шахс хислатларини ривожлантирувчи асосий шакл – унинг жамиятдаги ҳаёт йўли ва ижтимоий таржимаи ҳоли ҳисобланади.

Уч хил хусусиятли тадқиқот дастурининг таркибий қисмлари инсон амалий ва назарий фаолиятининг мезонлари ҳисобланади. Чунки, фаолиятда яхши муҳит, тарихий тажрибани эгаллаш интериоризация ва экстериоризация амалга ошади.

Одамнинг мақсадга қаратилган ижтимоий фойдали фаолияти жараёнида ҳаётий деб аталадиган механизмлари ва онгли фаолиятининг функционал системаси жараёнлари юзага келади. Ана шулар туфайли одам билимларни, кўникма ва малакаларини, шахс ижтимоий тажрибаларини ўзлаштирибгина қолмай, балки ўзининг идроки, тафаккури, хаёли, ҳиссиётлари ва иродасини, бир сўз билан айтганда, воқеликка бўлган онгли муносабати ҳамда ўз ҳаракатлари шахснинг ҳаёт фаолиятида маълум ролни бажарувчи ва ҳар бир мураккаб қурилмадан иборат бўлган ҳамда шартли равишда тўртта ўзаро мустаҳкам боғланган функционал босқичларга бирлаштирилади:

Биринчиси – бошқарув тизими,

Иккинчиси – стимуллаштириш тизими,

Учинчиси – стабилизациялаш тизими,

Шахснинг ана шу социал аҳамиятга эга бўлган барча сифатлари ижтимоий тараққиётнинг юксак онгли фаолиятчиси сифатидаги шахснинг хулқ атвори ва хатти-ҳаракатларини белгилайди.

Биринчи тизимнинг ҳосил бўлишида анализаторлар ўртасидаги доимий табиий алоқани акс эттирувчи филогенетик механизмлар катта роль

ўйнайди. Бироқ, бу илгари юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, онтогенез жараёнида филогенетик анализаторлар ўртасидаги алоқа вақтли алоқалар билан органик жиҳатдан қўшилиб келади. Бунда мазкур тизимнинг ичида перцептив тизимга ўтиб кетадиган юксак даражада интеграцияланган маълум ички сенсор комплексларни ҳосил қилади. Бундай комплекслар қаторига нутқ, эшитиш, кўриш ҳамда сенсомотор комплексларни киритиш мумкин. Мана шу комплексларнинг ҳаммаси шахс ҳаёт фаолияти жараёнида ўзаро бир-бири билан доимий алоқага киришиб, сенсор яратади. Инсоннинг сенсор-перцептив жиҳатлари доимо такомиллашиб боради.

Иккинчи тизим барқарор психик ҳолатларни ўз ичига олади. Бу ҳолатлар боланинг аниқ мақсадни кўзловчи ва фойдали фаолиятининг онгли субъекти сифатида бола бошлаган илмларининг дастлабки йилларидаёқ шакллана бошлайди. Темперамент, интеллект, билим ва муносабат ана шундай хусусиятлар жумласига киради.

Учинчи тизим шахсни арбоб сифатида стабилизациялаш тизимидир. Йўналтирилганлик, қобилият, мустақиллик ва характер унинг таркибий қисмини ташкил этади.

Йўналтирилганлик – шахснинг интеграл ва генерализация қилинган хусусиятларидир. ***Интеграл*** (лотин тилида – «бугун», «тикланган») узвий боғлиқлик, бутунлик, бирликдир. ***Генерализация*** (лотин тилида – «умумий», «бош») – шартли ва шартсиз рефлексларнинг умумлашиши.

Йўналтирилганлик билим, муносабатларнинг ҳамда шахснинг хулқ-атвори ва ҳатти-ҳаракатларида ижтимоий аҳамият етакчилик қилган мотивларнинг бир бутун эканлигида ўз ифодасини топади. Бу хусусият шахс дунёқараши, қизиқишлари ва маънавий эҳтиёжларида намоён бўлади.

Йўналтирилганлик структурасида ғоявий эътиқод катта роль ўйнайди. Ғоявий эътиқод – бу билимнинг, ўша шахсга хос бўлган интеллектуал, эмоционал ва ирода сифатлари синтези, ғоялар ва хатти-ҳаракатлар бир бутунлигининг негизидир.

Тўртинчи тизим ўз ичига шундай хусусиятлар, муносабатлар ва хатти-ҳаракатларни оладики, улар реал шахсларнинг ижтимоий ўй-фикрлари ва ҳис туйғуларини акс эттиради.

Улар бу шахсларнинг сиёсий жиҳатдан онгли, ижтимоий тараққиётнинг масъул арбоблари сифатида хулқ-атворини белгилаб беради. Бунга гуманизм, коллективизм, оптимизм ва меҳнатсеварлик фазилатлари киради.

Шахс шаклланишига таъсир этувчи омиллар, психологик шарт-шароитлар.

Шахс шаклланишида у яшаётган муҳит, кишилар жамиятининг роли жуда каттадир. Масалан, бирор маҳаллада инсон шахсининг таркиб топишига актив таъсир кўрсатувчи беш юзта ўзига хос ижтимоий муҳит бор деган маънони билдиради. Бу ерда шундай бир савол туғилади: (ташқи муҳит инсон шахсининг таркиб топишига қандай таъсир қилади?)

Биринчидан, ижтимоий муҳитдаги турли муассасалар одам онгига бевосита таъсир қилиб, унда чуқур из қолдиради.

Иккинчидан, ташқи ижтимоий муҳит таъсирининг чуқурроқ ва мустаҳкамроқ бўлишига одамнинг ўзи ёрдам беради. Маълумки, болалар ўз табиатларига кўра илк ёшлик чоғларидан бошлаб ниҳоят даражада тақлидчан бўладилар. Болалар катта одамларнинг барча хатти-ҳаракатларига бевосита тақлид қилиш орқали бу хатти-ҳаракатларни, яхши-ёмон фазилатларини ўзларига сингдириб борадилар. Болалар оилада, кўча-куйда, катта одамларнинг ҳар бир ҳаракатларини, ўзаро муносабатларини зимдан кузатиб турадилар. Инсон шахсининг таркиб топишида ташқи ижтимоий муҳитнинг роли ҳақида гап борар экан, шуни ҳам таъкидлаб ўтиш зарурки, айрим ғайритабиий ҳодисалар инсон шахсининг таркиб топишида ташқи муҳит таъсирининг ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини тўла тасдиқлайди. Биз айрим тасодифий ҳолларда одам болаларининг ёввойи ҳайвонлар муҳитига тушиб қолиш ҳодисасини назарда тутяпмиз. Ҳаётда бундай ҳодисалар жуда сийрак бўлса ҳам, ҳар ҳолда учраб туради. Масалан, ҳиндистонлик доктор Синг Калкутта яқинидаги ўрмонзорда бўри болалари билан бирга иккита одам боласининг ҳам тўрт оёқлаб югуриб юрганини кўриб қолади. Кейин уларни пойлаб, қароргоҳларини топиб, болаларини олиб кетади. Улардан бирига Амала, иккинчисига Камала деб ном қўяди. Шу нарса ҳарактерлики, болалар ёшликдан бўри муҳитига тушиб қолганликлари туфайли феъл-атворлари, хатти-ҳаракатлари жиҳатдан бўрилардан фарқ қилмас эдилар. Нутқ йўқ, демак тафакур ҳам ниҳот даражада чекланган эди. Жуда катта қийинчиликлар билан қайта тарбияланаётган бўри муҳитидаги болалар шамоллаш натижасида ўлиб қоладилар. Бу ҳодиса одамнинг шахс сифатида ривожланиши учун энг аввал инсоний муҳит, яъни ижтимоий муҳит бўлиши кераклигини тўла тасдиқлайди.

Шахс ва унинг психологиясига таъсир этувчи иккинчи омил –таълим-тарбия тизимидир. Маълумки, таълим-тарбия инсон онгини шакллантиради, унинг дунёқараши, эътиқоди, ҳаётга бўлган муносабатини таркиб топтиради. Агар болаларнинг руҳий тараққиётлари ва шахсий хусусиятларининг таркиб топиши фақат ташқи ижтимоий муҳит, таълим-тарбиянинг ўзигагина боғлиқ бўлганда эди, ундай пайтда биз бир хилда сунъий ва айнан бир хил таълим-тарбия системасини ташкил қилиб, ҳар томондан баб-баравар тараққий этган ва деярли бир шахсий хусусиятларга эга кишиларни етиштириб чиқарар эдик. Ваҳоланки, бундай бўлиши мумкин эмас, шуни айтиб ўтиш керакки, бола шахсининг таркиб топишига таълим-тарбиянинг таъсири деганда, албатта, биринчи навбатда, тарбия муассасаларида, яъни боғча, мактаб, интернат, лицей ва мактабларда бериладиган таълим-тарбия тушунилади. Бироқ бундай оилада болага бериладиган таълим-тарбия мутлақо мустасно эмас. Оиладаги умумий ижтимоий муҳитдан ташқари оилада бериладиган таълим-тарбиянинг роли каттадир. Бола тарбияси билан системали шуғулланадиган ва умуман шуғулланмайдиган оилаларга мисоллар келтириш мумкин.

Одамнинг руҳий тараққиёти ва шахсий хусусиятларининг таркиб топииши ҳақида гапирар эканмиз, яна бир муҳим нарса устида тўхтаб ўтиш

керак. Ҳозирги кунда тез-тез акселерация термини ишлатилмоқда. Хўш, акселерация нима? Акселерация – «тезлатиш» деган маънони англатиди. Ҳозирги кунда болаларни ҳам жисмоний, ҳам руҳий жиҳатдан жуда жадаллик билан ривожланаётганликларининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Бунинг сабаби нимада? Албатта, бунга нисбатан турли фикрлар бор. Айрим олимлар акселерациянинг сабабини илм-техника билан боғлаб тушунтиришга интилмоқда. Уларнинг фикрича, илмий техниканинг жуда жадал темп билан ривожланиши инсониятнинг олдига мислсиз кўп информацияларни идрок қилиш ва фикрда қайта ишлаш талабларини қўйди. Бу талаб, ўз навбатида, инсонни ҳар томонлама, яъни ҳам жисмоний, ҳам психик жиҳатдан тез ривожланишига олиб келди. Юқорида айтиб ўтилган олимларнинг фикрича, акселерация – бу XX асрнинг иккинчи ярмига хос бўлган ҳодисадир.

Ҳар бир йигит-қиз қандай касбни эгаллаши, характеридан қатъи назар келгусида оила қуришга, бахтли бўлиб яшашга интилади. Ўзбекистон ёшларининг сиҳат-саломат ўсиши, ҳар томонлама уйғун ривожланиши, келгусида бахтли оила қуриши, эр ва хотиннинг тинч-тотув яшаши кўп жиҳатдан болани ёшликдан жинсий жиҳатдан тўғри тарбиялашга, ижобий одат ва кўникмаларни қарор топтириб боришга боғлиқ.

Оиланинг келгусида мустаҳкам бўлиши ёшларнинг ўзбек миллатига хос хулқи, кишиларга бўлган муносабати, поклиги, тўғрилиги, шарм-ҳаёси, иффати, одоб-ахлоқи, меҳнатсеварлиги, жамоатчилик ўртасида ўзини тута билиши ҳамда оилада, мактабда жинсий тарбия масалаларини пухта эгаллаб боришига боғлиқ.

Ижобий одат: бирорта касбга меҳр қўйиш ва меҳнатга ўрганиш.

Эстетик одат: сочни тараб, озода кийиниш, чиройли юриш, уйни саранжом-саришта тутиш, кун тартибига риоя қилиш, хушмуомала ва ширинсўз бўлиш.

Ахлоқий одат: ростгўй, софдил, ҳалол, очиқ кўнгил бўлиш. Ўғил ўспиринларнинг қизларни эъзозлаши, самимий ҳурмат қилиши, беғараз бўлиши, қўполлик қилмаслиги, камтаринлиги, олифтагарчилик қилмаслигини таркиб топтириш жинсий тарбиянинг энг муҳим масалаларидан биридир.

*Салбий одатлар*га тартибсизлик, исқиртлик, қўполлик, дангасалик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва бошқалар киради. Салбий одатларни йўқотиш учун ўсмирлар билан ёшликдан мунтазам равишда иш олиб бориш керак.

Боланинг яхши-ёмон одатлари, хулқи асосан оилада шаклланади. Ўсмир зарарли одатларга ўрганмаслиги учун уни оилада яхшиликка ундаш, хушхулқ қилиб тарбиялаш зарур. Бу борада ота-оналар ёшларга нисбатан тўғри муносабатда бўлишлари, уларда олийжаноблик, фидокорлик, иззат-ҳурмат, софдиллик, виждонлилик каби инсоний фазилатларни камол топтиришлари керак. Ўғил ҳамда қиз болалар ўртасидаги муносабатлар фақат ўзаро ҳурмат ва покликка асосланган бўлиши лозим.

Назорат учун саволлар:

1. Тарбия қандай жараён?
2. Шахсни тарбиялашнинг асосий йўналишлари нималардан иборат?
3. Шахс шаклланишига таъсир этувчи омилларни кўрсатинг?
4. «Тарбияси қийин» болалар классификациясини келтиринг.
5. Тарбия жараёнининг самарадорлигини оширувчи психологик механизимлар нималардан иборат?
6. Тарбиянинг энтопсихологик масалалари қандай?

XV БОБ. ТАЪЛИМ ПСИХОЛОГИЯСИ
15.1 §. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИНГ ПСИХОЛОГИК МАЗМУНИ, ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ

Таълим жараёнини ташкил этиш идеал ва амалий фаолиятнинг у ёки бу турини муваффақиятли ташкил этиш учун зарур бўлган ташқи оламнинг муҳим аҳамиятли хоссалари хусусидаги ахборотнинг ўзлаштирилиши:

- фаолиятнинг ана шу барча турлари таркиб топган усуллари ва жараёнларининг ўзлаштирилишига;
- мақсадга мувофиқ келадиган усуллар ва жараёнларни тўғри танлаш ва фойдаланишга боғлиқ.

Таълим жараёни муваффақиятли бўлиши учун ўқув фаолияти қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

мотивация, яъни ўқитувчи яхшироқ ўқитишга, ўқувчи эса яхшироқ ўқишга ҳаракат қилиши керак.

Таълимнинг ривожланган ва мослашувчан тузилишга эгалиги. Турли шаклларда амалга оширилиши. Ўқитувчига ўз ижодий педагогик имкониятларини тўлиқ амалга оширадиган, ўқувчиларга билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш учун ўз индивидуал имкониятларидан фойдаланиш учун турли шаклларда амалга оширилади.

Таълимнинг замонавий техник воситалар ёрдамида бажарилиши. Юқорида келтирилган таълим ва ўқишга қўйилган талабларни алоҳида ўқув фаолиятининг ўзаро боғлиқ икки жиҳатидан кўриб чиқамиз. Таълим мотивацияси ўқувчиларнинг ўқув материалини яхшироқ ўзлаштиришига шахсий қизиқишини англатади. Ўқитувчининг фақат моддий қизиқишларини қондириш ёки ишсиз қолмаслик, қисқаришга тушмаслик учунгина таълим бериши муваффақиятсизликдан қочиш мотивацияси билан боғлиқ бўлиб, бундай педагогик фаолиятда яхши натижаларга эришиш мумкин эмас. Таълим маҳсулдорлигини оширишдаги дастлабки вазифа уни чуқур ва кўп мотивацияли жараёнга айлантиришдир. Ўқитувчи ўқувчиларни ўқитиш жараёнида ўз ҳаётининг асосий мазмуни ва мақсадини кўра бошлаганида таълим самарали бўлади.

Таълим ва таълим жараёнида боланинг ривожланиши муаммоси ёш даврлари ва педагогик психология фанининг асосий масалаларидан биридир. Таълим ва ривожланиш муаммосига доир қатор назариялар ишлаб чиқилган бўлиб, улардан бири:

ақлий хатти-ҳаракатлар, билимлар, малака ва кўникмаларни босқичма-босқич ривожлантириш назарияси (П.Я.Гальперин).

П.Я.Гальперин назарияси бўйича билимларни ўзлаштириш жараёни олти босқични бошидан кечириб, уларга:

- Мотивация.
- Тушунтириш.
- Моддий формадаги хатти-ҳаракатларни бажариш.
- Баланд овозда хатти-ҳаракатлар ва вазифаларни бажариш.

- Бажариладиган хатти-ҳаракатларни ички режада овоз чиқармай бажариш.
- Фаолиятни фикран бажариш киради.

Ушбу назарияда таълимнинг учта асосий турлари ажратилади:

-биринчи турда – хатти-ҳаракатларни ўзлаштириш хатолар билан кечади, берилаётган материал етарли даражада англанилмайди, таълим олувчи таълимнинг асл моҳиятини тушуниб етмайди;

-иккинчи турда – материални нисбатан дадил ва тўла ва материал билан боғлиқ тушунчаларни ажратилиши билан характерланади;

-учинчи турда тез, самарадор ва бехато хатти-ҳаракатлар ўзлаштирилишини таъминлаб беради.

2. В.В. Давидов назарияси. Ушбу назария кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг илмий тушунчаларни ўзлаштиришини ташкил қилади. Бунда ўқувчилар томонидан таълим жараёнида назарий тушунчалар тизимини ўзлаштириши лозим бўлиб, бу ўз ўрнида хусусийдан умумий билимларга ўтилишни таъминлайди.

3. Қатор назариялар муаммоли таълим билан боғлиқ бўлиб, Л.В.Занков ва А.М.Матюшкин томонидан олиб борилган тадқиқотлар таълимда муаммоли дарсларни ташкил этишга қаратилгандир.

Таълимнинг психологик асослари муаммоси кўпгина масалаларни қамраб олади. Таълимнинг муваффақияти бир қатор психологик омилларга боғлиқ бўлади. Аввало, ўқувчининг ўқишга бўлган муносабатига тўхтайлик. Бу муносабат диққат, ҳис-туйғулар, қизиқишлар ва ирода, шунингдек, шахснинг тутган йўлида намоён бўлади.

Таълим жараёни, аввало, ўқувчилар диққатини йўлга солишни талаб этади. Дарсларда кўргазмали қуроллардан, ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиш таълим олувчида ихтиёрсиз диққатни юзага келтиради. Таълим жараёнида таълим берувчининг вазифаси дарсда ишлаш ҳолатини юзага келтиришгина эмас, балки ўқувчиларнинг дарсда ўтиладиган материалини идрок этишга тайёр туришларини кузатиш ҳамдир. Дарс жараёнида ўқувчиларнинг диққати ўзгариб туради. Ўқитиш жараёнида бу қонуниятларни назарда тутиш ва ўқувчилар диққатини материалнинг асосий жиҳатларига жалб этиш ҳамда уларни такрорлаш керак.

Таълим жараёнининг самарадорлиги кўп жиҳатдан ўқитувчи томонидан бериладиган кўрсатмаларга ҳам боғлиқ. Ўқитувчининг роли шундан иборатки, у ўқувчиларда тегишли установкани ҳосил қилиши, нимани вақтинча, нимани умрбод эсда олиб қолиши кераклигини, нимани бутунлай эсда олиб қолмасдан, фақат тушуниб олиш кифоя қилишини, нимани сўзма-сўз эсда олиб қолишни, ниманинг маъносини ўз сўзлари билан айтиб бериш учун эсда олиб қолиш зарурлигини кўрсатиб ўтиши лозим. Кузатишлар кўрсатадики, бундай кўрсатмалар берилмаганда, ўқувчиларда кўпинча нотўғри тасаввурлар вужудга келади. Ўқитишнинг эмоционаллиги таълимнинг муваффақиятини таъминловчи омиллардан биридир. Таълим бериш – эмоционал жараён. Агар ўқувчиларга берилаётган

ахборот уларда ҳеч қандай ҳис-туйғу уйғотмаса, уни ўқувчилар яхшилаб эсда олиб қолмайдилар. Гап ўқувчиларнинг психик ҳолатлари, яъни уларнинг муайян бир пайтдаги кечинмалари ҳақида ҳам бориши керак, албатта. Улардаги қувончли, оптимистик кайфият ўқув фаолиятини жуда самарали қилади. Ўқувчилар эмоционал руҳдаги материални дурустроқ ўзлаштириб оладилар.

Ўтказилган тажрибалар ўқувчилар ҳеч қандай ҳис-туйғу уйғотмайдиган материалга қараганда, эмоционал руҳдаги материални яхшироқ эслаб қолишларини кўрсатади. Ўқитувчи ўқув жараёнининг эмоционал томони ҳақида ғамхўрлик қилиши керак. Бу муаммо жуда муҳим аҳамиятга эга, Чунки, биринчидан, таълимнинг мазмуни ниҳоятда мураккаблашиб, ҳажми эса ғоят катталашиб кетган. Унинг муваффақиятли ўзлаштирилишига эришиш учун ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини кучайтириш лозим. Ижобий туйғулар ўқув меҳнатининг самарадорлигига кучли таъсир этади. Ҳафсала билан бажарилган беғараз мунозара пайдо бўлади, баҳслашилади, бефарқ қараган ёки ундан ҳам салбий муносабатда бўлган ишга эса, ҳеч қандай ҳафсала бўлмайди. Жамиятимиздаги меҳнат – ҳақиқий ижод, қувонч манбаи. Мактаб ўқувчиларида ўқув меҳнатига ижобий муносабат уйғотиб, меҳнатнинг ҳақиқий ижодга, қувонч манбаига айланишига кўмаклашиши керак. Қадимда греклар жуда ажойиб иборани қўллаганлар: “Талаба тўлдирилиб турилиши керак бўлган идиш эмас, балки ёқиб турилиши лозим бўлган машъалдир”. Бу фикрнинг тагида чуқур маъно бор. Зеро, ўқитувчи биз юқорида таъкидлаб ўтган таълим методлари: муаммоли таълим, қисман изланиш методи ва тадқиқот методларидан кенг қўллаши керак. Таълим жараёнининг бугунги кундаги асосий талабларидан бири эркин фикрловчи, мустақил тафаккурга эга бўлган шахсни шакллантириш бўлиб, юқорида айтиб ўтилган методлардан фойдаланиш учқунлардан катта машъаллар пайдо бўлишини таъминлаб беради.

Таълим жараёнида ўқувчиларнинг билишга қизиқишлари ғоят катта роль ўйнайди. Маълумки, қизиқиш ўқувчиларнинг эмоционал безаги, бирор буюмни, бирор фаолиятни танлаш муносабати ва йўналишидир. Маълумки, психологияда қизиқишнинг икки тури ўқувчиларнинг таълим жараёнида аниқланади. Биринчиси, бевосита қизиқиш, иккинчиси билвосита қизиқиш. Ҳар бир ўқитувчи ўз ўқувчиларида фанига нисбатан билвосита қизиқишни таркиб топтиришга ҳаракат қилади. Қизиқишлар орқали ўқувчиларда таълимга фаол муносабат намоён бўлади. Психологияда қизиқиш – бу шахснинг ўзи учун қимматли ёки ёқимли бўлган муайян нарса ёки ҳодисаларга муносабатидир. Қизиқишлар шахснинг муҳим ва индивидуал хусусиятларидан бири бўлиб ҳисобланади. Қизиқишлар ўқувчилар ҳаётида катта роль ўйнайди. Улар ўқув фаолиятини фаоллаштирувчи асосий турткилар – мотивлардир. Қизиқишлар мактаб ўқувчисига фан асосларини дурустроқ ўзлаштириб олишларига, ақлий қобилиятлар ўсишига, билим доирасининг кенгайишига имкон беради. Ўқитувчиларнинг вазифаси ўқувчини дастлаб қизиқтириб қолган ишнинг ўзи билан шуғулланишга

мажбур қилиш эмас, балки ундаги қизиқишларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш, таъсирчан қилиш, қизиқишларининг марказига айланиб қолган фаолият билан шуғулланиш истагига, майлига айлантиришдир. Ўқувчиларнинг муайян мақсадни кўзлаб иш тутишида, қийинчиликларни енга олишида, ишдан чалғитадиган нарсалар билан шуғулланишдан ўзини тия олишида, унда ўқишга иштиёқ таркиб топтиришда намоён бўладиган ирода таълим жараёнида алоҳида аҳамият касб этади.

Ирода бу шахснинг ўз олдига қўйган мақсадининг аниқлиги, уни амалга ошириш учун интилиши, мақсад йўлида маълум бир қарорга келиш тезлиги ва уни ўз вақтида ижро этиши билан белгиланадиган сифатидир. Таълим жараёнида ўқув материалига бўлган диққатнинг барқарор бўлишида иродавий зўр беришнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Таълимда ирода ўқувчида мактаб ва уйда ўтказиладиган машғулотларга тайёр туришда намоён бўлади. Ўқув материалини ўрганиш, эслаб қолиш ўқувчининг иродавий зўр беришига боғлиқ. Ирода ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятларида – масалани ечиша, қўйилган саволга жавоб топиш ва ҳоказоларга интилишида намоён бўлади. Улар ўқувчиларда кўникма ва малакаларни ҳосил қилишда ҳам таркиб топади. Психологлар олиб борган тадқиқотларда ўқувчилар томонидан берилган материалнинг ўзлаштирилиши кўп жиҳатдан ироданинг тарбияланишига боғлиқдир. Иродавий активлик таълимнинг зарур шартидир. Ўқув муассасасидаги таълим жараёнининг ўзи ўқувчиларда иродани ўстириш омилларидан бири ҳисобланади. Бунда ўқувчиларнинг кундалик режими, ўқиш ва оқилона дам олишни бир-бири билан тўғри алмаштириб туриш катта роль ўйнайди.

Таълим жараёнида билиш жараёнларини шакллантиришга алоҳида эътибор бериш лозим. Зеро, билиш жараёнлари жуда мураккаб фаолият бўлиб, унда жонли мушоҳададан мавҳум тафаккурга, мавҳум тафаккурдан эса амалиётга ўтилади, ана шундан сўнг объектив ҳақиқат билинади. Бинобарин, биз биринчи навбатда кўриб чиқишимиз лозим бўлган нарса ўқув материалини идрок қилиш жараёнидир. Умумий психология курсидан маълумки, идрок бу нарса ва ҳодисаларни сезги органларига таъсир этиши натижасида уларнинг киши психикасида яхлит образини пайдо бўлиши бўлиб, идрок этиш жараёни таълимда турли формаларда ўқитувчининг оғзаки ҳикоя қилишида, суҳбат ўтказишда, маъруза ўқишида, кинодарс, телевизион парча, схемалар ва кўргазмали қуроллар кўрсатиш, экскурсиялар ўтказиш, ўқувчининг ўзига дарсликлар ҳамда бошқа қўлланмаларни ўқитиш тарзида ўтиши мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, идрокни таркиб топтиришда ўқувчиларнинг Ёш хусусиятларини ҳисобга олиш ниҳоятда муҳимдир. Чунки фазони, вақтни ва ҳаракатларни идрок этишда ҳам ёш хусусиятларида турли фарқлар мавжуд бўлади.

Мотив – инсон хулқ-атворининг ички барқарорлиги, ҳаракатга ундовчи тушунчадир. Мотивация эса хулқ-атворни психологик ва физиологик бошқаришнинг динамик жараёни, мотивлар йиғиндиси бўлиб, унга ташаббус, йўналганлик, ташкилотчилик, қўллаб-қувватлаш киради. Таълим жараёнида ўқиш мотивлари “нима учун?” “нимага?”, “қандай

мақсад билан?” каби саволлар асосида юзага келади. Мотивлар, биринчидан, ўқув фаолиятига ундаса, иккинчидан, мақсадга эришиш учун зарур йўл ва усуллар танлашга ёрдам беради. Ўқув фаолиятида ўқув мотивлари ўқувчилар томонидан танланиб, улар ўқувчининг мақсади, қизиқиши, келажак режалари билан бевосита боғлиқ бўлади. Ёш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўқув мотивлари турли ёш даврларида турлича бўлади.

Ўқув фаолияти мотивациясининг манбалари мавжуд бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

1. Ички манбалар. Улар инсоний туғма ёки орттирилган эҳтиёжлар билан белгиланади. Улардан энг муҳими туғма ахборотга бўлган эҳтиёждир. Орттирилган эҳтиёжлар эса гностик ва ижтимоий ижобий эҳтиёжлар ҳисобланади.

2. Ташқи манбалар. Улар шахснинг ижтимоий ҳаёт шарт-шароитлари билан белгиланади.

Талаблар уларнинг биринчиси бўлиб, жамиятнинг шахсдан талаб қиладиган доимий хулқ-атворини билдиради. Боғча, мактаб, оила боладан жуда кўп ишларни амалга оширишни талаб қилади.

Ижтимоий кутиш ҳар биримиздан маълум билимлар, кўникмалар даражаси бўлиши, зарурлиги, жамият кутишини билдиради. Масалан, бир ёшли бола юриши керак, 7 ёшдан ўқиши керак, 15 ёшдан касб танлаши керак, деб ҳисоблаймиз. Имкониятлар – шахс фаолиятини белгиловчи объектив шарт-шароитлардир. Масалан, бой кутубхона болани кўп китоб ўқишга ундайди.

Шахсий манбалар: бу шахснинг қадриятлари тизими, установкалари, ғояларидир. Бу манбалар ҳар бир шахс фаолиятида у ёки бу даражада мавжуд. Уларнинг барчаси фаолиятнинг кечишига таъсир этиб, таълим жараёни мотивациясини ташкил этади.

В.А.Крутецкий ўспиринларда учрайдиган мотивларнинг қуйидагиларини алоҳида ифодалайди:

1. Бирор ўқув фанига қизиқиш;
2. Ватанга фойда келтириш истаги;
3. Шахсий қобилиятини рўкач қилиш;
4. Оилавий анъаналарга риоя қилиш;
5. Дўст-биродарларга эргашиш;
6. Моддий таъминлаш ва ҳоказолар.

Таълим жараёнининг натижаси ўзлаштириш, ички ва ташқи фаолиятни мақсадга мувофиқ равишда ўзгартиришдир. Таълим бир одамнинг бошқасига билим ва кўникмалар беришидир. Билим, кўникма ва малакалар таълим жараёнининг натижасидир. Билимларни ўзлаштириш жараёни муаммоси П.Я. Гальперин ва Н.Ф. Тализина томонидан ўрганилган. Улар ақлий хатти-ҳаракатларни босқичма-босқич шакллантириш назариясини ишлаб чиққан. Муаллифлар ақлий хатти-ҳаракатларни моддий ҳолда ташқи нутқ ёрдамида ҳамда ақлий шаклда, фикрда намоён бўлишини изоҳлаб берди. Ақлий хатти-ҳаракатларнинг

биринчи босқичи расм, схема, диаграмма ва шартли белгилар тарзида ўз ифодасини топади. Ақлий хатти-ҳаракатларнинг иккинчи босқичи кўргазмалардан олган тасаввурлари тўғрисида ўқувчиларнинг овоз чиқариб, фикр юритишидан иборатдир. Учинчи босқич эса, субъект онгида тасаввур, тушунча, қонуният, хосса, хусусият, операция, усул тариқасида намоён бўлади. Маълумки, ўқувчиларга таклиф этиладиган ахборотлар ақл бовар қилмайдиган даражада тезлик билан кўпайиб бормоқда. Шунингдек, уларнинг жуда тез эскириб қолиб, янгилашни тақозо этиши ҳам ўз-ўзидан маълум бўлмоқда. Тўртинчи босқичда бажарилган хатти-ҳаракатлар ички режада овоз чиқарилмай бажарилади. Бешинчи босқичда эса фаолиятни фикран бажаришга ўтилади. Бундан равшан кўриниб турибдики, материални асосан ёдлаб олиш ва хотирада сақлаб қолишга асосланадиган таълим ҳозирги талабларга қисман жавоб бермоқда. Ўқувчиларга ҳамиша янгиланиб турадиган ахборотни мустақил равишда ўзлаштириб бориш ва ўқишни битириб кетганидан кейин кишига жадал суръатлар билан ўсиб бораётган фан-техника тараққиётидан орқада қолиб кетмаслик имкониятини берадиган қобилиятлар тараққиётини берувчи тафаккур сифатларини таркиб топтириш муаммоси биринчи ўринга чиқиб бормоқда.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, турли индивидуал типологик хусусиятларга эга ўқувчилар учун таълимнинг ягона, қулай, оптимал шароитларини яратиш мумкин эмас. Аммо ўзлаштиришнинг самарадорлигини оширишда муаммоли таълим, ноанъанавий таълим усулларини қўллаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Таълим жараёнида ўзлаштиришнинг муваффақияти қуйидагиларга боғлиқ:

- таълим мазмуни,
- ўқув режалари, дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларининг мавжудлиги,
- таълим методикалари такомиллашганлиги,
- ўқитувчи маҳорати,
- ўқувчининг индивидуал-психологик хусусиятлари.

15.2 §. ЗАМОНАВИЙ ЎҚИТИШ УСУЛЛАРИНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

Таълим олувчиларнинг таълим фаолиятига кўра таълимнинг қуйидаги методлари ажратилади:

Тушунтирув-кўрсатмалилик методи – бу метод репродуктив метод бўлиб, унда фаолият ўқитувчи томонидан олиб борилади, ўқувчилар таълим жараёнида билим оладилар, танишадилар.

Бу метод жуда кенг тарқалган методлардан бири бўлиб, унинг такомиллаштирилган усуллари мавжуд, бу дастурлаштирилган таълимдир.

Репродуктив методда ўқувчи фаолият кўрсатиб, унда ўқувчига берилаётган билимни қайта хотирада тиклаб, олинган билимни нусха сифатида қабул қилади.

Муаммоли таълим методи ўқитувчи томонидан ташкил этилиб, у продуктив характерга эгадир. Ушбу метод орқали ўқувчи билим ва малакаларини шакллантиради. Ушбу методни такомиллаштириш йўлларидан бири ишчан ўйинларни ташкил этишдан иборатдир.

Қисман изланиш методи – ўқитувчи назорати остида ташкил этиладиган метод бўлиб, у продуктив характерга эга, бунда ўқувчи ижод қилади. Тадқиқот методи – ўқитувчи ёрдамисиз ташкил этиладиган таълим методи бўлиб, у ўқувчининг мустақил изланиши, фикрлаши ва билимлар трансформациясини талаб этади.

Таълим жараёнини ташкил этишнинг ўзига хос методларидан бири ишчан ўйинлардир. Ишчан ўйинлар муносабатлар тизимини моделлаштириш, фаолият характеристикасини ташкил этишга ёрдам беради.

Педагогик технология – бу таълим жараёнига системали ёндашув бўлиб, унда таълим жараёнини ташкил этишда техника ва инсон имкониятлари ҳисобга олинади ва уларнинг ўзаро муносабати таълимнинг оптимал формалари яратилишига замин бўлади.

Педагогик технологияларни қуйидаги таркибий қисмларга бўлиш мумкин:

-таълим-тарбия иштирокчилари шахсига қўйиладиган ижтимоий талаблар;

-ҳамкорлик фаолияти аъзоларининг касбий тайёргарлиги;

-таълим жараёнининг мақсади, мазмуни, моҳияти, амалга ошириш воситалари;

- таълим жараёнини дифференциялаштириш;

- ижодийлик.

Таълим технологияси инсонийлик тамойилларига таянади. Психологияда бу йўналишнинг ўзига хослиги талабанинг индивидуаллигига алоҳида эътибор бериш орқали намоён бўлади.

Таълим технологияларини лойиҳалаштиришда қуйидаги асосий концептуал ёндашувларга эътибор бериш керак:

таълимнинг шахсга йўналтирилганлиги. Ўз моҳиятига кўра бу йўналиш таълим жараёнидаги барча иштирокчиларнинг тўлақонли ривожланишини кўзда тутади. Бу эса давлат таълим стандарти талабларига риоя қилган ҳолда ўқувчининг интеллектуал ривожланиши даражасига йўналтирилиб қолмай, унинг руҳий-касбий ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олишни ҳам англатади. Тизимли ёндашув. Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам қилиши зарур: жараённинг мантиқийлиги, ундаги қисмларнинг ўзаро алоқадорлиги, яхлитлиги.

Амалий ёндашув. Шахсда иш юритиш хусусиятларини шакллантиришга таълим жараёнини йўналтириш; ўқувчи фаолиятини фаоллаштириш ва интенсивлаштириш, ўқув жараёнида унинг барча лаёқати

ва имкониятларини, синчковлиги ва ташаббускорлигини ишга солишни шарт қилиб қўяди. Диалогик ёндашув. Таълим жараёнидаги иштирокчи субъектларнинг психологик бирлиги ва ўзаро ҳамкорлигини яратиш заруратини белгилайди. Натижада эса шахснинг ижодий фаоллиги ва тақдимот кучаяди. Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш, демократия, тенглик, субъектлар муносабатида ўқитувчи ва ўқувчининг тенглиги, мақсади ва фаолият мазмунини биргаликда аниқлашни кўзда тутади.

Муаммоли ёндашув. Таълим жараёнини муаммоли ҳолатлар орқали намойиш қилиш асосида ўқувчи билан биргаликдаги ҳамкорликни фаоллаштириш усулларидан биридир. Бу жараёнда илмий билишнинг объектив зиддиятларини аниқлаш ва уларни ҳал қилишнинг диалектик тафаккурни ривожлантириш ва уларни амалий фаолиятда ижодий равишда қўллаш таъминланади. Ахборот беришнинг энг янги восита ва усулларидан фойдаланиш, яъни ўқув жараёнига компьютер ва ахборот технологияларини жалб қилиш. Ўқитиш усуллари ва техникаси: мулоқот, кейс стади, муаммоли усул, ўргатувчи ўйинлар, “ақлий ҳужум”, инсерт, “Биргаликда ўрганамиз”, пинборд, маъруза (кириш маърузаси, визуал маъруза, тематик, маъруза-конференция, аниқ ҳолатларни ечиш, аввалдан режалаштирилган хатоли, шарҳловчи, якуний). Ўқитишни ташкил қилиш шакллари: фронтал, коллектив, гуруҳий, диалог, полилог ва ўзаро ҳамкорликка асосланган.

Ўқитиш воситалари: одатдаги ўқитиш воситалари (дарслик, маъруза матни, таянч конспекти, кодоскоп)дан ташқари график органайзерлар, компьютер ва ахборот технологиялари. Ўзаро алоқа воситалари: назорат натижаларининг таҳлили асосида ўқитишнинг диагностикаси (ташхиси).

15.3 §. МУСТАҚИЛ ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ.

Ўқувчини мустақил таълим олишгаб ўз-ўзини ривожлантиришга тайёрлаш бугунги кун мактабининг асосий вазифасидир. Таълим жараёнида ўқувчининг мустақил таълим олишини фаоллаштириш зарур. Мустақил таълим масаласининг қўйилиши, ечиш, ўз-ўзини назорат қилиш ва баҳолашнинг йўлларини ўқувчи томонидан танланиши ва бажарилиши билан характерланади. Ўқувчиларда мантиқий тафаккурни ривожлантириш учун фикрлаш хусусиятларини шакллантириш зарур. Фикрлаш операциялари асосида дарс жараёни фаоллаштирилади. Бу ўқитувчининг:«Нима учун?», «Қандай мақсадда?», «Сабаблари қандай?», «Натижа нима учун шундай бўлди?» сингари саволларнинг муҳокамаси орқали амалга оширилиши мумкин. Ўқитувчиларни эвристик, муаммоли вазиятларга тортиш, танқид, гумон ҳолатларини муҳокама қилиш, улардаги муаммоларни мустақил ҳолда топиш ва уларни ечиш учун ўз лойиҳаларини тузиш ва ҳимоя қилиш ўқувчилар тафаккурининг маънодор ва унумдор бўлишига хизмат қилади. Шахснинг мустақил фикрлаш жараёнини ҳам назарий, ҳам эмпирик жиҳатдан ижтимоий психологик ҳодиса деб қараш учун асос бўлувчи манбалар мавжудки, у бунда инсоннинг ушбу қобилияти унинг муайян кичик гуруҳлар муҳитида эгаллаган ижтимоий мавқеи ва

ундаги феноменлар нуқтаи назаридан қараш мақсадга мувофиқ. Масалага бундай ёндашув, энг аввало, АҚШ психология илмий мактабининг маълум анъаналарига алоқадор бўлиб, бу ғояларнинг йирик намояндалари қаторига Д. Дьюи, Г. Оллпорт, В. Квинн, Д. Майерс, шунингдек, швецар мактабининг буюк вакили Ж.Пиаже ва бошқаларни киритиш мумкин.

АҚШ психологи Д. Дьюи фикрлашнинг ижтимоий психологик моҳиятини фикрнинг шаклланиш муаммосига боғлаб ўрганган олим ҳисобланади. Унинг таъкидлашича, тажриба билан билимлар фикрнинг манбаини ташкил қилади. Агар шахс муаммо билан қисман таниш бўлса, у муаммони ҳал қилиш учун фикр юритиши мумкин. Агар шахс олдида муаммо турса-ю, лекин бундай шароитни ўз ичига олган тажриба бўлмаса, бу тақдирда шахс фикрлай олмайди. Муаллифнинг таъкидлашича, ҳайратланиш ҳар қандай фаннинг онасидир. Қизиқувчанлик ўзининг дастлабки кўринишида ҳаётийликнинг мўл-кўллигини, табиий қувватнинг кўплигини ифодалайди. “Қизиқувчанликнинг юқори босқичи билишга интилишнинг ижтимоий қўзғатувчилари таъсири остида ривожланади. “Бу нима?”, “Нимага?” каби сўроқлар шахс мавжудлигининг асосий белгилари сифатида гавдаланади. Инсоннинг “Нимага?” сўроғи илмий тушунтиришни талаб этмайди, уни ҳаракатга келтирувчи мотив – бу одамнинг сирли олам билан кенгроқ танишиш иштиёқидир. Ўқитувчининг вазифаси – муқаддас ҳайратланиш учқунини сўндирмаслик, қизиқувчанлик алангасини авж олдиришдан иборатдир”. Бунда ўқитувчи ўқувчиларга осонлиги ёки қийинлиги билан бир-бирига пропорционал топшириқларни бериши мақсадга мувофиқ. Агар топшириқ жуда осон бўлса ҳам, тадқиқот учун илмий маҳсул яратилмайди, жуда мураккаб вазифа ҳам муаммонинг ечимини топишга ишончсизлик туйғусини уйғотади. Ўзгалар муҳитида мулоҳаза билдириш шахсда ишонч ҳиссини такомиллаштиради, у ўз навбатида, мустақил фикрлашни шакллантиради. Жон Дюи мустақил фикрлашни инсон тараққиётининг генезиси билан боғлаганлиги туфайли барча омиллар орасида шахснинг ташқи ижтимоий муҳитга интилиш одати муҳим эканлигини таъкидлайди. Бола табиатан ўзи атрофдагилар билан узлуксиз муносабатлар ўрнатишга мойил эканлигини намоён этади. У ўзининг “Биз қандай ўйлаймиз?” (1910), “Логика” (1938), “Таълим тамойиллари ва амалиётига кириш” (1889), “Жамият ва унинг муаммолари” (1894) каби қатор асарларида психология ҳар бир масалада жамиятнинг ижтимоий омиллар таъсирида ривожланиши қонуниятларини ёритишга ёрдам беришини исботлашга мувофиқ бўлган. Хусусан, муаллифнинг тафаккур ва фикрлашга оид фикрлари ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, “тафаккур” категориясидан кўра “фикрлаш”, “мулоҳаза юритиш” деган атамаларни ишлатишни афзал кўради. У бу билан “мавжуд тажрибани англаш ва янги қарорлар, фикрларнинг мужассамлашуви” жараёнини тушунади. Фикрловчи онгнинг ишлаши учун, унинг фикрича, уни доимо машқ қилдириш, янги одатлар билан бойитиб бориши керак. Дьюи назариясидаги яна бир муҳим жиҳат, фикрлашни ижтимоий перцепция – перцепция майдони билан боғлай олганлигидир. У ҳам гештальт психология

вакиллари фикрларини янада ривожлантириб, фикрлаш учун муаммоли вазиятларни ўз ичига олган, ижтимоий муносабатлар (социум) майдонидаги перцепция муҳим роль ўйнашини, бу нарса инсоннинг мавқеини белгилашини таъкидлайди. Фақат охирги муаммолар маданиятшунослик ва ижтимоий фанларнинг предмети эканлигини уқтиради. Бу фикрлар маълум маънода ижтимоий тасаввурлар қонцепцияси вакиллари учун методологик туртки ролини ўйнади (Э.Дюркгейм, С.Московиси ва б.) Тўғри, у умрининг охирига келиб, ушбу муаммони сиёсатшунослик билан, жамиятда демократиянинг барқарорлашуви билан уйғунлаштириш орқали инсон фикрлаш тарзининг ижтимоий моҳиятини исбот қила олган, айнан таълим самарадорлигини шу муаммонинг ечими билан боғлашни уддалаган олимдир.

Швецариялик психолог А.Н. Перре-Клермоннинг таъкидлашича, бола тафаккурининг ривожланиши унинг бошқа тенгқурлари билан ўзаро таъсир ўтказишига боғлиқ. Ўқитувчи томонидан бундай ўзаро таъсир ўтказишни ташкил этиш ва бошқариш ўқувчиларнинг билиш фаолияти маҳсулдорлигига, уларда ўқув мотивациясининг вужудга келишига таъсир этади. Муаллифнинг фикрича, ҳамкорлик фаолиятини тўғри ташкил этишнинг шакллари, турли ижтимоий қатламларга мансуб болаларнинг тараққиёт даражасига боғлиқ. Шунинг учун қийинчиликларни енгишда маҳсулдор усул қўлланиши жоиз.

Л.С.Виготский ўқувчиларнинг мустақил фикрлашига алоҳида эътибор берган, таълим билан тараққиёт ўртасида мураккаб ўзаро муносабат мавжудлигини таъкидлаган олимдир. “Биз бола тараққиётида икки босқични аниқлашимиз зарур, бу босқичларни билмасдан, бола тараққиётининг бориши ва унга таълим бериш имкониятлари ўртасидаги ҳар бир ҳолатда аниқ ечимни топа олмаймиз. Биз бу ерда бола психик функциялари тараққиётининг эришилган даражасини назарда тутяпмиз”. Бу аснода, контекстда бола тараққиётининг актуал зонаси назарда тутилмоқда. Л.С. Виготский тараққиётнинг яқин зонаси тушунчасини ҳам киритади ва уни қуйидагича таърифлайди: “ўзи мустақил еча олмайдиган масалаларни катталар ёрдамида, раҳбарлигида бажариш бола тараққиётининг яқин зонасини ташкил қилади. Бола бугун катталар ёрдамида бажарган ишини эртага ўзи мустақил бажаради. Шундай қилиб, у таълимнинг муҳим хусусияти – бу атрофдагилар билан ўзаро муносабат, ҳамкорлик”, деб ҳисоблаган.

С.Л. Рубинштейн ва А.В. Брушлинскийлар Виготскийни муайян даражада танқид қилдилар. Уларнинг таъкидлашича, Л.С. Виготский назариясида тараққиётнинг “актуал” даражаси ва “тараққиётнинг яқин зонаси”, яъни боланинг ниманидир мустақил бажариш кўникмаси ва унинг “ҳамкорликда бажариш” малакаси бир-бирига қарама-қаршидир. Демак, биринчи ҳолда иккинчиси умуман инкор этилади. Тафаккурнинг ички қонуниятларини тушуниш учун бир-бирига зид бўлган икки йўл етарли эмас.

С.Л. Рубинштейннинг назариясига кўра, умумлаштириш ва ақлий ҳаракатларнинг кўчиш ҳолати ўқувчиларнинг ақлий тараққиётини белгиловчи мезон сифатида ишлатилишини назарда тутади. У таълимда тафаккурнинг мантиқий шакллари (тушунча, ҳукмлар ва хулосалар чиқариш)нинг таркиб топиши ва ривожланиши тўғрисида ҳам назарий, ҳам амалий хусусиятга эга бўлган фикрларни билдиради. Таълимда тафаккур операцияларининг аҳамияти муаммосининг ёритилиши муҳим аҳамият касб этади. Муаллиф таълимда умумлаштиришнинг уч хил тури мавжудлигини таъкидлайди: эмпирик, назарий ва дедуктив умумлаштиришлардир. С.Л. Рубинштейн мулоҳазасига кўра, ушбу умумлаштиришлар ёрдамида иш тутилса, топшириқ ёки аста-секин (эмпирик) ёки “бирданига” (назарий) ҳал қилиниши мумкин.

Рус психологлари илмий тадқиқотларини тўрт йўналишга ажратиш мумкин, чунки уларнинг ҳар бирида таълим ва тафаккур табиати муаллифларнинг дастлабки назарий ёндашувларига боғлиқлиги туфайли тафаккур мустақиллигига турлича аҳамият берилган.

Биринчи йўналишни Н.А.Менчинская раҳбарлигида амалга оширилган тадқиқотлар ташкил қилади. Улар тафаккур фаолиятини уч томондан ўрганадилар: биринчидан, тафаккур фаолиятининг маҳсулотлари, яъни ўқувчилар эгаллайдиган билимлар, тушунчалар тадқиқ қилинади. Иккинчидан, ўқувчининг тафаккур жараёнлари, учинчидан, ўқувчида шаклланган ва билимларни эгаллаш жараёнига таъсир қиладиган тафаккур фаолиятининг хусусиятлари кабилар. Ушбу муаммони ишлаб чиқишда ўқувчи шахсий фикрлаш жараёнларини бошқарувчи ва тартибга солувчи таълимнинг объектигина эмас, балки субъекти бўлиб ҳам кўзга ташланади. Муаллифлар воқелик билан боғлиқ ҳолда ўқувчиларда тафаккур фаолиятининг маҳсулдор усуллари ёки йўлларини шакллантириш муаммосига алоҳида эътибор бердилар. Муаллифлар тафаккур билан амалий ҳаракатларнинг ўзаро муносабатлари турли шаклларга эга эканлигига аҳамият қаратадилар: Н.А.Менчинскаянинг таъкидлашича, ижодий ва оқилона фикр юритиш малакасини шакллантиришнинг маҳсулдор усулини ўрганиш учун кенг йўл очилди. Маълумки, бу муаммони **Д.Н.Богоявленский, Э.Н.Кабанова - Меллер, С.Ф.Жуйков** ва бошқа муаллифлар тадқиқ этганлар. Иккинчи йўналиш **П.Я. Галперин** ва унинг шогирдларининг ақлий ҳаракатларни босқичма-босқич шакллантириш назариясида ифодаланган. Бу гуруҳ олимларининг фикрича, алоҳида олинган фикр психик ҳодиса сифатида “...ички ақлий режага ўтказилган, кейинчалик ички нуткка айланган предметли ҳаракатдир”.

Л.А. Ростоветскаянинг экспериментал тадқиқотларидан маълум бўлишича, “ўзи” учун фикр ва бошқалар учун фикр” бир-биридан тубдан фарқ қилади. Фикрни объективлаштириш уни субъективлаштиришга нисбатан муҳим ва мураккаб босқичдир.

Учинчи йўналиш **Д.Б. Эльконин ва В.В. Давидовларнинг** тадқиқотларида кузатилади. В.В. Давидов ўқув дастурларини тузишнинг анъанавий усулларини танқид қилиб, уларга киритилган таълим мазмуни ва

методлари оқилона билимнинг маҳсулдор шаклларини эмас, эмпирик тафаккур асослари ва қоидаларини ўқувчиларга сингдириш мужассамланганлигини таъкидлайди. Буларга қарама-қарши ғоя сифатида муаллиф “умумий мазмундан фикран хусусийликка” тамойили бўйича ўқувчиларда тафаккурнинг замонавий илмий-техникавий типини, яъни уларда назарий тафаккурни шакллантирувчи дастурларни тузишни зарур деб ҳисоблайди.

Муаллифнинг мактаб таълимида назарий тафаккурнинг ролини оширишга интилиши юқори баҳога лойиқ.

Тўртинчи йўналиш – психологияда кенг тарқалган таълимот бўлиб, ижодиёт муаммоларини таҳлил қилишга қаратилгандир. Ҳозирги даврда ижодий жараённинг психологик табиати ва қонуниятлари юзасидан жуда кўп баҳслар олиб борилмоқда. Психология фанида бу муаммонинг ягона ечими топилганича йўқ, лекин изланишлар ишонч ҳиссини уйғотмоқда. Ижодиёт инсонлар учун муайян маҳсулот олишга, жамият тараққиёти учун фойдали моддий ва маънавий қадриятлар яратишга олиб келадиган фаолият сифатида талқин қилиш ғояси кенг тарқалган. Лекин психолог учун бундай таъриф етарли эмас, чунки бу аснода жараён эмас, балки фаолиятнинг натижаси – яратилган маҳсулотнинг янгилиги ва ўзига хослиги биринчи ўринда туради. Фаолият жараёнини психологик таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, натижалар янги бўлмаганда ҳам, ўзига хос бўлмаганда ҳам, ижод унсурлари иштирок этади. Агарда ўқувчи унинг учун янги бўлган топшириқни мустақил ҳал қилса, мавжуд билимларини қайта қурса, ўзгартирса, дарсликлар ёки бошқа билиш манбаларини ўрганишда, объект билан ўзаро таъсир ўтказишда янги билимларни мустақил равишда ўзлаштирса, бундай билиш фаолиятини ижодий деб аташ мумкин. Жаҳон фанининг гносеологик таълимотига кўра, ижод 2 хил бўлиши мумкин: а) ижод “бошқалар учун кашфиёт” сифатида, б) ижод “ўзи учун янгилик” сифатида. Биринчи ҳолатда натижа ижтимоий аҳамият касб этса, иккинчи ҳолатда эса натижа бундай хусусиятга эга эмас.

Ижодий жараён мураккаб психологик табиатга эга эканлиги туфайли дастлаб ижод психологиясида санъат ва адабиёт соҳасида ишлайдиган кишиларнинг фаолияти ўрганилган (бадиий ижод), холос. Ҳозирги даврда тадқиқотчилар томонидан янги ғояларнинг ишлаб чиқилиши маҳсули йўсинида таърифланадиган илмий ижодиёт жараёнининг қонуниятлари, мезанизмлари, феноменологияси муваффақиятли ўрганилмоқда.

Я.А. Пономаревнинг тадқиқотлари интуиция (ички ҳис, ичдан ҳис қилиш) моҳиятини ёритишга имкон берувчи субъектив шароитларни аниқлашга ёрдам беради. Муаллиф субъектив шароитлар қаторига муаммонинг мавжудлигини, вазифани ҳал қилишга мос бўлмаган усулларни тугатиш, муаммога қизиқишни сақлаган ҳолда ечим учун мавжуд усуллар яроқсизлигига ишониш, ижоднинг биринчи босқичларида муаммонинг қисқартирилиши ва схемалаштирилиши кабиларни киритади. Шундай қилиб, Я.А. Пономарев тадқиқотларининг аҳамияти шундан иборатки, у ичдан ҳис қилиш (интуиция) механизмини экспериментал ўрганиш

зарурлиги ва мумкинлигини кўрсатди. Интуиция қонуниятларини билишга асосланган ҳолда, ўқитувчи таълим жараёнида фараз вужудга келтириши, илҳомланиши, ижодий вазиятлар ва психологик ҳолатлар яратиши мумкин.

А.Н. Лукнинг таъкидлашича, “ижодий қобилиятга эга бўлиш” ва ижодий фикрлаш бир хил нарса эмас, чунки унда ўз қобилиятларидан фойдаланиш, уларни амалга ошириш истаги ҳам мавжуд бўлиши зарур. Ижодий имкониятлар жамоада ижодга “муҳит мавжудлигига, янги ғоялар қанчалик юқори баҳоланишига, анъанавий ва урф бўлган тасаввурлар чегарасидан четга чиқа олишга боғлиқдир. Мактабда ижодий муҳит фақатгина қизиқувчанликни шакллантириш, янгича фикрлаш, бир хил бўлмаган ечимларни топиш билангина яратилмайди. Янги ва ўзига хос нарсани идрок қилишга тайёргарликни, бошқа одамларнинг ижодий ютуқларидан фойдаланишни, амалиётга татбиқ этишга интилишни тақозо этади.

Турли ёшдаги ўқувчиларда мустақил ижодий тафаккурни шакллантириш ҳамда ривожлантиришнинг асосий воситаларидан бири – бу муаммоли вазиятларни яратиш жараёнидир. Фанда муаммоли таълимнинг назарияси ва амалиёти яратилган, Жумладан, **В.Окон, А.М. Матюшкин, И.Я. Лернер, М.И. Махмутов** ва бошқаларнинг муҳим татдқиқотлари муаммоли таълимга бағишлангандир. **А.М. Матюшкин** муаммоли деганда, шундай вазиятни назарда тутадики, бунда субъектда янгиликни очиш объектнинг номаълум хусусиятларини, қонуниятларини кашф этиш эҳтиёжи пайдо бўлади. Субъект билан объект психологик ўзаро таъсир ўтказиш типини акс эттиради. Муаммоли вазиятда номаълум ҳолат иккита кўрсаткичи билан тавсифлайди: 1) нисбий янгилик даражаси; 2) умумлаштиришнинг нисбий кўрсаткичи. Муаммоли вазиятни инсон субъектив равишда “қийинчилик”, “тўсиқ” воқелик сифатида ўз бошидан кечиради. А.М. Матюшкин муаммоли вазиятни 4 хил моделга ажратади:

Хулқ-атвор модели – субъект билан унинг кўзланган мақсади ўртасидаги тўсиқ мавжудлиги туфайли у ўз олдига қўйган мақсадига бевосита эриша олмаган шароитда вужудга келадиган тафаккурдан иборатдир. Буларга мос тарзда муаммони ҳал қилиш тўсиқни енгиш ёки кўзланган мақсадга эришишда айланма йўлни топишда мужассамлашади. Бу хилдаги муаммоли вазиятларда тўсиқни енгишга имкон берадиган ақлий ҳаракат усуллари топилиши мақсадга мувофиқдир. “Тушунишни талаб қиладиган вазиятлар”да инсон зарур тузилмани аниқлашга ёрдам берадиган баъзи муносабатларни топиши лозим. Бундай вазиятларда инсон шахсий ҳаракат тамойилини мужассамлаштирувчи қонунни, муносабатни, хусусиятни топиши жоиз. Ҳаракатнинг янги тамойилини топиш эса фикрлаш предмети “тузилишини” ташкил қилади.

Муаммоли вазиятнинг эҳтимолли модели – қўйилган топшириқни ҳал қилиш учун қулай ҳаракатни танлашни амалга оширувчи тафаккурни эҳтимолий жараён сифатида тушунишдан иборатдир. Муаммоли вазиятларнинг таҳлил қилинаётган типи “ҳа - йўқ” тамойилига асосланиб қарор қабул қилишнинг барча вазиятларида муайян аҳамият касб этади.

Тафаккур жараёнининг зарурлигини белгилайдиган тўсиқ сифатида ақлий ҳаракатларнинг мавжудлигини ифодаловчи бир-бирига қарама-қарши усуллар намоён бўлади. Муаммоли вазиятларнинг информацион моделида эса тафаккурнинг асосий акти – инсон томонидан янги маълумотларни, билимларни ва ҳаракатларни эгаллаш ҳамда уларни қайта ўзгартириш жараёнлари гавдаланади. Бу моделдан фойдаланиш натижасида В.П.Паламарчукнинг таъкидлашича, муаммоли таълимни амалиётга татбиқ қилишдан олдин ўқитувчи ўқувчига тўғри фикрлашни, яъни мустақил фикрлаш мазмуни ва шаклини тушунтириши зарур. Муаллифнинг фикрича, таълим жараёнида ўқувчиларни фикрлашга ўргатиш – бу уларнинг табиий хусусиятларини ҳисобга олиш, улар тараққиётининг методологик ва психологик асосларига таяниш, ўқишнинг операционал ва мотивацион жиҳатларини бир даврда ҳисобга олган ҳолда ўқув фанлари мазмунини ўзлаштиришни таъминлашдан иборатдир. В.П.Паламарчук ўқувчиларда умумилмий фикрлаш кўникмалари ва малакаларини ривожлантиришнинг дастурини ишлаб чиқади. Дастур қуйидаги асосий кўникмалар ва малакаларни секин-аста мақсадга йўналтирган ҳолда ривожлантиришни ўз ичига олади:

- Таҳлил қилиш (анализ) ва муҳим белгисини ажратиш.
- Таққослаш.
- Умумлаштириш ва системалаштириш.
- Тушунчаларга таъриф бериш ва тушунтириш.
- Конкретлаштириш.
- Исботлаш ва инкор этиш.
- Муаммоли таълимда зарурий кўникмалар.

Сўнгги йилларда ақлнинг танқидийлигини ривожлантириш муаммоси бир қатор тадқиқотларда ўрганилмоқда. **А.С. Байрамовнинг** докторлик диссертацияси кичик мактаб ўқувчиларида тафаккур танқидийлиги ва мустақиллигини ривожлантириш муаммосига бағишланган. Муаллиф тафаккур танқидийлигини муаммони ҳал қилишнинг қулай усулини топишга йўналтирилган шахс қобилияти сифатида тушунади. Мустақил фикрлашдан фарқли ўлароқ, тафаккур танқидийлиги, муаллифнинг фикрича, кўпинча ақлий тажриба жараёнида ва вазифани ҳал қилишнинг сўнгги босқичида, яъни усуллар тизими ичидан энг тўғрисини, ечимга айнан мос усулни танлаб олишда намоён бўлади. А.С. Байрамовнинг фикрича, ақлнинг танқидийлиги теварак-атрофдаги ҳодиса ва предметларда янги ҳамда оригинал жиҳатларни аниқлашда, шунингдек, вазифани ҳал қилишнинг қулай усулини топишда муҳим роль ўйнайди. Лекин муаллиф танқидийликни “ақлий ҳаракатлар ичида” таҳлил қилганлиги туфайли “субъект - субъект” алоқалари ёритилмай қолган, шунинг учун ҳам тадқиқотда танқидийлик шахснинг хислати даражасига кўтарилмаган.

А.И. Липкина ва **Л.А. Рибак** ақлнинг танқидийлигини фақатгина ақлий фаолият доирасида эмас, балки шахс хислати сифатида ҳам ўрганадилар. Улар ақлнинг бу хислатини ўқувчиларнинг установкалари ва

эътиқодлари билан боғлайдилар ва уни шахснинг ўзини-ўзи англаши доирасида таҳлил қиладилар. “Субъектнинг ўзига йўналтирилган танқидийлигини одатда у ёки бу шаклда ўзини-ўзи баҳолашни ўз ичига оладиган ўзини-ўзи танқид қилиш сифатида тавсифлаш мумкин”. Таълим жараёнида кичик мактаб ўқувчиларида ақлнинг танқидийлигини шакллантириш муаммосини ўрганишга Н.А. Менчинская раҳбарлигида бажарилган **В.М. Синелников**нинг тадқиқоти бағишланган. Тадқиқотнинг асосий мақсади – ўзгаларнинг фикри орқали ўзини-ўзи танқид қилишни ривожлантиришдан иборатдир. Ўзини-ўзи танқид қилиш шахснинг барқарор хислати сифатида ўқувчининг олдинги тажрибасида юзага келган психологик хусусиятлари билан кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ўзбекистонда ўтказилган қатор изланишларда ҳам мустақил тафаккур муаммосига асосан педагогик психология нуқтаи назаридан ёндашув мавжуд.

М.Г. Давлетшин ўқувчиларда мустақил тафаккур ривожланишига катта эътибор беради. Унинг ёзишича, “Ҳозирги мактабнинг асосий вазифаси таълим методларини, ўқувчиларнинг фикрлашини тараққий эттириш методларини такомиллаштиришдир. Мактабнинг вазифалари ҳақида гап борганда кишининг ҳозирги фанни, ҳозирги ижтимоий-сиёсий муносабатларни тушуниб олишга анча мос тушадиган тафаккур савиялари ҳақида тўхталиб ўтиш мумкин. Бу талабларга тафаккурнинг илмий-назарий (диалектик) савияси жавоб беради”.

К.Турғунов Психология терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғатида (1975) тафаккур мустақиллигини назарий ва амалий масалаларни ўзгаларнинг ёрдамисиз ҳал қилишдан иборат ақл сифати деб таърифлайди. **Э.Ғ. Ғозиев** Ўзбекистонда тафаккур психологиясини кенг ёритган олимлардан биридир. Муаллифнинг фикрига кўра, инсон тафаккури ўзининг мустақиллиги жиҳатидан мустақил ва номустақил тафаккурга ажратилди. “Тафаккурнинг мустақиллиги деганда, кишининг шахсий ташаббуси билан ўз олдига конкрет мақсад, янги вазифалар қўя билиши, улар юзасидан амалий ва илмий характерда фараз қилиши, натижани кўз олдига келтира олиши, қўйилган вазифани ҳеч кимнинг кўмагисиз, кўрсатмасисиз ўзининг ақлий изланиши туфайли турли йўл, усул ва воситалар топиб, мустақил равишда ҳал қилишдан иборат ақлий қобилиятни тушуниш керак”.

Тафаккурнинг мустақиллиги ақлнинг серташаббуслиги, пишиқлиги ва танқидийлигида намоён бўлади. Ақлнинг серташаббуслиги деганда инсоннинг ўз олдига янги муаммо, аниқ мақсад ва конкрет вазифалар қўйишини, ана шуларнинг барчасини амалга оширишда, ниҳоясига етказишда, ечимини қидиришда усул ва воситаларни шахсан ўзи излаши, ақлий зўр бериб интилиши, уларга тааллуқли қўшимча белги ва аломатларни киритишдан иборат босқичларнинг намоён бўлишини назарда тутамиз. Ақлнинг пишиқлиги вазифаларни тез ечишда, ечиш пайтида янги усул ва воситаларни тез излаб топишда, уларни саралашда, ана шу усуллар ва воситаларни ўз ўрнида аниқ қўллашда трафаретга айланган усул, эски йўл, усуллардан фориғ бўлишда ва бошқа жараёнларда ифодаланади.

Ўзининг ва ўзгаларнинг мулоҳазаларини чин ёки чин эмаслигини текшира билиш ва намоён бўлган мулоҳазалар, муҳокамаларг, муаммоли вазиятга баҳо беришда ақлнинг танқидийлиги объектив ва субъектив равишда ифодаланиши мумкин. Мазкур сифат инсонни баҳолаш ва ўз-ўзини баҳолаш каби тафаккурнинг индивидуал хусусияти билан боғлиқ равишда намоён бўлади. Агар танқидийлик оқилона муҳим белгиларга, муаммо моҳиятини тўғри очилишига асосланиб амалга ошса, бундай танқидийлик объектив танқидийлик деб аталади. Мабодо тафаккурнинг танқидийлиги субъектив хатоларга, умуман, субъективизмга оғиб кетса, бундай ҳолда субъектив танқидийлик дейилади. Субъектив танқидийлик салбий оқибатларга олиб келади, шунингдек, инсонлар ўртасида “англашилмовчилик ғови”ни вужудга келтиради, икки шахс ўртасида кутилмаганда зиддиятлар пайдо бўлади. Мақсад, муаммо ва вазифалар ўзга шахс томонидан қўйилиб, тайёр усул ва воситаларга таянган ҳолда ўзга кишиларнинг бевосита ёрдами билан амалга оширилиши жараёнида бир оз иштирок этган тафаккур номустақил тафаккур деб аталади. Номустақил тафаккурли кишилар тайёр маҳсулотлар қулига айланадилар.

В.М. Каримова, Р.И. Суннатова, Р.Н. Тожибоевалар биз кўтарган муаммони фикрни тарбиялаш, мантиқийлик, ижодий тафаккур ва мустақил фикрни ифодалаш муаммоларини уйғунлаштирган ҳолда ёритиб бердилар. Бирор нарса рўй берган, юз бераётган воқеа ёки ҳодиса хусусида миямизда пайдо бўлаётган туйғуларимиз – фикрдир. Фикрларни тартибга солиш, уларни ўз ўрнида ишлатиш ва бошқариб туришга жавобгар бўлган жараённи психологлар фикрлаш ёки тафаккур деб атайдилар. Инсон ҳаётини фикрсиз, фикрлашсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Муаллифлар фикрнинг ижтимоий моҳиятини очиб берадилар: “фикрлашни жамиятга боғлиқ ҳодисадир, дейиш мумкин”. Тасаввур қилинг: Сизда бирор муаммо ёки масала юзасидан фикр мавжуд, яъни мустақил фикрингиз бор. Бу фикр сизга жуда маъқул ва уни сиз мантиқан асосланган, деб ҳисоблайсиз. Агар шундай ишонч, ҳаттоки, эътиқод бўлса, сиз албатта, кимлар биландир уни ўртоқлашиш эҳтиёжини сезаётганлигингизни англайсиз. Агар унинг “пишиб етилганига” бироз бўлса ҳам иккилансангиз, бу фикрни бировга айтмай қўя қолиш ёки жуда яқин кишингиз билан ўртоқлашишга интиласиз. Демак, пайдо бўлган янги фикр одамни бошқалар билан мулоқотда бўлишга, улар билан ўртоқлашишга ундайди. Айни шу жиҳати фикрлашнинг ижтимоийлигидан дарак беради. Муаллифлар ёшларга мустақил фикрлашни ўргатиш бўйича турли машқлар тўпламини ишлаб чиққанлар. Бундан ташқари, улар мустақил фикрлаш сифатларини ҳам ажратиб кўрсатдилар:

Элементар тафаккур жараёнларининг шаклланганлиги, яъни таҳлил қилиш, синтез, таққослаш, муҳим жиҳатини ажратиш;

Тафаккурнинг фаоллиги, унинг эркинлиги, яъни ностандарт ғояларнинг туғилиши жараёнидаги эркинлик ва бир ғоядан иккинчисига ўтишдаги эгилувчанлик;

Тафаккурнинг ташкилланганлиги ва мақсадга йўналганлиги, бошқача

қилиб айтганда, ҳар бир инсон томонидан ўзини тафаккур қилиш ёки фикрлаш жараёнларига хослигини англаш ва уни назорат қилиш.

В.Каримова ўзининг қатор мақола ва рисолаларида шахснинг жамиятдаги мавқеи ва ундаги юксак инсоний фазилатларнинг фикрлаш жараёнидаги мустақил мавқеига боғлиқлиги муаммосига жамоатчилик диққат-эътиборини қаратиб, “Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури” талабларини бажариш жараёнидаги таълим ислоҳотларида, энг аввало, ўқувчилар ва талабаларнинг мустақил фикрлашлари учун шарт-шароитлар яратиш ва бунда энг аввало, ўқув фаолияти кечадиган ижтимоий психологик муҳитнинг етакчи ролини таъкидлайди. Бошқа томондан, “ўзини англаган, билган, ҳаётда ўз ўрнини топа олган одамнигина миясига фикр келади, тафаккур қилади ва қолаверса, у бу фикрларини ўзгаларга изҳор қилиб, етказиши ҳам мумкин бўлади” (ўша манба). “Қандай фикрлаш” муаммосига диққатни қаратган муаллиф, аслида фикрлашни илк ёшликдан шакллантириш лозимлигини таъкидлайди ва унинг мезонларига эътибор беради. “Агар болада ёшликданоқ, ҳар бир нарса ва ҳодисанинг ўзига хос томонларини кўра олиш, ижодий ёндашув бўлса, демак, унинг тафаккури ижодий, эгилувчан, мослашувчан бўлиб, айнан шуларда мустақил тарзда мулоҳаза юритиши кузатилади. Ижодкорлар тунд ва консерватив фикрлилардан фарқли, яна турли зиддиятлар, онгда ўрнашиб қолган эскича қарашларни инкор қилиш, керак бўлса, ундайлар билан талашиб-тортишишга мойил бўладилар”. Демак, тарбияланган ва мустақил фикр учун В. Каримованинг фикрича, “муҳит керак, бу муҳит, албатта, болага бевосита таъсир кўрсатади”. Тобеликни чегараловчи ижтимоий психологик муҳитни аудиторияда шаклантириш учун ўқитувчи мунозара методларидан кенг фойдаланса бўлади. “Эркин фикр алмашишнинг бўлиши муҳокама қилинаётган муаммо бўйича гуруҳ аъзоларининг фикрлашлари жараённи тезлаштиради ва уларнинг фаол позицияда бўлишларини тақозо этади. Мунозарага киришувчиларнинг фазовий ва психологик ҳолатлари бир-бирлариникига яқин бўлса, шахсда сўзлаш, ўз фикрини мустақил баён этиш эҳтиёжи пайдо бўлади”.

Шундай қилиб, эркин, холисона, соғлом, оқилона фикр алмашинуви шароити ва муҳитининг яратилиши ўсмир ва ўспиринларда лўнда, равон, мантиқий тилда сўзлаш малакасини ўстиради. Муҳит хусусидаги яна бир фикр шуки, шахс ҳар қандай шароитда, ҳамманинг олдида ҳам эркин гапиравермайди. Айниқса, шарқ психологияси ва одоб нормалари шундайки, кичкина ёшдаги каттанинг, бола ўз ота-онасининг, ўқувчи ўқитувчининг олдида ҳар қандай фикрни мулоҳазага қўявермайди, чунки бу воқелик шарқ хулқ-одобига зид, деб баҳоланади. Шунинг учун ҳам шундай шахслараро муносабат муҳитини яратиш керакки, одамдаги унчалик даражада аҳамиятли бўлмаган фикрни ёки ғояни ҳам қўллаб-қувватловчи “ўзгалар”нинг мавжуд эканлигига эришиш керак. Чунки ҳар қандай одам ўз фикрининг тўғрилиги ва асосли эканлигига ишонч ҳосил бўлсагина, у фикрини эркин баён эта олади. “Демак, - деб таъкидлайди В. Каримова, - тарбияловчининг маънавий қараши, фикр алмашиниш жараёни суҳбатга

нисбатан ижобий установкалар мустақил фикрлашнинг энг мақбул шароити ҳисобланади”.

Э.З. Усманова тафаккурнинг энг муҳим тавсифи – бу тафаккур билан нутқнинг энг яқин ўзаро боғлиқлигидир, деб кўрсатиб ўтади. Муаллифнинг фикрича, у ёки бу фикр қанчалик ўйланган бўлса, у сўзлар орқали оғзаки ва ёзма нутқда шунчалик аниқ ва мантиқий ифодаланади. Аксинча, қандайдир бир фикрнинг сўзлар ёрдамида шаклланиши қанчалик такомиллаштирилган бўлса, шу фикрнинг ўзи шунчалик аниқлашади ва англаниб борилади. Агар биз ўқувчилар тафаккурини ривожлантиришни хоҳласак, унда улар нутқини ўстиришимиз, уларнинг ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилишга ўргатишимиз, ҳатто асослаб бера олиш, бошқача қарашларни эшита билиш, унда ўзининг “ўринли ҳиссасини қўшишга, ўринли танқид қила билишга, мунозараларга ўргатишимиз керак”.

Р.И. Суннатова фикрлаш фаолиятининг индивидуал-типологик хусусиятларини ўрганиб, бу хусусиятлар қаторига мустақил ёки мустақил эмаслик, ўзини-ўзи баҳолашда конструктивлик-деструктивлик, фикрлаш фаолиятида қарор қабул қилиш бўйича шахслараро таъсир ўтказиш ҳолатларида конфликтлик - конформлик кабилар киришини таъкидлаган.

Шундай қилиб, мамлакатимиз психологлари ҳам тафаккур жараёни бўйича олиб бораётган изланишларида, энг аввало, фикрлашнинг англанганлик ва ижтимоийлик тамойилларига кўпроқ эътибор қаратган ҳолда мустақил, эркин фикрлай олиш қобилияти ижтимоий муносабатларга боғлиқлигига эътибор бермоқдалар ва бу хулоса диққатга сазовордир.

Ижтимоий фаолиятда мавжудлиги каби мустақил фикрлашга алоқадор бўлган билиш фаолиятида ҳам операцион-техник томон ижтимоий хулқ томони билан қўшилиб кетади, яъни субъект-объект муносабати (субъектнинг объект билан ўзаро ҳаракати) “субъект-субъект” муносабатига айланади ва бу катта амалий аҳамият касб этади. Шахснинг билув фаолиятини ўрганишда мураккаб ўзаро муносабатнинг бу икки тури аниқланибгина қолмасдан, балки унинг тадқиқот усулини эътиборга олиш мақсадга мувофиқ. Ягона фаолиятнинг бу икки томонини бир-биридан ажратган ҳолда ўрганиш билиш фаолиятининг такомиллашуви, тараққиёти, қонуниятлари ҳақида ҳаққоний маълумотлар олишга имкон бермайди. Бир томондан, шахснинг билиш фаолиятини предметнинг ўзи билангина ўрганиш хато, бошқа томондан, муомала механизмини билиш омилидан ажратиб ўрганиш ундан ҳам қийин. Билиш фаолиятининг гностик (билиш) ва мулоқот жиҳатлари ўзаро чамбарчас боғлиқ эканлиги учун ягона фаолиятнинг бу икки жабҳасидан биргаликда фойдаланиш зарур. Ана шундай диалектик ривожланиш фикрга ҳам тааллуқли бўлиб, мустақил фикрлашнинг сифати, самараси ва даражаси бевосита фикрловчини ўраб турган ижтимоий борлиқ ва ундаги муомала мароми, услубига боғлиқ.

Фикрнинг шаклланиши жамият ва табиатда идрок этилаётган воқеа ва ҳодисаларни баҳолаш, “кўр-кўрона” унга ишониш ёки ақл-идрок билан англашнинг нисбатидан келиб чиқади. Фикр ва эътиқоднинг ривожланиши билиш жараёнида муҳим омил ҳисобланади, чунки ўқувчида фикрнинг

пайдо бўлиши чуқурроқ билимга эҳтиёжни ҳосил қилади, бу эса ўз навбатида, шахснинг жисмоний ва ақлий кучларини фаоллаштиради, мотивлар, ирода ва ақлий ҳаракатларнинг бирлигини таъминлайди, яъни шахс мустақил равишда ўзини-ўзи бошқаришга ундовчи ва бажарувчи омиллар бирлигини кафолатлайди.

Тафаккур мустақиллигини ривожлантиришда ўқув фаолиятининг гуруҳий шаклларига катта аҳамият берилади, лекин бунда шахснинг индивидуал фаолияти, фикр ва ҳаракатлари бетакрорлигининг роли ҳам пасайтирилмайди. Яъни, одам ўзи ёлғиз бўлганидан кўра, одамлар орасида, гуруҳий баҳсларда ўзида мустақил фикрлаш қобилиятини ўстириши мумкин. Ўсмирлик ёшининг муҳим хусусияти шундаки, бу даврда фаол, мустақил ижодий тафаккурнинг таркиб топиши бошланади. Ўсмирлик ёши ана шундай тафаккурнинг шаклланиши учун сензитив даврдир. Ўқувчилар олдида ҳал қилиниши лозим бўлган муаммо, масала юзага келган вазиятдагина уларда мустақил фикрлаш ўса бошлайди. Шунинг учун ўқитувчи ўсмирлар билан олиб борадиган машғулотларини мураккаблиги турлича бўлган муаммоларни мустақил равишда ҳал қилишга қизиқиш уйғотадиган тарзда уюштириши лозим.

Бу даврда, айниқса, ўсмирлар учун ўртоқлари билан дарсда ва дарсдан ташқари вақтларда бўладиган мулоқот муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам устозлар, мураббийлар, ота-оналар айни шу даврда уларнинг кимлар билан, нима хусусида баҳс юритишларига эътибор беришлари ҳамда бу ишларни бошқаришлари жоиз.

Ваҳоланки, ҳозирги даврда мактабларда асосий эътибор хотирани ривожлантириш, шу орқали айрим олинган фанларда кўтарилган мавзулар бўйича айрим алоҳида тушунчаларни эсда олиб қолиб айтиб беришга қаратилган. Афсуски, бевосита фикрни ривожлантириш, унинг ностандарт, эгилувчан сифатларини ўстиришга кам эътибор берилгани туфайли, ҳар бир синф, академик гуруҳнинг оз миқдордаги аъзолари мустақил фикрлаган ҳолда ўз фикрларини бемалол ўзгаларга узата оладилар.

Зеро, тафаккур мустақиллиги – бу шахснинг жамиятдаги мавқеи ва ижтимоий борлиқ моҳияти юзасидан ўзлаштирадиган билимлари, муомала жараёнида юзага келадиган ҳукмларининг шахсий фикр ва эътиқод даражасида идрок этилишидир.

З.Т. Нишановнинг таъкидлашича, тафаккур мустақиллиги – бу шахснинг билимларни ўзлаштириш жараёнида вужудга келадиган ҳукмларнинг шахсий фикрига ва эътиқодига узатиш қобилиятидир. Тафаккур мустақиллиги феномени ўз тузилишига кўра ҳукм, фикр, эътиқод бирликларидан иборат. Мустақил фикр ривожланганлигининг мезонлари қуйидагилар:

А) Ўзининг ва “ўзгаларнинг” фикрини танқидий баҳолашда шахснинг тажрибаси, ўзга шахснинг фикрини тушуниш қобилияти, унинг фикридаги мантиқни пайқаш, рақибнинг фикрларини ўз фикрлари билан таққослай олиш, муайян хулосага келиш.

Б) Шахснинг ўзгалар билдираётган фикрнинг мазмун-моҳияти билан

ташқи (маъқуллаш, сўзга қўшилиш) ва ички (ҳақиқатан ҳам руҳан тўла қўшилиши) келишуви.

В) Баҳслашувчиларнинг ўзаро мулоқот жараёнида фикрий қарама-қаршиликларни “ҳис қила олиш” ва унга муносиб жавоб беришга тайёрлик.

Г) Тафаккур жараёнида назарий ва амалий умумлаштиришнинг нисбий маромига эришиш.

Д) Диққат тўпланишида намоён бўладиган ақлий функцияларнинг ихтиёрий бошқарилиши.

Э) Ақлий ташаббускорликнинг ривожланиш даражаси.

Юқорида таъкидланган мезонлар асосида фикрлашнинг оригиналлиги таркиби махсус психологик тадқиқотларда (З.Нишонова, 2001, 2002) ўрганилди ва айрим хулосаларга келинди. Хусусан, гуруҳнинг юлдузлари – лидерлари, пешқадамларининг мустақил ижодий фикрлаш қобилиятлари бошқалардан фарқли ўлароқ, юқори бўлиши исботланди. Чунки синфнинг аълочиси, пешқадами, ижтимоий психологик мавқеи юқори ўқувчиларининг ўзига ишончи ва билимдонлиги шахсий фикр-муносабатларини эркинроқ баён этишга имкон яратади. Мустақил, ижодий фикр ва шахснинг гуруҳда тан олиниши орасидаги боғланиш ҳам ўрганилган. Тадқиқотлардан маълум бўлишича, мустақил, ижодий фикри юқори шахслар бу гуруҳнинг тан олинган аъзолари ҳисобланади. Агар шахс ўзининг гуруҳ аъзолари томонидан ижобий қабул қилинаётганлигини сезса, унда шундай ички руҳий куч, қудрат пайдо бўладики, “бу куч” унда мустақил, ижодий фикрни баён этишнинг устувор мотивига айланади.

Агарда ўқитувчиларда ижодий тафаккур ривожланган бўлсагина, у ўқувчиларда ҳам ижодий фикрни шакллантира олади, чунки ҳар бир ўқитувчи ўз услуби билан ўзига мансуб тоифадагиларни шакллантиради.

Мустақил фикрлаш билан креатив, ностандарт тафаккур оригиналлиги ўртасида тўғри пропорционал боғланиш мавжуд бўлиб, ўспиринларда креатив тафаккур оригиналлиги қай тарзда шакллантирилса, уларда мустақил фикрлаш ҳам шунчалик ривожланади.

Ўқувчи ва талаба ёшларда мустақил фикр юритиш малака ва кўникмаларини ҳосил қилиш учун ўқитувчи билан ўқувчилар ўртасида муносабатлар ўзгариши, билим олувчи эса таълим жараёнининг фаол субъектига айлантирилиши лозим. Буни татбиқ этишнинг психологик шартлари, омиллари ва мезонлари мавжуд бўлиб, уларга:

- таълим берувчи катталар ўқувчини қандай бўлса, шундайлигича иқтидорли, лаёқатли деб тасаввур қилишга, тан олишга ўрганмоқлари керак;

- мактаб, лицей, мактаб, институт ва университетларда дифференциал ёндашувни амалга ошириш зарур, керак бўлса, таълим олувчининг лаёқати, қобилияти, йўналишини ҳисобга олган ҳолда билим, кўникма ва малакаларига биноан талаблар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ;

- янги таълим масканларида янги ўқув технологияси жорий этилиши мақсадга мувофиқ, бунда ўқувчиларга ҳурмат, уларнинг фикри ва юксалишига эътибор билан қараш зарур;

- гуруҳ фаолиятини мазмунли ташкил этиш, яъни мунозара, диалог,

ўйин, тренинг методларидан кенг ва ўринли фойдаланиш ўқувчиларга кўпроқ фикрларни вужудга келтириш учун шароитни яратиш лозим.

Тадқиқотларда мустақил фикрлаш ва шахснинг ўзини-ўзи баҳолаш ўртасидаги боғланиш ҳам тадқиқ этилди. Маълум бўлишича, гуруҳнинг тан олинган аъзолари ўзларини-ўзлари юқори баҳолайдилар, лекин уларда мустақил ижодий фикр кўрсаткичи ҳам юқоридир. Гуруҳдан ажралиб қолган аъзолар эса ўзларини-ўзлари гуруҳий баҳолашга қараганда юқори баҳолайдилар, бинобарин, уларда мустақил, ижодий фикрлаш ҳам қуйи ривожланишга эга.

Демак, шахснинг жамиятдаги ўрни ва салоҳияти, обрўси ва манфаатдорлиги, ўзгаларга таъсир кўрсата олиши ундаги мустақил фикрлай олиш қобилияти билан бевосита боғлиқ. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, маданиятимизнинг, бизни ўраб турган ижтимоий борлиқнинг ҳосиласи эканмиз, объектив, субъектив вазиятларга боғлиқмиз ва бошқаларнинг шахслараро муносабатларида бизга кўрсатаётган таъсирлари комида бўламиз. Ўсмир ва ўспиринлар ёки диний ақидапарастларнинг ўзларини тўла англамаган ҳолда турли хил бемаъни чақириқларига қўшилиб кетишини, терроризмнинг манфур ҳаракатларини, жиноятга етакловчи воқеаларни биз айнан вазиятнинг ҳукмида амалга ошганлигини биламиз, худди шу боис асосий вазифа – шахсни шундай шакллантириш керакки, у вазиятдан ҳам кўра, ўзининг дунёқараши, эътиқоди, шахсий қарашини у ёки бу фрустрацион ҳолатларга ёки низоли вазиятларга қарши қўя олиш имкониятига эга бўлсин. Албатта, фикрлашда ҳам индивидуал фарқлар мавжуд. Фикрлашни билиш – бу инсоннинг ақлидир.

Ақлнинг қуйидаги сифатларини ажратиш мумкин:

Мазмундорлик (бойлиги, чуқурлиги, ҳукмга бойлиги).

Фикрлашнинг кенглиги (кенг ва тор) ва чуқурлиги, назария ва амалиётнинг узвийлигига боғлиқдир. Амалиёт ҳукмнинг тўғрилиги мезонидир.

Фикрлашнинг мустақиллиги – умумий тажрибани қўллай олиш, шахсий фикрга эга бўлиш, тажрибага муносабат билдириш.

Ақлнинг ташаббускорлиги.

Ақлнинг эгилувчанлиги, вазифани стандарт ечишдан қочиш.

Ақлнинг танқидийлиги, ўз ишини аниқ баҳолай олиш, уни ўлчаш.

Ақлнинг маҳсулдорлиги.

Фикрнинг кетма-кетлиги.

Тафаккурнинг тезлиги.

Ақл ҳақида айрим олимлар ва арбобларнинг фикрлари келтирилган.

“Улуғ ақл эгалари ўз олдиларига мақсад қўядилар, қолган одамлар ўз истаклари ортидан эргашадилар” (Вашингтон Ирвинг).

“Ақл – бу яхши ташкил этилган билимлар тизимидир” (К.Д. Ушинский).

Юқорида айтиб ўтилган барча сифатлар ёш ўзгаргани сари ўзгариб боради. Ижодий ишда фикрлашнинг мустақиллиги ва танқидийлиги зарур бўлиб, у ақлий фаолиятнинг маҳсулдорлигини

таъминлайди.

15.4 §. КЎНИКМА ВА МАЛАКАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.

Ўқувчилар билимларни ўзлаштирибгина қолмай, хилма-хил кўникма ва малакаларни ҳосил қиладилар. Малака машқ қилиш натижасида юзага келадиган хатти-ҳаракатларнинг автоматлашган усулидир. Физиологик жиҳатдан малака бош миянинг катта ярим шарлари пўстлоғида ҳосил бўлиб, вақтинчалик нерв боғланишларининг барқарор тизими функциясини таъминлайди. Динамик стереотипларни яратиш шароитлари бир вақтнинг ўзида автоматлашган акт билан мураккаб аналитик-синтетик фаолиятни юзага келтиради. Малакалар кишининг билим ва кўникмалари асосида таркиб топади. Малака ҳосил бўлишининг дастлабки босқичида унинг ҳар бир қисми ўйланган ҳолда, диққат билан бажарилади. Малакалар шаклланиб борган сари уларни бажаришга нисбатан назорат камайиб боради. Шунинг учун ҳам маълум бир фаолиятни амалга оширишда малакаларнинг аҳамияти каттадир. Малакалар ҳаракат турларига қараб қуйидаги турларга бўлинади:

-ҳаракат малакалари;

-сенсор малакалар;

- ақлий малакалар.

Малакаларнинг нерв-физиологик асоси динамик стереотиплардир. Бунинг натижасида нафақат малакалар, балки кўникмалар ҳам юзага келади. Шахсда малакалар шаклланишида қуйидаги қонуниятлар кўзга ташланади:

Малака ҳосил бўлишининг нотекис жараёни. Бу машқларнинг эгри графигида намоён бўлади.

Малакаларнинг кўчиши. Ижобий малакаларнинг янгилари шаклланишига таъсири кўчиш дейилади. Малакалардаги салбий таъсир эса интерференция деб аталади, бунда эски малака янгисининг шаклланишига халақит беради.

Малаканинг прогрессив ва регрессивлиги – малака узоқ вақт давомида хизмат қилиши учун ундан фойдаланиш лозим. Акс ҳолда деавтоматлаштириш юзага келиб, зарур ҳаракатлар ўз тезлиги, янгилиги, аниқлиги ва автоматлаштирилган ҳаракатларни таъминловчи хусусиятларини йўқотади.

Кўникма – инсоннинг илгариги тажрибалари асосида муайян фаолият ёки ҳаракатни амалга ошириш қобилияти. Кўникмалар амалий фаолиятга, билимларни амалда қўллай билишга оид фаолиятнинг таркибий қисмидир. Кўникма фаолиятнинг мақсади ва шароитларига мутаносиб равишда ҳаракатни муваффақиятли бажариш усулларидир. У ҳамиша билимларга асосланади, маҳорат (малака)нинг негизи ҳисобланади. Кўникма мазмунан амалий (жисмоний) ва ақлий, шаклан оддий ва мураккаб турларга ажратилади. Амалий кўникмалар меҳнат фаолиятини амалга оширишга, ақлий кўникмалар билим олишга, уни ўзлаштиришга йўналтирилган бўлади.

Кўникмаларни билим билан адаштирмаслик лозим, чунки билимлар воқелик тўғри акс эттирилган ҳукм (мулоҳаза)ларда ифодаланади. Кўникмалар эса кўпроқ ақлий ва жисмоний ҳаракатларда мужассамлашади. Кўникма экстериоризация қилишни, билимларнинг жисмоний ҳаракатга мужассамлашувини тақозо этади. Унинг бошланиш нуқтаси ахборотнинг юксак даражада, яъни онгда қайта ишланишидан иборатдир. Амалий ҳаракатларнинг ана шу юксак даражадаги фаолияти натижалари билан йўналтириб турилиши эса унинг якунини ташкил этади.

Кўникма ва малакалар хатти-ҳаракат услуби бўла туриб, маълум фаолият турига қараб ишлаб чиқариш, ўқув, ижтимоий, спорт, ташкилий, техник фаолият, илмий фаолият, санъат соҳасидаги кўникмалар ва бошқалар бўлиши мумкин. Лекин, барча фаолият турларида қўлланиладиган кўникма ва малакалар мавжуд: булар – ҳаракат, сенсор, ақлий кўникма ва малакалардир. Ҳаракат кўникмаларига жисмоний меҳнат, спорт ва ўқув кўникмалари (хат ёзиш, тез ўқиш ва ҳоказо) киради.

Сенсор кўникма ва малакаларга ўлчов, ёруғлик, овоз, символик маълумотларни тез ва тўғри қабул қилиш билан боғлиқ бўлган ва бошқариш марказларида такрорлаб боришлар киради.

Аклий кўникма ва малакаларга кузатиш усуллари, малакаларни ривожлантириш, оғзаки ва ёзма ҳисоб-китобни ишлаб чиқиш, ҳаракатларга йўналтириш, китоб билан ишлаш, архив материалларини йиғиш, илмий тажриба ўтказиш ва ҳоказо. Малакалар машқ қилиш натижасида юзага келади, яъни бунда мақсад сари йўналтирилган (доимий) қайтариш мустаҳкамлашга олиб келади ва самарали усуллар асосида қайта-қайта қайтарилиши амалга оширилади. Инсон томонидан эгалланган кўникма ва малакалар янги кўникмаларни шакллантиришига таъсир кўрсатади.

Одатларнинг инсон маданий ва ахлоқий хулқида аҳамияти катта. Одатлар билим, кўникма ва малакалар асосида таркиб топиб, улардан фарқли ўлароқ, ижобий ҳамда салбий бўлади. Масалан, меҳнатсеварлик одати ижобий, дангасалик одати салбийдир. Одатнинг физиологик асослари бош мия ярим шарлар қобиғида ҳосил бўлган динамик стереотиплардир.

Таълим бошқариладиган жараён бўлиб, бунда ҳар бир боланинг ҳаракати қадамма-қадам назорат қилинади, ўқитувчи ҳар бир босқичда ўқувчининг билимлари, малакаларини ўзлаштириш ҳақида ахборот олиб туради, янги материал аввалги материални ўзлаштиришга қараб тақдим этилади.

15.5 §. ЎҚУВ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШ.

Ўқув фаолиятини бошқариш ўз-ўзини бошқаришнинг таркибий қисми бўлиб, мустақил билим олиш, ижодий фикрлаш сари ўқувчиларни етаклайди. Ўқув фаолиятини бошқаришнинг таркибий қисмлари режалаштириш, ўзини назорат қилиш, билишга қизиқишдан иборат бўлиб, ўзаро бир-бири билан алоқада ҳукм суради. Ўқув фаолиятини

бошқаришнинг таркиблари умумлашган таълимий усуллар ёрдами билан ўқувчилар томонидан ўзлаштирилади. Улар ўзига хос хусусиятлари, фаоллиги, кўлами, самарадорлиги, суръати билан тафовутланишига қарамай, бир-бирларини тақозо қилади. Бошқарув бу шундай йўналтирувчи кучки, у инсонлардаги ижодий потенциал имкониятларини оладиган шароитларни юзага чиқаришни мақсад қилиб қўяди. Шундай экан, ўқитувчининг таълим-тарбия жараёнини тўғри ва оқилона бошқара олиши ўқувчи шахси камолотида ниҳоятда каттадир.

Фаолиятдан кутиладиган натижа психологияда мақсад дейилади. Ўқув жараёнининг бошқарилиши иккита асосий мақсадни кўзда тутади. Улардан биринчиси, ўқув жараёнини тўғри ташкил эта олиш, иккинчиси эса ўқувчиларнинг шахсий қизиқиш ва эҳтиёжларини қондиришдир. Ана шу мақсадлар бошқаришнинг вазифаларини белгилаб беради. Демак, ўқув жараёнини бошқаришнинг:

биринчи вазифаси ташкилий бўлиб, ўқувчиларнинг таълим ва тарбияси бўйича ижтимоий буюртмаларни қондириш;

иккинчи вазифаси бевосита ўқувчининг қизиқиш ва талабларини қондиришга йўналтирилган ҳолатдаги ижтимоий вазифадир. Шунингдек, бу вазифа ўқувчиларни кўтаринкилик, яхши кайфият ва ўқув жараёнидаги ишчанликни юзага келтиришни ҳам ўз ичига олади. Афсуски, кўп йиллар давомида бошқаришнинг шу ижтимоий вазифасига жуда кам эътибор берилган. Бошқарувнинг иккинчи вазифаси бу ижтимоий-психологикдир. Бу вазифа ўқувчиларда самарали фаолият учун зарур бўлган ижтимоий-психологик ҳолат ва хусусиятларни ривожлантиришга қаратилган. Бу ҳолат ва хусусиятлар ўқувчиларни ўзаро жипслаштириш, назорат, ўз-ўзини бошқариш, шунингдек, мустақил таълим олишларини ривожлантиришдан иборат.

15.6 §. ЎҚИТУВЧИ ФАОЛИЯТИ УСЛУБИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Фалсафий, ижтимоий, педагогик, психологик адабиётларни ўрганиш “услуб” тушунчасининг юқори даражадаги умумий, фанлараро даражага эга эканлигини кўрсатди. Услуб деганда, ўз фаолиятини ташкил қилишда энг самарали усул ва йўл-йўриқлар тизими тушунилади. Услуб тушунчаси мазмунини аниқлаштириб: “индивидуал фаолият услуби”, илмий фикрлаш услуби, янада шахсий юзага келувчи услубларга: бошқарув услуби, муносабат услуби, ўзаро муносабат услуби, педагогик мулоқот услуби, шунингдек, тарбиячининг ўзини тутиш услуби, тарбиявий қобилият услуби, дарс бериш услуби, фаолият услублари кабиларни келтириш мумкин. К.К. Платонов педагогик фаолият услубини раҳбарлик ва мулоқотнинг одатдаги шакллари, фаолият мотивлари, шахс динамик функционал тузилиши жараёний хусусиятлари иерархиясининг интеграциявий намоён бўлиши деб тушунтиради. Бошқарув услуби тушунчаси остида бошқарувчининг жамоа олдига қўйган вазифалар спецификасига

асосланган, бошқарув воситаларининг ўз ўрнида ва мақсадли қўллашини, қўл остидагиларга таъсир қилиш тизими тушунилади.

Мулоқот услуби – ўзаро таъсирнинг ҳар қандай шартларида намоён бўладиган: шахсий ёки расмий муносабатларда, бошқарув ва бола тарбиялаш услубида, қарор қабул қилиш ва низоларни ҳал этиш, инсонларга таъсир этиш усулларини танлашда инсон мулоқотининг индивидуал, турғун шаклда намоён бўлишидир.

Биз учун "Индивидуал фаолият услуби" тушунчасини ажратиб олиш муҳим ҳисобланади. Замонавий психологияда индивидуал фаолият услубининг яхлит концепцияси мавжуд (В.С. Мерлин, Е.А. Климов ва бошқалар). Ушбу термин илк бор В.С. Мерлин томонидан аниқ шахс хусусияти ва ўзаро муносабатининг объектив талаблари фаолиятини чуқур тушуниш сифатида ишлатилган. Муаллиф индивидуал фаолият услубини "ўзаро боғлиқ бўлган ҳаракатлар ёрдамида аниқ натижаларга эришиладиган мақсадга мувофиқ тизим"ни тушунади.

Ўқитувчи фаолияти услуби ҳақида гап кетар экан, бу ўринда дарсни бошқариш услуби ҳақида ҳам тўхташ лозим. Бошқарув услуби бошлиққа хос бўлган, қўл остидагиларга таъсир қилишнинг йўллари тизимидир.

Бошқарув услуби тўғрисидаги таклифни К.Левин ўз ходимлари Р.Липпит ва Р.Уайт билан (1939) болалар жамоасини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятларни ўрганиб чиқиб киритган. Улар томонидан бошқарувнинг икки томони: қарорлар мазмуни ва уларни амалга ошириш техникаси ажратиб кўрсатилган.

Бошқарув услубининг бир нечта классификацияси мавжуд бўлиб, кенг тарқалгани К.Левин ифодалаган услубларга бориб тақалади. Унга кўра учта педагогик бошқарув услублари: авторитар (автократик), демократик ва либерал услублар ажратилиб кўрсатилади.

К.Левин тадқиқотларида авторитар услубдаги бошқарувда демократик услубга қараганда кўпроқ ишнинг бажарилишига эришилади, лекин мотивациянинг паст бўлиши, гуруҳда дўстона кайфият, мустақил фикрлаш бўлмаслиги исботланган. Муаллиф авторитар услуб ҳукм сурган жамоада бошлиққа нисбатан ҳам, бошқаларга нисбатан ҳам тажовузкорлик намоён бўлишини алоҳида кўрсатади.

Фаолият услуби бўйича систематик тадқиқотларни В.С. Мерлин ва унинг ҳамкасби Е.А. Климов (1969) ишларида кўриш мумкин. Е.А. Климов бўйича фаолият услуби кўп томонлама намоён бўлади: бу ҳаракатларнинг амалий усуллари, фаолиятни ташкил этишнинг психологик усуллари ва психик жараёнлар. Муаллифнинг айтишича, умуман олганда, индивидуал услуб деганда, маълум инсон фаолиятини бошқалардан фарқ қилувчи, шахсий хусусиятларидан келиб чиққан белгилар тизими тушунилади. Таълимнинг асосий вазифаси – инсон индивидуал хусусиятларига мос келувчи ўз фаолият услубини топишга ёрдам беришдир. Тадқиқот ишимиз ҳам шу вазифани бажаришга қаратилган. Юқорида индивидуал фаолият услуби ҳақида фикр юритдик. Энди ўқитувчи фаолият услублари ва уларнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Тадқиқотчилар К. Маркова ва А.Я. Никонова ўқитувчи фаолияти индивидуал типологиясига қарашларни ишлаб чиқиб, қуйидаги ўқитувчи фаолияти индивидуал услубларини аниқладилар: ҳиссий-тайёргарликсиз, ҳиссий - режали, фикрий - тайёргарликсиз ва фикрий - режали услублар. Тадқиқотчи Д.Р. Тураева томонидан олиб борилган изланишлар натижасида педагогларнинг самарали фаолият услуби, хавотирли фаолият услуби, мослашувчан фаолият услуби, доминант фаолият услуби, ҳиссий-турғун фаолият услуби, ижтимоий фаолият услуби, масофа сақловчи (дистант) фаолият услуби, ҳукмрон фаолият услуби деб номланган услублар аниқланган ва уларда шахснинг ижтимоий-психологик хусусиятлари тавсифланган.

Такрорлаш ва муҳокама қилиш учун саволлар:

1. Ўқув фаолияти ва унинг элементлари нималардан иборат?
2. Таълим жараёнида билимларни ўзлаштириш нимага боғлиқ?
3. Ўқиш мотивлари ва мотивацияга изоҳ беринг.
4. Ўқув фаолияти мотивациясининг манбаларига нималар киради?

“Психология” фанидан синов тест саволлари

Психика ва унинг намоён бўлиш шакллари:

А) психик жараёнлар, психологик холатлар, шахснинг темпераменти;

Б) психик жараёнлар, психологик холатлар, шахс характери;

В) психик жараёнлар, психологик холатлар, кобилият;

Г) психик жараёнлар, психологик холатлар, шахс хусусиятлари.

Психик жараёнларга нималар киради?

А) сезгилар, идрок, эмоциялар, характер, иктидор;

Б) сезгилар, идрок, хотира, тафаккур, хаёл, нутқ, диққат;

В) сезгилар, идрок, тафаккур, эмоциялар, темперамент, диққат, нутқ;

Г) сезгилар, идрок, хотира, тафаккур, диққат, нутқ, қобилият.

Шахс психологик ҳолати нималарда ифодаланади?

А) эмоциялар, эътиқод, ирода, қизиқувчанлик, тетиклик, апатия, бардамлик, ишончлилик;

Б) эмоциялар, эътиқод, ирода, масъулият, тетиклик, апатия, бардамлик, ишончлилик;

В) эмоциялар, эътиқод, ирода,қизиқувчанлик, иқтидор, апатия, бардамлик, ишончлилик;

Г) эмоциялар, эътиқод, ирода, қизиқувчанлик, тетиклик, ақлий салоҳият, бардамлик, ишончлилик.

Шахс индивидуал хусусиятлари ташкил этувчиларига нималар киради?

А) йўналишлар, темперамент, қобилият, мотивлар, масъулият;

Б) йўналишлар, темперамент, характер, қобилият, мотивлар, масъулият, иш услуби, иқтидор;

В) йўналишлар, темперамент, қобилият, мотивлар, масъулият; иш услуби, иқтидор, ақлий салоҳият;

Г) йўналишлар, темперамент, характер, мотивлар, масъулият; иш услуби, иқтидор, ақлий салоҳият.

Психологияда қўлланиладиган асосий методлар:

А) кузатиш, сўроқ, тест, тажриба, ўрганиш, сўзлашиш;

Б) кузатиш, сўроқ, тест, тажриба, моделлаштириш;

В) кузатиш, анкета, тест, тажриба, сўзлашиш;

Г) кузатиш, сўроқ, тест, тажриба, интервью, ўрганиш.

Кузатиш методининг турлари:

А) ташқи, ички, эркин, стандартлаштирилган, гуруҳ ичида, гуруҳ ташқарисида;

Б) объектив, субъектив, эркин, стандартлаштирилган, гуруҳ ичида, гуруҳ ташқарисида;

В) ташқи, ички, биргаликда, стандартлаштирилган, гуруҳ ичида, гуруҳ ташқарисида;

Г) ташқи, ички, эркин, лонгитюд, гуруҳ ичида, гуруҳ ташқарисида.

Сўроқ методининг турлари:

А) оғзаки, ёзма, эркин, стандартлаштирилган;

Б) оғаки, ёзма, суҳбат, интервью, стандартлаштирилган;

В) оғзаки, ёзма, эркин, анкета, стандартлаштирилган;

Г) оғаки, суҳбат, эркин, стандартлаштирилган.

Тест методининг турлари:

А) сўров, топшириқ, проектив, оғзаки, ёзма;

Б) сўров, топшириқ, проектив, социометрик;

В) оғзаки, эркин, сўров, топшириқ, проектив;

Г) сўров, социометрик, топшириқ, ёзма.

Психологиянинг асосий йўналишлари:

А)саноат ва ишлаб чиқариш, сиёсат, оила ва никох, маориф соҳаси;

Б) саноат ва ишлаб чиқариш, сиёсат, оила ва никох, маориф соҳаси, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш;

В) иқтисодиёт, кадрлар, саноат ва ишлаб чиқариш, сиёсат, оила ва никох, маориф соҳаси;

Г) кадрлар билан ишлаш, саноат ва ишлаб чиқариш, сиёсат, оила ва никоҳ, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш.

Шахс билан жамият муносабатларини ифодаловчи йўналишлар:

А) нативизм, эмпиризм;

Б) негативизм, эмпиризм;

В) эмпиризм, конформизм;

Г) негативизм, конформизм.

Шахс билан жамият муносабатларининг ифодаланмаслиги:

А) нативизм, эмпиризм;

Б) негативизм, эмпиризм;

В) эмпиризм, конформизм;

Г) негативизм, конформизм.

Жамият ўз аъзолари хулқ-атворига нисбатан ишлаб чиққан ва кўпчилик томонидан эътироф этилган ҳаракатлар талаблари нима?

А) ижтимоий санкция;
Б) ижтимоий роль;
В) ижтимоий норма;
Г) ижтимоий установка.

Жамият ўз аъзолари хулқ-атворига нисбатан ишлаб чиққан ва кўпчилик томонидан эътироф этилган харакатларини назорат қилувчи жазо ва рағбатлантириш тизими нима?

А) ижтимоий санкция;
Б) ижтимоий роль;
В) ижтимоий норма;
Г) ижтимоий установка.

Шахснинг конкрет ҳаётий вазиятлардаги ҳуқуқ ва бурчларидан иборат ҳаракатлар мажмуи:

А) ижтимоий санкция;
Б) ижтимоий роль;
В) ижтимоий норма;
Г) ижтимоий установка.

Шахснинг айнан ўзига ўхшаш одамлар образи орқали ўзи тўғрисидаги образни шакллантириш, жонлантириш нима:

А) рефлексия;
Б) перцепция;
В) апатия;
Г) эмоция.

Шахс томонидан ижтимоий тажрибани эгаллаш ва ҳаёт-фаолият жараёнида уни ўзлаштириш жараёни:

А) рефлексия;
Б) социализация;
В) апатия;
Г) эмоция.

Шахс ижтимоийлашуви институтлари:

А) оила, боғча, мактаб, ташкилотлар, маҳалла;
Б) оила, боғча, мактаб, мехнат жамоалари, маҳалла;
В) оила, боғча, мактаб, нодавлат ташкилотлар, маҳалла;
Г) олийгоҳ, боғча, мактаб, маҳалла.

Шахснинг ижтимоий ҳодисаларни идрок этиш, қабул қилиш ва бошқалар билан муносабатлар ўрнатишга қаратилган руҳий ички ҳозирлиги:

А) маънавият, маърифат;
Б) мафкура;
В) дунёқараш;
Г) ижтимоий установка.

Оддий эҳтиёжлар асосида онгсиз тарзда ҳосил бўладиган установкалар:

А) ижтимоий установкалар;
Б) базавий ижтимоий установкалар;
В) элементар установкалар;

Г) қадриятлар тизими.

Вазиятлар таъсирида ижтимоий объектларга нисбатан шаклланадиган установкалар:

А) ижтимоий установкалар;

Б) базавий ижтимоий установкалар;

В) элементар установкалар;

Г) қадриятлар тизими.

Шахснинг умумий йўналишини белгилайдиган установкалар:

А) ижтимоий установкалар;

Б) базавий ижтимоий установкалар;

В) элементар установкалар;

Г) қадриятлар тизими.

Авлодлараро мулоқот жараёнининг маҳсули сифатида жамиятда қадр-қиммат топган нарсаларга нисбатан установка:

А) ижтимоий установкалар;

Б) базавий ижтимоий установкалар;

В) элементар установкалар;

Г) қадриятлар тизими.

Шахсга хос бўлган, жамият билан доимий муносабатни ушлаб турувчи, ўз-ўзини англаб, ҳар бир ҳаракатини мувофиқлаштирувчи энг муҳим ва умумий хусусият:

а) фаолият;

б) фаоллик;

в) хулқ;

г) ҳаракат.

Инсон фаоллигини мужассамлаштирувчи ҳаракатлар жараёни:

а) фаолият;

б) фаоллик;

в) хулқ;

г) ҳаракат.

Ташқи фаолият асосида психик жараёнларга ўтиш ҳодисаси:

а) экстериоризация;

б) интериоризация;

в) рефлексия;

г) перцепция.

Ақлда шаклланган ғояларни бевосита ташқи ҳаракатларда ёки ташқи фаолиятга кўчирилиши:

а) экстериоризация;

б) интериоризация;

в) рефлексия;

г) перцепция.

Предмет ва ҳодисалар тўғрисида яхлит образнинг шаклланишига асосланган ҳаракатлар:

а) мнемик;

б) имажитив;
в) фикрлаш фаолияти;
г) перцептив.

Ақл воситасида турли муаммоларни ечишга қаратилган фаолият:
а) мнемик;
б) имажитив;
в) фикрлаш фаолияти;
г) перцептив.

Нарса ва ҳодисаларнинг мазмун-моҳиятига алоқадор материалнинг эслаб қолиниши, эсга туширилиши ва эсда сақлаб турилиши билан боғлиғ фаолият:
а) мнемик;
б) имажитив;
в) фикрлаш фаолияти;
г) перцептив.

Ижодий жараёнларда хаёл ва фантазия воситасида онгда берилмаган нарса-хусусиятларини англаш ва хаёлда тиклаш фаолияти:
а) мнемик;
б) имажитив;
в) фикрлаш фаолияти;
г) перцептив.

Кайси фаолият турида билимлар, малака, турли кўникмалар ўзлаштирилади?
а) мулоқот;
б) меҳнат;
в) ўқиш;
г) ўйин.

Қайси фаолият турида моддий ва маънавий неъматларни яратиш ва жамият тараққиётига ҳисса қўшиш мумкин?
а) мулоқот;
б) меҳнат;
в) ўқиш;
г) ўйин.

Инсон хулқ-атвори, йуналиши ва фаоллигини тушунтириб берувчи психологик сабаблар мажмуи:
а) мотивация;
б) мотив;
в) шахсий диспозициялар;
г) эҳтиёж.

Шахсдаги у ёки бу хулқ-атворга нисбатан турган мойиллик, ҳозирликни тушунтириб берувчи сабаб:
а) мотивация;
б) мотив;
в) шахсий диспозициялар;
г) эҳтиёж.

Хилма-хил предмет ва ҳодисалар орасида керак бўлган объектни хосса ва хусусиятлари билан акс этишни таъминлайдиган психик жараён:

а) диққат;

б) идрок;

в) тафаккур;

г) хотира.

Шахс тажрибасига алоқадор ҳар қандай маълумотни эслаб қолиш, эсда сақлаш, эсга тушириш ва унутиш билан боғлиқ психик жараён:

а) сезгилар;

б) идрок;

в) тафаккур;

г) хотира.

Шахс онгининг нарса ва ҳодисаларга йўналганлигини акс эттирадиган психик жараён:

а) диққат;

б) идрок;

в) тафаккур;

г) хотира.

Инсон онгининг билиш объектлари ҳисобланмиш нарса ва ҳодислар ўртасида мураккаб, ҳар томонлама алоқаларнинг бўлишини таъминловчи акс эттириш шакли:

а) сезгилар;

б) идрок;

в) тафаккур;

г) хотира.

Шахснинг ўқиганлари асосида мушоҳада қилган билим ва ғоялари асосида юритадиган фикрлаш жараёни:

а) амалий тафаккур;

б) назарий тафаккур;

в) мантиқий тафаккур;

г) ижодий тафаккур.

Шахснинг ҳаракатлари ва ҳаёти давомида ҳосил бўладиган фикрларига асосланган тафаккури:

а) амалий тафаккур;

б) назарий тафаккур;

в) мантиқий тафаккур;

г) ижодий тафаккур.

Шахснинг кўрган-билган нарсасини айнан қандай бўлса, шундайлигича, ўзгаришсиз қайтариш ва шундай фикрлаш:

а) амалий тафаккур;

б) продуктив тафаккур;

в) мантиқий тафаккур;

г) репродуктив тафаккур.

Шахсдаги фикрлаш элементларига янгилик, ноёблик, қайтарилмаслик қўшилгандаги тафаккур:

а) амалий тафаккур;
б) назарий тафаккур;
в) репродуктив тафаккур;
г) ижодий тафаккур.

Тафаккурнинг шундай шаклики, унда нарса ва ҳодисаларга хос энг умумий ва характерли хусусиятлар акс этади:
а) ҳукм;
б) тушунча;
в) хулоса;
г) фикр.

Нарса ва ҳодисалар ўртасидаги боғлиқликни акс эттирадиган тафаккур шакли:
а) ҳукм;
б) тушунча;
в) хулоса;
г) фикр.

Фикр, ҳукм, тушунчалар ўртасидаги боғланиш асосида янги бир фикрни келтириб чиқариш:
а) ҳукм;
б) тушунча;
в) хулоса;
г) фикр.

Шахсдаги туғмалик аломатлари бор индивидуал сифатлар:
а) лаёқат;
б) истеъдод;
в) иқтидор;
г) қобилият.

Шахсдаги ниҳоятда кучли ва такрорланмас қобилият:
а) лаёқат;
б) истеъдод;
в) иқтидор;
г) қобилият.

Шахс фаолияти ва хулқининг ўзгарувчан ҳамда ҳиссий томонларини ифодаловчи индивидуал хусусиятлар мажмуи:
а) характер;
б) темперамент;
в) иродавий сифатлар;
г) қобилият.

Шахснинг борлиқ, одамлар, фаолият ва ўз-ўзига муносабатини ифодалайдиган психологик, субъектив хислатлар мажмуи:
а) характер;
б) темперамент;
в) иродавий сифатлар;
г) қобилият.

Қайси ёш даврида ўқув фаолияти мотивида сифат ўзгариши юз беради?

а) болалик даври;
б) ўсмирлик даври;
в) ўспиринлик даври;
г) етуклик даври.

. Қайси ёш даврида турли касбларга қизиқиш, келажагида ким бўлишни тасаввур қилиш юз беради?
а) болалик даври;
б) ўсмирлик даври;
в) ўспиринлик даври;
г) етуклик даври.

Ўспиринлик даврининг қайси босқичида профессионал йўналиш шаклланиб бўлади ва касб танлаш якунланади?
а) биринчи босқичи;
б) иккинчи босқичи;
в) учинчи босқичи;
г) тўртинчи босқичи.

Мулоқотнинг шахслараро муносабатларда хулқ-атворга таъсир этувчи томони:
а) интерактив;
б) коммуникатив;
в) перцептив;
г) рефлексив.

Мулоқотнинг шахслараро муносабатларда ахборот, маълумот, фикр алмашинуви томони:
а) интерактив;
б) коммуникатив;
в) перцептив;
г) рефлексив.

Мулоқотнинг шахслараро муносабатларда бир-бирларини идрок этишлари ва тушунишлари :
а) интерактив;
б) коммуникатив;
в) перцептив;
г) рефлексив.

Одам ўз ҳис-кечинмаларини нутқсиз изҳор қилмоқчи бўлса, қандай намоён этади:
а) мимика, пантомимика;
б) нутқ;
в) диалог;
г) монолог.

Ўзидаги билим, тасаввурлар орқали бошқаларнинг ҳис-кечинмаларини тўғри тушуниш қобилияти:
а) интеракция;
б) идентификация;
в) рефлексия;

г) стереотипизация.

Бошқаларнинг ҳис-кечинмаларини тушунишга мойиллик ва тайёрлик ҳолати:

а) эгоизм;

б) альтруизм;

в) эмпатия;

Г) симпатия.

Мулоқот жараёнининг кўп қиррали эканлигини қайси жиҳатлар ифодалайди:

а) шахсларнинг ўзаро таъсири;

б) шахслар ўртасида ахборот алмашинуви;

в) бир шахснинг бошқасига муносабати;

г) бир кишининг бошқасига таъсир кўрсатиши;

д) барча жавоблар тўғри.

Биринчи марта кўришиб турган суҳбатдошларнинг таассуротлари ижобий бўлиши қайси омилга боғлик:

а) вербал воситалар (нутқи, гапирган гаплари);

б) новербал воситалар (мимика, қараш, пантомимика, нутқсиз);

в) паралингвистик воситалар (йўтал, товуш, артикуляция, тўхташ).

61. Шахс учун тақлид қилиш ва андоза олиш гуруҳи тури:

а) референт гуруҳ;

б) норматив гуруҳ;

в) негатив гуруҳ;

г) қиёслаш гуруҳи.

Одамларда бевосита мулоқотда ўлиш имконияти бўлмаган гуруҳ:

а) бирламчи гуруҳ;

б) иккиламчи гуруҳ;

в) расмий гуруҳ;

г) норасмий гуруҳ.

62.Ўқитувчининг талабалар олдида дарсни баён этиши, нутқ сўзлаши:

а) диалог;

б) полилог;

в) монолог.

г) вербал

Ўкувчиларнинг фаоллигини янада ошириш, уларда ижодий қобилиятни янада ривожлантириш мақсадида гуруҳ ичида ташкил этиладиган мунозара:

а) диалог;

б) полилог;

в) монолог.

г) новербал

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ш.М.Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи // “Халқ сўзи” газетаси 2017 йил 16 январ. №11.
2. V.Karimova, F.Akramova. Psixologiya. Darslik.Toshkent-2000 y.
3. H.X.Холйигитова “Ўқувчилардаги касб мотивлари барқарорлигига гуруҳий жипсликнинг таъсири” T.: “Adast poligraf” Монография; 2021 й,
4. F.Xaydarov, N.Xalilova. Umumiy psixologiya. Darslik. Nizomiy nomidagi TDPU.Toshkent-2010 y.
5. Dusmuxamedova SH.A., Nishonova Z.T., Jalilova S.X., Karimova SH. K., Alimbaneva SH.T. “Yosh va pedagogik psixologiya” T. TDPU, 2013 .
6. G‘oziev E.G‘. “Ontogenez psixologiyasi”.-T.: Noshir. 2010/
7. Ғозиев. Э.Ғ. Умумий психологияси. Т., ТошДУ, 2010.
8. Маклаков А.Г. Общая психология: ответы на экзаменационное билеты»: Питер; Санкт-петербург; 2012.
9. Немов Р.С. Психология. Книга 1-М.: 2002.
10. Рогов Е.И. Общая психология. Курс лекций. Учебник для ВУЗ. М-2002
11. Айзенк М. Психология для начинающих. “Питер”, 2000.
12. Эббингауз Г., Бэн А. Ассоциативная психология. М 1998. Классики зарубежной психологии
13. Ғозиев. Э.Ғ. Психология методологияси. Т., 2013.
14. Дружинин В. Н. Психология общих способностей. 2-е изд. СПб.: Питер, 1999.
15. Юрчук В.В. Общая психология в схемах и моделях. Минск, 2004 .,
16. Боймуродов Н. Амалий психология. – Т., 2008.
17. Каримова В.М. Психология. Ўқув қўлланма. – Т.: Абдулла Қодирий номли халқ мероси нашриёти, 2002. – 205.
18. Антипова И. и др. Психология. Учебное пособие для студентов вузов, обучающихся по пед. специальностям. – М., 2005– 591 с
19. Немов Р.С. Психология. В 3-х кн. – М., 2005.
20. Общая психология и психология личности / под ред. А.А. Реана. – М., 2009. – 639 с.
21. Ғозиев Э.Г. Психология (Ёш даврлари психологияси). - Т.:Ўқитувчи,1995.
22. Андреева Г.А. Социальная психология. Москва: издательство Мир, 1992.
23. Каримова В.М. Тарғиботнинг психологик услублари. – Т.: Маънавият, 2000 – 16 б.
24. Маркова А.К., Никонова А.Я. Психологические особенности индивидуального стиля деятельности учителя // Вопросы психологии. – М., 1990.- № 2. - С. 62-69.
25. В.М.Каримова, Н.Х.Холйигитова Психология ўқув қўлланма,Тошкент “Иқтисодиёт” 2014. 74-87b

26. N.Xolyigitova, D.Abdumadjidova Kasbiy psixologiya O‘quv qo‘llanma Toshkent “Iqtisod -moliya” 2019-y.125-172 b.
27. Тураева Д.Р. Педагог кадрлар фаолияти услубининг психологик хусусиятлари. Т.: “Mashhur nashr”, 2019. 147-б.
28. Годфруа Ж. Что такое психология: В 2-х т. Т.1. Пер. с франц. М., Мир, 1992. -496 с. 57-80-б.)
29. Психология и педагогика. Под редакцией А.А.Радугина. Изд. «Центр»2003.
30. Гамильтон. Я.С. Что такое психология. «Питер», 2002.
31. Ананьев Б.Г. Человек как предмет познания. «Питер», 2001.
32. Дружинина В. Психология . Учебник. «Питер», 2003.
33. Бурлачук Ф. Психодиагностика. «Питер», 2002.
34. Айзенк М. Психология для начинающих. «Питер», 2000.
35. Айзенк Г. Классические IQ тестў. Москва. Изд-во Эксмо, 2004.
36. Болотова А.К, Макарова И.В. Прикладная психология: Учебник для вузов. М.Аспект Пресс, 2002.
37. Веденская Л.В, Павлова Л.А. Деловая риторика: учебное пособие для вузов. М.:ИКЦ «Март», 2004.
38. Воспитай своего лидера. Как находить, развивать и удерживать в организации талантливых руководителей. - Пер. с англ. М.:Издательский дом «Вильямс», 2002.
39. Ложкин Г.В., Повякель Н.И. Практическая психология в системах «человек техника»: Учеб.пособие.- К.: МАУП, 2003.
40. Немов Р.С. Практическая психология. Познание себя: Влияние на людей: Пособие для уч-ся. - М: Гуманит. Изд.Центр ВЛАДОС, 2003.
41. Справочник по решению кроссвордов и сканвордов . Ростов на Дону: Владис, 2002.
42. Дьюи Дж. Психология и педагогика мышления. М., Прогресс, 1998.
43. Ҳайитов О.Э., Лутфуллаева Н.Х. Психодиагностика ва амалий психология. - Т. 2005.
44. Петровская Л.А. Компетентность в обҳении. Социально-психологический тренинг. М., Университет, 1989.
45. Чалдини Р. Психология влияния. М., 2000.
46. Филипп Зимбардо, Майкл Ляйппе. Социальное влияние. СПб, 2000.
47. Маслоу А. Мотивация и личность. 3-е издание. ПИТЕР, 2008.
48. Грейс Крайг, Дон Бокум. Психология развития. 9-издание. ПИТЕР,

2008.

49. Дьяченко М.И., Кандыбович М.А., Кандыбович С.Л. сихология ўқувчилардаги касб мотивларига гуруҳий жипсликни таъсиривысшей школы. Мн.: Харвет, 2006.
50. Реан А., Бордовская Н., Розум С. Психология и педагогика. ПИТЕР, 2005.
51. Зуфарова М. Умумий психология. Дарслик. – Т., 2008

Мустақил ишлаш учун тест ва машқлар:

Шахсни ўрганиш бўйича практикум:

ЎЗИНГИЗНИ БАҲОЛАНГ	**5**	**3**	**1**	**-3**	**-5**	**ЎЗИНГИЗНИ БАҲОЛАНГ**
ОПТИМИСТ						ПЕССИМИСТ
ИШОНЧ УЙҒОТАДИГАН						ИШОНЧ УЙҒОТМАЙДИ
ОДАМЛАРНИ ТУШУНАДИГАН						ОДАМЛАРНИ ТУШУНМАЙДИ
ОДОБЛИ, ТАКТЛИ						БЕОДОБ, ТАКТСИЗ
ЭРКИН, ХУШФЕЪЛ						ТОРТИНЧОҚ
МУСТАҚИЛ						ТОБЕ
ЎЗИГА ИШОНЧЛИ						ЎЗИГА ИШОНЧСИЗ
ДАДИЛ						ЮВОШ
КИРИШУВЧАН						ПИСМИҚ
АКТИВ, ФАОЛ						ПАССИВ, ЛАНЖ
ЖОНСАРАК						ЛОҚАЙД, БЕҒАМ
ШУБҲАСИЗ						ҲАДИКСИРАГАН
ЁН БЕРУВЧИ						ҚАЙТМАЙДИГАН
АЛЬТРУИСТ ФАХМ-ФАРОСАТЛИ						ЭГОИСТ ОНГГИ ЧЕКЛАНГАН

Аввал ўзингизнинг профилингизни юқоридаги сифатлар бўйича белгилаб, чизиб чиқинг, сўнгра ўртоқларингиздан айнан шу тарзда шу схемада сизни баҳолаб беришларини илтимос қилинг. Ўзингиз чизган ва ўртоғингиз чизган профилларни бир-бирига солиштирсангиз, ўз - ўзингизга берган баҳони аниқлайсиз.

ПСИХОГЕОМЕТРИК ТЕСТ ; «КИМСИЗ : КВАДРАТ, АЙЛАНА, ТЎРТБУРЧАК, УЧБУРЧАК, ЗИГ-ЗАГ?»

Ушбу тест шахсга алоқадор бир қанча муҳим характерологик сифатларни аниқлашга имкон беради.
Тавсия этилган геометрик фигуралардан қайси бири Сизга яқинлигини белгиланг ва унга «1» рақами қўйинг. Қолганларни ҳам ёқишига қараб, 5 гача баҳолаб чиқинг.
Энди Сизга хос бўлган психологик хусусиятлар ва фазилатларни билиб олинг.
Квадрат. Ҳаётий қадриятлари: тартиб, иш, анъаналар, репутация.
Асосий психологик хусусиятлари: Ижобийлари – тартиблилик, интизом, ўз вақтида ишларни бажарадиган, озода-покиза, қонунга бўйсунувчи, меҳнатсевар, чидамли, тиришоқоқ, қатъиятли, қарорлари қатъий, сўзининг устида турадиган, ҳалол, оқил, ақл билан иш кўрадиган, босиқ, тежамкор, пишиқ.
Салбийлари - кўнглига ҳар хил фикрлар келадиган, бир ёқлама, педант, ўта талабчан, майда-чуйдага ҳам эътибор берадиган, жиддий, чидамли, қайсар, консерватив, янгиликдан чўчийдиган, фантазияси камбағал, писмиқроқ, пишиқ.
Учбурчак. Асосий қадриятлари: ҳокимият, лидерлик, амал, мавқе, ғалаба, манфаат.

Асосий психологик сифатлари: Ижобийлари – яхши лидер, ўзига масъулиятларни оладиган, ҳар нарсада асосий, моҳиятни кўрувчи, кучини сафарбар қила оладиган, ғалабага эриша оладиган, ўзига ишончли, қатъиятли, таваккалчи, ғайратли, тўғри сўз, ҳиссиётлари бой, ақлли.

Салбийлари – эгоцентрик, эгоист, назорат қилишни яхши кўрадиган, ўзгача фикрларга тоқатсиз, ишга ўта берилувчанлик, ҳар нарсадан манфаат қидирадиган, қайсар, импульсив, бешафқат, тоқатсиз, қўпол, раҳмсиз, аччиғи тез, заҳарханда.

Айлана. Асосий қадриятлар: инсонларга хизмат қилиш, оила бахти ва манфаати, болалар, мулоқот.

Асосий психологик хусусиятлари: Ижобийлари – мулоқотга эҳтиёж, киришувчанлик, ҳаммабоп, меҳрибон, ғамхўр, садоқатли, кучли ижтимоий интуицияга эга, эмпатия ҳисси кучли, бағрикенг, қўли очиқ, ҳиссиётларга берилувчан, босиқ, ювош, кечиримли, жанжалдан йироқ юрувчи.

Салбийлари: ўзгалар фикрига тобелик, бетартиб, ўта юмшоқ, талабчан эмас, қатъиятсиз, нарсаларни аямайдиган, лақма, сентиментал, кўнгли бўш.

Тўртбурчак. Асосий қадриятлари: ўзгариш, динамика, азарт.

Асосий психологик хусусиятлари: Ижобийлари – интилувчан, янгиликни қидирадиган, қизиқувчан, яхши таълим оладиган, зийрак, сезгир, ишонувчан, эмпатия хос, самимий, дадил, яхши ўйинчи.

Салбийлари: қатъиятсиз, қарорлари мавҳум, иш ва сўз бирлиги йўқ, енгилтак, ишонувчан, эмоционал беқарор, содда, ўзига баҳоси паст, ланж, унутувчан, кечиримли.

Зигзаг. Асосий қадриятлари: эркинлик, ижод, ўзгариш.

Асосий психологик хусусиятлари: Ижобийлари – янгилик, ижодга интилиш, билишга чанқоқлик, ғалаёнчи, хаёлпараст, оптимист, келажакка интилган, руҳи тетик, экспрессив, ташаббускор, ақлли.

Салбийлари: тартибсизлик, қўнимсизлик, ўзгарувчанлик, индивидуализм, ишончсиз, қонунларни бузувчи, реалистик қарашнинг йўқлиги, субутсиз, импульсив, ўзини намойишкорона кўрсатадиган, заҳар, кесатиб гапирадиган.

Юқоридаги тест ўз-ўзини таҳлил қилиш малакаларини мустаҳкамлайди ва ўзини тарбиялашга ёрдам беради.

Т. Элернинг шахснинг муваффиқиятга эришиш мотивациясини ўрганиш методикаси.

Қуйида сизга 41 та савол берилади. Сиз уларга «Ҳа» ёки «Йўқ» деб жавоб беринг.

1. Иккита вариантдан биттасини танлаш имконияти бўлганда, номаълум вақтга чўзиб ётгандан кўра биттасини тезроқ бажаришга киришган маъқул.
2. Мен 100 фоизга ишни яхши бажара олишимга ишончим бўлмаса, жуда тез аччиқланаман.
3. Мен ишлаётган чоғимда шундай бўладики, мен бутун вужудим билан унга киришиб кетгандайман.
4. Муаммоли вазият пайдо бўлганда, мен охиргилардан бўлиб, қарор қабул қиламан.
5. Агар икки кун қаторасига ишсиз қолсам, мен ўзимни қўярга жой топа олмайман.
6. Баъзи кунлари менинг ютуқларимни ўртачадан паст деб баҳолаш мумкин.
7. Мен ўзимга бошқаларга нисбатан талабчанроқман.
8. Мен бошқаларга нисбатан меҳрибонроқ ва ғамхўрроқман.
9. Мен қийин бир ишдан бош тортганимдан сўнг, кўпинча афсусланиб, ўзимни койийман, чунки биламанки, агар шу ишни қилганимда, албатта, муваффиқиятга эришган бўлардим.
10. Иш жараёнида мен бироз ҳордиқ чиқаришга муҳтож бўламан.
11. Тиришқоқлик – мендаги асосий сифат эмас.
12. Менинг ишдаги ютуқларим ҳар доим ҳам бир хил бўлавермайди.
13. Мени ўзим шуғулланаётган ишдан бошқа ишлар ўзига ром этади.
14. Мен мақташганидан кўра танбеҳ беришса, киришиброқ ишлайман.
15. Ҳамкасбларим мени ишчан одам дейишларини биламан.
16. Пайдо бўлган тўсиқлар қарорларимни қатъийроқ қилади.
17. Менинг иззат - нафсимга тегиш осон.

18. Кўтаринкиликсиз ишлаган чоғларимни тезда сезишади?
19. Ишни бажариш жараёнида мен бошқаларнинг ёрдамига таянмайман.
20. Баъзан мен ҳозир бажаришим лозим бўлган ишни кейинга қолдираман.
21. Одам фақат ўзига ишониши керак.
22. Ҳаётда пулдан ҳам муҳимроқ бўлган нарсалар кам.
23. Мен муҳим ишни бажаришим керак бўлган пайтларда бошқа ҳеч нарсани ўйламайман.
24. Мен бошқа кўпчиликка нисбатан иззатталаб эмасман.
25. Таътил ниҳоясида мен одатда ишга қайтишимни ўйлаб, қувонаман.
26. Ишлагим келган пайтларда, мен ишни бошқаларга нисбатан яхшироқ ва сифатлироқ бажараман.
27. Мен тиришиб, сидқидилдан ишлайдиган одамлар билан тез киришиб кетаман.
28. Мен бекорчилик пайтларимда, ўзимни беҳаловат ҳис қиламан.
29. Мен бошқаларга нисбатан кўпроқ масъулиятли ишларни бажараман.
30. Мен ўзим қарор қабул қилишим керак бўлганда, буни сидқидилдан яхши бажаришга интиламан.
31. Менинг дўстларим мени баъзан дангаса, деб койишади.
32. Менинг ютуқларим маълум маънода касбдошларимга ҳам боғлиқ.
33. Раҳбарнинг раъйини қайтариш бесамара иш.
34. Баъзан қандай ишни бажараётганлигингни ҳам билмайсан.
35. Ишим юришмаганда, мен бетоқат бўлиб қоламан.
36. Мен одатда ўз ютуқларимга кам аҳамият бераман.
37. Бошқалар билан ҳамкорликда ишлаганимда, менинг ишим бошқаларникидан самаралироқ бўлади.
38. Кўпгина бошлаб қўйган ишларимни охирига етказмаганман.
39. Мен иш билан унчалик банд бўлмаган одамларга ҳавас қиламан.
40. Мен ҳукмронликка ва амалга интилган одамларга ҳавас қилмайман.
41. Мен ўзимнинг ҳақлигимга ишонсам, ҳақиқатни исбот қилиш учун ҳар нарсага боришга тайёрман.

К а л и т:

Сиз қуйидаги саволларга «ҳа» деб жавоб берган бўлсангиз, 1 баллдан оласиз: 2, 3, 4, 5, 7, 8, 9, 10, 14, 15, 16, 17, 21, 22, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 32, 37, 41. Яна 1 баллдан қуйидаги саволларга «Йўқ» деб жавоб берган бўлсангиз оласиз: 6, 13, 18, 20, 24, 31. 36, 38, 39. Тўплаган балларни ҳисоблаб чиқинг.

Натижа:

1 баллдан 10 баллгача: Сизда муваффақиятга бўлган мотивация паст;

11 баллдан 16 гача: мотивация даражангиз ўртача;

17 баллдан 20 баллгача: мотивация даражангиз анчагина юқори;

21 баллдан ортиқ балл: ютуққа нисбатан мотивация Сизда жуда юқори.

Тестлар ва машқлар:

1. Қуйида сонлар қатори берилган. Ҳар бир қаторда тушириб қолдирилган сонларни топинг ва ҳар бир қатордаги сонларнинг ўзаро боғлиқлик принципини топинг.
   2 7 3 7 4 7 - 6 7

   27 30 - - 39 42 45 48 51 54

   47 43 39 35 - - 23 19 15 11

   3 6 7 14 - - 31 62 63 126 .

Тест ва топшириқлар:

Қуйида машхур олим К. Юнгнинг характер типини аниқлаш методикасини келтирдик. Берилган саволларга жавоб вариантларидан бирини танлаш керак.

Қайси бири сиз учун муҳимроқ?

а) кичиккина дўстлар давраси;

б) кўпгина ўртоқлар давраси.

Қандай китоблар сизга кўпроқ ёқади?

а) қизиқарли сюжетли;

б) одамлар руҳий кечинмалари акс эттирилган.

Ишда нимага кўпроқ йўл қўйишингиз мумкин?

а) кечикиш;

б) хатоликлар.

Агар ёмон иш қилиб қўйсангиз:

а) жуда қайғурасиз;

б) унчалик қайғурмайсиз.

Одамлар билан қандай чиқишасиз?

а) жуда тез ва осон;

б) секин, эҳтиёткорлик билан.

Ўзингизни аразкаш деб ҳисоблайсизми?

а) ҳа;

б) йўқ.

Чин дилдан кулишга мойилмисиз?

а) ҳа;

б) йўқ.

1. Сиз қандайсиз?

а) камгап ;

б) сергап.

2. Сиз очиқмисиз ёки ҳисларингизни бировлардан яширасизми?

а) очиқман ;

б) яшираман.

3. Ўз ҳис-кечинмаларингизни таҳлил қилишни ёқтирасизми?

а) ҳа ;

б) йўқ .

7. Кўпчилик даврасида бўлганда, Сиз :

а) тинмай гапирасиз ;

б) бошқаларни тинглайсиз.

8. Тез-тез ўзингиздан норози бўлиб турасизми?

а) ҳа ;

б) йўқ.

9.Бирор нималарни ташкил қилишни ёқтирасизми?

а) ҳа ;

б) йўқ.

10. Сирларингиз ёзилган кундалик тутишни хоҳлармидингиз?

а) ҳа ;

б) йўқ.

11. Бирор нарсанинг қароридан уни бажаришга тез ўтасизми?

а) ҳа ;

б) йўқ.

12. Қайфиятингизни тез ўзгартира оласизми?

а) ҳа ;

б) йўқ.

13. Ўзгаларни ишонтириб, уларга ўз фикрингизни ўтказишни яхши кўрасизми?

а) ҳа;

б) йўқ.

14. Сизнинг ҳаракатларингиз :

а) тез ;

б) секин.

15. Сиз бўлиши мумкин бўлган нохуш ҳодисалардан ташвишланасиз?
а) тез-тез;

б) баъзан.

16. Қийин ҳолатларда Сиз:
а) ёрдам сўрашга шошиласиз;

б) ҳеч кимга мурожаат қилмайсиз.

Методиканинг калити:

Жавоблар ичидаги қуйидагилар Сиздаги экстроверсияни кўрсатади: 1б, 2а, 3б, 5а, 6б, 7а, 8б, 9а, 10б, 11а, 12б, 13а, 14б, 15а, 16а, 17а, 18а, 19б, 20а. Мос келган жавоблар сонини 5 га кўпайтиринг.

0 - 35 баллар - интроверсия;

36 - 65 баллар - амбиверсия;

66 - 100 баллар - экстраверсия.

Темпераментнинг психологик хусусиятини аниқлаш тести.

Саволнинг мазмуни	ҳа	йўқ
1. Давраларда тез-тез бўлишни ёқтирасизми?		
2. Чиройли, лекин ишончсиз, ноқулай нарсаларга эга бўлишдан қочасиз?		
3. Кайфиятингиз гоҳ яхши, гоҳ ёмон бўлиб турадими?		
4. Гаплашаётганда жуда тез гапирасиз?		
5. Сизга бутун вужуд билан киришадиган, масъулиятли ишлар ёқади?		
6. Сиз миш-мишлар тарқатганмисиз?		
7. Сиз ўзингизни жуда қувноқ ва бахтли ҳисоблайсизми?		
8. Сиз бирор кийимнинг бичими, рангига тез кўникасиз ва уни бошқаси билан алмаштиришни хоҳламайсиз?		
9. Сизни қўллаб-қувватлайдиган, сизни тушунадиган одамларга муҳтожлик сезасизми?		
10. Сиз жуда тез ёзасиз?		
11. Сиз дам олиш ўрнига бирор иш ёки машғулот қидирасизми?		
12. Сизда ваъдаларни бажармаслик ҳоллари ҳам бўладими?		
13. Сизда жуда яхши, садоқатли дўстлар кўпми?		
14. Сиз машғул ишдан чалғиш ва бошқа ишга кўникишингиз қийинми?		
15. Сизни тез-тез нимагадир гуноҳкорлик ҳисси қийнайдими?		
16. Сиз шошсангиз, шошмасангиз ҳам барибир тез юрасиз?		
17. Мактабда сиз жуда қийин масалаларни ҳам охиригача ечишга ҳаракат қилардингиз?		
18. Сиз баъзан одатдагидан кўра ёмон		

фикрлаётгандай бўласизми?		
19. Сиз нотаниш одамлар билан ҳам осон тил топишасиз?		
20. Учрашув ёки суҳбатларда ўзингизни қандай тутишингизни олдиндан доимо режалаштирасизми?		
21. Сизнинг устингиздан кулишса, ёки танбеҳ беришса, жуда тез хафа бўлиб қоласиз?		
22. Гаплашаётганда, Сиз қилиқлар қиласиз?		
23. Эрталаб кўпинча сиз жуда яхши дам олиб, тетик бўлиб уйғонасиз?		
24. Сизда бировлар билишини хоҳламаган фикрлар ҳам пайдо бўладими?		
25. Бировлар устидан кулиб, ҳазиллашишни яхши кўрасизми?		
26. Бирор фикр ёки ғоянгизни бировларга айтишдан аввал уни обдон уйлаб оласизми?		
27. Тушингизга тез-тез даҳшатли нарсалар кирадими?		
28. Одатда Сиз янги материални осон ва тез ўзлаштирасиз?		
29. Сиз шу қадар фаолсизки, бир неча дақиқа ҳам тек туролмайсиз?		
30. Аччиғингиз келганда, ўзингизни бошқара олмаган ҳолатлар ҳам бўлганми?		
31. Зерикарли одамлар даврасини ҳам қизиқарли қилиш қўлингиздан келади?		
32. Унчалик муҳим бўлмаган қарор қабул қилиш учун ҳам Сиз анча ўйланасиз?		
33. Сизга ҳар нарсани юрагингизга жуда яқин олишингизни айтишган?		
34. Сизга тезлик ва чаққонлик талаб қилувчи ўйинлар жуда ёқади?		
35. Узоқ вақтгача бирор ишни ҳал қилолмай қолсангиз ҳам, барибир унинг ечимини топишга уринаверасиз?		
36. Сизда қисқа фурсатга бўлса ҳам, ўз ота-		

онангиздан аччиқланган пайтингиз бўлганми? 37. Сиз ўзингизни очиқ, мулоқотга киришувчан деб ҳисоблаганмисиз? 38. Одатда сиз янги ишга жуда секинлик билан киришасиз? 39. Сизда бировлардан камчилигингиз бордай туйғу бўлганми? 40. Сиз одатда секин ишлайдиган одамлар билан ишлашга қийналасиз? 41. Сиз кун бўйи чарчамасдан нималар биландир машғул бўла оласиз? 42. Сизда йўқотишингиз керак бўлган сифатлар бор? 43. Сизни кўпчилик беғам одам дейишади? 44. Сизга ёққан одамнинг сизга муносабати самимий бўлгандагина уни яхши дўст деб атай оласиз? 45. Сизнинг аччиғингизни келтириш осон? 46. Баҳслар пайтида сиз осонликча жавоблар топа оласиз? 47. Сиз ҳеч нарсага чалғимасдан, узоқ ва самарали бирор иш билан машғул бўла оласиз? 48. Сиз ақлингиз етмаган нарсалар ҳақида ҳам гапирган пайтларингиз бўлганми?		

Тест қуйидаги поляр сифатларни аниқлашга имкон беради: экстроверсия - интроверсия, ригидлик - эгилувчанлик, ҳиссиётга берилувчанлик - эмоционал мувозанатлилик, реакциялар темпи (тез-секин), фаоллик (паст - юқори). Ҳар бир сифат код ёрдамида аниқланади. Бунинг учун ҳар бир қатордаги «ҳа» жавобини ҳисоблаб (кодда уларнинг номерлари ёзилган), олинган натижани мос коэффициентларга кўпайтириш керак (3, 2 ёки 1 га), сўнгра шу ишни «йўқ» жавоблари учун ҳам амалга ошириш керак. Шундан кейин ҳар бир темперамент сифатини ифодаловчи сифатнинг умумий балли чиқади.

Тестнинг калити:

Темперамент сифатлари	«ҳа» жавоблар	балл	«Йўқ» жавоблар	баллар
Экстроверсия	1, 7, 23, 19, 25, 31, 37, 4, 43	3 2	2	1
Ригидлик	8, 26, 32, 2, 14, 20, 38, 44	3 2	37, 19, 46	2 1
Ҳиссий кўзғалувчан	15, 21, 33, 39, 45, 3, 9, 27	3 2 1		
Реакция темпи	4, 16, 28, 10, 22, 34, 40, 46, 17, 29, 37	3 2 1		
Фаоллик	5, 11, 17, 23, 29, 35, 41, 47, 10	3 1	38	1
Самимийлик	30, 36, 42, 48, 6, 12, 18, 25, 24	3 2 1	23	1

Ишнинг якунланиши. Шкала бўйича ўз жавобларингизнинг самимийлигини аниқланг: юқори - 13-20 балл, ўртача - 8 - 12 балл, паст - 0-7 балл. Сўнгра қуйидаги «Ўртача баҳолар ва темперамент хоссаларининг намоён бўлиши» жадвалидан фойдаланиб, ёзма равишда ўзингизни баҳоланг. Масалан, менинг темпераментим юқори экстраверсия (24 балл), ўртача эгилувчанлик (7 балл), юқори ҳиссий мувозанат (5 балл), реакциялар тезлиги темпи (14 балл), паст фаоллик (9 балл) билан характерланади, деб ёзинг.

Ўртача баҳо ва темперамент сифатларининг намоён бўлиш даражаси

экстраверсия	ригидлик	эмоц. қўзғалув-чанлик	реакциялар темпи	фаоллик
22 - 26 жуда юқори	16-23 жуда	18 - 20 жуда юқори	20 - 22 жуда тез	24 - 26 жуда

17 - 21 юқори 12 - 16 ўртача 7 - 11 юқори 0 - 6 жуда юқори интроверсия	юқори 12 - 15 юқори 7 - 11 ўртача 3 - 6 юқори 0 - 2 жуда юқори эгилувчан	14 - 17 юқори 8 - 12 ўртача 4 - 7 юқори 0 - 3 жуда юқори мувозанат лашган	14 - 19 тез 9 - 13 ўртача 5 - 8 секин 0 - 4 жуда секин	юқори 21 - 23 юқори 14 - 20 ўртача 9 - 12 паст 0 - 8 жуда паст

Интеллектингизни текширинг

Тест: «Муҳим белгиларни ажратинг ».

Ҳар бир қаторда битта сўз қавслар ташқарисида ва бешта сўз қавслар ичида берилган. Қавс ичидаги барча сўзлар ташқаридагига маълум бир жиҳатдан боғланган. Сиз аҳамиятли боғлиқликка эга бўлган иккитасини ажратинг ва унинг остига чизинг.

1.Боғ (ўсимлик, боғбон, кучук, девор, тупроқ);

2.Дарё (кирғоқ, балиқ, балиқчилар, сув, қайиқ);

3.Шаҳар (автомобиль, бино, омма, кўча, велосипед);

4.Омборхона (ҳашак, отлар, том, мол, девор);

5.Куб (бурчаклар, чизма, томонлар, тош, дарахт);

6.Бўлиш (синф, бўлувчи, қалам, бўлинма, қоғоз);

7.Доира (диаметр, олмос, илтимос, айлана, муҳр);

8.Ўқиш (кўзлар, китоб, расм, муҳр, сўз);

9.Газета (ҳақиқат, илова, телеграмма, коғоз, муҳаррир);

10.Ўйин (харита, ўйинчилар, жарима, жазо, қоида);

11.Уруш (аэроплан, пушкалар, жанг, қурол, солдатлар).

Тест: «Мураккаб аналогиялар».

Сизга мавҳум тарзда ўзаро боғланган 20 та жуфт сўзлар қатори берилган. Юқори квадратда эса «Шифр» белгиси билан 6 жуфт ўзаро боғлиқ сўзлар берилган. Пастдаги жуфтликлар ўртасидаги мавхум боғлиқликни топгач, уни юқорида квадрат ичидаги нечанчи жуфтликдаги белгига мос келишини, мос сонларни доирага олиш йўли билан белгилаш керак. Масалан, биринчи пастдаги жуфтлик «Қўрқув - қочиш», бўлиб, улар ўртасидаги мавҳум боғлиқлик квадратдаги «5» жуфтлик хоссасига тўғри келади, яъни, «Заҳарланиш - ўлим», демак, биринчи қаторда «5» сонини доирага оласиз. Шундай тартибда қолганларни ҳам давом эттиринг. Вақт - 3 минут. Тўғри топилган жавоблар сонига кўра қобилият баҳоланади.

1.Қўй - пода
2.Малина - мева
3.Денгиз - океан
4.Ёруғлик - қоронғилик
5.Заҳарланиш - ўлим
6. Душман - нияти бузуқ

1.Қўрқув - қочиш 1 2 3 4 5 6

2.Физика - фан 1 2 3 4 5 6

3.Тўғри - ҳақ 1 2 3 4 5 6

4.Эгат - чорбоғ 1 2 3 4 5 6

5.Жуфт - икки 1 2 3 4 5 6

6.Сув - жумла 1 2 3 4 5 6

7.Тетик - бўшашган 1 2 3 4 5 6

8.Эркинлик - ирода 1 2 3 4 5 6

9.Давлат - шаҳар 1 2 3 4 5 6

10.Мақтов - сўкиш 1 2 3 4 5 6

11.Қасос - ёнғин 1 2 3 4 5 6

12.Ун - сон 1 2 3 4 5 6

13.Йиғламоқ - додламоқ 1 2 3 4 5 6

14.Боб - роман 1 2 3 4 5 6

15.Сокинлик - нафас 1 2 3 4 5 6

16.Дадиллик - қаҳрамонлик 1 2 3 4 5 6

17.Салқин - қаҳратон 1 2 3 4 5 6

18.Ёлғон - ишончсизлик 1 2 3 4 5 6

19. Куйлаш - санъат 1 2 3 4 5 6

20.Сандиқча - жавон 1 2 3 4 5 6

Машқлар:

9.2. Ўз ҳаётингизда рўй берган ҳодиса ва вазиятлардан иккитасини эсланг, унда сиз ўзингизни жуда ишончли, дадил тутгансиз. Яна иккитасини эсланг; унда сиз ишончсизликни намоён қилгансиз. Шу вазиятлардаги ўз хулқингиз сабабларини тавсифлаб беринг.

9.3. Талабалик тажрибангизда бўлиб ўтган ҳодисаларнинг қай бирида сиз зиддиятга дучор бўлиб, жанжалнинг олдини ололмагансиз? Унинг сабабларини таҳлил қилинг.

9.4. Яхши тингламаганингиз учун ёки аксинча, сизни яхши тинглашмагани сабабли муомаладан кўнглингиз тўлмаган ҳолатларни эслаб, шундай ҳолатнинг бўлмаслиги учун нималарга эътибор бериш кераклигини ўртоқларингиз билан келишиб олинг.

9.5. Ўзбек классик адабиётида чиройли, маданиятли хулқни акс эттирган қаҳрамонлар ва уларнинг муносабатларини эсланг, уларга ҳозирги замон психологияси нуқтаи назаридан холис баҳо беринг. (масалан, «Ўтган кунлар», «Алишер Навоий», «Бобурнома» каби асарлар мисолида).

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ	**3**
I БОБ. ПСИХОЛОГИЯГА КИРИШ. ПСИХОЛОГИЯНИНГ ИЛМИЙ, АМАЛИЙ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ	**5**
1.1§. Психология фанига кириш	**5**
1.2§. Психология фанининг фан сифатида шаклланиш тарихи.	**17**
1.3§. Психология фанининг тадқиқот методлари	**21**
1.4§. Психология фанининг тармоқлари	**28**
II БОБ. Психологиянинг асосий йўналишлари	**39**
2.1§. Психологияда бихевиоризм тушунчаси	**39**
2.2§. Психоанализ	**41**
2.3§. Когнитив психология	**42**
2.4§. Гештальтпсихология ва гуманистик психология	**43**
III БОБ. Борлиқни билиш мезонлари	**45**
3.1§. Билиш жараёнлари ва профессионал фаолият	**45**
3.2§. Сезги ва идрок.	**48**
3.3§. Идрок қилиш қонунлари.	**56**
3.4§. Хотира ва шахс тажрибасининг бойлиги.	**67**
3.5§. Диққат	**77**
3.5§. Хаёл	**83**
3.6§. Тафаккур ва нутқ	**96**
IV БОБ. ШАХСНИНГ ПСИХОЛОГИК ХАРАКТЕРИСТИКАСИ	**123**
4.1§. Психологияда шахс тушунчаси	**123**
4.2§. Шахс ҳақидаги назариялар	**128**
4.3§. Шахс индивидуал-психологик хусусиятлари.	**135**
4.4§. Темперамент	**137**
4.5§. Қобилият	**143**
4.6§. Характер	**160**
V БОБ. ШАХС ВА ЖАМИЯТ МУАММОСИ	**179**

5.1§. Шахснинг жамиятга таъсири	**179**
5.2§. Жамиятнинг шахс ижтимоийлашувига таъсири	**187**
5.4§. Ижтимоий стериотиплар.	**197**
VI БОБ. ФАОЛИЯТ ВА МОТИВАЦИЯ	**210**
6.1§. Мотивация ҳақида тушунча	**210**
6.2§. Фаолият ва мотивация. Мотивация назариялари.	**213**
6.4§. Эҳтиёж.	**220**
VII БОБ. ЁШ ДАВРЛАРИ ПСИХОЛОГИЯСИ ВА ПЕДАГОГИК ПСИХОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ҲАМДА ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ	
7.1§. Ёш даврлари психологияси ва педагогик психология фанининг предмети ва вазифалари	**228**
7.2§. Фан сифатида ёш даврлари психологияси ва педагогик психологиянинг вужудга келиши, унинг ривожланиш тарихи ва ҳозирги ҳолати.	**231**
7.3§. Комил инсон тарбияси - Шарқ мутафаккирлари талқинида.	**235**
7.4§. Ҳозирги замон ёш даврлари психологияси ва педагогик психология фанининг асосий вазифалари	**244**
VIII БОБ. ПСИХИК РИВОЖЛАНИШ ВА ТАЪЛИМ.	**272**
8.1§. Психик ривожланиш ҳақидаги асосий назариялар	**272**
8.2§. Психик тараққиёт ва таълим ўртасидаги ўзаро муносабат	**284**
8.3§. Ёш даврлари психологияси ва педагогик психологияда ёш даврларини табақалаш муаммолари	**288**
IX БОБ. ОНТОГЕНЕЗНИНГ ИЛК БОСҚИЧЛАРИДА ИНСОННИНГ ПСИХИК РИВОЖЛАНИШИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАР	**303**
9.1§. Онтогенез давридаги психофизиологик хусусиятлар	**303**
9.2§. Инсоннинг жисмоний ва психик тараққиёт кечиши	**305**
9.3§. Илк болалик даврида психофизиологик ривожланиш	**307**
9.4§. Илк болалик даврида ақлий ривожланиш	**310**
X БОБ. МАКТАБГАЧА ЁШ ДАВРИДА ПСИХИК РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ	**316**
10.1§. Мактабгача ёшдаги болаларнинг психик тараққиёти	**316**

10.2§. Боғча ёшидаги болалар ўйинининг психологик хусусиятлари	**318**
10.3§. Боғча ёшидаги болалар билиш жараёнларининг ривожланиши	**323**
XI БОБ. КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАР ПСИХОЛОГИЯСИ	**326**
11.1§. Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг хулқ-атвор хусусиятлари	**326**
11.2§. Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг ақлий ривожланиши	**328**
11.4§. Бошланғич синф ўқувчилари шахсининг шаклланиши.	**333**
11.5§. Кичик мактаб ўқувчиларида билиш жараёнларининг ривожланиши.	**339**
11.6§. Кичик мактаб ёшдаги ўқувчиларда нутқининг ривожланиши	**348**
11.7§. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда иродавий-эмоционал ҳолатлар.	**349**
11.8§. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда индивидуал хислатлар.	**352**
XII БОБ. ЎСМИРЛИК ДАВРИ ПСИХОЛОГИЯСИ	**363**
12.1§. Ўсмирлик ёшидаги ўқувчиларнинг хулқ- атвори хусусиятлари	**363**
12.2§. Ўсмирларнинг интеллектуал ривожланиши	**369**
XIII БОБ. ИЛК ЎСПИРИНЛИК ДАВРИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ	**392**
13.1§. Илк ўспиринлик даврининг психик хусусиятлари	**392**
13.2§. Илк ўспиринлик даврида интеллектуал ва эмоционал ривожланиш	**403**
13.3§. Илк ўспиринлик даврида дўстлашиш муаммоси	**414**
13.4§. Илк ўспиринлик даврида ўз-ўзини англашнинг ривожланиши	**419**
13.5§. Илк ўспиринлик даврида ўқув касбий фаолиятнинг етакчи фаолиятга айланиши ва касб танлаш муаммоси	**425**
XIV БОБ. ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ	
14.1§. Тарбия жараёнининг психологик моҳияти, мақсад ва вазифалари	**437**
XV БОБ. ТАЪЛИМ ПСИХОЛОГИЯСИ	**452**
15.1§. Таълим жараёнининг психологик мазмуни, таркибий тузилиши	**452**
15.2§. Замонавий ўқитиш усулларининг психологик асослари	**460**
15.3§. Мустақил тафаккурни ривожлантириш	**463**

15.4§. Кўникма ва малакаларни шакллантириш	**483**
15.5§. Ўқув фаолиятини бошқариш	**486**
15.6§. Ўқитувчи фаолияти услубининг ижтимоий-психологик хусусиятлари	**487**
Тест саволлари	**482**
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	**492**

СОДЕРЖАНИЕ

ПРЕДИСЛОВИЕ	**3**
I ГЛАВА. ВВЕДЕНИЕ В ПСИХОЛОГИЮ. НАУЧНЫЕ, ПРАКТИЧЕСКИЕ И МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ПСИХОЛОГИИ.	**5**
1.1§. Введение в психологию.	**5**
1.2§. История становления психологии как науки.	**17**
1.3§. Методы исследования в психологии.	**21**
1.4§. Разделы психологии	**28**
II **ГЛАВА.** ***Основные направления психологии***	**39**
2.1§. Концепция бихевиоризма в психологии	**39**
2.2§. Психоанализ	**41**
2.3§. Когнитивная психология	**42**
2.4§. Гештальтпсихология и гуманистическая психология	**43**
III ГЛАВА. Критерии познания существования	**45**
3.1§. Когнитивные процессы и профессиональная деятельность	**45**
3.2§. Интуиция и восприятие	**48**
3.3§. Законы восприятия	**56**
3.4§. Память и личностный опыт	**67**
3.5§. Внимание	**77**
3.5§. Воображение	**83**
3.6§. Мышление и речь	**96**

IV ГЛАВА. ПСИХОЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ЛИЧНОСТИ.	**123**
4.1§. Понятие личности в психологии	**123**
4.2§. Теории о личности	**128**
4.3§. Индивидуально-психологические особенности личности	**135**
4.4§. Темперамент	**137**
4.5§. Способность	**143**
4.6§. Характер	**160**
V ГЛАВА. ПРОБЛЕМА ЛИЧНОСТИ И ОБЩЕСТВА	**179**
5.1§. Влияние личности на общество	**179**
5.2§. Влияние общества на индивидуальную социализацию	**187**
5.4§. Социальные стериотипы	**197**
VI ГЛАВА. ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ И МОТИВАЦИЯ	**210**
6.1§. Концепция мотивации	**210**
6.2§. Деятельность и мотивация. Теории мотивации.	**213**
6.4§. Потребности.	**220**
VII ГЛАВА. ЗАДАЧИ НАУКИ ПСИХОЛОГИИ И ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ПСИХОЛОГИИ ВОЗРАСТНЫХ ПЕРИОДОВ И МЕТОДЫ ИССЛЕДОВАНИЯ	
7.1§. Предмет и задачи науки психологии и педагогической психологии возрастных периодов	**228**
7.2§. Психология возрастных периодов как наука и возникновение педагогической психологии, история и современное состояние ее развития	**231**
7.3§. Совершенное воспитание человека - в интерпретации восточных мыслителей	**235**
7.4§. Основные задачи науки психологии и педагогической психологии современных возрастных периодов	**244**
VIII ГЛАВА. ПСИХИЧЕСКОЕ РАЗВИТИЕ И ОБРАЗОВАНИЕ.	**272**
8.1§. Основные теории о психическом развитии	**272**
8.2§. Взаимодействие между психическим развитием и образованием	**284**
8.3§. Проблемы классификации возрастных периодов в психологии и	**288**

педагогической психологии	
IX ГЛАВА. ОСОБЕННОСТИ, ХАРАКТЕРНЫЕ ДЛЯ ПСИХИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ ЧЕЛОВЕКА НА РАННИХ ЭТАПАХ ОНТОГЕНЕЗА	**303**
9.1§. Психофизиологические особенности в процессе онтогенеза	**303**
9.2§. Физического и психического развития человека	**305**
9.3§. Психофизиологическое развитие в раннем детстве	**307**
9.4§. Психическое развитие в раннем детстве	**310**
X ГЛАВА. ОСОБЕННОСТИ ПСИХИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ В ДОШКОЛЬНОМ ВОЗРАСТЕ	**316**
10.1§. Психическое развитие детей дошкольного возраста	**316**
10.2§. Психологические особенности игры детей дошкольного возраста	**318**
10.3§. Развитие познавательных процессов у детей дошкольного возраста	**323**
XI ГЛАВА. ПСИХОЛОГИЯ ДЕТЕЙ МЛАДШЕГО ШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА	**326**
11.1§. Поведенческие особенности детей младшего школьного возраста	**326**
11.2§. Психическое развитие детей младшего школьного возраста	**328**
11.4§. Формирование личности учащихся начальной школы.	**333**
11.5§. Развитие познавательных процессов у младших школьников	**339**
11.6§. Развитие речи у младших школьников	**348**
11.7§. Волево-эмоциональные состояния у младших школьников	**349**
11.8§. Индивидуальные качества у младших школьников	**352**
XII ГЛАВА. ПСИХОЛОГИЯ ПОДРОСТКОВОГО ВОЗРАСТА	**363**
12.1§. Особенности поведения учащихся в подростковом возрасте	**363**
12.2§. Интеллектуальное развитие подростков	**369**
XIII ГЛАВА. ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ РАННЕГО ПОДРОСТКОВОГО ВОЗРАСТА	**392**
13.1§. Психические особенности раннего подросткового возраста	**392**
13.2§. Интеллектуальное и эмоциональное развитие в раннем подростковом возрасте	**403**
13.3§. Проблема приобретения друзей в раннем подростковом	**414**

возрасте	
13.4§. Развитие самосознания в раннем подростковом возрасте	**419**
13.5§. Проблема выбора профессии и профессиональной деятельности в раннем подростковом возрасте	**425**
XIV ГЛАВА. ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО ПРОЦЕССА	
14.1§. Психологические функции воспитания, цели и задачи образовательного процесса	**437**
XV ГЛАВА. ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ПСИХОЛОГИЯ	**452**
15.1§. Психологическое содержание, структурная организация образовательного процесса	**452**
15.2§. Психологические основы современных методов обучения	**460**
15.3§. Развитие независимого мышления	**463**
15.4§. Формирование навыков и компетенций	**483**
15.5§. Управление образовательной деятельностью	**486**
15.6§. Социально-психологические особенности стиля педагогической деятельности	**487**
Тестовые вопросы	**482**
Список использованной литературы	**492**

FOREWORD	**3**
CHAPTER I. INTRODUCTION TO PSYCHOLOGY. SCIENTIFIC, PRACTICAL AND METHODOLOGICAL BASIS OF PSYCHOLOGY.	**5**
1.1§. Introduction to psychology	**5**
1.2§. The history of the formation of psychology as a science.	**17**
1.3§. Research methods of psychology	**21**
1.4§. Branches of psychology	**28**
CHAPTER II. THE MAJOR APPROACHES IN PSYCHOLOGY	**39**
2.1§. The concept of behaviorism in psychology	**39**
2.2§. Psychoanalysis	**41**
2.3§. Cognitive psychology	**42**

2.4§. Gestalt psychology and humanistic psychology	**43**
CHAPTER III. CRITERIA FOR COGNITIVE OF EXISTENCE	**45**
3.1§. Cognitive processes and professional activity	**45**
3.2§. Sense and perception	**48**
3.3§. Laws of perception.	**56**
3.4§. Memory and personal experience	**67**
3.5§. Attention	**77**
3.5§. Imagination	**83**
3.6§. Thinking and speech	**96**
CHAPTER IV. PSYCHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF THE PERSON	**123**
4.1§. The concept of personality in psychology	**123**
4.2§. Theories of personality	**128**
4.3§. Individual-psychological features of the person.	**135**
4.4§. Temperament	**137**
4.5§. Ability	**143**
4.6§. Character	**160**
CHAPTER V. PROBLEM OF PERSONALITY AND SOCIETY	**179**
5.1§. The influence of the personality on society	**179**
5.2§. The influence of society on the socialization of the personality	**187**
5.4§. Social stereotypes.	**197**
CHAPTER VI. ACTIVITY AND MOTIVATION	**210**
6.1§. Concept of motivation	**210**
6.2§. Activity and motivation. Theories of motivation.	**213**
6.4§. The need	**220**
CHAPTER VII. TASKS AND RESEARCH METHODS OF DEVELOPMENTAL PSYCHOLOGY AND PEDAGOGICAL PSYCHOLOGY	
7.1§. Tasks and subject of developmental psychology and pedagogical psychology	**228**

7.2§. The formation of developmental psychology and pedagogical psychology as a science, the history of its development and the current state.	**231**
7.3§. Education of Perfect man - in the interpretation of Eastern scholars	**235**
7.4§. The main tasks of modern developmental psychology and pedagogical psychology	**244**
CHAPTER VIII. PSYCHOLOGICAL DEVELOPMENT AND EDUCATION.	**272**
8.1§. Basic theories of psychological development	**272**
8.2§. The relationship between psychological development and education	**284**
8.3§. Problems of classification of age periods in developmental psychology and pedagogical psychology	**288**
CHAPTER IX. CHARACTERISTICS OF HUMAN PSYCHOLOGICAL DEVELOPMENT IN THE FIRST STAGES OF ONTOGENESIS	**303**
9.1§. Psychophysiological characteristics during ontogenesis	**303**
9.2§. Physical and mental development of a person	**305**
9.3§. Psychophysiological development in early childhood	**307**
9.4§. Mental development in early childhood	**310**
CHAPTER X. PSYCHOLOGICAL DEVELOPMENT IN PRESCHOOL AGE	**316**
10.1§. psychological development of preschool children	**316**
10.2§. Psychological characteristics of children's game in preschool age	**318**
10.3§. Development of cognitive processes in children of preschool age	**323**
CHAPTER XI. PSYCHOLOGY OF PRIMARY SCHOOL PUPILS	**326**
11.1§. Behavioral characteristics of primary school pupils	**326**
11.2§. Mental development of primary school pupils	**328**
11.4§. Formation of personality of primary school pupils	**333**
11.5§.Development of cognitive processes in primary school pupils	**339**
11.6§. Development of speech in primary school pupils	**348**
11.7§. Volitional-emotional states in primary school pupils	**349**
11.8§. Individual characteristics of primary school pupils	**352**

CHAPTER XII. PSYCHOLOGY OF THE ADOLESCENT PERIOD	**363**
12.1§. Behavioral characteristics of pupils in adolescence	**363**
12.2§. Intellectual development of adolescents	**369**
CHAPTER XIII. PSYCHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF YOUNG ADULTHOOD	**392**
13.1§. Илк ўспиринлик даврининг психик хусусиятлари	**392**
13.2§. Psychic characteristics of young adulthood	**403**
13.3§. Friendship problems in young adulthood	**414**
13.4§. Development of self-concept in young adulthood	**419**
13.5§. The problem of the transformation of educational professional activity into leading activity and the problem of choosing a profession in young adulthood	**425**
CHAPTER XIV. PSYCHOLOGICAL BASIS OF THE UPBRING PROCESS	
14.1§. Psychological essence, goals and tasks of the upbring process	**437**
CHAPTER XV. EDUCATIONAL PSYCHOLOGY	**452**
15.1§. Psychological content and structure of the educational process	**452**
15.2§. Psychological basis of modern teaching methods	**460**
15.3§. Develop independent thinking	**463**
15.4§. Formation of skills and competencies	**483**
15.5§. Management of educational activities	**486**
15.6§. Socio-psychological characteristics of the teacher's activity style	**487**
Test questions	**482**
List of references	**492**

МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ КИМЁ ХАЛҚАРО УНИВЕРСИТЕТИ

Н. ХОЛЙИГИТОВА, Д. ТУРАЕВА

УМУМИЙ ПСИХОЛОГИЯ АСОСЛАРИ

(Дарслик)

«ADAST POLIGRAF»
Тошкент–2023

Редактор: М. Сейфуллаев
Редактор: Ф. Закиров
Дизайнер: Б. Хайдаров

Изд. лицензия № 3988, 14.09.2020
Разрешена к печати: 25.04.2023.
Формат бумаги: 60x84 $^{1}/_{16}$. Гарнитура “Times”.
Офсетная печать. Изд. п.л. 29,25. Объем п.л. 27,20.
Тираж: 200. Договор №. 2/12.

Распечатано в типографии ООО “ADAST POLIGRAF”.
Адрес: Ташкент, Сергелийский туман, 7Г-38, 3/14.
Тел.: (90) 909-33-49.